Vehicles are classified as tourist attractions according to their different physical characteristics, but an interesting feature of the division is that they appear to be based on the nature of the tourist experience they display.

In some cities and countries, vehicles are considered an object of tourist interest and are a symbol of the image of the tourist area. These include the famous double-decker red buses in London, yellow taxis in New York, Male jeeps, Colombo hair, Bombay bikes, bullet trains in Tokyo, and the Moscow subway.


In tourism, all types of transport are used, as they perform not only a transport, but also an entertainment function for tourists. The share of certain vehicles in tourist trips, including their importance, is not the same everywhere.

If we talk about international tourism, then the share of air travel, according to the World Tourism Organization.

From 46 percent in 2000 to 59 percent in 2019, the land transport share fell from 49 percent to 35 percent over the same period (see chart).

The reason for the increase in demand for air travel today is that intercontinental travel is the fastest growing segment of passenger air travel, the increase of which will be associated with the development of world trade and the growth of the welfare of the population. Scheduled flights companies have also developed various charter programs to popular tourist destinations. Income of civil aviation enterprises (CA) generates additional turnover in related industries (aviation, fuel supply, tourism and utilities, etc.).

Although rail transport was the beginning of the development of mass tourism, its share today is very significant only in small tourist trips. The revitalization of railways, including trains known as "afrosiyab", which run at much higher speeds than regular trains on the same route using existing rails, is second only to air transport in Uzbekistan.



Picture 1. International by mode of transport in 2020 arrival of tourists.²

The use of buses and cars, which are associated with short trips, is also an important factor as it can take up a significant proportion of the total travel time and is even more important.

Close interaction between different transport systems is one of the important directions in the provision of transport services. This will allow creating multimodal stations, coordinating schedules, unifying transport services and providing comprehensive passenger services.

Ensuring the safety of passengers is the most important issue in the provision of transport services using environmentally friendly modes of transport. Due to the fact that the transportation of organized groups of tourists has some features associated with the development of routes, booking tickets, accommodation in transport, the implementation of excursion programs, travel companies have to establish close ties with transport enterprises. Due to this, different types of transport are used.

The choice of car depends on:

- selecting the travel address;
- duration of the tourist destination;
- choice of direction of travel;
- organization of the trip;
- duration of the tourist destination;
- the level of availability of information necessary for tourists;
- choice of types of transport information;
- choice of modes of transport;
- the purchasing power of travelers;
- the cost of transportation.

The uniqueness of the transport used by tourists lies in the fact that in many cases it is used not only by tourists, but also by the local population in solving everyday socio-economic problems: personal trips, cargo transportation and other purposes (Juraev, Akhmatova, 2015).

An increase in the number of travelers can pose many challenges in terms of transport infrastructure and capabilities, border crossing, intermodality, traveler information, and technology interoperability with travel service providers.

² Source: International Tourism Highlights 2020 Edition (<https://www.e-unwto.org>).

This growth requires close coordination between the various sectors involved in tourism activities. Making it easier for tourists to use public transport and encouraging them to walk or cycle frequently will help reduce the environmental impact and deal with seasonal peaks. However, the impact of long-haul transport on the environment remains an important issue. For this reason, transport systems and services themselves may be at the center of tourism activities. This includes sustainable tourism based on walking and cycling. Switzerland and Germany are increasingly promoting cycling and walking. This newly discovered type of tourism is growing significantly, and is also moving tourism from traditional urban areas to the natural areas of Uzbekistan.

The promotion of this new form of tourism requires close cooperation from local and regional authorities to provide infrastructure, services and information.

5. Conclusions and suggestions.

Transport and tourism are interconnected, and it is impossible to talk about tourism without changing the place of residence. A well-organized and regulated vehicle is an additional guarantee of tourist attraction, and only a balanced development guarantees that tourism will be provided with high-quality and efficient logistics.

Transport is an important part of tourism may have a positive or negative impact on the stay in the indicated place. Thus, transport plays an important role in the overall attractiveness of individual routes. Traveling in one vehicle or another can become a tourist attraction, and three types of transport services are also organized at a high level in Uzbekistan:

- luxury transport services;
- transport services other than regular use;
- extraordinary transportation services.

Given the fact that this type of travel is increasingly in demand among tourists, such services are a guarantee of a bright future for the development of tourism.

Today, the environmental damage caused by vehicles is on the increase, and maintaining air and water quality, and finding solutions to make travel more sustainable in the future remains a very important challenge. People try to make it as interesting and attractive as possible not only for tourists, but also for local residents, encouraging them to ride bicycles and go hiking. I can say with confidence that this is a great opportunity for the development of tourism and transport, and eco-friendly travel is just around the corner.

References:

Birzhakov M.B., Nikiforov V.I. (2007) Tourism industry: transportation / Birzhakov M.B., Nikiforov V.I. St. Petersburg: Gerda Publishing House, 528 p.

Decree (2019) of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF 5611 dated January 5, 2019 "On additional measures to accelerate the development of tourism in the Republic of Uzbekistan".

Juraev A.T., Akhmatova M.E. (2015) Prospects for the development of tourism infrastructure in Uzbekistan // Russia. Young scientist. No. 10. pp. 624-627.

Kuskov A.S., Jaladyan Yu.A. (2008) Transportation in tourism: textbook /: - M. KnoRus, 368 p.

OECD (2016) Centre for Entrepreneurship, SMEs and Local Development, as part of the Tourism Committee's Programmer of Work for 2015-2016.

Ovcharov A.O. (2009) Tourist Complex of Russia: Trends, Risks, Prospects. Moscow: INFRA-M, 280 p.

Pardaev M.Q., Isroilov Yo.J. (2011) "Some aspects of the analysis of enterprises providing road transport services", Tashkent "NOSHIRLIK YOGDUSI" publishing house.

Stephen J.P., Hall S.M., Sorupia E., Meredith J., May A., Roberts M., Lynam D., Satch (2009) Transport and tourism. Global perspectives. 3rd edition, London: Pearson education Ltd. 447 p.

Xamidov O.X. (2006) Educational technology on the subject "Organization of transport services". Tashkent. TDIU.



O'ZBEKISTON MINTAQALARIDA SUG'URTA BOZORINI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI

I.f.n. Alimjanov N.X.

"UZBEKINVEST" EISK AJ Buxoro viloyat filiali

Annotatsiya: Rivojlangan mintaqaviy sug'urta bozorining mavjudligi jamiyat iqtisodiy farovonligining asosiy shartlaridan biridir. Ushbu maqolada sug'urta bozorini rivojlantirishning hududiy jihatlari, hozirgi holati, rivojlanishining asosiy muammolari va yo'nalishlari ko'rib chiqildi.

Kalit so'zlar: sug'urta, sug'urta bozori, sug'urta xizmatlari, mintaqa.

PROBLEMS OF DEVELOPMENT OF INSURANCE MARKET IN REGIONS OF UZBEKISTAN

candidate of economics, Alimjanov N.Kh.

Head of the Bukhara branch of the company JSC "Uzbekinvest"

Annotation. The presence of a developed regional insurance market is one of the necessary conditions for the economic well-being of society. This article examines the regional aspects of the insurance market development, identifies the main problems and directions of development and examines the current state of the insurance market of the Republic of Uzbekistan. The problems of the insurance market development are determined and the ways of its development in the country are developed.

Keywords: insurance, insurance market, insurance services, region.

1. Kirish.

Sug'urta mulkiy va nomulkiy xarakterdagi salbiy hodisalar yuzaga kelgan taqdirda korxonalar, fuqarolar va davlatning moliyaviy barqarorligini saqlab qolishga imkon beradi. Zamonaviy iqtisodiyotda sug'urta mintaqaning muvozanatli rivojlanishini, uning barqarorligi va xavfsizligini ta'minlaydigan vositalardan biridir, chunki sug'urta tadbirkorlikni muvaffaqiyatli rivojlantirishga yordam beradi, uni ko'plab tabiiy, texnologik va boshqa xavflardan samarali himoya qiladi; vaqtincha bo'sh mablag'larni investitsiyaviy mablag'lar sifatida taqdim etib mintaqaviy iqtisodiyotning barqaror o'sish manbalaridan biri bo'lib xizmat qiladi. Sug'urta rivojlangan davlatlarga xos bo'lib, u investitsiya va tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish manbai hisoblanadi.

2. Adabiyotlar sharhi.

Sug'urta bozori ijtimoiy va iqtisodiy infratuzilmaning muhim elementi bo'lib, u salbiy voqealar oqibatida mulkiy, shaxsiy va boshqa manfaatlarni himoya qilish jarayonida iqtisodiy subyektlar o'rtasida yuzaga keladigan sug'urta munosabatlarini amalga oshirish mexanizmi hisoblanadi. Sug'urta bozori klassik talqinda sug'urtalanuvchilar va sug'urtalovchilarning (sug'urta kompaniyalari) sug'urta xizmatlari bilan bog'liq manfaatlarini birlashtiradigan iqtisodiy mexanizmdir. Ko'pgina mutaxassislar sug'urta bozorini sug'urta mahsulotlarini sotib olish va sotish maqsadida sug'urta tashkilotlari, jismoniy, yuridik shaxslar o'rtasida mavjud bo'lgan munosabatlarning iqtisodiy majmuasi, shuningdek, jamiyatning sug'urta himoyasini ta'minlash maqsadida sug'urta fondining mablag'larini shakllantirish, taqsimlash bo'yicha pul munosabatlarini amalga oshirishni tashkil etish jarayoni sifatida qaraydilar.

Sug'urta sohasida ilmiy izlanishlar butun dunyoda hali hanuzgacha davom etayotgan bo'lib, xorijiy olimlardan Bilbiie va boshqalar (2021) Yevropaning moliyaviy siyosati, qoidalari va sug'urtaning o'rni haqida tadqiqot olib borishgan.

Ravat va boshqalar (2021) sug'urta sohasini qo'llab quvvatlashda mexanizatsiyalashtirishning ahamiyati va o'rni, raqamlashtirish orqali erishiladigan samaradorliklar haqida tahlillar o'tkazishgan.

Yuldashev (2000) quyidagi ta'rifni taklif qiladi: sug'urta bozori - sug'urta himoyasiga bo'lgan jamoatchilik ehtiyojlarini qondirish jarayonida sug'urta qoplamasini sotib olish va sotishdan kelib chiqadigan iqtisodiy munosabatlar tizimi. Sug'urta bozorining pul yoki ijtimoiy munosabatlar sohasi sifatida ta'rifi mavjud bo'lib, unda sotib olish va sotish obyekti o'ziga xos mahsulot - sug'urta xizmati hisoblanadi.

Shixov (2000) sug'urta bozorini ya'ni sug'urtalanuvchilar (sug'urtalangan shaxslar) va sug'urtalovchilar o'rtasida yuzaga keladigan o'ziga xos iqtisodiy munosabatlar sohasi sifatida ta'riflaydi.

Alikulov (2021) sug'urta kompaniyalaridainvestitsiya portfoliosini optimizatsiya qilish yo'llari va riskni pasaytirish usullari bo'yicha izlanish olib brogan olimlarimizdan hisoblanadi.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Tadqiqotning nazariy va metodologik asoslari sifatida mahalliy va xorijiy iqtisodchilarning klassik va zamonaviy asarlarida aks ettirilgan va asoslangan sug'urta bozorini rivojlantirishning kontsepsiyalri va gipotezalari xizmat qildi.

4. Tahlil va natijalar muhokamasi.

Ta'kidlash joizki, mustaqillik yillarida mamlakatimizda sug'urta sohasiga alohida e'tibor qaratilishi natijasida O'zbekiston sug'urta xizmatlari bozori rivojlandi va mamlakat iqtisodiyotining muhim sohalardan biriga aylandi. Iqtisodiyotning sug'urta sektori quyidagi funktsiyalarni bajaradi:

- takror ishlab chiqarishning uzluksizligini ta'minlaydigan va uning nisbatlarini tartibga soluvchi bozor stabilizatori;

- hayot xavfsizligini oshirish vositasi;

- fuqarolarni ijtimoiy himoya qilish mexanizmi;

- milliy iqtisodiyotga investitsiyalarning yirik manbaidir (Jilkina, 2013).

Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasida sug'urta bozori jadal rivojlanayotgan sohalardan biri bo'lib, bozorda sug'urta operatsiyalari hajmi muttasil o'sib bormoqda, sug'urta kompaniyalari respublika iqtisodiyotida tobora muhim o'rin tutmoqda. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining ma'lumotlariga ko'ra, mamlakatimiz sug'urta bozorida 2021 yilda 42 ta sug'urta kompaniyasi, jumladan umumiy sug'urta tarmog'ida 34 ta va hayotni sug'urta qilish tarmog'ida 8 ta sug'urtalovchi, shuningdek 5 sug'urta brokeri, 5 aktuariylar faoliyat ko'rsatib kelmoqda¹.

Milliy sug'urta kompaniyalari tomonidan to'plangan sug'urta mukofotlari hajmi 2021 yilda 3 732 845 mln. so'mni, 2020 yilga nisbatan o'sish esa 68,6 % ni tashkil etgan (1-jadval).

Jumladan umumiy sug'urta tarmog'idagi sug'urta tashkilotlarining ixtiyoriy sug'urta turlari bo'yicha sug'urta mukofotlari hajmi 2 539 156 mln. so'mni va majburiy sug'urta turlari bo'yicha - 476 657 mln. so'mni tashkil etdi. Hayotni sug'urta qilish tarmog'idagi sug'urta tashkilotlarining ixtiyoriy sug'urta turlari bo'yicha sug'urta mukofotlari hajmi 691 335 mln. so'mni va majburiy sug'urta turlari bo'yicha - 25 696 mln. so'mni tashkil etdi. Umumiy sug'urta sohasi ko'rsatkichlari hududlar kesimida tahlil etilganda 2021 yilda sug'urta mukofoti Toshkent viloyatidan tashqari barcha hududlarda o'sgan. To'plangan sug'urta mukofotlarining 60,4 foizi Toshkent shahriga to'g'ri kelib 1 809 834 mln. so'mga yetgan.

¹ <https://www.mf.uz/uz/news-mf-jx/item/609-609.html>

**O'zbekiston sug'urta bozorida to'plangan sug'urta mukofotlarining ko'rsatkichlari
(2020-2021 yillar)²**

Ko'rsatkichlar	31.12.2020		31.12.2021		O'zgarish , %
	mln. so'm	jamiga nisbatan %	mln. so'm	jamiga nisbatan %	
Jami	2 213 713	100 %	3 732 845	100 %	+68,6%
Umumiy sug'urta tarmog'idagi sug'urta tashkilotlari, shu jumladan:	1 879 346	85 %	3 015 813	81 %	+60,5%
- majburiy sug'urta	338 036	15 %	476 657	13 %	+41,0%
- ixtiyoriy sug'urta	1 541 310	70 %	2 539 156	68 %	+64,7%
Hayotni sug'urta qilish tarmog'idagi sug'urta tashkilotlari, shu jumladan:	334 367	15 %	717 032	19 %	+114,4%
- majburiy sug'urta	22 903	1 %	25 696	1 %	+12,2%
- ixtiyoriy sug'urta	311 464	14 %	691 335	19 %	+122,0%

Zamonaviy sharoitda sug'urta butun mamlakat va uning hududlari barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ta'minlashning eng muhim sohasi hisoblanadi. Mintaqaviy iqtisodiyotning barqaror faoliyati uchun shart-sharoitlarni yaratishda sug'urta xizmatlari bozorining muhim roli uning rivojlanishining hududiy jihatlariga e'tiborni oshiradi. Sug'urta ijtimoiy-iqtisodiy tizimning samarali rivojlanishining tarkibiy qismlaridan biri bo'lib, u mahalliy byudjetga yukni kamaytirish imkonini beradi, hududlar iqtisodiyotiga investitsiya mablag'larining manbai hisoblanadi, xo'jalik faoliyatiga yuridik va jismoniy shaxslar mablag'larini jalb etishning eng samarali vositalaridan biridir. Mintaqalarning iqtisodiy tizimi sug'urta kompaniyalari ko'rinishidagi uzoq muddatli investitsiyalarning doimiy oqimini ta'minlovchi barqaror investorga ega bo'lib, bu o'z navbatida mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasini oshiradi. Sug'urta bozorining mintaqaviy jihatlarini o'rganishning dolzarbligi quyidagilarda namoyon bo'ladi:

Birinchidan, milliy bozor rivojlanishi bilan mintaqalarning iqtisodiy mustaqilligi ortadi. Ularning mamlakat iqtisodiy rivojlanishidagi roli, rivojlanish sur'atlarining nisbati o'zgarib boradi, sug'urta muhim ahamiyatga ega bo'lgan moliyaviy tizim shakllanadi.

Ikkinchidan, mintaqalardagi o'zaro tabiiy turli tumanlik (tabiiy-iqlim sharoitlari, ekologik vaziyat, aholining jinsi va yoshi tarkibi, shahar va qishloq aholisining nisbati va boshqalar) tufayli har bir mintaqada sug'urta xavflarining o'ziga xos tarkibi shakllanadi. Shuning uchun, hududga qarab, sug'urta portfelli o'zining mintaqaviy xususiyatlariga ega bo'lishi kerak.

Uchinchidan, hududlarning sug'urta bozori hududlarning iqtisodiy rivojlanishiga qarab farq qiladi. Sanoati rivojlangan iqtisodiy hududlarda mulkni sug'urtalash va javobgarlikni sug'urtalash kabi sug'urta sohalari ko'proq ahamiyatga ega. Tarmoqlar restrukturizatsiya qilinayotgan hududlarda, ayniqsa, moliyaviy xatarlarni sug'urta qilish muhim ahamiyatga ega (Kosolapova, 2008).

Mintaqaviy sug'urta bozorining rivojlanishiga ta'sir qiluvchi bir qator asosiy omillarni ajratib ko'rsatish lozim: sug'urta bozorining yuqori darajada konsentratsiyalashgani; aholi va tashkilotlarning sug'urta xizmatlariga bo'lgan talabning pastligi; sug'urta kompaniyalari to'grisida ishonchli ma'lumotning yo'qligi; sug'urta xizmatlaridan foydalanishda yetarlicha

² <https://imda.uz/oz/yillik-korsatkich-2021/>

tajribaning yo'qligi; aholi sug'urta madaniyatining pastligi; sug'urta bozorining rivojlanmagan infratuzilmasi; hududlarda sug'urta sohasida professional kadrlar yetishmasligi va h.z.

5. Xulosa va takliflar.

Olib borilgan tadqiqot mintaqaviy sug'urta bozorlarini shakllantirish va rivojlantirish uchun quyidagi vazifalarni hal etish zarurligini ko'rsatdi:

- rivojlanishning asosiy mintaqaviy xususiyatlari va ehtiyojlarini hisobga olgan holda mintaqaviy sug'urta strategiyalarini ishlab chiqish va qabul qilish;

- biznesni qo'llab-quvvatlash uchun mintaqaviy sug'urta dasturlarini ishlab chiqish, chunki sug'urta nafaqat sug'urta hodisalaridan zararni qoplash usuli, balki iqtisodiy sharoitlarning salbiy o'zgarishlaridan himoya qilish vositasi, soliq to'lovchilarning moliyaviy barqarorligini saqlab qolish orqali byudjet tavakkalchiligini kamaytirish usulidir. Kompaniyalarning muvaffaqiyatli faoliyati ijtimoiy sohani barqarorlashtirishga, soliq hajmini oshirishga va shuning uchun byudjetning daromad qismini to'ldirishga va mintaqaning rivojlanishiga yordam beradi.

- normativ bazani takomillashtirish va sug'urta bozorini tartibga solish tizimini institusional mustahkamlash;

- ustuvor investitsiya loyihalarini belgilash va ularda sug'urta kompaniyalarining hududiy bo'linmalari ishtirokini, ya'ni sug'urta fondlarida to'planadigan moliyaviy resurslar mintaqa iqtisodiyotiga muhim sarmoya manbai bo'lib xizmat qilishini ta'minlash;

- sug'urta madaniyati darajasini va aholining moliyaviy va sug'urta institutlariga bo'lgan ishonchini oshirish, sug'urtani ommalashtirish. Jumladan, sug'urtalovchilarni ularning ishonchiligi va moliyaviy barqarorligini aniqlash maqsadida reytinglashtirish, rasmiy manbalardagi hujjatlarning «shaffofligi»ni ta'minlash, iste'molchilarga sug'urta xizmatlari to'g'risida to'liq ma'lumotlarni taqdim etib borish.

Xulosa qilib aytganda, yuqorida sanab o'tilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish respublikamiz hududlarida sug'urta xizmatlarini kengaytirish va sifatini yaxshilash, turlarini ko'paytirish, moliyaviy jihatdan barqarorlikni ta'minlashga va natijada hududlar rivojlanishiga olib keladi.

Adabiyotlar / Литература / Reference:

Alikulov, M. (2021). The ways to optimize the investment portfolio in insurance companies. *International Finance and Accounting*, 2021(1), 6.

Bilbiie, F., Monacelli, T., & Perotti, R. (2021). Fiscal policy in Europe: controversies over rules, mutual insurance, and centralization. *Journal of Economic Perspectives*, 35(2), 77-100.

Rawat, S., Rawat, A., Kumar, D., & Sabitha, A. S. (2021). Application of machine learning and data visualization techniques for decision support in the insurance sector. *International Journal of Information Management Data Insights*, 1(2), 100012.

Жилкина, М.С. (2013) Роль страхового рынка в системе социально-экономических отношений. / Zhilkina, M.S. (2013) The role of the insurance market in the system of socio-economic relations.

Косолапова К.В. (2008) Развитие и регулирование регионального потребительского рынка страховых услуг // Финансы и кредит. № 5. С. 20. / Kosolapova K.V. (2008) Development and regulation of the regional consumer market of insurance services // Finance and credit. No. 5. S. 20.

Юлдашев Р.Т. (2000) Страховой бизнес. Словарь-справочник. М. / Yuldashev R.T. (2000) Insurance business. Dictionary reference. M.

Шихов А.К. (2000) Страхование. М. / Shikhov A.K. (2000) Insurance. M.



IMPROVEMENT OF THE METHOD OF ENSURING THE NORMATIVE VALUE OF THE COEFFICIENT OF CAPACITY UTILIZATION IN CITY BUS ROUTES

*DSc Alimukhamedov Sh.P.,
PhD Assistant professor Abdullayev B.I., Luqmonov M.M.
Tashkent State Transport University*

Abstract: *Providing transport services to the population in large cities around the world in terms of quality indicators, including issues of reaching the addresses of passengers in a favorable environment, modern solutions to the existing problems and improving the quality of service.*

Evaluation of the quality of passenger service in urban public transport has been interpreted differently by researchers. As a result of the analysis of the criteria of the world's researchers, it was found that the utilization factor of the rolling stock is an important indicator, and an integral expression related to a large number of parameters was developed. To improve the method of ensuring the normative value of the bus capacity utilization rate on the routes, the laws of correlation with the parameters affect was identified. The results were applied to the work of bus routes in Tashkent that changes were made to the timetable.

Keywords: *Transport service quality, bus, route, capacity utilization factor.*

1. Introduction.

The intensity of passenger traffic on public transport largely depends on the quality of service. If the buses on the routes deviate from the established schedule, passengers will accumulate at the stations and as a result, will not fit on the bus or will not want to get on the congested transport. The operation of buses in this mode leads to a deterioration in the quality of service.

In a study to assess the quality of service, the researchers proposed an evaluation that was linked to a variety of indicators (Ostrovsky, 1986). Evaluated the quality of public transport services concerning the use of bus capacity, the relativity of time spent by passengers, the regularity of traffic, the coefficients of variation of road accidents. Reliability of arrival to the destination following the established schedule, frequency of traffic, the probability of uninterrupted operation of the route, comfort, transport tariffs, information service parameters, and their importance are proposed in the assessment (Shabanov, 2001), based on the normative and actual time spent by the passenger, the normative and actual (current) coefficients that take into account the occupancy of the cabin, as well as the parameters of the regularity of traffic. The number of flights performed and performed according to the schedule suggested (Bolshakov, 1981). Slavina (2015) are related to the number of services provided in practice and the number of services that can theoretically be provided, as well as the time parameters required to perform the service. One of the simplest criteria is theoretically based on the time spent on travel in conditions of absolute comfort and the time spent on travel in real conditions. Litvin (2014) have a large number of coefficients, namely, relative bus occupancy, the regularity of traffic, density of transport networks, re-entry, distance use, uneven passenger flow, bus departure and dynamic rate of traffic accidents, technical, operational, and permissible. associated with velocity parameters. Chumachenko (2017) linked the complex indicator of transport service quality with the minimum and actual, minimum waiting and operating times of pedestrians, dynamic coefficient taking into account the occupancy of seats in the use of capacity, dynamic coefficients of practical and qualitative indicators of vehicle capacity. As an indicator influencing the quality and efficiency of transport services, the leveling coefficient for each known set time interval in each direction, the coefficients taking into account the frequency, the current movement intervals at each interval and at each interval according

to the approved schedule and time researched to evaluate the current and planned frequency of movement in the unit (Penshin, 2008). In Semchugova (2012), the level of service quality is assessed by a complex integrated indicator, which includes: service reliability; regularity of traffic; transportation safety; execution of the shift-daily plan; information service; transportation convenience; the possibility of using the passenger transport service and estimating its cost. Hyung Jin (2003) studied the issues of increasing the attractiveness of the streets of Seoul by providing privileges through the allocation of separate sections for the movement of directional buses. Research has also been conducted on the comfort of passenger service during operation (Eboli, Mazzulla, 2010; Litman, 2008; Eboli, Mazzulla, 2007; Shek, Chan, 2008).

2. Literature review.

According to the research, the researchers used the parameter of using the capacity of rolling stock the most often in assessing the quality of service in public transport (Abdullayev, 2019). Therefore, it is a priority to research the regulation of the use of rolling stock capacity on routes. The distribution laws of the parameters affecting the capacity utilization coefficient in urban bus routes have been studied in (Abdullayev, Nazarov, 2020).

As the level of utilization of urban public transport capacity exceeds the norm, passengers are less willing to use it. The higher the utilization rate of transport capacity for trucking companies, the higher the revenue from passenger traffic. When it comes to the quality of service, it is necessary to take into account the wishes of passengers to use public transport. For this reason, the rate of utilization of the capacity of the rolling stock on the routes should be within the norm. The coefficient of utilization of the moving content capacity in the directions is formed based on many parameters. Research has been conducted on bus stops, the number of passengers, bus delay, time, workday, public holidays, school holidays, university semester breaks, weather, cultural events, and home games of a local football club, various methods of modeling has been developed (Ohler *et al.*, 2017).

In assessing the quality of public transport services, the population was surveyed in the group of quality indicators "Quality of service" (all except transport), "Transport quality", "Capacity", "Fee" (this study also analyzed other small parameters, such as the importance of the result: flight safety, discount tickets, pre-flight information ...). The analysis of the results was in the form of "Transport quality", "Service quality", "Fee", "Capacity" (Alkharabsheh *et al.*, 2019).

According to the number of passengers per m² of the cabin, the use of bus capacity is A - very comfortable (1m² - 3 passengers), B - comfort (1m² - 5 passengers), C - full (1m² - 6 passengers), D - full (1m² - 7 passenger), very full (1m² - 7.5 passengers), F - unbearably full (1m² - 9 passengers) levels, when the level of service is between A and C, passengers can move freely on the bus and without crowds found to be a convenient location. When the service level is worse than E, there will be a clear crowd on the bus. In this case, bus inspectors should take appropriate measures to reduce congestion on buses (Zuo *et al.*, 2019).

Travel time has a significant impact on passengers 'sense of comfort. The capacity utilization factor of a bus has a significant effect on standing passengers compared to seated passengers (Shen *et al.*, 2016).

Research has been conducted on the dependence of capacity utilization coefficients on passenger traffic parameters, the average operating time of the fleet on the route, and the change in speed during movement (Fadeev *et al.*, 2019). The dependencies obtained as a result of the study allow the calculation of power utilization coefficient standards taking into account the parameters of the planned transport process. As a result, the required level of quality of the transport process will be ensured and it will be possible to organize reasonable passengers on public transport, taking into account the planned economic results (Fadeev *et al.*, 2019).

Thus, a lot of research has been done by researchers on the quality of service and its evaluation in route buses, but the studies linking the coefficient of utilization of rolling stock capacity calculated from the main parameters by many factors are insufficient. This article describes the parameters that affect the capacity utilization factor in city buses, the number of passengers carried during the day, the number of passengers per bus, the number of stops at intermediate stations, the last stop, the route, the number and capacity of rolling

stock, intermediate stations number, is devoted to improving the laws of correlation with the coefficients of passenger turnover and regularity of traffic and the method of ensuring its normative value.

3. Research methodology.

Different values have been adopted in different countries in terms of the rate of utilization of the capacity of the rolling stock in the directions. In Tashkent, it is accepted that the normative value of the bus capacity utilization rate on the routes should not exceed 0.3 during the day and not exceed 0.8 during the rush hour (Chumachenko *et al.*, 2017).

When calculating the capacity utilization factor for the bus route passing through different (central and peripheral) areas of Tashkent, it was found that it is 0.87 for "busy hours" and 0.25 for "day time". It does not meet the required (normative) value of the capacity utilization factor of buses on these routes.

In practice, the capacity utilization factor of a bus takes into account the number of passengers available in the cabin and its capacity. However, it does not give the expected result in determining the coefficient of utilization of the capacity of the rolling stock in these directions, because this indicator is formed under the influence of many parameters. Therefore, the criterion for integral evaluation of this coefficient with a large number of parameters (11) has been improved.

The results of the simulation studies were modeled using a linear multivariate function (1) and their linear coupling laws were determined (2-10). Through the multifactor regression analysis, the values of the indicators affecting the bus capacity utilization factor on the routes were determined.

$$\gamma = a_0 + a_1 Q_{day} + a_2 t_{every} + a_3 t_{weath} + a_4 t_{last.s} + a_5 t_{other.reas} + a_6 \eta_{pas.turn} + a_7 A_{work} + a_8 T_{op.time} + a_9 K_{reg.mov} \quad (1)$$

$$\gamma = 0.00000256 + 0.00000003 Q_k, \quad (\sigma=0.09) \quad (2)$$

$$\gamma = 0.127 + 0.002 t_x, \quad (\sigma=0.16) \quad (3)$$

$$\gamma = 0.219 + 0.004 t_{weath}, \quad (\sigma=0.45) \quad (4)$$

$$\gamma = 0.302 + 0.002 t_{last.s}, \quad (\sigma=0.87) \quad (5)$$

$$\gamma = 0.289 + 0.003 t_{other}, \quad (\sigma=0.79) \quad (6)$$

$$\gamma = 0.621 - 0.089 \eta_{pas.turn}, \quad (\sigma=1.22) \quad (7)$$

$$\gamma = 0.619 - 0.024 A_{work}, \quad (\sigma=1.85) \quad (8)$$

$$\gamma = 0.639 - 0.023 T_{op.time}, \quad (\sigma=1.56) \quad (9)$$

$$\gamma = 0.627 - 0.331 K_{reg.mov}, \quad (\sigma=1.85) \quad (10)$$

4. Research results.

The number of buses on the route (A_{num}), passenger turnover ($\eta_{pass.turn}$), the regularity of movement ($K_{reg.mov}$), and operating time ($T_{op.time}$) were found to be the most influential indicators of bus capacity utilization on the routes.

Graphs of correlations of the indicators that have the greatest impact on the bus capacity utilization factor on the routes (Figures 1-4).

The following comments can be made on the graphs of correlation of the indicators that have the greatest impact on the bus capacity utilization factor on the routes. To ensure that the capacity utilization factor of buses on the routes is higher than 0.3, the values of the indicators affecting it should be as follows, the number of buses operating on the routes is 13 (Figure 1); the value of the passenger turnover ratio from 3.67 (Figure 2); the time of stay of the bus on the route should not exceed 14.7-15 hours (Figure 4); the value of the coefficient of regularity should not be less than 0.95 (Fig. 3). It is also necessary to ensure that the capacity utilization rate of buses on the routes is higher than 0.3: the number of passengers per day is more than 10,200, the bus travel time is more than 67-68 minutes, the bus stop time is more than 22.5-23 seconds should be achieved. Due to the delay of the bus on the route for other reasons and the time of the last stop, the capacity of the buses on the routes reaches a value higher than 0.3.




Figure 1. Graph of the correlation of the number of buses on the route coefficient of capacity utilization




Figure 2. Graph of dependence of the coefficient of passenger interchange the coefficient of capacity utilization




Figure 3. Graph of dependence of the coefficient of regularity on the coefficient of capacity utilization




Figure 4. Graph of the dependence of the time of stay of the bus in the direction on the coefficient of capacity utilization

The results of the study were applied to the work of bus routes in Tashkent, as a result of which changes were made to the work schedules.

5. Conclusion.

The expression of the bus capacity utilization coefficient concerning the two existing parameters has been improved by linking it to eleven parameters. As a result, it was possible to determine the coefficient of utilization of rolling stock capacity on the routes.

The laws of the dependence of the parameters affecting the coefficient of utilization of the capacity of the rolling stock in the directions were determined.

It is possible to provide the normative value of the coefficient of utilization of the capacity of rolling stock in the routes at the expense of the parameters that affect it.

References:

Abdullayev B.I. (2019) Improving the quality of transport services on city bus routes: PhD dis. Autoref. - Tashkent: TAYLQEI, 52 p.

- Abdullayev B.I., Nazarov A.A. (2020) Ways quality increasing of exploitation of city bus capacity and traffic. *European Sciences review. Scientific journal*, Vol.5-6, Pp. 374-376.
- Ahmad Alkharabsheh, Sarbast Moslem and Szabolcs Duleba (2019) Evaluating Passenger Demand for Development of the Urban Transport System by an AHP Model with the Real-World Application of Amman. *Applied Sciences*, Pp.14.
- Bolshakov A.M. (1981) Improving the quality of passenger service and the efficiency of buses: a textbook for universities / Ed. A.M. Bolshakov. - M.: Transport, 206 p.
- Chumachenko I.V., Davidich Yu.A., Galkin A.S., Davidich N.V. (2017) "Assessment of the quality of transportation of passengers by public transport with a different number of vehicles operating on the route" *Science and technology*. T.16, No. 5, 415-421 p.
- Eboli L, Mazzulla G. (2007) Service quality attributes affecting customer satisfaction for bus transit. *J Public Transp.* Vol.10(3). pp. 21–136.
- Eboli L, Mazzulla G. (2010) How to capture the passengers' point of view on a transit service through rating and choice options. *Transp Rev.* Vol. 30(4). Pp. 435–450.
- Fabian Ohler, Karl-Heinz Krempels and Sandra M"obus (2017) Forecasting Public Transportation Capacity Utilisation Considering External Factors, In *Proceedings of the 3rd International Conference on Vehicle Technology and Intelligent Transport Systems. VEHTS*, Pp. 300-311.
- Fadeev A.I., Fomin Ye.V., Alhuseini S., Pulyanova K.V. and Voevodin E.S. (2019) Standardization of the capacity utilization factor of urban public transport fleet. *Materials Science and Engineering*. Pp. 8.
- Hyung Jin KIM (2003) Performance of bus lanes in Seoul: Some Impacts and Suggestions//*IATSS Research*, Volume 27, Issue 2, Pp. 36-45.
- Litman T. (2008) Valuing transit service quality improvements. *J Public Transp.* Vol.11. Pp. 43–63.
- Litvin V.V. (2014) Development of the Informational and Resource Providing of Science and Education in the Mining and Metallurgical and the Transportation Sectors, 178-187 p. "Development of a methodology for a comprehensive assessment of the quality of transport services for passengers on urban bus routes in medium and large cities."
- Penshin N.V. (2008) P256 Efficiency and quality as a factor in the competitiveness of services in road transport: monograph / N.V. Penshin; under scientific. ed. V.P. Bychkov. - Tambov: Publishing house of Tamb. state tech. University, 224 p.
- Ostrovsky N.B. (1986) Passenger road transport, M., Transport, 220 p.
- Shabanov A.V. (2001) Regional logistic systems of public transport: methodology of formation and management mechanism, Rostov-on-Don, SKNTs VSh, 205 p.
- Slavina Yu.A. (2015) Scientific and practical methods for assessing the quality of service to the population by the city land passenger transport: Candidate of Science thesis. - Saratov, 194 p.
- Semchugova E.Yu., Zyryanov VV, Volod'kin PP, Denisov GG, Tsyplakov V.Yu. (2012) "Determination of the importance of the indicator of reliability of transport services in the quality of transportation", Institute of Public Administration, Law and Innovative Technologies (IGUPIT) Online magazine "Science" №4.
- Shek K, Chan W.T. (2008) Combined comfort model of thermal comfort and air quality on buses in Hong Kong. *Sci Total Environ.* 389: Pp. 277–282.
- Xianghao Shen, Shumin Feng, Zhenning Li and Baoyu Hu (2016) Analysis of bus passenger comfort perception based on passenger load factor and in-vehicle time. Shen et al. SpringerPlus. Pp. 10.
- Zhongyi Zuo, Wei Yin, Guangchuan Yang, Yunqi Zhang, Jiawen Yin, and Hongsheng Ge (2019) Determination of Bus Crowding Coefficient Based on Passenger Flow Forecasting. *Hindawi, Journal of Advanced Transportation* Vol. Pp. 12.



IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYALASH SHAROITIDA INSON KAPITALINI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI

Axmadaliyeva N.
Toshkent moliya instituti

Annotatsiya. Maqolada inson kapitalining iqtisodiy mohiyati, mamlakat rivojlanishida inson kapitalining o'рни, inson kapitaliniing elementlari va ularni rivojlantirish yo'nalishlari haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: inson kapitali, inson kapitali omillari, iqtisodiy o'sish, taraqqiyot strategiyasi, ta'lim, salomatlik, professional mobillik, kasbiy tayyorgarlik, ma'naviyat, madaniyat, e'tiqodlilik, innovatsion ijodkorlik.

WAYS TO DEVELOP HUMAN CAPITAL IN THE CONTEXT OF MODERNIZATION OF THE ECONOMY

Axmadaliyeva N.
Tashkent Financial Institute

Annotation. The article discusses the economic significance of human capital, the role of human capital in the development of the country, the elements of human capital and the direction of their development.

Keywords: human capital, human capital factors, economic growth, development strategy, education, health, professional mobility, vocational training, spirituality, culture, conviction, innovative creativity.

1. Kirish.

Innovatsion jamiyat vujudga kelgan zamonaviy sharoitda inson omilining ahamiyati ortib bormoqda. Shu munosabat bilan barcha iqtisodiy hodisalar va iqtisodiy o'sish omillari yangicha, inson omili bilan uzviy bog'liq holda ko'rib chiqilishi zarur. Shuningdek, iqtisodchilarning "inson kapitali" tushunchasiga, ya'ni insonning ijodiy qobiliyatlariga qiziqishi ortib bormoqda. Ko'pgina firmalarda kapitalning barcha turlaridan eng qimmatli sifatida inson kapitalini to'plashga katta e'tibor beriladi.

Umuman olganda, jamiyat endi nafaqat manfaatdor, balki inson taraqqiyoti darajasiga bog'liq. Darhaqiqat, busiz insonning intellektual qobiliyatlari, ijodiy qobiliyatlari va tashabbuslari eng ko'p talab qilinadigan innovatsion iqtisodiyotning normal ishlashi mumkin emas. Ta'kidlash joizki, mamlakatimizning to'plangan milliy inson kapitali uning aholisining hayot darajasi va sifatini ko'rsatadi, shuningdek, uning jahon bozoridagi raqobatbardoshligini belgilashda katta rol o'ynaydi.

2. Adabiyotlar sharhi.

Bekker (1964), Druker (2008), Dobrnin va boshqalar (1999) o'z nazariyalarida inson kapitalining asosiy ko'rsatkichi sifatida insonning bilim va intellektini ko'rsatishadi. Xususan, G. Bekker inson kapitali nazariyasini investitsiyalar nuqtai nazaridan rivojlantirdi. Uning nazariyasiga ko'ra, inson kapitali – bu "har bir kishining bilim, ko'nikma va motivatsiyasi zahirasi. Ta'lim, kasbiy tajriba to'plash, sog'liqni saqlash, geografik harakatchanlik, daromad va narxlar to'g'risida ma'lumot izlash esa unga qilingan investitsiyalar bo'lishi mumkin".

Druker (2008) esa shunday yozadi: "Rivojlangan mamlakatlarning raqobatdagi birdan-bir ustunligi malakali ishchi kuchi resurslari bo'lib qolmoqda. Ishlab chiqarishda band bo'lgan

malakasiz ishchilardan malakali ishchilarning farqi shundaki, ular ishlab chiqarish vositalariga egalik qiladilar: ular bilimlarni o'zlari bilan olib yuruvchilar hisoblanadilar".

Inson kapitali nazariyasi rus olimlari Dobrnin, Dyatlov (1999) asarlarida ham o'z aksini topgan. Ular inson kapitalini "ijtimoiy takror ishlab chiqarishning u yoki bu sohasida maqsadli foydalaniladigan, ishlab chiqarish samaradorligi va mehnat unumdorligining o'sishiga ko'maklashadigan, shuningdek insonning ish haqi (daromadi) o'sishiga ta'sir ko'rsatadigan investitsiyalar va inson tomonidan jamg'arilgan sog'liq, bilim, ko'nikma, qobiliyatlar, motivatsiyalarning muayyan zaxirasi natijasida shakllangan kapital" sifatida ko'rib chiqishgan.

XX asr oxiri va XXI asr boshlariga kelib inson kapitali nazariyasi bo'yicha bir qator ilmiy ishlar amalga oshirildi. Shuningdek, mamlakatimizda ham bir qator olimlar tomonidan inson kapitali va uning omillari borasida ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Abdurahmonovning (2011) fikriga ko'ra, "inson kapitali iqtisodiy o'sishning omili bo'lib, respublikada inson taraqqiyoti yutuqlariga erishish inson kapitaliga investitsiyalarni kupaytirishni nazarda tutadi". "Inson kapitali tor ma'noda – insonning intellekti, sog'lig'i, bilimi, sifatli va unumli mehnati hamda uning turmush sifatini ifodalasa, keng ma'noda inson kapitali – bu iqtisodiy rivojlanishning intensive ishlab chiqarish omil, jamiyat va oilani rivojlantirish, mehnat resurslarining bilimli qismi, intellektual va boshqaruv mehnati, yashash va ish joyi muhitidir" (Abdurahmonov, 2019).

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Ushbu maqolada inson kapitali, uning tarkibiy qismlari hamda ularni yaxshilash yo'nalishlari o'rganildi. Shuningdek, mavzu doirasida qiyosiy va statistik tahlil usullaridan foydalanilgan.

4. Tahlil va natijalar muhokamasi.

Inson kapitali nazariyasi har qanday korxonalar kapitalining mohiyatini, mazmunini, turlarini, baholash va tartibga solish usullarini aniq belgilash uchun yetarli ilmiy vositalarni to'plagan. Inson kapitali masalasi ilmiy, amaliy va o'quv adabiyotlarida keng yoritilgan. Inson kapitali iqtisodiy kategoriya sifatida ko'plab iqtisodiy jarayonlarni inson manfaatlari va xatti-harakatlari prizmasi orqali tavsiflash va tushuntirish imkonini beradigan umumiy iqtisodiy asosiy tushunchalardan biriga aylandi.

Inson kapitali - bu investitsiyalar natijasida shakllanadigan va inson tomonidan to'plangan, mehnat jarayonida maqsadga muvofiq foydalaniladigan, uning mahsuldorligi va daromadlarining o'sishiga yordam beradigan salomatlik, bilim, ko'nikma, qobiliyat, motivatsiyaning ma'lum bir zaxirasi. Inson kapitalining ushbu ta'rifi ushbu dissertatsiyada boshlang'ich nuqta sifatida qo'llaniladi va belgilangan vazifalarni hal qilish uchun yetarlidir. Shuni qo'shimcha qilish kerakki, inson kapitalidan foydalanish nafaqat xodimning daromadini, balki korxonalar va davlat daromadlarini ham oshiradi.

Inson kapitalining tarkibiy qismlarini tahlil etish hamda ularni rivojlanishiga ta'sir ko'rsatuvchi omillarni aniqlash iqtisodiy naf keltiradi. Inson kapitalining tarkibiy unsurlariga quyidagilar kiradi:

Ta'lim. Inson kapitalining eng asosiy unsuri sifatida ta'lim ko'pgina mamlakatlarda iqtisodiy o'sishning omili, iqtisodiy tengsizlikni yumshatuvchi dastak va ishsizlik bilan kurashish vositasi hisoblanadi. Ta'lim rivojlanishiga bir qancha omillar ta'sir ko'rsatadi. Xususan, ta'lim olish va ijodiy fikrlashga individual qobiliyatlar, umumiy ta'lim tizimining holati, oilada ta'limga bo'lgan munosabatlar va qadriyatlar, katta yoshdagi oila a'zolarining ta'lim darajasi, davlat, biznes va boshqa institutlar tomonidan fan va ta'limni qo'llab-quvvatlash darajasi kabilar muhim rol o'ynaydi.

Salomatlik. Inson kapitali tarkibiga shuningdek inson salomatligining holati ham kiritiladi. Salomatlik – umuman organizmning hamda uning barcha organlarining o'z funksiyalarini bajarishga to'la qodir bo'lgan holati, kasallikning mavjud emasligidir. Sog'lom bo'lish, gigeyina qoidalariga qat'iy amal qilish insonlarning salomatligini mustahkamlaydi. Salomatlikni yaxshilashda shaxsning ginetik xususiyatlari, demografik holat, ekologik vaziyat, to'g'ri ovqatlanish, jismoniy tarbiya, sportni rivojlantirish, majburiy va tibbiy sug'urtalash tizimini rivojlantirish muhim hisoblanadi.

Kasbiy tayyorgarlik. Ta'lim olishdan so'ng, insonlar kasb tanlashadi. Kasbiy tayyorgarlikni oshirishda ish joyini o'rganish hamda ish tajribasi juda muhim hisoblandi.

Shuningdek, ustoz-shogird tizimiga amal qilinishi va bilimlarning avlodlararo almashinuvi inson kapitalini yaxshilash yo'llaridan hisoblanadi.

Professional mobillik. Axborotning imkoniligi, ish bilan bandlik sohasida davlat siyosati va xalqaro mehnat migratsiyasi tizimida mamlakatning o'рни insonlarning mobilligini rivojlantirishning asosi hisoblanadi.

Ma'naviyat, madaniyat, e'tiqodlilik. Jamiyatda ma'naviy, madaniy, huquqiy savodxonlik darajasi hamda oilaviy qadriyatlar asosida ma'naviyat, madaniyat shaklanadi va rivojlantiriladi.

Innovatsion ijodkorlik. Mamlakatdagi ta'lim sifati va mazmuni rivojlantirish, innovatsion ijodkorlikni rag'batlantirish tizimini ishlab chiqish, biznesni yuritish uchun erkinlik berish kabilar innovatsion ijodkorlikni taraqqiy etishida muhim hisoblanadi.

Yurtboshimiz tomonidan 2022-yilni O'zbekistonda "Inson qadrini ulug'lash va faol mahalla yili" deb e'lon qilinganligi, mamlakatimiz xalqini yanada taraqqiy etishida muhim rol o'ynaydi. Inson qadrini ulug'lash – yurtimizda yashayotgan har bir odamning huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlarini ta'minlash demakdir. Shunday ekan, iqtisodiyot tarmoqlari va tadbirkorlikni rivojlantirish orqali yangi ish o'rinlarini yaratish e'tibor markazida bo'ladi. Aholi daromadlarini ko'paytirish, ish haqi, pensiya, stipendiya va nafaqalar miqdorini oshirishga qaratilgan muhim ishlarni davom ettirilmoqda. Ijtimoiy sohalar, ayniqsa, sog'liqni saqlash, ta'lim-tarbiya va ilm-fanni rivojlantirishga barcha resurslar jalb etish orqali rivojlantirilmoqda. Urush va mehnat faxriylarini, ayollarni hamda yoshlarni qo'llab-quvvatlash, ko'makka muhtoj insonlarga g'amxo'rlik ko'rsatishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Inson kapitalini rivojlantirish uchun avvalambor, ta'limga e'tibor berish lozimdir. Hozirgi kunda eng global muammolardan biri ham yoshlarning ishsizligidir. 2022-yil 28-yanvarda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-60-son bilan imzolangan "2022-2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi" doirasida bir qator yo'nalishlarni rivojlantirishga qaratilgan huquqiy asos ishlab chiqildi. Taraqqiyot strategiyasi doirasida, har bir fuqaroga davlat hisobidan aniq kasb-hunarga o'qish imkoniyatini yaratildi. Kasbga o'qitish ko'lamini 2 baravar oshirilib, jami 1 million nafar ishsiz fuqaroni kasb-hunarlariga o'qitish va bu jarayonda nodavlat ta'lim muassasalarining ishtirokini 30 foizga yetkazish belgilandi. Kasbga o'qitish ko'lamini 2 baravarga oshirish orqali jami 1 million nafar ishsiz fuqarolarni kasb-hunarga o'qitilishi ko'rsatilgan. Umumta'lim maktablarining kasb o'rganish istagidagi bitiruvchilarini davlat tomonidan kamida bir kasbni egallashiga ko'maklashuvchi tizimni yaratish vazifasi belgilandi.

Hozirgi kunda, maktabgacha ta'limda bolalarning qamrov darajasi 67 foizga teng. Ushbu ko'rsatkichni qariyb 80 foizga yetkazish belgilandi. 2022/2023-yillarda 6 yoshli bolalarni maktabgacha tayyorlov tizimi bilan qamrab olish darajasini 90 foizga, 2024/2025 o'quv yili yakuniga qadar 100 foizga yetkazish belgilandi. Maktabgacha ta'lim tizimiga xususiy sektor mablag'larini jalb qilish orqali 7 mingdan ziyod yangi nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarini tashkil etilishi ko'rsatildi.

Maktabgacha ta'lim tizimida ta'lim sifatini yangi bosqichga olib chiqish maqsadida, bog'cha xodimlarining professional tayyorgarligi va mahoratini oshirib borishning takomillashtirilgan tizimini joriy etilishi hamda 2022 - 2026-yillarda 160 mingdan ziyod pedagog kadrlarning malakasini oshirish majburiyati yuklatildi.

Considering the immediate prospects for urbanization and housing construction in cities, it should be noted that multi-story housing construction has unconditional economic advantages (better use of the building area, compactness of communications, the possibility of effectively creating social infrastructure in residential areas, etc.), and can and should retain priority positions. Of course, this will affect the range and structure of the required building materials, products and structures.

Thus, it has been established that the building materials industry in Uzbekistan has a number of features. The analysis shows the need to strengthen the personnel potential of enterprises, make fuller use of raw material potential, pay special attention to resource saving and reduce energy consumption. The activation of innovative activity for the enterprises of the industry is an objective necessity and requires a systematic and integrated approach. The sequence of implementation of innovative development measures should include several stages, starting from the implementation of less capital-intensive, but highly effective organizational and managerial innovation projects (for example, the use of modern ICT), continuing the implementation of resource saving projects with a subsequent transition to projects for the production of products based on higher modern technologies. The choice of projects should be adequate to the changing needs of consumers - enterprises engaged in capital construction.

References:

Hrustalev, B.B., & Uchaeva, T.V. (2015) Formation of rational parameters improve organizational economic potential of industrial enterprises of building materials. *Contemporary Engineering Sciences*, 8(5-8), 209-212.

Igamova S. (2021) Directions for the Development of Innovative Activities of Building Materials Enterprises // Center for Scientific Publications (buxdu.uz). - T. 8. - No. eight.

Kurbaniyazov Sh.K. (2017) Production of building materials at the present stage of economic development of Uzbekistan. // *Business-expert*, No. 11(119). (08.00.00; No. 3).

Kościelniak, H., & Puto, A. (2014) Crisis management: effect of financial liquidity on return on equity in enterprises of the sector of building materials. *Organizacja i zarządzanie*, 67.

Liu, T., Lawluy, Y., Shi, Y., & Yap, P. S. (2021) Low Impact Development (LID) Practices: A Review on Recent Developments, Challenges and Prospects. *Water, Air, & Soil Pollution*, 232(9), 1-36.

Message (2020) from the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. -Tashkent: "Uzbekiston" NMIU, B. 23.

Mirzanov M.E. (2010) Improving the development of human resources in a modernized economy (on the example of capital construction) T.: Fan va technology, 172s.

Secher, A.Q., Collin, C., & Linnet, A. (2018) Construction product declarations and sustainable development goals for small and medium construction enterprises. *Procedia Cirp*, 69, 54-58.

Zainutdinov Sh.N., Nurimbetov R.I. (2017) Resource base and production potential of Uzbekistan: use and efficiency (regional aspect) // *Bulletin of Science and Practice. Electron. magazine* 2017. No. 10 (23). pp. 207-212. Access mode: <http://www.bulletennauki.com/zaynutdinov> (Accessed 10/15/2017)

Zhu, J., & Xu, J. (2019). Driving Factors of Green Supply Chain Management in Building Materials Enterprises. In *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 295, No. 2, p. 012063). IOP Publishing, July



BUXGALTERIYA HISOBI TIZIMIDA BAHOLASHNING ROLI VA AHAMIYATI

i.f.d., professor Ismanov I.N.
Farg'ona Politexnika Instituti

Annotatsiya: Maqolada mulkning pul ifodasi sifatida baholash tushunchasi, mohiyati va roli hamda kompaniya faoliyatining natijalari ta'siri ko'rib chiqiladi, mahalliy va xorijiy olimlarning asarlarida baholash tushunchasining turli talqini oganilib, ochib beriladi. Baholash an'anaviy ravishda buxgalteriya hisobining asosiy elementlaridan biri bo'lib xizmat qilishi, bu esa mulk holati va kompaniya faoliyati natijalari to'g'risida umumlashirilgan tasavvurga ega bo'lishga imkon berishi haqida fikir yuritildi. Buxgalteriya usuli elementlari ro'yxatidagi baholash o'rnini misolar bilan aniqlaydi.

Kalit so'zlar: baho, buxgalteriya hisobi, buxgalteriya usuli, qiymati, baholash obyekti, pul o'lchami, baholash.

THE ROLE AND IMPORTANCE OF VALUATION IN THE ACCOUNTING SYSTEM

doctor of economics, professor Ismanov I.N.
Fergana Polytechnic Institute

Abstract: The article examines the concept, essence and role of valuation as a monetary expression of property and its impact on the results of the company's activities, reveals various interpretations of the concept of valuation in the works of domestic and foreign scientists. It was suggested that valuation traditionally serves as one of the main elements of accounting, which allows you to get a generalized idea of the state of the property and the results of the company's activities. The accounting method determines the place of evaluation in the list of elements using examples.

Keywords: evaluation, accounting, accounting method, value, object of evaluation, money measurement, assessment.

1. Kirish.

Buxgalteriya hisobining maqsadi korxonaning turli iqtisodiy sharoitlarda faoliyati va mulkiy holati to'g'risidagi axborotni shakllantirishdan iborat, bunda, xo'jalik faoliyatining barcha hodisalari qiymatda o'lchanishi lozim. Baholash korxonada ro'y beradigan barcha xo'jalik jarayonlarini qamrab olgan, aynan: ishlab chiqarish jarayonida ishlab chiqarilgan (olingan) mahsulot baholansa; taqsimlash jarayonida – ushbu mahsulotlar (tovarlar, ishlar, xizmatlar)ni sotishdan daromadlar baholanadi; ayirboshlash jarayonida esa – ishlab chiqarish zahiralari tayyorlash va mehnat vositalarini sotib olishga qilingan xarajatlar, sotishdan davomida amalga oshirilgan xarajatlar, shuningdek yuzaga keladigan majburiyatlar (debitorlik va kreditorlik qarzdorliklari) baholanadi. O'z navbatida, korxonaning ham chetdan keltirilgan, ham ishlab chiqarish jarayonida yaratilgan aktivlarining qiymatini, hamda ulardan foydalanish va sotishdan hosil bo'lgan moliyaviy natijani aniqlash buxgalteriya hisobida baholashning aniqlik darajasiga bog'liq bo'ladi, ya'ni baholash yordamida obyektlar hisobga olinadi yoki mulk tarkibidan chiqariladi. Shunday qilib, joriy hisobdan tortib to hisobotgacha bo'lgan butun hisob jarayoni baholash bilan qamrab olingan va qiymatda baholash buxgalteriya hisobi uslubining muhim elementlaridan biri bo'lib qolganligi tasodif emas.

Mamlakatimizdagi iqtisodiy o'zgarishlar, bozor iqtisodiyotining vujudga kelishi va rivojlanishi butun buxgalteriya hisobi tizimini isloh qilishga olib keldi. Isloh qilish jarayoni hisobga olishda baholashning funksional roli va tutgan o'rnini qayta ko'rib chiqishni talab qildi, bu eng avvalo mamlakat iqtisodiyotida erkin narxlardan foydalanish hisobiga ro'y

berib, bu holat qiymatning yangi turlari va ularni hisoblashning uslublarini qonunchilik yo'li bilan hal etish va korxonalariga ularni tanlash imkoniyatini berish zaruratini yuzaga chiqardi.

Biroq me'yoriy hujjatlarda taklif etilgan baholash variantlari hozirgi vaqtgacha hisob amaliyoti muammolarini hal qilmagan va foydalanuvchilarning talablariga javob bermaydi, bu baholash qoidalarining ko'p marotaba buzilishlari, baholashning iqtisodiy maqsadga muvofiqlik nuqtayi nazaridan asoslanmagan baholash variantlarining tanlanishida o'z isbotini topdi. Baholash, buxgalteriya hisobi uslubining elementi sifatida hisob oldida turgan vazifalarni hal etish jihatidan yanada chuqur tadqiq qilishni talab etadi.

2. Adabiyotlar sharhi.

Birinchi navbatda baholash buxgalteriya hisobi uslubining mustaqil elementimi yoki buxgalteriya hisobini xo'jalik dalillarini o'lchashda foydalanadigan yordamchi usuli ekanligini aniqlab olish zarur. Bu borada turli nuqtai-nazarlar shakllangan bo'lib, ularni ikkita guruhga umumlashtirish mumkin.

Birinchi guruh mualliflari fikricha baholash buxgalteriya hisobi uslubini elementlari tarkibiga kiradi. Bunday nuqtai-nazarni Babayev (1999), Kiryanova (1995), Kuter (2000), Makarov (1983), Karimov (2004), Toshmamatov (2017), Ismanov (2019) qo'llab-quvvatlaydilar.

Ularning nuqtai-nazarlari Makarov (1983) va Toshmamatov (2017) tomonidan birmuncha to'liq yoritib berilgan. Ular buxgalteriya hisobi uslubini "buxgalteriya hisobi obyektlarini yaxlit, uzluksiz, o'zaro bog'liqlikda va obyektiv aks ettirishni, iqtisodiy ta'minotini va pul ifodasida hisoblashni ta'minlovchi usullar tizimi" sifatida tariflaydi.

Ularning ta'kidlashicha "buxgalteriya hisobi uslubini quyidagi sakkizta usul (element)lardan tarkib topgan: hujjatlashtirish, inventarizatsiya, baholash, schyotlar, ikkiyoqlama yozuv, balans va hisobot" (Makarov, 1983; Toshmamatov, 2017). Mazkur nuqtai-nazar shunga asoslanadiki, uslubning barcha elementlari hisob uchun bir xil ahamiyat kasb etadi va bir-biridan ajratilmagan holda qo'llaniladi. Garchi har bir element hisob tizimida o'z funksiyasini bajarsa ham, lekin faqat usullarning yaxlit to'plami buxgalteriya hisobi predmetini yanada to'laroq aks ettirish imkonini beradi.

Ikkinchi guruhga baholashni buxgalteriya hisobi uslubiga kiritmaydigan mualliflar qo'shish mumkin. Jumladan, Dembinskiy (1977) ta'kidlaydiki, buxgalteriya hisobining uslubini deganda "buxgalteriya hisobi predmetini uning barcha aloqalari va o'zaro aloqalarida vosita bo'ladigan balans uslubini" ni tushunish lozim. Shunday qilib, Dembinskiy (1977) axborotni umumlashtirishning balans uslubini buxgalteriya hisobi predmeti mohiyatini aks ettirishga qodir bo'lgan yagona uslub sifatida tasavvur qiladi. Biroq, agar "uslub" tushunchasining O'zbekiston milliy ensiklopediyasi "... anglash yo'li, borliqni amaliy yoki nazariy o'zlashtirish usullarining tizimi yoki yig'indisi" deb berilgan ta'rifiga asoslaniladigan bo'linsa¹, u holda uslub eng kamida ikkita usuldan iborat bo'lishi lozim, ya'ni bir elementli bo'lishi mumkin emas.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Maqolani yozishda quyidagi metod va usullar qo'llanildi: soha yetuk olimlarining o'rganilayotgan mavzu yuzasida bildirgan fikr va qarashlarining tizimli va qiyosiy tahlil etlib, axborotni qayta ishlash amalga oshirildi.

4. Tahlil va natijalar muhokamasi.

Shu bilan birgalikda Dembinskiy (1977) buxgalteriya hisobida foydalanilishi mumkin bo'lgan boshqa elementlarning mavjudligini inkor qilmaydi. U faqat ularni balansli umumlashtirishning yordamchi usullari sifatida ko'rib chiqadi, biroq ular "ayrim obyektlar va butun hisob predmeti to'g'risida ma'lumot olish" imkonini beradi. Bu shuni anglatadiki, uslubning barcha elementlari buxgalteriya hisobining predmetini aks ettirishda ishtirok etadi. Balansli umumlashtirishga ustuvorlik berish bilan bir qatorda, Dembinskiy (1977) shuni hisobga olmaydiki, balans faqat uning moddalarini ishonchli baholashdagina amaliy qiymatga ega bo'ladi. Bu mualliflar qarashlarining xato ekanligini yana bir bor tasdiqlaydi.

Shunga o'xshash qarashlarga Gavrilov (1970) tahriri ostidagi "Buxgalteriya hisobining umumiy nazariyasi" darsligi mualliflari ham qo'shilishadi. Ularning fikricha, "buxgalteriya

¹ O'zbekiston milliy ensiklopediyasi https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi

hisobi uslubi bo'lib mablag'lar aylanishini ularning mo'ljallanishi va tashkil topish manbalari bilan o'zaro aloqadorlikda balansda umumlashirish hisoblanadi".

Ushbu guruhning navbatdagi vakili –Vasilenko (1970) umumiy holda buxgalteriya hisobi uslubiga usullar tizimi deb qarash tarafdori, lekin barcha elementlarni ikkita guruhga bo'ladi: asosiy – hujjatlashtirish, ikki yoqlama yozuv, schyotlar va balans, va boshqalar – inventarizatsiya, baholash, kalkulyatsiya va hisobot. Birinchilari, ya'ni asosiylari uning so'zlariga ko'ra, "buxgalteriya hisobining yagona uslubini" hosil qiladi, ikkinchilari esa "ularning rivojlanishi hisoblanadi". Muallif nima uchun ayrim elementlarni asosiy deb hisoblash kerak, boshqalarini esa qo'shimchaga kiritish kerakligiga tushuntirmaydi va bunday bo'lishning amaliy ahamiyatini ham ochib bermaydi.

Bizda bu nuqtayi nazar ham to'g'ri emasdek tasavvur hosil qilyapti. Baholashsiz xo'jalik hodisalari va jarayonlarini buxgalteriya hisobi schyotlarida aks ettirish mumkin emas. Faqatgina hujjatlashtirish (unda natural va mehnat o'lchovlari mavjud bo'lishi mumkin), ikkiyoqlama yozuv va balans vositasidagina buxgalteriya hisobining obyektlari to'g'risida umumlashgan axborotni olish mumkin emas. Bunday holda buxgalteriya hisobi obyektlarga sifat (qiymat) nuqtayi nazaridan tavsif beruvchi axborot tizimi ekanligi shubha ostida qoladi.

Mazkur nuqtayi nazarni qo'llab-quvvatlovchi boshqa mualliflar, buxgalteriya hisobini ikki-uchta elementlar bilan chegaralaydilar, va ular qatoriga baholashni kiritmaydilar. Jumladan ular qatoriga Barun (1954), Leontyev (1953), Mezensev (1956), Nemchinov (1975), Shenkovlarni (1973) kiritish mumkin.

Mezensev (1956) buxgalteriya hisobi uslubining elementlari bo'lib faqat ikki yoqlama yozuv, schyotlar va balans hisoblanadi, "qolgan usullarni" esa uning tarkibiga qo'shib bo'lmaydi, deb hisoblaydi. Bu pozitsiyani u shu bilan izohlaydiki, qolgan usullar statistikada va operativ hisobda foydalaniladi. Baholash va kalkulyatsiyaga nisbatan o'z fikrini quyidagicha asoslaydi: "ular buxgalteriya hisobining xususiyatlari emas" va demak, o'zida "hisobning texnik vositasidan boshqa narsani ifodalamaydi". Buni tasdiqlash uchun u shunday deb yozadi: "Buxgalteriya hisobi kalkulyatsiya yordamida amalga oshirilmaydi, balki aksincha, kalkulyatsiya buxgalteriya hisobi ma'lumotlari asosida tuziladi".

Barunning (1954), dalillari asosan P.V. Mezensevning (1956) fikrlari bilan mos keladi. U buxgalteriya hisobi uslubini "hisob obyektlarini aks ettirish usuli" sifatida talqin qiladi va tegishli ravishda uning tarkibiga "faqat yozuv usuli... va faqat ayrim hollardagina – yana hisob ma'lumotlarini umumlashirish usulini" kiritadi. Keltirib o'tilgan fikrlar va ular tomonidan "uslub" atamasining tushunilishidan kelib chiqadiki, ikkiyoqlama yozuv buxgalteriya hisobi axborotidan foydalanuvchilar uchun zarur barcha ko'rsatkichlarni berishi lozim, bunga esa amalda erishish mumkin emas. Ikkiyoqlama yozuv usulida faqat qiymat haqidagi axborot aks ettirilib, uni buxgalteriya hisobi baholash jarayonida tayyorlaydi. Misol uchun, maxsus hisob-kitoblarni olingan xaridlar, inshootlar, tayyorlashlarning boshlang'ich qiymatini, sotish qiymatini va boshqalar uchun o'tkaziladi.

Leontyev (1953) buxgalteriya hisobi uslubi tarkibidan schyotlar, ikkiyoqlama yozuv va balansni shuning uchun ham ajratadiki, uning fikricha ular "buxgalteriya hisobi uchun eng xos hisoblanadi va uni xo'jalik hisobining boshqa turlaridan ajratib turadi". Bu nuqtayi nazarga Shenkov (1973) ham qo'shilgan: "Faqat schyotlardagi ikkiyoqlama yozuv usuli va schyot yozuvlarining balansdagi jamlanishi buxgalteriya hisobini xo'jalik hodisalarini mustaqil miqdoriy o'lchash uslubi sifatida tashkil etadi".

Mualliflarning faraz qilishlaricha, baholash va kalkulyatsiya rejalashtirish, boshqarish, statistika, audit va boshqa iqtisodiyot masalalari bilan shug'ullanuvchi fanlar tomonidan ham foydalaniladi va shuning uchun hisob mohiyatini tavsiflamaydi. Biroq aytib o'tilgan har bir fanda baholash o'z vazifalarini bajaradi va tegishli ravishda foydalanish sohasidan kelib chiqib o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'ladi. Buxgalteriya hisobida baholash o'ziga xos, u hisob talablari va tamoyillariga bo'ysunadi, faqat buxgalteriya hisobi uchungina xos bo'lgan hisob-kitob uslublaridan foydalanadi. Baholash, korxonada tashkil etilgan paytdan boshlab, uning butun faoliyati davomida va u tugatilgunicha, doimo buxgalteriya hisobi tizimida mavjud bo'ladi, kiritilgan kapital miqdorini, undan foydalanish samaradorligini, vujudga keladigan majburiyatlarni va h.k.z. larni tariflaydi.

Shundan kelib chiqib, baholash buxgalteriya hisobi uslubining elementi bo'lib hisoblanadi, chunki u ham schyotning ikkiyoqlama yozuvi va balans kabi, axborotning shakllanishida ishtirok etadi. Bunda u aytib o'tilgan elementlardan oldin keladi va ular uchun ma'lumotlarni tayyorlaydi. Baholash yordamida korxonada ro'y berayotgan xo'jalik hodisalarining sifat tavsifi beriladi.

Nemchinovning (1975) nuqtayi nazari yuqorida tahlil qilingan fikrlardan birmuncha farq qilib, u "buxgalteriya hisobi uslubining baholash, kalkulyatsiya va hisobot kabi tarkibiy qismlari isbotlanishga muhtoj" deb hisoblaydi. Baholashni buxgalteriya hisobi uslubi tarkibiga kiritishga qarshi u hech qanday dalil keltirmaydi. Muallif faqat kalkulyatsiya va hisobotga to'xtalib, unga umuman e'tibor bermaydi.

Mazkur muallif kalkulyatsiyani "iqtisodiy bilimlarning alohida tarmog'i..." deb hisoblaydi va shunga ko'ra uni buxgalteriya hisobi uslubining bir bo'lagi deb emas, balki mustaqil ilmiy fan sifatida ko'rib chiqadi (Nemchinov, 1975). Kalkulyatsiya nisbatan Kuter (2000) ham xuddi shunday nuqtayi nazarni qo'llab-quvvatlaydi. U kalkulyatsiyani qo'shmagan holda uslubning faqat yettida elementlarini ajratib ko'rsatadi. U uni baholashning bir turi deb hisoblaydi. Shunday qilib, Nemchinov (1975) kalkulyatsiyani o'zining predmeti va uslubiga ega bo'lgan mustaqil fan deb, Kuter (2000) esa faqatgina baholashning turi deb tan oladi.

Buxgalteriya hisobi doirasida haqiqatan ham baholash obyektlarning qiymatini hisoblab chiqarishda kalkulyatsiya uslubidan foydalanadi, kalkulyatsiyaning o'zi esa faqatgina mulk qiymatini baholashdan emas, balki iqtisodiy axborotni yig'ish, qayta ishlash jarayonlaridan, turli maqsadlar uchun ishlatiladigan xarajatlarning alohida guruhlanishini qo'llashdan iborat bo'ladi. Shundan kelib chiqib, ular o'zaro aloqada ta'sir ko'rsatib, buxgalteriya hisobi uslubining boshqa elementlariga nisbatan yaqinroq, alohida elementlari sifatida yuzaga chiqadilar.

Keyinchalik baholashning hisob tizimidagi rolini aniqlash uchun uning foydalanuvchilar uchun axborot tayyorlash jarayonidagi ahamiyatini o'rnatish maqsadga muvofiq. Shu nuqtayi nazardan Pilmenshteyn (1968) tomonidan berilgan talqin qiziqarli. Uning yozishicha: "Buxgalteriya hisobining uslubi axborot jarayonining xo'jalik operatsiyalarini qiymatli aks ettirishin ta'minlovchi bir qator o'ziga xos usullari yordamida yaratish uchun xizmat qiladi". Bu ta'rifdan ko'rinib turibdiki, faqat buxgalteriya hisobi uslubi elementlarining yaxlit to'plami foydalanuvchilarga zarur bo'lgan axborotni yetkazib berishi mumkin, qaysiki hisob axborotni qiymat ifodasida tayyorlagani uchun, uslub elementlari yig'indisi baholashsiz faoliyat yurita olmaydi.

Baholashning buxgalteriya hisobi uchun ahamiyatligini ta'riflay turib, Sokolovning (2000) so'zlarini keltirish mumkin: "Pulda baholashsiz buxgalteriya hisobi tizimi yo'q va bo'lishi ham mumkin emas". U baholashga shunday yuqori ahamiyat beradiki, xatto uni "hisobshunoslik va hisob yuritish vazifalari tarkibiga" kiritadi (Sokolov, Bychkova, 1999). Aynan shu haqida "buxgalteriya hisobi" tushunchasining "Buxgalteriya hisobi to'g'risida" gi Qonunning 4-moddasi 1-bandida keltirilgan rasmiy ta'rifi ham so'zlaydi: "Buxgalteriya hisobi barcha xo'jalik operatsiyalarini yaxlit, uzluksiz, hujjatlar asosida hisobga olish hamda pulda baholash yo'li bilan buxgalteriya axborotini yig'ish, qayd etish va umumlashtirishning tartibga solingan tizimidan iborat".

5. Xulosa va takliflar.

Keltirib o'tilgan ta'rif ta'kidlaydiki, butun buxgalteriya hisobi mulkning qiymati va majburiyatlar ko'lamini haqida axborot olishga yo'naltirilgan, bu esa eng avvalo baholashdan qiymatni o'lchash usuli sifatida foydalanishda mumkin bo'ladi.

Umuman olganda, baholashdan buxgalteriya hisobi tizimida foydalanish nafaqat yetarli, balki axborotni tayyorlash uchun zarur hamdir. U buxgalteriya hisobi predmeti hisoblanadigan turli-tuman obyektlar: pullar, materiallar, patentlar va litsenziyalar, jihoz va binolar, kreditorlar oldidagi majburiyatlar va hokozolar haqidagi axborotni umumlashtirishga ham imkon beradi. Ma'lumki, umumlashtirishsiz buxgalteriya hisobi tizim sifatida mavjud bo'lmaydi, baholash esa axborotni qiyoslanadigan qilishga imkon beradi.

V.G. Makarovning fikricha: "buxgalteriya hisobi obyektlarini qiymatli o'lchash ijtimoiy ishlab chiqarish rivojlanishining umumlashgan ko'rsatkichlarini olish, korxonalarining mahsulot ishlab chiqarish bilan bog'liq xarajatlarini uni sotishdan tushum bilan solishtirish, xo'jalik hisobi tamoyillariga rioya qilinishi ustidan nazorat qilishni ta'minlaydi" [4, 98 b.]. Uning nuqtayi nazariga muvofiq butun korxonani, uning tuzilmaviy bo'linmalarini, ishlab chiqarishga xarajatlarini, sotishdan tushumlarini, faoliyatining samaradorligini boshqarish mumkin emas. Buning asosida, bir tomondan, baholash korxonasi faoliyatining umumlashtiruvchi ko'rsatkichlarini, uning yakuniy nazorati – foydani hisoblash imkonini beradi, boshqa tomondan esa, u obyektlarni hisobga olishni ta'minlaydi. Aynan shunda baholashning ikkiyoqlama funksiyasi namoyon bo'ladi, ya'ni har bir hisob obyekti qiymatini o'lchash va ularning harakati va ishlatilishi haqidagi umumlashgan axborotni tayyorlash.

Turli nuqtayi nazarlarning tahlili baholash haqiqatan ham buxgalteriya hisobi uslubining mustaqil elementi ekanligi haqida ishonch bilan gapirish imkonini beradi. Shundan kelib chiqib, u buxgalteriya hisobining barcha talablariga bo'ysunadi, uning vazifalarini hal etishni ta'minlaydi va uning axborot bazasi shakllanishida ishtirok etadi. U butun xo'jalik jarayonlarini qamrab oladi, mulkning va kapitalning, vujudga keluvchi majburiyatlarning o'lchamini aniqlaydi.

Bu bugungi bozor iqtisodiyoti sharoitida aktivlarni va majburiyatlarni sof qiymatida baholash va ularni moliyaviy hisobotlarning konseptual asoslari tamoyillariga mos ravishda moliyaviy hisobotlarda aks ettirish imkoniyatini yaratadi.

Adabiyotlar/Literatura/Reference:

Karimov A.A. (2004) Buxgalteriya hisobi. T.: "Sharq". / Karimov A.A. (2004) Accounting. T.: Sharq.

Toshmamatov N. (2017) Buxgalteriya hisobi nazariyasi. T.: "Navro'z". / Toshmamatov N. (2017) Theory of Accounting. T.: "Navruz".

Бабаев Ю.А. (1999) Теория бухгалтерского учета. - М.: "Аудит", ЮНИТИ / Babaev Yu.A. (1999) Accounting Theory. - M.: "Audit", UNITI.

Барун М.А. (1954) О предмете бухгалтерского учета.// "Бухгалтерский учет", №2 / Barun M.A. (1954) On the subject of accounting.// "Accounting", No. 2

Василенко П.Н. (1970) Основы бухгалтерского учета. - М.: "Экономика". / Vasilenko P.N. (1970) Fundamentals of Accounting. - M.: "Economics".

Дембинский Н.В. (1977) О некоторых проблемах теории бухгалтерского учета.// «Бухгалтерский учет», №6 / Dembinsky N.V. (1977) About some problems of accounting theory.// "Accounting", No. 6

Гаврилова Б.И. (1970) Общая теория бухгалтерского учета. - Минск "Высшая школа". / Gavrilova B.I. (1970) General Theory of Accounting. - Minsk "High School".

Исманов, И. Н., Тошмаматов, Н., & Хожаев, А. С. (2019). О некоторых вопросах предмета бухгалтерского учета. Проблемы современной науки и образования, (12-2 (145)), 88-93. / Ismanov, I. N., Toshmamatov, N., & Khozhaev, A. S. (2019). On some issues of the subject of accounting. Problems of modern science and education, (12-2 (145)), 88-93.

Исманов, И.Н., & Хабижонов, С.К. (2019) Особенности организации бухгалтерского учета гудвилля. Наука, техника и образование, (5 (58)), 66-68. / Ismanov, I.N., & Khabizhonov, S.K. (2019) Features of goodwill accounting organization. Science, technology and education, (5 (58)), 66-68.

Кирьянова З.В. (1995) Теория бухгалтерского учета. - М.: "Финансы и статистика". / Kiryanova Z.V. (1995) Accounting theory. - M.: "Finance and statistics".

Кутер М.И. (2000) Теория и принципы бухгалтерского учета. - М.: "Финансы и статистика" и "Экспертное бюро". / Kuter M.I. (2000) Theory and principles of accounting. M.: "Finance and Statistics" and "Expert Bureau".

Леонтьев Н.А. (1953) Теория бухгалтерского учета. М.: ВЗФЭИ / Leontiev N.A. (1953) Accounting theory. Moscow: VZFEI,

Макаров В.Г. (1983) Теория бухгалтерского учета. - М.: "Финансы и статистика". / Makarov V.G. (1983) Accounting theory. - M.: "Finance and statistics".

Мезенцев П.В. (1956) Лекции по теории бухгалтерского учета. Вып. 1. М.: Госторгиздат. / Mezentsev P.V. (1956) Lectures on the theory of accounting. Issue. 1. M.: Gostorgizdat.

Немчинов П.П. (1975) Всесоюзный научно-технический семинар «Совершенствование научно-технической, учебной литературы по бухгалтерскому учету и анализа хозяйственной деятельности», Сборник тезисов и докладов. Одесса. / Nemchinov P.P. (1975) All-Union scientific and technical seminar "Improvement of scientific, technical, educational literature on accounting and analysis of economic activity", Collection of abstracts and reports. Odessa.

Пильменштейн Д.И. (1968) Основы бухгалтерского учета. М.: «Статистика». / Pilmenstein D.I. (1968) Fundamentals of accounting. M.: "Statistics".

Соколов Я.В. (2000) Основы теории бухгалтерского учета. М.: "Финансы и статистика". / Sokolov Ya.V. (2000) Fundamentals of Accounting Theory. M.: "Finance and statistics".

Соколов Я.В, Бычкова С.М. (1999) Принцип осмотрительности (консерватизма) в бухгалтерском учете.// "Бухгалтерский учет", №5, 54-59 б. / Sokolov Ya.V., Bychkova S.M. (1999) The principle of prudence (conservatism) in accounting.// "Accounting", No. 5, 54-59 b.

Щенков С.А. (1973) Система счетов и бухгалтерский баланс предприятия. М.: Финансы. / Shchenkov S.A. (1973) System of accounts and balance sheet of an enterprise. M.: Finance.



OFFSHOR HUDUDLAR VA ULARNING INVESTITSİYALAR MOBILIGINI TA'MINLASHDAGI AHAMIYATI

i.f.d., professor Karimqulov J.I., Abduqaxorov B.O'.

Toshkent moliya instituti

Annotatsiya: Maqolada bugungi kunda dolzarb muammolardan biri bo'lgan iqtisodiy xavfsizlik bilan to'g'ridan-to'g'ri bog'liq offshor hududlarning faoliyati hamda ularni tashkil etish va yuritishda jahon hamjamiyatidagi rivojlangan mamlakatlar tajribasi o'rganilib, faoliyat yuzasidan o'rganilgan tajribalarni amaliyotga tadbiiq etish masalalari ko'rib chiqilgan. Bozor iqtisodiyoti sharoitida investitsiyalarni samarali boshqarish yangi tamoyillarni ishlab chiqishni talab etadi. Shu munosabat bilan ilmiy tadqiqotimizda investitsiyalarni samarali boshqarishda jahon hamjamiyatidagi maxsus iqtisodiy zonalar takibiga kiruvchi offshor hududlarning faoliyati tahlil etilgan hamda o'rganilgan bilimlar asosida umumiy xulosa va takliflar berilgan.

Kalit so'zlar: offshor hudud, maxsus iqtisodiy zona, iqtisodiy xavfsizlik, investitsion muhit, investitsiyalarni boshqarish, soliq yuki, soliq imtiyozlari, "soliq gavannasi".

OFFSHORE ZONES AND THEIR IMPORTANCE IN PROVIDING INVESTMENT MOBILITY

DSc, Karimkulov J.I., Abduqaxorov B.U.

Tashkent Financial Institute

Abstract: The article analysis today's most impressing issues, organization and management of offshore zones, which directly related to economic security, as well as, implemantion of experience of developed countries on the field of offshore zones. Effective investment management in a market economy requires the development of new principles. In this regard, there are analysed activities of offshore zones, which are particular part of Special Economic Zones, to deal with effective mangement of investments. At the end of scientific research, there are given overall conclusions and suggestions based on knowledge, which is studied during scientific research.

Keywords: offshore zones, special economic zones, economic security, investment climate, management of investments, tax burden, tax benefits, "tax haven".

1. Kirish.

Jahon iqtisodiyoti globallashuvi sharoitida investitsiyalar mobilligini ta'minlash, bu borada qulay investitsion muhitni yaratish, iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini oshirishda maxsus iqtisodiy zonalar omilidan foydalanish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bugungi kunda maxsus iqtisodiy zonalarning alohida bir turi sifatida offshor hududlar shubhali moliyaviy operatsiyalar va jinoiy daromadlarni legallashtirish vazifasini bajaruvchi hudud sifatida yodga olinadi, biroq offshor hududlardan foydalanishda xalqaro amaliyot tajribalari shuni ko'rsatadiki, offshor hududlar investitsiyalar mobilligini faollashtiruvchi hududlar bo'lib, xalqaro savdo, investitsiya, sug'urta, moliyaviy va boshqa faoliyat sohalarida investitsiyalarni samarali boshqarishda zamonaviy yondashuvlardan biri bo'lib bormoqda.

2. Adabiyotlar sharhi.

Xalqaro iqtisodiy munosabatlarda iqtisodchi olimlar maxsus iqtisodiy zonalarning alohida bir turi offshor hududlar va ularning tarkibiga kiruvchi offshor hududlariga turlicha ta'riflar keltirib o'tishgan. Rossiyalik iqtisodchi olim Balladinaning (2016) fikriga ko'ra,

maxsus iqtisodiy zona (MIZ) bu xorijiy investorlar va xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar uchun xo'jalik faoliyatining imtiyozli rejimi belgilanadigan mamlakat hududining bir qismidir, ya'ni bu odatiy bojxona, soliq, ayrim hollarda valyuta va bank qonunchiligi harakatlaridan chiqarib tashlangan hududdir.

Tariverdiev (2012) maxsus iqtisodiy zonalarning alohida bir turi bo'lgan offshor hududlar faoliyati bo'yicha olib borgan ilmiy ishlarida ularga quyidagicha ta'rif beradi "Offshor hudud - milliy iqtisodiy makonning bir qismi bo'lib, bu yerda mahalliy va xorijiy tadbirkorlar uchun imtiyozlar va imtiyozlar tizimi yaratilgan bo'lib, u eng yangi texnologiyalar asosida iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlarini yaratish imkonini beradi, bu esa o'z navbatida iqtisodiyotning barqaror rivojlanishini ta'minlaydi, yuqori sifatli mahsulot ishlab chiqarish va jahon bozoriga yetkazib berish, shuningdek, uning bazasi joylashgan hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy hayotini muvaffaqiyatli rivojlantirishda muhim rol o'ynaydi."

Gospodarik va Pashkovskayalar (2018) ning fikricha, offshor hudud joylashgan mamlakatda ro'yxatdan o'tgan xorijiy kompaniyalarga maxsus soliq va boshqa imtiyozlar berish orqali xorijiy kapitalni jalb qiladigan maxsus moliyaviy markaz bo'lib, ushbu hududda offshor biznes, offshor kompaniyalarni ro'yxatdan o'tkazish va faoliyat olib borishga qonuniy ravishda ruxsat berilgan va rezidentlarga nisbatan ko'p sonli imtiyozlar qo'llaniladigan davlatlar va maxsus hududlar offshor yurisdiksiyalar deb ataladi.

Shumilov (2003) tomonidan olib borilgan tadqiqotlarning natijalariga ko'ra, "Offshor hudud-murakkab kompleks jarayonlarni o'z ichiga oluvchi xalqaro-iqtisodiy hudud. Ushbu turdagi hududlar chet el yuridik shaxslariga nisbatan maxfiylikni saqlagan holda maxsus qulay huquqiy rejim (ro'yxatdan o'tish, soliq xizmati, bank xizmatlari) taqdim etishga ixtisoslashgan davlat hududi yoki davlat hududining bir qismi bo'lgan hududir".

Yuqorida ko'rib o'tilganidek, offshor hududlar maxsus iqtisodiy zonalarning alohida bir turi hisoblanadi. Offshor hududlarni qo'llash mohiyati, yo'nalishlari va mexanizmlari haqida gap ketganda, birinchi navbatda, past soliq yurisdiksiyalari yaratilgan iqtisodiy-geografik hudud tushuniladi.

Bugungi kunga qadar mamlakatimizda offshor hududlar va ularning faoliyati yuzasidan tadqiqot ishlari boshqa sohalarga nisbatan kamroq o'rganilgan, hozirda offshor hududlar faoliyati jahon hamjamiyatida global mavzulardan biri bo'lib borayotganligi sababli, ularning faoliyati yuzasidan ilmiy tadqiqot ishlarini olib borish mavzuumizning dolzarbligini belgilab beradi.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Maqolada maxsus iqtisodiy zonalarning alohida bir turi hisoblangan, offshor hududlarning investitsiyalar mobilligiga ta'siri va ahamiyatini tadqiq etishga qaratilgan bir qancha tadqiqot usullaridan, jumladan adabiyotlar tahlili va sharhlash, empirik tadqiqot, statistik kuzatuv, solishtirish, taqqoslash, induktsiya va deduktsiya, monografik tadqiqot, klasterlash kabi usullardan keng foydalanilgan.

4. Tahlil va natijalar muhokamasi.

Zamonaviy offshor hududlar ro'yxatida joylashgan davlatlarning alohida xususiyati, ularning orol davlatlari ekanligidir, jumladan: Karib dengizi, Kayman, Virjiniya, Bermuda, Bagama orollari va boshqalar. Bunday holat tasodifiy emas, albatta. Ushbu hududlar "tabiiy izolyatsiya" qilinganligi, yer osti va yer usti resurslariga boy bo'lmaganligi, hududlarning ichki bozorlari rivojlanmaganligi sababli mazkur hududlar xorijiy kapitalga kuchli qaramligiga olib keladi. Shunday qilib, biznesni yuritish uchun imtiyozli shart-sharoitlar yaratish, eng avvalo, imtiyozli soliq rejimi berish bunday hududning iqtisodiy rivojlanish darajasini oshirish maqsadida xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning asosiy usuli hisoblanadi. Bu o'z navbatida, ushbu tabiiy chegaralangan orollarning offshor hududlarida kompaniyalar soni ortib borayotganligi sari, mahalliy aholining farovonligi, aholining bandlik darajasi hamda mahalliy hokimiyat organlari ro'yxatga olish to'lovlari va yillik to'lovlardan aholi daromadlarining oshib borishini anglatadi.

Shu bilan birga offshor hududlar faoliyatida asosiy tamoyillardan biri bu soliq imtiyozlari faqat xorijiy investorlar uchun belgilanishidir. Ushbu xususiyat ularni investitsion jozibadorligini offshor hududlarda xorijiy investorlarning kompaniyalari mahalliy kompaniyalarning raqobatbardoshligini, shuningdek, offshor soliq, valyuta va bojxona qonunchiligiga zarar yetkazmaslik uchun ichki bozordan ajratilishi kerak. Offshor biznesni tashkil etish uchun barcha zarur mablag'lar xorijiy yuridik shaxslar tomonidan olib kirilishi

kerak, ya'ni xorijiy kapital orqali. Shunday qilib, offshor hududlarning asosiy vazifasi Orol davlatlarining moliyaviy tizimlariga qo'shimcha investorlar mablag'larini jalb qilishdir. Shu bilan birga, investorlar xalqaro soliq rejalashtirish vositasi sifatida offshor kompaniyalarning quyidagi afzalliklaridan foydalanish imkoniyatiga ega bo'ladilar:

birinchidan, ro'yxatdan o'tish yengilligi. Offshor hududlarda kompaniyani ro'yxatdan o'tkazish (tashkil etish), boshqa xorijiy mamlakatlarda kompaniya tashkil etishdan ko'ra yengilroq. Bundan tashqari, offshor kompaniya ko'proq moslashuvchan va uning maxfiyligini ta'minlovchi, shuningdek, turli mamlakatlarning kredit tashkilotlarida va turli valyutalarda offshor hisob-kitob hisoblari mavjud bo'lganda pul mablag'laridan foydalanish samaradorligini oshiruvchi xalqaro biznes markazi sifatida faoliyat yuritishi mumkin;

ikkinchidan, soliq yukining kamligi. Offshor hududlar yurisdiksiyasida soliqqa tortish sezilarli darajada past, ba'zi hollarda nol soliq stavkasida ham amalga oshiriladi. Soliq yuki faqat qat'iy belgilangan yig'imning yillik to'loviga, yoki ro'yxatga olishdagi bir martalik to'lovga tushishi mumkin. Agar zaruriyat tug'iladigan bo'lsa bank va sug'urta litsenziyalarushun alohida soliq to'lanadi;

uchinchidan, ustav miqdorining pastligi. Offshor hududlarida kompaniyani ro'yxatdan o'tkazish uchun ustav kapitali miqdori boshqa mamlakatlarda oddiy kompaniyani ro'yxatdan o'tkazishdan ancha past. Ba'zi offshor hududlarda kompaniyalarni ustav kapitali minimal miqdorga yetarli bo'lmagan taqdirda ham ularni ro'yxatdan o'tkazish mumkin, lekin aksariyat holatlarda ustav kapitalining minimal miqdoriga talab mavjud;

to'rtinchidan, moliyaviy hisobotlarni taqdim etishdagi minimal talab. Aslida, offshor hududlardagi kompaniyalar faoliyatida (garchi barcha offshor yurisdiksiyalarida bo'lmasa ham) moliyaviy natijalar to'g'risidagi hisobotlar, auditorlik xulosalari talab qilinmaydi va shu bilan offshor kompaniyalarning yana bir muhim afzalligi - ularning maxfiyligini ta'minlaydi. Biroq, hozirgi vaqtda "soliq gavannalari"¹ning bu afzalligi bahsli, chunki bir qator davlatlar hukumatlari va yetakchi xalqaro hamjamiyatlarning, birinchi navbatda G20 va OECDning bosimi natijasida offshor davlatlar offshor faoliyatini yanada shaffof qilish choralari ko'rishga majbur bo'lmoqda. (Logachev va boshq., 2007)


Offshor hududlarni yaratishdan maqsad mamlakatga qo'shimcha daromad keltiruvchi offshor biznesni rivojlantirishdir. Shu bilan bir qatorda offshor hududlar tashkil etuvchi davlatlar milliy iqtisodiyotini rivojlantirish uchun qo'shimcha xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, daromadlarni oshirish, yangi ish o'rinlarini yaratishga erishadilar. Offshor hududlarda daromad solig'i, qoida tariqasida mavjud emas, mavjud bo'lgan holatda ham 1-2 foizni tashkil qiladi. Offshor hududlarda daromad solig'ining o'rniga, ma'lum miqdorda yillik to'lov olinadi. Offshor hududlar aynan shu xususiyati bilan yirik biznes yurituvchi tashkilotlar e'tiboriga tushgan.

Yuqorida ta'kidlab o'tkanimizdek, offshor hududlarning asosiy qismi Yevropa qit'asi, Osiyo va Tinch okeani hududlarida joylashgan bo'lib, u yerda kapital saqlanishi siyosiy va iqtisodiy jihatdan kafolatlangan bo'ladi. Offshor hududlarning joylashuvi bo'yicha o'tkazilgan tahlil natijalariga ko'ra, offshor hududlar investitsiyalar mobilligi faol bo'lgan hududlar atrofida tashkil etilganligini hamda ularning soni joylashgan mintaqaviy hududdagi investitsiyalar harakati bilan to'g'ri proporsional ekanligini ko'rishimiz mumkin. (1-rasm).

Yuqoridagi ma'lumotlardan ko'rishimiz mumkinki, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar harakati rivojlanayotgan mamlakatlarda yuqori ekanligini ko'rishimiz mumkin. Rivojlanayotgan mamlakatlarda 2020-yilda 663 mlrd. AQSh dollari miqdorida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar harakati kuzatilib, jami investitsiyalar harakatining 34.6 foizini tashkil etmoqda. Keyingi navbatda, Osiyo mintaqasi bo'lib, u yerda 2020-yilda 535 mlrd. AQSh dollari miqdorida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar harakati kuzatilgan hamda jami investitsiyalar harakatining 27.9 foizini tashkil etgan. Bundan so'ng 2020-yildagi to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar harakati bo'yicha 16.3 foiz ko'rsatkich bilan rivojlangan mamlakatlarni ko'rishimiz mumkin. Rivojlangan mamlakatlarda 2020-yilda jami 312 mlrd. AQSh dollari miqdorida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar harakati kuzatilgan. Ma'lumotlar yuzasidan 2019-yil hamda 2020-yildagi jami to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar harakati o'rtasidagi tafovutning yuqori ekanligi alohida ahamiyatga ega. Bunga sabab butun jahon hamjamiyatini iqtisodiyotini "qulash" darajasiga olib kelgan


¹ Soliq gavannasi - bu siyosiy va iqtisodiy barqaror muhitda xorijiy biznes va jismoniy shaxslarga bank depozitlari uchun minimal yoki umuman soliq majburiyatini taklif qilmaydigan mamlakat. Manba: Muhitdinov R.A. (2010) O'zbekiston yuridik ensiklopediyasi. Toshkent, 704 b.

COVID-19 pandemiyasidir. Ma'lumot o'rnida aytib o'tish joizki, 2019-yilda to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar harakati 2 878 mlrd. AQSh dollarini, 2020-yilda esa 1 915 mlrd. AQSh dollarini tashkil etgan. Bu esa 2020-yilda 2019-yilga nisbatan 33.5 foizga, mutloq ko'rsatkichlarda 963 mlrd. AQSh dollari miqdorida kam to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar harakati kuzatilganini anglatadi. Bugungi kunda COVID-19 pandemiyasining salbiy ta'siri kamaytirish hamda iqtisodiyotni qayta tiklash borasida bir qator chora-tadbirlar amalga oshirilib, investitsiyalar mobilligini faollashtirish masalalari ko'rib chiqilmoqda.



1-rasm. 2019-2020 yillarda dunyo mintaqalari kesimida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar harakati, mlrd. AQSh dollar va foizlarda (Umirzoqov, 2022)

Offshor hududlari orqali xorijiy mamlakatlardan kirib kelgan kapital bilan offshor hudud joylashgan davlatning ichki infratuzilmasini takomillashtirishga yo'naltiriladi. Shu bilan bir qatorda offshor hududlarini tashkil etishning iqtisodiy, ijtimoiy, ilmiy-texnologik maqsadlari mavjuddir. (2-rasm)



2-rasm. Offshor hududlarni tashkil etish maqsadlari (Logachev, 2007)

Amalda, bu maqsadlar aniq vaziyatga va offshor hududlar turiga qarab o'zgartirilishi mumkin. Masalan, Niderlandiya va Lyuksemburg kabi davlatlarda faoliyat yuritayotgan imtiyozli offshor yurisdiksiyalarining maqsadli soliq siyosati ular nafaqat o'z iqtisodiga katta miqdorda qo'shimcha mablag'larni jalb qilishiga, balki o'zlari ham dunyoning eng yirik investorlariga aylanishlariga olib keldi. Shu bilan birga, offshor hududlarining afzalliklaridan foydalanish uchun kichik yoki iqtisodiy rivojlanmagan davlatlar, butun mamlakatni offshor zonaga aylantirish yo'lidan boradi va shunga mos ravishda milliy iqtisodiyot tuzilmasini tashkil qiladi (Zorome, 2007).

Fransiya va Monako qirolligi o'rtasidagi iqtisodiy munosabatlarni qo'llab-quvvatlash maqsadida offshor hududlarni tashkil etish tobora faollashib bormoqda. Ushbu holat yuzasidan offshor hududlari faoliyati bo'yicha taniqli ekspert E. Chambost ta'kidladi: "Monako orqali pul mablag'larining harakati Fransiya banki tomonidan boshqariladigan zona hisobvaraqlari orqali o'tadi. (Chambost, 1978) Bunday sharoitda Fransiya Monakoni "soliq gavannasi" sifatida saqlab qolishdan manfaatdordir." (Чашин, 2013)

Italiyada offshor hududlarini tashkil etish hamda ular orqali investitsiyalar mobilligini samarali boshqarishda Kampion (Campione D'Italia) misolida ko'rib chiqish mumkin. Kampiondagi soliq imtiyozlari faqat mahalliy aholi yoki u yerga ko'chib kelgan chet elliklar uchun amal qiladi. Shveytsariya hududidagi ushbu Italiya anklavining hududi juda ham kichik bo'lib, aholisi taxminan 3500 kishini tashkil etadi. Ulardan 1500 nafari "soliq qochqinlari" deb ataladi. Shuning uchun Kampionning offshor hudud sifatidagi imkoniyatlari boshqa offshorlarga nisbatan cheklangan va Italiyadagi soliq siyosati bilan bog'liq vaziyatga salbiy ta'sir ko'rsata olmaydi (Tamas va Takats, 2008). Boshqa tomondan, chet el fuqarolari tomonidan shahardan "soliq gavannasi" sifatida foydalanish Italiya valyuta tushumlariga hissa qo'shadi. Davlatning bu boradagi sa'y-harakatlari, asosan, ichki offshor hududlardan mamlakat iqtisodiyotiga salbiy ta'sir ko'rsatishning oldini olishga qaratilgan.

Offshor zonadan davlat manfaati uchun foydalanishning munosib namunasini Xitoy misolida ko'rishimiz mumkin. Xitoyda offshor hududlar orasida eng samarali faoliyat yuritib kelayotgani Gonkong offshor hududidir. Xitoy hukumati "bir davlat, ikki tizim" tamoyilini e'lon qilib, u yerda mavjud iqtisodiy tizimni saqlab qoldi. Bundan tashqari, Xitoy hukumati uning samarali ishlashiga qiziqish bildirmoqda va Gonkong offshor hududi orqali tashqi savdo aloqalarini, moliyaviy-iqtisodiy imkoniyatlarini kengaytirmoqda. Xitoyning maxsus iqtisodiy zonalardan foydalanish tajribasini hisobga olgan holda mamlakatga faoli investitsiyalarni jalb qilishda, "Gonkong ustidan suverenitetning Xitoy hukumatiga o'tkazilishi, ba'zi tahlilchilar bashorat qilganidek, kapitalning umumiy qochishiga olib kelmadi" Bunday holda, davlatning roli Gonkongning o'rnatilgan maqomini saqlab qolish va butun mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish uchun uning offshor imkoniyatlaridan maksimal darajada foydalanishga qaratilgan. Hozirda Gonkong Xitoy hukumati tomonidan mamlakatning asosiy "iqtisodiy darvozasi" va valyuta tushumlari manbai sifatida faol foydalanilmoqda. Hatto aytish mumkinki, Gonkongning iqtisodiy maydoni qo'shni Shenzhen erkin iqtisodiy zonasigacha tarqaldi.

5. Xulosa va takliflar.

Ilmiy tadqiqot yuzasidan ko'rib chiqilgan tahlil va natijalarga asosan quyidagicha xulosalar shakllantirildi:

- offshor hududlarda ham maxsus iqtisodiy zonalar kabi soliq imtiyozlari qo'llanilishi uning maxsus iqtisodiy zonalar takibiy tuzilishidan joy olishini anglatadi;
- har qanday turdagi maxsus iqtisodiy zonalar va ularning alohida bir turi hisoblangan offshor hududlarni tashkil etish va rivojlantirish uchun moliyaviy infratuzilma (bank va moliyaviy xizmatlar bilan ta'minlashning yuqori darajasi), nisbatan arzon va ayni paytda yuqori malakali ishchi kuchi, ma'muriy-byurokratik to'siqlarning yo'qligi, barqaror huquqiy baza zarurligi;
- offshor hududlardan olinadigan daromadning soliqqa tortilmasligi yoki ba'zi hududlarda 1-2 fozilik stavkalarining qo'llanilishi jinoiy daromadlarni legallashtirishning maxfiyligini ta'minlaydi;
- offshor hududlar tashkil etilgan mamlakatga yuqori miqdorda xorijiy investitsiyalar kirib keladi;
- offshor hududlar milliy iqtisodiyotning raqobatini kuchaytirishda muhim ahamiyat kasb etadi;

Ilmiy tadqiqot natijalarida quyidagi taklif va tavsiyalarni amaliyotga joriy etish faoliyat

borasida o'zining ijobiy samarasini berishini kuzatishimiz mumkin:

- investitsiyalar mobilligini ta'minlashda investitsiya muhitini yaxshilash bu borada iqtisodiy-geografik hududlarning infratuzilmasini yaxshilashda import o'rnini bosuvchi yuqori innovatsion texnologiyalarni amaliyotga tadbiq etish;

- mamlakatning iqtisodiy turg'unlikdagi iqtisodiy-geografik hududlariga investitsiyalar, xususan xorijiy to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarni faol jalb qilishda muhim ahamiyatga ega maxsus iqtisodiy zonalarni tashkil etish.

Adabiyotlar/Literatura/Reference:

Abdukakhorov B.U. (2022) "The Impact of Tax Benefits on the Improvement of Special Economic Zones", Central asian journal of theoretical & applied sciences, 3(6), pp. 371-376. Available at: <https://cajotas.centralasianstudies.org/index.php/CAJOTAS/article/view/666>

Abdukakhorov B.U. (2022) "SPECIAL ECONOMIC ZONES AS A FACTOR OF REGIONAL DEVELOPMENT", Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(4), pp. 613-616. Available at: <https://giirj.com/index.php/giirj/article/view/2331>

Abdukakhorov B.U. and Karimkulov J. I. (2022) "Development of Special Economic Zones in the Context of the Digital Economy", European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 7, pp. 353-359. Available at: <https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/611>

Akhrorzhonovich, I. A. (2022). The Role and Importance of Monetary Policy in the Country's Economy. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 17, 109-115.

Chambost E. (1978) Using Tax Havens Successfully. Institute for International Research, P. 224

Ibodullaev, A. (2021). Development trends, problems and solutions of the organized securities market. International Finance and Accounting, (1), 21.

Karimqulov J.I. (2019) Erkin iqtisodiy hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni rivojlantirish yo'nalishlari, 08.00.07 - «Moliya, pul muomalasi va kredit», Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun taqdim etilgan dissertatsiya, Toshkent, 244 b. / Karimqulov J.I. (2019) Directions for the development of attracting foreign investment in free economic zones, 08.00.07 - "Finance, money circulation and credit", dissertation for the degree of Doctor of Economics (DSc), Tashkent, 244 p.

Tamas K.P. and Takats Elod, (2008), Tax Rate Cuts and Tax Compliance-The Laffer Curve Revisited, IMF Working Paper, WP/08/07.

Umirzoqov J. A. (2022) Maxsus iqtisodiy zonalar sifatida offshor hududlarning global investitsiyalar va xalqaro iqtisodiy xavfsizlikka ta'siri, Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar, №1 (17) / Umirzoqov J. A. (2022) The Impact of Offshore Areas as Special Economic Zones on Global Investment and International Economic Security, Economics: Analysis and Forecasts, №1 (17)

World Investment Report (2021) https://unctad.org/system/files/official-document/wir2021_en.pdf en.pdf#page=20

Zorome A. (2007) "Concept of Offshore Financial Centers: In Search of an Operational Definition", IMF Working Paper, April

Абдукажоров Б.У. (2022) Повышение инвестиционной привлекательности экономических регионов узбекистана и улучшение условий для привлечения иностранных инвестиций, Студенческий вестник: электрон. научн. Журн, № 14(206). / Abdukahorov B.U. (2022) Increase of investment privileges of economic regions of Uzbekistan and improvement of conditions for privileged foreign investments, Studencheskiy vestnik: elektron. nauchn. Journ, № 14 (206). URL: <https://studvestnik.ru/journal/stud/herald/206>

Абдукажоров Б.У., (2022) Роль инвестиционной деятельности в экономическом развитии стран G7, Экономика и социум, №4(95) / Abdukahorov B.U., (2022) The role of investment activity in the economic development of the G7 country, Economics and society, №4 (95) URL: https://www.iupr.ru/_files/ugd/b06fdc_891644f403cd434e895978f77fb3190e.pdf?index=tr ue

Баландина А.С. (2016) Зарубежный опыт создания особых экономических зон в развитых странах, Проблемы учета и финансов, № 4 (24), 60-63 с. / Balandina A.S. (2016) Foreign experience in creating special economic zones in developed countries, Problems of accounting and finance, no. 4 (24), 60-63 p.

Господарик Ю.П., Пашковская М.В. (2018) Международная экономическая безопасность, Учебник.3-е изд, стер. М.: Университет, «Синергия», -416 с. / Gospodarik Yu.P., Pashkovskaya M.V. (2018) International Economic Security, Textbook. 3rd ed., ster. M.: University, "Synergy", -416 p.

Ибодуллаев, А.А. (2021). Уюшган қимматли қоғозлар бозорининг таркибий тuzилмасида "Тошкент" Республика фонд биржасининг тутган ўрни. / Ibodullaev, A. A. (2021). The role of the Republican Stock Exchange "Tashkent" in the structure of the organized securities market. Development issues of innovative economy in the agricultural sector, 104.

Логачев С. В., Боева О. Ю., Троценко А. Е., Кузнецова И. В. (2007) Оффшорные и неоффшорные юрисдикции Европы, Америки, Азии, Африки и Океании, НПК ВЕСТА, г. Москва, 389 стр. / Logachev S. V., Boeva O. Yu., Trotsenko A. E., Kuznetsova I. V. (2007) Offshore and non-offshore jurisdictions in Europe, America, Asia, Africa and Oceania, NPK VESTA, Moscow, 389 pp.

Майбуров И.А. и др. (2017) Особые экономические зоны. Теоретико-методологические аспекты развития, Книга 1: монография, М.: ЮНИТИ-ДАНА. 351 с. / Maiburov I.A. et al. (2017) Special Economic Zones. Theoretical and methodological aspects of development, Book 1: monograph, M.: UNITI-DANA, 351 p.

Таривердиев А.С. (2012) Особенности специальных экономических зон на современном этапе (теоретический аспект), диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук 08.00.01 – Экономическая теория, Москва, 24 с. / Tariverdiev A.S. (2012) Features of special economic zones at the present stage (theoretical aspect), dissertations for the degree of candidate of economic sciences 08.00.01 - Economic theory, Moscow, 24 p.

Чашин А. (2013) "Оффшорные зоны: правовое регулирование", 64 стр. / Chashin A. (2013) "Offshore zones: legal regulation", 64 pages.

Davlatimiz rahbari Sh. Mirziyoyev Islom hamkorlik tashkiloti (IHT) Tashqi ishlar vazirligi (TIV) kengashining 43-sessiyasi ochilishi marosimida so'zlagan nutqlarida "Islom olami ulkan iqtisodiy, investitsion salohiyat, energetika resurslarga ega. Ulardan to'g'ri foydalanish, Islom hamkorlik tashkilotiga a'zo davlatlarning xalqaro savdo-iqtisodiy, moliyaviy, investitsion hamkorligini kengaytirish, mamlakatlarimizni birlashtiradigan transport yo'llarini tashkil etish yuksak iqtisodiy taraqqiyot ko'rsatkichlariga erishish imkonini beradi va bu pirovard natijada boshqa barcha sohalarning rivojlanishida asos bo'lib xizmat qiladi" deya ta'kidlab o'tgan edilar¹. Garchi "Islom" banki bilan tijorat banklar o'rtasida ayrim farqlar mavjud bo'lsada, ularning tashkiliy-iqtisodiy asoslarida umumiy jihatlar saqlanib qolgan. "Islom" moliyasining mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotidagi ahamiyati, moliyaviy tijorat tashkilotlari bilan umumiy hamda farqli jihatlarini tadqiqot mavzuyimiz doirasida tahlil qilib chiqamiz.

2. Adabiyotlar sharhi.

Ushbu mavzuni yoritishda ko'plab xorijlik va o'zbek olimlarining "Islom moliyasi mexanizmlari" ga bag'ishlangan ilmiy maqola va tadqiqot natijalaridan foydalanildi. Xususan, tadqiqotchi Baydaulet (2019), Aliskerov (2021), Trachenko (2016), Mumtoz Husain (2015), Hussein Elarag (2019) va boshqa olimlarning mavzuga oid ilmiy xulosalari,

¹ Shavkat Mirziyoyevning IHT TIVK 43-sessiyasining ochilish marosimidagi nutqi / <https://kun.uz/uz/news/2016/10/18/savkat-mirziyoyevning-it-tivk-43-sessiyasining-ochilish-marosimidagi-nutqi>.

an'anaviy va islom moliyasining o'zaro umumiy hamda farqli jihatlari to'g'risidagi tahlillari mavzuni asoslashda dasturulamal bo'lib xizmat qildi.

Ko'pchilik adabiyotlarni o'rganib chiqishimiz davomida shunga amin bo'ldikki, Islom moliyasini tahlil qilishdan oldin uning asosini tashkil qiluvchi sha'riy tamoyillar o'rganib chiqilgan. Jumladan, ushbu tamoyillarning asosiylari sifatida quyidagilar keltirib o'tilgan:

- Halol yo'l bilan (Islom dinida ruhsat etilgan) boyluk orttirish;
- Adolatli tijoratni amalga oshirish;
- Qarz olish yoki qarz berish jarayonida olinadigan foydani, ya'ni sudxo'rlikni rad etish;
- Umumiy javobgarlik tamoyillariga rioya etish (foyda ham tavakkalchilik ham teng taqsimlanadi);
- Qimor o'yinlari, alkogol yoki tamaki mahsulotlarini ishlab chiqarish va iste'mol qilish, halol bo'lmagan go'sht ishlab chiqarish va qayta ishlash, kattalar uchun ko'ngilochar sanoat, qurol savdosi va boshqa taqiqlangan faoliyat kabi biznesning "xufyona" turlariga sarmoya kiritishni taqiqlash va h.k.lar (Baydaulet, 2019).

Shuningdek, Trachenko (2016) tadqiqotlarida islom moliyasining kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni (KBXT) moliyalashtirishdagi o'rniga alohida to'xtalib o'tilgan. Uning taklifiga ko'ra, mamlakatda KBXTni shariat qoidalari asosida moliyalashtirish uchun banklar faoliyatida "Islomiy xizmatlarni" kengaytirishga imkon beruvchi, shuningdek soliqqa tortish tizimini tartibga soluvchi bir qator qonunchilik tashabbuslarini ishlab chiqish zarur.

Mumtaz Hussain va boshqa (2015) tadqiqotchilar esa ilmiy izlanishlarida asosan Islom moliyasining kelib chiqish tarixi, an'anaviy va islom moliyalashtirish modellarining farqli jihatlari, moliyalashning asosiy tamoyillari (huquqlar tengligi, tavakkalchilik va foydaning taqsimlanishidagi adolatlilik, mulkchilik doirasidagi halol tijorat) hamda asosiy tushunchalari alohida izohlangan.

Bundan tashqari, tadqiqotchi Hussein Elasrag (2019) Islom moliyasini raqamlashtirish, ushbu soha faoliyatiga oid ma'lumotlar to'plashdagi mavjud muammolarning (hukumat, infratuzilma, noto'g'ri muhit, boshqaruv tizimidagi kamchiliklar) yechimi bo'yicha alohida takliflarni keltirib o'tgan. Shu kabi bir qator tushuncha va tahlillar "Islom moliyasi" ga oid aksariyat adabiyotlarning asosiy tadqiqot ob'yekti hisoblanadi.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Mazkur tadqiqot ishida tahlil va sintez, qiyosiy va statistik hamda induksiya usullaridan foydalanildi.

4. Tahlil va natijalar muhokamasi.


Islomiy tamoyillar asosida ishlaydigan moliyalashtirish jarayonlarida, boshqa barcha islomiy iqtisodiy munosabatlardagi kabi, sha'riy cheklovlar o'rnatilgan. Bunday cheklovlar amaliyotda juda ko'p uchraydi, jumladan, meysir, g'arar, ribo va boshqalar². Ammo shulardan eng asosiyalari ribo va g'arar hisoblanadi.

Ribo-bu miqdor jihatidan nomuvofiq pul ekvivalentidan har qanday noqonuniy yoki adolatsiz foyda olishdir. Shariat riboni ikkiga ajratadi, bulardan birinchisi "nasiya" ribosi bo'lib, qarz oluvchiga mablag'lar taqdim etilganidan keyin qarz beruvchi tomonidan undiriladigan asosiy qarz miqdoridan kelib chiquvchi qo'shimcha foiz hisoblanadi; riboning ikkinchi ko'rinishi "fazl" ribosi bo'lib, u barter almashtiruvlari natijasida yuzaga keladi, bu taqiqning kelib chiqish sababi Payg'ambar (s.a.v.) ning hadislariga asoslanadi. Unga ko'ra, tovarlarni pulga ayriboshlash lozim, barter orqali ayriboshlashda tovarlar sifatida farqlar bo'lishi mumkin, bu esa adolatsiz ko'payishga olib keladi. Islom foyda olishni rag'batlantiradi, lekin sof pul foizlari undirilishini taqiqlaydi, chunki foizlar mehnatga asoslanmagan, faoliyat natijasiga bog'liq bo'lmagan holda foyda olishdir.

Islomiy moliyada g'arar ribodan keyingi eng muhim shariy cheklov hisoblanadi. G'arar - bu axboratdan bexabarlik natijasida yuzaga keladi, ya'ni shartnomadagi axborotlarning noaniqligi yoki hamkorlar tomonidan yashirilayotgan yohud tomonlarning hech biri nazorat qilish imkoniga ega bo'lmagan bitim predmenti g'arar hisoblanadi. Insofsizlik, firibgarlik va qimmatga teng ma'lumotlarni yashirish g'ararga olib keladi, g'arar natijasida bir tomon ikkinchi tomon hisobidan boyluk orttiradi, bu esa islom normalariga ziddir (Baydaulet, 2019). Yuqorida keltirilgan sha'riy cheklovlar islom moliyasi tashkilotlari faoliyatining asosiy tamoyillarini belgilab beradi.

² <http://taibaleasing.com/uz/ob-islamskom-finansirovanii/>.

Shariat qoidalariga asoslangan islomiy moliyalashtirish muassasalari amaliyotda turlicha tashkiliy-iqtisodiy shakllarda faoliyat olib boradi. Quyidagi chizmada ularning asosiy turlarini ajratib ko'rsatishga harakat qildik (1-rasm).



1-rasm. Islomiy moliyalashtirish muassasalarining asosiy turlari³

Sug'urta (takoful) - lug'aviy ma'nosi arabcha "kafala" so'zidan kelib chiqqan bo'lib, "bir-birini kafolatlash" yoki "qo'shma kafolat" ma'nolarini anglatadi. Takoful islomiy sug'urta hisoblanib, ushbu tizimga ko'ra har bir shaxs umumiy jamg'armaga boshqa bir shaxs bilan baxtsiz hodisa ro'y berganda yordam ko'rsatish niyati bilan beg'araz hadya qilishadi. Islomiy sug'urta tizimida ishtirokchilar bir-birini kafolatlashga rozi bo'lib, investitsiya fondiga yoki pul jamg'armasiga o'z hissasini qo'shishadi, yig'ilgan mulklar jamg'armasi Takoful fondini tashkil qiladi. Ushbu jamg'arma ishtirokchilar orasidan saylangan operator - kompaniya tomonidan boshqariladi, unga jamg'armani boshqarish va uning mablag'larini investitsiya qilish bo'yicha xizmatlari uchun haq to'lanadi. Ishtirokchilardan tushgan mablag'lar keyinchlik daromad olish maqsadida halol, shariatga asoslangan fondlarga sarmoya qilinadi, jamg'arma ortiqcha daromadga ega bo'lsa u ishtirokchilar o'rtasida taqsimlanadi, takaful jamg'armasidagi har qanday ortiqcha mablag' sug'urtalanuvchilarga tegishlidir u fondga foyda keltirmaydi⁴.

An'anaviy sug'urta shartnomasida shariat ruxsat etmagan amallar mavjudligi tufayli u islomiy sug'urtadan farq qiladi, ya'ni, an'anaviy sug'urta tizimi noaniqlik elementi bo'lgan g'ararni o'z ichiga oladi. Misol uchun, agar da'vo mavjud bolsa, sug'urtalanuvchi foyda ko'radi, sug'urtalovchi esa buning aksi; agar da'volar mavjud bo'lmasa, bir yil ichida sug'urta kompaniyasi sug'urta mablag'larini yig'ishdan foyda oladi, biroq sug'urtalangan shaxsga hech narsa qaytarilmaydi⁵.


Islomiy investitsion jamg'armalar mustaqil investitsiyaviy kompaniyalar hisoblanib, unda korxonalar aktivlari, uning foyda va zarari ishtirokchilar o'rtasida teng taqsimlanadi. Islomiy investitsiya jamg'armalari ham boshqa islomiy muassasalar kabi o'z faoliyatini shariat qoidalariga asosida olib boradi. "Islomiy investitsiya jamg'armalari" atamasi "umumiy kassa" yoki "umumiy jamg'arma" ma'nosini bildiradi va bu jamg'armada investorlar shariat qoidalariga amal qilgan holda, halol foyda olish maqsadida o'zlarining ortiqcha mablag'larini jamg'armaga kiritishadi. Jamg'arma investorlari ushbu jamg'armada ishtirik etish va u tomonidan ishlab topilgan foydadagi ulushga egaligini tasdiqlovchi "guvohnoma", "aksiya" va boshqa nomlar bilan ataluvchi hujjatga ega bo'ladi. Bu hujjatlarning qonuniyligi shariat jihatidan ikki asosiy talabga ko'ra bo'lishi lozim. Birinchidan, ushbu sertifikatlarida aniq foyda meyorini kafolatlanmaydi chunki, ishtirokchilar uning nominal qiymati o'rniga jamg'arma

³ "Islomiy" moliyaga bag'ishlangan manbalar asosidagi muallif ishlanmasi.

⁴ Islom sug'urtasi (Takoful). <https://www.islamic-banking.com/explore/islamic-finance/islamic-insurance-takaful>.

⁵ Takaful - Islom sug'urtasi / <https://www.howdengroup.com/my-en/cover/takaful-islamic-insurance>.

amalda ishlab topgan mutanosib nisbatdagi foydaga ega bo'lishlari mumkin, ya'ni investorlar jamg'armaga kirar ekanlar, o'z sertifikatlari daromadliligi jamg'arma ishlab topgan foyda yoki zararga bog'liq ekanligini anglab yetishlari lozim. Agar jamg'arma katta foydaga ega bo'lsa, sertifikatning daromadliligi ham mos ravishda ortadi; agar zarar ko'rsa ushbu zararlar ishtirokchilar o'rtasida taqsimlanadi. Shariat nuqtai nazaridan asosiy talablardan ikkinchisi - bu ishtirokchilarning jamg'armadagi mablag'lari shariat asosida faoliyat olib boradiga bizneslarga investitsiya qilinishi shart. Shu kabi asosiy talablarni inobatga olgan holda o'z investitsiyalarini amalga oshiradigan islomiy investitsiya jamg'armalarining turli toifalari mavjud bo'lib, bular quyidagilar (2- rasm).



2-rasm. Islomiy investitsiya jamg'armalarining asosiy turlari (Baydaulet, 2019)

Hissadorlik kapitali jamg'armasida investitsiyalar ma'lum bir kompaniyaning aksiyalariga joylashtiriladi, shuningdek, aksiyalarni sotib olish va bahoning ortishi hisobiga, uni sotishdan jamg'arma foydasi shakllanadi, bunga qo'shimcha ravishda, foyda aksiyasi sotib olingan kompaniyalardan kelib tushadigan dividendlardan ham olinishi mumkin. Shuni ta'kidlash joizki, islomiy jamg'arma faqat o'z faoliyatini shariat asosida olib boradigan firmalarning aksiyalarini sotib olishi, ushlab turishi va sotishi mumkin, chunki, firmaning faoliyati shariat nuqtai nazaridan noqununiy bo'lsa, hissadorlarning man etilgan biznesda ishtirok etishiga sabab bo'ladi.

Islomiy ko'chmas mulk jamg'armasi shariat tomonidan ruxsat berilgan ko'chmas mulkka jamoviy investitsiya qilish bo'lib, unda investorlar mablag'lari umumiy jamg'armaga to'planadi, keyinchalik shu jamg'arma hisobidan mulklar sotib olinadi, rivojlantiriladi yoki ijaraga beriladi. Jamg'arma egalari o'z investitsiyalaridan dividend va kapital foydasi orqali moliyaviy manfaatga ega bo'ladilar, shuningdek, mumkin bo'lgan hollarda investorlar o'z investitsion sertifikatlarini qayta sotish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Ijara jamg'armasining faoliyati mashina, asbob-uskunalar va boshqa shu kabi ko'chmas mulklarni ijaraga berish maqsadida sotib olishdan iborat. Ushbu mulklarga egalik huquqi jamg'armada qoladi, shuningdek jamg'armaning daromadi foydalanuvchilardan ijara to'lovi undirish orqali shakllanadi va u ishtirokchilar o'rtasida mutanosib taqsimlanadi.

Murobaxa jamg'armasida tovarlar mijozlar uchun sotib olinadi va uni kelishilgan foyda bo'yicha muddatini uzaytirish asosida mijozlarga sotiladi. Murobaxa bitimi tovarlarni sotish bila cheklangan va xizmatlar ko'rsatish yoki ijara uchun tatbiq etilmaydi. Ushbu jamg'arma moddiy aktivlarni emas, pul yoki qarzlarni o'z ichiga oladi, chunki jamg'arma tovarni sotib olgach, uni darhol mijozga yetkazadi va tovar bahosi to'lanishi zarur bo'lgan qarzga aylanadi.

Tovar jamg'armasi ham islomiy jamg'armaning yana bir shakli bo'lib, ushbu jamg'armaning mablag'lari turli tovarlarni qayta sotish maqsadida sotib olish uchun sarflanadi va bundan olingan foyda jamg'arma daromadi hisoblanib, u ishtirokchilar o'rtasida

taqsimlanadi. Ushbu Islomiy jamg'arma savdo jarayonini spirtli ichimliklar, tamaki va boshqa shu kabi sharan ruxsat etilmagan tovarlar orqali amalga oshirishi mumkin emas.

Aralash jamg'arma – islomiy jamg'armaning ushbu shaklida yig'ilgan mablag'lar turli xildagi, masalan, aksiya, ijara, tovarlar va h.k kabi investitsiyalarga yo'naltirilishi mumkin. Bu jamg'armaning moddiy aktivlari 51% dan ortiqni, shu bilan bir vaqtda likvidli aktivlari 50% dan ozroqni tashkil etadi, jamg'armaning omonatlari aylanma bo'lishi mumkin, ya'ni jamg'armaga aloqador bo'lmagan kishilarga sotilishi mumkin.

Islom moliyasining asosiy ijrochisi, ya'ni uni jamiyatga tadbir etuvchi moliyaviy institute bu - Islomiy banklar hisoblanadi. Ular o'z faoliyatini shariat nuqtai nazaridan olib boruvchi, ijtimoiy va iqtisodiy adolatning yaxlit tizimidir. Islomiy banklarning ishlash tamoyili tijorat banklarnikidan ancha farq qiladi. Xususan, ushbu tizimda foizlar to'lash va olish shariat nuqtai nazaridan qat'iy man etilgan bo'lib, ularning asosiy faoliyati foydani qayta taqsimlash hamda shariat tomonidan ruxsat etilgan investitsion vositalar orqali o'z investitsiyalaridan daromad olishga qaratilgan. Islomiy banklar ham an'anaviy banklar kabi omonatchilar va tadbirkorlar o'rtasida moliyaviy vositachi hisoblanadi. An'anaviy va islomiy banklar o'rtasidagi asosiy farqlar shundaki, islom banklari riboni taqiqlaydi ya'ni qarz berish yoki pul olish uchun foizlarni to'lash yoki undirish ruxsat etilmaydi, sharan ruxsat etilmagan tovarlar va xizmatlar bilan bog'liq bizneslarga investitsiya qilish mumkin emas, shuningdek, bank va mijoz o'rtasidagi amalga oshiriladigan sherikchilik bitimlarida foyda va zararni taqsimlanishi asosiy tamoyillaridan biri hisoblanadi.

Islomiy banklarda mablag'larni jalb etish va ularni yo'naltirishda muzoraba usuli keng qo'llaniladi. Muzaraba ikki yoki undan ortiq tomonlar o'rtasida sherikchilik asosidagi savdo munosabatlarini amalga oshirishda foydalaniladi, bunda kreditor mablag'larni beradi ya'ni investor sifatida loyihani amalga oshirish uchun yetarli kapitalni yetkazib berga hisoblanadi, qarzdor esa ushbu kapitaldan o'z bilimi va tajribasi yordamida samarali foydalanib uni biznesga kiritadi. Biznes jarayonida investor qatnashmaydi, kelishilgan muddat yakunida kapital egasi o'zining asosiy mablag'i va foydadagi ulushuni qaytarib oladi. Agar biznesda yo'qotishlar mavjud bo'lsa kapital egasi barcha zararni o'z zimmasiga oladi va asosiy qarz zarar miqdoriga kamayadi, biroq bu zararlar kapital boshqaruvchining ma'suliyatsizligi natijasida yuzaga kelsa, u moliyaviy yo'qotishlar uchun javobgar bo'ladi. Islomiy banklarda muzoraba shartnomasi bank va tadbirkor, shuningdek, omonatchi va bank o'rtasida ham tuzilishi mumkin. Agar muzoraba shartnomasi bank va tadbirkor sherikchiligi asosida olib borilsa bank-kapital yetkazib beradi, tadbirkor esa o'z biznesida ushbu kapitaldan foydalanadi va biznesdan kelgan foyda tadbirkor va bank o'rtasida kelishilgan nisbatda taqsimlanadi, lekin har qanday zarar bank tomonidan qoplanadi⁶.

Quyidagi jadvalda an'anaviy hamda Islom banklarining umumiy hamda farqli jihatlarining tahliliy bayoni keltirib o'tilgan (1-jadval).

1-jadval.

An'anaviy va Islomiy banklarning farqli jihatlari (Aliskerov, 2021)

Asosiy tamoyillari	Islomiy banklar	An'anaviy banklar
Ssuda foizi	Man etilgan	Ruxsat etilgan
Investitsiya faoliyati turlari	Man etilgan	Turli xil
Spekulyatsiya	Man etilgan	Ruxsat etilgan
Bank riski (tavakkalchiligi)	Bank foyda olmaganligi sababli kreditor emas, balki investor hisoblanadi. Shuning uchun risk mijozlar o'rtasida taqsimlanadi.	Mijozlar bank tavakkalchiligini o'z zimmasiga olmaydilar.
Maqsadi	Bank krediti haqiqiy biznes faoliyatiga yo'naltiriladi	Turli faoliyatga qaratilishi mumkin
Yo'nalishi	Har bir mijozga individual yondashuv	Mijozlarga bank xizmatlarini reklama qilishga qiziqish
Shartnoma talablarini o'zgartirish bo'yicha bank huquqlari	Mavjud emas	Mavjud

O'zbekistonda islomiy moliyalashtirishga bo'lgan qiziqish yetarli darajada yuqori, chunki O'zbekiston aholisining aksariyatini islom diniga e'tiqod qiluvchi shaxslar tashkil qiladi. Diniy e'tiqodlarga tayangan, foiz, kredit va shu kabi bank xizmatlaridan foydalanishni istamagan aholi qatlami uchun Islomiy moliyalashtirish tamoyillariga asoslangan bank tizimining ahamiyati juda katta. O'zbekistonda Islomiy moliyalashtirish bilan bog'liq loyihalar Islom Taraqqiyot Banki (ITB) bilan hamkorlikda amalga oshirilib kelmoqda. ITB guruhi

⁶ <https://www.islamic-banking.com/explore/islamic-finance/islamic-banking>

O'zbekistonda ijtimoiy farovonlikni kengaytirish, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash, bandlikni oshirish kabi ko'plab sohalarda muhim ro'l o'ynadi. Bugungi kunga qadar ITB guruhi O'zbekistonda 103 ta loyihani moliyalashtirish va rivojlantirish uchun 2,4 milliard dollar ajratgan⁷. ITB guruhi tomonidan turli xil sohadagi loyihalar qo'llab-quvvatlangan ammo shuni ta'kidlash joizki, eng ko'p sarmoya qishloq xo'jaligi va qishloqlarni rivojlantirish sektoriga yo'naltirilgan. 2021-yilda Islom taraqqiyot banki va O'zbekiston Respublikasi o'rtasida imzolangan "Qishloqni barqaror rivojlantirish loyihasi"ni moliyalashtirish uchun 200 million AQSH dollari ajratilgani buni tasdiqlaydi. Bu loyihani amalga oshirishdan maqsad sifatli infratuzilma va xizmatlardan foydalanish orqali O'zbekistondagi qishloqlarning turmush darajasini yaxshilashdir⁸.

5. Xulosa va takliflar.

O'zbekistonda moliyalashtirishning ushbu tizimi mamlakatimiz iqtisodiyoti uchun nisbatan yangi tushuncha bo'lganligi sababli, uning rivojlanishiga to'sqinlik qiluvchi bir qancha muammolar mavjudligini ko'rishimiz mumkin. Bularning eng asosiylari va ularni bartaraf etish bo'yicha takliflar quyidagilar:

Tashkiliy-huquqiy asosning, jumladan qonunchilikning mukammal darajada shakllanmaganligi. Islomiy moliya operatsiyalari an'anaviy qonunchilik asosida amalga oshirilishi bir qancha ziddiyatlarni yuzaga keltirmoqda, ayniqsa soliq qonunchiligining ayrim majburiyatlari shariat nuqtai nazaridan islom moliyasiga ziddir. Taklif sifatida shuni keltirish mumkinki, ushbu sohaga bevosita yo'naltirilgan qonunchilik tizimini shakllantirish lozim.

Islomiy moliyalashtirish sohasida malakali kadrlarning yetishmasligi. O'zbekistonda islom moliyasi sohasida mutaxassislarni tayyorlash uchun maxsus oliy ta'lim muassasalari mavjud emas. Shuningdek, ushbu tizimni samarali olib borish uchun malakali kadrlarga ehtiyoj katta. Bu muammoni bartaraf etishning samarali yo'li Islom moliyasini targ'ib qiluvchi tashkilotlar, bakalavr va magistr larni tayyorlaydigan nufuzli oliy ta'lim muassasalari tashkil etilishidir.

Past darajada moliyaviy savodxonlik ya'ni aholini islomiy moliya bo'yicha ma'lumotlardan yetarli darajada boxabar emasligi. Bu moliyaviy tizim bo'yicha yetarli bilimga ega bo'lmagan aholi uning o'ziga xos xususiyatlari va an'anaviy moliyalashtirishdan farqini anglashmaydi. Taklifimiz, bu yo'nalish bo'yicha qisqa muddatli o'quv kurslarining tashkil etilishi va uni targ'ib etishga ommaviy axborot vositalarini (OAV) keng jalb etish.

Xulosa o'rnida aytishimiz mumkinki, Islom moliyasi shariat qonunlariga asoslangan moliyaviy tizim bo'lib an'anaviy moliyalashtirish muassasalari bilan tashkiliy-iqtisodiy jihatdan umumiy hamda farqli jihatlarimavjud. Islom moliyasi O'zbekiston aholisi uchun yetarli darajada ahamiyatli, chunki tijorat banklari tomonidan taklif etilgan kredit foizlarini to'lashga imkoniyati bo'lmagan shaxslar Islom moliyalashtirish tizimi orqali to'lov qobiliyatini kuchaytirishlari, pirovardida, ijtimoiy farovonlikka erishishlari mumkin. Shu bilan birga O'zbekistonda islom moliyasining tatbiq etilishi, uning iqtisodiyotni ham o'sishiga olib keladi, ko'plab sohalarda loyihalarni moliyalashtirish, kichik va o'rta biznesni rivojlanishi buning yaqqol dalilidir. Afzallik tomoni shundaki, Islomiy moliyalashtirish bevosita ijtimoiy sohaga yo'naltirilgan bo'lib, mamlakatimizda ijtimoiy muammolarning bartaraf etilishiga, shuningdek, turmush darajasining yaxshilanishiga imkon beradi.

Adabiyotlar/ Литература / Reference:

Baydaulet Y.A. (2019) "Islomiy moliya asoslari" kitobi/ Toshkent, "O'zbekiston" nashriyoti / Baydaulet Y.A. (2019) "Fundamentals of Islamic Finance" book / Tashkent, "Uzbekistan" publishing house.

Hussein Elasrag (2019) Blockchains for Islamic finance: Obstacles & Challenges. 6 March <https://mpr.a.ub.uni-muenchen.de/92676/>.

Mumtaz Hussain, Asghar Shahmoradi, and Rima Turk (2015) An Overview of Islamic Finance. Working paper, International Monetary Fund. https://www.researchgate.net/publication/277719572_An_Overview_of_Islamic_Finance

⁷ <https://www.isdb.org/uzbekistan>

⁸ <https://www.isdb.org/hub/almaty/news/islamic-development-bank-and-the-government-of-uzbekistan-sign-us-200-million-financing-agreement-to-finance-sustainable-rural-development-project>

Алискеров М.. (2021) Что такое исламские финансы. / Aliskerov M. (2021) What is Islamic finance. <https://life.akbars.ru/tpost/n4zv4mmgh1-chto-takoe-islamskie-finansi>.

Траченко М.Б., Алхассан Т.Ф. (2016) Исламские инструменты финансирования малых и средних предприятий: проблемы и перспективы. государственное управление. Электронный вестник Выпуск No 58. Октябрь. стр. 287-303. / Trachenko M.B., Alkhasan T.F. (2016) Islamic financing instruments for small and medium-sized enterprises: problems and prospects. government administration. Electronic Bulletin Issue No. 58. October. pp. 287-303.



RATIONALE FOR EXTERNAL QUALITY ASSURANCE IN HIGHER EDUCATION: HISTORY AND CURRENT TRENDS

Odilov A.A.

Turin Polytechnic University at Tashkent

Abstract: *The paper investigates the historical roots of the rationale for external quality assurance and analyzes the features of modern external quality assurance. Although the quality assurance has originally emerged in industry as the need for the improvement of quality of goods, its has increased for education sector to ensure better educational services to the public. The massification of higher education and cost-cutting strategies in education have forced to introduce modern quality assurance system. In particular, Uzbekistan is also experiencing the similar challenges due to the rapid expansion of the access to higher education, increasing the autonomy of higher education institutions and decreasing the public funding of them. The author examines these challenges applying 'information asymmetry' and 'principal-agent' theories and develops the solid rationales for the modern external quality assurance that needs to be introduced in Uzbekistan to address challenges in higher education.*

Keywords: *higher education, increasing autonomy, educational institutions, indicators, social contracts, information asymmetry, principal-agent problem, market failures, accreditation, monitoring, autonomy-accountability, implementation of licencing, state approval.*

1. Introduction.

Quality Assurance has originally emerged in industry in the Western world in the 1950's (Dill, 1995). The need for the improvement of quality of products and services to survive and further grow in competitive markets has forced business to develop and implement sustainable quality assurance procedures and tools. Quality has remained the most significant feature of product or service that provide competitive advantage to the business provider through creating value about the goods and services.

The importance of Quality assurance (QA) has increased for non-business organizations in particular education sector to assure better public services and products. Modern External Quality Assurance (EQA) systems emerged since the 1980s when higher education system faced severe challenges:

- the move from elitist to mass higher education resulted in obvious quality problems in the provision of higher education since the 1970s;
- growing financial constraints since the 1970s, inducing cost-cutting strategies (aggravated by the transition to mass higher education).

At the same time, the paradigm of new public management occurred in most Western states, in which governments were giving more autonomy to the administrations of various organisations and agencies responsible for the management of parts of public affairs such as national health, transportation, energy and indeed higher education. Autonomy was one side of the coin and accountability was the other.

For higher education this meant that Higher education institution (HEI) gained more autonomy but had to accept new accountability obligations. Although this shift was in some countries accompanied with privatisation, the balance between more autonomy and the introduction of a comprehensive QA system is crucial, as well as the concept that a QA system would eventually end in better public services and products. Hence, QA procedures and systems are to be acknowledged as one of the various new management approaches in higher education systems.

2. Analysis and discussion of results.

Need for external quality assurance: what can we learn from economic theory.

Organisations that provide quality and value in the provision of their educational services are likely to grow and prosper. Such organisations gain benefits like stronger student and staff loyalty, lower vulnerability to economic changes, ability to command higher funding and more autonomy from the state in policy development.

Uzbek higher education system is experiencing a revolutionary change: rapid expansion of access to higher education, increasing autonomy of higher education institutions, strengthening the linkages between universities and labor market, increasing the relevance of HEI for human capital development and economic development, emerging competition in higher education services market. On the other hand, the less regulation of higher education institutions, provision of autonomy to higher educational institutions without building enough capacity, introduction of mechanisms of market economy in education and decreasing the state funding of universities have pushed universities to work in "survival mode". As tuition fees constitute main source of income of Uzbek universities, higher education institutions have focused more on increasing enrollment of students beyond their capacity, thus sacrificing the quality of educational services. As a result, 'market failures' have occurred in higher education services market¹. Economic models of behavior emerged in information economics can be used to describe the situation in higher education (Dill, 1995). These changes related to market failures are requiring to introduce strong modern EQA mechanisms in place due to the following reasons:

First, providers of higher education services have more information about the quality of their services than students or consumers of these services and most of the times providers are not interested in sharing this information. It is similar to 'information asymmetry' problem in economics. Since students have insufficient information, they can't make efficient choices. This motivated the introduction of quality assurance policies directed at providing the public with accurate data on the quality of education. Governments of the USA, UK and Netherlands, pioneers of modern quality assurance, insisted on open publishing evaluation reports of the quality of universities to support students in selecting high quality university. Increased accountability has motivated HEIs to assure and improve the quality of education. In most cases universities are not eager to provide information themselves. For this reason, governments tend to establish quality assurance body acting on the behalf of consumers.

Second, the higher education institutions can be viewed as public agencies implementing government policies through following laws and regulations or as a contractor in the implicit contract between government² and university in which roles and responsibilities of each party are specified. The principal-agent theory³ can be used to describe the government-university relationships. Numerous researchers have applied this theory in understanding the relation between government and higher education institution (Kivistö, 2005; Kivistö, 2007; Lane, 2005; Lane, 2007; Kivistö, Lane, 2008). Interactions of government with universities have been changed significantly in the last two decades due to the massification of higher education and limitations in the availability of public funds. In particular, universities have been under pressure to be more *accountable*⁴ in the use of taxpayers' money and to do more work at a lower cost.

The economic, efficient and effective use of public resources have been attention of governments. Therefore, there is a need of a government to monitor the quality of higher education services and to get reliable information on the operation of higher education

¹ Market failures refer to situations where markets do not always lead to efficient allocation of resources due to the existence of externalities or spillovers, asymmetry of information and concentration of market powers in selected hands. Underinvestment in R&D, information asymmetry in the quality of education services, monopoly in the provision of education services are examples of market failures.

² Government includes Ministry of Education and Science, Department or Council responsible for higher education, intermediary bodies such as funding and research agencies

³ Principal-agent theory is used to describe the relation between two parties in which one party (principal) hires another party (agent) to perform some service on the behalf of the principal. In this contractual agreement, the central idea lies on the establishment incentive mechanism and information exchange arrangements such that agents will be motivated to do their best in the interests of the principal.

⁴ There are several definitions of 'accountability': (a) it is the responsibility to demonstrate the achievement by using different instruments; (b) it is the obligation of institution to report to the public on the use of public resources, to demonstrate that the operations/activities are in line with mission and strategic objectives, how successfully goals are achieved.

institutions. In this regard, the principal-agent theory has played important role in the development of performance indicators, performance-based social contracts, accreditation, monitoring, thus increasing efficiency of universities (agents).

Common rationales for external quality assurance.

Nowadays EQA systems have become a common feature of modern higher education systems. Although, Odilov (2020) demonstrate a certain diversity and no blueprints for the design of an EQA system exist, the rationale of EQA is characterized by some features that can be generalized.

First of all, the paradigm of new public management occurred in most Western states, in which governments were giving more autonomy to the administrations of various organisations and agencies responsible for the management of parts of public affairs such as national health, transportation, energy and indeed higher education. Autonomy was one side of the coin and accountability was the other.

For higher education this meant that HEI gained more autonomy but had to accept new accountability obligations. Although this shift was in some countries accompanied with privatisation, the balance between more autonomy and the introduction of a comprehensive QA system is crucial, as well as the concept that a QA system would eventually end in better public services and products. Hence, QA procedures and systems are to be acknowledged as one of the various new management approaches in higher education systems.

In practice, this autonomy-accountability link meant for higher education that state authorities stepped back from central management of internal affairs and the operations of the HEIs, while at the same time obliging them to demonstrate that they deliver the expected activities, such as programmes and research, with the expected quality, and that they spend resources in an effective and efficient way. Consequently, in the most countries accountability was an important purpose of EQA.

This new approach to manage higher education systems forms the roof under which EQA is one pillar among others. A component of utmost importance of this approach was the involvement of experts from higher education in the assessment if HEIs achieve the goals.

Second, the accountability function can be described also as 'invitation' to the state to use EQA as a regulatory instrument in order to compensate management mechanisms that ceased to exist in systems with higher level of autonomy of HEIs. The most widespread feature of EQA systems in this regard is the implementation of licencing/state approval/accreditation, which (usually) means a public authority decides whether HEIs and/or programmes can operate. Other features might be the link to state funding which is based on EQA results.

Accountability can also take a form limited to quality in the narrow sense, meaning that the HEIs have to demonstrate that they deliver expected quality. Expected quality most often means that the assessments are conducted against predefined standards or criteria.

Whether EQA systems cover broad or limited regulatory functions depends mainly on the legal framework of the higher education system, especially the tradition whether higher education is regulated by the state or not. Whereas higher education systems such as in the UK show a low level of state regulation, systems like France, Germany and most eastern European and post-soviet systems show a high level of state regulation.

Although the accountability function and regulatory purposes play an important role in many EQA one must not forget that other functions and purposes exist as well, often based on other 'roots' of EQA. The above-mentioned challenges resulting from development of massification of higher education very often resulted in obvious quality problems because HEI were not growing as quickly as student numbers and because student population became more diverse than in the past. One important function of EQA was, from then beginning to support HEI in overcoming these problems without any links to regulatory purposes.

A third 'root' is internationalisation of higher education, which brought a need of fair recognition of qualifications, in order to facilitate the transferability of academic and professional qualifications, in face of an increased mobility of students and graduates. This question is particularly relevant for the European Union, as a fundamental condition for ensuring the right to free mobility and support of common job market.

A fourth 'root' is the greater awareness of demand for quality. Higher education institutions were faced with new challenges and expectations, namely the problem of how to preserve quality in the face of massive and sometimes uncontrolled growth, which made it necessary to consider quality from a more institutional perspective.

Typically, in most higher education systems EQA covers both functions. This development was not the least enforced by the Bologna Process. The emergence of national QA regimes was a common feature of European higher education already before the inception of the Bologna Process. In addition, since 2003 when the ministers of the Bologna signatory countries moved QA to the centre of the Bologna Process, the development process has been accelerated by establishment of national QA systems that comprise, among other:

- "evaluation of programmes or institutions, including internal assessment, external review, participation of students and the publication of results;
- a system of accreditation, certification or comparable procedures"⁵.

As regards the function and the purpose the ESG paved the way for the above-mentioned combination of purposes: "At the heart of all quality assurance activities are the twin purposes of accountability and enhancement. Taken together, these create trust in the HEI's performance. A successfully implemented quality assurance system will provide information to assure the HEI and the public of the quality of the HEI's activities (accountability) as well as provide advice and recommendations on how it might improve what it is doing (enhancement)"⁶.

3. Conclusion.

The paper examines the historical roots of the rationale for external quality assurance and analyzes the key features of advanced external quality assurance systems in the world. Uzbek higher education has faced the similar challenges occurred in Europe in the 1980s. In particular, the massification of higher education and cost-cutting strategies in Uzbek higher education are forcing to introduce strong quality assurance system that can serve for both accountability and enhancement purposes. The author examines these challenges applying 'information asymmetry' and 'principal-agent' theories and develops the solid rationales for the modern external quality assurance that needs to be introduced in Uzbekistan to address challenges in higher education.

According to the author, the Government of Uzbekistan needs to introduce the modern EQA today as soon as possible which must reflect three important features: enhancement (to support the HEI in delivering good quality), accountability (to assure the wider public, stakeholders and authorities that expected types and levels of quality are provided) and transparency (information to the wider public, stakeholders and authorities about the quality of HEI and their provision).

References:

Dill, D. (1995) 'Through Deming's Eyes: A Cross-National Analysis of Quality Assurance Policies in Higher Education', *Quality in Higher Education*, vol. 1, no. 2, p. 95-110.

Elmurodov E. & Odilov A. (2021) "The role and importance of the State Inspectorate for Quality Control in Education in Improving Public Policy: A Comparative Analysis with World Experience", *Society and Management* # 4 (94).

Kivistö, J. (2005) 'Government-higher education institution relationship: Theoretical considerations from the perspective of agency theory', *Tertiary Education and Management*, vol.11, no.1, p.1-17.

Kivistö, J. (2007) 'Agency Theory as a Framework for the Government-University Relationship' (Doctoral dissertation) (Tampere: Tampere University Press).

Lane, J.E. (2005) 'Agency Problems with Complex Principals: State Oversight of Higher Education: A Theoretical Review of Agency Problems with Complex Principals', *Paper*

⁵ 'Realising the European Higher Education Area', *Communiqué of the Conference of Ministers responsible for Higher Education in Berlin* on 19 September 2003 (http://www.ehea.info/Upload/document/ministerial_declarations/2003_Berlin_Communique_English_577284.pdf; Accessed 20 March 2020)

⁶ Standards and Guidelines for Quality Assurance in the European Higher Education Area (ESG), https://www.enqa.eu/wp-content/uploads/2015/11/ESG_2015.pdf, p.9, (accessed February 10, 2022).

presented at the annual conference of the Association for the Study of Higher Education (Philadelphia, United States). November.

Lane, J. E. (2007) 'Spider web of oversight: Latent and manifest regulatory controls in higher education', *Journal of Higher Education*, vol.78, no.6, p.1–30.

Lane J. E. and Kivistö, J. (2008) 'Interests, information, and incentives in higher education: Principal-agent theory and its potential applications to the study of higher education governance', in J. C. Smart (ed) *Higher education: Handbook of Theory and Research*. pp. 141–179 (Dordrecht: Springer).

Liefner, I. (2003) 'Funding, resource allocation, and performance in higher education systems', *Higher Education*, vol.46, p. 469–489.

Odilov, A. (2020) 'The Principles Of Modern Quality Assurance In Higher Education', *Scientific Bulletin of the Tashkent State Pedagogical University*, vol.7, p.61-68.



TIJORAT BANKLARINING YANGI BANK XIZMATLARI VA MAHSULOTLARINI JORIY ETISH AMALIYOTI

Qayimova Z., Giyasov B., Abdullayev I.
Buxoro davlat universiteti

Annotasiya. Maqolada tijorat banklarining yangi bank xizmatlari va mahsulotlarini joriy etish amaliyoti yoritilgan. Mamlakatimiz banklari o'rtasida sog'lom raqobat muhitini kuchaytirish, an'anaviy bank xizmatlari sifatini oshirish, yangi xizmatlarni joriy etishga yo'naltirilgan ishlarni muttasil davom ettirishga da'vat etmoqda. Mualliflar O'zbekistondagi masofaviy bankdan foydalanuvchilar soni, tijorat banklar ko'rsatadigan xizmatlar va internet banking xizmatlari bo'yicha tahlil olib borganlar.

Kalit so'zlar: Bank, bank-mijoz, internet-banking, mobil-banking, sms-banking, bank kartalari, bank xizmatlari, axborot texnologiyalari, xarajatlar.

INTRODUCTION OF NEW BANKING SERVICES AND PRODUCTS OF COMMERCIAL BANKS

Qayimova Z., Giyasov B., Abdullayev I.
Bukhara State University

Annotation. The article describes the practice of commercial banks to introduce new banking services and products. It calls for the continuation of work aimed at strengthening a healthy competitive environment among the banks of the country, improving the quality of traditional banking services, the introduction of new services. The authors analyzed the number of remote bank users in Uzbekistan, the services provided by commercial banks and Internet banking services.

Keywords: Bank, bank-client, internet-banking, mobile-banking, sms-banking, bank cards, banking services, information technology, expenses.

1. Kirish.

Bank tizimida innovatsion axborot texnologiyalarini keng ko'lamda tadbiiq etish mamlakatimizda qisqa muddatda milliy to'lov tizimini shakllantirishga imkoniyat yaratdi. Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar o'rtasida hisob-kitoblarni aniq vaqt rejimida amalga oshiruvchi bu tizim mamlakatimiz moliya bozori barqarorligini ta'minlamoqda. Bundan tashqari davlatimiz pul-kredit siyosatini samarali yuritish, milliy va xalqaro to'lovlarni o'z vaqtida amalga oshirish, pul oqimlarini boshqarishga sezilarli ta'sir ko'rsatmoqda.

Hozirgi kunda milliy to'lov tizimi negizida Markaziy bankning yagona banklararo to'lov tizimi, 29 ta tijorat bankining ichki to'lov tizimlari, shuningdek, bank kartalari bo'yicha barcha tijorat banklarini qamrab olgan «Uzcard» banklararo chakana to'lov tizimi, aholidan uyali aloqa xizmati, kommunal va boshqa to'lovlarni qabul qilish bo'yicha «Uz-Paynet» to'lov agentlik tarmog'i hamda «SMS-TO'LOV» chakana to'lov tizimlari faoliyat yuritmoqda. Tijorat banklari kuchli, ishonchli va yuqori samaradorlikka ega bo'lgan platformalar asosida axborot texnologiyalari yutuqlarini bank faoliyatiga dadillik bilan tadbiiq qilib, ular asosida mukammal dasturlar yaratib, axborot tizimlari infrastrukturasi rivojlantirmoqda. Bu o'z navbatida, mamlakatimiz banklari o'rtasida sog'lom raqobat muhitini kuchaytirish, an'anaviy bank xizmatlari sifatini oshirish, yangi xizmatlarni joriy etishga yo'naltirilgan ishlarni muttasil davom ettirishga da'vat etmoqda. Ayni paytda barcha tijorat banklari internet tarmog'ida o'zlarining veb- saytlarini ochib, ular bank faoliyati, yangi xizmat turlari va shartlari, mijozlar manfaatiga tegishli ma'lumotlar bilan muntazam boyitib borilmoqda. Markaziy bank veb-sayti orqali esa davlat interaktiv xizmatlari ko'rsatish yo'lga qo'yilgan.

2. Adabiyotlar sharhi.

Tijorat banklari haqida ilmiy izlanish olib brogan xorijiy olimlar qatoriga Wang va boshqalar (2021) kabi xitoylik olimlarni misol qilib keltirsak, ular o'z asarlarida moliyaviy texnologiyalarning tijorat banklari samaradorligini oshirishga xizmat qilishi bo'yicha tahlillar olib borishgan.

Brauers va boshqalar (2014) kabi olimlar esa tijorat banklarda muvozanatlik va daromadlilik bo'yicha ilmiy izlanishlar qilib, o'z fikr mulohalarini asarlarida keltirishgan.

Bankdagi risklar, ularni kamaytirish va tijorat banklari samaradorligini oshirib, iqtisodiyotdagi ahamiyati borasida Purmananandam (2007), Perignon, Smith (2010) kabi olimlar izlanishlar olib borishgan.

Polfreman (2006) "Bank ishining asoslari" degan kitobida bank, bankdagi sohalar, uning ahamiyati, ish olib boorish tartibi, foydalilik va risklar bo'yicha keng ma'lumotlar berib o'tgan.

O'zbek olimlariga misol qilib, Vaxobov, Ortiqovlar (2006) bank xizmatlari, ularning ahamiyati va sifati, unga ta'sir etuvchi omillar haqida so'z yuritishgan. Bu jarayonda ular o'z izlanishlarida O'zbekistondagi banklarni o'rganishgan, shu bilan birgalikda jahon banklari bilan O'zbekistondagi banklarni solishtirib, farqlardagi yutuq va kamchiliklarni tahlil qilishgan.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Ushbu tadqiqotda bankning hozirgi kundagi real ta'rifini aniqlash, xizmat turlarini kengaytirish va bu yo'ldagi banklarning strategiyalarini ishlab chiqish uchun analiz, sintez, qiyosiy tahlil hamda modellashtirish metodlaridan foydalanilgan.

4. Tahlil va natijalar muhokamasi.

O'zbekistonda chakana bank xizmatlari hozirgi kunda tijorat banklarining filial tarmoqlari, minibanklari, jamg'arma kassa va maxsus kassalari orqali mijoz bilan bevosita munosabatda amalga oshirilmoqda. Har 100 ming katta yoshdagi aholiga bank filiallarining soni O'zbekistonda 49,7 tani tashkil etadi. Bu jahon andozalari bo'yicha aholining bank xizmatlaridan foydalanish darajasi yuqori ekanligidan dalolat beradi (taqqoslash uchun, Rossiyada - 37,09, Ukrainada - 1,6, Qozog'istonda - 3,38)

Hozirgi kunda O'zbekistonda aholiga ko'rsatilayotgan asosiy chakana bank xizmatlari quyidagilar hisoblanadi: depozit (talab qilib olinguncha depozit, muddatli depozit, jamg'arma depozit), ipoteka krediti, iste'mol krediti, bank plastik kartochkalari, kommunal va boshqa to'lovlarni qabul qilish.

O'zbekiston tijorat banklarining yangi moliyaviy xizmatlari bozori rivojlanishning daslabki bosqichida turibdi va uning uchun xos bo'lgan, ya'ni, banklararo raqobatning kuchayishi, axborot texnologiyalarining rivojlanib borishi hamda bank xizmatlariga bo'lgan talabning oshishi kabi xususiyatlar yangidan- yangi bank xizmatlarini keng miqiyosda joriy etishni zaruratga aylantirmoqda. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash bosqichida mamlakatimizda banklar barcha strategik bank mahsulotlarini qamrab olgan 170 ga yaqin moliyaviy xizmat turlarini mijozlarga ko'rsatmoqdalar.

Shu bilan birga, mavjud salohiyat, xizmatlar ko'rsatish va servis sohasini jadal sur'atda rivojlantirish imkoniyatlari to'liq ishga solinmaganligi, mamlakat hududlari bo'yicha aholiga xizmat ko'rsatish darajasi va sifatida sezilarli farqlar borligi, qishloq aholisiga xizmatlar ko'rsatish tizimi ham o'sib borayotgan talablarga javob bermayotganligi va boshqa mummolarni hal qilish maqsadida respublikamizda ishlab chiqilgan «2011-2015 yillarda respublika moliya-bank tizimini yanada isloh qilish va barqarorligini oshirish hamda yuqori xalqaro reyting ko'rsatkichlariga erishishning ustuvor yo'nalishlari Dasturi» tijorat banklariga moliyaviy xizmatlar ko'rsatish sohasini rivojlantirish darajasini yanada oshirish, aholiga yangi zamonaviy va sifatli moliyaviy xizmat turlari ko'rsatish, iqtisodiy o'sishni ta'minlash va aholi, birinchi navbatda, qishloq joylarida bandlik masalasini hal etishda xizmatlar ko'rsatish sohasining rolini kuchaytirishga imkoniyatlar yaratadi.

Masofadan bank xizmatlarini ko'rsatuvchi tizimlardan foydalanuvchilarning soni 2022 yil 1 yanvar holatiga¹

№	Bank	Yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar	Jismoniy shaxslar	Jami
1	TIF Milliy banki	19 565	891 712	911 277
2	AT "O'zbekiston sanoat-qurilish banki"	65 491	108 263	173 754
3	"Agrobank" ATB	78 981	1 814 016	1 892 997
4	"Ipoteka-bank" ATIB	28 786	110 985	139 771
5	"Mikrokreditbank" ATB	10 847	182 085	192 932
6	AT Xalq banki	28 942	2 641 778	2 670 720
7	ATB "Qishloq qurilish bank"	3 600	194 784	198 384
8	"Turonbank" ATB	6 242	6 884	13 126
9	CHet el kap. ishtir. "Hamkorbank" ATB	56 115	289 755	345 870
10	"Asaka" ATB	7 959	626 322	634 281
11	"Ipak Yo'li" AITB	6 157	135 708	141 865
12	"Trastbank" XAB	5 197	92 981	98 178
13	AT "Aloqabank"	5 882	251 017	256 899
14	"Kapitalbank" ATB	6 957	106 849	113 806
15	"Invest Finance Bank" ATB	5 939	40 379	46 318
16	"Asia Alliance Bank" ATB	4 108	12 542	16 650
Jami		359 770	7 599 337	7 959 107

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinadiki, mamlakatimizda bank amaliyotida masofaviy bank xizmatlarini ko'rsatish amaliyoti rivojlanish bosqichida. O'tgan 2021 yilda mamlakatimiz banklari tomonidan jami 4453240 nafar sube'ktlarga masofaviy bank xizmatlari ko'rsatib kelinmoqda. Bularning 227879 nafari yuridik shaxslarni, 4225361 nafari jismoniy shaxslarni tashkil etmoqda. To'lov tizimlarini rivojlantirish borasidagi ilg'or xorijiy tajriba tahlili axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng qo'llagan holda masofadan turib bank xizmatlari ko'rsatishning kengaytirilishi aholini bank xizmatlari bilan qamrab olish darajasining oshishiga, to'lovlarni o'tkazish bilan bog'liq bank xizmatlarining shaffofligi va samaradorligining oshishiga xizmat qilishini ko'rsatmoqda. Bu borada mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan tijorat banklari tomonidan bank hisobvaraqlarini masofadan boshqarish tizimlari (bank-mijoz, internet-banking, mobil-banking, sms-banking va boshqalar)ni respublika miqyosida keng joriy qilishni jadallashtirish bo'yicha har yillik maqsadli ko'rsatkichlar rejasi ishlab chiqilib, mazkur tizimlar bosqichma-bosqich rivojlantirib borilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 yanvardagi Oliy Majlisga yo'llagan Murojaatnomasida bank tizimini tubdan isloh qilish, banklarni transformatsiya qilish, zamonaviy bank amaliyoti, menejmenti va yangi xizmatlarni joriy etishni alohida qayd etib o'tildi. COVID-19 pandemiyasi sharoitida bank mijozlari bankining tajribasini baholashi, natijada, bankiga sodiqligi ortishi, masofaviy bank xizmatlaridan ko'proq foydalanishi va xizmat ko'rsatishda xarajatlarning kamayishiga erishiladi. COVID-19 pandemiyasi sharoitida bank mijozlari aniqlik, shaffoflik, tez va onlayn ishlaydigan raqamli vositalar orqali xizmatlarni amal oshirish bo'yicha ko'proq ko'nikmalarga ega bo'ladilar. So'nggi yillarda mamlakatimiz bank amaliyotida yangi bank xizmatlaridan foydalanuvchilar soni ortib bormoqda.

Hozirgi kunda respublikamizda bank hisobvaraqlarini masofadan boshqarish tizimlarini

¹ www.cbu.uz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki rasmiy sayti ma'lumotlari

keng joriy qilishda ayniqsa mobil telefonlar orqali to'lovlarni amalga oshirish tizimlari jadal rivojlanmoqda. Ushbu tizimlar orqali, asosan, mobil operatorlar, internet provayderlar xizmatlari uchun to'lovlar, shuningdek, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlar, tabiiy gaz, elektr energiya va boshqa kommunal to'lovlar amalga oshirilmoqda.

2022 yilning 1 yanvar holatiga bank hisobvaraqlarini masofadan boshqarish tizimlaridan foydalanuvchilar soni 2019 yilning boshiga nisbatan qariyb 2,2 barobarga oshib, 4,5 mln. taga etdi. SHundan bank plastik kartochkalari va bank depozit hisobvaraqlari bo'yicha bank hisobvaraqlarini masofadan boshqarish tizimlaridan foydalanuvchi jismoniy shaxslar soni 4,2 mln.dan ortiqni, bank hisobvaraqlarini masofadan boshqarish tizimlaridan foydalanuvchi yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar soni 228 mingtani tashkil etdi.

Bundan tashqari, mazkur xizmat turidan yuridik va jismoniy shaxslar foydalanayotgan paytda internetga ulanish talab etilmaydi, aksincha, kompaniyaning aloqa tarmog'i ishlab tursa, kifoya. To'lovlar USSD xizmati orqali amalga oshiriladi. Mijozlar o'z telefonlari bilan ushbu xizmat turi orqali savdo va pullik xizmat ko'rsatish shoxobchalarida to'lovlarni amalga oshirishlari mumkin.

2-jadval.

Masofaviy bank xizmatlaridan foydalanuvchi yuridik shaxs va YaTTlar soni bo'yicha tijorat banklari reytingi²

№	Bank nomi	01.01.2022		01.01.2021		O`zgarishi		
		Soni	Ulush i (%)	Soni	Ulush i (%)	O`sishi (%) (+/-)	Ulushi (+/-)	O`rni (+/-)
1	«Ipoteka-bank» ATIB	98 400	14,2%	28 786	8,0%	241,8%	6,2%	↑4
2	«Agrobank» ATB	96 250	13,9%	78 981	22,0%	21,9%	-8,0%	↓-1
3	AT Xalq banki	91 332	13,2%	28 942	8,0%	215,6%	5,2%	↑1
4	CHEKI «Hamkorbank» ATB	69 714	10,1%	56 115	15,6%	24,2%	-5,5%	↓-1
5	TIF Milliy banki	52 969	7,7%	19 565	5,4%	170,7%	2,2%	↑1
6	«Mikrokreditbank» ATB	48 152	7,0%	10 847	3,0%	343,9%	4,0%	↑1
7	«Sanoatqurilishbank i» ATB	31 464	4,6%	65 491	18,2%	-52,0%	-13,7%	↓-5
8	«Kapitalbank» ATB	21 519	3,1%	6 957	1,9%	209,3%	1,2%	↑1
9	«Trastbank» XAB	19 871	2,9%	5 197	1,4%	282,4%	1,4%	↑6
10	«Asaka» ATB	19 546	2,8%	7 959	2,2%	145,6%	0,6%	↓-2
11	«Ipak Yo`li» AITB	18 783	2,7%	6 157	1,7%	205,1%	1,0%	→0
12	«Qishloq Qurilish Bank» ATB	18 499	2,7%	3 600	1,0%	413,9%	1,7%	↑6
13	«Davir-bank» XATB	17 772	2,6%	5 452	1,5%	226,0%	1,1%	↑1
14	«Invest Finance Bank» ATB	16 601	2,4%	5 939	1,7%	179,5%	0,8%	↓-2
15	«Turonbank» ATB	15 783	2,3%	6 242	1,7%	152,9%	0,5%	↓-5
16	AT «Aloqabank»	14 739	2,1%	5 882	1,6%	150,6%	0,5%	↓-3
17	«Asia Alliance Bank» ATB	9 551	1,4%	4 108	1,1%	132,5%	0,2%	↓-1
18	«Turonbank» ATB	2 805	0,4%	1 135	0,3%	147,1%	0,1%	↑1
Bank tizimi bo`yicha jami:		691008	100,0	359 770	100,0	92,1		

COVID-19 pandemiyasi davrida masofadan bank xizmatlarini ko'rsatish bo'yicha e'lonlar, yangiliklar, bu xizmatlar bo'yicha qo'llanmalar va video roliklar turli platformalarda berib borilishi lozim. Masofaviy bank xizmatlari tizimiga ulanish va masofadan bank xizmatlarini ko'rsatish tizimlarni soddalashtirish bo'yicha sa'y-harakatlarni

² www.cbu.uz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki rasmiy sayti ma'lumotlari

kuchaytirish kerak. Masalan, Xitoy COVID-19 pandemiyasi sharoitida bank xizmatlarini ko`rsatish bo`yicha tushuntirish ishlarini yangi onlayn platforma orqali amalga oshirdi. Bu portallar orqali mijozlariga barcha turdagi ko`rsatmalarni taqdim etib bordi. Bank filiallarida esa bank xizmatlarini masofadan raqamli xizmatlar orqali tashkil etish orqali xodimlar sonini qisqartirish va xizmatlarni amalga oshirishda xavfsizlikni kuchaytirishni taqozo etadi.

Garchi masofaviy bank xizmatlarining foydali jihatlari ko`plab bo`lsada, bu yangi texnologik xizmatlarda maxfiy ma`lumotlar, mijozlarning shaxsiy ma`lumotlari va tranzaksiyalari bilan bog`liq bo`lgan ayrim xavflarni keltirib chiqaradi (Shah, M.H., Peikari, H.R., Yasin, N.M., 2014). SHuning uchun, xavfsizlik va riskni anglash elektron to`lov tizimida asosiy jihat sanaladi (Ashrafi, M., Ng, S., 2008). Bunday texnologiyalarning muvaffaqiyatli bo`lishi va yangi to`lov tizimi platformalarini qabul qilishda xavfsizlikni nazorat qilib borish lozim (Schierz, P.G., Schilke, O., Wirtz, B.W., 2010). COVID-19 pandemiyasi sharoitida bank mijozlari uchun ham ustuvor jihatlari o`zgaradi. YA`ni oilasining va o`zining sog`lig`i va oilasining oziq-ovqat bilan ta`minlanganligi muhim ahamiyat kasb etadi. Banklar esa ushbu qiyinchiliklarni engishda muhim rol o`ynashi mumkin. AQSH da, COVID-19 sharoitida bank mijozlarining yarmiga yaqini ishini yo`qotishi yoki bu bilan bog`liq tashvishlanishiga olib keldi (McKinsey Financial Decision-maker Consumer Pulse Survey, 2020).

Pandemiyadan oldin moliyaviy jihatdan jamg`arma qilmagan ko`plab bank mijozlarida ish bilan bog`liq muammolar vujudga keldi. Misol uchun 2018 yilda AQSH ning 39 foiz aholisi rejadagi birlamchi xarajatlaridan tashqari 400 \$ qo`shimcha xarajat uchun mablag`i etmasligini aytishgan (Report, 2019). 2016 yilda AQSH da o`tkazilgan tadqiqot shuni ko`rsatdiki, kichik biznes o`rtacha 27 kunlik operatsiyalarni qoplash uchun etar ekan (JPMorgan Chase Institute, 2016). Mavjud moliyaviy zaiflik va COVID-19 dagi stresslar bank mijozlariga murakkablikni oqilona boshqarish va qaror qabul qilishda qiyinlashtiradi. Tadqiqotlar ham shuni ko`rsatadiki, moliyaviy tanqislik jiddiy psixologik qiyinchiliklarga olib keladi va ko`proq miyopik qarorlarni qabul qilishiga olib keladi (Sendhil Mullainathan and Eldar Shafir, 2013).

Bank tomonidan jismoniy shaxslar uchun "Agrobankmobile" zamonaviy innovatsion xizmat turi joriy qilingan. Ushbu xizmat turidan ko`zlangan maqsad shaharu qishloqlarimizda savdo hamda pullik xizmat ko`rsatish shoxobchalarining aholiga sifatli, tezkor va ishonchli xizmat ko`rsatish tizimini yanada yaxshilashdan iboratdir. Yangi xizmat turi bank plastik kartalardan foydalanuvchi barcha mijozlarga taklif etilmoqda. Mazkur mobil ilova orqali 100 ga yaqin xizmat turlari bo`yicha to`lovlarni amalga oshirish imkoniyati mavjud. Masalan, soliq va bojxona, kommunal, uyali aloqa va shahar telefonlariga, internet, internet-saytlar va televidenie xizmatlari uchun, byudjetga va maktabgacha ta`lim muassasalariga, sug`urta xizmatlari uchun hamda boshqa to`lovlarni amalga oshirish mumkin.

Bundan tashqari, ushbu xizmat turi orqali mijozlar (jismoniy shaxslar) uchun bir plastik kartadan boshqa plastik kartaga pul o`tkazish, plastik karta hisob raqamidagi qoldiq mablag`larni ko`rish, ushbu qoldiq mablag`lar hisobidan kreditning asosiy qarzi va hisoblangan foizini so`ndirish, to`lovlarni qabul qiluvchining hisobvarag`i mamlakatimizdagi qaysi bankda bo`lishidan qat`i nazar, to`lovlarni amalga oshirish, omonatlar to`g`risida ma`lumotlar olish, plastik karta yo`qotilganda, masofadan turib plastik kartani bloklash va shu kabi boshqa yangi imkoniyatlar yaratildi. Mazkur mobil ilovaga ulangan mijozlar soni 26,8 ming nafar kishini tashkil qildi. ATB Agrobank tomonidan yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun "Agrobankmobile-Biznes" mobil ilovasi joriy qilingan bo`lib, ushbu mobil ilova orqali mijozlar hisob raqamidagi mablag`larni tasarruf etish (boshqarish), tovar va xizmatlar uchun to`lovlarni o`tkazish, real vaqt mobaynida to`lov hujjatlarining qayta ishlanishini kuzatib borish, istalgan muddat uchun hisob raqamlardan ko`chirmalar olish, turli hisobotlarni shakllantirish va boshqaimkoniyatlarga ega bo`ldilar. Hozirda mazkur mobil ilovaga ulangan mijozlar soni qariyb 4128 nafarni tashkil qiladi.

Taraqqiy etgan mamlakatlarda Internet tarmog`ining rivojlanganligi tijorat banklarining masofaviy xizmatlarini yuqori darajada rivojlanishiga olib keldi. Internetdagi elektron to`lov tizimlari ko`p sonli foydalanuvlar o`rtasidagi hisob- kitoblarni tez va xavfsiz rejimda amalga oshirish imkonini beradi.

Taraqqiy etgan mamlakatlarda Internet-banking³, 01.01.2022 y. holatiga

Davlat	Internet xizmat ko'rsatuvchi banklar soni	Mamlakatda gibanklar soni	Internet xizmat ko'rsatuvchi banklarning ulushi	Internet bankingdan foydalanuvchilar ulushi
Germaniya	285	1042	37,6%	50,5%
Avstriya	97	965	10,05%	35%
Velikobritaniya	n/d	679	27,35%	45%
SHvetsiya	45	122	36,89%	57,2%
Daniya	15	207	7,25%	44,8%
Lyuksemburg	152	280	54,29%	38,3%
Fransiya	143	609	23,48%	42,4%
Italiya	32	633	5,06%	30,5%
Ispaniya	29	339	8,55%	37,9%
SSHA	1532	7800	19,6%	35%

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinadiki, taraqqiy etgan mamlakatlarda Internet-banking xizmati ko'rsatish darajasi juda yuqori. Ayniqsa, Lyuksemburg, Germaniya, Shvetsiya, Fransiya va AQSHda ushbu ko'rsatkichning darajasi yuqori. Yevropada ipoteka banklari va turli depozit institutlari tomonidan tashkil etilgan «sof» internet-banklar, masalan, Egg, Smile, Firste, Abbey National banklari bo'lsa, internet orqali xizmat ko'rsatishda kuchli raqobat mavqeiga ega an'anaviy banklar sifatida Barclays, HSBC, Lloyds TSB banklarini ko'rsatish mumkin. Deutsche Bank tahlilchilarining bashoratiga ko'ra, 2020 yilga borib Yevropa kontinentining 50-60 foiz yashovchisi onlayn to'lovlarni amalga oshiradi. Bugungi kunda ushbu ko'rsatkichlarga allaqachon Shvetsiya, Daniya va boshqa bir qator Yevropa mamlakatlari yaqinlashib bo'ldi. Aholi uchun valyuta ayirboshlash amaliyotlarini amalga oshirishni engillashtiruvchi yangi bank xizmatlari joriy etildi, yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan chet el valyutasini sotib olish uchun sharoitlar yaratildi.

5. Xulosa va takliflar.

Bank xizmatlari iste'molchilarining huquqlari va qonuniy manfaatlariga, ayniqsa, hududlarda rioya etish hamda moliyaviy ochiqlikni kengaytirish, shuningdek, xizmat ko'rsatish madaniyati va bank tizimiga bo'lgan ishonchni yanada oshirishda bir qator muammo va kamchiliklar kuzatilmoqda. Xususan:

birinchidan, kreditlarni ajratish bo'yicha qarorlar qabul qilishda vakolatlarining haddan tashqari markazlashganligi bosh banklar va ularning filiallari o'rtasidagi javobgarlikning aniq chegaralanishiga to'sqinlik qilmoqda;

ikkinchidan, kredit buyurtmalarini ko'rib chiqishning murakkablashgan mexanizmlari kreditlarni tezkor olish imkoniyatini chegaralamoqda;

uchinchidan, tijorat banklari tomonidan mikroqarzlar ajratilishi imkoniyatining mavjud emasligi mikroqarzlar olish darajasini oshirish imkonini bermayapti, mikrokredit tashkilotlar va lombardlarning xizmatlari bo'yicha yuqori foiz stavkalari aksariyat holatlarda iste'molchilarning moliyaviy holati yomonlashishiga olib kelmoqda;

to'rtinchidan, chakana bank xizmatlari bozorining past darajada rivojlanganligi va mijozlar bilan hamkorlik munosabatlarini yo'lga qo'yishning zamonaviy yondashuvlari mavjud emasligi ortiqcha byurokratiya va sansolarlik uchun zamin yaratmoqda;

beshinchidan, bank kartalari asosida naqd pulsiz hisob-kitoblarni amalga oshirish

³ Analiticheskaya kompaniya ForresterResearch. <http://www.forrester.com>, <http://www.forrester.com> online-banking/europe.html

bo'yicha davlat protsessing tashkilotining mavjud emasligi chakana to'lov tizimlarining xavfsizlik, uzluksizlik va ishonchlilik darajasiga ta'sir ko'rsatmoqda hamda aholining keng qatlamlari uchun ochiq bo'lgan innovatsion loyihalarni amalga oshirishda zamonaviy texnologik echimlarni ilgari surishga to'sqinlik qilmoqda;

oltinchidan, kreditlarni (mikroqarzlarni) ko'rib chiqish va ajratish uchun xizmat haqi hamda boshqa to'lovlarning undirilishi qarzni real qiymati oshishiga olib kelmoqda;

yettinchidan, shartnomalarga xizmatlar tariflarini, ajratilgan kreditlar va jalb qilingan depozitlar bo'yicha foizlarni bir tomonlama o'zgartirish huquqini nazarda tutuvchi shartlarning kiritilishi, shuningdek, bir xizmatning qo'shimcha xizmatdan foydalanish sharti bilan ko'rsatilishi bank xizmatlari iste'molchilarining huquqlarini buzmoqda;

sakkizinchidan, bank to'lov kartalaridan chet el valyutasini echish bo'yicha cheklolarning mavjudligi va bankomatlar sonining etarli emasligi valyuta ayirboshlash amaliyotlarini bajarishda talab darajasida xizmat ko'rsatish imkonini bermayapti.

Mazkur muammolarni bartaraf etish, bank xizmatlari iste'molchilarining huquqlarini himoya qilishni ta'minlash mexanizmlarini yanada takomillashtirish va innovatsion rivojlanishning tendensiyalarini inobatga olgan holda moliyaviy ochiqlik darajasini oshirish, maqsadida tijorat banklari zimmasigaga:

✓ bank faoliyatining ilg'or xalqaro tajribasini o'rganish hamda bank xizmatlari va mahsulotlarining yangi turlarini joriy etish;

✓ banklar filiallari va mini-banklar qoplanishini hamda bank xizmatlariga bo'lgan ehtiyojlarni hisobga olgan holda banklar filiallari va mini-banklar tarmog'ini kengaytirish;

✓ filiallarning kredit ajratishda bosh banklar bilan qo'shimcha kelishuvsiz mustaqil qarorlar qabul qilish bo'yicha huquqlarini kengaytirish imkoniyati berildi.

Adabiyotlar/Literatura/Reference:

Brauers, W. K. M., Ginevičius, R., & Podvieszko, A. (2014). Development of a methodology of evaluation of financial stability of commercial banks. *Panoeconomicus*, 61(3), 349-367.

Message (2020) from the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. -Tashkent: "Uzbekiston" NMIU, -B. 23.

Purnanandam, A. (2007). Interest rate derivatives at commercial banks: An empirical investigation. *Journal of Monetary Economics*, 54(6), 1769-1808.

Pérignon, C., & Smith, D. R. (2010). The level and quality of Value-at-Risk disclosure by commercial banks. *Journal of Banking & Finance*, 34(2), 362-377.

Polfreman, D., & Ford, F. (2006). Basics of banking. *M.: INFRA-M*.

Vahobov, A., & Ortiqov, O. Quality indicators of banking services., 2006. *Market, money and credit*. (12), 9-10.

Wang, Y., Xiuping, S., & Zhang, Q. (2021). Can fintech improve the efficiency of commercial banks? An analysis based on big data. *Research in international business and finance*, 55, 101338.



INTERNET SAVDODA LOGISTIK BOSHQARUVNI TAKOMILLASHTIRISH YO'NALISHLARI

Tashmatov Sh.U.

Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

Annotatsiya: Maqolada Samarqand viloyati chakana savdo xizmatlari sohasida internet-do'konlar faoliyatini zamonaviy menejment, marketing va logistika tamoyillari asosida takomillashtirish, internet savdo xizmatlari samaradorligini oshirish asosida onlayn haridlar sonini oshirish masalalari yoritilgan.

Kalit so'zlar: internet-do'kon, elektron savdo, logistik infratuzilma, click&collect texnologiyasi, fulfilment markazi, LTL-keytering.

DIRECTIONS FOR IMPROVING LOGISTICS MANAGEMENT IN ONLINE COMMERCE

Tashmatov, Sh.U

Samarkand Institute of Economics and Service

Annotation. The article discusses the issues of improving the activities of online stores in the field of retail services in the Samarkand region based on modern logistics principles, increasing the number of online purchases based on improving the efficiency of online sales services.

Keywords: online-market, e-commerce, logistics infrastructure, click&collect technology, fulfillment centers, LTL catering.

1. Kirish.

Bugungi kunda savdo sohasi internet savdoning jadal rivojlanishi, ayniqsa, chakana savdo sohasi rivojlanishining asosiy harakatga keltiruvchi kuchiga aylanib bormoqda. Shu bilan bir qatorda tovarlarni yakuniy iste'molchilarga yetkazib berish bilan bog'liq logistik jarayonlarning takomillashuviga ham zarurat sezilmoqda. Shu boisdan ham elektron savdoning boshqaruv va funksional jihatlarini ochib berishda uning logistik infratuzilmasini alohida ob'ekti sifatida tadqiq etish zarurati mavjud.

2. Adabiyotlar sharhi.

Albekovning (2013) ilmiy ishlarida "Elektron savdo infratuzilmasi"ni bozor infratuzilmasi nuqtai nazaridan ham ko'rib chiqishimiz mumkinligi ta'kidlanib, elektron savdo, infratuzilmasi sub'ektlari o'rtasidagi barcha munosabatlarning xizmatlar ko'rinishida amalga oshirilishi uning o'ziga xos jihati uning ob'ekt sifatida tadqiq etish zaruratini keltirib chiqarishi mumkinligi bayon etilgan.

Sosunovanning (2012) fikricha, infratuzilma mohiyatan yirik ijtimoiy-iqtisodiy tizimlar uchun xos bo'lib, quyidagi xususiyatlarga ega bo'ladi:

- tarkiban va funksional jihatdan alohida tizimchalarga va tizimosti tizimlariga bo'linishi;
- tizim elementlari va tizimosti tizimlarining yagona maqsadga yo'naltirilganligi;
- har bir funksional tuzilma yoki tizimosti tizimlari faoliyatini alohida o'rganish va baholash mumkinligi;
- boshqaruv iyerarxiyasining mavjudligi;
- boshqaruv faoliyati maxsus tayyorgarlik yoki kasbiy va sohaviy bilim, malaka va ako'nikmalarga ega bo'lgan xodimlar tomonidan amalga oshirilishi;
- infratuzilma tizimlari, funksional sohalari va ob'ektlari o'rtasida teskari aloqaning mavjudligi;

- barcha elementlari va tizimosti tizimlari bilan yaxlit holda o'ziga xos sifat xususiyatiga ega ekanligi;
- tashqi va ichi muhit omillari bilan murakkab aloqalarning mavjudligi;
- ob'ekt va xizmat ko'rsatuvchi infratuzilma o'rtasidagi munosabatlarni matematik modellashtirish imkoniyatining mavjudligi.

Karpovanning (2016) fikricha, internet savdoning tashkiliy tuzilmasi logistik jarayonlar sifatida maxsus texnik va dasturiy vositalar majmuidan iborat. Shu boisdan ham boshqaruv samaradorligini oshirish logistik jarayonlarning uzluksizligi va ishonchliligini ta'minlashga qaratilishi lozim.

Djumaniyazovanning (2020) fikriga ko'ra, elektron tijorat biznesning elektron tizimlardan foydalanadigan holda amalga oshiriladigan tarmoqli modeli hisoblanadi. Elektron tijoratni takomillashtirish uchun avvalo elektron tijorat infratuzilmasini, shu jumladan telekommunikatsiya tarmoqlarini yanada rivojlantirish va modernizatsiya qilish, integratsiyalashgan savdo va marketing platformalarini, internet-do'konlar, shuningdek, elektron tijoratning logistika tizimini yaratish masalalari ilgari surilgan.

Internet savdo sohasiga oid ilmiy adabiyotlar va taniqli olimlarning ilmiy ishlarini tadqiq qilish asosida aksariyat mualliflarning bu borada "axborot-logistik infratuzilma" tushunchasiga alohida urg'u berganligiga guvoh bo'ldik.

Raqamli bozor munosabatlarida logistik infratuzilmani boshqarish quyidagi muhim jihatlarni o'z ichiga oladi:

- internet savdoning logistik infratuzilmasini shakllantirish, rivojlantirish va samarali boshqarish;
- internet savdoda transport-logistik ta'minotni takomillashtirish jumladan, pallet, konteyner va shu kabilar.;
- hududiy distribyutorlik, jumladan o'rtacha kattalikdagi omborlar, tovarlarni yig'ish, qadoqlash, tarqatish va qaytgan buyurtmalarni qayta ishlash markazlarini tashkil etish;
- tovar harakatini kuzatish imkonini beruvchi treking jarayonlarini takomillashtirish.

3. Tadqiqot metodologiyasi.


Tadqiqotda induksiya va deduksiya, guruhlash, makon va zamon, analiz va sintez, mantiqiy tahlil usullaridan foydalanilgan. Tadqiqot natijalarini umumiy yaxlit tarzda ifodalash maqsadida jadval va rasmlardan foydalanilgan.

4. Tahlillar va natijalar muhokamasi.

Internet savdo bo'yicha tahlillar shuni ko'rsatadiki, dunyo bo'yicha iste'molchilar 85 foizi uchun onlayn harid qilishda tovarlarning uyga yetkazib berilishi eng ma'qul variant hisoblanadi. 22 foizi logistik xizmatlar ko'rsatuvchi firmaning tarqatish punkti hamda 19 foizi iste'molchining ish joyiga yetkazib berishi muhimligini ko'rsatmoqda. Bizning fikrimizcha, ushbu dalillarlar internet savdodagi logistika muammosini hal qilishda e'tiborga molik hisoblanadi.

Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, internet savdo infratuzilmasini mikro va makro darajalarda ko'rib chiqish maqsadga muvofiq. Bunda mikro darajada faoliyat turlari, funksional jihatlardan kelib chiqqan holda uning samarali amal qilishini ta'minlab beruvchi, telekommunikatsion, texnik-texnologik, dasturiy ta'minot va aloqa kanallari tushuniladi. Internet savdoning makro darajadagi faoliyat turlariga moliyaviy, logistik, nazorat va ko'rsatilayotgan xizmatlarning huquqiy jihatlarni kiritishimiz mumkin.

Internet savdo infratuzilmasiga xos jihatlarni tadqiq qilish asosida elektron savdoda boshqaruvning asosiy e'tibori logistik faoliyatni boshqarishga hamda shu faoliyat bilan bog'liq qarorlar qabul qilishga qaratilganligiga guvoh bo'lishimiz mumkin. *Bizning fikrimizcha, internet savdoda logistik faoliyatni boshqarish raqamli ta'minotchilar va raqamli iste'molchilar o'rtasida tovar harakatini samarali rejalashtirish, tashkil etish, muvofiqlashtirish va uzluksiz nazorat qilishdan iborat.* Albatta, internet savdo juda keng turdagi faoliyat bilan shug'ullanishi, keng assortiment va turdagi tovarlar harakatini tashkil etsada, tovarlar oqimi bilan uzviy aloqadorlikka ega bo'lmaydi, shu bilan birga elektron savdo bitimlarining barchasida ham logistik ta'minot bo'lishi zaruriy shart hisoblanmaydi. Biroq, buyurtmalarni qabul qilish, ularning harakatini kuzatish, ma'lum vaqt saqlash, mijozlar talabidan kelib chiqqan holda qadoqlash jarayoni to'raligicha logistik operatsiyalarni o'z ichiga oladi. Internet savdo infratuzilmasini 1-rasmdagi kabi tasvirlashimiz mumkin:



1-rasm. Internet savdoning logistik infratuzilmasi¹


Axborot va logistik tizimchalarning o'zaro uyg'unlashuvi faoliyat samaradorligini va sifatini belgilab beradi. Natijada axborot va moddiy oqimlar harakatini bir vaqtda tashkil etish asosida boshqaruv samaradorligini oshirish mumkin bo'ladi. Bunda WMS (warehouse management system – ombor tizimini boshqarish) – internet savdoda ombor tizimlari faoliyatini takomillashtirish, barcha biznes jarayonlarning optimallashtirishini ta'minlab beradi. O'z navbatida TMS (transport management system – tashishlarni boshqarish) ta'minotchilar va yakuni iste'molchilar o'rtasidagi logistik jarayonlarni takomillashtirishga qaratilgan bo'lib, axborot texnologiyalarini joriy etish orqali logistik boshqaruv samaradorligini ta'minlaydi.

Internet savdoda boshqaruv tizimi muayyan faoliyat turi, xizmatlar majmuidan kelib chiqqan holda tashkil etilgan internet-do'konlar orqali insorsing tamoyiliga asoslanib amalga oshiriladi.

Internet savdoda ombor va transport infratuzilmasini tashkil etish avvalo ushbu infratuzilmaga ega bo'lish va biznesni tashkil qilish shakliga bog'liq.

Internet savdoda biznesni tashkil etish shakli "to'g'ridan-to'g'ri yetkazib berish" ga asoslangan vositachilik faoliyatidan iborat bo'lib, mijozlardan buyurtmani qabul qilib olgan internet-do'konlar uni to'g'ridan-to'g'ri ta'minotchilarga uzatiladi. Internet-do'kon mijozdan to'lovni qabul qilib olgach, o'zining foydasini chegirgan holda ta'minotchiga tovar uchun to'lov qiladi. Shu tarzda internet-do'konlar hech qanday tovar zahirasiga va logistik infratuzilmasiga ega bo'lmagan holda foydaga erishadi.

¹ Muallif tomonidan ishlab chiqilgan



2-rasm. Internet savdoda to'g'ridan-to'g'ri yetkazib berish²

Bugungi kunda logistik infratuzilmani boshqarish internet do'konlarning raqobat ustunligini ta'minlovchi asosiy omillardan biri sifatida qaralmoqda. Internet-do'konlarning tashkiliy-boshqaruv mexanizmlarida agregatsiya jarayonlariga asosiy urg'u berilgan holda mamlakatimizda ham aksariyat internet do'konlar aynan shu mexanizmida ishlashini ta'kidlab o'tish joiz. Shu bilan birga ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarning raqamlashtirilishi bilan savdo sohasi korxonalari ham raqamli texnologiyalarni tobora keng qo'llamoqda, natijada to'g'ridan-to'g'ri sotuvlar va yetkazib berish tizimining kengayishi bilan o'z ombor tizimlarini ham tashkil etishga e'tibor qaratmoqda. Samarqand viloyatida joylashgan Orzon³, Sambazar⁴ chakana savdo korxonalari tarmog'i ham o'z mahsulotlarini internet-do'kon orqali yo'lga qo'ygan, shu bilan birga viloyatning 6 ta tumanida umumiy sig'imi 2,4 ming m² bo'lgan hududiy tovar omborlarini tashkil etgan. Natijada tovarlarni to'g'ridan-to'g'ri yetkazib berish va sotishga ixtisoslashgan logistik xizmatlar infratuzilmasi shakllandi.

Internet-do'kon logistik infratuzilmasini tashkil etish shakllaridan biri click&collect texnologiyasi bo'lib, aksariyat chakana savdo sohasida keng qo'llanilmoqda (*Laskina va boshq, 2020*). Bunda savdo terminallari bilan jihozlangan tovar omborlari yoki maxsus do'konlar mazkur texnologiya bo'yicha tovarlarni realizatsiya qiladi. Buning natijasida muomala harajatlari 5% dan 10% gacha pasayishi kuzatiladi, bugungi kunda yirik internet-do'konlar o'z mahsulotlarini "hamkorlik" punktlari orqali yetkazib berishni ham yo'lga qo'ymoqda. Masalan, *JOYDA, ZoodMall, TexnoMart* kabi internet-do'konlar o'z mahsulotlarini *Korzinka*, kabi supermarketlar orqali, to'lovlarni esa *Apelsin, Mandarin, Click* kabi to'lov tizimlari orqali amalga oshiradi.

Elektron savdo infratuzilmasining axborot-logistik tizimi - tovar harakatining uzluksizligini ta'minlash maqsadida tashkil etilgan kommunikatsion, dasturiy ta'minot va axborot texnologiyalari majmui bo'lib, logistik tizimda axborotlar bilan bog'liq noaniqliklarga barham berish, buyurtmalarni o'z vaqtida va eng maqbul narxlarda yetkazilishini kafolatlaydi.

Internet do'konning axborot-logistik tizimi moddiy va boshqaruv tizimosti tizimchalariga bo'linadi. Boshqaruv tizimchasi virtual savdo maydonchasing faoliyatini

² Muallif tomonidan ishlab chiqilgan

³ <https://orzon.uz/>

⁴ <http://sambazar.uz/>

yo'lga qo'ygan holda kommunikatsiyalarni boshqarish, aloqa kanallarini muvofiqlashtirish, shuningdek, maxsus dasturiy vositalarning ishlashini ta'minlaydi.

Bugungi kunda aksariyat korxonalar ma'lumotlar bazasi bilan ishlashda *BigData* texnologiyalariga murojaat qiladilar (*Maksiyanova, 2011*). Bu ulkan hajmdagi tizimzi va tizimsiz axborotlar bilan ishlar vositalari va usullari majmui bo'lib, internet do'konlarning tashkiliy boshqaruv tuzilmasi aynan axborot-logistik jarayonlarga asoslanganligini asoslaydi.

Bizning fikrimizcha, internet savdoda logistic boshqaruv avvalo biznes jarayonlarning bozor muhitiga moslashuvini ta'minlashga hamda iste'molchilarning turli talablaridan kelib chiqqan holda samarali logistic infratuzilmani shakllantirish va samarali qarorlar qabul qilishga qaratiladi. Boshqaruv faoliyatining samaradorligi ham shunga asoslangan holda ko'rsatilayotgan logistic-axborot xizmatlari sifatiga bog'liq deb hisoblashimiz mumkin. Internet savdo infratuzilmasini tadqiq qilish shuni ko'rsatadiki, axborot va logistic tizimosti tizimlari uning asosiy tashkil etuvchisi hisoblanadi (*Babayeva, 2019*). Shu bilan birga internet do'konlarning tashkiliy tuzilmasiga to'xtaladigan bo'lsak, bu tuzilma axborot-logistik xizmatlar ko'rsatuvchi funksional birliklardan iborat ekanligiga amin bo'lamiz.

Internet do'konlarning logistic infratuzilmasi kelgusida buyurtmalarni qisqa muddat ichida qayta ishlash va sifatli saqlash imkonini beradi. Bizning fikrimizcha, internet-do'konning logistic infratuzilmasiga quyidagi talablar qo'yiladi:

- keng assortimentlari va hajmdagi yuklarni qabul qilish imkoniyati;
- yuklarni qabul qilish va yetkazib berish geografik ko'lamining kengligi;
- yuklarni saqlash va saralash bo'yicha texnologik ta'minotning mavjudligi;
- tovarlarni mijozlarning talabiga muvofiq holda saralash va qadoqlash bo'yicha malakali personalga ega bo'lish;
- qaytarilgan tovarlarni qabul qilish va qayta ishlash bo'yicha alohida bo'lim, malakali personalning mavjud bo'lishi.

Internet savdoning logistic ta'minoti quyidagilar bilan izohlanadi:

- internet-do'kon maqsadli auditoriyasi va segmentiga geografik jihatdan yaqinligi. Aynan mana shu omil internet-do'konning mijozlar nuqtai nazaridan afzallik jihatini belgilab beradi. Chunki, aksariyat internet-do'konlar tezkor pochta, kurerlik xizmati, transport korxonalaridan ham foydalanadiki, bu ustama harajatlarning 30% ga ortishiga olib keladi.

- internet-do'konning alohida kuryerlik xizmati mavjudligi;
- internet do'konning mijozlarga tovarlarni shaxsan olib ketish imkoniyatini yaratib berganligi.

Internet savdo sohasi bugungi kunda kundalik ehtiyoj tovarlari chakana savdosini jadallashtiruvchi omillardan biri sifatida logistic xizmatlarning texnologik jihatdan yanada takomillashuviga imkon yaratdi.

Ko'pkanalli va ommaviy kanalli muhitda internet savdoning kengayishi quyidagi yo'nalishlarda logistic boshqaruvni takomillashtirishni taqozo etmoqda:

- internet savdoda narxlarni o'zaro taqqoslash imkoniyatining juda yuqori ekanligi sababli iste'molchilar tomonidan narx darajasini pasaytirishga bo'lgan talablar ortib bormoqda. Bu o'z navbatida iste'molchilarning joylashuvi yoki yetkazib berish joyidan qat'iy nazar logistic harajatlarni kamaytirishni talabtaqozo etadi;
- harid/yetkazib berish/ tovarlarning qaytarilishi jarayonlarining iste'molchilar talabidan kelib chiqib yuqori darajada individuallashuvi;
- buyurtmalarni qayta ishlash jarayonining tezlashuvi;
- logistic infratuzilmaning funksional jihatdan tubdan o'zgarishi. Bugungi kunda supermarketlar va do'konlar o'ziga xos shou-rum, ombor, buyurtmalarni yetkazib berish va tarqatish joyi sifatida qaralgan holda multikanalli xizmat ko'rsatishga transformatsiyalashmoqda.

Shunday qilib, internet savdoda multi va omni-kanalli modelga o'tish natijasida an'anaviy logistic jarayonlarni optimallashtirish zarurati paydo bo'lmoqda. Bu o'z navbatida logistic boshqaruv bilan bog'liq quyidagi masalalarning samarali hal etilishini rag'batlantiradi:

- internet-savdoning logistic infratuzilmasini dinamik modellashtirish;
- internet savdo xususiyatidan kelib chiqqan holda tovar zahiralarni boshqarish;
- tovarlarning qaytarilishi natijasida to'planib qolgan buyurtmalarni qayta ishlash bog'liq jarayonlarni optimallashtirish (*Gasparyan, 2016*).

5. Xulosa va takliflar.

internet savdoda logistik boshqaruv samaradorligini oshirishda quyidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz:

- *hududlarda katta bo'lmagan fulfilment-markazlarini ochish.* Bugungi kunda ko'pgina internet savdo sub'ektlari logistik xizmatlar outsorsingidan foydalanishni yo'lga qo'yishgan. Biroq narxlarning pasayib borish tendensiyasi kelgusida bunday markazlarning ochilishini rag'batlantiradi.

- *LTL-keytering* tovarlarni hududlararo yetkazib berishda nisbatan arzon bo'lgan yetkazib berish xizmati bo'lib, internet do'konlar tomonidan istalgan yo'lovchi tashish xizmatlariga uyg'unlashgan holda amalga oshirish mumkin.

- *pochta xizmatlarining takomillashtirilishi.* Aholi jon boshiga to'g'ri keladigan onlayn haridlar sonini ko'paytirishga qaratilgan chora-tadbirlar kelgusida tovarlarni qulay tarif va muddatlarda yakuniy iste'molchilarga yetkazib berish imkoniyatini yaratadi. Shu maqsadda pochta aloqa xizmatlari negizida buyurtmalarni qabul qilish va pochmatamlarni tashkil qilish maqsadga muvofiq.

Yuqoridagi ilmiy takliflarning amaliyotda qo'llanilishi Samarqand viloyati chakana savdo xizmatlari sohasida internet-do'konlar faoliyatini zamonaviy menejment, marketing va logistika tamoyillari asosida takomillashtirish imkonini beradi. Buning uchun mijozlarni jalb qilish hamda takroriy haridlarni rag'batlantirishda sotishning ilg'or usullarini qo'llash, zamonaviy marketing texnologiyalari yordamida siljitish va logistik tamoyillar asosida tovarlar harakatini yo'lga qo'yish maqsadga muvofiq. Bu o'z navbatida internet-do'kon faoliyatining rivojlanishiga, internet savdo xizmatlari samaradorligining ortishiga olib keladi.

Adabiyotlar/Literatura/Reference:

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги. 14 май 2018 йил / Resolution (2018) of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to accelerate the development of e-commerce." May 14, 2018

Альбеков А.У. (2013) Современные логистические технологии и стратегии торгового комплекса): моногр. / науч. ред. А.У. Альбеков. – Ростов н/Д: Издательско-полиграфический комплекс РГЭУ (РИНХ). / Albekov A.U. (2013) Modern logistics technologies and strategies for a shopping complex): monograph. / scientific ed. A.U. Albekov. - Rostov n / a: Publishing and printing complex RGEU (RINH).

Гаспарян В. (2016) Цепочка поставок в рамках omni-channel-ритейла. ПЛАС Форум Online&Offline Retail. / Gasparyan V. (2016) Supply chain within omni-channel retail. PLUS Online&Offline Retail Forum.

Максиянова Т.В. (2011) Место и роль интернет-коммерции в системе интернет-экономики на современном этапе развития информационной (новой) экономики // Вопросы современной науки и практики. Университет им. В.И. Вернадского. № 3. С. 256–264. / Maksyanova T.V. (2011) The place and role of Internet commerce in the system of Internet economy at the present stage of development of the information (new) economy // Questions of modern science and practice. University. IN AND. Vernadsky. No. 3. С. 256–264.

Бабаева Д.Р., Иразиханова С.А. (2019) Совершенствование методов регулирования интернет-торговли как перспективной формы, развития внешней торговли России// Региональные проблемы преобразования экономики, №4. / Babaeva D.R., Irazikhanova S.A. (2019) Improving the methods of regulating Internet commerce as a promising form, the development of Russia's foreign trade // Regional problems of economic transformation, No. 4.

Jumaniyazova M.Yu. (2020) Prospects for the development of e-commerce in Uzbekistan // Journal of Economy and Business, vol.6, 63-66 pp

Ласкина Л.Ю., Силакова Л.В., Варакса А.М. (2020) Внедрение инноваций в ритейле и их влияние на стоимость компании // Экономика. Информатика. №2. / Laskina L.Yu., Silakova L.V., Varaksa A.M. (2020) Implementation of innovations in retail and their impact on company value // Economics. Informatics. No. 2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vnedrenie-innovatsiy-v-riteyle-i-ih-vliyanie-na-stoimost-kompanii> (дата обращения: 31.05.2022).



ISLOMIY MIKROMOLIYALASHTIRISHNING IQTISODIY ZARURLIGI VA QASHSHOQLIKNI QISQARTIRISHDAGI AHAMIYATI

PhD, dotsent Tursunov A.

Toshkent shahridagi Yodju Texnika Instituti

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Islomiy mikromoliyalashning iqtisodiy zarurligi va ahamiyati hamda Islomiy mikromoliya tashkilotini O'zbekistonda tashkil qilish bo'yicha ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.*

Kalit so'zlar: *Islomiy Mikromoliya Tashkiloti, ribo, Islomiy moliyaviy xizmatlar, zakot, vaqf, murobaha, musharaka, mudaraba.*

ECONOMIC NECESSITY AND IMPORTANCE OF ISLAMIC MICROFINANCE IN POVERTY REDUCTION

PhD, associate professor Tursunov A.

Yodju Technical Institute in Tashkent

Abstract: *This article presents the economic necessity and importance of Islamic microfinance, as well as scientifically based proposals and recommendations for the establishment of the Islamic Microfinance Organization in Uzbekistan.*

Keywords: *Islamic Microfinance Organization, usury, Islamic financial services, zakat, waqf, murabaha, musharaka, mudaraba.*

1. Kirish.

Qashshoqlik bu XXI asrning eng katta muammolaridan biridir. Bu dunyoda uch milliarddan ortiq odam qashshoqlikda yashaydi. Musulmon jamiyatlari qashshoqlik muammosini hal qilishda dunyoning qolgan qismidan ancha orqada qolgan. Dunyodagi eng ko'p musulmon aholisi bo'lgan Indoneziyada, milliy aholining yarmidan ko'pi - taxminan 129 million kishi kambag'al yoki kuniga atigi 2 AQSh dollaridan kam daromadga ega (Obaidullah, 2008). Buning asosiy sabablaridan biri moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatini chegaralanganligidadir. Darhaqiqat, kambag'allar nafaqat qarzga muhtoj bo'ladi, balki, kredit, jamg'arma, pul o'tkazmalari va sug'urta kabi turli xil bank xizmatlarga muhtoj bo'lishi tabiiy. Tijorat banklari asosan megapolis shaharlarga ixtisoslashganligi sababli, yordamga mikromoliya tashkilotlari keladi. Mikrokredit tashkilotlari ham shakllanish va ishlash jihatdan ikkiga guruhga bo'linadi. Bular An'anaviy va Islomiy mikrokredit tashkilotlaridir.

An'anaviy mikromoliya tashkilotlari tomonidan taklif qilingan mikrokredit mamlakatdagi musulmon aholi va tadbirkorlarni foydalanishdan to'sishiga sabab, islom shariati tomonidan taqiqlangan ribo elementini o'z ichiga oladi. Demak, Islomiy mikromoliya tashkilotlarini tashkil qilish mamlakatda qashshoqlikka barham berishda muhim rol bajaradi.

Mikromoliyalashtirishni tor va keng ma'noda qarash mumkin. Tor ma'noda mikromoliyalashtirish deganda unchalik katta bo'lmagan kreditlar berish va lizing xizmatini ko'rsatishga tushuniladi. Keng ma'noda esa, mikromoliyalashtirish deganda mikrokredit va mikrolizingdan tashqari mikrojamg'armalar, mikrosug'urtalar, pul o'tkazmalari va konsalting xizmatlari kabi keng tarmoqli moliyaviy xizmatlarni o'z ichiga oladi. Ushbu xizmatlarni islom shariat qoidalari asosida ko'rsatish esa islomiy mikromoliyalashtirish deyiladi. Tijorat banklaridan farqli ravishda aynan daromadi kam bo'lgan aholiga xizmat ko'rsatuvchi moliyaviy mexanizm sifatida mikromoliya tashkilotlari tashkil topdi va rivojlanmoqda.

Dunyo bo'ylab 600 million odam o'ta qashshoqlikda yashaydi. Birlashgan Millatlar Tashkilotining qashshoqlik ko'rsatkichlariga ta'rifi ostida o'ta qashshoqlik ochlik, sog'liqni

saqlash, boshpana va boshqa insonning yashash uchun eng asosiy ehtiyojlarini o'z ichiga olgan holda aniqlangan. Dunyodagi eng qashshoq odamlarning 50% afsuski musulmonlardir (Genç, 2019). Ya'ni har 5 musulmondan 1 nafari o'ta qashshoqlikda yashaydi. Demak Islom mikromoliyasiga talab juda ham yuqori ekanligini ko'rishimiz mumkin. Musulmon davlatlari neft, tabiiy gaz, oltin, mis va boshqalarni o'z ichiga olgan dunyodagi tabiiy resurslarning 70% ga ega. Islom davlatlarining aksariyati qishloq xo'jaligiga ega. Shunga qaramay musulmonlar orasida qashshoqlar sonini ko'p bo'lishi bu zakot tizimi yaxshi ishlamasligi va jami islom moliyasi kapitalida islom mikromoliyasining ulushi haligacha 1% ni tashkil qilishini ko'rsatish mumkin.

Mikromoliyaning paydo bo'lishining asosiy sababi qashshoqlik darajasini kamaytirish, daromadi kam bo'lgan aholini moliyaviy xizmatlardan foydalanishga imkoniyat yaratish edi, ammo u keyinchalik yo'nalishini o'zgartirib foyda olishga qaratilgan mexanizm sifatida turli maqsadlarda foydalanildi (Johnson, 2009). Hozirga kelib u kambag'allikni qisqartirish emas, balki moliyaviy xizmatlardan keng jamoatchilik foydalanishi uchun faol qo'llanilmoqda. An'anaviy mikromoliya tashkilotiga nisbatan Islomiy mikromoliyalashtirish kambag'allikni qisqartirishda samarali ekanligi xalqaro maydonda e'tirof etildi.

2020-yilda Islomiy mikromoliya tashkilotlarining aktivlari 156,7 milliard AQSh dollari miqdorida baholangan va bu ko'rsatkich 2026 yilga kelib 304,3 milliard AQSh dollari miqdoriga yetishi prognoz qilinmoqda hamda tahlil davridagi yillik o'sish sur'ati 11,9 foizni tashkil etmoqda (Islamic Finance Outlook, 2022). Ushbu moliyaviy mexanizmni joriy qilish natijasida O'zbekistonda bo'sh ish o'rinlarini yaratish va aholining moliyaviy savodxonligini oshirish orqali kambag'allikni qisqartirish, daromadi kam aholining moliyaviy xizmatlardan foydalanishga erishish mumkin.

2. Adabiyotlar sharhi.

Ushbu maqola mavjud ikkilamchi ma'lumotlar ilmiy maqolalar, tadqiqotlar, Islomiy mikromoliya tashkilotlarining website ma'lumotlari asosida yozilgan. Maqolani yozishda guruhlah, taqqoslash, ilmiy abstraksiya usullaridan foydalanilgan.

Mikromoliyani tashkil etish tijorat banklaridan foydalanish imkoni bo'lmagan kam ta'minlangan uy xo'jaliklariga moliyaviy xizmatlar ko'rsatish usuli sifatida taklif etilgan. Mikromoliya asosan kam ta'minlangan odamlarga omonat va kredit shaklida moliyaviy xizmatlar ko'rsatish, shuningdek, xizmat ko'rsatishning boshqa shakllari sug'urta, ijtimoiy vositachilik, moliyaviy savodxonlikni oshirish va tadbirkorlarni o'qitish kabilar kiradi (Joanna and White, 2006). Bu ayniqsa, rivojlanayotgan mamlakatlarda qashshoqlikka qarshi kurashning samarali vositasi hisoblanadi.

Brandsma va Burjorji (2004) mikromoliyani shunday tavsiflaydi:

1. Tijorat banklariga kirish imkoniga ega bo'lmagan kam ta'minlangan tadbirkorlarga e'tibor qaratish;

2. Garov va investitsiyalar o'rnini bosuvchi norasmiy baholashdan foydalangan holda qarz oluvchilarga kichik, qisqa muddatli va takroriy kreditlardan oddiy va qulay foydalanish imkoniyatini yaratish;

3. Kichik omonatlarni qo'yishni osonlashtiradigan, qulay deposit va uni tez likvid qilish imkoniyatiga ega bo'lgan ixtiyoriy jamg'arma xizmatlarini ko'rsatishni nazarda tutadi.

Mikromoliyani davlat tomonidan tartibga solish nuqtai nazaridan uchta turga ajratadilar (Asian Development Bank, 2000):

1. Norasmiy. Mintaqaviy hokimiyat tomonidan tartibga solinmagan yoki nazoratsiz. Muassasalarga o'z-o'ziga yordam guruhlari, kredit uyushmalari, oilalar (qarindoshlar) va shaxsiy kredit beruvchilar kiradi.

2. Qisman rasmiy. Ro'yxatdan o'tgan shaxslar va ayrim moliya institutlari kiradi. Ular bir nechta moliyaviy xizmatlar ko'rsatsalar ham, ushbu muassasalar depozitlarni qabul qilmaydi va kredit bermaydi. Demak, ular moliyaviy vositachi sifatida faoliyat yuritadi, lekin tijorat banklari kabi tartibga solinmaydi.

3. Rasmiy. Bularga tijorat banklarining mikromoliyaviy bo'linmalari, qishloq banklari va kooperativlari kiradi. Muassasalar tijorat banklari sifatida tartibga solinadi.

Kambag'allar ham moliyaviy xizmatlarga muhtoj, chunki ularda ham o'zida mavjud bo'lganidan ko'ra ko'proq pul sarflashni talab qiladigan voqealar sodir bo'ladi. Mutaxassislar odatda bunday hodisalarning uchta asosiy guruhga ajratadilar: hayotda doimiy sodir bo'ladigan voqealar, favqulodda hodisalar va investitsiya imkoniyatlari. Har bir xonadon duch keladigan hayotda bir marta sodir bo'ladigan hodisalar (tug'ilish, nikoh, o'lim, uy

qurish, qarilik) yoki takroriy hodisalar (ta'lim, bayramlar, choyxona) kiradi. Favqulodda vaziyatlar shaxsiy kasallik yoki jarohatlar, moddiy ta'minotchi (ota) ning o'limi yoki ishdan bo'shashi, shuningdek, zilzilalar, toshqinlar va ocharchilik kabi tabiiy ofatlar kiradi. Uchinchi, biznesga, yerga yoki uy joy qilish uchun sarmoya kiritish mumkin. Kam ta'minlangan shaxslarga yuqoridagi sanab o'tilgan holatlar uchun mikrocredit kerak. Darhaqiqat, kambag'allar nafaqat kreditga muhtoj bo'lishi mumkin, balki, kredit, jamg'arma, pul o'tkazmalari va sug'urta kabi turli xil bank xizmatlarga muhtoj bo'lishi tabiiy.

3. Tahlil va natijalar muhokamasi.

Islom shariat qoidalari asosida ishlaydigan mikromoliya tashkilotlariga Islomiy mikromoliya tashkilotlari deyiladi. Islomiy Mikromoliyasi birodarlik, hamjihatlik va sheriklik kabi islomiy tamoyillardan foydalangan holda mijozlarga moliyaviy xizmatlar ko'rsatishni o'z ichiga oladi. Bundan tashqari, muassasalar va mijozlar o'rtasida sherikchilik asosida biznes moliyalashtiriladi (Dieter, Agung, 2006).

An'anaviy mikromoliya tashkilotlari tomonidan taklif qilingan mikrocredit mamlakatdagi musulmon tadbirkorlarni foydalanishdan to'sishiga sabab, islom shiati tomonidan taqiqlangan ribo elementini o'z ichiga oladi. Islomiy mikromoliyaga talab qanday degan savolga javob berish uchun quyida musulmon aholi eng ko'p bo'lgan 20 ta davlatni keltirib o'tamiz.

1-jadval.

Musulmon aholisi ko'p bo'lgan 20 ta davlat.¹

Nº	Davlatlar	2022 yil Aholi soni	Musulmon aholi soni	Musulmon aholi ulushi %	Musulmon aholi ulushi % dunyo aholisiga nisbatan
1	Indonesia	279,134,505	229,000,000	87.20%	12.70%
2	Pakistan	229,488,994	200,400,000	96.50%	11.10%
3	India	1,406,631,776	195,000,000	14.20%	10.90%
4	Bangladesh	167,885,689	153,700,000	90.40%	9.20%
5	Nigeria	216,746,934	99,000,000	49.60%	5.30%
6	Egypt	106,156,692	87,500,000	92.35%	4.90%
7	Iran	86,022,837	82,500,000	99.40%	4.60%
8	Turkey	85,561,976	79,850,000	99.20%	4.60%
9	Algeria	45,350,148	41,240,913	99.00%	2.70%
10	Sudan	45,992,020	39,585,777	97.00%	1.90%
11	Iraq	42,164,965	38,465,864	95.70%	1.90%
12	Morocco	37,772,756	37,930,989	99.00%	2.00%
13	Ethiopia	120,812,698	35,600,000	33.90%	1.80%
14	Afghanistan	40,754,388	34,836,014	99.60%	1.80%
15	Saudi Arabia	35,844,909	31,878,000	97.10%	1.60%
16	China	1,448,471,400	28,127,500	1.73%	1.60%
17	Yemen	31,154,867	27,784,498	99.10%	1.50%
18	Uzbekistan	35,382,084	26,550,000	96.50%	1.70%
19	Niger	26,083,660	21,101,926	98.30%	1.00%
20	Russia	145,805,947	20,000,000	13.50%	1.00%

Ushbu jadvaldan ko'rish mumkin 20 ta davlat aholisi 1.5 milliarddan ortiq musulmonlar istiqomat qiladi. Butun dunyoda musulmonlar soni 1.9 milliarddan ortiq ya'ni, dunyo aholisining 24.7% tashkil qiladi².

¹ <http://wdi.worldbank.org/table/2.1> website ma'lumotlari asosida muallif tomonidan mustaqil tuzildi.

² <https://akhuwatuk.org/>

Islomiy mikromoliya tashkilotlari ikki guruhga tijorat va notijorat shakllariga bo'linadi. Tijorat shakliga mikro kredit va mikro ulush (shirikchilikka asosida tadbirkorlik qilish) kiradi. Notijorat shakllariga Vaqf fondlari kiradi. Barcha turdagi mikromoliya tashkilotlari quyidagi asosiy 3 ta tamoyilga qat'iy amal qilishi kerak. Bular quyidagilar:

❖ Ribo (foiz) har qanday ko'inishi ta'qiqlangan. Bu oddiy qilib aytganda pulni qarzga hech qanday mehnat qilmay ko'paytirib olish tushuniladi. Har qanday ko'inishdagi kreditlar bunga misol bo'ladi.

❖ G'orar-noaniqlik, mavhumlik, axborotdan yetarlicha xabardor emaslik hisoblanadi. Bunda sotuvchi va xaridor tovar haqida teng ma'lumotga ega bo'lishi kerak. Buni shariat tomonidan taqiqlashdan asosiy maqsad bir tomonning ikkinchi tomonga nisbatan nohaq ustunlikka ega bo'lishini oldini olishdan iboratdir. G'orar umuman qo'shimcha narsa yaratmaydi balki, kimnidir yutqazishi yoki zarar ko'rish evaziga daromad olinadi. Masalan, urilgan mashinani urilmagan deb sotishi, bir qop kartoshkani ustiga yaxshisini terib qo'yib osti ham shunday deb zarar ko'rgan kartoshkalar bilan sotishi, bozordagi narxni bilmagan xaridorga mahsulotni bir necha barobar qimmatga sotishi kabilar kiradi.

❖ Maysir- Asoslanmagan tadbirkorlik omadi kelib hech qanday harakatsiz foyda ko'rish yoki zarar ko'rish tushuniladi. Bunga misol qimor o'yini ya'ni boylikni mehnatsiz boshqa bironi zarar ko'rish evaziga tasodifan qo'lga kiritishdir. Fudbol o'yinida katalizator, Boriga Baraka teleshou kabilar kiradi.

Aholisining asosiy qismi musulmonlardan tashkil topgan O'zbekiston uchun ham islomiy moliyaviy xizmatlarni joriy qilish va rivojlantirish dolzarb masala bo'lib qolmoqda (Tursunov, 2022). Yurtimizda Islomiy mikromoliya tashkilotining faqat notijorat shakli "Vaqf xayriya jamoat fondi" faoliyat yuritadi. Kelajakda tijoratga asoslangan shakllarini ham rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Pokistonda 2001 yil Akhuwat islomiy mikromoliya tashkilotiga asos solingan. Hozirga kelib ushbu tashkilotning 800 filial, 301 ta'lim muassasalari, 4.8 million foydalanuvchilari mavjud³.

Islomiy mikromoliya tashkilotlarini keng qamrovli joriy etilishi mamlakat uchun quyidagi imkoniyatlarni beradi:

Daromadi past bo'lgan aholiga moliyaviy xizmatlar ko'rsatish orqali jamiyat farovonligini oshirish;

daromad manbaiga ega bo'lmagan aholiga moliyaviy xizmatlar ko'rsatish orqali qashshoqlikni kamaytirish; (Vaqf, zakot mablag'lari hisobiga)

mamlakatda kam daromadli aholi uchun moliyaviy xizmatlarni rivojlantirish va diversifikatsiyalash;

ko'plab yangi ish o'rinlari yaratish. Ya'ni o'z o'zini band qilish uchun moliyalashtirish aholining moliyaviy savodxonligini oshirish orqali, moliya bozoridagi faolligini ko'tarish;

Islom moliya xizmatlarini ko'rsatuvchi yangi mikromoliya industriyasini tashkil qilish orqali mamlakatda infratuzilmani muvofiqlashtirish va yangilash;

kambag'allikka qarshi kurashish davlat dasturini amalga oshirishga hissa qo'shish;

yangi yo'nalishda kadrlar tayyorlash dasturini yaratish.

Islom mikromoliyasi shariat qoidalari asosida xizmat ko'rsatib tadbirkor bilan foyda va zararni bo'lishadi. Savol tug'uladi nega O'zbekistonga Islom mikromoliyasi kerak?

❖ Islom mikromoliya aholisining ko'p qismi musulmon bo'lgan aholidan ko'proq mablag' jalb qilish, ya'ni depozit yig'ish imkoniyatiga ega. Aynan shu omil mamlakatimizda aholining bo'sh pul mablag'ini jalb qilish va uni ishlab chiqarishga investitsiya qilish mumkin. Bundan, tadbirkor, bank va mijoz birdek manfaatdor bo'ladi. Shuningdek, naqd pulning aholi qo'lida qolib ketishini oldini oladi va iqtisodiyotda aylanishini ta'minlaydi. Bu esa, o'z navbatida inflatsiyani kamaytirishga xizmat qiladi. Bizda nobank tashkilotlarga deposit olish huquqi berilmagan, ushbu huquqni qayta ko'rib chiqish kerak. "Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to'g'risida"gi qonun (2022) qabul qilindi. Ushbu qonunni imzolanishi sohani rivojlantirish uchun tashalغان katta qadamlardan hisoblanadi. Ushbu qonun asosida tijorat banklari Islomiy mikromoliya tashkil qilgan holda Islomiy bank xizmatlarini ko'rsatishi mumkin.

❖ Tijorat banklari tomonidan mikroqarzlarning ajratilishi imkoniyatining yetarli darajada mavjud emasligi mikroqarzlarni olish darajasini oshirishni ta'minlamayapti, mikro kredit tashkilotlar va lombardlarning xizmatlari bo'yicha yuqori foiz stavkalari aksariyat holatlarda

³ www.worldbank.org

iste'molchilarning moliyaviy holati yomonlashishiga olib kelmoqda. Islom mikromoliyasi foizli kreditlardan farqli o'laroq foydani yoki zararni taqsimlash orqali moliyalashtirish iste'molchilarga keng imkoniyatlar yaratadi. Ya'ni tadbirkor bilan mikromoliya tashkiloti sherikchilik asosida faoliyat ko'rsatadi. Agar biznes foyda ko'rsa kelishuvga muvofiq, agar zarar ko'rsa biznesga kiritgan ulushi miqdorida zararni o'z zimmasiga oladi.

Исмаилов Д.А. (2018) Инвестиция фаолиятини молиявий бошқариш усулларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация автореферати. - Т., 19-б. / Ismailov D.A. (2018) Improving the financial management of investment activities. Dictation autophagy, which he prepared to obtain a PhD in Economics. - Т., 19 p.

Марданов А., Мунасыпов Р. (2004) Клиент-ориентированная стратегия управления в банковской деятельности. //Банки и технологии, №4. / Mardanov A., Munasypov R. (2004) Client-oriented management strategy in banking. // Banks and technologies, No. 4.

Князева И.В. (2006) Маркетинг. – М.: СибАГС. / Knyazeva I.V. (2006) Marketing. – М.: SibAGS.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ СИФАТИНИ АНИҚЛАШ ВА УНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

доцент Абдувоҳидов А.А., Эшпўлатов Д.Б., Бегимқулов Ж.Ж.

Гулистон давлат университети

Аннотация: Иқтисодий ўсиш масаласи иқтисодиётни доимо қизиқтирган ва ўйлантириб келаётган муаммо: ҳозирги давр ва келажак ўртасидаги курашнинг янгича кўринишидир. Иқтисодий ўсишни ўлчаш иқтисодчилар олдида турган долзарб масалалардан биридир. Бироқ, уни тўлақонли ўлчашга имкон берувчи аниқ бир кўрсаткич ҳали топилмаган. Шу жиҳатдан мазкур мақолада мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини ўрганиш ва таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Материалларни баён қилиш асносида иқтисодий ўсиш тушунчасига берилган таърифлар аниқлаштирилди, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш сифатини белгилаб берувчи статистик кўрсаткичлар тизимлаштирилди. Тадқиқот давомида олинган натижалар иқтисодий ўсиш моҳиятини очиб бериш ва илғор тажрибалар билан қиёслаш имконини яратиш имконини беради.

Калит сўзлар: иқтисодий ўсиш, ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад, инсон тараққиёти индекси, ҳақиқий тараққиёт кўрсаткичи, инклюзив ривожланиш индекси, бахт индекси, техник тараққиёт.

DETERMINATION OF THE QUALITY OF ECONOMIC GROWTH IN AGRICULTURE AND ANALYSIS OF ITS INDICATORS

associate professor Abduvohidov A.A., Eshpulatov D.B., Begimkulov J.J.

Gulistan State University

Abstracts: The problem of economic growth is a problem that has always interested and worried the economy: it is a new form of struggle between the present and the future. Measuring economic growth is one of the most pressing challenges facing economists. However, no specific indicator has yet been found that allows it to be fully measured. In this regard, in this article we will try to study and analyze the indicators of economic growth in the agricultural sector of the country. In the course of the presentation of the material, the definitions of the concept of economic growth were clarified, statistical indicators determining the quality of economic growth in agriculture were systematized. The results obtained during the study will allow us to reveal the essence of economic growth and create an opportunity for comparison with best practices.

Keywords: economic growth, gross domestic product, gross national product, national income, human development index, real development indicator, inclusive development index, happiness index, technical progress.

1. Кириш.

Иқтисодий ўсиш аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили бўлиб, мавжуд қонуният ва тенденцияларни излаш зарурлигини белгилаб беради. Унинг асосий таркибий қисмларини ўрганиш эса аниқ даврларда, мамлакат, ҳудуд, тармоқ даражалари бўйича иқтисодий ривожланиш суръатларидаги фарқларни асослашга имкон яратади.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда "даромади ўртачадан

юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш вазифаси белгилаб берилган. Мавжуд иқтисодий ҳолат тармоқни ривожлантириш кўрсаткичларида ижобий тенденция, ташқи иқтисодий омилларнинг салбий таъсирларининг кучайиши, қишлоқ ҳудудларини иқтисодий ўсиш динамикасининг тармоқ ривожланишидан ортда қолиши, қишлоқ хўжалиги ва умуман иқтисодиётни ривожлантиришда ижтимоий омиллар аҳамиятининг ортиб бориши билан тавсифланади.

Қишлоқ хўжалигининг замонавий ривожланишининг асосий хусусиятлари: иқтисодий ўсишнинг беқарорлиги; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг юқори ресурс сиғимлилиги; иқтисодий ўсишни таъминлаш учун инновацияларга талабнинг йўқлиги ва инвестицияларнинг етишмаслиги; ривожланишнинг замонавий шартлари ва хусусият-ларини, тармоқ фаолиятининг ташқи муҳитининг ўзгарувчанлигини, иқтисодий муноса-батларни такомиллаштириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда самарали ташкилий-иқтисодий механизмнинг йўқлигини киритиш мумкин.

Барқарор ривожланиш концепциясига ўтиш иқтисодий ўсиш суръати ва унинг сифати ўртасидаги ресурслардан оптимал фойдаланишга зид бўлган ижтимоий ва экологик мақсадларнинг ҳамоҳанглигини ўз ичига олади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий ўсиш мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлганлиги сабабли уни баҳолаш учун қандайдир битта кўрсаткич кифоя қилмайди, балки муайян кўрсаткичлар тизими талаб қилинади. Бу кўрсаткичлар тизимида ўлчамдаги ва климат ифодасидаги кўрсаткичлар фарқланади. Иқтисодий ўсишнинг жисмоний ўлчамдаги кўрсаткичлари бир мунча аниқ натижа берсада, уларни ҳам такомилга етган деб бўлмайди, чунончи ҳар хил ўлчамдаги маҳсулот ва хизмат кўрсаткичларини битта яхлит кўрсаткичга бирлаштириш мушкул вазифа ҳисобланади. Шу сабабли кўпинча иқтисодий ўсиш суръатлари қиёсий ёки доимий нархларда ҳисобланади.

Кузнецова (2001) иқтисодий ўсиш сифати тушунчасининг мазмуни ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда, мақсади эса аҳоли турмуш фаровонлигини мустаҳкамлашда эканлигини таъкидлайди.

Теняков (2015) иқтисодий ўсиш сифат категорияси мазмунида ишлаб чиқариш омиллари сифати ўртасидаги боғлиқлик, якуний маҳсулот сифатини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг товар маҳсулоти рақобатбардошлигини ошириш каби муҳим хусусиятларни алоҳида таъкидлаб, ижтимоий институтлар ва иқтисодиётнинг тармоқ тузилмасидаги сифат ўзгаришларни мазкур категориянинг асоси эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, у экология ва кишиларнинг ҳаётдан қониқиши нуқтаи назаридан иқтисодий ўсиш сифатини кўриб чиқишни таклиф қилади.

Ҳудудлар даражасида Сенков, Сенковалар (2010) иқтисодий ўсиш сифатини ҳудуд ва минтақаларнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиш жараёнлари, шунингдек, инвестиция муҳитини шакллантириш билан боғлайдилар, иқтисодий ҳодисаларни баҳолашнинг услубий ёндашувларини таклиф қилган ҳолда, ҳар бир мезонни ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар тизимида минтақанинг профилини яратадилар.

Бабаев ва Дубровскийлар (2015) фаровонлик мезонини иқтисодий ўсишнинг асосий жиҳати сифатида баҳолайдилар. Бухтиярова, Бочароваларнинг (2017) таъкидлашича, “иқтисодий ўсиш сифати ўзгаришларни бошқаришнинг янги сифатини талаб қилади, бу эса ўз навбатида бошқарув ходимларининг малакасини, бошқарув жараёнларини мақбуллаштиришни англатади”.

Юқорида тилга олиб ўтилган олимлар ва мутахассисларнинг ёндашувларида иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланишнинг муайян бир жиҳатлари ўрганилган ҳолда, шу жиҳатдан олганда мамлакат иқтисодиёти, хусусан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш масалаларини тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

3. Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқот давомида биз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш кўрсаткичлар ва кўламини белгилаб берувчи асосий ёндашувларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик, бунда жаҳонда иқтисодий ўсиш сифатини белгиловчи кўрсаткичларни ўрганган ҳолда, ушбу кўрсаткичларнинг Ўзбекистон иқтисодиёти учун қай даражада мос эканлигини тадқиқ қилишни ўз олдимизга муҳим вазифа сифатида белгилаб олдик. Тадқиқот материалларини баён қилиш ва келтирилган мулоҳазаларни асослаш мақсадида нуфузли хорижий илмий манбалар билан бир қаторда, Молия вазирлиги,

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий сайти очиқ маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотларимизнинг ишончлилик даражасини ошириш мақсадида MS Office excel 2010 дастурий таъминоти ва унинг таҳлилий компонентларидан кенг қўлланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияси шундан гувоҳлик берадики, кишилиқ жамиятининг барча соҳа ва жабҳаларида, айниқса глобал иқлим ўзгариши таъсирида сайёрамизнинг кўплаб минтақаларида тобора авж олаётган қашшоқлик ва очарчиликка барҳам беришнинг асосий омилларидан бири сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, шунингдек уларга турли йўналишларда хизмат кўрсатувчи субъектларнинг хўжалиқ юритиш фаолиятларини инновациялар асосида ташкил этиш стратегик аҳамият касб этиб, ушбу жараёни узлуксиз такомиллаштириш давр талабига айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг тараққиёти иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Чили ва Вьетнамдаги иқтисодий ўсишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг жадал ўсиши билан боғлиқ бўлгани ҳолда, айрим Африка мамлакатларининг ривожланишдан ортда қолиши, мазкур мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг етарли даражада таъминлай олмаётганликлари билан изоҳланади.

Бу, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги секторининг бандлик ва ЯИМда улуши юқори бўлган иқтисодий ривожланишнинг дастлабки босқич-ларида иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларини ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг муҳим ўрин тутиши билан изоҳланади. Ушбу ҳолатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш омилларини (хом ашё, меҳнат, капитал жамғариш, хорижий валютани жалб қилиш) таклиф этиш орқали иқтисодиёт-нинг бошқа соҳалари ўсишига ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг қадимий, ҳеч қачон ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч тармоқлардан биридир. Лекин сайёрамиздаги глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда минтақамиздаги экологик муаммолар оқибатида қишлоқ хўжалигида ҳар йили илгари кўрилмаган янги-янги синов ва қийинчиликлар пайдо бўлаётгани ушбу аграр соҳага эътиборни янада кучайтиришни тақозо қилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ўсиши, иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тар-моқларида ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ўсишига олиб келади, айти пайтда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ўсиши қишлоқ хўжалигида 0,18 долларлик ўсишни таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги ўсишининг мазкур мультиплика-торлари одатда, даромади паст мамлакатларда юқори бўлиши кузатилади, чунки мазкур мамлакатларда саноат секторининг асосий улуши (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш) ва хизматлар соҳаси қишлоқ хўжалиги кўрсаткичларига кўп жиҳатдан боғлиқ ҳисобланади.

Бошқа бир томондан, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ўсиши қишлоқ хўжалигидан ташқари фаолият билан шуғулланувчи аҳолининг ортиб бораётган улушини озиқ-овқат билан таъминлаш имконини беради ва шу билан биргаликда шаҳар аҳолисининг ўсишига ёрдам беради. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида унумдорликнинг ошиши озиқ-овқат маҳсу-лотлари нархини пасайтиришга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида шаҳар-ларда номинал иш ҳақини камайитириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги бевосита боғлиқликнинг мавжудлиги эвазига қишлоқ хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъмин этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг молиявий салдоси деб аталувчи, яъни қишлоқ хўжалигидан келадиган пул оқимлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари-нинг ўсишини қўллаб-қувватлаган ҳолда, инвестиция сифатида йўналтирилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун иқтисодиётнинг бошқа секторлари маҳсулотлари, хусусан саноат маҳсулотлари (ўғитлар, асбоблар ва машиналар)га талаб пайдо бўлади, қишлоқ хўжалигида банд бўлган ва қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли даромад-ларининг ўсиши асносида зарурий истеъмол товарларига талаб ортиб боради. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги даромадларнинг ўсиши саноатлаштиришни рағбатлантиради. Мазкур омил ўз пайтида Ҳиндистон ва Хитойда ер ислоҳоти сиёсатининг асосини ташкил қилган эди.

Бундан ташқари, даромади паст мамлакатлар айнан қишлоқ хўжалигида таққосланма афзалликларига эга бўлганликлари боис, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш очиқ иқтисодий шакллантириш шароитида устувор аҳамият касб этади. Иқтисодий ривожланиш бўйича тадқиқот олиб борувчи етакчи мутахассис олимларнинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги қисқа муддатда қиёсий афзалликлар тақдим этади, агросаноат мажмуасини ривожлантириш эса узоқ муддатли истиқболда саноатлаштиришга катта йўл очиб беради.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида бугун талабларидан келиб чиққан ҳолда, устуворликларни аниқлаштириш борасида муайян бир қийинчиликлар мавжуд, хусусан бу борада қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиш талаб этилади:

- очлик даражасини камайтириш ва аҳолининг реал даромадини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини пасайтириш ёки фермерларни қишлоқ хўжалигига кўпроқ сармоя киритишга ундаш мақсадида мазкур нархларнинг ошишишни рағбатлантириш;

- бюджет маблағларидан қисқа муддатли озиқ-овқат муаммосини юмшатиш учун фойдаланиш (масалан, озиқ-овқат ёрдам дастурлари орқали) ёки мазкур маблағларни қишлоқ хўжалигига инвестиция қилиш ва узоқ муддатли маҳсулдорлик муаммосини ҳал қилишга йўналтириш;

- ўзини –ўзи таъминлаш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилишга катта эътибор қаратиш ёки қиёсий устунликлардан фойдаланган ҳолда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини кенгайтириш;

- қашшоқликни камайтиришда самарали бўлган майда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ёки ҳосилдорликни ошириш ва қиймат яратишнинг интеграциялашган занжирлари орқали мураккаб бозорларга чиқиш борасида самарали ҳисобланадиган йирик хўжаликларини жадал ривожлантириш.

Шу тариқа, иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш борасида қишлоқ хўжалигининг мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш, миллий иқтисодий ривожлантириш мақсадида ушбу салоҳиятдан фойдаланиш борасида самарали ёндашувларни танлаб олиш ва қишлоқ хўжалиги ресурсларидан самарали фойдаланишнинг замонавий усул ва воситаларини ўзлаштириш даромад даражаси паст мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

БМТга аъзо давлатлар томонидан ишлаб чиқилган 2030-йилгача барқарор ривожланиш йўл харитаси 2017-йилда тасдиқланган ва 15 йил ичида эришилиши керак бўлган 244 глобал кўрсаткич бўйича баҳоланган 17 та ривожланиш мақсадларини ўз ичига олади. Бироқ, глобал кўрсаткичларнинг ярмидан кўпи белгиланган баҳолаш услубига эга эмас ёки маълумотлар мамлакатлар томонидан тўпланмайди, бу эса ушбу мақсадларга эришиш натижаларини баҳолашни қийинлаштиради. Саккизинчи мақсад-асосий таркиби меҳнат унумдорлиги ва тўлиқ иш билан бандлик бўлган изчил, инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишдир. Ушбу мақсадга эришишга қаратилган чора-тадбирлар қаторида бандлик имкониятларини кенгайтириш, норасмий бандликни қисқартириш, барча учун муносиб меҳнатни таъминлаш учун хавфсиз ва ишончли меҳнат шароитларини яратиш кабиларни санаб ўтишимиз мумкин.

Иқтисодий ўсиш иқтисодий назариясида маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг (иқтисодий тизимдаги (мамлакат, минтақа, жаҳон) ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиши) ёки аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши сифатида аниқланади. Сифатли иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш омиллари сифатини яхшилашга (интенсив ўсиш), миқдорий ўсиш - доимий сифатли ишлаб чиқариш омиллари сонини кўпайтиришга (экстенсив ўсишга) асосланади.

Иқтисодий ўсишни ўлчаш учун бир қатор умумий қабул қилинган кўрсаткичлар қўлланилади:


- ЯИМ ёки миллий даромаднинг ўсиш суръати (МД). Саноат учун ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичи (ЯҚҚ), минтақа учун – ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ);

- аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати (МД, ЯҲМ) иқтисодий фаоллик даражаси ва аҳолининг ҳаёт сифатини акс эттиради;

- мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш учун фойдаланиладиган ягона валюта - АҚШ долларларида ифодаланган аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот (харид қобилияти паритети бўйича).

Жаҳон банки маълумотларидан фойдаланиб (Дзарасов, 2002), Ўзбекистон учун ушбу кўрсаткичнинг графигини шакллантирдик (1-расм). Тренд $R^2 = 0,9696$ ишончлилик даражаси билан $y = 6,2522x^2 + 4,2782x + 2151,1$ полином эгри чизигининг тенгламаси билан ифодаланади. Иқтисодий ўсишнинг секинлашуви жорий йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ижобий бўлиб қолганда, ammo ўтган йилги даржасига етиб бормаганда кузатилади. Пасайиш эса икки давр ўртасидаги аҳоли жон бошига ўсиш суръатларининг фарқи манфий бўлган ҳолатлар сифатида тавсифланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодиётда асосан ўсиш тенденцияси кузатилган. Бироқ, охириги йилларда замонавий жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатларининг секинлашиши билан тавсифланади, бу ўзаро савдо қарама-қаршиликлари (АҚШ ва Хитой ўртасидаги “савдо уруши”, АҚШ, Европа Иттифоқи томонидан бир қанча давлатларга нисбатан секторли иқтисодий санкциялар) ва 2020 йилдан бошлаб - янги SARS CoV-2 коронавирус инфекциясининг пандемияси, энергия нархлари ва Россия - Украина ўртасидаги инқироз экспорт ҳажмининг қисман қисқаришига ҳамда валюта оқимининг камайишига таъсир кўрсатди¹.



1-расм. Аҳоли жон бошига харид қобилияти паритети бўйича Ўзбекистонда ЯИМ², минг АҚШ долларарида.

1 – жадвал маълумотларига кўра харид қобилияти паритети бўйича ЯИМ ҳажми фақат 1992 йил ва 1994 йил бўлган даврда пасайган. Бунга сабаб сифатида мустақилликнинг илк йилларида миллий иқтисодиётимизда чуқур таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ қайта қуриш жараёнлари амалга ошрилганлигини келтиришимиз мумкин. Кейинги йилларда барқарор ўсиш кузатилган. Умуман олганда, иқтисодиётда ўсиш частотаси 65 % ни, базис йилга нисбатан секинлашув частотаси 27% ни ташкил этган. Иқтисодий ўсишни пасайиш частотаси 6,8 % га тенг. Бу иқтисодий ислохотларнинг “ўзбек” моделининг узоқ муддатли самараси дейишимиз мумкин. Ушбу йилларда мамлакатимизда бозор механизмлари янада мустаҳкамроқ шаклланиб борди.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси

¹ World Bank, International Comparison Program database. Available at: <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.PCAP.PP.CD>

² World Bank, International Comparison Program database. Available at: <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.PCAP.PP.CD>

тўғрисида” ги фармони билан белгиланган мақсадлари барқарор ривожланиш мақсадларининг барча йўналишларини ўзида мужассамлаштирган (1-жадвал).

1-жадвал

Харид қобилияти паритети бўйича Ўзбекистон ЯИМ динамикаси, минг АҚШ доллари ва 1990-2021 йиллардаги ўсиш хусусиятлари³.

Йиллар	ЯИМ, млрд. долларда	Йиллар бўйича мутлоқ фарқ, млрд. долларда	Ўсиш мавжудлиги	Йиллар	ЯИМ, млрд. долларда	Йиллар бўйича мутлоқ фарқ, млрд. долларда	Ўсиш мавжудлиги
1990	54,553	-	-	2009	143,516	11,698	секинлашиш
1991	56,12	1,567	ўсиш	2010	156,219	12,703	ўсиш
1992	50,97	-5,15	пасайиш	2011	171,483	15,264	ўсиш
1993	50,978	0,008	Ўсиш	2012	180,491	9,008	секинлашиш
1994	49,359	-1,619	пасайиш	2013	190,612	10,121	ўсиш
1995	49,941	0,582	ўсиш	2014	199,767	9,155	секинлашиш
1996	51,72	1,779	ўсиш	2015	209,082	9,315	ўсиш
1997	55,382	3,662	ўсиш	2016	216,467	7,385	секинлашиш
1998	58,414	3,032	секинлашиш	2017	221,561	5,094	секинлашиш
1999	61,805	3,391	ўсиш	2018	239,03	17,469	ўсиш
2000	65,61	3,805	секинлашиш	2019	257,189	18,159	ўсиш
2001	69,841	4,231	ўсиш	2020	264,752	7,563	секинлашиш
2002	73,765	3,924	секинлашиш	2021			
2003	78,315	4,55	ўсиш	Ўсиш частотаси			0,655
2004	86,414	8,099	ўсиш	Ўсишнинг секинлашиш частотаси			0,275
2005	95,298	8,884	ўсиш	Пасайиш частотаси			0,068
2006	105,498	10,2	ўсиш				
2007	118,595	13,097	ўсиш				
2008	131,818	13,223	ўсиш				

Миллий лойиҳалар (дастурлар) мақсадларига эришиш мувозанатли, барқарор ва инклюзив (аҳолининг барча қатламлари учун) иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган.

Иқтисодий ўсишни баҳолаш учун бир қатор муқобил кўрсаткичлар ҳам қўлланилади (Эшпулатов, 2022):

- “яшил” ЯИМ (экологик харажатларни ҳисобга олмаганда ЯИМ);

- ҳақиқий тараққиёт кўрсаткичи – даромад ва харажатларнинг тенгсизлигини; узоқ муддатли товарлар ва ижтимоий инфратузилмалар, волонтерлик ва уй ишлари таъсирини ҳисобга олган ҳолда ЯИМга тузатиш киритишдир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан бевосита боғлиқ бўлган мезонлардан бири урбанизация жараёнида қишлоқ хўжалиги ерларини йўқотиш кўрсаткичи бўлиб, гектарига қишлоқ хўжалиги ерларининг қийматини баҳолаш асосида аниқланади;

- тузатиш киритилган соф жамғарма кўрсаткичи;

2-жадвал.

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш асосий кўрсаткичлари, (Фармон, 2022).

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш мақсадлари	2022-2026 йй
1	2
Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмини ошириш, баробарда	1,6
ЯИМ да саноат улушини ошириш, баробарда	1,4
Иқтисодиётда энергия самарадорлигини ошириш, % да	20
Ҳавога чиқариладиган зарарли газларни ҳажмини камайтириш, % да	10
Рақамли иқтисодиёт ҳажмини ошириш, баробарда	2,5
Дастурий маҳсулотлар экспортини ошириш, марта	10

³ World Bank, International Comparison Program database. Available at: <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.PCAP.PP.CD>

Инвестицияларни жалб этиш, млрд, долларда	120
Фонд бозори ҳажмини ошириш, млрд, долларда	6,8
Экспорт ҳажмини млрд долларга етказиш	30
ЯИМ да хусусий сектор улушини % га етказиш	80
Ишсизлик даражасини тушуриш, бароварда	2
Деҳқон ва фермерлар даромадини ошириш, баровар	2
Қишлоқ хўжалигини йиллик ўсишини % га етказиш	5
Чорвачилик озукасини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, марта	1,5-2
Худудий иқтисодиётни ошириш, марта	1,4-1,6
Маҳаллий сайёҳлар сонини ошириш, млн., нафар	12
Банк тизимида хусусий сектор улушини ошириш, % да	42
Мева-сабзавотчилик экспортини салоҳиятини ошириш, млрд., доллар	1

- инсон тараққиёти индекси - турмуш даражаси, саводхонлик, таълим ва узоқ умр кўриш даражасини таҳлил қилиш имконини берувчи интеграл кўрсаткич;


- инклюзив ривожланиш индекси - ялпи ички маҳсулотдан ташқари яна 11 та параметрни, шу жумладан, Жини коэффициентини ҳисобга олади;

- бахт индекси - олти омилни, жумладан, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўлами ва бошқаларни ҳисобга олади. "The World Happiness Report" халқаро ташкилотининг 2021 йилги ҳисоботларига кўра Ўзбекистон МДХ давларида биринчи ўринни ҳамда жаҳонда (6,179 балл) 42 ўринни эгаллаган⁴.

- технологияларни ривожлантириш билан боғлиқ индекслар - илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига (ИТИ) харажатлар (уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши), резидентлар томонидан патентга берилган талабномалар сони.

Иқтисодий ўсишни баҳолаш кўрсаткичларининг кенгайиши нафақат трансчегаравий рақамли фаолиятнинг ривожланиши натижасида иқтисодиёт таркибидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш зарурати билан, балки иқтисодий ўсишнинг миқдорий кўрсаткичларидан атроф-муҳитни, ижтимоий таъсирни, технологик жараёнларни баҳолаш каби унинг сифат компонентларини баҳолашга босқичма-босқич ўтиш билан ҳам изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси 2-11 чизмаларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг аксарияти ижобий тавсифга эгаллигини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, 2000 йилга нисбатан ЯИМ ҳажми 5 марта ўсган (2-расм).




2 – расм. 2000 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажми⁵

⁴ World Happiness Report 2021. Available at: <https://worldhappiness.report/ed/2021/>

⁵ Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.


Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ 2021 йилда 1983 АҚШ долларини ташкил этди (базис йилига нисбатан ўсиш 3,5 баравардан кўпроқни ташкил этади), ammo 2017-2020 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот ҳажмининг пасайиши кузатилган.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасининг пастлиги, соҳада қўлланилаётган илм-фан ва техника ютуқларининг озлигига қарамасдан, мамлакат агросаноат мажмуи бир мунча юқори суръатларда ривожланди. Таҳлил қилинаётган даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (қиймат кўринишида) 218,1 баробар ошди (3-расм).



3-расм. 2000 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалиги маҳсулоти⁶, млрд. сўм.

Демографик кўрсаткичлар 2000 – 2021 аҳоли сонининг барқарор ўсиб бориши (4-расм) ва аҳоли сонининг хориждан кўчиб келган кишилар сони 34,6% га қисқариши билан тавсифланади (6-расм). Бошқа томондан, аҳолининг табиий ўсиш кўрсаткичи 28 % га ошган.




4-расм. 2000 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон аҳолиси⁷, миң киши


4-расмда келтирилган маълумотлардан республикаимиз аҳоли сони барқарор ўсиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Яъни, аҳоли сони 2021 – йилда 2000 – йилга нисбатан 1,44 баробар ошган (6-расм).

⁶ Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

⁷ Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.



5-расм - 2010 йилдан 2021 йилгача Ўзбекистонда иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари⁸, млрд сўмда.




6-расм. 2000 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий ва ижтимоий тузилиши кўрсаткичлари⁹.


Asosiy vositalarni ishga tuшириш 13,03 barovar (5 - rasм) tez surъatларда амалга оширилмоқда. Chakana tovar айирбошлаш ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш базис (2010 йил)га нисбатан сезиларли даражада ўсди. Tашқи savdo айланмаси импортни ўсиш surъatларини 2,7 barovar oшгани ҳисобига 1,8 baravarга ўсди (7-расм).

⁸ Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

⁹ Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.




7-расм - 2000 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон аҳолисининг асосий тоифалари жон бошига ўртача даромад кўрсаткичлари¹⁰.



8-расм - 2007 йилдан 2020 йилгача Ўзбекистонда хўжалик фаолияти кўрсаткичлари¹¹.

Тадқиқ этилган даврда транспортнинг юк айланмаси 15% камайган. Йўловчи айланмаси 13 % га ўсган. Сезиларли ўсиш уй – жой қурилишида кузатилиб 45 % ни ташкил этган (7-расм).



9-расм. 2018 йилдан 2021 йилгача Ўзбекистонда молиявий фаолият кўрсаткичлари¹².

Асосий капиталга инвестициялар 1,97 баровар ёки 97 % га ўсган (9-расм). Бюджет харажатлари даромадларига нисбатан юқорироқ суръатларда ўсиб борган. Шу


¹⁰ Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

¹¹ Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

¹² Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.


билан бирга бюджет дефицити 2018 – йил -637,1 млрд сўмдан, 2021 йилга келиб - 23953,6 млрд сўмга ошган. Молиявий ҳисоб салбий салдоси мунтазам ошиб бориб 4,4 бароварга тенг бўлган.

Инфляция (9-расм) кўрсаткичлари барқарор суръатларда сақланган ва ташқи иқтисодий фаолият (10-расм) кўрсаткичлари ижобий тенденцияга эга.



10-расм. 2000 йилдан 2018 йилгача Ўзбекистонда инфляция кўрсаткичлари¹³.

Меҳнат бозори ҳолати банд бўлганлар сонининг 18 фоизга, пенсионерлар сонининг 24 фоизга ўсиши, ишсизлар сонининг деярли 41 баровар ортиши билан тавсифланади. Шу билан бирга, мамлакатда ишсизлар сони 1,5 миллион кишига яқинлашмоқда (5 - расм). Аҳолининг турмуш даражаси аҳоли сонининг ўсиш суръатларига боғлиқ, чунки аҳоли сонининг ўсиши аҳоли жон бошига ЯИМ миқдорини камайтиради. Реал иқтисодий ўсиш ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичлари аҳолининг ўсиш суръатларига нисбатан юқори бўлганда намоён бўлади.




11-расм. 2000 йилдан 2021 йилгача Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичлари¹⁴, млн АҚШ долларарида.

Тадқиқоти жараёнида биз дунёнинг бир қатор мамлакатларида аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот динамикасини (истикболда) ўрганиб чиқдик. Мамлакатларни гуруҳлаш ва таҳлил қилиш бўйича амалга оширилган бўлиб, 1870-1990 йиллар (Япония, Канада, Германия, АҚШ, Буюк Британия) ва 1900-1987 йиллар (Бразилия, Хитой, Мексика, Аргентина, Индонезия, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш), яъни 120 ва 87 йиллар учун тузилган.


Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг реал ва энг юқори ўртача йиллик ўсиш суръати Японияда кузатилган (12-расм ва 13-расм). Бу мамлакатда кўриб чиқиладиган давр бошида аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 842 АҚШ долларини (1985 й. долларда), давр охирига келиб эса 16144 АҚШ долларини ташкил этди. Ўртача йиллик ўсиш суръати 3% ни ташкил этган.

¹³ Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

¹⁴ Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.




13-расм. Япония, Канада, Германия, АҚШ, Буюк Британиянинг аҳоли жон бошига реал ялпи ички маҳсулоти 1870-йилда, АҚШ долларарида. (Borro and Sala-i-Martin 1995)




13-расм. Япония, Канада, Германия, АҚШ, Буюк Британия учун аҳоли жон бошига реал ЯИМ 1990 йилда, АҚШ долларарида. (Borro and Sala-i-Martin 1995)

Бразилия, Канада, Германия (ўсиш суръати бўйича) юқори кўрсаткичларга эга бўлган. Бу мамлакатларда аҳоли жон бошига реал ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 2 фоиздан ошган. Бразилия - 2,39%; Канада - 2,15%; Германия - 2,07%.



14-расм. 1900-йилда Бразилия, Хитой, Мексика, Аргентина, Индонезия, Покистон, Ҳиндистон, Бангладешда аҳоли жон бошига реал ЯИМ, АҚШ долларарида. (Borro and Sala-i-Martin 1995)




15-расм. Бангладеш, Ҳиндистон, Покистон, Индонезия, Аргентина, Мексика, Хитой, Бразилияда реал ЯИМ аҳоли жон бошига, 1987 – йил, АҚШ долларарида. (Borro and Sala-i-Martin 1995)

12-15-расмларда келтирилган маълумотлар турли мамлакатларда аҳоли даромадларининг ўзгариши тўғрисида маълумот беради, бу эса мамлакатларнинг иқтисодий нотекис ривожланишини тасдиқлайди. Шундай қилиб, агар Японияда ўртача йиллик ўсиш суръати (1890-1990) 3% бўлса, Ҳиндистон, Багладеш ва Покистонда - 1% дан кам (1900-1987 йиллар). Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, аҳоли жон

бошига реал ЯИМ бўйича энг юқори натижа - кўриб чиқиладиган давр охирида АҚШда эришилган бўлиб, у 18 258 АҚШ долларини ташкил этган.

Маҳаллий ва хорижий нашрларни кўриб чиқиш бизга ўсиш сифатини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва мақсадларини акс эттирувчи; озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг сифат ўзгариши; иқтисодий ўсишнинг интенсив тури, ишлаб чиқариш тузилмаси ва динамикаси жамият эҳтиёжларига мос келиш даражаси; ўсишнинг ижтимоий йўналтирилганлиги категорияси сифатида аниқлаш имконини беради (16-расм).



16-расм. Иқтисодий ўсиш сифатини аниқлашга асосий ёндашувлар¹⁵.

Иқтисодий ўсиш сифатининг таркибий қисмлари ўзаро боғлиқ ва аълоқадордир. Умуман олганда, иқтисодий ўсиш сифатини интеграл кўрсаткич билан, иқтисодий ўсиш сифатининг ўзгариши эса - базавий ёки стандартдан оғиш сифатида баҳолашни мумкин (4-жадвал). Иқтисодий ўсиш суръатлари ва унинг сифати ўртасида тескари аълоқа юзага келади: ўсишнинг юқори суръатларида - ўсиш сифатининг ёмонлашиши; паст (салбий) ўсиш суръатларида - маҳсулот сифати туфайли истеъмолчиларнинг қониқиш даражасини ошиши; барқарор жамиятда - юқори бўлмаган (йилига 2-3%) ва сифатли иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари; чуқур пасайиш - максимал иқтисодий ўсиш сифати; оптимал ўсиш суръатлари - макроиқтисодий мувозанат.

80-йилларнинг ўрталарида Краюхин (1987) томонидан таъкидланганидек, қайта қуриш стратегияси маълум анъанавий омиллар ҳисобига иқтисодий ўсиш сифатига эришишни назарда тутган бўлиб, унинг фикрича, уларни дунёнинг аксарият мамлакатлари учун умумий деб ҳисоблаш мумкин. Улардан: ишлаб чиқариш ва бошқарув аппаратини тузилмасини такомиллаштириш ва сифат жиҳатидан янгилаш, барча турдаги ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, яқуний натижаларга эътибор қаратиш ва бошқалар. "Янги иқтисодий ўсишга эришиш учун иқтисодий ривожланишнинг аниқ объектив даражаси, асосан интенсив ўсиш учун реал шароитлар керак".

4-жадвал.

Иқтисодий ўсиш сифатини баҳолаш кўрсаткичлари¹⁶.

Иқтисодий ўсишнинг таркибий элементлари	Кўрсаткичлар
Ишлаб чиқариш омилларининг сифати	Самарадорлик кўрсаткичлари: техник (натурал бирликларда ҳосилдорлик) ва техник-иқтисодий (меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, капитал қайтими, моддий материаллар қайтими, энергия қайтими, ер қайтими, бирламчи ресурслар маҳсулдорлиги).
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг сифати	Маҳсулотларнинг техник хусусиятлари ва истеъмол хусусиятлари, уларнинг рақобатбардошлиги.

¹⁵ Муаллифлар ишланмаси.

¹⁶ Муаллифлар томонидан тузилган.

Иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар	Ялпи ички маҳсулот (ЯХМ) таркибида тармоқнинг улуши, тармоқлар ўртасидаги нисбат, иқтисодиёт таркибида юқори технологияли тармоқларнинг улуши, уларнинг якуний маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши, илмий-тадқиқот ишларига сарфланган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуши, қўлланилаётган илғор технологиялар сони, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар улуши.
Ўсишнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ва натижавийлиги	Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот динамикаси, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ўсиши, аҳолининг даромадлари бўйича табақаланиши (децил коэффициентлари, Жини индекси), шахсий истеъмол ва даромаднинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, атроф-муҳит сифати, озиқ-овқат хавфсизлиги, ишлаб чиқаришнинг экологик тозаллиги, аҳолининг саводхонлик, таълим олиш ва соғломлик даражаси кўрсаткичлари, уй-жой билан таъминланганлиги, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни (автомобиллар, компьютерлар, маиший техника ва бошқалар) харид қилиш ҳажми ва бошқалар.

Ресурслардан (табиий, меҳнат, капитал) оқилона фойдаланиш иқтисодий ўсиш сифатини таъминлашнинг моддий асосини ташкил этади. Ресурслардан самарали фойдаланиш, фан ва амалиётнинг замонавий ютуқлари, принципаал янги технология ва инновацияга йўналтирилган технологияларни яратишда ижобий силжишлар, турли маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқаришда янги материаллардан фойдаланиш, тармоқ ва минтақавий нисбатларда муаммоларни ҳал этиш асосида мумкин. Шу боис қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш сифатини таъминлаш: хўжалик юритишнинг замонавий усуллари, илмий-техник ва илмий-технологик ютуқларини жорий этиш, робототехника, компьютер ва ресурсларни тежовчи технологияларни қўллаш, жараёнларни рақамлаштириш; юқори қўшимча қийматга эга юқори технологияли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш; озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги хом ашёси сифатини ошириш; буларнинг барчасига эришилганда экологик тоза муҳитни сақлаш ҳисобига амалга оширилиши зарур.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ўсиш суръатларини сифат компоненти улушини ошириш устувор мақсад қилиб қўйилган замонавий йўналиш - аҳолининг турмуш тарзи сифати ва даражасини ошириш ижтимоий - иқтисодий самарасига эришиш имконини беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий ўсиш сифати кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инновацион ривожланиши билан белгиланишини таъкидлашни зарур деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам биз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш сифатини қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришда ва аҳолининг ҳаётдан қониқишида ижтимоий натижавийликка олиб келувчи, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажмининг кўпайишида, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги хомашёсининг сифати ва рақобатбардошлиги ошиши, ишлаб чиқариш омилларидан самарали ва экологик мувозанатли фойдаланган ҳолда инновацион асосда тармоқ иқтисодий тизимидаги прогрессив ўзгаришлар сифатида қараймиз.

Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатадики, мавжуд иқтисодий ўсиш назариялари турли даражада мамлакатлар ўртасидаги аҳоли жон бошига даромад ва меҳнат унумдорлигидаги фарқларни, иқтисодий ўсишнинг тезлашуви ёки турғунлиги сабабларини ва ўсиш барқарорлиги даражасини асослаб беради.

Иқтисодий ўсишнинг турли назариялари ва моделларини таҳлил қилиб (ёндашувларнинг хилма-хиллиги ва кўплигини ҳисобга олган ҳолда) юқоридаги муаммоларни ўрганишни қуйидаги тарзда гуруҳлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Биринчи гуруҳга омилли таҳлил доирасида олиб борилган тадқиқотларни киритамиз. Сценарийли ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни прогноз қилиш йўналиши бўйича олиб борилган тадқиқотларни иккинчи гуруҳга, учинчи гуруҳни - иқтисодий ўсишни оптималлаштириш жараёнларини ўрганишга қаратилган тадқиқот маълумотлари ва хулосаларидан шакллантирамиз.

Иқтисодий ўсишни ўрганишнинг иккинчи гуруҳи (сценарийли ёндашувлар ва прогнозлаш билан боғлиқ) агросаноат комплексининг давлат органлари, вазирлик ва идоралар, академик муассасалар ва университетларнинг илмий мактаблари, шунингдек, алоҳида давлат органлари томонидан ишлаб чиқиладиган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кўплаб стратегиялари ва сценарийларини ўз ичига олади. Шундай қилиб, тадқиқотнинг иккинчи гуруҳи (мисол сифатида) Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030-йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида эришиладиган асосий кўрсаткичлар ва индикаторларни ўз ичига олади, бу қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсишни устувор сценарийсини таклиф қилади”, жумладан, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш; қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш; соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибдорликни ошириш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш; давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш; тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш; қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш; қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш; тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030-йилларга мўлжалланган стратегияси қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи афзалликлари асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш сифати ва даражасини барқарор яхшилашни таъминлаш учун шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Стратегияни амалга ошириш механизмлари Ўзбекистоннинг давлат дастурлари ва ҳудудлар таъсис субъектларининг давлат дастурлари ҳисобланади (5 – жадвал).

5 – жадвал.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030-йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида еришиладиган асосий кўрсаткичлар ва индикаторлар.

T/r	Кўрсаткичлар номи	Асос (2018-й.)	2021-йилга мақсад	2025- йилга мақсад	2030-йилга мақсад
1.	Қишлоқ хўжалигида қўшилган қийматнинг йиллик ўсиши	117,3 трлн сўм (14 млрд АҚШ дол..)	3%	5%	5%
2.	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғида иш ўринлари сонининг ўсиши: Қишлоқ хўжалиги Озиқ-овқат саноати Тўқимачилик саноати	3 671 300 91 420 140 200	2% 3% 3%	1% 4% 4%	1% 5% 5%
3.	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти ҳажмининг ошиши	2,3 млрд АҚШ дол..	3,5 млрд АҚШ дол..	10 млрд АҚШ дол..	20 млрд АҚШ дол..
4.	Аҳоли ўртасида тўйиб овқатланмайдиганлар улуши	6,3%	5%	3%	0
5.	Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш (бир нафар ишчига бир йилда долларда)	3 960 АҚШ дол.	4 300 АҚШ дол.	5 200 АҚШ дол..	6 500 АҚШ дол..
6.	Қишлоқ хўжалигидаги иссиқхона газ чиқиндиларини камайтириш	15 740 гигаграмм (2016-йил)	10%	30%	50%

5. Хулоса ва таклифлар.

Турли даражадаги стратегик ҳужжатлар ва дастурлар, концепция ва стратегиялар, йўл хариталари, ҳудудий режалаштириш схемалари ва бошқа манбаларни таҳлил қилиш ансосида шунга гувоҳ бўлдики, бундай кўп, турли хил йўналиш ва концептуал стратегик ёндашувлар амалдаги давлат бошқаруви тизимини, шу жумладан, АСМ ни бошқаришни деярли имконсиз қилиб қўяди. Стратегик ҳужжатларнинг аксарияти тарқоқ, идоралараро ягона мувофиқлаштириш йўқ, белгиланган вазифалар ва устувор йўналишларда бир-бирини такрорлайди, айрим ҳолларда улар ўртасида қарама-қаршилиқлар мавжуд. Стратегик вазифаларни амалга ошириш бюджетга асосланган бўлиб, бундай турдаги кўплаб ҳужжатларни амалга ошириш қийин ва самарасиз.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида қишлоқ хўжалигини ривожлан-тиришга катта ижобий таъсир кўрсатувчи омиллари сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин бўлади:

Нарх орқали рағбатлантириш. Жаҳоннинг илғор тажрибаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари нарх рағбатларига таъсирчан эканлигини кўрсатади. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари "тўғри" нархларни белгилаш қишлоқ хўжалиги ўсишини таъминловчи муҳим омиллардан бири саналади.

Қўшилган қиймат яратишнинг интеграл занжирларини ташкил этиш. Озиқ-овқат бозорлари тобора супермаркетлар каби ривожланган интеграл қиймат занжирларига айлантирилмоқда. Улар фермерлар, маҳсулотни қайта ишловчилар, чакана савдо билан шуғулланувчилар ва истеъмолчиларни ўзаро бирлаштиргани ҳолда, қимматли маълумотларни алмашиш, зарур бўлганда маблағ билан таъминлаш, санитария ва фитосанитария стандартларини аниқлаштириш ва уларга риоя этилишни таъминлаш, хавф-хатарларни тақсимлашни рағбатлантириш ва тадқиқот ва инновацияларни молиялаштириш имконини беради. Молиявий хизматлар, телекоммуникация, транспорт ва энергетика каби қўллаб-қувватловчи тармоқлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам ўз навбатида енгил кўчади. Кўлам самарасига ва истеъмолчига етказиб берилаётган маҳсулотлар сифатининг сезиларли даражада ошишига эришилади. Бошқа бир томондан, супермаркетлар анъанавий чакана дўконларнинг йўқолишига ва кўплаб иш ўринларининг йўқолишига олиб келсада, жараён иштирокчилари нархлар-нинг пасайишидан бирдек манфаатдор бўладилар.

Тўғри технологияларни танлаш. Ер ресурсларининг чекланганлиги туфайли қишлоқ хўжалигининг истиқболда тараққий этиши мазкур ресурс-лардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Бу борада технология катта рол ўйнайди. Меҳнат тежовчи, ер ва сув тежовчи, хатарларни камайтирувчи, маҳсулот сифатини оширишга имкон берувчи ва экологик соф технологиялар фарқланади. Молиявий ресурслар чекланган шароитда технологияларни танлашда устуворлик ишлаб чиқариш ресурсларининг нисбий нархларига боғлиқ саналади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболлари, пандемия юзага келтирган хавф-хатарлар ва жаҳон тажриба-сини ўрганиш асосида уни ривожлантиришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- майда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи йирик ишлаб чиқариш корхоналари, савдо-воситачи ташкилотлар ўртасида "бир қишлоқ-бир маҳсулот", ёки "бир маҳалла-бир маҳсулот" каби тизимлар асосида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, бозорбоп ва экспортбоп маҳсулот-ларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида ҳудудий ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян бир турини ишлаб чиқаришга ихтисослашувнинг афзалликлари ва хатарларини ҳисобга олиш, самарали ихтисослашув йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш бўйича таклиф-лар киритиш.

- "бир қишлоқ-бир маҳсулот" тамойили асосида мева-сабзавот ва бошқа харидорғир ва экспортбоп юқори қўшимча қийматга эга экин турларини етиштириш, уларни йирик корхоналар билан биргаликда қайта ишлаш технологияси бўйича бепул қўлланмалар, рисоалар ва бошқа амалий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва тарқатиш, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилишга устувор вазифа сифатида қараш.

- юридик шахс ташкил этмасдан деҳқон ва хусусий уй хўжаликлари учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставка-сидан юқори бўлмаган фоиз ставкасида тижорат банклари томонидан мева-сабзавот ва бошқа

ликвид ва экспортга йўналтирилган экин турларини етиштириш ва кенгайтириш ҳамда уларни қайта ишлаш бўйича микрокредит-лар ажратишни тавсия этиш.

- шунингдек, мева-сабзавот ва бошқа харидоргир ва экспортбоп экин турларини етиштириш ва уларни қайта ишлашни кўпайтириш ҳамда кенгайтириш учун деҳқон хўжаликлари ва ишсиз фуқароларга қўшимча ер участка-лари ажратиш ва уларни имтиёзли шартлар асосида зарурий восита ва маблағлар билан таъминланишини йўлга қўйиш.

- йирик ташқи савдо воситачилари ва қайта ишлаш корхоналарининг сифатли мева-сабзавот ва шу каби бозорбоп, экспортга йўналтирилган экин-лар турларини етиштириш, уларни сақлаш, қадоқлаш ва дастлабки қайта ишлаш борасида майда ишлаб чиқарувчиларга ҳар томонлама ёрдам кўрса-тишларига замин яратиш, ишлаб чиқарувчиларни ўз етиштирган маҳсулот-ларининг ҳар қандай вазиятда ҳам сотилишига ишонтириш ва бу борада фьючерс шартномалари асосида фаолиятни йўлга қўйиш.

- фаолияти янгидан йўлга қўйилган техникум ва касб-ҳунар мактаб-ларида замонавий қишлоқ хўжалиги асослари бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш.

- соҳада илмий-тадқиқот ишларини янада жонлантириш, бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларининг амалиётга йўналтирилганлигига алоҳида эътибор қаратиш, ОТМ билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўрта-сида ҳамкорликни амалда ривожлантириш, ўзгарувчан бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳа учун мутахассис ва кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кластерли ривожлантиришнинг ижобий ва салбий жиҳатларини эътиборга олиш, бунда ташаббускор давлат эмас, балки турли мулк шаклида фаолият кўрсатувчи соҳа корхоналари бўли-шига алоҳида эътибор қаратиш.

- қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири - юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдир. Юқори сифатли ва хавфсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулот-ларини ишлаб чиқариш учун Озиқ-овқат хавфсизлигининг халқаро стандартлари *Hazard Analysis and Critical Control Points* (НАССР) га жавоб бера оладиган тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Babaev, B.D. (2015) Economic growth: an extended interpretation. the quality of economic growth [Economic growth: extended interpretation. quality of economic growth] / B.D. Babaev, S.P. Dubrovsky // Geconomy of education. -#1. 33-38 p.

Bocharova, M.D. (2017) Economic growth: problems and solutions in the system of small business [Text] / M.D. Bocharova, T.I. Buhtizharova // Problems of social and economic development of new economic conditions: the view of a young researcher. Collection of articles of the participants of the International Scientific and Practical Conference of the IV of the Ural Vernisazh of Science and Business. Under obshzhezh ed. E.P. Velikhov. - Chelzhabinsk: Zhencyclopedia. 109-114 p.

Dzarasov, R.S. (2002) The theory of qualitative heterogeneity of resources and alternative economics [Text] / R.S. Dzarasov // Problems of forecasting. No. 5. 31-47 p.

Eshpulatov D.B. (2022) Rossiya Federatsiyasi va Ukraina o'rtasidagi inqiroz va uning O'zbekiston iqtisodiyotiga ta'siri. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. 2 No 00058. 246 -250 b. DOI: Article DOI: 10.55439/EIT/vol10_iss2/a27

Kuznesova N.P. (2001) Economic growth: history and modernity' [Economic growth: history and modernity] / N.P. Kuznesov. - St. Petersburg: Publishing House "Sentshabr", 144 p.

Krayukhin G.A. (1987) Acceleration of scientific and technical progress - the basis of intensification: textbook, ed. G.A. Krazhukhina [Text] - M.: Zheconomics, 221 p.

Robert J. Borro and Xavier Sala-i-Martin (1995) Economic Growth. New York: McGraw-Hill,

Senkov, V.I. (2010) The quality of economic growth of regions: theoretical aspects, assessment criteria and methodology of analysis [Quality of economic growth of regions: theoretical aspects, evaluation criteria and methodology of analysis] / V.I. Senkov, N.V. Senkova // Regional economy of economics: theory and practice. No. 32. 12-18 p.

Tenyakov, I.M. (2015) Modern economic growth: sources, factors, quality: monograph [Modern economic growth: sources, factors, quality] / I.M. Tenzhakov. - M.: Prospect: 176 p.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги. / Decree (2022) of the President of the Republic of Uzbekistan dated 28.01.2022 No. DP-60 "On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022 - 2026".



СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КОНКУРЕНТНЫХ КАДРОВ В РАЗВИТИИ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Абдукадилова К.А.

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация: В статье рассматривается, что наука станет конкурентоспособной в мировом масштабе. Республика Узбекистан займёт достойные места по научным исследованиям, интеллектуальному потенциалу, современным кадрам и высоким технологии. Открытие новых научно-исследовательских учреждений на территории Республики Узбекистан. Сравнительный анализ численности экономически активного населения в регионах. Усиление интереса в области научной сознательности молодого поколения.

Ключевые слова: конкурентоспособность, инновация, просвещённость, научно-исследовательские учреждения, деятели науки, эффективные системы

IMPROVING THE TRAINING OF COMPETITIVE PERSONNEL IN THE DEVELOPMENT OF THE THIRD RENAISSANCE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abdukadirova K.A

Tashkent State University of Economics

Abstract: The article considers that science will become competitive on a global scale. The Republic of Uzbekistan will take worthy places in scientific research, intellectual potential, modern personnel and high technology. Opening of new research institutions on the territory of the Republic of Uzbekistan. Comparative analysis of the number of economically active population in the regions. Increasing interest in the field of scientific consciousness of the younger generation.

Key words: competitiveness, innovation, enlightenment, research institutions, scientists, effective systems

1. Введение.

В Республике Узбекистан огромное внимание уделяется совершенствованию учебно-воспитательной сферы, необыкновенно многосторонней поддержке представителей науки и просвещения. Почитается умственное достояние, что конкретно связано с историей, нравом, складом ума, вековыми ценностями и мечтами нашего народа. И тут важна жёсткая убежденность можно сказать актуальный принцип Президента - Величайшее достояние во всём мире - это познания и профессия, приобретённые в юности. Положительное отношение к воспитанию человека в нашей огромной стране имеет давнишнюю традицию. В больших и малых городах с IX –X веков функционировали бесчисленные средние учебные заведения и медресе. Мы унаследовали около 100 тысяч рукописей и литографий от великих предков, которые обучались в этих медресе. Сотки рукописей возвращены в республику за последние два-три года по инициативе Президента. В раннем периоде Средневековья великие научные идеи и открытия наших величавых протцов по части истории, географии, философии, культуры и искусства, архитектуры, муниципального и публичного строительства, правоведения, а также определенных наук, в том числе математика, астрономия, физика, химия, геодезия, минералогия, фармакология, врачебная наука, содействовали коренным изменениям в развитии мировой науки и цивилизации.

2. Обзор литературы.

Кязимов (2020) в своей работе по управлению человеческими ресурсами автор рассматривает современные требования к подготовке квалифицированных кадров, государственную политику и законодательные акты в области подготовки кадров, цели, задачи, принципы, виды, формы, методы и технологии профессионального обучения персонала.

Щипулина (2018) в статье рассматривает теоретические аспекты к подготовке и повышению квалификации кадров в условиях перехода к экономике. Это обусловлено необходимостью овладения персоналом новейшими технологиями и информационными разработками в эпоху активной цифровизации экономических процессов.

Горленко (2020) обращал внимание на теоретические и практические проблемы в управлении человеческими ресурсами организации. Насколько важно основные методы и технологии используемые в кадровом менеджменте с целью повышения эффективности управления персоналом. Его литературные источники соответствует актуальным требованиям государственного образовательного стандарта среднего профессионального образования и также профессиональным требованиям.

Литвинюк (2020) разбирал вопросы связанные с воздействием на поведение персонала на рабочих местах, формировал эффективные системы мотивации труда, устранял проблемы возникающие при оценке профессионального мастерства, давал выбор форм власти и влияния и давал основополагающие решение в устранении неполадок.

Вострикова (2020) разработал современную концепцию из шести видов капитала, которая предусматривает, что организация для ведения своей деятельности используется финансовый, производственный, природный, интеллектуальный, социально-репутационный и человеческий капитал. В основном, человеческий капитал можно охарактеризовать компетенции работников данной организации, а также основной его мотив работать с учётом целей. Внутренний и внешний аудит персонала предполагает оценку использования последнего вида капитала. Содержание такого аудита определяется на основе профессионального суждения аудитора. В результате её исследовании представлены методические рекомендации по проведению аудита квалификации работников организации как одного из основных направлений аудита персонала, которые включают выбор критериев оценивания, периодичность проведения и порядок документального оформления планирования аудита и его результатов.

Вашко (2018) представлял уникальные идеи интеграции концепции жизненного цикла предприятия и модели зрелости системы принятия стратегических решений. Рассмотрение таких вопросов со способами решений в таком ракурсе делает очевидной и зависимость конкурентоспособности предприятия от зрелости его системы.

Бец (2019) учитывал требования как и работников так и работоспособных студентов в эффективной профессиональной деятельности. Дополнительно, учитывая условия быстро развивающегося мира, в особенности в сфере технологий, вызывающих в том числе экономические изменения, критически важным становится понимание данных процессов, прогнозирование их влияния на требования работодателей к будущим квалифицированными специалистами.

Ягафарова (2018) писал в своей статье о конкурентных преимуществах фирмы и выделил две плоскости существования конкурентного преимущества фирмы: превосходство над конкурентом и преимущество для потребителя. Вдобавок, она предложила новый подход к временной динамике конкурентного преимущества, основанный на соотношении жизненного цикла конкурентного преимущества и сформировавшегося алгоритма действий фирмы по управлению им. Подобный подход позволяет избежать расхождения между традиционными фазами жизненного цикла и мерами по управлению конкурентным преимуществом, рекомендуемыми фирме в современной литературе.

3. Методология.

В процессе исследования использовались методы логического наблюдения, критического изучения литературы, анализа и синтеза, индукции и дедукции, сравнения, классификации по определенным признакам, экономического анализа.

4. Анализ и результаты.

По оценкам экономистов, сейчас 16 процентов всего мирового богатства приходится на производство, а 20 процентов на естественные ресурсы. Другие обретенные 64 процента богатства, которым владеет народонаселение планеты, непосредственно связаны с человеческим потенциалом, познаниями и опытом людей. В этом смысле для нашей страны, которая идёт в пути передового развития и получает высочайшие оценки во всех сферах необходимы интеллигентные и бывалые зрелые практически во всех отношениях кадры. В последние годы принят ряд Указов и постановлений, творящих чтобы достичь желаемого результата прочную основу. Обновляется система дошкольного, общего и высшего образования. Вдобавок, принято практическое предложения по созданию Интернационального исламского центра юных учёных который позволит обмениваться познаниями и опытом проводить общие исследования организации международной олимпиады посреди молодых математиков, посвящённой памяти Аль-Хорезми в Узбекистане, учреждению специальной заслуги Организации исламского сотрудничества по благородному награждению за научные заслуги мусульманского мира и продвижению их на международном уровне. В большой стране созданы международные исследовательские центры Имама Бухари, Имама Термезе и Имама Матуриди, Центр исламской цивилизации и Интернациональная Исламская Академия Узбекистана. В регионах открыты средние учебные заведения, в некоторых областях изучают Коран, акиды, суфизм, фикх хадисы. В последние годы наша страна движется по пути инновационного развития, направленного на коренное обновление абсолютно всех сфер публичной и государственной жизни. В 2017 году создано Министерство инновационного развития. Также был принят Закон "О науке и научной деятельности" от 29 октября 2019 года. В состав Академии наук возвращены девять научно-исследовательских институтов и реорганизован ряд научных учреждений. Создаётся Институт государства и права Академии наук. Созданы три отделения Академии наук и Навоийское отделение АН. В ряд новых академиков вошли видные ученые страны в области физики, математики химии биологии, технологий, сельского хозяйства, истории, экономики, филологии юридических наук педагогики медицинских наук и искусствоведения¹. В результате количество академиков в стране за предыдущий год сократилось более чем в два раза и остались только 63 действительных члена АН. Ещё ведётся масштабная работа по инновационному развитию республики с целью до 2030 года вошла в топ-50 стран в Глобальном инновационном индексе. По словам нашего Президента, Узбекистан должен стать конкурентоспособным на мировой арене в области науки, интеллектуального потенциала, современных кадров, высоких технологий.

В результате за последние годы создано 43 новых высших учебных заведений и общее количество 121. Подача документов выросло на 40 процентов, чем в прошлом году. Внедрение программы "Современная школа". С текущего учебного года в общеобразовательных школах будет преподаваться предмет "Воспитание". За последние четыре года открылись творческие школы: в Намангане-имени Исохона Ибрата, в Джизаке-Хаида Алимджана и Зульфийи, в Карши-Абдуллы Арипова, в Маргилане - Эркина Вахидова, в Нукусе- Ибройима Юсупова, в Андижане-Мухаммада Юсуфа, в Гулистане-Халимы Худойбердиевой, в Ташкенте-Абдуллы Кадыри. В республике 2020-й объявлен Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики. Учитывая потенциал ранее сформировавшихся научных школ в стране, в этом году выбрано развитие математики, химии, биологии, геологии исходя из направлений национальных интересов и развития на современном этапе. Это неспроста: потенциал Узбекистана в области математики признан на мировом уровне. Кроме того, сформировались и эффективно работают наши престижные школы функционального анализа и дифференциальных уравнений, теории вероятностей и алгебры.

¹ https://gubkin.uz/uploads/sveden/Zakoni_i_Postanovleniya/koncepciya_razvitiya_2030.pdf




Рисунок 1. Численность экономически активного населения²

Семеро узбекистанских учёных-математиков являются членами Всемирной Академии наук. Совместные научные проекты реализуются в сотрудничестве с ведущими научными центрами зарубежной науки, в частности, в таких крупных городах, как Бонн, Кембридж, Париж, Сеул. Так, на территории Студенческого городка в столице на основе современных требований строится новое здание Института математики имени В.И. Романовского Академии наук. Молодежь, которая будет учиться в самых современных учебных заведениях, по выражению Президента страны, является «золотым фондом» Узбекистана. Это говорит о том, что у нас есть все для формирования новых Хорезми, Ибн Сино, Улугбека, а, следовательно, и заложен фундамент новой эпохи Ренессанса в Узбекистане.

5. Заключение.

Самым главным недостатком в вопросе кадров является отсутствие большинства компаний политики развития человеческих ресурсов. Для реализации подготовленных инициативных сотрудников следует составить необходимую программу обучения, способных долго и успешно трудиться на пользу любого предприятия и организации. Предприятия, понимая необходимость подготовки кадров, начинают заниматься целевой подготовкой потенциальных работников прямо со школьной скамьи, вводят собственные дисциплины в вузах. Такое сотрудничество выгодно и учебному заведению, престиж которого заметно повышается, поскольку студенты получают реальную возможность трудоустроиться после завершения учёбы и быть трудоспособным и готовым сотрудником.

Мое особое предложение заключается в том чтобы главенствующие высшее звено предприятия должны проводить открытые собрания нацелена на будущую стратегию, анализы и их мнения учитывая каждого. Эти собрания следует не только работа над ошибкой, но и будущие планы на несколько лет. Если это связано с учебным процессом, то следует повышать интерес студентов к различным социальным и конкурентным мероприятиям, рейтинг по семестровым оценкам, думая об их поощрении.

В конце, главной целью государства и общества в Узбекистане остается полноценная реализация талантов и способностей наших детей, их благородных устремлений, повышение их социальной активности, создание необходимых условий

² http://web.stat.uz/open_data/ru/14.6%Economically%20active%20population_rus.pdf

для обретения достойного места в жизни. Поэтому следует уделять науке, так как оно является рискованной конкурентоспособностью за рубежом. Развивая науку можно открыть новые научно-исследовательские учреждения для молодых специалистов и профессиональным работникам, потому что конкурирует по научным исследованиям, интеллектуальному потенциалу, подготовке современных кадров и новых высоких и инновационных технологий.

Литература / Reference:

Бец.Е.А, Дуба.М.А (2019) Компетенции Будущего как основа адекватной оценки экономических изменений. / Betz.E.A, Duba.M.A (2019) Competences of the Future as the basis for an adequate assessment of economic changes.

Вашко Т.А. (2018) Стратегия и конкурентоспособность/ Т.А. Вашко // Стратегия предприятия в контексте повышения его конкурентоспособности. № 7 (7). С.10. / Vashko T.A. (2018) Strategy and competitiveness / Т.А. Vashko // Enterprise strategy in the context of increasing its competitiveness. No. 7 (7). p.10.

Вострикова, Л.А. (2020) Методическое обеспечение аудита квалификации персонала / Л.А. Вострикова // Современная экономика: проблемы и решения. № 1 (121). С. 53–66. / Vostrikova, L.A. (2020) Methodological support for the audit of personnel qualifications / L.A. Vostrikova // Modern Economics: Problems and Solutions. No. 1 (121). pp. 53–66.

Горленко О.А. (2020) Управление персоналом: учебник для среднего профессионального образования / О. А. Горленко, Д. В. Ерохин, Т. П. Можяева. 2–е изд., испр. и доп. – Москва: Издательство Юрайт, 249 с. / Gorlenko O.A. (2020) Personnel management: a textbook for secondary vocational education / О. А. Gorlenko, D. V. Erokhin, T. P. Mozhaeva. 2nd ed., rev. and additional - Moscow: Yurayt Publishing House, 249 p.

Кязимов, К.Г. (2020) Управление персоналом: профессиональное обучение и развитие: учебник для среднего профессионального образования / К. Г. Кязимов. 2–е изд., перераб. и доп. – Москва: Издательство Юрайт, 202 с. / Kazimov, K.G. (2020) Personnel management: professional training and development: a textbook for secondary vocational education / K. G. Kyazimov. 2nd ed., revised. and additional - Moscow: Yurayt Publishing House, 202 p.

Литвинюк, А.А. (2020) Управление персоналом: учебник и практикум для вузов / А. А. Литвинюк [и др.]; под редакцией А. А. Литвинюка. 2–е изд., перераб. и доп. Москва: Издательство Юрайт, 498 с / Litvinyuk, A.A. (2020) Personnel management: textbook and workshop for universities / A. A. Litvinyuk [and others]; edited by A. A. Litvinyuk. 2nd ed., revised. and additional Moscow: Yurayt Publishing House, 498 p.

Щипулина П.И. (2018) Обучение и повышение квалификации персонала в условиях развития цифровой экономики / П.И. Щипулина // В сборнике: Формирование общекультурных и профессиональных компетенций финансиста Москва, С. 115–122. / Shchipulina P.I. (2018) Training and advanced training of personnel in the context of the development of the digital economy / P.I. Shchipulina // In the collection: Formation of general cultural and professional competencies of a financier Moscow, pp. 115–122.

Ягафарова Е.Ф. (2018) Взгляд на конкурентное преимущество фирмы с позиций экономической теории / Е. Ф. Ягафарова // Журнал экономической теории. №4. С. 181–185. / Yagafarova E.F. (2018) A look at the competitive advantage of a firm from the standpoint of economic theory / E. F. Yagafarova // Journal of Economic Theory. No. 4. pp. 181–185.



ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ

Абдуллаева А.Р.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ
қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти

Аннотация. Ушбу илмий мақолада трансчегаравий электрон тижорат, унинг мазмун-моҳияти, атаманинг илмий мазмуни ёритилган. Мавзуни кенгроқ очиб бериш мақсадида жаҳонда трансчегаравий савдонинг динамикаси ўрганилган, жаҳон бозорида трансчегаравий электрон тижорат ривожланишининг ижобий ва муаммоли жиҳатлари асосланган.

Калит сўзлар: экспорт, импорт, трансчегаравий электрон тижорат, онлайн савдо, интернет-дўкон, солиққа тортиш, интернет.

CROSS-BORDER E-COMMERCE IN FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY

Abdullaeva A.R.

Fiscal Institute under the State
Tax Committee of the Republic of Uzbekistan

Annotation. This scientific article describes cross-border e-commerce, its essence, the scientific meaning of the term. The dynamics of cross-border trade in the world has been studied in order to study the topic in more detail. The positive and problematic aspects of the development of cross-border e-commerce in the global market are presented.

Keywords: export, import, cross-border e-commerce, online trade, online store, taxation, internet.

1. Кириш.

Онлайн савдо глобал бизнес соҳаси бўлиб, 2020 йилда ушбу йўналишдаги чакана савдо 2,44 триллион доллардан ошди¹. Электрон савдо ташқи савдодаги нисбатан янги йўналишдир, бироқ кўплаб компаниялар аллақачон унинг афзалликларини қадрлай олишган.

Савдони рақамлаштириш, бир томондан, ҳар бир босқичда (савдо битимларини тайёрлаш, тузиш, қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш) савдо муносабатларига тегишли технологияларни жорий этиш жараёни бўлса, иккинчи томондан, ташқи савдони диверсификация қилишдир. Digital Economy Report (2019) маълумотларига кўра, рақамли савдо бўйича жаҳон етакчилари рўйхатига АҚШ, Япония, Хитой, Германия, Жанубий Корея, Буюк Британия, Франция, Канада, Ҳиндистон ва Италия киради.

Жаҳоннинг интернет ва рақамли савдо ривожланган мамлакатларида ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг аксарияти интернет орқали қулай ва тез сотиш, онлайн харидорлар сонининг тез ўсиши мумкинлиги сабабли ҳам экспортнинг айнан шу усулини танлашади.

Замонавий илмий адабиётларда онлайн ташқи савдо ёки электрон ташқи савдо сингари атамалар қўлланилса-да, ушбу атамаларнинг илмийлаштирилган варианты трансчегаравий онлайн савдо деб юритилади. Бундай деб аталишининг асосий сабаби икки ва ундан ортиқ мамлакатлар ўртасида амалга ошириладиган онлайн савдо ҳам, экспорт ва импорт шартлари ҳамда келишувларига мувофиқ тартибга солинади. Маркетинг нуқтаи назаридан трансчегаравий онлайн савдо сотувнинг бир кўриниши

¹ <https://belretail.by/news/kak-v-godu-rosli-ryinki-e-commerce-v-raznyih-stranah>

сифатида келтирилса, ташқи иқтисодий фаолиятда ташқи савдо операциясининг бир кўриниши бўлиб, онлайн сотилган ва бир мамлакат чегарачидан иккинчи мамлакатга ўтган товар божхона режими орқали расмийлаштирилиши керак бўлади.

Кўриб турганимиздек, ушбу мураккаб жараён ташқи савдо сингари кенг тадқиқотларни ва изоҳларни талаб этиб, "2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни иқтисодий ривожланишнинг асосий "драйвери"га айлантириш ва унинг ҳажмини камида 2,5 баравар ошириш режалаштирилган" бир даврда ташқи савдонинг ушбу йўналишини ривожлантириш ва унинг назарий-илмий асосларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади (Фармон, 2022).

2. Адабиётлар шарҳи.

Трансчегаравий онлайн савдо - бу Интернет тўфайли глобал савдода пайдо бўлган жадал ривожланаётган сектор. Бугунги кунда истеъмолчиларнинг 35 фоизи ўз мамлакатидан ташқарида онлайн харид қилмоқда. 2020 йил бўйича келтирилган маълумотларга мувофиқ, дунё бўйлаб 3,4 миллиарддан ортиқ электрон тижорат фойдаланувчилари мавжуд².

Трансчегаравий электрон тижорат тушунчаси кенг ва бир неча жиҳатдан изоҳланади. Тор маънода, бу трансчегаравий электрон тижорат бўлиб, у асосан трансчегаравий чакана савдо билан таққосланади. Товарларни якуний истеъмолчига сотишнинг трансчегаравий механизми - бу турли мамлакатларда жойлашган чакана ёки улгуржи савдо корхоналари олди-сотди операциялари ва сўралган товарлар ва хизматлар учун тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширадиган, сўнгра уларни трансчегаравий амалга оширадиган савдо жараёни (Ващенко ва бошқалар, 2017).

Кенг маънода трансчегаравий электрон тижорат электрон воситалар орқали ташқи савдо билан идентификацияланади; у турли мамлакатларда жойлашган савдо субъектлари товарларни тақдим этиш, уларни етказиб бериш бўйича музокаралар олиб бориш ва битимни амалга ошириш учун барча тижорат жараёнларини олиб борадиган халқаро тижорат фаолиятининг бир туридир. Улар, шунингдек, жисмоний ёки юридик шахс бўлиши мумкин бўлган якуний истеъмолчига трансчегаравий етказиб бериш билан якунланади. Трансчегаравий электрон тижорат фаолиятнинг кўплаб жиҳатларини ўз ичига олади: масалан, товарларни электрон сотиш, онлайн маълумотларни узатиш, электрон жўнатиш ва тўлов ҳужжатларини шакллантириш ва ҳоказо. Оддий қилиб айтганда, трансчегаравий электрон тижорат маҳсулот давлат чегарасини кесиб ўтгандаги электрон тижоратдир (Гилилов, 2017).

Трансчегаравий электрон тижоратнинг бозор қиймати ўсишда давом этмоқда ва секинлашув белгилари йўқ. Ўсиш, биринчи навбатда, истеъмолчилар томонидан бошқарилади. Глобаллашув ва рақамли технологияларнинг тарқалиши натижасида истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари сезиларли даражада ўзгаради (Friedrich ва б., 2015).

Савдони рақамлаштиришнинг давлат учун афзалликлари, авваламбор, электрон ҳужжат айланиши ва электрон харидларни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун тенг имкониятлар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлигини таъминлашдадир.

Савдони рақамлаштириш, албатта, халқаро бозорни жонлантиради, янги имкониятлар, шу билан бирга таҳдидларни юзага келтиради ва ташқи савдо ҳамкорлари билан савдо қилишнинг янги усулларини топиш имконини беради (Юрова, 2020).

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Трансчегаравий электрон тижоратнинг ривожланиши икки ва ундан ортиқ мамлакат ёки интеграцион блоklar ўртасидаги келишувларга боғлиқ бўлади. Аслида, трансчегаравий электрон тижоратда ҳам товарларнинг бир мамлакат чегарасидан иккинчи мамлакат чегарасига ўтиши ташқи савдо сингари бўлиб, экспорт ёки импорт процедуралари сингари бўлади.

Товарларни экспорт қилиш усулидан қатъи назар, чегарадан ўтиш учун ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш керак бўлади. Онлайн савдо орқали экспорт учун божхона расмийлаштируви анъанавий экспорт учун белгиланган тартибдан фарқ


² <https://ecomhub.ru/the-most-comprehensive-review-of-e-commerce-statistics-in-the-world-for-2020/>

қилмайди. Ҳужжатлар тўпламини божхонага тайёрлаш ва топшириш, нима кўчираётганингизни кўрсатиш ва тўловни тўлаш керак.

Трансчегаравий электрон тижорат бизнес (чакана сотувчи ёки бренд) ва истеъмолчи (B2C), икки корхона, кўпинча брендлар ёки улгуржи сотувчилар (B2B) ёки икки шахс (C2C) ўртасидаги онлайн тижоратни англатади.

Сўнгги икки йил ичида трансчегаравий электрон тижорат катта суръатларга эга бўлди, чунки мижозлар ўз чегараларидан ташқарида товарларни сотиб олишди. Бундай тенденцияга сабаб сифатида пандемияни ҳам келтириш мумкин.

2022 йилга келиб унинг ўсиши давом этиб, савдо ҳажми 630 миллиард долларга етиши кутилмоқда, чунки кўплаб йирик чакана сотувчилар ўзларининг трансчегаравий юк ташиш имкониятларини кенгайтирадилар ва географик чегаралар истеъмолчилар учун тобора камроқ аҳамият касб этади.



1-расм. 2020 йилда трансчегаравий электрон тижоратнинг ўсиш кўрсаткичлари³, фоизда

Глобал онлайн харидлар статистикаси шуни кўрсатадики, дунёдаги электрон тижорат савдосининг энг тез ўсиши Лотин Америкасида содир бўлган. 2019 йилга нисбатан ўсиш 36,7 фоизни ташкил этди. Шимолий Америка йилига 31,8% ўзгариш билан иккинчи ўринни эгаллади. Марказий ва Шарқий Европа минтақасида ўсиш 29,1% ни ташкил этди. Жаҳон миқёсида ўртача ўсиш 27,6% ни ташкил этди.


Тижорий сайтлар томонидан тақдим этилган маълумотларга мувофиқ, 2020 йилда е-тижорат бўйича энг илғор мамлакатлар орасида 672 млрд доллар билан Хитой етакчилик қилади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Хитойнинг трансчегаравий электрон тижорат импорти ва экспорти 2020 йилда 1,69 триллион юанга (262,58 миллиард доллар) етди, бу 31,1 фоизга ўсди⁴. Янги савдо формати сифатида Хитойнинг трансчегаравий электрон тижорати коронавирусга қарши кураш давомида жадал ривожланди ва ташқи савдони барқарорлаштириш учун муҳим ҳаракатлантирувчи кучга айланди.

Хитой ва глобаллашув марказининг (ССГ) яқинда эълон қилинган ҳисоботида таъкидланганидек, Хитой ва АҚШ ҳозирги вақтда глобал трансчегаравий электрон тижоратнинг асосий платформалари, шунингдек, ушбу савдо моделининг асосий бозорлари учун мезбон давлатлардир. Дунёдаги B2C (бизнестан истеъмолчига) транзакцияларининг 26% га яқини Хитой материкада амалга оширилади, Хитой бу кўрсаткич бўйича бошқа мамлакатлар орасида етакчи ҳисобланади⁵.

³ <https://www.emarketer.com/content/top-global-ecommerce-markets>

⁴ <http://silkroadnews.org/ru/news/v-kitae-obem-roznychnykh-onlayn-prodazh-za-2020-god-vyros-na-10-9-do-1-8-trln-minkommertsii-knr>

⁵ <http://uz.mofcom.gov.cn/article/chinanews/202110/20211003208733.shtml>



2-расм. 2020 йилда е-тижорат бўйича энг илғор мамлакатлар⁶

Юқоридаги таҳлиллар асосида жаҳон бозорида трансчегаравий электрон тижоратнинг ривожланишини бир неча ижобий ҳолатлар билан баҳолаш мумкин:

- Трансчегаравий электрон экспорт ёки импортни амалга ошириш жараёнида сотувчи етказиб бериш шартларини ҳам ўз бўйнига олади. Истеъмочи логистика учун бош қотирмайди Бу айрим ҳолларда сотувчининг ҳисобидан амалга ошса, айрим ҳолларда қўшимча ҳақ эвазига етказиб берилди;

- Трансчегаравий электрон экспорт ёки импортни амалга ошириш жараёнида воситачилар пирамидаси катта бўлмайди. Товарларни бизнестан истеъмолчига етказиб бериш мумкин бўлади. Бу товарларни қайтариш ёки алмаштириш учун қулайлик яратди;

- Трансчегаравий электрон савдони амалга ошириш жараёнида шартномалар икки томон ўртасида онлайн тартибда имзоланиб, ҳужжатларни қалбакилаштириш хавфи камайд;

- Замонавий даврда трансчегаравий электрон савдони амалга учун пул кўчиришда ёки электрон пулларни ишлатишда муаммоларнинг бартараф этиб борилаётганлиги савдонинг тез амалга ошиш имконини беради;

- Трансчегаравий электрон экспорт ёки импортни амалга ошириш жараёнида боғхона ҳужжатлари ва расмийлаштируви сотувчи (етказиб берувчи ёки воситачи) томонидан тайёрланади.

Трансчегаравий электрон тижоратнинг ижобий жиҳатлари билан бирга унинг муаммоли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан:

Трансчегаравий онлайн савдонинг алоҳида муаммоси - бу солиққа тортиш.

Трансчегаравий электрон тижоратни амалга ошириш жараёнида импортёр мамлакатнинг солиқ ставкасига ҳам эътибор қаратиши керак. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлган ёки ягона интеграцион блок доирасида ташқи савдони амалга ошираётган мамлакатлар ўртасида бу жараён анча тушунарли бўлади. Аммо Ўзбекистон сингари жаҳон хўжалигига секин-аста интеграциялашаётган мамлакатда солиқ ставкаларини ўрганиш, ТИФ товар номенклатурасини кўздан кечириш керак бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, трансчегаравий электрон тижоратни ташқи савдонинг бир кўриниши сифатида талқин қилар эканмиз, унинг ривожланиши учун минтақавий ва халқаро иқтисодий интеграцияни кучайтириши жуда муҳим. ЖСТда трансчегаравий электрон тижорат бўйича қабул қилинган ҳужжат ва нормалар бўлмаса

⁶ <https://www.emarketer.com/content/top-global-ecommerce-markets>

ҳам, унга аъзо мамлакатлар (асосан, АҚШ, ЕИ, Хитой) электрон тижорат жараёнида келиб чиқадиган муаммоларни ЖСТ орқали ҳал қилишни талаб қилаётганлиги, истиқболда трансчегаравий электрон тижоратнинг ЖСТ мамлакатлари доирасида тез суръатларда ривожланишини башорат қилиш қийин эмас. Шу сабабли ҳам, мамлакатимиз трансчегаравий электрон тижоратни ривожлантириш шарт-шароитларни ЖСТга аъзо бўлиш ва унга аъзо бўлиш жараёнидаги келишувлардан бошлаши керак. Сабаби ушбу келишувлар келгусидаги солиқ ставкалари ва жарималар миқдорига ҳам таъсир кўрсатади.

Солиққа тортишдаги энг йирик муаммо ҚҚС, божхона божи ва акцизлар билан келиб чиқади. Келишувлар жараёнида ушбу бож ва йиғимларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Кейинги муҳим муаммо импорт операциялари бўйича транспортда ташиш ёки сақлаш чоғида тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра яроқсиз ҳолатга келган товарлар учун жарималар қўлланилиши бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолат рисклилиқ даражаси юқори бўлган жараён бўлиб, хорижий мамлакатларда транспортировка даврида яроқсиз ҳолатга келган товарлар учун жарималар қўлланилмайди.

Муаллифнинг таклифига кўра янги таҳрирдаги Солиқ Кодексида импорт операциялари бўйича транспортда ташиш ёки сақлаш чоғида тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра яроқсиз ҳолатга келган товарлар учун жарималар қўлланишининг бекор қилиниши ташқи савдо операциялари самарадорлигининг ошишига имконият яратади.

Трансчегаравий электрон тижоратнинг ривожланиши товарларни сақлаш учун йирик омборхоналарга эҳтиёжни оширади. Йирик омборхона бу-қўшимча харажат ва солиқлар дегани. Бу ҳолат ҳам солиққа тортиш нуқтаи-назаридан жозибатор муаммолардан бири ҳисобланади.

Интернет фойдаланувчилари сонининг ортиб бориши электрон тижоратнинг ҳам, трансчегаравий онлайн савдонинг ҳам ривожланишига имконият яратади. Ўзбекистонда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 27,2 миллиондан ошди. Шундан мобил интернет фойдаланувчилари сони 25,3 миллион кишини ташкил этмоқда. Бугунги кунга келиб 95 фоиз аҳоли масканлари мобил интернет билан қамраб олинган, 54 фоиз уй хўжаликларига юқори тезликдаги интернетга уланиш имкони яратилган⁷. Аммо интернет дўконлардан фойдаланиш учун шароитлар етарли эмас. Жумладан, интернет-дўконлар учун йирик агрегатор платформасидан фойдаланиш етказиб беришни ташкил этишда "бош оғриғидан" қутулишнинг яна бир усули ҳисобланади. Мамлакатимизда агрегаторлар эндигина оёққа турмоқда, электрон тижоратнинг мазкур йўналиши юқори салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга олсак, давлат ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб-қувватланиши керак бўлган соҳалардан бири ҳисобланади.

Айни пайтда Ўзбекистонда деярли тарқалмаган хизматлардан ўзи олиб кетиш шаҳобчалари ва Постабатлар (кўплаб бўлимларга эга бўлган шкаф-бино)ни таъкидлаб ўтиш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам мижоз буюртмани расмийлаштириш вақтида сайтда кўрсатилган жойдан буюртмани ўзи олиб кетади.

Фарқ шундаки, ўзи олиб кетиш шаҳобчаси битта компания ёки интернет-дўконга тегишли бўлган ҳолда (бинони ижарага олиш, штат ва ускуналар учун харажатлар назарда тутилмоқда), Постабат ташқи сервис ташкилоти тариқасида бир нечта интернет-дўконлар томонидан фойдаланилиши мумкин (хизматдан фойдаланиш учун ҳамда унганча бўлган транспорт харажатлари назарда тутилмоқда).

4. Хулоса ва таклифлар.

Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар шаклланди:

- Мамлакатда трансчегаравий электрон тижоратнинг ривожланиши давлатнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашганлигига бевосита боғлиқ. Шу сабабли ҳам, мамлакатимиз трансчегаравий электрон тижоратни ривожлантириш шарт-шароитларни ЖСТга аъзо бўлиш ва унга аъзо бўлиш жараёнидаги келишувлардан бошлаши керак. Сабаби ушбу келишувлар келгусидаги солиқ ставкалари ва жарималар миқдорига ҳам таъсир кўрсатади.

⁷ <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-internet-xizmatidan-foydalanuvchilar-soni-272-milliondan-oshdi>

- Бир қарашда жозибатор онлайн-дўкон сифатида кўринган ва ундан товарларни саватчага юклаш орқали харид қилиш мумкин бўлган жараён бир мамлакат чегарасидан иккинчи мамлакат чегарасига ўтиши ташқи савдо сингари божхона процедураларини ва ҳужжатларни талаб этади. Шу сабабли ҳам хорижий бозорларни мақсад қилиб очилган интернет-дўконлари ташқи савдо операцияларини, экспорт ва импорт бож ҳамда солиқларини чуқур таҳлил қилиши керак бўлади.

- трансчегаравий электрон тижоратнинг ривожланиши ўзи билан бирга янги хизмат турларининг ҳам ривожланишига имконият яратади. Бу интернет-дўконлар фаолиятдан тортиб постаматларгача бўлган хизматларни ўз ичига олади. Шу сабабдан ҳам, трансчегаравий электрон тижоратнинг ривожланиши учун интернет фойдаланувчилари сонининг ортиши етарли эмас. Бунинг учун транспорт-логистика тизими билан бирга янги хизмат турларининг ривожланишини рағбатлантириш керак.

- Интернет-дўконларнинг омборхоналарини ер ва мол-мулк солиғига тортиш масаласи ҳам муҳокамага муҳтож. Ушбу солиқларни белгилаш даврида 2026 йилга қадар интернет-дўконларга имтиёзлар бериш масаласини ҳам кўриб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Digital economy report (2019) Value creation and capture: implications for developing countries United nations United nations conference on trade and development [Электронный ресурс]. – 2019. – Режим доступа: https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/der2019_en.pdf. Дата доступа: 15.10.2019.

Friedrich A, Jung P, Reisser C, Fischer G, Schacherer J. (2015) Population genomics reveals chromosome-scale heterogeneous evolution in a protoploid yeast. *Mol Biol Evol.* Jan;32(1):184-92. doi: 10.1093/molbev/msu295. Epub 2014 Oct 27. PMID: 25349286; PMCID: PMC4271529.

Ващенко Т.В., Иванова Я.Я., Сокольникова И.В. (2017) Финансовая грамотность населения: проблемы оценки и анализа // Конкурентоспособность в глобальном мире: экономика, наука, технологии. № 9-3 (56). С. 18-21. / Vashchenko T.V., Ivanova Ya.Ya., Sokolnikova I.V. (2017) Financial literacy of the population: problems of assessment and analysis // Competitiveness in the global world: economics, science, technology. No. 9-3 (56). pp. 18-21.

Гилюлов И.Р., Дранёв Е.Я., Савинов Ю.А. (2017) Электронная коммерция России: роль интернет-магазинов//Международная экономика. № 10. С. 44-58. / Gililov I.R., Dranev E.Ya., Savinov Yu.A. (2017) E-commerce in Russia: the role of online stores // International Economics. No. 10. S. 44-58.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон. 28.01.2022 йилдаги. / Decree (2022) No. PF-60 of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Development Strategy of the New Uzbekistan for 2022-2026". 28.01.2022.<https://lex.uz/docs/5841063>

Юрова Н.В. (2020) Цифровизация торговли как фактор развития экспортного потенциала Республики Беларусь. Цифровая трансформация. (1):5-13. / Yurova N.V. (2020) Digitalization of trade as a factor in the development of the export potential of the Republic of Belarus. Digital transformation. (1):5-13. <https://doi.org/10.38086/2522-9613-2020-1-5-13>



КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ КЛАСТЕР УСУЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*и.ф.ф.д., доцент Абдуллоев А.Ж., Абдуллаев З.А., Чориева Н.Қ.
Бухоро давлат университети*

Аннотация: Мақолада кооперация муносабатларида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари кластер усулини ривожлантириш масалалари баён этилган. Сўнгги йилларда республикада деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларнинг таҳлили ва ривожланиш истиқболлари муаллифлар томонидан ушбу мақолада ўрганилган.

Калит сўзлар: фермер хўжаликларида, кооперация, агрокластер, риводланиш, логистика, самарадорлик, сақлаш харажатлари, ташиш харажатлари.

DEVELOPMENT OF CLUSTER METHODS OF FARMS ACTIVITIES IN COOPERATIVE RELATIONS

*c.e.s, Associate Professor Abdulloev A.J., Abdullaev Z.A., Chorieva N.K.
Bukhara State University*

Annotation. The article describes the development of the cluster method of farms operating in cooperative relations. In recent years, the country has been systematically working to effectively use the land allocated to dehqan farms and landowners, to protect their rights and legitimate interests, to increase employment and living standards of the rural population. The analysis and development prospects of these processes have been studied by the authors in this article.

Keywords: farm, cooperative, agro-cluster, revival, logistics, samarador, storage costs, transportation costs.

1. Кириш.

Маълумки, аграр соҳада таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишда кластер усулини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш занжирини кооперация муносабатлари асосида ривожлантириш, юқори қўшилган қийматга эга экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида Картошка етиштирувчилар уюшмасига аъзо бўлган «Агровер» МЧЖнинг Тошкент вилояти ҳудудида «Бўстонлиқ картошқачилик маркази» МЧЖ, «Солануз» МЧЖ, «Агровер-уруғчилик» МЧЖ, «Вернатурал» МЧЖ ва «Соф табиат агро» МЧЖ негизида истеъмолга йўналтирилган картошка ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлаш бўйича агросаноат кластери ташкил қилинди (Қарор, 2020).

2. Адабиётлар шарҳи.

Погодина ва бошқалар (2015) кластерларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ролини ўргандилар. Инновацион кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш асосида ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг инновацион салоҳиятини ошириш йўллари ўрганиб, кластерли ёндашувни жорий этиш зарурлигини асослаганлар. Инновацион ижтимоий-иқтисодий тизимни ривожлантириш моделлари ва механизмларини, мамлакатнинг илмий-техникавий ривожланишининг воситалари ва тенденцияларини таҳлил қилишиб, инновацион фаолиятни рағбатлантириш

механизмларини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар ва инновацион сиёсат воситаларини бериб ўтишган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида кластерлар бугунги кунда кенг ривожланган йўналиш бўлиб, бу борада тадқиқот ва таҳлиллар олиб борган хорижий ва маҳаллий олимлар кўп. Глотко ва бошқалар (2018) ўз изланишлари давомида кластер қишлоқ хўжалигида, айниқса, фермер хўжаликлари кооперативларида кластернинг аҳамияти, унга таъсир этувчи омиллар ҳақида сўз юритдилар.

Иванова, Никитинлар (2018) кластерни оптималлаштириш тарафдорлари бўлган. Улар кластерда замонавий динамик қувват ва симсиз сенсорли уланишларни ўрнатиш самарадорликни оширишига ишонишди.

Фишер ва бошқалар (2018) қишлоқ хўжалигини муҳофаза қилиш кераклигини ва бунда Малавия мисолини кўриб таҳлил қилишган.

Упфоф (2019) фермер бошчилигида халқаро суғориш бошқарувини такомиллаштириш, жараёни тўғри йўлга қўйиш ва бу орқали самарадорликка эришишни таҳлил қилган.

3. Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқотда кооперация муносабатларида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари кластернинг аҳамияти ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида анализ, синтез, индуктив, дедуктив, қиёсий таҳлил ҳамда моделлаштириш методларидан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Агротрастернинг асосий фаолият йўналишлари этиб қуйидагиларни белгиланган:

1. Уруғлик картошка етиштириш, шу жумладан, уни вируссиз ин витро технологияси асосида кўпайтириш;

2. Илмий асосланган алмашлаб экиш тизимида қўлланиладиган дуккакли, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини етиштириш;

3. Маҳаллий ва хорижий селекция ҳамда биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш;

4. Уруғчилик бўйича маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиш, уруғликларни экишдан олдин ишлов бериш ва қайта ишлашга оид инновацион технологиялар, шу жумладан, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш белгиланди.

Республикамизда истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришни ошириш, картошкачилик соҳасида кластер ва кооперация механизмларини кенгайтириш, замонавий инновацион технологиялар ва ресурстежамкор ишланмаларни жорий этишни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш, шунингдек, картошкага бўлган ички бозор талабини тўлиқ қондириш мақсадида Картошка етиштирувчилар уюшмасининг картошкачиликка ихтисослаштириладиган туманларида картошкачилик кластерлари ва кооперациялари ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилиши белгиланди (Қарор, 2020).

Янгидан ташкил қилинаётган картошкачилик кластерлари ва кооперациялари фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар:

✓ инновацион ва ресурс тежамкор технологиялар асосида аниқ белгиланган, табиий –иқлим шароитлари ва тупроқ таркиби мос бўлган майдонларда истеъмол ва уруғлик картошка етиштириш ҳамда соҳада қўшилган қиймат занжирини яратиш;

✓ илмий – тадқиқот институларининг тажриба хўжаликлари, уруғчилик фермер хўжаликлари ва кластерларда уруғлик картошканинг супер элита ва элита авлодларини етиштиришни кенгайтириш ва бу борада хўжалик субъектларини иқтисодий рағбатлантириш, уруғликлар тайёрлаш ҳамда замонавий картошка плантацияларини барпо этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

✓ истеъмол ва уруғлик картошкага бўлган ички бозор талабини йил давомида тўлиқ қондириш, шунингдек, унинг экспортини кенгайтириш ва молиявий қўллаб - қувватлаш;

✓ картошка экиш учун мўлжалланган экин майдонининг камида 50 фоизда уруғлик картошканинг супер элита ва (ёки) элита авлодларини етиштиришни йўлга қўйиш ҳамда бу борада уруғчилик хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш;

✓ уруғлик картошкани сақлаш, саралаш, етказиб бериш ва қайта ишлаш тизимида логистика ва замонавий теримнал шохобчаларини қурилиши ҳар томонлама қўллаб - қувватланишини йўлга қўйиш;

✓ картошкачилик соҳасига кластерлар, кооперациялар, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан илғор технологиялар, инновацион ечимлар (ноу-хау) ва илм-фан ютуқларини жорий этиш каби тадбирлар белгиланди.

Республикамизда 2020 йил 1 майдан бошлаб картошка етиштирувчи фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, шунингдек, картошкачилик кластерлари ва кооперацияларининг уруғлик картошка харид қилиш харажатларини молиялаштириш ва бунда уларни иқтисодий қўллаб – қувватлаш мақсадида ушбу хўжалик субъектларига 12 ой муддатгача тижорат кредитлари ажратилиши белгиланди.

Бунда:

✓ миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми;

✓ хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 30 фоизигача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши кўзда тутилган.

Бизнинг фикримизча, бу жараёнда маҳаллий бошқарув органлари, хокимликлар, тегишли тармоқ вазирлик ва идоралари томонидан ҳамкорликда уйғунлашган режалар қабул қилиниши зарур. Бу ҳамкорлик асосида ҳар йили якунига қадар кластер ва кооперациялар таклифлари ҳамда истеъмол меъёрлари асосида келгуси йил учун картошка экин майдонлари ва ялпи ҳосили прогноз кўрсаткичлари, шунингдек, уруғлик картошкага йиллик талаб ва унинг етишмайдиган миқдори аниқланиши зарур.

Мамлакатимизга хориждан олиб кириладиган уруғлик картошка яқин 3-5 йил муддат ичида божхона божидан озод этилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, белгиланган имтиёзлар қаторида карантин кўрик далолатномаси ва мувофиқлик сертификатларини олиш соддалаштирилиши ва тегишли текширувлардан сўнг қисқа муддатда хўжалик субъектлари томонидан олиниши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, картошка экиладиган ерлар учун ресурс солиқларини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини аниқлаш, шунингдек, сув тежовчи технологияларни, шу жумладан ёмғирлатиб суғориш тизими жорий қилинган ерларни 3-5 йил муддатга ер солиғидан (ягона ер солиғидан) озод қилиниши мақсадга мувофиқ.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш барча даврларда муҳим ҳисобланади. Картошкачиликни ривожлантириш ҳам сув таъминоти билан боғлиқ ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига 2020 йилнинг 1 июлига қадар ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фойдаланилган сув ресурслари ҳисобини юритиш, уларнинг ҳажмини аниқлаш тартибини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланиладиган сув ресурслари меъёрини қайта кўриб чиқиб, тасдиқлаш вазифаси топширилди.

Илмий муассасаларни картошкачиликда тутган ўрни юқори эканлигини ҳисобга олиб, мамлакатимизда ягона ҳисобланган Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига қўйидаги вазифалар топширилди:

✓ Истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришнинг илмий назарий асосларини такомиллаштириш, картошка уруғликларини тайёрлаш ва илғор агротехнологияларни қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;

✓ истеъмол ва уруғлик картошканинг янги ҳамда серҳосил, навлари коллекциясини яратиш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш;

✓ халқаро молия институтлари, хорижий донорлар грантлари ҳамда хусусий ташаббускорлар маблағлари ҳисобидан уруғлик картошканинг супер элита ва элита авлодларини етиштириш, замонавий картошка плантацияларини барпо этиш, «in vitro» лабораторияси ташкил этиш, уруғликлар тайёрлаш ва картошка етиштирувчиларга етказиб бериш;

✓ сабзавот ва полиз экинларининг юқори ҳосилдор, қурғоқчиликка, шўрга ва касалликларга чидамли, мева сифати юқори бўлган навлари ва дурагайлари яратиш ва уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, шунингдек, ноанъанавий сабзавот экинларини интродукция қилиш ишларини олиб бориш;

✓ истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришда илғор агротехнологияларни қўллаш ҳамда картошка плантацияларини ташкил этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларга етказиш каби вазифалар.

Институтга ушбу тадбирларни Уруғчиликни ривожлантириш маркази, хусусий ташаббускор тадбиркорлар иштирокида, хорижий грант ва кредит маблағлари ҳисобидан амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Шу билан биргаликда тегишли вазирлик ва идораларга 2020 йил якунига қадар Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига мазкур қарорда юклатилган вазифаларни амалга ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда «in vitro» лабораторияси фаолиятини ташкил этиш учун грант маблағларини жалб қилишга амалий ёрдам кўрсатиш белгиланди. Демак, бу жараёнда ҳам кластерлар (фермер хўжаликлари) илмий муассасалар билан биргаликда кооперация ва интеграция муносабатлари асосида ҳамкорлик қилиш чораларини кўрадилар.

Бу тадбирлар ичида кластерлар ва илмий муассасалар ўратсидаги ўзаро кооперация муносабатларини ўрнатилишида илмий муассасаларнинг молиявий салоҳиятини мустаҳкамлаб бориш устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Илмий изланишлар ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинди. Илмий изланишлар ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби қўйидагилардан иборат:

Ушбу Жамғарма маблағларини шакллантиришда ҳам давлатнинг иқтисодий қўллаб-қувватлаш манбаси иштирок этиб, умумий ҳолатда қўйидагилар асосий манба бўлиб ҳисобланади:

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
 - ✓ институт тизимидаги тажриба хўжалиги ва илмий-тажриба станцияларининг хўжалик фаолиятдан олинган соф фойданинг 20 фоизи миқдоридagi ажратмалари;
 - ✓ халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар грантлари;
 - ✓ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;
- Жамғарманинг маблағлари қўйидаги мақсадлар учун сарфланиши белгиланган:
- ✓ сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик соҳасидаги илмий изланишлар ва инновацион ишланмаларни молиялаштириш учун грантлар ажратиш;
 - ✓ картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини йўлга қўйиш бўйича тажриба-синов ва бошқа лойиҳаларни молиялаштириш;
 - ✓ сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг яратилган навлари муаллифларини рағбатлантириш.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти тасарруфига Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Сойлик» МФЙ ҳудудида жойлашган 17,2 гектар ер майдонини (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Биоорганик кимё институти тасарруфида бўлган) картошканинг маҳаллий навлари бирламчи уруғчилигини, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Бурчмулло» давлат ўрмон хўжалигининг «Писком» массиви ҳудудидаги бўш турган ер майдонларида эса юқори авлодли уруғлик картошка етиштиришни йўлга қўйиш ва истиқболда етиштириладиган уруғлик картошка материалларини кооперация асосида фермер хўжаликлари, картошкачилик кластерларга етказиб бериш вазифалари белгиланди.

Тадқиқот жараёнида деҳқон хўжаликларининг ўрни ва салмоғи юқори эканлигини ҳисобга олиниб, уларни фаолияти ҳам таҳлил қилинди.

Сўнги йилларда республикада деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида серҳосил ва юқори даромад берадиган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, моддий-техник ресурсларни тизимли етказиб бериш орқали ички истеъмол ва экспорт учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда қишлоқ

аҳолисининг моддий манфаатдорлигини ошириш мамлакат раҳбари ва ҳукуматининг диққат – эътиборида бўлиб келмоқда (Қарор, 2020).

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини ҳар бир ҳудуднинг ихтисослашуви, тупроқ-иқлим шароити, сув таъминотини инобатга олган ҳолда, «бир маҳалла - бир маҳсулот» тамойили асосида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидаги қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва маҳсулот етиштириш прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди. Ушбу прогноз кўрсаткичлари истиқболда ҳар бир деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ўратсида кооперация муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ чора тadbирлар ишлаб чиқишда зарур ҳисобланади.

Маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташқи бозор талаблари асосида маҳаллаларнинг экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш;

«Томорқа хизмати» МЧЖлар кооперацияга аъзо деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида уруғлар, кўчатлар ва бошқа зарур моддий ресурсларни белгиланган тартибда етказиб бериш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини «Томорқа хизмати» МЧЖлар томонидан белгиланган тартибда сотиб олиш ва уларнинг экспорт қилинишини ташкил этиш кўзда тутилди.

Аҳоли яшаш уйларида мавжуд томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, «Томорқа хизмати» МЧЖ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини янада кенгайтириш ва кооперация муносабатлари асосида ҳамкорлик тadbирларини ривожлантириш, аҳоли томорқаларини хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш, шунингдек маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада кўпайтириш мақсадида аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб беришни ташкил этиш учун «Томорқа хизмати» МЧЖларга иссиқхона, совутгичли омборхоналар, чорвачилик мажмуалари қуриш учун асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер участкаларидан ташқари алоҳида ер майдонларини ажратиш (Қарор, 2020);

кооперацияга аъзо аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб бериш, маҳсулотларни сотишни ташкил қилиш учун вилоятлар ва туман (шаҳар)лар марказий деҳқон бозорларида, аҳоли гавжум пунктларида «Томорқа хизмати» МЧЖлар учун махсус савдо майдонларини ажратиш белгиланди.

Кластер усулида, кооперация муносабатлари асосида фаолият юритаётган «Томорқа хизмати» МЧЖларга 3 йил муддатга кредит ёки уларнинг устав капиталига кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан улуш ажратиш;

аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун 20 — 30 тонналик кичик ҳажмли совутгичлар барпо этиш учун кредит ажратиш;

тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида уч ой имтиёзли давр билан бир йил муддатга 4 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш йўналишида 2 миллион сўмгача Оилавий тadbиркорлик маркази хулосасисиз On-line тарзда томорқа ер эгаларига микрокредитлар ажратиш механизми жорий этиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда кооперация асосида фаолият кўрсатаётган тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан:

✓ «Томорқа хизмати» МЧЖ ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативларига бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг 2023 йил 1 январга қадар 50 фоизигача, бироқ 3 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда кафиллик берилиши белгилансин;

✓ фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари, «Томорқа хизмати» МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги кооперативларига Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низом талабларини ҳисобга олган ҳолда, ажратиладиган кредитлар фоиз ставкасининг 7,5 фоизли пунктгача қоплаб бериш тизими жорий этилди.

Жорий йилдан бошлаб камида 30 та аҳоли томорқаларини суғориш учун ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш харажатларининг 70 фоизини, бироқ 120 миллион сўмдан ошмайдиган қисмини қоплашга субсидия ажратиш режалаштирилди.

2022 йил 1 январга қадар тасдиқланган товарларни олиб киришда божхона божининг (божхона расмийлаштируви учун тўлов ва қўшилган қиймат солиғидан ташқари) ноль ставкалари белгиланди.

5. Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, бугунги глобаллашув шароитида қишлоқ хўжалиги имкониятларини кенгайтириш, бу йўлда интенсив усулларни қўллаган ҳолда ресурсларни тежаш ва аҳолини керакли озиқ овқат билан таъминлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу муаммоларни ечиш учун биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар навини ошириш яъни диверсификация қилиш, янги турдаги навларни ихтиро қилиб уни инновация қилиш орқали жараёнга тадбиқ этиш ва илм фан билан ишлаб чиқариш жараёнини интеграциялаш лозим.

Иккинчидан, юқорида айтилганидек, кооперацион ташкилотларни ташкил этиш, уларда кластерларни жорий этиш ва бу орқали ташиш, юклаш ва сақлаш харажатларини камайтириш орқали таннархни арзонлаштириш ва юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Учинчидан, табиий ресурслар, айниқса сув ресурслари танқислигини ҳисобга олган ҳолда инновацион суғориш йўллари қўллаш орқали маҳсулот етиштириш ва ресурс харажатларини маҳсулот сифатига таъсир этмаган даражада қисқартириш керак.

Тўртинчидан, давлат бераётган имкониятлардан тўғри фойдаланиб юқори фойда кўриш, маҳсулотлар билан ички бозорни ва ташқи Жаҳон бозорида ҳам ўз ўрнини яратиш ҳар бир кооперацион кластерли жамиятлар қилиши лозим бўлган ва уларнинг ривожланиши учун керак бўлган таклифларимиз ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тупроқ-иқлим хусусиятларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғ ва кўчатларини ҳудудлар кесимида экиш, етиштириш ва кооперация муносабатлари асосида сифатли маҳсулот олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиб, жойларга етказилиши ҳам қишлоқ ҳудудларида кооперация муносабатларини ривожлантиришда муҳим ўринни эгаллайди.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини кўпайтириш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда фермер хўжаликларини кооперация асосида бирлашиши муҳим ҳисобланади. Кооперация муносабатларида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари, кластерлар ёки деҳқон хўжаликларининг экин майдонларини кўпайтириш имкониятлари юзага келади. Бу эса қишлоқ ҳудудларини алоҳида тур экинларни экилишига ихтисослаштириш, маҳсулот етиштирувчиларни кластерлар ва кооперацияларга бирлаштириш каби амалий чораларни изчил ва тизимли кўрилишини талаб қилади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Pogodina, T. V., Veselovsky, M. Y., Abrashkin, M. S., & Aleksakhina, V. G. (2015) Improvement of the innovative capacity of a socioeconomic system based on the development of the cluster approach. *Asian Social Science*, 11(1), 304.

Glotko, A. V., Sycheva, I. N., Dunets, A. N., Kolupaev, A. A., Makarov, A. N., & Anikienko, N. N. (2018) Development of the regional agriculture through the cluster approach in russian federation. *International Journal of Mechanical Engineering and Technology*, 9(11), 1156-1168.

Ivanova, E.V., & Nikitin, A. V. (2018) Cluster-cooperative project of innovative development of agriculture. *Quality-Access to Success*, 19.

Fisher, M., Holden, S. T., Thierfelder, C., & Katengeza, S. P. (2018) Awareness and adoption of conservation agriculture in Malawi: what difference can farmer-to-farmer extension make? *International Journal of Agricultural Sustainability*, 16(3), 310-325.

Uphoff, N. (2019) Improving international irrigation management with farmer participation: Getting the process right. Routledge.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 апрелдаги "Тошкент вилоятида замонавий картошқачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 193-сон. / Resolution (2020) No. 193 of the Cabinet of

Ministers of the Republic of Uzbekistan dated April 1, 2020 "On measures to establish a modern potato cluster in Tashkent region".

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги "Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4704-сон. / Resolution (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 6, 2020 "On measures to expand potato cultivation and further development of seed production in the Republic" No. RP-4704.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги "Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 53-сон қарори. / Resolution (2020) Resolution No. 53 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated January 30, 2020 "On measures for more effective use of land plots of farms and household estates".

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги "Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4767-сон. / Resolution (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 30, 2020 "On additional measures to increase the efficiency of the use of residential estates" No. RP-4767.



**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА КАСБИЙ МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАЛАРИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*и.ф.ф.д., доцент Абдуллоев А.Ж., Одинаева Н.Ф., Дўстова А.Қ.
Бухоро Давлат Университети*

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар ва инновациялар, фермер хўжаликларидида кооперация муносабатларини ривожлантиришда касбий малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш тизимини такомиллаштириш масалалари баён этилган.

Калит сўзлар: фермер хўжаликларидида, кооперация, касбий малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш.

**SYSTEM OF TRAINING, RETRAINING AND PROFESSIONAL TRAINING OF
PROFESSIONALLY QUALIFIED PERSONNEL IN THE DEVELOPMENT OF
COOPERATIVE RELATIONS IN FARMS**

*c.e.s., Associate Professor Abdulloev A.J., Odinayeva N.F., Do'stova A.Q.
Bukhara State University*

Annotation. The article describes the changes and innovations in the agricultural sector in Uzbekistan, the issues of improving the system of training, retraining and advanced training of qualified personnel in the development of cooperative relations on farms.

Key words: on farms, cooperation, training, retraining and advanced training of professionally qualified personnel.

1. Кириш

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ОҚХТ) таҳлилларига кўра, дунёда ҳар йили деҳқончилик маҳсулотлари нархи ошиб бораётганлиги кузатилмоқда, унлаб мамлакатларда миллионлаб кишилар ёрдамга муҳтож. Хусусан, сўнги маълумотларда она сайёрамизда ҳар куни 25 минг киши қашшоқлик ва очарчиликдан кўз юмаётгани қайд этилган. Бу рақамлар, табиийки, жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солябти.

Жаҳонда аҳоли сонининг кўпайиши ҳозирги суръатда давом этса, 2050 йилда сайёрамиз нуфуси 10 миллиард нафарга етиши мумкин экан.

Мутахассисларнинг айтишича, демографик ўсиш фуқароларининг аксариятини ёшлар ташкил қиладиган Ўзбекистонда яққолроқ сезиладигани, бу озиқ-овқат хавф сизлигини таъминлашга янада жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Бинобарин, бугунги кунда дунё бўйича салкам 1 миллиард киши тўйиб овқатланмасликдан азият чекаётгани мазкур масаланинг нақадар жиддийлигини кўрсатиб турибди.¹

2. Адабиётлар шарҳи.

Фермер хўжаликлари бўйича хорижий олимларда Бенедикт, Савченколар (2019) ўз илмий ишларида фермер хўжаликларининг аҳамияти, уларда корпорация ва бугунги кундаги ақлли фермер 4.0 платформаси бўйича модуллар ишлаб чиқишган.

Погодина ва Веселовскийлар (2015) кластерларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ролини ўргандилар. Инновацион кластерларни шакллантириш ва

¹Халқ сўзи, 2018 йил 24 май №106(7064).

ривожлантириш асосида ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг инновацион салоҳиятини ошириш йўллари йўганиб, кластерли ёндашувни жорий этиш зарурлигини асослаганлар. Инновацион ижтимоий-иқтисодий тизимни ривожлантириш моделлари ва механизмларини, мамлакатнинг илмий-техникавий ривожланишининг воситалари ва тенденцияларини таҳлил қилишиб, инновацион фаолиятни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар ва инновацион сиёсат воситаларини бериб ўтишган.

Упфоф (2019) фермер бошчилигида халқаро суғориш бошқарувини такомиллаштириш, жараёни тўғри йўлга қўйиш ва бу орқали самарадорликка эришишни таҳлил қилган.

Тожибоева (2017) ўз илмий тадқиқотларида қишлоқ хўжалигининг аграр тармоқдаги хўжалик субъектларининг пайдо бўлиши, яшовчанлиги ва самарадорлигига таъсир этувчи ўзига хос хусусиятларни асослаб берган.

3. Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқотда фермер хўжаликларида кооперация муносабатларини ривожлантиришда касбий малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича анализ, синтез, индуктив ва дедуктив, қиёсий таҳлил ҳамда моделлаштириш методларидан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги шиддат билан кечаётган замонда мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилишга, умуман соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар ва чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқарув тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, соҳада мавжуд муаммолар ҳамда ишлатилмаётган имконият ва захираларни чуқур ҳамда атрофлича таҳлил қилиш асосида унинг энг илғор, замонавий шаклари ва усуллари жорий қилинаёпти.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сонли қарорида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш лозимки мазкур қарорда айнан кластерлар ва кооперация муносабатлари асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш масалалари устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Ушбу қарор аграр соҳа тармоқлари ва хўжаликларининг ўзаро қўшилган қиймат занжири таркибидаги боғлиқ муносабатларини яхлит тизим асосида ташкил қилиш ва интеграциялашуви борасида стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий асос бўлди.

Ислохотлар жараёнида назарда тутилган айрим чора-тадбирлар ва тегишли қонунлар моддаларининг амалиётга татбиқ этилмаганлиги оқибатида вужудга келган салбий ҳолат ва тенденцияларни танқидий тадқиқ этиш бугунги кун талаби эканлигини тан олиш ва ҳал этиш лозимлигини алоҳида эътироф этиш жоиздир.

Чунки, таҳлиллар кўрсатишича, ҳозирги кунда “...фермер хўжаликларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолмоқда, уларнинг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаёпти; ...деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда зарур инфратузилмалар яратилмаган ҳамда соҳада бозор меҳа-низмлари етарли даражада шаклланмаган; ...аксарият фермер хўжаликларининг бугунги молиявий аҳволи замонавий, ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги техника воситаларини харид қилиш, ишлаб чиқаришда илғор агротехнология, инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини бермаяпти” (Фармон, 2017).

Юқоридаги ҳулосаларга асосан, республикамиз қишлоқ хўжалигида ҳозирги кунда маълум даражада шаклланган кластерлар ва ташкил этиладиган янги кооперативлар, шунингдек, уларнинг таркибий субъектлар билан бўладиган муносабатлар тизими ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг демократик (корпоратив) шаклларидаги ҳозирги ҳолати, имкониятлари ва уларни иқтисодий эркинлаштириш, модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш талабларига мос такомиллаштириш

муаммоларини ўрганиш асосида тегишли илмий-услубий таклифлар, амалий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари таъсисчилиги (аъзолиги)да ҳар бир маҳсулот турини етиштириш хусусият ва талабларини эътиборга олган ҳолда горизонтал ва вертикал типлардаги қишлоқ хўжалик кооперативларини, шунингдек, аграр соҳа билан боғлиқ инфратузилмалар таркибида турли хизматлар кўрсатишга ихтисослашган кооперативлар ташкил этиш ҳозирги давр талаби эканлигини эътироф этиш лозим.


Ҳозирги амалиётда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг фаолиятларида асосий восита ва молиявий маблағларининг камлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг кичиклиги, инвестициялаш борасида имконият ва жозибадорлигининг пастлиги ва бошқа сабабларга кўра уларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини самарали ташкил этиш мураккаб кечмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, уларда мулкчилик ва мулкый муносабатларнинг бозор иқтисодиёти талабларига бирмунча мослигига қарамасдан, бироқ, амалиётнинг кўрсатишича, уларнинг ҳозирги ўлчами, яқка ҳолда тарқоқ фаолият юритиши ва молиявий заифлиги шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган техник-технологик қайта қуролантириш тадбирларини амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини барқарор ошириш имкониятлари чекланганлиги сир эмас.

Бошқа томондан эса, келгусида қишлоқ хўжалигида олиб бориладиган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бўлиб фермерлик ҳаракати, шунингдек деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил қилиш, модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида уларнинг бошқа субъектлар билан бўладиган муносабатларини ўзаро манфаатдорлик тамойилларига мос равишда такомиллаштириш ва ўйғунлаштириш ҳисобланади.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасининг гувоҳлик беришича, қишлоқ хўжалигида кооперация шакл ва муносабатларини ташкил қилиш, ушбу тизимга фермер ва уй хўжаликларини жалб этиш улар томонидан мавжуд ишлаб чиқариш воситалари ва молиявий ресурсларини ихтиёрийлик тамойили ва улушли пай механизмига асосан бирлаштирган ҳолда қишлоқ жойларида меҳнат бандлиги, ишлаб чиқариш, техник-технологик жараёнларни инновацион ривожлантириш ва иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш имкониятларини яратади.

Бу эса бевосита қишлоқ хўжалигида кооперация ва интеграция муносабатларини ривожлантириш учун, янги замонавий интенсив, ресурстежамкор технологиялар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рақамлаштириш каби ўта муҳим вазифаларни ҳал қилиш учун тармоқда фаолият юритаётган ишчи-ходимларни, касбий малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, иш жараёнида одамларнинг муайян эҳтиёжларини қондирадиган моддий ва маънавий қадриятларгина эмас, балки ходимларнинг ўзлари ҳам йиллар давомида тажрибалари ошиб, янги билим, кўникмаларни эгаллаб, ижодий салоҳиятини очиб беришади. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир эришилган даражасига ходимларнинг, муваффақиятли иш фаолиятини олиб бориш учун зарур бўлган, ўз билим, кўникма ва малакалари даражаси ва йиғиндиси тўғри келади, бу ҳолат иқтисодиётда одатда ходимнинг касбий малака даражаси билан белгиланади. Ходимлар янги замонавий билим олиб ўзларини иш услубларини такомиллаштириб янги материаллар, асбоб-ускуналар, технологиялар ва хизматларни яратишади. Булар ҳаммаси ишлаб чиқариш жараёнини янги сифат босқичига олиб чиқади ва бу жараён ўз навбатида юқори даражали таълим ва касбий тайёрлигига эга бўлган ходимларни талаб этади. Демак, ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида биринчи ўринни муайян шахсий салоҳиятга эга бўлган, асосийси малака даражасига эга бўлган шахс эгаллайди. Шу сабабдан ҳам, бугунги кунда ташкил этилаётган ва фаолият юритаётган кооперативлар ва кластерлар ишлаб чиқаришнинг интеграциялашган замонавий шакли сифатида малакали кадрларга эҳтиёж сезмоқда.



1-расм. Кадрларни малакасини ошириш узлуксиз жараёнининг босқичлари²

Ҳозирги кунда кадрларнинг малакасини ошириш муаммосини ҳал этиш бир неча босқични ўз ичига олган мураккаб узлуксиз жараён ҳисобланиб қуйидаги босқичлардан иборат (1-расм):

- **эҳтиёжларни аниқлаш** – қишлоқ хўжалиги ташкилоти қайси йўналишдаги мутахассисларнинг малакасини оширишга муҳтож;
- **бюджетни шакллантириш** – қишлоқ хўжалиги ташкилоти кадрларни ўқитиш учун маблағ ажратиш;
- **мақсадларни аниқлаш** – кадрларни қаерда, қайси мавзуда ва усулларда (онлайн/ офлайн) ўқитишни танлаш, ҳамда ўқиш якунида қандай мезонлар билан баҳоланишини аниқлаш;
- **ўқитиш** – белгиланган дастур ва усулларда ўқитиш;
- **касбий кўникма ва билимларни шакллантириш;**
- **ўқитиш самарадорлигини баҳолаш.**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ишчилар малака даражасини узлуксиз ошириш концепцияси асосида босқичма-босқич касбий таълимни ташкил этиш тамойили ётади. У ўз навбатида таълимнинг, ўқитиш шакл ва усулларининг кўп вариантлигига; турли таълим муассасалари учун умумий таълим макони бирлигига; таълим тизимининг ишлаб чиқаришни ривожланиш жараёнларига мос ривожланиш қобилияти, шахснинг эҳтиёжларини ва меҳнат бозорини қондиришга; таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда инновацион режимда ишлай оладиган юқори малакали илмий-педагогик кадрларнинг мавжудлигига асосланади. Кооперация тизимида кадрларни узлуксиз тайёрлаш ва уларнинг малака даражасини ошириш жараёни оддийдан мураккаб касбларга, тор ихтисосликдан кўп тармоқли ишлаб чиқаришга ўтиш тамойили асосида амалга оширилиши лозим.

Бундай ҳолда кооперация тизимининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши керак:

1. Бажарилаётган иш хусусиятидан келиб чиқиб кўйилган талабларга кўра ходимларни профессионал танлаш ва бирор касбга йўналтириш.
2. Ходимларни малака даражасига кўра аттестациядан ўтказиш ва шу даражага таъсир этувчи омилларни баҳолаш.

²Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболларига, технологияни такомиллаштириш режасига ва жиҳозларни модернизация қилишга мувофиқ ходимларнинг малака ва кўникмаларини, шунингдек, профессионал жиҳатдан муҳим фазилатларини ривожлантириш.

Оқилона ташкил этиш мақсадида, энг юқори касбий даражага эришиш, касбий даражаларни кетма-кет эгаллаш жараёнида содир бўлиши керак:

– бошланғич таълим, шу жумладан умумтаълим мактабларида яратилган ихтисослаштирилган синфларда;

– кооператив тизимидаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида танланган мутахассислик бўйича олинган ўрта таълим;

– олий таълим – танланган мутахассислик бўйича кооператив тизимдаги олий ўқув юртларида.

Бугунги кунда кооперация ишчилар малакасини оширишнинг муҳим шакллари – бу кооперация тизимнинг таълим муассасалари базасида 1,5-3 йилда бир марта ўтказиладиган курслар ва семинарлар, улар замонавий электрон тизимларнинг имкониятларидан фойдаланиб, ходимларни профессионал аттестациядан ўтказиш учун ҳам ишлатилиши керак.

Ушбу жараённинг ўзига хослиги шундаки, кооперация муносабатлари билан шуғилланаётган кооператив корхоналарда кадрларни тайёрлаш, ҳамда уларнинг узлуксиз малакасини оширишни таъминлаш учун кадрларни тайёрлаш хизматини ташкил этиш жуда муҳим. У кооператив ташкилотларни кооперация муносабати учун ишчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишни таъминловчи муассасалар билан ҳамкорлигини таъминлайди, шу жумладан бевосита ишлаб чиқариш шароитида ходимларнинг касбий тайёргарлигига маъсул бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кадрларни тайёрлаш хизматини катта кооператив корхоналарда ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Кадрларни тайёрлаш хизмати учта секторга бўлиниб: ходимларни режалаштириш, прогнозлаштириш ва маркетинг тизими, кадрларни ривожлантириш тизими ва ходимларни меҳнат фаолиятини рағбатлантиришни ва мотивация қилишни ривожлантириш тизими, қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- ходимларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- кадрлар салоҳиятини баҳолаш;
- меҳнат бозорини таҳлил қилиш;
- кадрларга бўлган талабларни режалаштириш ва прогнозлаштириш;
- вакант лавозимларга номзодларни танлаш;
- ходимларни жорий даврий аттестациядан ўтказиш ва баҳолаш;
- ишлаб чиқариш шароитида ишчиларни касбий тайёрлаш;
- таълим муассасалари билан боғлиқлигини таъминлаш;
- захирадаги кадрлар билан ишлаш;
- янги ходимларни касбий ва ижтимоий-психологик мослаштириш;
- меҳнат ҳақини тўлаш тизимларини ишлаб чиқиш;
- ходимларни моддий ва маънавий мукофатлаш воситаларидан фойдаланиш;
- ходимларнинг фойда ва капиталларда иштирок этиш шаклларни ишлаб чиқиш.

Тизимли равишда ўқитиш хизмати ва унинг вазифалари 2-расмда келтирилган. Кадрларни тайёрлашнинг таркибий тузилмаси ходимларни режалаштириш, прогнозлаштириш ва маркетинг тизими, кадрларни ривожлантириш тизими ҳамда ходимларни меҳнат фаолиятини рағбатлантиришни ва мотивация қилишни ривожлантириш тизимидан иборат бўлиши керак (2-расм).



2-расм. Кадрларни тайёрлаш хизмати тизимаси³

Кадрлар тайёрлаш хизмати бошқа нарсалар қатори ҳақ тўлашдаги ўзгаришлар орқали ўз малакасини оширувчи ходимларни ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантириш вазифаларини ҳал этади. Меҳнатга ҳақ тўлаш – бозор механизмнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, ходимнинг меҳнат ресурсига эгалик ҳуқуқини иқтисодий рўёбга чиқариш шаклидир. Ҳозирги мавжуд вазиятдаёса ходимнинг меҳнат фаолиятини оширишда унинг ўрнини баҳолаш қийин. Шу боисдан қишлоқ хўжалиги кооперативларида ҳақ тўлаш тизимини таҳлил қилингандан кейин қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Иш ҳақи паст даражадалиги, мавсумийлиги ва кафолатланмаганлиги туфайли кооперативлар рағбатлантирувчи вазифасини йўқотиб, кооперация тизимида ходимлар қўнимсизлигининг асосий сабаби бўлиб қолди.

2. Бонуслар ва қўшимча тўловлар ўзларининг рағбатлантирувчи ролини йўқотди ва аслида тариф ставкаларининг механик ўсиши ва расмий иш ҳақи, одатда меҳнат натижалари билан боғлиқ эмаслиги.

Бундан ташқари, улар меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилишни шу қадар мураккаблаштирганки (кўпгина тоифадаги ходимлар учун тарифга 5-7 хил қўшимча қўлланилади), буни тушуниш қийин бўлиб қолди.

³Абдуллоев А.Ж томонидан ишлаб чиқилган.

Иш ҳақиға рағбатлантирувчи вазифаларини қайтариш, унинг ҳажмини бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан боғлиқлигини таъминлаш, профессионал маҳоратини оширишга рағбатлантириш, кооперация тизимда мансаб поғонасида ва ишда юқоригилавозимга кўтарилишига ундаш мақсадида, иш ҳақи тарифини тартибга солишнинг мослашувчан моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ҳақ тўлашнинг бу шаклининг моҳияти ягона тариф сеткаси (разряд) ва малака даражаларидан фойдаланишдан иборат. Тариф сеткасидан фойдаланиш ҳар бир ходимнинг умумий ишга қўшган шахсий ҳиссасини, эгаллаётган лавозим, бажарилган ишларнинг тури ва меҳнат шароитларига қараб аниқлаш имконини беради. Якка тартибдаги тариф разряди меҳнатни сифат ва амалга оширилаётган шароитларга қараб тарификация қилиш ёки режалаштириш натижасида белгиланади. Бу эса *"тенг иш фаолияти учун тенгҳақ тўлаш"* – тамойилига риоя этилишини таъминлайди. Малака даражаларидан фойдаланиш эса ҳар бир ходимни меҳнат фаолиятининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун белгиланган тариф (разряд) доирасида рағбатлантиришга имкон беради.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатлари асосида фаолият олиб бораётган ходим, одатда, мустақил равишда ўз касбий таълими учун тўловини ошираётган, у муайян касбий таълим муассасасини тамомлагандан кейин, олган малака даражаси учун камида унга кетган харажатларини қоплашади, деб кутиш мумкинлиги жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолда, у малака даражасини оширишдан кейин, иш фаолияти вақтидан ой сонига мос, қилинган харажатларнинг бир қисми сифатида, ходимнинг иш ҳақиға ойлик устаманингэнг кам миқдорини аниқлаш зарур ҳисобланади. Ходимнинг малака даражаси бўйича устама қиймати (ёки тариф коэффициенти) ўқитиш харажатларига тенг бевосита харажатларни ҳам, ўқитиш вақтида олинган билвосита харажатларни (ўтказиб юборилган имкониятлар) ҳам ҳисобга олиши ва доимий равишда аниқланиб, ҳисоб-китоб қилиниб борилиши керак.

Ўқув харажатларини ҳисобга олиш (кооператив ташкилотитомонидан ёки ўз ҳисобидан ўқишига тўлов қилаётган ходим) барча ҳақиқий (режали) ўқув харажатларини ҳисобга олиш ва уларни ўз вақтига келтириш йўли билан аниқланиши мумкин. Ўқув харажатларини ҳисобга олиш учун ҳудуддаги кооператив таълим муассасасида белгиланган ўқитиш нархларига эътибор қаратиш ва улар ўзгарганда ҳисоб-китобларни тўғрилаш зарур. Буни дисконтлаш асосида амалга ошириш мумкин, бу эса бошқа нарсалар қатори бозор иқтисодиётида муқаррар бўлган инфляцион жараёнларни ҳам ҳисобга олиш имконини беради.

5. Хулоса ва таклифлар.

Ходимнинг кооперация тизимда таълим ва малака даражасини ошириш учун энг муҳим рағбат – буюқори ижтимоий мақомни ва уларнинг сифат хусусиятларига мос келадиган лавозимни эгаллаш имкониятига бевосита боғлиқ бўлиши керак.

Айнан малакали ходимлар иш самарадорлигини оширишга хизмат қилишини ҳисобга оладиган бўлсак биз қуйидаги таклифларни бериб ўтмоқчимиз:

1. Фермер хўжаликларида тажрибали инсонларни яъни айнан шу соҳада билим олган ёки йиллар давомида тажриба оширган инсонларни жалб этиш;
2. Фермер хўжаликлари кооперациясида инновацион техникалардан фойдаланишни йўлга қўйиш, бу учун эса хожимларга ушбу техникалардан фойдаланиш йўллариини ўқитиш ва ўргатиш;
3. Кооперацияларни илм фан билан интеграциялаш ва кооперация остида ушбу йўналишда фаолият изланиш олиб бораётган олимларни ходим сифатида жалб этиш ва уларга имкониятлар яратиш, чет элда ўқиш имкониятларини яратиш;
4. Жамиятда фаолият юритаётган ходимларни малакасини текшириш ва маълум бир муддатда уларни қайта тайёрлаш учун ўқитиш.
5. Ходимларни ишга ёллаш, уларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизим ва стратегия тузиб унга амал қилиш.

Кадрларни тайёрлаш учун кооператив таълим муассасалари тизимидан фойдаланиб, кооперативлар иқтисодий ривожланиш режалари асосида талаб этиладиган мутахассисликлар бўйича турли даражадаги юқори малакали кадрлар тайёрлашни "бюджетма" қилишлари мумкин. Кооператив ташкилотлар йўналиши бўйича ўқийётган талабалар учун, томонларнинг муайян мажбуриятлари билан шартномалар тизими ишлаб чиқилган бўлиши керак, шу жумладан малакасини ошириш даврида

малакали ходимлар учун иш ўринларини "банд" қилиш, билим ва малака даражасини янада ошириш имконияти ва шу асосда мансаб поғонасида юқорига кўтарилиш ҳамда ўзининг молиявий ҳолатини яхшилаш лозим. Меҳнат жараёни тарафлари томонидан мажбурий ижро этилиши лозим бўлган шартномада назарда тутилган ушбу қоида малакали ходимнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақомини сезиларли даражада оширади.

Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, истиқболда республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ қайси йўналишда у ёки бу шаклдаги кооператив ташкил қилинмасин, уларнинг энг асосий таркибий аъзо (таъсисчи)лари мақомида фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари ҳал қилувчи рол ўйнаши лозим. Яъни, кооператив таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа барча йўналишлардаги ички кооператив бўлинмалари ва пайчи аъзоларининг моддий манфаатдорлигини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлигининг пировард натижаларига боғлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш талаб этилади.

Демак, республика аграр соҳасидаги таркибий-ташкилий ислохотларнинг кейинги босқичларида "ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги бирлашмаларида ихтиёрийлик ва пай асосида иштирок этиш тамойилларида мустақил ва ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг кооперацион бирлашиши институтини яратиш ва кенг қўллаш" стратегик вазибалардан эканлигини тан олган ҳолда кадрлар малакасини ошириш мақсадида тегишли дастурий чора-тадбирлар ва йўл хариталарини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш ва уларнинг инновацион ечимларини амалиётга тезкор татбиқ этиш тақозо этилади (Қарор, 2019).

Шу сабабларга кўра, аграр соҳада кластер тизимини ривожлантириш, ихтиёрийлик тамойили ва улушли пай механизми асосида кооперация муносабатларини кенг жорий этишни жадаллаштириш нафақат уларда иштирок этувчи хўжалик юритиш субъектларида инновацион модернизациялаш ва диверсификациялаш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш, шунингдек, аграр соҳа тармоқлари ва хўжаликларининг ўзаро боғлиқ фаолиятларида қўшилган қиймат яратиш захираларидан тўлиқ фойдаланиш, демократик (корпоратив) бошқариш тизимини шакллантириш, фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш-иқтисодий манфаатларини таъминлаш механизмлари, чора-тадбирлари ва илмий-амалий ечимларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш устувор аҳамиятга эга.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Pogodina T.V., Veselovsky M.Y., Abrashkin M.S., & Aleksakhina V.G. (2015) Improvement of the innovative capacity of a socioeconomic system based on the development of the cluster approach. *Asian Social Science*, 11(1), 304.

Uphoff N. (2019). *Improving international irrigation management with farmer participation: Getting the process right*. Routledge.

Бендик Н.В., Савченко А.В. (2019) Разработка модуля взаимодействия сельскохозяйственных товаропроизводителей с экспертами для платформы "Умный фермер 4.0". *Климат, экология, сельское хозяйство Евразии*, 197.

Тожибоева, Д. (2017). Фермер хўжаликлари самарадорлигининг илмий-назарий асослари. *Экономика и финансы (Ўзбекистан)*, (12), 10-18.

Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин май-донларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5199-сон. / Decree (2017) of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 9, 2017 No. DP-5199 "On measures to protect the rights and legal interests of farmers, peasant farms and landowners, and to fundamentally improve the system of effective use of agricultural land."

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги "Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4239-сон. / Resolution (2019) of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 14, 2019 "On measures to develop agricultural cooperation in the field of fruit and vegetable production" No. RP-4239.



ҲУДУДЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА МОЛИЯВИЙ САЛОҲИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Акромов Ғ.Б.

ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот маркази

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасини 2022-2026 йилларда барқарор ривожлантиришнинг Тараққиёт стратегияси мақсадларидан келиб чиқиб, ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришга эришишда уларнинг молиявий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўналишлари тадқиқ этилган. Шунингдек, ҳудудларда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятларининг мутаносиблигини тартибга солиш мезонлари таклиф этилган.

Калитли сўзлар: молиявий салоҳият, ўз маблағлари манбалари, мажбуриятлар, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик.

IMPROVING THE ANALYSIS OF FINANCIAL POTENTIAL TO ENSURE THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE REGIONS

Akromov G.B.

Research Center "Scientific basis and problems of economic development of Uzbekistan" under TSUE.

Abstract: This article discusses the directions for assessing and analyzing the financial potential of the regions in achieving economic development, based on the goals of the Development Strategy of the Republic of Uzbekistan in 2022-2026. Also, the criteria for regulating the ratio of own and borrowed funds of economic entities operating in the regions are proposed.

Key words: financial potential, sharecapital, liabilities, solvency, financial stability.

1. Кириш.

Республикаимиз ҳудудларини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда молиявий салоҳият таҳлилин тақомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш вазифаси янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида истиқболли йўналишлардан бири сифатида белгиланган (Фармон, 2022). Хусусан, Тараққиёт стратегиясининг 33-мақсадида: "Ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни 1,4 – 1,6 бараварга ошириш, 14 та ҳудуд бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилган беш йиллик ҳудудий дастурларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш рейтинг кўрсаткичлари «қониқарсиз» бўлган шаҳар ва туманлар бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, йирик саноат тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш, республика ҳудудлари ва хорижий мамлакатлар бизнес вакиллари ўртасида ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, ҳудудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилган (Фармон, 2022).

Корхона ўзининг моддий-техника базаси, меҳнат ресурслари ва айланма маблағларига эга бўлиши учун авваламбор, молиявий салоҳиятини шакллантириши зарур, бу хўжалик субъектини фаолият юритишининг асосий шarti ҳисобланади.

Мамлакатимиз ҳудудларининг молиявий салоҳиятини баҳолашда ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини тўлдиришда дастурий бюджетлаштириш тизими ва ташаббус тарзидаги бюджетлар тузиш амалиётига ўтилиши халқаро стандартлар талабларига мос келади.

«Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишда, истиқболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун уни комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш» муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган (Буранова, 2022).

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб шунини таъкидлаш зарурки, ҳудудларни барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш уларни иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса танланган мавзунинг долзарб эканлигидан далолат беради ҳамда бу борада чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Хўжалик субъектларида молиявий-иқтисодий ҳолат ва тўлов қобилияти таҳлилини такомиллаштириш масалалари республикамиз ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари олимлари томонидан муайян тадқиқот объектларига боғлаб ўрганилган.

Иқтисодчи олима Буранова (2022) ҳудудларнинг молиявий салоҳиятига қуйидагича муаллифлик таърифини келтирган: “Ҳудудларнинг молиявий салоҳияти – бу ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг бир қисми сифатида, давлат (маҳаллий бюджет даромадлари), хўжалик юритувчи субъектлар (қайта ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида қатнашадиган), молия-банк тизими институтлари (жалб қилинган ва ўз маблағлари) ва аҳоли (реал умумий пул даромадлари)нинг жами молиявий ресурсларни ташкил этиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси мақсадларига йўналтирилган, ҳозирги вақтда яратилаётган ва олдиндан тўпланган молиявий ресурслари йиғиндисидир”.

Бизнинг фикримизча, ҳудудларнинг молиявий салоҳияти деганда уларнинг ўз маблағлари ва мажбуриятлари билан узоқ муддатли ва жорий активларини қоплай олиш қобилияти, ҳудудларни барқарор ўсиши ва пировард натижада истиқболли ривожланишини таъминлашда молия бозори иштирокчилари, бюджет ва суғурта ташкилотлари, банк муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган таҳлилий амаллар, муолажалар тўплами тушунилади.

Хасанов ва бошқа (2019) олимлар молиявий салоҳиятни бухгалтерия балансининг пассив томонида аниқланишини таъкидлайдилар. Унинг таркибига хусусий капитал ва мажбуриятларни киритишни, хусусан улар ўртасидаги мутаносиблик коэффициенти 0,5 бўлиши мақсадга мувофиқлигини эътироф этадилар.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада ҳудудлар молиявий салоҳияти таҳлили бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Унда анализ, синтез, гуруҳлаш, таққослаш ва коэффициентлар каби усуллардан самарали фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Иқтисодий адабиётлар ва интернет ресурслари таҳлили шунини кўрсатадики, ҳозирги пайтда молиявий салоҳият тушунчасига турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, Жерлицин ва бошқалар (2019): “Молиявий салоҳият субъектнинг инвестицион салоҳияти ва имкониятларини рентабеллик, ликвидлик, тўлов қобилияти каби молиявий кўрсаткичлар ёрдамида акс эттиради. Хўжалик субъектининг рақобатбардошлиги унинг барқарор тўлов қобилиятида, шунингдек, ҳисоб-китобларни аниқ ташкил этиш ёрдамида иқтисодий фаолиятда зарур миқдордаги айланма маблағларнинг мавжудлигида намоён бўлади” деган таърифни келтирадилар.

Фикримизча, юқоридаги таъриф молиявий салоҳиятнинг фақат бир қисмини яъни инвестициялар билан боғлиқ жараёнларни қамраб олганлиги туфайли тўлиқ ва мукамал эмас деб ҳисоблаймиз.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳудуднинг молиявий салоҳиятини бошқариш стратегиясини шакллантириш механизми ҳар бир босқичнинг олдида аниқ вазифа қўйилишини, пировард натижада эса барча босқичлар бўйича мантиқий боғлиқлик ва кетма-кетликдаги вазифалар белгиланиши ҳамда уларнинг ижроси таъминланишини талаб қилади. Тадқиқот жараёнида ҳудуднинг молиявий салоҳиятини бошқариш стратегиясини шакллантириш босқичлари белгиланди:

- ҳудуднинг иқтисодий ва молиявий ҳолатини таҳлил ва прогноз қилишга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш;
- ҳудуднинг ўзига хос кучли ва заиф томонлари, имкониятлари ва иқтисодий хавф-хатарларини аниқлаш;
- ҳудуднинг ривожланишига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш;
- қулай ва манфаатли кредит ресурсларини жалб этишнинг манбаларини қидириш, молиявий ресурсларни тўплаш, шакллантириш ва тақсимлаш стратегияларини ишлаб чиқиш;
- ҳудудда пул оқимларини операцион, инвестицион, молиявий фаолият турлари ва солиқлар бўйича режалаштириш, шунингдек, молиявий рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- молиявий салоҳиятни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ва натижаларини мониторинг қилиб бориш.

Халқаро тажрибани таҳлил қиладиган бўлсак, АҚШнинг штатлари кесимида активлар ва мажбуриятлар мутаносиблиги аниқланиб, бухгалтерия баланси маълумотлари асосида бюджетни тўғри тақсимлаш ва мақсадли сарфлаш, шунингдек, бизнесни бошқариш учун хулосалар қилинади, стратегия ва дастурлар ишлаб чиқилади. Шуниси диққатга сазоворки, АҚШ штатлари балансининг актив қисмида пул маблағлари ва тез пулга айланувчан активлар биринчи бўлимдан жой олади. Шундан кейин узоқ муддатли қийин сотиладиган активлар баланс моддалари бўйича жойлаштирилади. Бундан кўзланган мақсад баланс ликвидлигини ҳисоблашни тезкорлигини таъминлашдан иборат.

Давлат(штат)нинг соф молиявий салоҳияти бухгалтерия балансининг активида акс эттирилган давлат активларини унинг мажбуриятлари билан солиштириш орқали аниқланади. Шуни таъкидлаш лозимки, бунда бухгалтерия баланси солиққа тортиш, тижоратни тартибга солиш ёки пул-кредит сиёсатини белгилаш бўйича ҳукуматнинг суверен ваколатларининг молиявий қийматини ёки ҳукумат бошқарувчи бўлган миллий ва табиий ресурслар каби ҳукуматнинг операцион бўлмаган ресурслари қийматини ўз ичига олмайди¹.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажми динамикаси таҳлилин кўриб чиқамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажми динамикаси таҳлили², млрд. сўм

Ҳудудлар	2017	2018	2019	2020	2021	2017 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўзгариши, %
Ўзбекистон Республикаси	317 476,4	424 728,7	529 391,4	602 193,0	734 587,7	231,4
Қорақалпоғистон Республикаси	10 855,1	15 703,5	19 715,0	21 881,0	26 250,7	241,8
Андижон	19 753,0	27 144,4	33 802,1	38 333,9	43 790,8	221,7

¹ Management's Discussion & Analysis. The Government's Financial Position and Condition. Official website of the United States Government. <https://www.fiscal.treasury.gov/reports-statements/financial-report/government-financial-position-and-condition.html>

² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. www.stat.uz

Бухоро	17 191,0	21 928,4	28 143,3	31 593,4	38 742,4	225,4
Жиззах	9 680,7	12 780,1	16 143,6	18 575,1	23 349,2	241,2
Қашқадарё	21 597,3	26 554,1	32 399,3	35 605,3	43 833,3	203,0
Навоий	14 681,5	22 677,2	36 661,9	50 605,8	59 357,7	4 марта
Наманган	15 311,1	18 916,1	23 920,9	28 077,4	34 479,8	225,2
Самарқанд	27 039,0	32 863,7	39 050,5	43 386,6	53 749,9	198,8
Сурхондарё	14 404,4	18 674,9	22 393,5	24 779,3	30 090,5	208,9
Сирдарё	6 799,6	8 594,2	11 949,2	12 928,3	15 583,1	229,2
Тошкент	29 092,8	40 219,2	55 306,5	65 243,8	82 148,4	282,4
Фарғона	20 749,2	27 663,1	32 737,8	37 560,2	47 331,9	228,1
Хоразм	12 008,1	15 977,2	19 241,1	21 467,9	26 900,3	224,0
Тошкент ш.	49 259,1	64 519,1	86 126,2	97 108,0	121 829,5	247,3

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда бўлгани каби, бухгалтерия балансида ҳам соф молиявий салоҳиятдаги ўзгаришлар махсус фондларга тегишли маблағлар билан боғлиқ қисмининг алоҳида тақдимотини ўз ичига олади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ҳукуматнинг молиявий салоҳиятни таъминлаш борасидаги рисклари балансида кўрсатилган мажбуриятлардан кенгроқдир. Ҳукуматнинг келажакдаги мажбуриятлари, ижтимоий суғурта, солиқлар ва фавқулодда ҳолатлар бўйича прогнозлари молиявий ҳисоботнинг алоҳида тушунтириш ва изоҳларида ёритиб берилди³.

Молиявий салоҳият борасида тадқиқотлар ўтказган Отажановнинг (2020) фикрича, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш учун яна бир кўрсаткични, яъни бюджет ва молиявий салоҳиятини аниқлаш лозим бўлиб, бу ҳудудларнинг инвестицияларни қайтариш имкониятини ва инвесторларни қизиқишини ортишига олиб келадиган кўрсаткич ҳисобланади.

Юқоридаги фикрларни эътироф этган ҳолда, ҳудуднинг молиявий салоҳиятини аниқлаш унинг бюджет-солиқ тизими билан монанд бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишлар бажариш соҳаларини қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида, ҳудуднинг ялпи ички маҳсулотини миллий ҳисоблар тизими орқали ҳисоблаш жараёнида маълумотларни ҳисоб-китоб қилишда такрорлаш ва қайтариш эҳтимолини камайтиришга эришилади. Бунда ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ҳамда хизматлар соҳасининг молиявий салоҳиятига баҳо бериш учун умумлаштирувчи кўрсаткичлар талаб этилади. Бундай ҳолатда инновацион салоҳият, бюджет ва молиявий салоҳият, ижтимоий салоҳият, ишлаб чиқариш ва молиявий салоҳият каби муҳим омилларни инвестиция салоҳияти нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу муносабат билан ялпи ҳудудий маҳсулот қийматини ҳисоблашда ҳудуднинг молиявий тизимида молиявий ресурсларни шакллантириш ва уларни инвестицияга йўналтириш муҳим аҳамият касб этади (1-расм).

³ Management's Discussion & Analysis. The Government's Financial Position and Condition. Official website of the United States Government. <https://www.fiscal.treasury.gov/reports-statements/financial-report/government-financial-position-and-condition.html>



1-расм. Худуднинг молиявий тизимида молиявий ресурсларни шакллантириш ва уларни инвестицияга йўналтириш чизмаси⁴

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳозирги пайтда ҳудудларнинг давлат бюджетидан молиялаштирилиши ва солиқлар ҳамда тўловларнинг йиғилиши бўйича молиявий салоҳият кўрсаткичларини ҳисобланмаётганлигини гувоҳи бўламиз. Мазкур бюджет ташкилотларининг молиявий салоҳиятини таҳлил қилиниши ҳудудларнинг мустақиллик даражасини ёки бюджетдан бериладиган дотацияларга тобелигини аниқлашга имкон беради.

Худуднинг молиявий салоҳиятини таҳлил қилишда аҳоли жон бошига тўғри келадиган муҳим кўрсаткичларни ҳисоблаш зарур. Бунда бухгалтерия ҳисоби ахборотлари билан биргаликда расмий статистик ахборотлардан фойдаланган ҳолда, ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини ифодаловчи қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаш лозим: ҳудуд бўйича аҳоли жон бошига ҳисобланган ўртача ва реал пул даромадлари, аҳолининг банклардаги депозитлари, аҳоли жон бошига депозитлар ва қимматли қоғозлар бўйича жамғармаларнинг динамикаси, аҳоли жон бошига нотижорат корхоналарнинг балансда акс этирилган молиявий натижаси, аҳоли жон бошига ҳудудий консолидациялашган бюджет даромадлари, аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар, аҳоли жон бошига хорижий инвестициялар оқими, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот.

Молиявий таҳлилда ҳудудий самарадорлик кўрсаткичлари тизимини баҳолашда рейтинг баллари ва ўринлар бўйича ранжирлаш усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил натижалари асосида ҳудуд бўйича субъектлар рейтинги аниқланади. Бироқ, таклиф этилаётган иккита усул ҳам ҳудудни бошқа ҳудуд билан солиштиришга имкон бермайди. Шу боисдан, ҳудудлараро қиёсий таҳлил қилинганида индекс усулидан фойдаланиш ижобий натижа беради, деб ўйлаймиз.

⁴ Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

5. Хулоса ва таклифлар.

Худудларнинг молиявий салоҳияти таҳлилини тадқиқ этиш натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, худудларнинг молиявий салоҳиятини аниқлаш ҳудудий баланс тузиш ва молиявий таҳлил ўтказишни талаб этади. Худудларда фаолият юритаётган замонавий хўжалик юритиш ва мулкчилик шаклларининг хусусиятларини инобатга олиб, ҳудудий ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашда миллий ҳисоблар тизими қоидаларига риоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур ҳисоб-китобларнинг ахборот манбаи бўлиб, шубҳасиз молиявий ҳисобот маълумотлари хизмат қилади.

2. Худудларда ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ҳамда хизматлар соҳасининг молиявий салоҳиятига баҳо бериш учун умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаштириш зарур. Шу мақсадда худудларнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти қийматини инновацион салоҳият, бюджет ва молиявий салоҳият, ижтимоий салоҳият, ишлаб чиқариш ва молиявий салоҳият каби муҳим омилларни инвестиция салоҳиятига боғлаб таҳлил қилиш тавсия қилинди.

Шу муносабат билан ялпи ҳудудий маҳсулот қийматини ҳисоблашда худуднинг молиявий тизимида молиявий ресурсларни шакллантириш ва уларни инвестицияга йўналтириш босқичлари ишлаб чиқилди. Молиявий ресурсларни инвестицияларга трансформациялашув даражаси ва бу жараёндаги харажатларни молиялаштириш манбалари туркумланди.

3. Молиявий таҳлилда ҳудудий самарадорликни аниқлашда рейтинг баҳолаш ва ўринлар бўйича ранжирлаш усулларида фойдаланиш тавсия этилган. Фикримизча, таклиф этилаётган иккита усул ҳам худудлараро таҳлил ўтказишга имкон бермайди. Шунининг инобатга олиб, худудларнинг молиявий салоҳиятини қиёсий таҳлил қилишда индекс усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Xasanov B.A., Raximov M.Y., Muqumov Z.A., Aliqulov A.I., Jumanova A.B., Xajimuratov N.Sh., Xasanova R.B. (2019) Moliyaviy tahlil. Darslik. – T.: - Iqtisodiyot, 736 b. / Khasanov B.A., Rakhimov M.Y., Muqumov Z.A., Alikulov A.I., Jumanova A.B., Khajimuratov N.Sh., Khasanova R.B. (2019) Financial analysis. Textbook. - T.: - Economy, 736 p.

Zherlitsyn D., Levytskyi S., Mykhailyk D., Ogloblina V. (2019) Assessment of Financial Potential as a Determinant of Enterprise Development. <https://ideas.repec.org/p/pramprapa/97069.html>

Буранова Л.В. (2022) Худудларнинг молиявий салоҳиятини баҳолаш орқали маҳаллий бюджет даромадларини мустаҳкамлаш масалалари (Сурхондарё вилояти мисолида). Иқт. фанл. бўйича фалс. докт. (PhD) диссер. автореферати. ТДИУ. /Buranova L.V. (2022) Issues of strengthening local budget revenues by assessing the financial potential of regions (in the case of Surkhandarya region). Iqt. science false on dr. (PhD) Dissert. abstract. TDIU.

Отажанов У. (2020) Ўзбекистон Республикаси худудларининг инвестиция муҳитини баҳолаш. "UzBridge" электрон журнали. I-сон. февраль, 46 – 58 саҳифалар. / Otajanov U. (2020) Assessment of the investment environment of the regions of the Republic of Uzbekistan. "UzBridge" electronic magazine. Number I. February, pages 46-58. www.uzbridge.eyuf.uz

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон. / Decree (2022) of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 "On the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026" No. DP-60. <https://lex.uz/docs/5841063>



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КАМБАҒАЛЛИКНИНГ ҚИСҚАРТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

и.ф.д., профессор Алимов Р.Х., Мусаева З.А.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: мақолада камбағаллик мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлиги, иш билан бандлик ва ишсизлик даражасига боғлиқлиги, даромадлар тенгсизлиги ва камбағалликнинг келиб чиқиш сабаблари изоҳлаб берилган. Асосий урғу истеъмол ва даромадлар ўртасидаги номутаносибликка қаратилган ва камбағалликни қисқартириш субъектив ва объектив жараёнлар таъсирида кечиши изоҳланган.

Калит сузлар: Камбағаллик, глобал қашшоқлик, пандемия, аҳоли бандлиги, иқтисодий ўсиш.

ANALYSIS OF FACTORS INFLUENCING THE REDUCTION OF POVERTY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

doctor of economics, professor Alimov R.Kh., Musaeva Z.A.

Tashkent State University of Economics

Abstract: In the article, poverty depends on the country's economic development, employment and unemployment levels, income inequality and the causes of poverty. The main emphasis is on the disparity between consumption and income, and it is explained that poverty reduction is affected by subjective and objective processes.

Keywords: Poverty, global poverty, pandemic, population employment, economic growth

1. Кириш.

Камбағаллик масаласи мураккаб кўп қиррали муаммо бўлиб, унинг сабаблари ҳам миллий, ҳам халқародир. Бу муаммонинг ягона ечими йўқ. Муаммони муайян давлатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда миллий даражада ҳал қилиш керак. Глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг халқаро интеграциялашуви ва кутилмаганда юзага келган пандемия маълум даражада аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди ва қашшоқликнинг кучайиши билан ажралиб турди. Мустақилликнинг дастлабки даврида аниқроғи 2020 йилгача бўлган даврда мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган қатлами тўғрисида тушунча ва уни аниқлаш тартиби тўғрисида сўз борар эди.

Мамлакатимизда 2020 йилдан бошлаб, биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида (2020) камбағал аҳоли мавжудлиги тўғрисида сўз юритила бошлади ва "Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўйбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир. Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усуллари қамраб олган янги методологияни яратиш лозим" - деб таъкидланди.

Бу эса ўз навбатида, ушбу соҳа йўналишида илмий тадқиқотлар олиб боришни илмий асосланган тушунчалар ва тадқиқот ҳамда таққослаш учун эмпирик маълумотлар базаларининг этишмаслиги оқибатида қийинлаштиришдан далолат беради. Фақат

кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу муаммонинг назарий жиҳатларига бағишланган ишлар пайдо бўла бошлади. Камбағаллик муаммосини ҳал қилишнинг долзарблиги ва аҳамияти бу муаммонинг миллионлаб юртдошларимиз ҳаётига таъсир қилиши билан тасдиқланади. Бундан ташқари, бу борада Кныazhansky (2002) “Дунёда камбағаллик кўлами таъсирли бўлиб, дунё аҳолисининг бештадан тўрттаси камбағал” – деб таъкидлайди.

Яқинда глобал қашшоқлик пандемиядан олдинги пасайиш траекториясини тиклаган бўлса-да, пандемия ва Украинадаги урушнинг давом этаётган оқибатлари туфайли COVID-19 прогнозларига қараганда 2022 йилда 75 миллиондан 95 миллионгача кўшимча одам ўта қашшоқликда яшаши мумкин¹. Жаҳон банки томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги инқирозларнинг оқибатлари аксарият мамлакатларда 2030 йилгача деярли сезилади. Бундай шароитда пандемиядан олдин хавф остида бўлган глобал мутлақ қашшоқлик даражасини 2030 йилгача 3 фоиздан камроқ даражага етказиш мақсади, агар мамлакатлар тезкор, муҳим ва жиддий сиёсат чораларини кўрмаса, энди эришиб бўлмайди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Камбағалликнинг умумий тушунчаси ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш ва тўлиқ яшаш учун зарур воситаларни олиш имкониятига эга бўлмаган шахс ва унинг оиласи ижтимоий-иқтисодий аҳволи сифатида белгиланиши мумкин. Мутлақ ва нисбий қашшоқлик тушунчалари мавжуд².

Мутлақ қашшоқлик концепцияси қашшоқлик чегараси концепциясига асосланади, ундан пастроқ бўлган даромад даражаси бу одамлар гуруҳини камбағал деб таснифлаш имконини беради. Қашшоқлик чегараси миллий ва халқаро миқёсда белгиланади (Батракова, 2011). Миллий миқёсда бу ҳаёт учун энг зарур бўлган товарлар ва хизматлар тўпламини сотиб олиш имконини берувчи яшаш учун иш ҳақи бўлиши мумкин. Халқаро миқёсда, 2008 йилгача Жаҳон банки қашшоқлик кўрсаткичини ҳар бир оила аъзоси учун кунига 1 АҚШ доллари деб белгилаган. 2008-йилда бу кўрсаткич кунига 1,25 АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлса (Аксенова, 2014), 2015-йил октябр ойидан бошлаб нархлар ва харид қобилиятининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда жаҳон қашшоқлик даражаси кунига 1,9 доллар этиб белгиланди³. Мутлақ қашшоқлик концепцияси доирасида қашшоқликни камайтириш учун кураш - бу имкон қадар кўпроқ одамларга оддийгина яшаш ва асосий эҳтиёжларни энг минимал даражада таъминлаш имкониятини бериш истаги.

Яна бир кенг тарқалган ёндашув нисбий қашшоқлик тушунчасидир. Юқорида айтиб ўтилган мутлақ қашшоқлик ёки харид қобилияти паритети (ППП) бўйича кунига 1,9 доллардан паст қашшоқлик билан бир қаторда Жаҳон банки ўртача даромади паст бўлган мамлакатлар учун кунига 3,2 АҚШ доллари ва ўртача даромаддан юқори бўлган мамлакатлар учун 5,5 АҚШ доллари миқдорида халқаро қашшоқлик чегарасини белгилайди. бир кун PPP. Кўпгина Европа давлатлари ўз сиёсатларида нисбий қашшоқлик тушунчасига асосланади. Масалан, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти методологиясига кўра, кам таъминланганлар деганда даромадлари жамиятнинг ўртача даромадининг 60% дан паст бўлган, яъни маълум миқдор бўлган, мамлакат аҳолисининг ярмининг даромади юқори бўлган одамлар тушунилади. ундан, иккинчи ярми эса пастроқ. Ушбу концепция доирасида, бой мамлакатларда қашшоқликка қарши кураш камбағалларни янада муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлашдан кўра, бойлик тенгсизлигини юмшатишга қаратилган.

Қашшоқликни бартараф этиш бўйича жаҳон амалиётида аҳолининг кам таъминланган қатламига давлат томонидан инсоннинг муҳим эҳтиёжларини қондириш ва инсон салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ижтимоий имтиёزلардан фойдаланишнинг маълум кафолатлари тақдим этилади. Жумладан, бандлик имкониятлари ва ижтимоий ёрдам, бепул тиббий хизмат ва таълим олиш, давлат хизматларидан (сув, иссиқлик, электр энергияси, газ ҳамёнбоп нархларда) фойдаланиш имконияти (Проказина, Галаева, 2021).

¹ <https://www.worldbank.org/en/topic/poverty/overview#1>

² <https://review.uz/post/borba-s-bednostyu-nachinaetsya-s-mest>

³ Обзор международной практики методов оценки многомерной бедности. http://www.cisstat.org/life_quality/04_method_lg.pdf

Шу муносабат билан Ўзбекистонда камбағаллик даражасини аниқлаш учун нафақат пул кўринишидаги даромадларнинг реал даражасини, балки бошқа мезонларни ҳам, жумладан, бепул тиббий хизматдан фойдаланиш, ўрта таълим, солиқ имтиёзлари, коммунал тўловлар, аҳолининг ижтимоий тўловлар, шунингдек, аҳолининг ижтимоий тўловларини ҳисобга олиш, шунингдек, бошқа мезонларни ҳам баҳолаш зарур. вояга этмаган оила аъзолари ва бошқалар учун ижтимоий нафақалар.

3. Тадқиқот методологияси.

Илмий тадқиқот давомида илмий абстракциялаш, анализ ва синтез усулларидан самарали фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Қашшоқлик ҳам техник, ҳам иқтисодий тараққиётга (савдонинг торайиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ўсиш суръатларининг пастлиги ва бошқаларни билдиради) ҳамда ижтимоий (турмуш даражасининг пастлиги, ижтимоий фаровонликнинг йўқлиги) ва ҳоказоларга тўсиқдир. Албатта, қашшоқлик уят эмас, аммо бу қадимдан мавжуд ибора бўлиб, ҳозирги кун талабидан келиб чиқадиган бўлсак, айниқса, миллий миқёсда келганда, у аҳоли ўртасида камситилиши мумкин бўлган тушунчани ифода этади. Зеро, фуқароларнинг даромад даражаси давлатнинг дунёдаги ўрнини белгилайди. Шунинг учун бу муаммони ҳал этиш давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланиши лозим.


Бу борада мамлакатимиз Президентининг 18 февралдаги қарори билан ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни самарали қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида Маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Ушбу ташкил этилган вертикал тизимда, маҳалла, туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни камайтиришга масъул лавозимлар жорий этилди. Ҳукумат тузилмасига Бош вазирнинг молия-иқтисодий масалалар ва қашшоқликни қисқартириш бўйича ўринбосари лавозими киритилди.

“Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг 12-15 фоизи ёки 4,5-5 миллиони қашшоқликда. Демак, уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмайди. Ёки, масалан, оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, бироқ бир киши касал бўлиб қолса, оила даромадининг камида 70 фоизи даволанишга кетади”. Бундай оилани фаровон дейиш мумкинми? Президент сифатида мени ҳар куни халқимизнинг озиқ-овқат, даволаниш, ўқиш, болалар кийим-кечак каби ҳаётий эҳтиёжларига етарли маблағ борми? - деган бир савол ташвишга солмоқда. “Қашшоқликнинг қисқариши иш ҳақи ёки нафақаларнинг кўпайиши, оммавий кредитлар берилишини англатмайди (Мурожаатнома, 2020). Энг аввало, аҳолини касб-хунарга ўргатиш, молиявий саводхонлигини ошириш, аҳолини тадбиркорлик билан шуғулланишга рағбатлантириш, инфратузилмани, таълим ва даволаш сифатини яхшилаш, манзилли имтиёзлар тизимини жорий этиш зарур” (Қарор, 2020).

Албатта, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш муқаррар равишда қатор ижтимоий муаммолар ва салбий ҳодисалар билан кечади. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, ҳозирги кунда мамлакатдаги бундай ижтимоий вазиятнинг ҳал қилувчи омилларидан бири жамиятнинг мулк, даромад даражаси, ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш (таълим, соғлиқни сақлаш, дам олиш ва бошқалар) бўйича қарама-қарши табақаланишидир. 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси даромадларини аҳолининг 10 фоизли гуруҳлари бўйича нотекис тақсимланиши бўйича Давлат статистика қўмитаси маълумотларига эътибор қапратадиган бўлсак, Республиканинг энг бадавлат фуқароларининг 10 фоизининг ўртача пул даромади энг кам даромадли фуқароларнинг 10 фоизининг даромадидан 26,6 %ни, 2021 йилда эса ушбу кўрсаткич 19,2 %ни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Бу ўз навбатида аҳоли даромадларининг 10% ли гуруҳлар бўйича дифференциация коэффицентини мос равишда 13,7 %дан 6,8 %га туширилганидан далолат беради.

Аслини олганда 2019 йилда аҳоли даромадларининг 10% ли гуруҳлар бўйича дифференциация коэффицентини 6,0 %га тенг бўлиб, кутилмаганда бутун дунёда юзага келган пандемия таъсири 2020 йилда ушбу кўрсаткични 0,9 %га ошишига олиб келиб, 6,9 %га етди. Бу эса ўз навбатида бой ва камбағал ўртасидаги фарқни нафақат кенгайтириб, балки ўсишга ҳам сабаб бўлди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши даражасининг жорий қилинган карантин натижасида пасайиши аҳоли бандлигига

кескин салбий таъсир кўрсатди. 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг бандлик даражаси 68,1 %га тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 66,0 %га тушиб қолди.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлиги⁴

1-расмда келтирилган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2000 йилда Ўзбекистон Республикасида иқтисодийда бандлигини 12469,0 минг кишини ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич ўтган 20 йил мобайнида 35,5 % ошиб 19345,0 минг кишини ташкил этди. Аммо бу вақт оралиғида Республикада аҳоли сонини ўсишига эътибор берадиган бўлсак, 2000-2021 йилларда 38,2 фоиз ошган бўлиб, бу ўз навбатида аҳоли бандлигини тавъминлашда маълум бир камчиликларга йўл қўйилганлигини аниқлаш мумкин. Шунингдек, кузатилаётган вақт оралиғида базис йилга нисбатан аҳолининг фаоллик даражаси 4,4 %га ошиб 74,1 %ни ташкил этган.

Аммо пандемия шароитида иқтисодий тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш 2021 йилда аҳоли бандлигини 2019 йилга нисбатан 0,9 фоизга ошириш имконини берди (Фармон, 2020). Таҳлиллар шундан далолат берадики, кичик шаҳарларда кузатилаётган оилавий ишсизликнинг тарқалиши хавфли бўлиб, оилада камида битта ишсизнинг бўлиши қашшоқлик хавфини 50% га оширади. Ўзбекистон Республикасидаги қашшоқликнинг асосий манбаи, бошқа ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, ҳудудлар ўртасида нотекис тақсимот, улар ўртасидаги тафовутнинг сақланиб қолаётганлиги ва меҳнат бозорида иш ҳақи ҳамда меҳнатнинг ҳақиқий қиймати ўртасидаги номувофиқликдир.

2000-2021 йилларда аҳоли жон бошига даромадлар, иш ҳақи ва пенсияларнинг йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияларини кузатиш мумкин. Аммо сўнгги йилларда даромадларнинг таркибидаги асосий манбалардан ҳисобланган иш ҳақи ҳамда пенсияларнинг ўсиш суръатлари пасайган бўлиб, бу ҳолат аҳолининг умумий даромадларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган (1-жадвал).

1-жадвал.

2000-2021 йилларда Республика аҳолиси даромадлари, иш ҳақи ва пенсиялар⁵


Кўрсаткичлар номи / йиллар	2000	2005	2010	2015	2020	2021
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм	96,4	371,8	2192,8	5410,6	12125,6	14769,0
Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиши (%)	124,7	117,4	120,1	107,7	98,6	109,9

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Йиллик ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи, минг сўм	13,58	81,5	504,8	1064,2	2227,1	3214,8
Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиши (%)	146,0	138,7	129,4	121,4	113,1	104,8
Белгиланган ўртача пенсия миқдори, минг сўм	7,4	31,7	171,9	438,2	848,5	985,7
Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиши (%)	152,0	143,5	125,9	108,4	115,7	116,2

Камбағаллик даражасига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири бу аҳоли ихтиёрида қоладиган даромадлардир. 2021 йилда аҳоли жон бошига умумий даромадлар 2000 йилга нисбатан 153,2 баробарга ошди (2000 йилда у 96,4 миинг сўм; 2021 йилда - 14769,0 минг сўм;), бу даврда йиллик ўртача номинал иш ҳақи базис йилга нисбатан 236,7 баробарга ошиб 3214,8 минг сўмга тенг бўлди. Даромадларнинг ўсиш суръатлари пасайган бўлса-да, уларнинг мутлақ ўсиши Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатди. 2000-2021 йиллар давомида аҳоли жон бошига реал даромад ўртача 7,9 баробар ошиб 13325,8 минг сўмга етганлигини таъкидлаш мумкин (2-расм).




2-расм. Фойдаланилган реал даромаднинг йиллик фоиз ўзгариши⁶

Аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан бир вақтда мамлакатимизда истеъмол товарларининг маҳаллийлаштирилиши ҳамда уларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароитлар яратиб келинмоқда. Шунингдек, аҳолининг истеъмол харажатлари таркиби йилдан-йилга оптималлашиб, озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар барқарорлашиб, ноозиқ-овқат ва хизматларга қилинаётган харажатлар улуши ортиб бормоқда. Натижада аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлиги (100 та уй хўжалигига) 2010 йилда телевизор 132 та, музлатгич 99 та, шахсий компьютер 12 та ва енгил машина 21 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич телевизор 170 та, музлатгич 114 та, шахсий компьютер 63 та ва енгил машина 53 тага етди.

Бироқ, ҳар бир уй хўжалигига тўғри келадиган ўртача ойлик даромад тўғрисида маълумотлар йўқлиги сабабли, жамиятдаги тенгсизликнинг ўзгариши ҳақида хулоса чиқариш мумкин эмас. Ахир ўртача даромаднинг ўсиши билан камбағалликнинг асосий кўрсаткичлари мезонлари ортади, шунинг учун агар "асосий" даромад бойлар қўлида

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

тўпланган бўлса, нотекис тақсимот атижасида фақат Ўзбекистон Республикаси камбағаллигини чуқурлаштиради. Жаҳон Банки тавсиясига кўра кунлик 2100 ккал дан келиб чиқиб ҳисобланган кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи 2000 йилга нисбатан 2021 йилда 17,7 фоизга камайган (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикасида кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи⁷

Расмий статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашда сезиларли ютуқларга эришилди. Хусусан камбағаллик даражаси 2000 йилдан бери икки баробарга камайиб, 2000 йилдаги 28% дан 2019 йилда 11% га тушди⁸. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасида кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи 2019 йилда 11,0 % деб келтирилган ва пандемия таъсирида бу кўрсаткич 11,5 %га тенг бўлган. Бундан кўринадики, расмий маълумотга эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичини камбағаллик даражасига тенглаштирилганлигини кўриш мумкин. Аммо, 2020 йилнинг 27 феввалида камбағалликни қисқартириш юзасидан бўлиб ўтган видео селекторда Президент Мирзиёев (2020) “Мамлакатимиз аҳолисининг 12-15 %и ёки 4-5 миллион аҳоли камбағаллик шароитида эканлигини” - таъкидлади.

Ушбу фикр-мулоҳазалар таҳлили шундан далолат берадики, мамлакатимизда камбағаллик даражасини аниқ баҳолаш тизими, унинг мезонлари ва таъсир этувчи омиллар тўпламини аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш муаммосини мавқудлигини келтириб чиқариб, бу борада илмий тадқиқот ишларини олиб боришни талаб этади.

Олиб борилган таҳлил натижаларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида фойдаланилган реал аҳоли даромадининг йиллик фоиз ўзгариши(2-расм) мамлакатда кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичини пасйишига олиб келишини кўрсатди. Эътибор қаратадиган бўлсак, аҳоли даромадининг ошиши аҳолининг 2-тоифага(узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар) тегишли маҳсулотларга бўлган истеъмол даражасини ошганлигида кўриш мумкин. Ушбу жараёндан келиб чиққан ҳолда истеъмол камбағаллик даражасига қандай таъсир қилишини кўриб чиқайлик. Бунинг учун дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг якуний истеъмол ва жамғарма маълумотларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир (2-жадвал).

2-жадвал.

Жорий нархларда якуний истеъмол ва жағарма (млрд. сўм)⁹

№	Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2020	2021
1.	ЯИМ	3255,6	15923,4	78936,6	221350,9	602551,4	734587,7
2.	Якуний истеъмол харажатлари	1912,3	6739,2	38510,2	89737,3	184692,7	220682,0
3	Ялпи жамғариш	465,0	2989,4	24121,3	79607,0	230392,3	294978,7

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

⁸ Ўзбекистонда камбағаллик даражаси ва уни ўлчаш борасида миллий стратегия ишлаб чиқилади. <https://yuz.uz/news/ozbekistonda-kambagallik-darajasi-va-uni-olchash-borasida-milliy-strategiya-ishlab-chiqiladi>

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилдаги якуний истеъмолига тўғри келадиган жами харажатлар - 19,7 % га, 2005 йилда - 30,7 % ва ниҳоят - 2021 йилда - 57,7 %га тенг бўлиб, мос равишда 1912,3 млрд. сўм, 15923,4 млрд. сўм ва 220682,0 млрд. сўмга тенг бўлганлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида, мамлакатда камбағалликнинг қисқариши, истеъмол даражасининг ошиши билан тўғри пропорционал эканлигини кўрсатади.

Истеъмолнинг камбағалликка таъсирини таҳлил қилиш учун ЯИМ таркибида хусусий истеъмолнинг улуши каби кўрсаткич таъсирини кўриб чиқамиз. Камбағаллик даражаси ва хусусий истеъмол улушининг ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик тескари бўлади, яъни истеъмол улуши ошганда, қашшоқлик даражаси пасаяди. Бунинг учун келинг, узоқ муддат фойдаланиладиган буюмларга нисбатан шахсий истеъмол сифатида шахсий компьютер - ShK ва KD - камбағаллик даражаси ўртасидаги оддий чизикли регрессия моделини қурайлик. Бунинг учун ҳар икки кўрсаткични 2000-2021 йиллардаги статистик маълумотларидан фойдаланамиз ва бундан қуйидаги чизикли тенгламани ҳосил қиламиз:

97-3729303

$$KD = 18,16 - 0,12 * ShK (1)$$

Олинган натижаларга кўра, танланган омиллар тўғри танланганлигини *детерминация* коэффиценти $R^2=0,94756$ га тенглиги билан тасдиқланади Шундай қилиб, истеъмол ва камбағаллик ўртасидаги тескари боғлиқлик ҳақидаги фаразимиз тасдиқланди: хусусий истеъмол улуши 1% га ошганда, қашшоқлик даражаси 0,12% га камаяди. Ушбу регрессия моделининг мослигини текширишда биз F - Фишер тестининг қуйидаги ҳисобланган қийматини оламиз: $F_{\text{хис}}=180,7$ га тенглигидан $df=k_1=10$ ва $k_2=1$ ҳамда $\alpha=0,05$ бўлганда $F_{\text{жад}}=0,2014$; $F > F_{\text{жад}}$ шарт қаноатлантиргани учун аҳамиятлик экани маълум бўлади. Бу эса бизга тузилган моделнинг ҳақиқатга мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Энди b_0 ва b_1 параметрларининг аҳамиятлилигини текшириш учун t -статистика кўрсаткичларини ҳисоблаймиз ва $t_0=45,47$ ҳамда $t_1=|-13,44|$ тенглигига кўра, $df=10$ ва $\alpha=0,05$ бўлганда $t_{\text{жад}}=2,23$; $t > t_{\text{жад}}$ шарт бажарилгани учун параметрларнинг ҳам аҳамиятлилиги келиб чиқади.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳам камбағаллик даражасига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади. Ушбу таъсирни аниқлаш учун биз ялпи ички маҳсулот таркибида уларнинг улуши кўрсаткичидан фойдаланамиз. Ушбу кўрсаткичлар ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд: ялпи инвестициялар (I) фоизининг ошиши камбағалликни (KD) камайтиради. 2010-2021 йиллардаги танланган омиллар бўйича статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда қуйидаги моделни ҳосил қиламиз:

$$KD = 18,397 - 0,068 * I \quad (R^2 = 0,8728) (2)$$

яъни инвестициялар улуши 10 %га ошганда, камбағаллик даражаси 0,7 %га камаяди. Ушбу регрессия моделининг мувофиқлигини текширишда биз Фишернинг F - тестининг қуйидаги ҳисобланган қийматини оламиз: $F_{\text{хис}}=8,73$. тенглигидан $df=k_1=10$ ва $k_2=1$ ҳамда $\alpha=0,05$ бўлганда аҳамиятлилик даражаси учун критик қиймат $F_{\text{жад}}=0,2014$; $F > F_{\text{жад}}$ шарт бажарилгани учун тенглама аҳамиятлик. b_0 ва b_1 параметрларининг аҳамиятини текшириш учун t -статистика кўрсаткичларини ҳисоблаймиз: $t_0=10,1$ ва $t_1=|-2,955|$. Иккала кўрсаткич ҳам $t_{\text{жад}}=2,23$; $t > t_{\text{жад}}$ дан катта, шунинг учун ҳисобланган b_0 ва b_1 ϵ параметрлари статистик аҳамиятга эга.

Агар бу инвестициялар "инсон капитали"ни шакллантиришга (хусусан, таълимни ривожлантиришга) йўналтирилган бўлса, бу таъсирни бошқа мамлакатлар тажрибаси билан изоҳлаш мумкин. Агар инвестициялар ишлаб чиқаришга йўналтирилса, у ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига ҳисса қўшади, бу эса ўз навбатида уй хўжалиқларининг даромадларини оширади (эҳтимол, иш ҳақини ошириш орқали) ва камбағалликни камайтиради. Инвестицияларни иқтисодиётга кириб келиши ўз навбатида, янги корхоналарни ишга туширилишига ва янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга ҳамда ишсизликни камайтишига олиб келади. Шу маънода, кейинги таҳлилда ишсизлик даражаси - ID ни ҳам камбағаллик даражаси - KD га таъсир қилишини кўришимиз мумкин:

$$KD = 17,48 + 0,65 * ID \quad (R^2 = 0,8728) \quad (3)$$

Шундай қилиб, 2010-2021 йиллар оралиғида маълумотларга кўра, расмий ишсизлик даражасини 1% га камайтирилса, камбағаллик даражаси 0,65 %га камайиши аниқланди. Ушбу моделнинг ишонли ва адекватлиги $F_{\text{хис}}=8,223$ ва $F_{\text{жад}}=0,2014$; $F > F_{\text{жад}}$ тенгсизликни ҳамда $t_0=11,1$ ва $t_1=|-2,87|$ бўлганда $t_{\text{жад}}=2,23$; $t > t_{\text{жад}}$ шарт бажарилганлигидан кўриш мумкин.

Албатта, аҳоли бандлиги таъминланар экан, бу ўз навбатида аҳолини иш ҳақи билан таъминлаш уларнинг даромадини оширишга ва пировардида камбағалликни қисқартиришга олиб келади. Бунинг исботини кўриш учун шш ҳақининг ўзгаришининг камбағалликка таъсирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида келтирилган 2-жадвалда келтирилганидек, номинал ўртача иш ҳақи 2000-2021 йиллардаги уй хўжаликлари даромадлари таркибида иш ҳақининг улушини ортиб борганлигини кўриб чиқдик. Шунга биноан 2010-2021 йилларда берилган ҳар икки кўрсаткич, яъни иш ҳақи (IH) ва камбағаллик (KD) ўртасидаги боғлиқликни топамиз. Унга кўра, қуйидаги моделга эга бўламиз:

$$KD = 16,4 - 0,62 * IH \quad (R^2 = 0,8614)$$

Ушбу моделга кўра, ялпи ички маҳсулот таркибида иш ҳақининг улуши 1 фоизга ошганда, қашшоқлик даражаси 0,62 фоизга камаяди. Ушбу регрессия моделининг мувофиқлигини текширишда юқорида келтирилганидек, Фишернинг F -тестининг қуйидаги ҳисобланган қийматини оламиз: $F_{\text{хис}}=19,554$ тенглигадан $df=k_1=10$ ва $k_2=1$ ҳамда $\alpha=0,05$ бўлганда аҳамиятлилик даражаси учун критик қиймат $F_{\text{жад}}=0,2014$; $F > F_{\text{жад}}$ шарт бажарилгани учун тенглама аҳамиятли. b_0 ва b_1 параметрларининг аҳамиятини текшириш учун t-статистика кўрсаткичларини ҳисоблаймиз: $t_0=19,86$ ва $t_1=|-4,42|$. Иккала кўрсаткич ҳам $t_{\text{жад}}=2,23$; $t > t_{\text{жад}}$ дан катта, шунинг учун ҳисобланган b_0 ва b_1 параметрлари статистик аҳамиятга эга.

Энди иқтисодий ўсиш камбағалликни камайтиришга қандай таъсир қишини кўриб чиқамиз. Бу таъсир камбағаллик ва тенгсизликнинг дастлабки даражасига, географик ўлчовларга ва унга қарши курашнинг сиёсий ва иқтисодий воситаларини танлашга боғлиқ. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2010-2021 йиллардаги ўртача иқтисодий ўсиш 106,2 %ни ташкил этди ва камбағалликни камайтиришга ижобий таъсир кўрсатди

$$KD = 23,51 - 0,45 * ID \quad (R^2 = 0,72672)$$

Шундай қилиб, 2010-2021 йиллар оралиғида маълумотларга кўра, иқтисодий ўсиш даражасини 1% га оширилса, камбағаллик даражаси 0,45 %га камайиши аниқланди. Ушбу моделнинг ишонли ва адекватлиги $F_{\text{хис}}=3,52$ ва $F_{\text{жад}}=0,2014$; $F > F_{\text{жад}}$ тенгсизликни ҳамда $t_0=15,2$ ва $t_1=|-7,17|$ бўлганда $t_{\text{жад}}=2,23$; $t > t_{\text{жад}}$ шарт бажарилганлигидан кўриш мумкин.

5. Хулоса ва таклифлар.

Камбағаллик муаммоси миллий чегаралар билан чегараланиб қолмайди ва ҳар бир давлат бу муаммони ўзига хос усул ҳамда чора-тадбирлар билан енгиб чиқади. Ўзбекистон Республикасида камбағалликдан чиқиш дастурини амалга оширишда, албатта, дастлабки шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини ва камбағаллик сабабларининг "индивидуаллигини" ҳисобга олиш керак. Шу билан бирга, муайян иқтисодий жиҳатлар (жумладан, нақд пул ёки бошқа имтиёзлар тўлаш; даромадларни қайта тақсимлаш, манзилли ёрдам кўрсатиш масалаларида) бўйича жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш зарур.

Мамлакатимизда камбағалликни бартараф этиш муаммоси нафақат камбағалларга моддий ёрдам бериш, балки ташаббускор, иқтидорли, ташаббускорларга бозор ижодкорлиги учун жой бериш орқали омманинг самарали сифатли меҳнатини рағбатлантиришдир. Ўзбекистон Республикаси учун истиқболли йўналиш бу "инсон капитали"ни шакллантиришга ҳисса қўшадиган саноатга инвестицияларнинг ўсишига ёрдам берувчи меҳнатни рағбатлантиришнинг чуқур механизмларини ишлаб чиқишдир. Бунда таълим мамлакатнинг узоқ муддатли барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, демак, фуқаролар фаровонлигининг ҳақиқий омилига айланиши керак. Шундай қилиб,

Ўзбекистон Республикасида камбағаллик муаммосини бартараф этишнинг асосий йўллари сифатида қуйидагиларни келтириш бизнингча ўринли:

1) ишлаб чиқариш соҳасида - мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш, интеллектуал компонентнинг ролини ошириш, техник базани модернизация қилиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, асосий фондларни янгилаш, бизнесни рағбатлантириш, хусусий секторни ривожлантириш ва бошқалар;

2) тақсимлаш соҳасида - миллий солиқ тизими, турли субсидия дастурлари ва бошқаларни қўллаш орқали даромадларни адолатсиз тақсимлашни камайтириш;

3) ижтимоий соҳада - ижтимоий сўғурта, ишсизлик ва ногиронлик бўйича нафақалар, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, болали оилаларга давлат ёрдами; пенсия таъминоти ва бошқалар;

4) даромадлар соҳасида - иш ҳақи даражасини ва унинг Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги улушини ошириш, бандликдан олинмаган даромадларнинг барқарорлигини, иш ҳақи бўйича қарзларнинг йўқлигини таъминлаш, даромаднинг минимал даражасини кафолатлаш, интеллектуал салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда турли соҳаларда иш ҳақини табақалаштириш лозим.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Кныазhанскy V. (2002) Four out of five are poor // Day.

Аксенова Т.Н. (2014) Бедность: экономическая природа, концепции, оценка // Современные проблемы науки и образования. № 5; / Aksenova T.N. (2014) Poverty: economic nature, concepts, assessment // Modern problems of science and education. No. 5; URL: <https://science-education.ru/ru/article/view?id=15285>

Батракова Л.Г. (2011) Основные концепции оценки бедности населения // Ярославский педагогический вестник. №3. / Batrakova L.G. (2011) Basic concepts for assessing the poverty of the population // Yaroslavl Pedagogical Bulletin. N 3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-kontseptsii-otsenki-bednosti-naseleniya> (дата обращения: 22.06.2022).

Мирзиёев Ш. (2020) 2020 йил 27 февраль куни “Тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар” бўйича видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. / Mirziyoev Sh. (2020) Paper presented at the video selector meeting on "Measures to reduce poverty through entrepreneurship development" on 27 February 2020. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/02/27/qashshoqlik/>

Мурожаатнома (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / Address (2020) Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis on January 24, 2020. <https://uza.uz/uz/politics/>.

Проказина Н.В., Галаева Т.М. (2021) Бедность как объект социологического анализа: теоретические подходы и эмпирические измерения // Научный результат. Социология и управление. Т. 7, № 1. С. 70-85. / Prokazina N.V., Galaeva T.M. (2021) Poverty as an object of sociological analysis: theoretical approaches and empirical measurements // Scientific result. Sociology and management. T. 7, No. 1. p. 70-85. DOI: 10.18413/2408-9338-2021-7-1-0-6, URL: <http://rrsociology.ru/journal/article/2345/>.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон. / Decree (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 3, 2020 No. DP-5978 "On additional measures to support the population, economic sectors and business entities during the coronavirus pandemic".

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4804-сон. / Resolution (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated August 11, 2020 No. RP-4804 "On additional measures aimed at attracting poor and unemployed citizens to entrepreneurship, increasing their labor activity and vocational training, and ensuring employment of the population." <https://lex.uz/docs/4945748>



ИСЛОМ МОЛИЯСИ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЙЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Аминова Н.У.

Тошкент молия институти

Аннотация: Мақолада ислом молияси тамойиллари асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг хориж тажрибаси органилган. Бугунги кунда ислом молияси активлари ҳаракати соҳалар кесимида таҳлил қилинган. Исллом лomiaси тамойиллари асосида инвестития лойиҳаларини молиялаштиришга доир халқаро ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилган. Мамлакатимизда ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича асослантилган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда мамлакатимизда қўллаш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Исллом молияси, сукук, ислом фондалари, молия бозори, аксия, облигасия.

ANALYSIS OF THE IMPACT OF THE FINANCIAL MARKET ON THE INVESTMENT ENVIRONMENT OF OUR COUNTRY

Aminova N.U.

Tashkent institute of finance

Annotation: The article examines the views of the world's leading scientists on the investment climate in our country and the impact of financial markets on it. The current state of the financial market in our country was also analyzed. In particular, the stock market was analyzed on the basis of statistical data on the movement of the corporate bond market by regions. Substantiated conclusions and proposals have been developed to reveal the positive role of the financial market in the investment climate in our country, as well as recommendations for its application in our country.

Keywords: Investment climate, financial market, stocks, bonds, joint stock companies, securities.

1. Кириш.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этиш даражаси ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромаднинг юқорилиги билан боғлиқ энг муҳим кўрсаткичлар, жумладан, (фонд бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозлар турларининг кўплиги ва ликвидлигининг юқорилиги, аксиядорлик жамият (АЖ)ларида юқори дивиденд сиёсати, биржа савдо тизимларининг такомиллашганлиги) фонд бозорининг юқори даражада ривожланганлиги, хусусан, қимматли қоғозлар бозори капитализациясининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмига нисбатан улушининг юқорилиги билан изоҳланади.

Бугунги кунга келиб, дунё молия бозорида Ислломий молиялаштириш ғоятда долзарб манбага айланиб бормоқда. Буни исломий молиялаш ҳар йили 15-20% ўсишга эришаётгани ҳам тасдиқлайди. Ислломий банкинг жаҳон бўйича 400 дан ортиқ молия институтлари томонидан амалиётда қўлланиб келинмоқда, унинг йиллик айланмаси 800 млрд. АҚШ долларини ташкил этади¹.

Мамлакат Президенти 2020 йилнинг декабр ойида парламентга қилган мурожаатида мамлакатимизда ислом молияси хизматларини жорий қилиш вақти этиб келганини айтди: «Мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича

¹ Стратегия-2021. <https://strategy.uz/index.php?news=654&lang=uz>

ҳуқуқий базани яратиш вақти - соати этиб келди. Бу борада Ислон Тараққиёти банки ва бошқа ҳалқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади» (Мурожаатнома, 2021).

2. Адабиётлар шарҳи.

Илмий адабиётларда ислон молияси тамойиллари асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жуда кўп тушунчалар берилган. Жумладан, Хорижий иқтисодчи олимлардан Moody's агентлиги вице-президенти Ашраф Маданий томонидан "Асосий ислоний молия бозорларидаги иқтисодий тикланиш кредитлар ўсиши ва шариатга мос маҳсулотларга талабни оширади ва биз ислон банкларининг активлари ўсиши анъанавий тенгдошларидан юқори бўлишини кутамиз" (Business, 2022).

Усмани (2002) томонидан шерикчиликнинг алоҳида шакли бўлиб, шерикларнинг бири бошқасига тижорий корхонага инвестиция қилиш учун пул беради. Бойликларни адолатли тақсимлаш воситасидир, чунки у корхонада иштирок этиш натижасида инвесторларга воқеликдаги фойдадан манфаат олиш имконини беради. Бир инвесторнинг кучи этмаган катта корхоналарни молиялаштиришнинг энг яхши усулларидан бири. Ислоний молиявий муассасалар ва банклар учун ликвидликни бошқаришнинг ажойиб воситаси.

Ал-Жарҳи (2002), Иқбал (2007) томонидан ишонч асосида молиялаштиришнинг монанди бўлиб, капитал эгаси бўлган банк ўз маблағларини обрў, тажриба ва имкониятга эга тадбиркор (музориб)га самарали ишлатиш учун ишониб топширади. Бу ҳолатда банк берилган пуллар эвазига гаров талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Инвестиция қилинган пуллардан келган даромад банк ва тадбиркор ўртасида шартнома имзоланган вақтдаги битимга мувофиқ тақсимланади. Зарарлар вужудга келган ҳолларда банк уни ўз зиммасига олади, музориб эса бундай ҳолатда ўзининг фаолияти ва саъй-ҳаракати учун мукофот ололмайди. Мазкур банк маҳсулоти кўламли ва давомий лойиҳаларни молиялаштириш учун махсус ташкил этилган. Мана шундай шартномалар бўйича ҳисобкитоблар келишув имзоланган санада ўрнатилган баҳолар бўйича, тўловлар эса лойиҳа давомида ва унинг якунида аввалдан белгиланган вақт оралиғида амалга оширилади.

Хайрон томонидан Икки томон: сотувчи ва харидор ўртасида олди-сотди шартномаси. Ушбу маҳсулот давомли лойиҳаларни молиялаштиришга мўлжалланган, яъни шартномага кўра харидор мавжуд бўлмаган товарни сотиб олишга розилик билдиради, ушбу товар буюртма бўйича қурилиши ёки тайёрланиши лозим (Хорун, Ван Азмий, 2012).

Беккин (2009) томонидан Молиявий иштирокчи ва тадбиркорнинг шерикчилиги ҳисобланиб, банк капитал берадиган томон сифатида, қарздор эса – ушбу капитални бошқарувчи тадбиркор сифатида иштирок этади. Лойиҳадан келган фойда банк ва ишончли бошқарувчи бўлган тадбиркор ўртасида келишув бўйича тақсимланади. Юзага келиши мумкин бўлган зарар хатари банк зиммасида бўлади. Шунингдек, бошқа кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ушбу соҳада илмий изланишлар олиб борилган.


3. Тадқиқот методологияси.

Ислон молияси тамойиллари асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг хориж мамлакатлари тажрибаси бўйича дунё олимлари ва иқтисодчилари томонидан олиб борилаётган тадқиқодларни ўрганиш, маълумотлар то'плаш, то'планган маълумотларни таҳлил қилиш, синтезлаш, мантиқий фикрлаш каби иқтисодий тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.


Ислоний молия саноатининг самарадорлиги бешта кичик секторлар орқали баҳоланади: Ислон банк иши; Такофул; Бошқа ислоний молия институтлари (ИМИ) инвестиция ёки микромолия компаниялари; сукук ва Ислон фондлари. "Ҳалол" секторлари, инфратузилма ва сукук облигацияларига кучли инвестициялар, айниқса, барча маҳсулот ва хизматларда электрон режимлар орқали амалга оширилаётган кучли инвестициялар туфайли глобал ислоний молия бозори жадал ривожланмоқда. Ислоний молия бозорининг ўсишига туртки бўлган омиллар инвестицияларни истиқболли ислон секторларидаги улкан ўсиш имкониятларига йўналтирмоқда. Саноатнинг асосий

манфаатдор томонлари ташкилотларининг маълумотларига кўра, унинг учта асосий сектори (банк, капитал бозорлари ва такафул) бўйича глобал исломий молия активлари 2019-йилда жами икки хонали кўрсаткичга ошди. Жаҳон ислом банки сектори ушбу бозорнинг асосий ҳиссаси ҳисобланади ва 14 фоизга ўсиш билан 1,99 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Ислам банкингги глобал банк активларида 6 фоиз улушга эга.



1-расм. Дунё бўйича ислом молиясининг активлари (трлн. АҚШ доллари), (IFSB, 2021)

Исламий молиялаштириш бундан 50 йил олдин, молия манбаларини шариат талаблари ва ислом тамойиллари асосида бошқарилишини таъминлашга интилаётган мусулмон аҳолиси кўп бўлган мамлакатларда пайдо бўлган. 2019-йилда исломий молия активлари 2,88 триллион АҚШ долларини ташкил этди, бу глобал молиявий инқироздан кейин саноат учун қайд этилган энг юқори ўсишдир. Истиқболлар ижобий кўринади: 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 3,69 триллион АҚШ долларига кўтарилади. Мусулмон давлатлари сармоёга чанқоқликни молиялаш учун шариат молиялаштиришга мурожаат қилган бўлсада, унинг машҳурлигининг яна бир асосий сабаби шундаки, шариат молиялаштириш мусулмон бўлмаган давлатлар орасида ҳам ўз жозибасини кенгайтира бошлаган.



2-расм. Ислам молиясининг соҳалар бўйича тақсимоти (млн АҚШ доллари), (IFSB, 2021)

Тегишли бюджет харажатларини қўллаб-қувватлаш учун асосий исломий молия бозорларида кучли суверен ва кўп томонлама эмиссиялар натижасида саноат

манбаларига кўра, глобал сукукнинг тўланмаган қиймати 538 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бунга Саудия Арабистони ва Нигериянинг суверен сукук бозорига дебют киришлари, шунингдек, Африка молия корпорациясининг кўп томонлама ривожланиш молия институти бўлган Африка молия институти киради.

Пандемия исломий молия бозорининг ўсишига салбий таъсир кўрсатди. Сукук энг ёмон зарар кўрган сегментлардан бири бўлиб, бу тенденциянинг пасайишига олиб келади. Бунинг асосий сабаби, сукукни тартибга солиш жараёнининг узоқ давом этиши кўпчиликни пандемия даврида маблағ жамғаришнинг оддий усули облигациялар чиқаришдир.

Ислом банк иши ислом молия саноатидаги энг йирик сектор бўлиб, саноат активларининг 69% ёки 1,992 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу сектор бир қатор тижорат, улгуржи ва бошқа турдаги банклар томонидан қўллаб-қувватланади. Шунга қарамай, тижорат банклари сектор ўсишининг асосий ҳиссаси бўлиб қолмоқда. Сектор ўсиши 2020 йилда тўхтаб қолиши мумкин, чунки бутун дунё бўйлаб ислом банклари Covid-19 нинг иқтисодий ҳалокатига дуч келгани сабабли операцияларни кенгайтириш ўрнига ўзларининг капитал базаларини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Пандемия даврида асосий бозорлардаги исломий банкларнинг даромадлари катта таъсир кўрсатган бўлсада, бунга ҳукуматнинг ёрдам пакетларидан ликвидлик инъекциялари қарши туради. Келгуси беш йил ичида жаҳон иқтисодиёти тикланар экан, ислом банклари активлари 2024 йилга бориб 3,69 триллион АҚШ долларига етиши кутилмоқда.


Ушбу инвестицион жамғармалар мустақил инвестициявий компаниялар бўлиб, унда иштирокчилар компания активларига, унинг фойда ва зарарида улушга эгалик қилишда тенг ҳуқуққа эга бўладилар.

Инвестицион жамғармалар фаолиятининг асосий мақсади маблағларни йиғиш ва инвестициялар портфелини бошқариш ҳисобланади. Исломий инвестиция жамғармаларининг турли тоифалари мавжуд: ҳиссадорлик капитали жамғармалари, мулк ва кўчмас мулк жамғармалари, товар жамғармалари, ижара жамғармалари, муробаҳа жамғармалари, шунингдек, аралаш жамғармалар. Буларнинг ичида энг кўп тарқалгани ҳиссадорлик капитали жамғармалари ҳисобланиб, уларнинг жами активлари барча исломий жамғармалар активларининг 50% дан ортиғини ташкил этади. Исломий инвестиция жамғармаларининг бошқа барча исломий муассасалари каби асосий хусусияти шариат қоидаларига мувофиқлиги ҳисобланади. Шунини қайд этиш лозимки, исломий инвестиция жамғармалари ўз фаолиятини мос молиявий воситалар (муробаҳа, ижара, мушорака ва ҳ.к.)ни ишлатиш орқали амалга оширади. «Исломий инвестиция жамғармалари» атамаси умумий касса (умумий жамғарма)ни англатади, инвесторлар шариат қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, ҳалол фойда олиш мақсадида ўзларининг ортиқча маблағларини унга киритадилар. Жамғарма иштирокчилари жамғармада иштирок этиш ва у томонидан амалда ишлаб топилган фойдадаги улушга эгаликни тасдиқлайдиган ҳужжатни олиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Ушбу ҳужжатларни «гувоҳнома», «аксия» ва бошқа номлар билан аташ мумкин, уларнинг шариат нуқтаи назаридан қонунийлиги икки асосий талабга мувофиқ келиши лозим.

Биринчидан, иштирокчилар ушбу сертификатларнинг белгиланган номинал қиймати ўрнига жамғарма амалда ишлаб топган мутаносиб нисбатдаги фойдага умид қилишлари мумкин. Шунинг учун бирон-бир фойда меъёри кафолатланмайди. Жамғарма иштирокчилари унга кирар эканлар, ўз сертификатлари даромадлиги жамғарма ишлаб топган фойда ёки зарарга боғлиқ эканини аниқ тушуниб олмақликлари керак. Агар жамғарма катта фойда олса, сертификат даромадлиги ушбу миқдорга ортади

Агар жамғарма зарар кўрса, ушбу зарарлар иштирокчилар ўртасида мутаносиб тақсимланади, агар зарарлар жамғарма раҳбариятининг эътиборсизлиги ёки нўноқлик ила бошқаруви оқибатида юзага келса, у ҳолда иштирокчиларга қоплама тўлаб бериш лозим бўлади. Иккинчидан, киритилган миқдор шариат рухсат этган бизнесга инвестиция қилиниши шарт. Мана шу асосий талабларни эътиборга олган ҳолда, исломий инвестиция жамғармалари инвестиция қилишнинг кўплаб усулларида фойдаланишлари мумкин.

Гарчи исломий молия сўнгги йигирма йил ичида сезиларли ютуқларга эришган бўлса-да, ислом бойликларини бошқариш ҳажми ва мураккаблиги жиҳатидан ривожланишнинг янги босқичида қолмоқда.



3-расм. Ислом тамойилларига асосланган асосий молиявий инструментлар (Аброров, 2020)

Мудорабанинг икки тури мавжуд:

- мутлақ мудораба: ҳеч қандай замон, макон ёки сотиш турлари билан чекланмасдан амалга оширилувчи мудораба туридир;

- муқайяд мудораба: маълум бир макон, замон, товар, аҳоли ёки сотиш билан чекланган мудораба туридир. Мушорака (шерикчилик) – томонларнинг капитал ва фаолиятда шериклик тамойили асосида иштирок этувчи ҳамда фойдада аввалдан келишилган улушда қатнашувчи келишув тури. Бунда томонларнинг фойдадаги улуши устав капитали(фонди)даги улушига мутаносиб равишда бўлиши шарт эмас. Аммо зарар устав капитали(фонди)даги улушига мос равишда тақсимланади. Инвестицион лойиҳани амалга оширишда томонларнинг барчаси ҳам, фақат биттаси ҳам иштирок этиши мумкин.

Мушорака икки турга бўлинади:

1. Ширкат-ул-мулк (мулкӣ шерикчилик) – маълум мол-мулкка бир неча кишининг эгалик қилиши. Бу битимга асосланмаган шерикчилик сифатида ўрганилади.

2. Ширкат-ул-ақд (шартномавий шерикчилик) – маълум иш фаолиятидаги шериклик. Мушораканинг бу тури битимга асосланган шерикчилик ҳисобланади. Бу турдаги фаолият анъанавий иқтисодиётдаги доимий қўлланилувчи шериклик шаклига ўхшайди ва у қўйидаги қўринишларда бўлади:

- муфоваза – томонларнинг тенг улушда капитал киритиб, тенг фаолият юритиши ҳамда фойда ва зарар ҳам тенг тақсимланиши;

- инон – томонларнинг ўзаро келишилган улушда капитал киритиб, фаолият ва фойда келишилган ҳолда тақсимланиши. Бунда инвестиция, иш фаолият ва фойда нисбати ўзаро мутаносиб бўлиши шарт эмас. Зарар киритилган улушга мос равишда қопланади;

- тақаббул – бирор иш-фаолият ёки хизмат учун бир неча кишининг келишган ҳолда шерик бўлиши. Иш ва ундан олинadиган фойда аввалдан келишиб олинади. Унинг ширкат-ул-абдон, ширкат-ул-амал ва ширкат-ул санаи каби номлари ҳам мавжуд;

- вужух – бир неча кишининг қарз ҳисобига ёки мулкни ижарага олиб биргаликда фаолият юритишидир. Фойда ва зарар тақсимоли аввалдан келишилади. Муробаҳа (таннарх ва қўшилган фойдани муддатга бўлиб тўлаш) – анъанавий банк кредитининг ўрнига таклиф этиладиган муқобил келишув турларидан бири бўлиб, томонлар келишувига кўра товарлар нархига устама фойдаси қўйилган ҳолда нархини кечикиб ёки бўлиб тўлаш имкониятини беради. Муробаҳа “харажатлар + белгиланган фойда”ни

молиялаштириш тамойили билан ҳам машҳурдир (Жўраев, 2014). Бунда банклар асбоб-ускуна, машина ёки бошқа товарларни харид қилиб олиб, унинг нарҳига сотиб олиш ва мижозга сотиш учун қилинган харажатлар ҳамда режалаштирилган фойда қўшилган ҳолда нарҳини кечикиб ёки бўлиб тўлаш учун мижозга сотади. Мазкур келишувдаги устама фойдаси ва қўшимча харажатлар миқдори бўйича турли фикрлар келтирилган.

Салам (ислом тамойилларига асослаган форвард) – товарни кейинчалик келишилган вақтда келишилган жойга етказиб бериш учун тўловни аввалдан ўтказиш келишуви. Моҳиятан салам аванс тизимини намоён этади. Бир томон буюртмачи сифатида тўловни аввалдан амалга ошириб, иккичи томон эса ижрочи сифатида маҳсулотни тайёрлаб етказиб беради. Бундай келишув анъанавий форвард тизимида муқобил бўлиб, асосий фарқларидан бири салам савдосида тўлов аввалдан амалга оширилади.

Истисно – товарга мижоз сифатида фақат банк иштирок этиб, ишлаб чиқарувчига тўлов амалга оширилган ишга қараб босқичма-босқич ўтказиб бериладиган келишув. Истиснода амалга оширилувчи ишлар режаси тузилади ва амал қилиниши талаб этилади. Истисно одатда йирик саноат лойиҳалари, қиммат ускуналарни сотиб олиш ва уй-жой қурилишини молиялаштиришда фойдаланилади. Ижара (ислом тамойилларига асослаган лизинг) – маълум мулкни маълум муддатга тўлов асосида фойдаланиш учун узуфрукт ҳуқуқи билан бериш. Ижарага олувчи ижара муддати тугагандан сўнг ижара объектини хусусий мулки сифатида қолдирмоқчи бўлса, харид нарҳини ҳам тўлаб бораверади. Бу турдаги келишув ижара вал-иқтино деб аталади.

Қарзи ҳасан (фоизсиз кредит) – қарз олувчи қарз берувчига фақат асосий суммани қайтаради (Байдаулет, 2019). Аввалдан белгиланган устама фоизи бўлмайди. Қарз олувчи ўз хоҳшига кўра асосий суммадан ташқари қўшимча пул тўловини тўлаши мумкин. Фоизсиз кредит одатда таълим олишга, тўй маросимлар сингари ижтимоий масалаларга ва қисман хусусий тадбиркорлик учун берилди. Қарзи ҳасан узоқ муддатдан буён банк мижози бўлган қарзни қайтариш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга берилди. Шунингдек, баъзи ҳолларда банк имижини сақлаб қолиш мақсадида омонатларини қайтариб олишни сўраган мижозларга ҳам қарзи ҳасан таклиф этилади. Вадиъа (фоизсиз омонат) – мулк эгаси ўз мулкни сақлаш учун ишончли шахс (банк)га бериш тўғрисидаги келишувдир. Мулк эгаси исталган вақтда омонатдан пулларини қайтариб олишга ҳақли бўлиб, яқунда бунинг эвазига тўлов олмайди. Аммо банк ўз хоҳишига кўра мижозга ҳиба (ислом ҳуқуқида совғани англатади) тўлаши мумкин.

Ислом банк тизимида вадиъа – жамғарма депозитларидир (Жўраев, 2014). Бу мижозга ўз маблағларини банкда сақлаш имконини беради ва банк фақат депозит эгасининг розилиги билан хатарни ҳисобга олиб, ўз фаолиятида қўллаши мумкин.

Такофул (ислом суғуртаси) – томонлар бир-бирларининг йўқотиш ва зарарларини қоплашни кафолатлаш учун ўртага пул маблағларини жамловчи келишув (Байдаулет, 2019). Маблағлар инвестиция сифатида йўналтириладиган бўлса, такофул иштирокчилари фойда ва зарарга шерик ҳисобланади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Мамлакатимизда амалга оширилётган лойиҳаларни ислом молияси тамойиллари асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Сабаби бугунги кунда бутун дунёда ушбу механизмлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган лойиҳалар ҳам шаффофлиги ҳам адолатлилиги ва энг муҳими молиявий ресурсларнинг улканлиги билан ажралиб туради. Бунда ёрқин мисол сифатида Бирлашган Араб Амирликлари ва Малайзияни келтиришимиз мумкин.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Al-Jarhi M.A. (2002) "Islamic finance: an efficient equitable option" / // Islamic research and training institute, Islamic development Bank.

Business (2022) <https://www.thenationalnews.com/business/banking/2022/03/08/islamic-finance-industry-set-for-continued-growth-in-2022despiteheadwinds>

IFSB (2021) working paper series wp-21/12/2021 assessing the effectiveness of covid-19 policy responses in the islamic capital market <https://www.ifsb.org>

Iqbal M. (2007) "Advances in Islamic Economics and Finance" Volume 1.

Mufti Muhammad Taqi Usmani (2002) "An Introduction to Islamic Finance" – 2002.

Аброров С.З. (2020) "Ўзбекистонда сукук – исломий қимматли қоғозларни жорий этиш истиқболлари" Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Тошкент. / Abrorov S.Z. (2020) Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Economics "Prospects for the introduction of sukuk - Islamic securities in Uzbekistan" Tashkent.

Байдаулет Е.А. (2019) "Исломий молия асослари"/ Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 72-б. / Baydaulet E.A. (2019) "Fundamentals of Islamic Finance" / Tashkent: NMIU "Uzbekistan", p. 72

Беккин Р.И. (2009) "Муслмон ва номуслмон мамлакатларда исломий молиявий муассасалар ва инструментлар: хусусияти ва ривожланиш истиқболлари" иқт. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Москва: Россия Фанлар академияси Африка институти, 368 б. / Beckin R.I. (2009) "Islamic Financial Institutions and Instruments in Muslim and Non-Muslim Countries: Characteristics and Prospects for Development" fan. dissertation for the degree of Doctor. - Moscow: African Institute of the Russian Academy of Sciences, 368 p.

Жўраев Б. (2014) «Исломий молиялар ва банк тизими» Таржимон: – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 122-б. / Jo'raev B. (2014) «Islamic finance and banking system» Translator: - T.: Uzbekistan, 2014. - 122 p.

Мурожаатнома (2021) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2021 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / Address (2021) Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis, 2021 Official website of the President of the Republic of Uzbekistan, www.president.uz

Судин Хорун, Ван Нурсофиза Ван Азми (2012) "Исломий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти" Қозон: Линова-Медиа, 536-б. / Sudin Harun, Van Nursofiza Van Azmi (2012) "Islamic Finance and Banking System: Philosophy, Principles and Practice" Kazan: Linova-Media, 536 p.



ОИЛА МИГРАЦИЯСИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Асқарова М.И.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот
маркази

Аннотация. Ушбу мақолада оилавий миграция, унинг бугунги кундаги халқаро миқёсдаги ўрганилаётганлик даражаси, оилавий мигрантлар дуч клиши мумкин бўлган муаммолар, уларнинг яшаши ва ишлаш шароитлари, сиёсий тўсқинликлар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: оилавий миграция, муҳожир, иммигрант, ИХТТ мамлакатлари, миграция сиёсати, трансмиллий оилалар, оилаларни бирлаштириш, оилани шакллантириш, ижтимоий-демографик, Мигрантларнинг интеграция сиёсати индекси.

FAMILY MIGRATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Askarova M.

Research Center "Scientific Basis and Problems
of Economic Development of Uzbekistan" at the
Tashkent State University of Economics.

Annotation. This article discusses family migration, its current level of international research, the challenges that family migrants may face, their living and working conditions, and political barriers.

Key words: family migration, migrant, immigrant, OIC countries, migration policy, transnational families, family reunification, family formation, socio-demographic, Migrant Integration Policy Index.

1. Кириш.

Ҳозирги кунда оилани мустаҳкамлаш, оилани бирдамлигини сақлаш дунё миқёсида ҳам бош масала даражасига кўтарилган. Оилани шакллантириш, тинчлигини сақлаш, тотувлиги, аҳиллиги ва бирдамлигини мустаҳкамлашга эришиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1993 йил 20 сентябрдаги йиғилишида 15 майни ҳар йили "Халқаро оила куни" сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди¹. Шу йилдан бошлаб ҳар йили бутун дунёда "Халқаро оила куни" кенг нишонланиб келинади.

Лекин шундай бўлишига қарамай оилавий миграцияни ўрганилмаганлиги ачинарлидир. Ҳозирги кунда оилавий миграцияни ўрганиш, уни тартибга солиш, назоратга олиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Умуман олганда, оилавий миграция тўғрисидаги маълумотлар жуда кам. Оилавий бирлашиш дастурлари бундай маълумотларни тўплашнинг асосий воситасидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу дастурлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларациясининг 16-моддасида кўрсатилган оилага бўлган ҳуқуқни таъминлаш учун ишлаб чиқилган². Оилавий миграция тўғрисидаги маълумотлар оила аъзоларига берилган визалар ва яшаш учун рухсатномалар, шунингдек аҳоли рўйхатига асосланади.

¹ https://samarqand.adliya.uz/xorazm/uz/publikatsii/detail.php?ID=423&sphrase_id=7172

² <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights>

2. Адабиётлар шарҳи.

Миграция масалаларининг умумий назарий асосини миграция жараёнларининг асосий тушунчалари, умумий хусусиятларини, уларнинг таснифи ва типологиясини тушунтирувчи асарлар ташкил этади. Бундай илмий изланишларни кўплаб хорижий олимларнинг илмий асарларида кўришимиз мумкин. Масалан, Жаҳон меҳнат бозори концепциясининг ривожланишига Плетнев (1962) асос солган бўлса, америкалик олим Гриинвуд (1975) миграция соҳасидаги тадқиқотларни икки гуруҳга, яъни миграциянинг назарий қарашларини ифодалаган илмий изланишларга ва унинг оқибатларига бағишланган тадқиқотларга ажратган. Бригснинг(1985) жаҳон меҳнат бозорига юзлаб мамлакатларнинг иқтисодий ва меҳнат ресурсларига таъсир қилувчи ҳамда жаҳон иқтисодийнинг интенсификациясида глобаллашувида муҳим ўрин тутувчи жиҳат сифатида қараганига алоҳида урғу беради.

Бундан ташқари кўплаб рус олимлари ҳам Ионцев (1999) миграция тушинчасига 30 дан ортиқ таъриф, аҳоли миграциясини ўрганишнинг 17 хил ёндошувини таснифлаб берган. Рыбаковский (2003) эса фанда ҳеч бир тушунча миграция каби кўп таърифга эга эмаслиги, шу сабабли уларни бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганиш кераклигини таъкидлайди. Рус олимларидан Щербаков (2012) "ортиқча" ишчи кучига эга бўлган мамлакатлар иш билан бандлик соҳасида бир-бирига қарама қарши бўлган муаммоларга дуч келишини таъкидлайди.

Шу ўринда миграция жараёнлари, аҳоли ва меҳнат миграциялари бўйича олиб борилган тадқиқот ишларида ўзбекистонлик олимлардан Максаковани (2000) ишларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ўз навбатида ўзбекистонлик олима Расулова (2010) нинг миграция назариясини умумлаштирган ҳолда уни тўрт гуруҳга жаратади.

Биз ёритмоқчи бўлган мавзу яъни оилавий миграция мавзуси рус олими Чудиновских (2020) томонидан ҳам ўрганилган. У ўзининг илмий мақоласида оилавий меҳнат миграцияси олимлар томонидан кам ўрганилаганлигини таъкидлаб ўтади. Бу мавзунинг таҳлил қилишда статистик маълумотлар ноаниқлиги, баъзи бир ҳолларда юзага келадиган сиёсий тўсқинликларни изоҳлайди.

3. Тадқиқот методологияси.

Илмий тадқиқот олиб бориш жараёнида қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, тизимли ёндашув, умумлаштириш, статистик таҳлил, абстракт-таҳлилий усуллар ва бошқалардан фойдаланилди.

- мавзунинг долзарблиги изоҳланган ҳолда, бугунги кундаги оилавий миграция ўрганиш муҳимлиги асосланган;

- жаҳоннинг турли мамлакатларида оилавий меҳнат миграцияси оилаларнинг ётоқ ва ишга жойлашишдаги муаммолари таҳлил қилинди;

- тадқиқотнинг дастлабки босқичидан унинг охиригача босқичига қиёсий таҳлили, оилавий меҳнат миграцияси иштирокчилари дуч келадиган муаммолар, сиёсий тўсқинликлар ўрганилиб, илмий хулосалар қилинди;

- маълумот, кўрсаткичларни таҳлил ва синтез қилишда статистик усуллардан фойдаланилди.


- меҳнат миграциясини ўрганган олимларнинг илмий- назарий қарашлари, илмий ёндашувлари, берган таърифлари таҳлили ва синтези усулларидан фойдаланган ҳолда, оилавий меҳнат миграциясининг аҳамиятли ва муҳим томонлари изоҳлаб ўтилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Оилавий миграция умумий тушунча сифатида оилани бирлаштириш, оилани шакллантириш, ишчиларнинг оила аъзоларига ҳамроҳлик қилиш ва умуман олганда оила бирлигининг миграциясини қамраб олади ва ўзида бир нечта кичик тоифаларни бирлаштиради (1 расм).

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам оилавий миграция тўғрисидаги маълумотлар жуда кам ёки тарқоқ. Чунки маълумот тўплаш учун имконият ёки баъзи ўринларда сиёсий чекловлар ҳам тўсқинлик қилади. Бироқ, оилавий миграция тўғрисидаги маълумотлар Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҚТТ) минтақасидаги мамлакатлар учун мавжуд бўлиб (бу маълумотларни ҳам тўла қонли деб ҳисоблаб бўлмайди), уларда 2017 йилда оилавий миграция ушбу мамлакатларнинг доимий миграциясининг 40 фоизини - тахминан 2 миллион муҳожири ташкил этган. Оилавий мигрантлар сони нисбий жиҳатдан барқарор бўлиб қолди, аммо у мутлақ сонда

кўпайди, аниқроғи 2016 йилдаги 1,8 миллиондан 2017 йилда 2 миллионгача.³ 2017 йилда оилавий сабабларга кўра, оилани бирлаштириш ёки шакллантириш учун миграция қилаётганлар сони 11 фоизга кўпайиб, 2 миллионга етди. Оила аъзоларининг сони 2017 йилда 253 минг кишини ташкил қилди ⁴.



1-расм. Оилавий миграция ва унинг таркибидаги кичик тоифалар⁵.

ИХТТ мамлакатларидаги оилавий миграциянинг 43 фоизини (748000) АҚШ ташкил этади, бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 6 фоизга пасайган. 2017 йилда Италия, Германия, Испания, Буюк Британия ва Португалия каби ИХТТ мамлакатларида оилавий миграция оқимикўпайган. Швеция 23 фоизни ташкил этган оилавий миграциянинг энг кучли ўсишини қайд этди. Оилавий сабабларга кўра миграциянинг кучли пасайиши АҚШдан ташқари Янги Зеландияда ҳам кузатилган.⁶

2014 йилдан 2017 йилгача ИХТТ минтақасидаги аксарият мамлакатларда оилавий миграция ўсиб борган. Бироқ, баъзи ИХТТ мамлакатларида оилаларни бирлаштириш дастурларининг қисқариши туфайли оилавий миграция оқимлари камайган. Шунга қарамай, бирон бир мамлакатда оилавий миграция бўйича аниқ чекловлар ўрнатилмаган, гарчи яқинда Қўшма Штатларда оилавий миграциянинг тугаши мумкинлиги тўғрисида муҳокама қилинган бўлса ҳам⁷.

Оилавий ҳаётга бўлган ҳуқуқни таъминловчи мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурларга қарамай, 2012 йилда Европа Иттифоқидаги Европа Иттифоқи бўлмаган фуқароларнинг турмуш ўртоғи ёки шериклари билан яшамайдиганларнинг улуши биргаликда яшайдиганларнинг 5-7 фоизини ташкил этган. Европа Иттифоқи фуқароларига қараганда "биргаликда яшаш" даражаси анча юқори.⁸

Маълумотларнинг кучли ва чекланган томонлари шундаки баъзи бир мамлакатларда оилавий миграция ноқонуний миграция билан боғлиқ бўлган ёки у қабул қилаётган мамлакат ижтимоий тизимига таъсир кўрсатиши сабабли муҳокама қилинадиган сиёсий муҳитни ҳисобга олган ҳолда, оилавий миграция тўғрисида батафсил маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга. Оилавий миграция бўйича мавжуд маълумотлар манбаларини йиғиш ва уйғунлаштириш методологиясини янада такомиллаштириш зарур. Бу жараёнларни амалга оширишда қуйидаги тўсқинликлар мавжуд⁹:

³ <http://www.oecd.org/migration/international-migration-outlook-1999124x.htm>

⁴ Ўша ерда

⁵ Ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

⁶ Ўша ерда

⁷ <https://www.migrationpolicy.org/news/raise-act-dramatic-change-family-immigration>

⁸ <https://www.mipex.eu/family-reunion>

⁹ <https://migrationdataportal.org/themes/family-migration>

- оилавий миграция бўйича дунёнинг барча мамлакатлари ва минтақаларини қамраб оллучи глобал таққосланадиган маълумотлар баъзасининг мавжуд эмаслиги;
- барча мамлакатлар учун маълумотларнинг етишмаслиги;
- мамлакатларда оилавий миграция тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва тарқатиш учун зарур имкониятларнинг етишмаслиги;
- маълумотлар мавжуд бўлганда ҳам, мос келмайдиган услубий асослар туфайли турли хил келиб чиқиши маълумотлар тўпламларини бирлаштириш ва уйғунлаштириш қийинчиликлари;
- деярли мамлакатларда оилавий миграция ҳақидаги статистик маълумотларнинг ошқоро юритилишига бўлган сиёсий тўсқинликлар;
- баъзи ўринларда давлат ташқи миграцияси бўлимлари ҳам аниқ ҳисоб юрта олмаганлиги ва ошқор қилмаслиги;
- оилавий меҳнат мигрантларини ноқонуний йўл билан чиқиб кетишлари;
- муҳожирлар ҳужжатларини етарли эмаслиги ва бошқалар.

Оилавий миграциянинг сўнги динамикаси ва унинг шаклланишига миграция сиёсатининг таъсири ҳақида ҳам маълумотлар етарли эмас¹⁰. Дунёнинг айрим минтақаларида оилавий миграция тўғрисида маълумотлар мавжудлигига қарамай оилавий миграциянинг ижтимоий – иқтисодий демографик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар баъзаси янгиланиб боришига эътибор берилмайди.

Масалан, Америка Қўшма Штатларида оилавий мигрантларнинг ижтимоий – демографик хусусиятларини ўрганиш бўйича сўнги тадқиқотлар 2000 йилларга тўғри келади¹¹. Бошқа давлатларга нисбатан олиб қаралганда янги маълумот, лекин оилавий миграцияни доимий кузатиб бориш зарурлиги жиҳатидан бу етарли ҳисобланмайди. Чунки олинган маълумотлар оилавий мигрантлар оқимини тўлиқ акс эттириш учун етарли эмас деб ҳисоблашади.¹²

Бунинг асосий сабаби шундаки, маъмурий маълумотлар тахмин қилишга имкон берса, аҳоли рўйхати ва яшаш учун рухсатномалардан олинган статистик маълумотлар иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш имконини беради. Масалан, агар оила бошлиғига берилган рухсатнома унга ёки унинг қарамоғида бўлганларга тегишли бўлса, йилига бериладиган яшаш учун рухсатномалар сони оилавий кўчиб келганлар сонига тенг бўлмайди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун бир қатор мамлакатлар ташаббус кўрсатмоқда. Улар миграция маълумотларининг сифатини яхшилаш учун ҳар хил турдаги маълумотларни, яъни сўров маълумотлари ва маъмурий ёзувларни бирлаштиришни таклиф қилишмоқда¹³.

Сўнги йилларда оилавий миграция, уни тартибга солиш, сони, уларни ижтимоий – демографик хусусиятларини ўрганиш, давлат иқтисодиётига таъсирининг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш, тадқиқотлар олиб бориш учун ҳали ҳам чекланганлиги ўрганишларга тўсқинлик қилади. Оила аъзосининг кўчиши, қолганлар азоб чекмаслигини таъминлаш учун далилларга асосланган сиёсат олиб бориш зарур. Аммо сиёсатчилар ҳам бу борадаги муаммоларни енгиллаштириш учун етарли даражада маълумотлар баъзасига эга эмас.

Бундан ташқари трансмиллий оила ҳақида маълумотлар кам, йўқ деса ҳам бўлади. Трансмиллий оилалар "бу алоҳида-алоҳида яшайдиган, аммо" жамоавий фаровонлик ва бирдамлик туйғусини яратадиган, қўллаб қувватлайдиган қисқача қилиб айтганда "миллий" чегаралардан ташқарида ҳам "оилавийликни" яратадиган ва сақлаб турадиган оилалардир "(ҳатто миллий чегаралар бўйлаб ҳам)¹⁴.

Сўнги йилларда ушбу турдаги оилавий тартибга солишнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганига қарамай, миграция шароитида ушбу турдаги оилавий тартибга солиш кўлами ва динамикаси тўғрисида билимлар чекланган.

Европа давлатларида оилавий миграция оқимлари ёки заҳиралари тўғрисидаги маълумотлар баъзасининг шаклланиши¹⁵:

¹⁰ <https://read.oecd-ilibrary.org/social-issues-migration-health/international-migration-outlook-2018>.

¹¹ <https://migrationdataportal.org/themes/family-migration>

¹² www.knomad.org/publication/handbook-improving-production-and-use-migration-data-development

¹³ <https://migrationdataportal.org/themes/family-migration>

¹⁴ Transnational families and the social and gender impact of mobility in ACP countries. Background Note ACP OBS/2012/BN06. 2012

¹⁵ <https://migrationdataportal.org/themes/family-migration>

- ИХРТ оилавий, меҳнат ва гуманитар миграция ҳақидаги маълумотларни бирлаштиради.

- ИХРТ доимий иммигрантлар оқимлари тўғрисидаги маълумотлар тўплами Евростат ва Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган мамлакатлардан олинади. Маълумотлар базаси икки йилда бир марта янгиланади.

- ИХРТ, шунингдек, OECD's International Migration Outlook келтирилган юқорида қайд этилган маълумотлар базаси асосида ИХРТ минтақасидаги доимий миграция оқимлари тўғрисидаги статистик маълумотларни ишлаб чиқади. Ҳисоботда ИХРТ мамлакатлари учун оилавий миграция бўйича ҳисоб-китоблар келтирилади ва ҳар йили янгиланади.

Европастат, Европа Иттифоқининг Статистик идораси бошпана ва бошқариладиган миграция тўғрисидаги маълумотларни асосан Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг миллий статистика идоралари, ички ишлар вазирликлари ёки тегишли иммиграция идоралари, шунингдек, Исландия, Норвегия, Лихтенштейн ва Швейцария томонидан тақдим этиладиган маъмурий манбалардан тўплайди. Бошпана ва бошқариладиган миграция тўғрисидаги маълумотлар баъзасида қуйидаги маълумотлар тўпламлари мавжуд¹⁶:

- ҳимоялаш мақомидан фойдаланувчи билан оилани бирлаштириш учун биринчи рухсатномалар. Биринчи рухсатномалар оилавий сабабларга кўра, амал қилиш муддати ва фуқаролиги сабабли берилди.

- иммиграциямақоминиўзгартиришсабабларивафуқаролигибўйича рухсатнома;

- қарор тури ва фуқаролиги бўйича Европа Иттифоқининг Мовий карта эгаларининг муносиб оила аъзолари қабул қилинади. Европа Иттифоқининг кўк карточкалари эгалари ва уларнинг оила аъзолари, аввалги яшаш жойларида Европа Иттифоқига аъзо давлат томонидан "Ҳимоялаш мақомига" эга бўлган фойдаланувчи билан оилани бирлаштириш учун рухсатнома;

Юқорида айтиб ўтилган маълумотлар тўпламлари жинси ва ёши бўйича ажратилган. Маълумотлар асосан ҳар йили янгиланади.

Мигрантларнинг интеграция сиёсати индекси (MIPЕХ) мигрантларнинг, шу жумладан оилавий сабабларга кўра келганларни интеграция сиёсатини ўлчайди. Ҳозирда сиёсатни ўлчайдиган 8 та сиёсат кўрсаткичлари мавжуд. 2011/2012 йилларда MIPЕХ томонидан муҳожирларнинг оила аъзолари билан бирлашиши қанчалик осонлигини аниқлаш учун сўровнома ўтказилган. Оилаларнинг бирлаштириш тўғрисидаги маълумотлар Австралия, Канада, Исландия, Япония, Янги Зеландия, Норвегия, Жанубий Корея, Швейцария, АҚШ, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва Туркия учун мавжуд. 2011/2012 йиллардаги оилалар бирлаштириш тўғрисидаги маълумотлар охириги марта 2014 йилда янгиланган.¹⁷

Мустақил Сотциологик Тадқиқотлар Маркази (ЦНСИ, Санкт-Петербург) мутахассислари Россияда Марказий Осиё мамлакатларидан келган меҳнат муҳожирларини ижтимоийлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадқиқот ишларини олиб борди. Улар алоҳида эътиборни мигрант оилаларнинг ногирон аъзолари ҳолатига қаратган (Елена Никифорова ва Ольга Бредников).¹⁸ Бундан ташқари муҳожирларни малакасининг пастлиги туфайли юқори маошли ишлар таклиф қилинмаслиги, жуда узоқ иш соатларига рози бўлишлари, тнатижада, уларнинг кўпчилигида на жамоатда иштироки, на оила яратиш ва фарзандлар тарбияси учункуч ва вақт йўқ. Агар оила яратилса Россияда ишламайдиган оила аъзоларининг: болалар ва уларга ғамхўрлик қилаётган оналарнинг қонуний яшашлари учун зарур бўлган ҳужжатлар билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлади. Болалар боғчасидан жой олиш, болани муҳожирлар мактабига жойлаштириш ҳам маҳаллий аҳолига қараганда анча қийин кечади.¹⁹

Муҳожирнинг оиласини ташлаб ўзи келиши анча қулай. Унинг оиласига пул ўтказмалари давлат учун фойдали ҳисобланади.

Ўзбекистонда Олий Аттестация комиссиясининг электрон сайтида ҳимоя қилинган ишлар, ҳимояга олиб чиқилаётган тадқиқот мавзулари ва тадқиқот олиб борилаётган мавзулар ўрганилганда оила миграцияси мавзусида маълумотлар топилмади. Бундан

¹⁶ <https://migrationdataportal.org/themes/family-migration>

¹⁷ <https://migrationdataportal.org/themes/family-migration>

¹⁸ https://www.gazeta.ru/science/news/2018/07/05/n_11746597.shtml?updated

¹⁹ Ўша жойда.

ташқари Ўзбекистонда Оила миграциясига оид ҳорижий адабиётларни ўзбек тилига ўгириш, ёки Ўзбекистон миқёсида ўрганиб адабиётларни ташёрлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

4. Хулоса ва таклифлар

Юқорида келтирилган манбаларга асосланиб оилавий миграцияни сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий – иқтисодий томонларини илмий жиҳатдан ўрганиш лозим. Давлатлараро келушувлар асосида уларнинг статистик маълумотларига аниқлик киритиб бориш муҳим деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари:

- ҳомийлик шартномалари ва оилавий мигрантларга қўйилган чекловлар бўйича талабларни кўриб чиқиш:
- оилавий мигрантларнинг имкониятларини кенгайтириш, расмий меҳнат бозоридаги иштирокини таъминлаш, иқтисодий жиҳатдан аҳволини яхшилаш.
- мажбурий биргаликда яшашдан сақланиш; муҳожирларга ўз оилалари билан яшаш имкони беришни кўриб чиқиш.
- оилалар учун хавфсиз ва қонуний йўللارни кенгайтириш: болалар келажагини ўйлаган ҳолда уларни биргаликда яшашлари учун имкониятларни излаш.
- давлатлар ўртасида ҳар қандай малакага эга бўлган муҳожирларнинг оилавий кўчиб келишига рухсат бериш.
- қочқинларни қидириш имкониятларни такомиллаштириш ва оилавий бирлик сифатида ҳимоя қилиш.
- меҳнат туфайли оилаларни бўлиниб кетишини олдини олиш: давлатларда оилавий мигрантларга ҳужжатлаштириш ишларини енгиллаштириш.
- меҳнат миграцияси туфайли оилаларни бўлиниб кетишини олдини олиш.
- самарали ва шаффоф оилалар учун имкониятлар яратиш: жойлашиш ва жойлаштиришдаги қийинчиликлар ва қоғозбозликни енгиллаштириш.
- талабалар учун ота оналари билан яшаш имкониятларини шакллантириш.
- оилавий миграция статистикасини шакллантириш ва юритилишини амалга ошириш.

Адабиётлар / Литература/Reference:

- Greenwood M.J. (1975) Research on internal migration in the United States: a survey. J. Econ Lit №13. P.397.
- Vemon M. Briggs, Jr. (1985) Reviwed Work: Studies in International Labour Migration bu W. R. Bohning. Journal of Economic Issues. Vol 19, No. 3 (Sep., 1985), Pp. 864-866.
- Ионцев В.А. (1999) Международная миграция населения: теория и история изучения. М., С. 19. / Iontsev V.A. (1999) International population migration: theory and history of study. М., p. 19.
- Максакова Л.П. (2000) Миграция населения Республики Узбекистан. / Maksakova L.P. (2000) Migration of the population of the Republic of Uzbekistan.
- Плетнев Э.П. (1962) Международная миграция рабочей силы в капиталистический системы мирового хозяйства. М., С. 376. / Pletnev E.P. (1962) International labor migration in the capitalist system of the world economy. М., p. 376.
- Расулова Д.В. (2010) Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. Монография. Т. 38 б. / Rasulova D.V. (2010) Theoretical foundations of the development of labor migration. Monograph. Т. 38 p.
- Рыбаковский Л.Л. (2003) Миграция населения (вопросы теории). М. / Rybakovsky L.L. (2003) Population migration (questions of theory). М.
- Щербakov В.П. (2012) Роль трудовой миграции в развитии глобализационных процессов в мировом масштабе. Кан.дисс. М. С. 43. / Shcherbakov V.P. (2012) The role of labor migration in the development of globalization processes on a global scale. Can. diss. М. p. 43.
- Чудиновских О.С. (2020) Измерение семейной миграции в России: источники данных и проблемы их интерпретации. Вопросы статистики. 27(4):24-52./ Chudinovskikh O.S. (2020) Measuring Family Migration in Russia: Data Sources and Problems of Interpretation. Questions of statistics. 27(4):24-52. <https://doi.org/10.34023/2313-6383-2020-27-4-24-52>



БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҚУРИЛИШ ТАЪМИРЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИ ВА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ахмедов О.

Тошкент молия институти

Аннотация. Ушбу мақолада бюджет ташкилотларида қурилиш таъмирлаш харажатлари аудити ва молиявий назоратининг ҳозирги ҳолати ўрганилган, меъерий ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган. Шунингдек, мақолада бюджет ташкилотларининг қурилиш таъмирлаш соҳасида буюртмачи сифатидаги роли, ҳозирги ҳуқуқий мавқеи ва уни мутахкамлаш бўйича аниқ таклифлар берилган. Қурилиш таъмирлаш харажатлари аудити ва молиявий назоратини янги усулда ташкил этиш орқали ушбу соҳада коррупцияни олдини олишга эришиш мумкинлиги таҳлил қилинган ҳамда таклифлар берилган.

Калит сўзлар: аудит, бюджет ташкилоти, давлат молиявий назорати, смета, қурилиш таъмирлаш харажатлари, қурилиш назорати.

IMPROVEMENT OF AUDIT AND FINANCIAL CONTROL OF CONSTRUCTION AND REPAIR COSTS IN BUDGET ORGANIZATIONS

Akhmedov O.

Tashkent Institute of Finance

Annotation. This article examines the current state of audit and financial control of construction and repair costs in budget organizations, analyzes regulatory documents and makes recommendations for their improvement. The article also provides specific recommendations on the role of budget organizations as customers in the field of construction and repair, the current legal status and its strengthening. The possibility of preventing corruption in this area through the organization of audits and financial control of construction and repair costs in a new way was analyzed and recommendations were made.

Keywords: audit, budget organization, public financial control, estimate, construction and repair costs, construction control.

1. Кириш.

Бюджет ташкилоти давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот ҳисобланади. (Бюджет кодекси, 2013). Бизга тарихдан маълумки, ривожланиб бораётган давлатлар давлат бюджети даромадоларининг салмоқли қисмини қурилиш таъмирлаш харажатларига йўналтиради. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринлари, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий инфраструктурани яратилишига олиб келади. Шу қаторда республикамизда ҳам бюджет даромадларининг салмоқли қисми қурилиш таъмирлаш харажатларига йўналтирилиб келинмоқда. Қурилиш таъмирлаш ишлари жуда мураккаб жараён ҳисобланади, айримлари бир неча йил ҳам давом этади. Ушбу харажатлар бюджет яъни халқни маблағлари ҳисобидан сарфланаётганлиги сабали уни ҳар томонлама назорат қилиб бориш талаб этилади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, қурилиш таъмирлаш ишларини ташкил этиш мураккаб жараён ҳисобланиши билан бирга, уни ҳисоби ва молиявий аудитини ташкил этишда ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Қурилиш фаолияти соҳасида охириги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ушбу соҳани тубдан янгиланаётганлигидан далолатдир. Айниқса, ушбу соҳадаги

коррупцияга қарши кураш, тадбиркорлик субъектларига соғлом рақобат муҳитини яратиш, тендерларни ўтказишда инсон омилини камайтириш борасида олиб борилаётган амалий ишларни келтиришимиз мумкин. Шу билан бирга, ушбу соҳада эришилаётган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда тизимли камчиликлар ҳам учраб келмоқда. Мазкур ҳолат ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

Бюджет ташкилотларида қурилиш таъмирлаш харажатлари молиявий аудити хўжалик юритувчи субъектларда амалга ошириладиган молиявий аудитдан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилиб, молиявий назоратни ташкил этиш, ўтказиш қонун ҳужжатлари кўпол равишда бузилган тақдирда эса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топшириш жараёнларини ўз ичига олади. Ушбу йўналишда мамлакатимиздаги истеъдодли иқтисодчи олимларимиз томонидан чоп этилган дарслик, монография ва ўқув қўлланмаларда, шунингдек, эълон қилинаётган илмий мақола ва тезисларда фақат молиявий аудит текширувини режалаштириш, ўтказиш ва яқунлашнинг назарий жиҳатлари кўриб ўтилган. Аммо мамлакатимизда бюджет ташкилотларида қурилиш таъмирлаш харажатлари аудити бўйича чуқур изланишлар олиб борилмаган. Шу сабаб, хорижий олимлар ва тадқиқотчилар изланишлари кўпроқ ўрганилди.

Ибрагимов (2019) ўз мақоласида капитал қурилишда давлат молиявий назоратини хорижий тажрибаси ўрганилган. Унинг фикрича олий назорат органлари капитал қурилиш соҳасида назоратни амалга оширишда нафақат бюджет харажатларининг қонунийлиги ва самарадорлигини, шу жумладан, уларни ижрочиларга тўлиқ ва ўз вақтида етказилиши нуқтаи назаридан текшириш лозимлигини билдирган.

Маслова (2017) ўз ўқув қўлланмасида қурилиш таъмирлаш харажатларини молиявий назоратида бирламчи ҳужжатлар, яъни лойиха смета ҳужжатлари, бажарилган ишлар далолатномалари, ҳисоб фактуралар, саноқ далолатномалари, ўлчовдан ўтказиш далолатномаларга кўпроқ эътиборни қаратишни, кўп йиллик қурилиш харажатларида товар моддий захираларни ўз вақтида харажатга йўналтиришга эътибор қаратишни илгари сурган.

Ложкин (2020) ўз мақоласида қуйидагича изох берган: Қурилишда молиявий назорат - бу қурилиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий ва тегишли масалаларини текшириш бўйича ҳаракатлар ва операциялар мажмуи.

Қуйида келтирилган олимларнинг фикрлари эса, умумий маънода аудит ва молиявий назоратга изох берилган. Ибрагимов ва Сугирбаев (2009) қуйидагича изох беради: “Молиявий назорат – молиявий ресурслар ҳаракатининг ҳамма жараёнларини яъни, маблағларни ташкил топиш жараёнидан бошлаб, ҳар қандай фаолиятни бошлашдан, то унинг молиявий натижаларини аниқлашгача бўлган даврни ўз ичига олади”. Ушбу олимлар молиявий назорат тушунчасини фақат молиявий натижаларига боғлаш билан чекланиб қолишган, ҳозирги замонавий аудит ва молиявий назоратда эса молиявий натижалар билан бирга, сарфланган маблағларни натижадорлигига ҳам катта эътибор қаратишни тақозо қилмоқда.

Бюджет ташкилотларида қурилиш таъмирлаш харажатлари аудити, молиявий назорати бўйича хорижлик олимлар ҳам умумий молиявий назорат тушунчасига кўпроқ эътибор қаратишган, жумладан, Шохин (1999) “Молиявий назорат – давлат ва жамоат органларининг давлат бюджети даромадлари резервларини излаш, хўжалик ва молиявий операцияларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда қонунийлигини ўрнатиш, ушбу фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини объектив баҳолаш мақсадида, корхона, муассаса ва ташкилотлар молия-хўжалик фаолияти устидан белгиланган назорат функцияларини кузатишнинг кўп қиррали, тармоқлараро тизимидир”, дея ифодалаган.

Конюхова (1997) эса, “Молиявий назорат – мамлакат ва унинг алоҳида ҳудудларини самарали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш субъектлари пул фондларини шаклланиш, тақсимлаш ва фойдаланиш соҳасидаги ҳаракатнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги устидан назорат”, деб изоҳлайди.

Башкатова (2001) ҳам бу борада ўзининг қарашларини келтирган:

“Молиявий назорат:

1) барча иқтисодий субъектлар молиявий интизоми ва молиявий қонунчилигига риоя этилиши устидан махсус яратилган назорат органларининг қатъий регламент(чегара)ланган фаолиятидир;

2) молиявий операцияларнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида, макро ва микро даражадаги пул оқимлари ва молияни бошқаришнинг ажралмас элементиدير”.

Олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда ўз фикримизни шакллантиришга ҳаракат қилдик. Бизнинг фикримизча, бюджет ташкилотларида қурилиш таъмирлаш харажти аудити ва молиявий назоратини ташкил этиш деганда – бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган қурилиш таъмирлаш ишларини қонун ва қонун ости ҳужжатлари талабларига мос равишда амалга оширилишини, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини назорат қилиш амаллари тушинилади.

3. Тадқиқот методологияси.

Бюджет ташкилотларида қурилиш таъмирлаш харажатлари аудити ва молиявий назорати юзасидан амалга оширилган тадқиқот иши жарёнида абстракт мантиқий фикрлаш, кузатиш, таҳлил, гуруҳлаш, таққослаш, усулларидан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига (2022) кўра, қурилиш соҳасида бюджет қонунчилиги бузилишини профилактика қилиш, амалга оширилаётган қурилиш ишларини мониторинг қилиш ва уларда назорат тадбирларини ўтказиш Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматларига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5392-сон Фармонида (2018) асосан, қурилиш соҳаси бўйича назоратни Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси, вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан олиб борилади.

1-жадвал.

Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш ишларини назорат қилиш турлари

Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш ишларини назорат қилишнинг турлари		
давлат органлари томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назорати ва давлат қурилиш назорати	бюджет маблағларининг бош тақсимловчиси томонидан амалга ошириладиган идоравий молиявий назорат	буюртмачи томонидан амалга ошириладиган қурилиш назорати

Қурилиш фаолиятида, шу жумладан бухгалтерия ҳисобида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар молиявий назорат бўйича услубий ва текшириш ҳужжатларида кўп маротаба қайд этиб келинмоқда. Шу билан бирга, давлат буюртмачиси ва пудратчи (бош пудратчи) ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг айрим хусусиятлари, улар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг бюджет ҳисобини ҳам, давлат буюртмачисининг молиявий назоратини ҳам такомиллаштирилишини тақозо этмоқда. Шу сабабдан ҳам, қайси характердаги қоидабузарликлар давлат буюртмачисининг иқтисодий манфаатларига зарар етказиши ва қайси ҳолларда аудитор томонидан аниқланган зарар, ўғирлик, деб ҳисобланиши мумкинлигини ажрата олиш барча молиявий иштрокчилар учун фойдалидир. Шу билан бирга, мансабдор шахсларнинг инсофсиз

хатти-ҳаракатлари натижасида бюджет маблағларининг йўқотилишига йўл қўймаслик учун мустаҳкамланиши лозим бўлган заиф бўғинни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

"Инсофсиз хатти-ҳаракат" - бу қонунбузарликларни қасддан содир этиш орқали бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир. Бундай ҳаракатлар асосан пудрат шартномаларини бажариш даврида қурилиш-таъмирлаш ишлари иш ҳажмини ошириб кўрсатиш, қурилиш ёки таъмирлаш учун зарур бўлган хом ашё материалларини меъёридан ортиқча харажатга йўналтириш орқали амалга оширишга йўл қўйилади.

Хатолардан фарқли ўлароқ, инсофсиз ҳаракатлар мақсадли бўлиб, кўпинча тезкор ва тергов чораларисиз аниқлаш имкони мавжуд эмасдир. Давлат буюртмачисини текширишнинг амалдаги усулларига келсак, улар инсофсиз ҳаракатлар мавжуд бўлган тақдирда давлат ғазнасига етказилган ҳақиқий зарар миқдорини ҳам, ўзлаштириш фактини ҳам аниқлашга имкон бермайди.

Бирламчи ҳужжатларни тайёрлаш (Ф-2 шакли бўйича бажарилган ишларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома ва бажарилган ишларнинг қиймати Ф-3 шакли бўйича ҳисоб фактура), улар асосида буюртмачи ва пудратчи ўртасида ҳисоб-китоб қилинади. Бажарилган иш тўғридан-тўғри пудратчига топширилади. Ушбу ҳужжатларни текшириш учун лойиҳа-смета ва ижро ҳужжатларини, қурилиш маҳсулотларига нарх белгилаш тартибини, шу жумладан меҳнат ва моддий ресурсларга қилинган харажатларни ўрганиш лозим. Давлат буюртмачисида қурилиш ишлари давомида ушбу вазифаларни қурилиш назоратини амалга оширадиган муҳандис-техник ходимларга юкланади.

Тўғридан-тўғри моддий ва молиявий ресурсларни (қурилиш моллари, ишчиларнинг иш ҳақи ва бошқалар) ишлаб чиқариш учун ҳисобдан чиқариш пудратчи томонидан Ф-2 даги далолатномаларга асосан амалга оширилади. Жорий тартиб бўйича, ушбу далолатномалар асосида тузилган Ф-3 шаклдаги ҳисоб фактура тегишли суммаларни буюртмачи бухгалтерия ҳисоби регистрларида кредиторлик қарзи сифатида, пудратчининг бухгалтерия регистрларида эса, дебиторлик қарзи сифатида акс эттириш учун асос ҳисобланади. Капитал ва жорий таъмирлаш харажатларига буюртмачи томонидан ҳақ тўлангандан сўнг харажатлар ҳисобдан чиқарилади, капитал қурилишда (янги қурилиш ва реконструкция) эса, харажатлар буюртмачи-ишлаб чиқарувчи томонидан дарҳол ҳисобдан чиқарилмайди. Улар бухгалтерия ҳисобида тугалланмаган қурилиш сифатида акс эттирилади ва объектнинг инвентар қиймати шакллантирилиб фойдаланишга топширилгандан сўнггина ҳисобдан чиқарилади. Иқтисодий шароитда ўзаро ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг мавжуд белгиланган тартиби бюджет ҳисобини юритишда давлат буюртмачисининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилмайди.

Тугалланган қурилиш таъмирлаш ишлари бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини аудитор томонидан текширишда асосий вазифалардан бири буюртмачининг пудратчи олдидаги қарзини асослилигини аниқлашдир. Шунингдек, молиявий қонунбузарликлар юзага келиши мумкин бўлган ҳисоб-китобларда қуйидаги хато ва камчиликлар аниқланиши мумкин:

иқтисодий фойда келтирмайдиган, шу жумладан буюртмалар бериш ва тендер савдоларини ташкил этиш тартибини бузган ҳолда тузилган шартномалар;

пудратчи томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки ўз вақтида тўлиқ бажармаганлиги;

бухгалтерия ҳисобида хатоликлар билан акс эттирилган, шунингдек рухсат этилмаган молиявий ва хўжалик операциялари;

лойиҳа-смета ҳужжатларининг йўқлиги (қисман йўқлиги) ёки қурилиш вақтида ушбу ҳужжатларнинг тез-тез тузатилиши;

контрагент ҳақида салбий маълумотлар.

Қурилиш таъмирлаш харажатлари аудитида бир марталик атайлаб қилинган хатолик мавжудлигида шубҳа бўлса, у ҳолда барча бажарилган ишлар далолатномалари тўлиқ текширилиши лозим, сабаби, ушбу турдаги хатолик тизимли учрайдиган хатолардан бир неча баробар кўп зарарга олиб келиши мумкин. Бунда, асосан иш ҳажмини кўшиб ёзиш, сарфланган хом ашё материаллари нархини ошириб кўрсатиш, меъёрдан ортиқча харажатга йўналтиришлардан аниқлаш мумкин.

"Қўшиб ёзишлар" бажарилган ишлар тўғрисидаги Ф-2 далолатномада кўрсатилган ишлар ҳажми ҳамда ҳақиқатда бажарилган ишлар ўртасидаги ижобий фарқ тушунилади. Жумладан, Ф-2 далолатнома тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига

мувофиқ тузилади лекин, ҳақиқатда қурилиш конструкцияларининг ишончилигига таъсир қилмайдиган бошқа ишлар бўйича яъни, пардозлаш, санитар-техник ва том ёпиш ишлари, атрофни ободонлаштириш ишлари аслида тўлиқ амалга оширилмайди ёки ушбу жойларда паст сифатли, арзон қурилиш молларидан фойдаланилади. Шунинг таъкидлаш лозимки, жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун, қурилишдан фарқли ўлароқ, смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мажбурий ҳисобланмайди ва давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилмайди (кўпинча кўрсатилган ҳужжатлар пудратчи томонидан тузилади).

Ф-2 далолатномаларда қўшиб ёзишларни аниқлаш учун аудитор объектдаги ишларнинг жисмоний ҳажмини назорат ўлчовларидан ўтказиши лозим. Ҳозирги вақтда назорат ўлчовларини ўтказишнинг ягона қоидалари (қўшимчаларни аниқлашнинг энг самарали усули) ва "зарар" ни аниқлаш тартиби мавжуд эмас.

Қурилиш таъмирлаш ишларида бажарилган ҳажмларини текширишда зарарни қандай аниқлаш мумкинлигини кўриб чиқамиз. Айтайлик, 5 қаватли бинонинг 2-қаватини қуриш вақтида аудитор деворларнинг ғишт ишлари бўйича ишларнинг ҳажми ва нархини 10,0 млн. сўм миқдоридан кўшиб ёзилганлигини аниқлади. Вақт ўтгач, 3-қаватни қуришда пудратчи Ф-2 бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тузишда ушбу аниқланган суммани тўловсиз, ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини кўрсатиб ўтди. Гўёки аудитор томонидан аниқланган зарарни қоплаш учун. Объектнинг қурилиши тугалланмаган бўлса, бундай "зарар" қурилиш-монтаж ишларининг турларидан қатъий назар, шунингдек, уйнинг 3-5 қаватларини қуришда, шу жумладан турли хил меъёрий ҳужжатлар билан аниқланиши ва "қопланиши" мумкин.

Бу ҳолатда, шубҳасиз, қонунбузарликлар мавжуд, чунки пудратчига 10,0 млн. сўм тўланган (ёки бундай кредиторлик қарзлари бухгалтерия ҳисоби регистрларида рўйхатга олинган, чунки, Ф-2 далолатнома имзоланган) молиявий назорат вақтида эса, қурилиш таъмирлаш ишлари якунига етмаган. Бизнинг фикримизча, буни "зарар" деб баҳолаш нотўғри, чунки, пудратчи шартноманинг умумий нархидан ошмаган: агар лойиҳада 100 бирлик иш ҳажми назарда тутилган бўлса, молиявий назорат даврида 50 бирлик ҳажмдаги ишни бажарган ҳолда 70 бирлик бажарилди, деб киритилган, лекин умумий 100 бирликдан ошмаган бўлади. Чунки, қурилиш тугашидан олдин пудратчи яна 50 бирликни бажариши керак.

Ҳақиқий зарар етказилганлиги фактини фақат қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг, ишларнинг якуний ҳажмлари ва умуман уларнинг нархи маълум бўлганда аниқлаш мумкин. Бизнинг мисолимизда, агар, қурилиш охирида 100 бирлик ҳажм тугалланган бўлса, зарар йўқ. Агар, 100 бирлик ҳажмга тўлов етказилган бўлиб, лекин, 90 бирлик ҳақиқатда тугатилган бўлса, у ҳолда 10 бирликни ҳақиқий зарар, деб ҳулоса қилиш зарур.

Шунингдек, қурилиш жараёнидаги оралиқ назорат ўлчовларини ўтказилиши текшириш натижасига керакли натижани бермайди. Лекин, шунга қарамай, объектни қуриш, шунингдек, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан кейингина молиявий назорат тадбирларини ўтказиш лозимлиги ҳеч қайси бир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирилмаган.

Агар, аудитор буюртмачи томонидан ҳақиқий зарар етказган қўшиб ёзишларни аниқласа, уни бюджет маблағларини ўғирлашда иштирок этганлигини айблаш мумкин эмас. Чунки, Ф-2 далолатномада киритилган моддий ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғридан-тўғри пудратчи томонидан амалга оширилади ва аудитор пудратчининг бухгалтерия ҳужжатларини қарама-қарши текшириш ҳуқуқига эга эмас.

Буюртмачи томонидан инсофсиз хатти-ҳаракатлар натижасида аниқланган камомадни ўғирлик, деб баҳоланса, иш ҳажми ва қийматини ошириб кўрсатиш орқали пудратчига пул маблағларини ортиқча ўтказиш фактини бюджет маблағларини ўғирлаш, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Ўғирлик бор ёки йўқлигини фақат пудратчининг бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини текшириш орқали аниқлаш мумкин бўлади.

Бухгалтерия ҳисобини тўғридан-тўғри бузиш орқали ўғирлик содир этиш жиноий жавобгарликка қадар жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин, шунинг учун давлат буюртмачисидан бундай қонунбузарликлар кам учрайди. Буюртмачи учун бундай мақсадларни амалга оширишида пудратчидан фойдаланиши хавфсизроқдир, уларсиз қурилиш соҳасида ўғирлик содир этиш мумкин эмас. Шундай қилиб, агар, Ф-2 далолатномага кўра буюртмачи пудратчига 1,0 млрд. сўм маблағ ўтказган бўлса, шундан 10,0 млн. сўм қўшимча ёзишлар туфайли ишнинг нархи ортиқча, деб

баҳоланса, бу ўғирлик дегани эмас. Ушбу қўшиб ёзишлар фақат ўғирликнинг билвосита белгисидир.

10,0 млн. сўм ўғирлик фактини исботлаш учун буюртмачи ҳисобидан 10,0 млн. сўмлик мол мулк (хусусан, қурилиш моллари) ҳисобдан чиқарилган бўлиши керак. Бундан ташқари, инвентаризация вақтида ушбу мулк моддий жавобгар шахсда йўқ бўлиши лозим. Агар, ҳисобдан чиқарилган мол мулк пудратчининг ҳудудида ортиқча сифатида аниқланса, Ф-2 далолатномага мувофиқ қўшиб ёзишлар билан ҳисобдан чиқариш амалга оширилганига қарамасдан, бу ўғирлик факти бўла олмайди. Кўрсатилган қурилиш моллари пудратчи (объект) ҳудудидан олиб чиқилса, ўғирлик ҳисобланади ва пудратчи томонидан қонунга хилоф равишда ҳисобдан чиқарилган мол-мулк (қисман ёки тўлиқ) унинг эгалигида аниқланганда буюртмачи ўғирликда иштирок этганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Пудратчи томонидан “бир кунлик” жамиятлар орқали ўтказилган маблағларни ўзлаштирган ҳолатларда инсофсиз ҳаракатларни аниқлаш янада қийинроқ бўлади.

Эътиборли жихати шундан иборатки, иш ҳажмини ошириб кўрсатишнинг яна бир сабаби, буюртмачининг эътиборсизлиги ва пудратчининг қурилиш молларини ишлаб чиқариш меъёрларига риоя қилмасдан, уларни ташиш ва сақлаш вақтида ортиқча йўқотишлар, камомадлар ва бошқалар билан боғлиқ йўқотишларни қоплаш мақсадида амалга ошириши ҳам мумкин.

Ф-2 далолатномада қўшиб ёзишлар пудратчилар учун қўшимча даромад ҳисобланади. Бюджет маблағларини қўшиб ёзишлар орқали ўзлаштириш учун, пудратчи одатда, олинган маблағларни ўзи назорат қиладиган жамиятларга (субпудратчи ёки етказиб берувчи) сохта ҳужжатлар бўйича, гўёки бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун ўтказилади. Кейинчалик белгиланган ҳажмларга тенг бўлган маблағларни нақдлаштириш ёки ресурсларни ҳисобдан чиқариш ва ўз хоҳишига кўра фойдаланиш мумкин бўлган, ҳисобга олинмаган товар-моддий захираларни яратади.

Шуни таъкидлаш лозимки, буюртмачи пудратчи олдидаги қарздорлигини тасдиқлаган бўлса, дастлабки аниқланган зарар миқдорини ундириш жуда ҳам муаммолидир, хаттоки суд тартибида ҳам. Чунки, Ф-2 далолатнома имзоланган ҳужжатдир. Шунингдек, яна бир нарсага эътибор бериш лозимки, аниқланган зарар пудратчига хали тўлаб берилмаган бўлса ҳам, буюртмачи Ф-2 далолатнома бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаб бериши лозим бўлади. Сабаби, буюртмачининг бухгалтерия ҳисоби бўйича кредиторлик қарзи мавжуд. Шу сабабли, ўзаро ҳисоб-китобларнинг амалдаги тартиби давлат буюртмачиси учун фойдали эмас, чунки, пудратчининг иқтисодий манфаатлари кўпроқ ҳимояланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат буюртмачисининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бюджет ҳисобига бажарилган ишлар учун пудратчи билан ҳисоб-китобларни акс эттириш тартиби бўйича қуйидагича ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқдир.

2-жадвал.

Бюджет ҳисобида қурилиш таъмирлаш харажатларини ҳисобга олишнинг жорий ва таклиф этилаётган тартиби

Жорий тартиб	Таклиф этилаётган тартиб
Қурилиш тугалланмасдан олдин жорий Ф-2 далолатнома тасдиқланганда буюртмачи тасдиқланган суммани бюджет ҳисобида кредитор қарздор сифатида акс эттиради.	Қурилиш тугалланмасдан олдин жорий Ф-2 далолатнома тасдиқланганда буюртмачи тасдиқланган суммани бюджет ҳисобида олинган бўнак (аванс) сифатида акс эттиради.
Бундай ҳолда, пудратчи билан якуний ҳисоб-китоб фақат қурилиш тугагандан сўнг ва у томонидан бажарилган ишларни якуний текширилгандан сўнг амалга оширилиши керак бўлади.	

Шундай қилиб, Ф-2 далолатнома асосида имзоланган ҳужжатлар объектда қурилиш тугалланишига қадар Ф-2 далолатнома ва Ф-3 ҳисоб фактура буюртмачи учун фақат қўшимча аванс тўловини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади, аммо жорий

тартиб бўйича пудратчига тўланадиган кредитор қарзларни тўлаш мажбуриятини олишни аниқлашмайди. Буюртмачи ушбу мажбуриятларни фақат давлат шартномаси бўйича барча ишлар бажарилгандан кейин, аванс тўловлари етарли бўлмаганда ўз зиммасига олиши лозим. Агар, қурилиш якунлангандан сўнг текшириш даврида қўшиб ёзишлар борлиги аниқланса, пудратчи олинган аванснинг бир қисмини қайтаради, чунки бухгалтерия ҳисобига кўра, у буюртмачининг тўланмаган аванс тўловига эга бўлади ва судда қарор буюртмачи фойдасига ҳал бўлиши таъминланади.

Пудрат шартномаси бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг бундай тартиби жорий қилинса, назорат қилувчи органлар қурилиш тугалланмаганида зарар ҳақида ҳулоса қилишларига асос бўлмайди, чунки давлат буюртмачисининг кредиторлик қарзи бўлмайди, лекин пудратчига асоссиз қўшимча аванс тўлови тўланиш ҳолатлари бўлиши мумкин.

Ўз ўзидан шундай савол туғилади, ўзаро ҳисоб-китобларнинг таклиф этилаётган тартиби пудратчи манфаатларига зид бўладими ёки йўқми, чунки, фуқаролик қонунчилиги қурилиш фаолияти субъектларига тенг ҳуқуқларни беради. Бу саволга жавоб "йўқ" деб билишимиз керак, сабаби, пудратчи учун тижорат ташкилоти сифатида фақат фойда муҳимдир. Унга қурилиш охирида ишларни сифатли ва виждонан бажариш билангина кафолатланишини ҳис қилиши лозим. Ф-2 далолатнома имзолагандан кейин буюртмачининг аванс тўлаш мажбурияти шартномада аниқ (шу жумладан тўловни кечиктириш учун жарималар билан) белгиланиши лозим.

Бизнинг фикримизча, инсофсиз хатти ҳаракатлар мансабдор шахсларнинг қонунни бузиш истагидан кўра, қонун ҳужжатларининг номуқаммаллигидан келиб чиқади. Муаммони ҳал этишнинг энг самарали йўли молиявий назоратни амалга ошириш асосида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат қурилиш назоратини амалга оширувчи органлар билан ишни мувофиқлаштириш зарурдир. Давлат молиявий назорати ва қурилиш назорати соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бир томондан, бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни, иккинчи томондан, техник регламентларга риоя қилишни таъминлайди. Қурилиш назорати жараёнида молиявий-иқтисодий характердаги масалалар кўрилмайди.

Давлат қурилиш назоратини амалга ошириш тартибларига мувофиқ, оралиқ текширувлардан ташқари, объектни қуриш тугаллангандан сўнг объектни топширишда мажбурий якуний текшириш талаб қилинади. Аммо, бундай якуний молиявий назорат тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирилиб, мустаҳкамланмаган.

Ваколатли давлат органлари молиявий назорат ва қурилиш назорати объектни қуришда маблағларнинг оқилона сарфланиши ва техник жараёнларга риоя қилиниши мустақил (алоҳида) равишда амалга оширилади. Натижада, қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилмаслик (пудратчи томонидан лойиҳада кўзда тутилган технологик операцияларни бажармаслик ёки уларнинг сифатсиз бажарилиши) буюртмачига зарар етказилишига олиб келади. Шу сабабли, молиявий назорат ва қурилиш назоратини амалга оширувчи органлар томонидан давлат буюртмачисининг (давлат қабул комиссияси тайинланишидан олдин) биргаликда комплекс текширувдан ўтказиш ва бундай текширувдан сўнг молиявий қоидабузарликлар ёки техник нуқсонлар мавжуд эмаслиги ҳақидаги ҳулосага асосланиб, бош пудратчи билан якуний ҳисоб-китоб қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Жорий таъмирлашга келсак, буюртмачининг авансни ҳисобдан чиқариш учун асоси пудрат шартномаси бўйича таъмирлаш ва қурилиш ишларини буюртмачининг биноларга хизмат кўрсатиш ходимлари иштирокида тузилган комиссия якуний текшируви далолатномасидан сўнг амалга оширилади.

Пудрат шартномаси бўйича тугалланган қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун ҳисоб китобларнинг бюджет ҳисобини юритиш тартибини ўзгартириш амалдаги қонунчилик доирасида инсофсиз пудратчилардан давлат буюртмасини бажариш жараёнида давлат буюртмачисига етказилган зарарни ундириш имконини беради. Шунгдек, пудрат шартномасида етказилган зарарга нисбатан жарималар қўлланилиши шартини ҳам мажбурий тартибда киритиш лозим.

Молиявий назорат ва қурилиш назоратини биргаликда амалга ошириш, шунингдек, бюджет ҳисобига ўзгартиришлар киритиш буюртмачи ва пудратчини ноқонуний ҳаракатлардан сақлашга ёрдам беради. Қачонки, пудратчи нима бўлишидан қатъий назар қурилиш ишлари якуни билан етказилган зарар жарималари билан бирга қўшилиб ўз маблағлари ҳисобидан қопланишини англаб етса, у буюртмачи билан ҳеч

качон тил бириктирмайди. Адолатли рақобат шароити шаклланса, пудратчининг буюртмачи билан тил бириктириб ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйиши бартараф этилади. Бу ерда буюртмачи эмас, балки пудратчи кўпроқ хавф остида қолади, чунки, пудратчи ўзлаштирилган молиявий ва моддий ресурсларни ҳисобдан чиқаради.

5. Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, а бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш таъмирлаш ишларини назорат қилиб бориш катта аҳамиятга эга, шу сабабдан унинг харажатлари аудити ва молиявий назоратини тўғри ҳамда объектив ташкил этиш ўта долзарб масалалардан бири экан.

Шунингдек, буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тенглигини таъминлаш долзарб ҳисобланади. Улар ўртасидаги муносабатларда коррупцияга мойилликни камайтириш мақсадида қонун ва қонун ости ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши талаб этилади. Биргина қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар келажақда ушбу соҳада сифатнинг ошишига, молиявий хато ва камчиликларни камайишига, бюджет маблағларини иқтисод қилинишига олиб келиши мумкин.

Бюджет ташкилотларида қурилиш таъмирлаш харажатлари аудити ва молиявий назорати юзасидан қўйидаги чораларни амалга ошириш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин.

1. Молиявий назорат ва қурилиш назоратини амалга оширишга ваколатли органлар томонидан қурилиши тугалланган объектларни биргаликда текшириш тартибини ишлаб чиқиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқлаш. Объектни фойдаланишга топширишдан олдин бундай текшириш режалари давлат инвестиция дастурлари ҳисобидан қурилаётган объектларни ишга тушириш режаси билан мувофиқлаштирилиши керак.

2. Пудрат шартномаси бўйича ҳисоб-китоблар бўлимига етказилган зарарга нисбатан жарима миқдорини киритиш, бунинг асосида аниқланган зарарни пудратчидан ундириш. Тендер ўтказишдан аввал намунавий шартнома шартнинг ҳисоб-китоблар бўлимига шундай тартиб киритилиши керак: Агар, ушбу пудрат шартномаси асосида ўтказилган қурилиш таъмирлаш ишлари якуни билан, давлат молиявий назорати мутахассислари томонидан аниқланган зарар, қўшиб ёзиш ва бошқа молиявий хато камчиликлар аниқланган тақдирда, пудратчи ушбу аниқланган молиявий ва маънавий зарарни 15 иш куни давомида зарарга нисбатан 40% жарима билан

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши пудратчи ва давлат буюртмачисининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди, шунингдек, бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиб, мақсадсиз харажатларни камайтириш имконини беради.

Литература/Reference:

Address (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis;

Budget Code (2013) of the Republic of Uzbekistan, December 26, 2013, SRC No. 360;

Decree (2021) of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-6300 "On measures to further improve the system of public financial control";

Decree (2018) of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-5392 "On measures to radically improve the system of public administration in the construction sector"

Ibragimov A.K., Sugirbaev B.B. (2009) Budget control and audit. / Textbook. – Т .: infoCOM.uz LLC Publishing House, 192 p (7 p.).

Law (2019) of the Republic of Uzbekistan "On the Chamber of Accounts", LRU No. 546 of July 1, 2019;

Resolution (2022) of the President of the Republic of Uzbekistan "On further increasing the efficiency of the State Budget of the Republic of Uzbekistan and improving the activities of public financial control"

Башкатова Т.А. (2001) Сущность и функции финансового контроля. Учебник Финансы. /Под ред. проф. Л.А. Дробозиной. С. 385. / Bashkatova T.A. (2001) Essence and functions of financial control. Textbook Finance. / Ed. prof. L.A. Drobozina. p. 385.

Ибрагимов Р.Г. (2019) Зарубежный опыт осуществления государственного финансового контроля в сфере капитального строительства. RUDN Journal of Public Administration, 2019, 6(1), 18–27 / Ibragimov R.G. (2019) Foreign experience in the implementation of state financial control in the field of capital construction. RUDN Journal of Public Administration, 2019, 6(1), 18–27

Конюхова Т.В. (1997) Правовые акты об органах, осуществляющих финансовый контроль. // Законодательство и экономика. №19/20. С.25. / Konyukhova T.V. (1997) Legal acts on the bodies exercising financial control. // Legislation and economics. No. 19/20. p. 25.

Маслова Т.С. (2017) Контроль и ревизия в бюджетных учреждениях. Учебное пособие. 2-е издание. с. 9 / Maslova T.S. (2017) Control and audit in budgetary institutions. Tutorial. 2nd edition. p. 9

Шохин С.О. (1999) Проблемы и перспективы развития финансового контроля в Российской Федерации. С. 6. / Shokhin S.O. (1999) Problems and prospects for the development of financial control in the Russian Federation p. 6.



ВЛИЯНИЕ МИРОВЫХ СОБЫТИЙ НА ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНУЮ ПОЛИТИКУ ЦЕНТРАЛЬНОГО БАНКА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Ахмедова У.Х., Мавлонов С.Х., Арзуманян С.Ю.

Ташкентского Финансового Института

Аннотация: В статье дается определение денежно-кредитной политики и раскрывается её роль экономики в целом; рассматривается механизм денежно-кредитного регулирования, его виды, режимы монетарной политики и их роль в обзоре последних мировых событий.

Ключевые слова: денежно-кредитная политика, инфляция, инфляционное таргетирование, стимулирующая (мягкая) ДКП, сдерживающая (жесткая) ДКП, основная процентная ставка, обязательные резервные требования, операции на открытом рынке.

IMPACT OF WORLD EVENTS ON THE MONETARY POLICY OF THE CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Akhmedova U.Kh., Mavlonov S.Kh., Arzumanyan S.Yu.

Tashkent Financial Institute

Annotation: The article defines monetary policy and reveals its role in the economy as a whole; the mechanism of monetary regulation, its types, monetary policy regimes, and their role in the review of recent world events are considered.

Keywords: monetary policy, inflation, inflation targeting, stimulating (soft) monetary policy, contracting (hard) monetary policy, main interest rate, mandatory reserve requirements, open market operations.

1. Введение.

В условиях нового финансового кризиса, спровоцированного пандемией COVID-19 центральные банки и иные регуляторы денежно-кредитной политики в 21 веке должны решать большое количество различных вопросов, касающихся различных аспектов монетарной политики страны. Помимо этого, события между Украиной и Российской Федерацией отражаются в геополитическом аспекте в разных регионах мира по-разному. Во всей мировой экономике будут ощущаться последствия этого конфликта в виде замедления темпов роста экономики и ускорения инфляции.

Эта создаваемая политика должна уравнивать между конкурентоспособностью и развитием экономики и ее стабильностью. Центральные банки развитых стран оперативно отреагировали на сложившуюся ситуацию, чтобы сохранить стабильное функционирование рынков и бесперебойное действие трансмиссионного механизма денежно-кредитной политики. Один из основных целей монетарных властей это смягчение последствий от падения экономической активности и обеспечение бесперебойной работы финансовых рынков.

Денежно-кредитная политика представляет собой комплекс государственных мер по управлению финансовыми потоками в стране. Она даёт возможность регулировать состояние кредитного рынка, контролировать деятельность коммерческих банков, воздействовать на деловую активность и совокупный спрос. Обычно в западной экономике её принято называть монетарной политикой.

Денежно-кредитная политика проводится в русле экономической стратегии государства и не должна противоречить ей. Годовые регуляторы совместно с руководством утверждают ее основные направления и дают информации в

официальных сайтах. Как нам известно это политика затрагивает деятельность всех субъектов финансовых отношений: банковский сектор, бизнес-структуры, простых граждан.

2. Обзор литературы.

Как было отмечено выше, в экономической литературе встречаются различные подходы к трактовке сущности денежно-кредитной политики. По определению Долана (2006), «в это понятие включаются все действия правительства, которые влияют на количество денег, которые находятся в обращении». Другими словами, монетарная политика – это совокупность мер воздействия государства на состояние денежно-кредитной сферы (прежде всего на динамику таких денежно-кредитных показателей, как уровень банковской ликвидности, процентных ставок, объем кредитов, уровень валютного курса).

С точки зрения экономистов монетарная политика – политика таких изменений денежной массы, которые могут способствовать экономическому росту, занятости и сдерживанию инфляции.

Макконел и Брю (2015) считают, что главной целью денежно-кредитной политики является «помощь экономике в достижении общего уровня производства, характеризующегося полной занятостью и отсутствием инфляции».

Глазьев (2016) в своих научных статьях подвергают необходимость перехода к активной стимулирующей денежно-кредитной политике, направленной на обеспечение долгосрочного экономического роста.

Экономисты считают, что монетарная политика – это политика управления денежной массой и процентными ставками, которую проводит Центральный банк государства.

По мнению других учёных, монетарная политика – это различные действия Центробанка, которые должны привести к достижению экономических целей, поставленных руководством страны.¹

Аганбегян (2015) критически оценивает точку зрения авторов, считающих, что вливание денег в экономику вызывает рост цен. Приводятся контраргументы: форсированный рост инвестиций в основной и человеческий капитал может составить 8–10% в год (2,0–2,5 трлн р.), т. е. 3% ВВП, и не эта мизерная сумма определяет размер инфляции. В большей степени денег каждый год впрыскиваются в народное хозяйство страны через бюджет, внебюджетные государственные фонды, банковские кредиты, федеральные фонды и т. д.

3. Методология исследования.

Методологической базой исследования являются диалектическая теория развития, фундаментальные положения теорий, включающие анализ и теоретическое обобщение сущности, содержания и монетарной политики. Методологические исследования, направленные на эффективные формы политики центрального банка и его роль в развитие экономики, а также влияние мировых событий на денежно-кредитную политику центрального банка республики Узбекистан.

4. Анализ и результаты.

Таким образом, денежно-кредитная политика — комплекс мер, направленный на регулирование и контроль за количеством денег в экономике. Роль правительства в монетарной политики, обеспеченность этого регулирования бюджетной системой – основные проблемы науки финансового права в юридико-регулятивном и в экономическом плане.

Важные тенденции денежно-кредитной политики отражают совокупность мер, которые будут осуществлены Центральным банком в ближайшее время, в том числе меры, которые будут осуществляться в денежно-кредитной сфере в контексте изменения внешних и внутренних макроэкономических условий, в том числе используемый принципы и инструменты.

За совершение монетарной политики государства отвечают специальные финансовые организации – их называют регуляторами. В России это Банк России, в

¹ <https://currency.com/>

США – Федеральная резервная система, в Республики Узбекистан – Центральный банк РУз. Они обладают определенной автономностью, поэтому защищены от давления государственных структур и политических институтов.

Даже в условиях дифференциации подхода к статусу таких учреждений их создание преследует цель обеспечения финансово-денежной стабильности.

Контролирующие органы, посредством принятия наилучших для субъектов хозяйствования мер централизованной денежно-кредитной политики, может активизировать экономический рост. Имеется в виду, например, о предоставлении денежных кредитов, субсидий частным хозяйствующим субъектам из бюджета.

Новая редакция Закона (2019) «О Центральном банке Республики Узбекистан» в качестве основных целей сегодня выделяет обеспечение стабильности: цен, банковской системы и функционирования платежных систем, в отличие от предыдущей редакции, где главная цель – обеспечение стабильности национальной валюты. В этой связи, на наш взгляд, регуляторы денежно-кредитной политики должны обладать целым спектром инструментов и методов, которые позволяли бы им оперативно влиять на складывающуюся макроэкономическую политику. При этом, важно выделить, то, что инструменты должны быть предельно гибкими, то есть иметь разную степень влияния на экономику, а также различаться по механизму воздействия. Иными словами, регуляторы должны обладать как прямыми, так и косвенными инструментами влияния на экономику.

Вследствие этого, интерес представляют регуляторы денежно-кредитной политики, которые сталкивались в своей деятельности с резкими сменами экономических циклов. Необходимо сформировать, какими средствами они пользовались и какие цели преследовались ими при использовании того или иного инструмента и метода денежно-кредитной политики.

В качестве инструментов денежно-кредитной политики принято выделять основные из них, такие как:

- основная процентная ставка
- обязательные резервные требования
- операции на открытом рынке
- Основная процентная ставка

Это главное «оружие» Центробанка в борьбе за ценовую стабильность. Она представляет собой процентную ставку, от которой отталкиваются все остальные ставки денежного рынка, по которым банки заимствуют у Центрального банка. Таким образом, главная ставка оказывает влияние на уровень процентных ставок в экономике, а также на потребительские и инвестиционные решения населения и бизнеса, которые, в свою очередь, влияют на внутренний спрос и инфляцию. С помощью основной процентной ставки регулятор поддерживает оптимальный объем денежной массы в обращении.

- Изменение обязательных резервных требований

Резервные требования – средства кредитных организаций, которые они должны хранить в качестве обязательного резерва на корреспондентском счете в центральных банках. Система обязательного резервирования вводится для обеспечения обязательств банков по размещенным депозитам, а также для регулирования объема денежной массы, находящейся в обращении. Центральный банк определяет минимальный размер активов, который банки должны направить в резерв. Чем ниже норма резервирования, тем больше у банков возможностей для кредитования населения и бизнеса.

- Операции на «открытом» рынке

Они считаются одним из основных средств регулирования денежного обращения в мировой практике и является наиболее гибким способом контроля над денежным предложением в стране. Следовательно, Центральный банк может покупать и продавать акции на открытом рынке за счет собственного капитала. В операциях, проводимых на открытом рынке, участвует большое количество различных ценных бумаг. Выкуп Центральным банком у коммерческих банков ценных бумаг повышает объем денежной массы в обращении, а их продажа – сокращает.

Продолжающаяся военная операция и пандемия потребовали принятия ряда мер в сфере денежно-кредитного регулирования, которые, соответственно, создают различные колебания и влияют на экономику, что, в свою очередь, усложняет процесс

оценки и прогнозирования макроэкономических показателей. С учетом степени этих неопределенностей и особенностей каналов влияния, прогнозы макроэкономического развития были разработаны на основе 3-х различных сценариев – основного (предусматривающего постепенное восстановление экономики), оптимистичного (более быстрое восстановление) и рискованного (более медленное восстановление).

В основной сценарий макроэкономического развития заложены те предположения, при которых ситуация с пандемией будет постепенно улучшаться. Население и бизнес продолжат свою деятельность, адаптируясь к условиям пандемии и после неё. При этом за счет постепенного восстановления экономик внешнеторговых партнеров, внешний спрос со второй половины 2022 года выйдет на докризисный уровень.

Альтернативный (оптимистичный) сценарий макроэкономического развития, основанный на быстром восстановлении экономики, включает более быстрое улучшение ситуации с пандемией, отсутствие дальнейших карантинных мер и повсеместное применение противовирусных вакцин и лекарств со второй половины 2021 года в мире.

При альтернативном (рисковом) сценарии макроэкономического развития, основанном на повышении внешнеэкономических рисков, при рисковом сценарии внутренняя экономическая активность и совокупный спрос, по прогнозам, выйдут на докризисный уровень только к концу 2022 года, экономика достигнет своего потенциального уровня после 2023 года, а дефицит бюджета останется на уровне 6-7%. В условиях этого сценария процесс либерализации регулируемых цен, вероятно, будет отложен на 2023 год.

Однако, ввиду сложившейся ситуацией, связанной с событиями в Украине, центральные банки должны пересмотреть сценарии макроэкономического развития с учетом новых событий, так как они оказывают влияние практически на экономики всех стран.

Так, на заседании правления Центрального банка Республики Узбекистан, которое состоялось 17 марта 2022 года, впервые с 2018 года, было принято решение о повышении основной ставки до 17%². Повышение основной ставки связано главным образом с попыткой сократить отрицательные последствия кризиса российской экономики на экономику Узбекистана, обусловленного введенными против Российской Федерации санкциями. Это связано, в первую очередь, с значительным сокращением валютных поступлений из России и Казахстана, как из-за падения курсов валют, так и из-за сокращения спроса на рабочую силу в этих странах. Во-вторых, мы рискуем потерять некоторые экспортные позиции из-за закрытия границ России со странами Европы и падения доходов и спроса в России. И хотя могут сработать некоторые компенсационные механизмы (рост мировых цен на золото и газ, рост экспорта за счет девальвации сума), очевидно, что указанные обстоятельства давят на обменный курс сума в сторону его понижения. Соответственно, ставится задача удержать рост инфляции в разумных размерах, предотвратить ускорение роста цен. В сложившихся условиях Центральный банк республики приходит к доступному инструменту ограничения денежной массы, то есть к повышению основной ставки.

5. Заключение и выводы.

Связи с мировыми событиями, т. е. последствиями пандемии и военными действиями между Российской Федерацией и Украиной в центре внимания Центрального банка Республики Узбекистан стоит задача по обеспечению скоординированности структурных реформ и мер макроэкономической политики с целевыми показателями инфляции, а также поддержанию финансовой стабильности.

Как известно, изменение размера (рост) основной процентной ставки ограничивает денежную массу и, по сути, эта мера должна способствовать увеличению стоимости кредитных ресурсов. Для того чтобы этот метод был эффективным правительство должно сокращать льготные кредиты, что несколько затормозит резкий рост процентных ставок на финансовом рынке. К сожалению, в таких сложных политических обстоятельствах без помощи государства и без льготных кредитов молодым предпринимателям в целом бизнесу будет сложно. Для экономики повышение

² <https://cbu.uz/ru/monetary-policy/refinancing-rate/levels/>

основной ставки принесет негативные последствия, однако, на наш взгляд, это вынужденное и оправданное решение.

Литература/Reference:

Aganbegyan A. (2015) How the state budget can become the locomotive of the socioeconomic development of the country. *The Issues of Economics*, no. 7, pp. 142–151.

Глазьев С.Ю. (2016) О новой парадигме в экономической науке // *Экономическая наука современной России*. №3. С. 7–17; №4. С. 10–22. / Glazyev S.Yu. (2016) On a new paradigm in economic science // *Economic science of modern Russia*. Number 3. pp. 7–17; No. 4. pp. 10–22.

Долан Э.Дж. (2006) *Деньги, Банковское дело и денежно-кредитная политика*/ Пер. с англ. В.Лукашевича и др.; Под общ.ред. В.Лукашевича. М. / Dolan E.J. (2006) *Money, Banking and monetary policy* / Per. from English. V. Lukashovich and others; Ed. V. Lukashovich.-М.

Закон (2019) Республики Узбекистан «О Центральном банке Республики Узбекистан» от 11.11.2019 г. №ЗРУ-582 / Law (2019) of the Republic of Uzbekistan "On the Central Bank of the Republic of Uzbekistan" dated November 11, 2019 No. LRU-582

Макконел К., Брю С. (2015) *Экономикс*. - М.: Дело.

McConnell K., Brew S. (2015) *Economics*. - М.: Business.

Указ (2019) Президента Республики Узбекистан "О совершенствовании денежно-кредитной политики с поэтапным переходом на режим инфляционного таргетирования" 18 ноября 2019 года под № УП-5877 / Decree (2019) of the President of the Republic of Uzbekistan "On improving the monetary policy with a phased transition to the inflation targeting regime" November 18, 2019 under No. DP-5877



ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ МУАММОЛАРИ

Аҳмаджонов А.К.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Ҳисоботларни Молиявий ҳисоботни халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ тайёрлаш масалалари ҳозирда долзарб ҳисобланмоқда бу Ўзбекистон Республикаси учун ҳам, хорижий компаниялар учун ҳам тегишлидир. Шу муносабат билан, МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг хорижий тажрибасини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга шунингдек, уни тайёрлаш жараёнида хорижий компаниялар дуч келган асосий муаммоларни ўрганиш ҳам зарурдир.

Калит сўзлар: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисобот, такомиллаштириш, ўтиш, ўзгартиришлар, йиллик режалаштириш, жорий режалаштириш, ҳужжатлаштириш.

PROBLEMS OF PREPARING FINANCIAL REPORTS IN ELECTRIC ENERGY JOINT-STOCK COMPANIES IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS OF FINANCIAL REPORTING

Ahmadjonov A.K.

Tashkent State University of Economics

Annotation: The issues of preparing reports in accordance with International Financial Reporting Standards (IFRS) are currently relevant, both for the Republic of Uzbekistan and for foreign companies. In this regard, it is important to analyze foreign experience in preparing the first IFRS financial report, as well as to study the main problems that foreign companies face in the process of preparing it.

Keywords: International Financial Reporting Standards, financial reporting, improvement, transition, changes, annual planning, current planning, documentation.

1. Кириш.

Бухгалтерия ҳисоби – бу бутун дунё бўйлаб ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган бошқарув функцияси бўлиб, у ташкилот фаолиятининг барча иқтисодий маълумотларини тўплаш учун мўлжалланган. Муболағасиз, бухгалтерия “бизнеснинг молиявий тили” деб номланади. Аммо XX асрнинг 70-йилларига қадар ягона “иқтисодий тил” мавжуд эмас эди ва бу капитал ҳаракатланишининг тўсиқларидан бири эди.

Трансмилий корпорацияларнинг фаол ўсиши, молиявий бозорнинг глобаллашуви ва халқаро иқтисодий интеграция бухгалтерия ҳисобини бирлаштиришнинг асосий сабаблари бўлиб хизмат қилди. Замонавий халқаро ишбилармонлик фаоллигининг ўсиши барча фойдаланувчилар манфаатларига жавоб берадиган ягона молиявий ҳисобот стандартларини жорий қилиш заруратини уйғотди.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш ва уни халқаро аудит стандартлари асосида аудит текширувидан ўтказиш зарурияти яна шу билан белгиланадики, дунё бозорларига чиқиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, дунё хом-ашё ва валюта биржаларига котировка қилиш, дунё банкларидан кредит олиш учун компания ва ташкилотлар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисобот тузишлари талаб этади.

Ҳозирги вақтга келиб, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни бирхиллаштириш муаммоси Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Кенгаш томонидан ҳал қилинмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Кенгаши молиявий ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш бўйича тўпланган жаҳон тажрибасини сарҳисоб қиладиган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари миллий стандартларни алмаштириш ва шу билан бухгалтерия ҳисоби тизимини бирлаштиришга мўлжалланган. Бу эса, ўз ўрнида, бир хил кўринишдаги молиявий ҳисоботларни тузиш ва унинг аудитини белгиланган тартибда ўтказиш имкониятларини яратади.

Халқаро бухгалтерия модели глобаллашув ва иқтисодий маконнинг байналмилаллашуви таъсири остида ривожланмоқда. У халқаро бозорда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни бирлаштиришни таъминлаш учун мўлжалланган. Бухгалтерия ҳисобини бирхиллаштириш ва уйғунлаштириш ягона халқаро молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқиш билан таъминланади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари молиявий ҳисобот стандартларини, асосий тахминлар ва сифат хусусиятларини ўз ичига олади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари тавсиявий характерга эга, аммо аста-секин бутун жаҳон иқтисодий ҳамжамияти ушбу стандартлардан малакали фойдаланувчилар учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланишни бошлайди. Ўз ўрнида, ушбу молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида аудитдан ўтказишнинг ҳам алоҳида хусусиятлари мавжуд, шунингдек, миллий стандартлар асосида ўтказиладиган аудит билан ўхшаш ва фарқли томонлари ҳам мавжуд.

2. Адабиётлар шарҳи.

Мамлакатимизда бугунги кунда кўплаб олимлар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиш ва унинг аудитини ўтказиш жараёнлари заруриятини асослаб, унга ўтиш йўлларини белгилаб бермоқда ҳамда уни алоҳида фан курси сифатида ўқитишни таклиф этмоқда.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – бу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жамоат манфаатлари йўлида қабул қилинган қоида ва тамойиллар тизимидир.

Терехова (2000) “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг халқаро ва миллий стандартлари” асарида турли мамлакатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллашнинг қуйидаги олтита шаклини ажратиб кўрсатган:

1. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан миллий молиявий ҳисобот стандартлари сифатида фойдаланиш ва унинг аудитини ўтказиш (Кипр, Қувайт, Латвия, Малта, Покистон, Тринидад ва Тобаго, Хорватия).

2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан миллий стандарт сифатида фойдаланиш, шу билан бирга, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида (Малайзия ва Папуа-Янги Гвинея) ўз аксини топмаган масалалар бўйича ўз миллий стандартларига эга бўлиш ва аудитини ўтказиш.

3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан миллий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи стандартлари сифатида фойдаланиш ва унинг аудитини ўтказиш, миллий хусусиятлари туфайли, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари маълум бир ўзгаришларга учрайдиган давлатлар (Албания, Бангладеш, Барбадос, Замбия, Кения, Колумбия, Польша, Судан, Таиланд, Уругвай, Ямайка).

4. Халқаро қоидаларга (Хитой, Эрон, Словения, Тунис ва Филиппин) қўшимча тушунтиришлар бериб, молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ ишлаб чиқиш.

5. Миллий стандартларни тайёрлаш учун асос сифатида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланган ҳолда, молиявий ҳисобни миллий стандартлари батафсилроқ ёритилиши мумкин бўлса-да, улар қўшимча равишда молиявий ҳисоботларни тузиш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида кўзда тутилмаган баъзи талабларни киритиши мумкин (Бразилия, Ҳиндистон, Ирландия, Литва, Мавритания, Мексика, Намибия, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Сингапур, Франция).

6. Австралия, Гонконг, Дания, Янги Зеландия, Швеция ҳам Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ миллий молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб

чиқмоқдалар, шу билан бирга, ҳар бир миллий стандартда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан таққосланадиган қоидалар мавжуд.

3. Тадқиқот методологияси.

2016 йил 13 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида “Халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга доир талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланади” деб қайд этилиши мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўлланилишининг қонуний асосларини белгилаб беради. Қонуннинг янги таҳрири илғор хорижий тажрибалар ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштирилди (Ҳайдаров, Маматов, 2016). Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг алоҳида тармоғи сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.


Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи соҳасини ислоҳ қилиш мақсадларига қуйидагиларни киритиш мумкин¹:

республика иқтисодиётида ўз ўрнига эга жараёнларни самарали тартибга солиш тизимини жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш;

бухгалтерия ҳисоби тизимини, шунингдек, Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га яқинлаштириш;

иқтисодиёт ривожланишининг ретроспектив тенденциялари ҳақида ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш, бошқарув қарорларининг оқибатларини прогнозлаштириш ва баҳолаш.

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни ислоҳ этиш бўйича қўйилган мақсадларга эришиш учун асосий чора-тадбирлар қуйидаги муаммоларни ҳал қилишдан иборат (1-расм):



1-расм. Ўзбекистон Республикасида МҲХСни жорий этиш учун асосий чора-тадбирлар.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимини ислоҳ этиш жараёнини қуйидаги бошқичларга ажратиш мумкин (1-жадвал).

¹ <https://tpp.uz/uz/>

**Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимининг шаклланиш
босқичлари**

Босқичлар	Йиллар	Қисқача тавсифи
1-босқич	1992 – 1997 йй.	Меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳамда босқичма-босқич ҳисоб ва ҳисобот амалиётига жорий этилиши бухгалтерия ҳисобининг аввалги мавжуд тизимини тубдан ислоҳ этишга асос солди.
2-босқич	1998 – 2001 йй.	Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС)нинг аксарияти қабул қилиниши, шунингдек, ниҳоятда муҳим қонунчилик меъёрий ҳужжати – Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (Вазирлар Маҳкамасининг 54-сон қарори, 05.02.1999 й.) қабул қилиниши. Булар солиққа тортиш, молиявий натижани аниқлаш ва молиявий ҳисоботни тузиш билан боғлиқ кўпгина масалаларга ойдинлик киритди.
3-босқич	2002 – 2014 йй.	Бухгалтерия ҳисоби бўйича амалдаги қонунчилик базасини алоҳида объектларни ҳисобга олишга оид турли Низомларни қабул қилиш орқали янада такомиллаштириш ва ислоҳ этиш билан тавсифланади.
4-босқич	2015 – ҳ.в.	Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сонли ““Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида””ги Қонунига мувофиқ, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрири тасдиқланди. Ушбу қонун халқаро талаб ва тамойилларга риоя этишни тартибга соладиган ва молиявий ҳисоботнинг шаффофлигини таъминлайдиган моддалар билан фарқланади. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимини ислоҳ этиш, хусусан, МҲХСни жорий этиш борасида қуйидагилар белгиланган: мавжуд Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига қўшимча равишда МҲХСга яқинлаштирилган янги стандартларни қабул қилиш; МҲХСни амалиётга жорий этиш ва уни қўллаш шарт-шароитларини яратиш.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖдаги изланишлар натижасида, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг миллий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимига нисбатан асосий афзалликлари ва камчиликларини таъкидлаб ўтамиз.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг миллий молиявий ҳисобот стандартларидан устунликлари қуйидагилардир:

стандарт меъёрларининг аниқ мантиғи;

стандартлар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг жаҳон тажрибаси асосида ишлаб чиқилганлиги;

профессионал фикр бериш ролини кучайтириш;

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботлар, ўз моҳиятига кўра, барча фойдаланувчилар учун тушунарли бўлиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг камчиликларига қуйидагилар киради:

стандартлар “фойда сифати”ни таҳлил қилиш учун қўшимча харажатларга олиб келадиган бухгалтерия ҳисоби усулларининг умумлаштирилган хусусияти ва хилма-хиллиги;

стандартларнинг расмий тили инглиз тили бўлиб, уларни таржима қилишда муайян қийинчиликларнинг юзага келиши;

стандартларни қўллаш бўйича батафсил изоҳларнинг етишмаслиги;

стандартлар доимо ўзгариб ва такомиллашиб бориши.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқ тузилган молиявий ҳисобот ундан фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини янада кўпроқ даражада қаноатлантириш имконини беради. У инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахсларга ташкилот ҳақида етарлича ишончли ва тушунарли ахборотни тақдим этади. Натижада, бундай ташкилот ишбилармон контрагентлар ва умуман, жамият учун ахборот олиш борасида шаффоф бўлади, бу эса, ташкилот билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ноаниқлик ва рисклар даражасини сезиларли пасайтиради, демак, уни қўшимча молиявий ресурслар учун курашда рақобатбардош қилади (Шулыгина, 2010).

Миллий компанияларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишининг асосий омили – бу хорижий компаниялардан инвестициялар олиш орқали ўз фаолиятини молиялаштириш имкониятидир, аммо бунинг учун хорижий компанияларга ўз активлари, мажбуриятлари, даромад ва харажатлари, капитали тўғрисидаги тўлиқ маълумотни хорижий инвесторлар учун тушунарли форматда тақдим этиши зарур.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни белгилайдиган бошқа омилларга хорижий контрагентлар билан мустаҳкам узоқмуддатли иқтисодий алоқалар ўрнатиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, компанияларнинг халқаро фонд бозорларига чиқиши ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикаси ривожланишнинг янги босқичига ўтиши муносабати билан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг, аудит ўтказилиши жараёнларининг мавжуд тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш зарурати туғилди.

2016 йил 13 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида “Халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга доир талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланади” деб қайд этилиши мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўлланилишининг қонуний асосларини белгилаб беради. Қонуннинг янги таҳрири илғор хорижий тажрибалар ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштирилди (Ҳайдаров, Маматов, 2016). Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг алоҳида тармоғи сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Умумий қабул қилинган қоидаларга мувофиқ тайёрланган маълумотлардан четга чиқиш бухгалтерия маълумотлари қийматининг йўқолишига олиб келади. Фақатгина Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг айрим элементларидан фойдаланган ҳолда тузилган молиявий ҳисоботлар малакали фойдаланувчиларни чалғитади, бу эса, бошқарув қарорларининг сифатини пасайтиради. Шу билан бирга, биз миллий методологияларни бирлаштириш орқали босқичма-босқич Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни қўллаш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Унинг якуний мақсади бухгалтерия ҳисобининг миллий тизими сифатида тўлиқ тан олиниши керак.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳисоботга ўтиш учун халқаро баҳолаш стандартларини ҳам ҳисобга олиш керак, бу миллий бухгалтерия ҳисоби ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир йўналишдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда миллий бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши халқаро молиявий ҳисобот стандартлари билан чамбарчас боғлиқ. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ислоҳ қилиш жараёнининг мантиқий хулосаси бўлиб, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини йирик ва ўрта бизнес учун миллий стандарт сифатида тўлиқ қабул қилиш керак, шу билан бирга, биз кичик бизнес учун ўз миллий бухгалтерия методологиясини ишлаб чиқиш имкониятини истисно қилмаймиз. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш халқаро аудит стандартларини (ХАС) амалга ошириш билан бир вақтда бўлиши керак.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, бухгалтерия ҳисоби умумий принциплари ва миллий стандартларини ишлаб чиқиш, бухгалтерия ҳисоби соҳасига оид энг илғор тажрибаларни умумлаштириш ва жорий қилиш, бухгалтерларни сертификатлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланадиган бухгалтерларнинг мустақил профессионал ташкилоти ҳисобланадиган Ўзбекистон Бухгалтерия ҳисоби институтини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Институтнинг асосий мақсади МҲХСларни жорий қилиш, бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни тасдиқлаш учун

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиш, илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш, профессионал бухгалтерларни тайёрлаш сифати ва профессионаллик даражасини ошириш орқали бухгалтерия ҳисоби соҳасини тараққий эттириш ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро даражага олиб чиқиш бўлиб ҳисобланади.

Уқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ҳисоботга ўтиши узоқ жараён бўлиб, у босқичма-босқич, тўғри, мантиқий тузилган ёндашувни талаб қилади, деб таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиши билан мамлакатга хорижий инвестицияларнинг кескин кириб келишини кутмаслик керак. Аммо бу, Ўзбекистон Республикаси ва халқаро ҳамжамият ўртасида капитал ҳаракати учун муҳим қадам бўлади. Ташкилотлар фаолияти шаффофлигининг ошиши сармоядорлар учун камроқ хавфли бўлиши ва албатта, сарф-харажатлар арзонроқ бўлишини англатади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтишимиз мумкинки қурилаётган янгидан-янги станция ва корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобини халқаро талабларга жавоб берадиган даражага олиб чиқиш эса ислохотларни жадаллаштиришга қўйилган илдам қадамлардан бири бўлиши керак. Тадқиқотлар ва изланишлар натижасида компанияларнинг МҲХС га ўтиши доирасида молиявий ҳисоботларига таъсир қиладиган муаммолар ўрганилди ва тадқиқ этиш натижасида биз томонимиздан куйидаги хулоса ва таклифлар берилмоқда:

- йирик компанияларда МҲХС стандартларини қўллашнинг мураккаблиги;
- МҲХС стандартларининг қисмларини шарҳлашнинг ягона амалиётининг йўқлиги;
- МҲХСни қўллаш бўйича амалий тавсияларнинг йўқлиги;
- биринчи ҳисобот учун қиёсий маълумотларни ретроспектив тайёрлаш билан боғлиқ қийинчиликлар;
- МҲХС бўйича малакали мутахассисларнинг этишмаслиги ва оддий ходимларни ҳам, компания раҳбарларини ҳам МҲХС қоидаларига ўргатиш зарурати;
- МҲХСнинг янги тамойиллари бўйича ҳисоб юритишга тайёр бўлмаган бухгалтерларнинг менталитети билан боғлиқ муаммолар;
- МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлашга ўтиш учун ахборот таъминотини (ИТ инфратузилмасини) ўзгартириш ва такомиллаштириш зарурати.

Кўпгина хорижий компаниялар учун МҲХСга ўтишнинг афзаллиги мамлакатдаги компания ҳисоботлари маълумотларининг таққосланиш имкониятининг ошиши, компанияларнинг ташқи фойдаланувчилар учун очиқлиги даражасининг шаффофлашишидир.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Тереховой В.А. (2000) «Международных и национальных стандартах бухгалтерского учета и отчетности». Экономика и жизнь, Перспектива. ISBN 5-7911-0027-2 / Terekhova V.A. (2000) International and National Accounting and Reporting Standards. Economics and Life, Perspective. ISBN 5-7911-0027-2

Қонун (2016) "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги. / Law (2016) "On Accounting".

Ҳайдаров Ш.У, Маматов Б. (2016) Янги таҳрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳ. //Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби. №5. 23-32-б. / Heydarov SH, Mamatov B. (2016) Commentary on the new version of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Accounting". //Tax and accounting. No. 5. p. 23-32.

Шулыгина О.Ю. (2010) Развитие методики трансформации российской финансовой отчетности в формат МСФО: на примере строительных организаций. // научная диссертация // ст 209. / Shulygina O.Yu. (2010) Development of methods for transforming Russian financial statements into IFRS format: on the example of construction companies. // scientific dissertation // article 209.



ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИ ИНСТРУМЕНТЛАРИДАН ФойДАЛАНИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ Йўллари

Байжанов Д.С.

Қорақалпоқ давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда ислом молияси инструментларидан фойдаланиш йўллари, ислом молияси тизимининг моҳияти, ривожланиш тарихи ҳамда республикаимизда ислом молия инструментларидан фойдаланишни ривожлантириш, шунингдек, унинг афзалликлари таҳлили ва ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Шунингдек мақолада Ўзбекистонда ислом молияси инструментларидан фойдаланишни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф тавсиявий ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: ислом молияси, молия инструментлари, мушорака, сукук, мудораба, молиялаштириш, ислом банклари, нобанк кредит ташкилотлари, микромолиялаштириш.

WAYS TO DEVELOP THE USE OF ISLAMIC FINANCIAL INSTRUMENTS IN UZBEKISTAN

Bayjanov D.S.

Karakalpak State University

Annotation: This article discusses the use of Islamic financial instruments in our country, the essence of the Islamic financial system, the history of its development and the development of the use of Islamic financial instruments in the country, as well as its advantages and development prospects. The article also presents the existing problems in the development of the use of Islamic financial instruments in Uzbekistan and the author's recommendations and suggestions for their solution.

Keywords: Islamic finance, financial instruments, musharaka, sukuk, mudoraba, financing, Islamic banks, non-bank credit institutions, microfinance.

1. Кириш.

Сўнгги йилларда Ислом молия тизими тушунчаси кўплаб мамлакатлар молиячиларининг сўз бойлигидан мустаҳкам ўрин олди. Дарҳақиқат, турли мамлакатларда, ҳаттоки аксарият аҳолиси ислом динига мансуб бўлмаган давлатларда ҳам, жумладан АҚШ ва Буюк Британияда, ушбу молиявий институт анъанавий банк хизматларига муқобил молиялаш тизими сифатида барқарор ривожланмоқда. Шунинг учун ислом банкчилигини ўрганиш глобал иқтисодиётда долзарб мавзу ҳисобланади. Анъанавий банк тизимига муқобил молиялаш шакллари мавжудлигини билиш қизиқарли ва фойдалидир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида "Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади", деб таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида"ги ЎРҚ-765 сонли Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда ислом молия инструментларидан фойдаланиш тизимини ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Миллий иқтисодиётимизда ислом молия инструментларидан ва ислом молия

институтлари хизмат турларини ўрганишдан кўзланган мақсад замонавий шароитларда молия сектори муаммоларини ҳал қилишда муқобил молиялаштириш йўлларини ривожлантириш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Бугунги кунда ислом молия инструментларидан фойдаланиш талабининг ўсиши ва баъзи мусулмон мамлакатлари томонидан муҳим молиявий ресурсларни тўплаш натижасида дунёда кенг тарқалмоқда. Шубҳасиз, бу борада дунё олимлари томонидан ислом молия инструментларидан фойдаланиш йўллари бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, китоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Хусусан, иқтисодчи олим Жўраевнинг (2019) фикрича: “Анъанавий банкдан фарқли равишда исломий банк тизими, аввало, диний омилларга, кейин фойда омилига таянган бўлади. Исломий банк хизматлар тақдим этиб ўз вазифаларини бажарар экан, ўз фаолияти натижасида фойда олишни кутади, олинган фойдани ўзининг ахлоқий ва ижтимоий мажбуриятларини бажариш учун йўналтиради. Мана шу мажбуриятларнинг ҳаётга татбиқ этилиши исломий банкнинг сиёсатига боғлиқ бўлади” деб таърифлайди.

Мусаев ва Магомедова (2015) эса глобализация шароитида Ислом молиявий институтларининг ривожланиш тенденцияларини характер хусусиятини ўрганган. Иқтисодчи олим Зарипов (2016) ўзларининг илмий мақолаларида бугунги кунда жаҳонда, ислом молияси барқарор даражада ривожланаётгани ва юқори ўсиш суръатларини кўрсатаётганини, ислом молиясида анъанавий молиядаги «пул баҳоси» тушунчасига ўрнига «капитал самарадорлиги» деб аталувчи янги атама жорий этилганлиги ҳақида сўз юритган. Шунингдек, al-Misri (2014) “Ислом молияси ислом иқтисодий таълимотидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятларга эга. Асосий исломий молия хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади: активларга асосланган, молиялаштириладиган фаолиятга чекловлар ва капитал ҳамда тадбиркорликнинг узлуксизлиги ишлаб чиқариш омиллари сифатида” талқин этади. Амалга оширилган ушбу илмий ишларда ислом молиясининг назарий асослари ҳамда ислом молия инструментларидан фойдаланиш йўллари тўлиқ ёритиб берилмаган. Умуман олганда бугунги кунда ислом молияси жаҳон ҳамжамияти учун бирмунча, миллий иқтисодиётимиз учун деярли янги бўлганлиги учун келгусида кўплаб изланишларни талаб этилади.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда илмий абстракциялаш, груҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида ислом молияси инструментларидан фойдаланиш йўллари назарий ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди. Шунингдек, қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган мамлакатларда ислом молия инструментларидан фойдаланиш усулларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жаҳонда ислом молия тизими фойда ва зарарни бўлиши ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни назарда тутати. Замонавий банк тизимидан фарқли равишда, унда фойда шерикчиликка асосланади. Яъни, банк мижоз талаби ҳамда молия маҳсулотлари турига қараб асбоб-ускуна, товар, хом-ашёлар олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин.

Ислом молияси – шариат тамойилларига зид бўлмаган молиявий бизнесни акс эттирувчи атама. Анъанавий молия, хусусан, одатдаги банк бизнеси, маблағларни жалб этиш ва аҳоли ҳамда тадбиркорларни молиялаштиришга таянади. Шунинг учун банкир билан мижозлар ўртасидаги муносабатлар ҳар доим қарздор-кредитор муносабатларидир. Анъанавий банк ишининг асосий жиҳати шариат томонидан тақиқланган фоизлардан иборат. Анъанавий банк ишининг энг муҳим жиҳати шундаки, пул пулни яратади ёки пул фоиз муқофот пулига эга. Ушбу амалиёт судхўрлик (арабча «рибо») Ислом молияси тамойилларига зид ҳисобланади. Пул ҳеч қачон товар сифатида қабул қилинмайди. Бунинг ўрнига Ислом қонунчилиги доимий равишда пулни алмашинув воситаси, қиймат ўлчови ва ҳисоб-китоб бирлиги сифатида кўради. Пул ўз-

Ўзидан пул ярата олмаслиги сабабли, фоизга муқобил равишда пул ва фойда ўртасида боғлиқлик ўрнатилиши керак. Айнан шунинг учун, Ислом банклари биринчи навбатда савдо, лизинг ва пуллик операциялар ҳамда инвестиция фаолияти билан шуғулланади. Ислом банклари фоиз олиш мақсадида депозит олиш ва қарз беришлари мумкин эмас. Ислом банклари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти турли хил молиявий инструментлар ёки шартномаларга кўра фарқ қилади. Қуйидаги 1-жадвалда жаҳонда кенг тарқалган ислом молияси инструментлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтамыз.

1-жадвал.

Ислом молияси инструментлари турлари¹

Инструмент номи	Молиялаштиришнинг моҳияти ва мазмуни
Муробаҳа	бу томонлар ўртасида олди-сотди шартномаси устама ҳақ эвазига бўлишини англатади. Муробаҳа Ислом банклари томонидан амалга ошириладиган активларни молиялаштиришнинг энг кенг тарқалган усули ҳисобланади
Музораба	бу инвестор («Роббул мол») ва тадбиркор («Музориб») ўртасидаги фойдани тақсимлаш шартномаси. Музораба шартномасида инвестор фойдани келишилган нисбатда ёки фоизда тадбиркор билан тақсимлашга розилик беради.
Мушорака	бу шерикчиликнинг бир шакли. Буни одатдаги капитал бозоридаги акцияларни сотиб олишга ўхшатиш мумкин, аммо қилинган инвестициялар шариат тамойилларига мос келадиган акциялар ва молиявий қимматли қоғозлар ёки бошқа активлар билан чекланиши керак
Ижара	ўз номи билан, ижара ёки лизинг шартномасидир. Ижарага берилган мулк ҳуқуқи буюртмачига ўтказиш имконияти кўзда тутилган бўлса, ижара шартномаси «Ижара мунтаҳиа би тамлик» (мулкдорлик билан якунланувчи ижара) деб юритилади
Такофул	арабчада «кафала» сўзидан келиб чиққан бўлиб, кафолат бериш маъносини беради. Аниқроқ айтганда, бу «такафала» феълидан келиб чиқиб, ўзаро кафолат бериш ва бир-бирини ҳимоя қилиш маъносига эга. Шунинг учун, сўзма-сўз таржима қилинганда, бу ўзаро ёрдамни англатади
Салам	хомашё нарҳини дарҳол тўлаш, хомашёни эса келишилган кечиктирилган муддатда етказиб бериш учун сотиб олишни англатади. Салам шартномасида нарх тўлиқ ва олдиндан тўланади. Ушбу турдаги шартномалар хомашё нарҳи ўзгариши мумкин бўлган жойларда қўлланилиши мумкин
Истисна	бу сотиладиган объектни қуриш, ишлаб чиқариш ёки тиклаш учун белгиланган нарх бўйича, белгиланган муддат давомида, томонлар ўртасида белгиланган хусусиятларга эга объектни молиялаштириш шартномаси
Сукук	мулкчилик манфаатларини ифодаловчи тенг номиналдаги инвестиция сертификати. Сукукни сармоядорларга фойда келтирадиган ва анъанавий активлар билан таъминланган қимматли қоғозга ўхшаш Ислом молиялаштириш инструменти деб тасаввур қилса бўлади

Юқоридаги жадвал асосида камайиб борувчи мушорака битими асосида уй-жой сотиб олиш ҳақида батафсил тўхталиб ўтамыз. Камайиб борувчи мушорака шартномаси қуйидаги битимлар амалга оширилишини кўзда тутуди:

1. Кўчмас мулкка нисбатан шерикчилик асосида эгалик қилишни ташкиллаштириш (Ширкат ул-милк);
2. Сармоядор улушини мижозга ижарага берилиши;
3. Мижознинг сармоядор қисмларга бўлинган улушларини сотиб олиш юзасидан ваъда бериши;

¹ Иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан мустақил тузилди

4. Сармоядор улушининг мижоз томонидан маълум муддат ичида сотиб олиниши. Мана энди ушбу босқичларни батафсил кўриб чиқамиз:

Юқоридаги қайд этилган биринчи босқич шерикчилик асосида мулкка эгалик қилиш, яъни ширкат ул-милкни ташкиллаштиришдир. Ширкат ул-милк турли йўллар билан, жумладан томонлар биргаликда мулк сотиб олишлари билан юзага келиши мумкин. Буни барча мазҳаб вакиллари жоиз дейишган. Шерикчилик асосида мулкка эгалик қилишга ҳеч қандай монелик йўқ.

Иккинчи босқичда сармоядор сотиб олинган уй-жойдаги улушини ўзининг мижозига ижарага беради ва эвазига ижара ҳақи олади. Бу ҳам очиқ-ойдин жоиз амалдир, чунки киши ўзининг мулкдаги улушини шеригига ижарага бериши борасида ислом қоидаларида келтирилмаган.

Учинчи босқичда мижоз сармоядорнинг бўлинмас улушини бир неча қисмларга бўлиб сотиб олади ва бу савдо жоиз саналади. Бўлинмас улуш ерга тегишли бўлса ҳам, бинога тааллуқли бўлса ҳам, бу иккисини сотиш барча қоидаларга кўра жоиз саналади. Шунингдек, бинодаги бўлинмас улуш шерикка сотилишини ҳам барча қоидаларга тўғри келади.



1-расм. Камайиб борувчи мушорака битимини амалга ошириш тартиби²

Кўриб турганимиздек, юқоридаги уч босқичда кўриб чиқилган ҳар бир битим жоиздир, аммо уларни битта шартномага жамласа бўладими ёки йўқми, деган савол туғилади. Жавоб шуки, агар бунда бир битим иккинчисининг бажарилишини шарт қилса, у ҳолда бундай шартнома тузиш шариатда тақиқланган. Чунки ислом ҳуқуқида машҳур қоида борки, унга кўра бир битим иккинчи битимни шарти этиб белгиланиши мумкин эмас.

Аксинча, агар савдо битими ҳеч қандай шартсиз тузилса, ҳамда икки томондан бири бир ишни қилишга шартномадан алоҳида равишда ваъда берса, савдонинг дурустлиги бу берилган ваъданинг бажарилишига боғлиқ бўлмайди. Ваъда берувчи ваъдасини бажарса ҳам, бажармаса ҳам савдо шартномаси кучга кираверади. Агар ваъдасидан қайтса ҳам, савдо кучда қолаверади. Ваъда берилган томон қилиши мумкин бўлган энг катта иш бу ваъда берувчи устидан суд маҳкамасига арз қилишдир. Агар

² Мухаммад Тақий Усманийнинг "Ислом молиясига кириш" китоби асосида асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

ваъда берувчи ўз ваъдасини бажара олмаса ва бунинг оқибатида иккинчи томон зарар кўрса, у ҳолда у зарарни қоплаш учун ваъда берилган томон даъво киритиши мумкин.

Бундан равшан бўладики, алоҳида ва мустақил равишда қилинган ваъда битимни шартли қилиб қўймайди. Шунинг учун ҳам, бундай шартнома қонуний кучга эга бўлади. Юқоридаги таҳлиллар асосида уй-жой сотиб олишни молиялаштириш учун камайиб борувчи Мушорақа шартномасини қуйидаги тартибда амалга оширса бўлади:

а) Шерикчилик асосида мулкни сотиб олиш, уни ижарага бериш ва сармоядор улушини қисмларга бўлиб сотиш бўйича муносабатларни битта шартнома ҳужжатида жамлаш мумкин эмас. Шерикчилик асосида сотиб олиш ва ижара шартномаларини бир ҳужжатга жамласа бўлади. Бу ҳужжатда сармоядор мулкни биргаликда сотиб олганларидан кейин уни мижозга ижарага беришга розилик билдиради. Ижара келажак вақтга боғланиб амалга оширилиши мумкин. Айтилганда мижоз сармоядорнинг улушини маълум муддат ичида қисмларга бўлиб сотиб олиш бўйича бир томонлама ваъда бериши ва сармоядор ҳам ўз навбатида мижоз улушнинг бир қисмини сотиб олганда ижара ҳақини тегишли равишда камайитириш мажбуриятини олиши мумкин.

б) Ҳар бир янги улуш сотиб олинаётган вақтда алоҳида таклиф ва қабул қилиш орқали олди-сотди амалга оширилиши лозим.

в) Мижоз улушнинг бўлинган қисмларини сотиб олаётганда ҳар бир қисмнинг нархи уй-жойнинг ўша савдо кундаги бозор баҳосига асосланган бўлиши афзал ҳисобланади. Аммо, келишилган нархнинг мижознинг сотиб олиш ваъда хатида кўрсатилиши ҳам жоиз саналади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат бўлган ёки аҳолининг катта қисмини мусулмонлар ташкил қиладиган қатор давлатлар бор. Айтилганда турли сабабларга кўра аҳоли томонидан, давлат даражасида ёки анъанавий банк ҳамжамияти доирасида ислом молиясига нисбатан нотўғри ёки ноҳолис фикр ва муносабат шаклланиб кетган. Бу эса соҳанинг жамиятдаги юқори бўлмаган аҳамияти, амалга татбиқ қилиниши, ривожланиши ва фойдаланиш даражаси пастлигининг асосий сабабларидан биридир.

Бунинг учун республикамизда инвестиция фаолиятини ислом молия инструментлари орқали молиялаштиришни ривожлантиришга тўғри келадиган қуйидаги омилларни бартараф этиш даркор:

1. Шу боис, халқаро ислом ташкилотлари, илмий ҳамжамият, таълим муассасалари, ислом банк-молия муассаса ва гуруҳлари ўзларининг тор миллий доирасидан ташқарига чиқиши ва ислом молиясини муваффақиятли жорий қилган давлатлар тажрибасини аҳоли ва миллий мувофиқлаштирувчи ташкилотлар, молия бозори иштирокчилари ва амалдорлар орасида кенг тарғиб қилиши ва шу орқали ислом молияси моҳиятини қабул қилиш ва тушуниб етиш даражасини ошириши зарур.

2. Ислом микромолия муассасалари аҳамиятини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ва кичик бизнеснинг эҳтиёжлари ҳамда тўлов қобилиятига мос келувчи молия маҳсулотлари яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва ижтимоий молиялаштириш усулларида фойдаланиш кўплаб мамлакатларда кузатилаётган оммавий қашшоқликни енгиш ва аҳолининг катта қатламини молиявий-иқтисодий жараёнга жалб қилиш ва шу орқали, иқтисодий фаолликни жадаллаштириш ҳамда соғлом иқтисодий ўсиш учун зарур шароитлар яратишга қодир.

3. Халқаро ислом ташкилотлари, илмий ҳамжамият, таълим муассасалари, ислом банк-молия муассаса ва гуруҳлари ўзларининг тор миллий доирасидан ташқарига чиқиши ва ислом молиясини муваффақиятли жорий қилган давлатлар тажрибасини аҳоли ва миллий мувофиқлаштирувчи ташкилотлар, молия бозори иштирокчилари ва амалдорлар орасида кенг тарғиб қилиши ва шу орқали ислом молияси моҳиятини қабул қилиш ва тушуниб етиш даражасини ошириши зарур.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Jurayev B. (2019) "Islomiy moliya va bank tizimi", "O'zbekiston" Toshkent 138-bet. / Juraev B. (2019) "Islamic finance and banking system", "Uzbekistan" Tashkent 138 pages.

Rafik Yunus al-Misri (2014) Fiqh property relations. / translated from Arabic], - Moskva: Islamskaya kn., P. 320.

Зарипов И.А. (2016) Исламские финансы как стратегический ориентир развития России. / Zaripov I.A. (2016) Islamic finance as a strategic landmark for the development of Russia. <https://cyberleninka.ru/>.

Мурожаатнома (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. / Address (2020) Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. December 29, 2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

Мусаев Р.А., Магомедова Ю.Д. (2015) Тенденции развития исламских финансовых институтов в условиях глобализации в журнале Проблемы теории и практики управления, издательство ООО «Международная Медиа Группа» (Москва), № 11 / Musaev R.A., Magomedova Yu.D. (2015) Trends in the development of Islamic financial institutions in the context of globalization in the journal Problems of Theory and Practice of Management, publishing house LLC "International Media Group" (Moscow), No. 11

Қонун (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида"ги ЎРҚ-765 сон. / Law (2022) No. LRU-765 of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 20, 2022 "On non-bank credit institutions and microfinance activities".



ЖАҲОНДАГИ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Баҳриддинова М.А.

ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот маркази

Аннотация: Ушбу мақолада жаҳондаги демографик вазиятнинг жаҳондаги аҳоли сони ва унинг ортишига сабаб бўлувчи омиллари, ер юзида яшайдиган аҳоли сонига оид маълумотларни тўплаш ва жамлаш, инсоннинг яшаш учун кураши кейинчалик жамият тараққиётида прогрессив ўзгаришлар, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг аҳоли сони ўсишига таъсири ёритиб берилган. Бундан ташқари мақолада демографик вазиятнинг бешта асосий хусусияти очиб берилган.

Калит сўзлар: Аҳоли сони, демографик вазият, аҳоли ўсиши, саноат тўнтариши, туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш, аҳоли қариши, миграция ва ишлаб чиқариш кучлари.

THE DEMOGRAPHIC SITUATION IN THE WORLD AND SOME ISSUES OF ITS STUDY

Bahriddinova M.A.

Research center «Scientific bases and issues of development of Uzbekistan economy» under the TSUE

Annotation: This article discusses the demographic situation in the world and the factors that lead to its growth, the collection and aggregation of data on the world's population, the struggle for survival, the progressive changes in society, the impact of productive forces on population growth. In addition, the article reveals five key features of the demographic situation.

Keywords: Population, demographic situation, population growth, industrial revolution, births, deaths, marriages, divorces, population aging, migration and productive forces.

1. Кириш.

БМТ маълумотларига кўра, 2021 йилда дунё аҳолисининг сони 7,8 млрд.дан ошиб кетди (Тожиева, Дўсмонов, 2020). Лекин мутахассислар XXI аср бошларида дунё аҳолиси сони ҳозирги мавжуд аҳоли сони миқдоридан анча кўпроқ бўлишини башорат қилишган эди. Чунончи, аҳоли сонининг кўпайиб ёки камайиб бориши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга, демографик омилларга, инсон ҳаётида учраб турадиган кутилмаган воқеа ва ҳодисаларга боғлиқдир.

Илмий манбаларда кўрганимизда, сайёрамизда инсон пайдо бўлганига 1 млн йилдан ошган (Абдураҳмонов, Абдурамонов, 2011). Аммо ер юзида яшайдиган аҳоли сонига оид маълумотларни тўплаш ва жамлаш анча кеч бошланган. Аҳоли сонига энг дастлабки маълумотлар эрамиздан аввалги даврга тааллуқли бўлиб, ўша даврда ер юзида бир неча юз минг киши яшагани қайд этилган. Демограф олимлар ва археологларнинг ҳисоб-китобларига кўра ер юзидаги аҳоли сони мунтазам равишда ошиб борган, бироқ аҳолининг ўсиш суръати, жамият тараққиётининг барча босқичларида ҳам бир хил бўлмаган. Баъзи даврларда турли табиий офатлар, очарчилик, турли эпидимиологик касалликлар ва қабилалар ўртасида бўладиган турли урушлар натижасида кўп сонли аҳоли нобуд бўлган ва бунинг натижасида аҳоли сони ҳам қисқарган. Мисол учун, бутун дунёда 8-14 асрлар оралиғида эпидемиядан 15 млн. аҳоли ўлган. XIX асрда эса очарчиликдан 25 миллион аҳоли ҳалок бўлган. Биринчи

жаҳон урушида 20 млн., иккинчи жаҳон урушида эса 40 млн.дан ортиқ инсон жон берган.

Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, барча даврларда ҳам аҳолининг кўпайиши ва ривожланиши ўша пайтдаги ишлаб чиқариш усули ва муносабати, турмуш даражасига, яшаш шароитларига бевосита боғлиқ бўлади.

Ибтидоий жамоа даврида, бундан 15 минг йил илгари аҳолининг яшаш шароити жуда оғир бўлган. Одамлар ғорларда ҳаёт кечиришга мажбур бўлишган. Чунки ўша даврларда бундай ғорлар бошпана вазифасини бажарган. Энг муҳими, қорин тўйғазиш ва тунаб қолиш учун беҳавотир жой топиш эди. Одамлар овчилик билан кун кўришган, табиий офатларга қарши кураша олмаганлар. Муҳитнинг табиий таъсирига қарши инсонлар онгли равишда ечим топа олмаганлари туфайли, ўлим сони жуда юқори бўлган. Болалар ўлими жуда юқори, аҳолининг ўртача умр кўриш ёши эса жуда қисқа бўлган. Манбаларда келтирилишича, ибтидоий жамоа даврида аҳолининг ўртача умр кўриш ёши 20-25 ёшни ташкил этган. Демак бундан кўриниб турибдики, ибтидоий даврда одамлар ҳозиргига қараганда 3-3,5 баробар камроқ умр кўрган. Аммо шунга қарамадан, аҳоли жуда секинлик билан бўлсада кўпайиб борган. Аҳоли кўпайишининг сабаби туғилишнинг физиологик имконият даражасида бўлганидир. Ўша даврда туғилиш жуда юқори бўлиб, ҳар 1000 аҳолига 40-50 кишини ташкил этган. Ҳозир эса бу кўрсаткич 23-25 кишини ташкил қилмоқда. Демак, бир томондан аҳолининг табиий офатлар, турли хасталиклар ва ўзаро урушларда сони камайиб боргани билан, айна дамда туғилиш сони юқори бўлгани секин-аста аҳоли ўсишига олиб келган. Ўлимнинг юқорилиги, айниқса болалар ўлими кўплиги натижасида юқори табиий туғилиш ҳам аҳолининг юқори табиий ўсишини таъминлаб бера олмаган.

Ибтидоий жамоа даврида аҳоли ўсишининг секин бўлишига яна бир асосий сабаб аёлларнинг жисмоний ҳолати оғир эканлиги эди. Улар эркаклар билан ов қилишда қатнашганлар, турмуш шароити жуда оғирлигидан, тиббий хизматнинг мавжуд бўлмаганидан аёллар ўлими жуда юқори бўлган. Айниқса аёллар фарзанд кўраётган пайтида кўп ҳалок бўлган. Бу даврда кўп аёллар бола кўриш даврини тўлалигича яшамаганлар.

Инсоннинг яшаш учун кураши кейинчалик жамият тараққиётида прогрессив ўзгаришларга олиб келди. Ишлаб чиқариш кучлари ривожланиб, одамлар дастлаб, чорвачилик, кейинчалик эса деҳқончилик билан шуғуллана бошладилар ва очликка, касалликларга қарши курашишни йўлларини йўлаб топа бошладилар. Меҳнат қилиб моддий маҳсулотлар ярата бошладилар. Ҳунармандчилик, савдо ривожланди шаҳарлар пайдо бўлди. Бу ўзгаришлар ўз навбатида одамларнинг ҳаёт шароитини яхшиланишига туртки бўлди. Буларни барчаси дунё аҳолисини кўпайиш суръатини тезлашишига сабаб бўлди. Ишлаб чиқариш кучларининг янада такомиллашуви эса аҳоли ўртасида синфлар ва давлат пайдо бўлишига туртки бўлди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Ҳозирги вақтга келиб, дунёнинг деярли барча мамлакатларида олимлар ва мутахассислар томонидан демографик вазият, унинг таркиби, у билан боғлиқ демографик жараёнларни ўзига хос хусусиятлари ўрганилмоқда. Аҳоли такрор барпо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши ҳамда унга таъсир этувчи ижтимоий-демографик омиллар иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўзларининг тадқиқотларида фикр ва муҳозаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан демографик вазият ва унинг иқтисодий-ижтимоий жараёнларга таъсири, мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг салбий ва ижобий жиҳатларини ўз даврларидаги мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтишган.

Валентея (1997) фикрича “Демографик жараёнлар аҳоли сони, таркиби, жойлашуви ва сифати динамикасининг тенденцияларини сақлаб қолишни ёки ўзгартиришни назарда тутувчи аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият ва у демографик вазиятга бевосита таъсир ўтказди”.

Совининг (1979) шундай таъкидлаган: “Демографик вазият - ўз олдига фақат биргина аҳолининг сонини ўзгартиришдан-да кенгроқ вазифаларни қўйиши ва бир қарашда демографиядан узоқ бўлиб кўриниши мумкин бўлган соҳаларни ҳам қамраб олиши мумкин”.

Кўп тилли демографик луғатнинг (1973) асосида ҳам ўша фикр ётади, унда “демографик вазият, бир томондан, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омилларнинг,

иккинчи томондан, демографик жараёнлар ва улар оқибатларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш” сифатида таърифланган.

Кваши (1995) “Современная демография” асарида “Барча аҳоли қатламларининг турмуш шароитларини яхшилаш демографик вазиятга таъсир этади” деган фикрни илгари суради.

Юқорида баён этилганларни умумлаштирган ҳолда, айтиш жоизки, барча таърифларда давлатнинг, демографик омилларни назарда тутган ҳолда, оптимал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш чора-тадбирлари (тартибга солиш воситалари) тизимини қўллаш йўли билан аниқ мақсадга йўналтирилган, бошқарувчи таъсири зарурлиги муҳим ҳисобланади. Демографик жараёнлар нуқтаи назаридан давлат томонидан тартибга солиш, бизнинг фикримизча, демографик ривожланишнинг барча кичик тизимлари (туғилиш миқдори, ўлим сони, аҳолининг миграцияси ва сифати) нормал ишлаши учун энг қулай шароитларни яратиш билан боғлиқ бўлиши керак. Шу билан бирга бозор ислохотлари шароитида демографик жараёнларнинг ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий тартибга солувчи омилларнинг аҳамияти ортади.

Шундай қилиб, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб ва иқтисодчи олимларнинг юқорида келтирилган таърифларини умумлаштирган ҳолда, демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш қонунчилик, иқтисодий ва ташкилий-ҳўжалик механизмларини уйғунлаштириш орқали демографик жараёнларга (демографик вазият сифатида) давлат томонидан таъсир этиш усуллари ва чора-тадбирлари тизими тушунилади.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид адабиётлар таҳлил қилинди. Статистик маълумотларни таҳлил қилиб, ҳудудлар кесимида ўзаро таққослаш усули, демографик башорат усулидан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Демографиянинг фан сифатида вужудга келиши ва ушбу сўзнинг келиб чиқиши тарихи 1662 йилга бориб тақалади. Ана шу даврда Англияда вабо ва бошқа юқумли касалликлар тарқалиб, аҳоли ўртасида ўлим ҳоллари ниҳоятда кўпайиб кетган. Шу боис Лондонда ҳар ҳафта ўлим ҳақида бюллетенлар, яъни махсус маълумотномалар чоп этилиб, аҳолига тарқатилган. Ўз саломатликларини сақлаш мақсадида, мазкур маълумотларни жуда кўп фуқаролар ўқиган. Англиялик савдогар олим Ж.Граунт Лондонда туғилиш ва ўлим ҳақидаги 80 йиллик маълумотларни ўрганиб чиққан ва 1662-йили ўзининг 90 бетдан иборат “Ўлим ҳақидаги бюллетенлар асосида олиб борилган ва мундарижада илова этилган табиий ва сиёсий кузатиш натижалари кўрсатилган шаҳарнинг бошқаруви, дини, савдоси, ҳавоси, ўсиши ва бошқа ўзгаришлари хусусида Лондон фуқароси Жон Граунтнинг асари” китобини ёзган (Абдурахмонов, 2019). Китоб жуда узун номланган бўлиб, ўз олдига кенг қамровли ижтимоий ҳодисаларни мақсад қилиб қўйган. Шу билан бирга, асарда демографик жараёнларнинг ривожланишида ижтимоий-иқтисодий қонуниятларнинг таъсирини ўрганишга ҳаракат қилинган. Тадқиқотни муаллифнинг замондошлари юксак баҳолашган, лекин улар кейинги давр олимларидан фарқли ўлароқ ушбу асарни аҳоли динамикаси муаммоларининг таҳлили сифатида кўриб чиқишмаган.

Демографияга тамал тоши қўйган шахс сифатида Ж.Граунт XIX -XX асрларда демография аҳоли статистикаси, социология ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсатшунослик фанларининг гуркираб ривожланаётган даврида тан олинган. Ж.Граунт асарининг фундаментал таҳлили М.В.Птуха томонидан ўтказилган, лекин унинг ушбу масала бўйича қарашлари маълум бир маънода ўзгаришларга ҳам учради. 1930 йилдаги Аҳолишунослик бўйича халқаро конгрессда у Ж.Граунтни демографиянинг асосчиси эканлигини айтиб ўтган, лекин кейинги асарларида XIII аср статистикасининг асосчилари сифатида уч кишини - Ж.Граунт, В.Петти ва Э.Галлеларни эътироф этган. Шунга қарамасдан, ҳозиргача демографиянинг ривожланиш даврини ҳисоблаш Граунтдан бошланади, 1963 йилда Б.Урланиснинг Ж.Граунт таваллудининг 300 йиллигига бағишланиб чоп этилган мақоласида ёзилишича, “ўтган асрлар туманлари орасида қолиб кетган” бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, демография фанининг вужудга келиш вақтини аниқ белгилаш мумкин ва Ж.Граунт “Демография фанининг

отаси” ҳисобланади¹. “Демография” номли яна бир китобнинг муаллифи В.А. Борисовнинг таъкиди бундан ҳам кескинроқ, у Ж.Граунтнинг нафақат демография фанининг, балки статистика ва социологиянинг ҳам асосчиси ва отаси деб таъкидлайди. Номлари келтирилган муаллифлардан фарқли ўлароқ Д.И. Валентей, А.Г. Вишневский, Д.К. Шелестов ва бошқа демографлар демографиянинг вужудга келиши бирданига эмас, балки жамият ва хусусан аҳоли ҳақидаги билимларнинг йиғилиб қолиши натижасида бўлган, деган фикрга кўпроқ мойиллик билдиради. Шундай қилиб айтиш мумкинки, Ж.Граунт даврида, яъни XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб интенсив тарзда билимларнинг йиғилиши даври бошланди, фақатгина юз йиллардан сўнг сиёсий иқтисод, тарих, ҳуқуқшунослик, жумладан, статистика ва сиёсий арифметиканинг қисмчиси бўлган давлатшунослик, замонавий сиёсий иқтисодиётнинг бирламчи кўриниши ва қисман социология каби фанларга ажралиш жараёни бошланган.

Аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг тўпланиши Ж.Граунтгача, яъни антик даврларга бориб тақалади. Олинган маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилишга бўлган биринчи ҳаракатлар Қадимги Римда амалга оширилган, римликлар умр давомийлигини ҳисоблаб чиқиш бўйича ёндашувларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилишган. Бунга Флоренция жадвалини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. XVIII асрда аҳолини ўрганиш бўйича етарлича муваффақиятларга эришилганлигига қарамадан, уни ҳисобга олиш ишлари жуда содда, ёндашувлар эса жуда муаммоли, яъни давлат бошқаруви манфаатлари бўйича амалга оширилган. Ушбу ҳолат аҳоли статистикаси фанини илмларнинг мустақил тармоғи сифатида ажралиб чиққанлигини таъкидлаш имконини бермас эди, шунингдек, аҳолининг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фан — демография ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланган саноат тўнтариши ва унинг кейинчалик кўплаб Европа мамлакатларига ёйилиши янги индустриал цивилизациянинг жадал шаклланиши, шаҳарларнинг тез ўсиши фан учун кенг имкониятлар яратиб берди, жумладан, одамларнинг турмуш тарзи ва шароитларини ҳам кескин ўзгартириб юборди. Бунинг натижасида XIX асрдаги демографик вазиятнинг кескин ўзгариши бошланди: ўлимнинг камайиши ва юқори даражадаги туғилишнинг натижасида аҳоли тез кўпая бошлади. Б.Урланиснинг ҳисоб-китобларига кўра, XIX асрда аҳоли сонининг ўсиши Европа аҳолисининг ўсиш суръатларига нисбатан 7 марта, бирламчи тўпланиш даврига нисбатан 3 марта кўп бўлган. Европа аҳолиси 100 йил ичида икки марта, яъни 1800 йилдаги 193-208 млн.дан 1900 йилдаги 423-430 млн.гача кўпайган (Қаюмов, Утепова, 2000). Эски дунё(қадимий дунё ва ўрта аср кишиларига маълум бўлган 3 қитъа — Европа, Осиё ва Африканинг умумий номи. Бу номнинг акси Янги дунёдир)даги аҳолининг зичлиги ва янги ерларни ўзлаштириш бўйича эҳтиёж Шимолий ва Жанубий Америкага оммавий миграция учун катализатор бўлиб қолди (Abdurakhmanov, Zokirova, 2013). Ўз миқёсларига кўра, у аввалги юз йилликларга нисбатан қиёслаб бўлмайдиган даражага чиқди. Юз йил ичида 28 млн.дан ортиқ киши Европани тарк этди, айниқса, уларнинг ярмидан кўпи охириги ўн йилликларга — аҳолининг зичлиги кўзга яққол ташланадиган пайтга тўғри келди. Айнан шу йилларда мамлакатлараро (айни пайтда, континентлараро) миграцияга собиқ иттифоқ мамлакатлари ҳам тортилди.

Шундай қилиб, XIX асрдаги демографик фон — туғилишнинг ошиши, ўлимнинг камайиши, никоҳ ва миграция жараёнлари асосидаги аҳоли сонининг ўсиши аҳолини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича тадқиқотларнинг ривожланиши учун имкон яратди. Ўз навбатида, бу доимий тарзда демографик ҳодисаларни жорий статистик ҳисобга олиш ишларининг йўлга қўйилиши ва аҳолини рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга оширишда ўз ифодасини топди. Умуман олганда, ушбу даврдаги аҳоли статистикаси унинг бошқа тармоқларига нисбатан жуда илгарилаб кетди. Бунга йирик олимлар томонидан ишлаб чиқилган усул ва услубиётлар сабаб бўлди. Масалан, белгиялик олим А.Кетле (1796-1874-йй) аҳолини рўйхатдан ўтказиш дастурини ишлаб чиққан. Шунингдек, олимнинг демография фани ғояларининг ривожланишида “Инсон имкониятларининг ривожланиши ёки ижтимоий физика тажрибаси” номли асари (1835-йй) ва “ўртача одам” концепцияси муҳим аҳамият касб этади (Abduraxmonov, Shoyusupova, 2011).

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси www.stat.uz- расмий веб сайти

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ривожлана бошлади. Дунёнинг аҳолиси зичроқ жойлашган ҳудудларида маданият марказлари вужудга кела бошлади. Жамият тараққиётидаги бу ўзгаришлар аҳоли ўсишини тезлаштирди. Синфий жамиятда аҳолининг ўсиш суръати ибтидоий жамоа даврига нисбатан анча тезлашди. Бунинг асосий сабаби туғилишнинг юқорилигидир. Туғилишнинг юқорилиги эса аёлларнинг эрта никоҳга кириши, туғилишнинг чекланмаганлиги, ҳамда кўпбалаликни жамият, давлат ва дин томонидан қувватланиши билан боғлиқ эди. Лекин қўлдорлик тизими даврида ҳам аҳоли ўлими анча юқори бўлган. Сабаби кўпгина қишлоқ ва шаҳарларда аҳолининг жуда зич жойлашуви, санитария-гигиена шароитлари йўқлиги сабабли юқумли касалликларнинг кенг тарқалганлигидир.

Эрамининг бошида ер шари аҳолисининг сони 200-250 млн. киши атрофида эди. Аҳолининг асосий қисми Рим империясида, Хитой ва Ҳиндистонда жойлашган. Демографияга оид асарларда кўрсатилишича, сайёрамиз аҳолиси 300 млн. атрофида бўлган ва унинг асосий қисми Осиёда яшаган. Агар дастлабки 500 йилда(1000-1500 йиллар) ер юзидаги аҳоли сони 135 млн.га кўпайган бўлса, 1500-1750 йилларда яъни, 250 йилда 288 млн.га ошиб, аҳоли ўсиши 2 баробарга ошди (Holmo'minov, Holmurodov, 2013). XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳолининг ўсиши янада тезлашди.

Дунё аҳолисининг 1000 йилдан 2000 йилгача бўлган ўсишига назар ташласак, аҳолининг энг тез кўпайган даври XX асрга тўғри келади.

Жамият тараққиётининг бугунги босқичда ер шарида инсон яшаши учун яроқли бўлган барча ерлар аҳоли маконларига, манзилгоҳларига айланиб улгурган. Лекин аҳоли мазкур маконлар бўйлаб жуда нотекис жойлашган.

Ер куррасида аҳоли ниҳоятда зич яшовчи(1кв.км.га 100 кишидан ортиқ) ҳудудлар билан бирга аҳоли жуда сийрак жойлашган ҳудудлар ҳам кўп. Аҳоли жойлашувида асосий омиллар – табиий омиллардир. XXI аср бошида ер куррасида аҳолиси энг зич жойлашган ҳудуд Осиё ҳисобланади.

Бугунги даврда жаҳондаги демографик вазият беш асосий хусусиятлар таъсирида янгилашиб бормоқда. Жаҳондаги демографик ўзгаришларнинг биринчи хусусияти шундан иборатки, бизнинг давримизга келиб, жаҳон аҳолисининг ўсиши секинлашди. Ушбу хусусият жаҳондаги демографик муаммони бир қадар енгиллаштирди. Бироқ демографик ўсиш суръатининг пасайиши барча мамлакатларда бир хилда кечаётгани йўқ. Хусусан, бугун жаҳон аҳолиси кунига 254 минг кишидан ўсиб бормоқда. Шундан 13 мингги ривожланган, 241 мингги эса ривожланаётган ёки ривожланмаган мамлакатлар ҳисобига тўғри келмоқда. Бунинг натижасида жаҳон аҳолиси таркибида ривожланмаган мамлакатлар аҳолиси улуши ортиб бормоқда.

Жаҳондаги демографик ўзгаришларнинг иккинчи хусусияти болалар ўлими коэффициентининг камайиб бориши билан боғлиқ. Кейинги ярим аср мобайнида ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш системасига, айниқса болалар соғлиғини сақлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирларга жиддий маблағ ажратилиши, турмуш даражасининг ўсиши, иқтисодий тараққиёт ва шу қабилар болалар ўлимини 5 баробарга камайтирди. Ривожланаётган мамлакатларда эса болалар ўлими 2 баробарга, ривожланмаган мамлакатларда 1,5 баробарга камайди. Бу мамлакатлар бюджетида катта дефицитнинг мавжудлиги, ялпи ички даромад миқдорининг пастлиги, жаҳон соғлиқни сақлаш системаси билан интеграциянинг йўқлиги, санитария-эпидемиология шарт-шароитларининг ноқулайлиги болалар ўлими коэффициентининг ниҳоятда секинлик билан камайишига сабаб бўлмоқда.

Учинчи демографик хусусият жаҳон мамлакатларида туғилиш миқдорининг камайиб бораётганига даҳлдор. Ривожланган мамлакатларда мазкур тенденция кўриниб турибдики, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган туғилиш миқдори барча мамлакатларда камайиб бормоқда. Бироқ бу кўрсаткич ривожланган ва ривожланмаган мамлакатларда турлича мазмун касб этмоқда. Масалан, ривожланган мамлакатларда туғилиш миқдорининг камайиши миллат тақдирига таҳдид солаётган омилга айланмоқда. Кўпгина юртларда мазкур хусусият кўриниб турибдики, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган туғилиш миқдори барча мамлакатларда камайиб бормоқда. Бироқ бу кўрсаткич ривожланган ва ривожланмаган мамлакатларда турлича мазмун касб этмоқда. Масалан, ривожланган мамлакатларда туғилиш миқдорининг камайиши миллат тақдирига таҳдид солаётган омилга айланмоқда. Кўпгина юртларда мазкур хусусият аҳоли таркибининг тубдан ўзгаришига, аҳоли туғилиши ва ўлими даражалари ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Оқибатда аҳолининг табиий

камайиши жараёни тезлашиб кетмоқда. Айни пайтда ривожланмаган мамлакатлардаги туғилиш миқдорининг нисбатан камайиши муттасил олиб борилган маданий-маърифий ва тиббий тадбирларнинг самарасидир. Маълумки, мутасадди халқаро ташкилотлар ривожланмаган мамлакатларда узоқ йиллар мобайнида кичик оилани, тегишли тиббий препаратларни тарғиб этиб келдилар. Асримизнинг бошларига келиб ушбу саъй-харакатлар ўз самарасини бера бошлади.

Тўртинчи демографик хусусият жаҳон аҳолиси таркибида кекса кишилар сонининг ортиб бораётгани билан боғлиқ. XX асрга келиб, аҳолининг қариши суръати демографик ўсиш суръатларидан ҳам тезлашиб кетди. Жаҳон аҳолиси таркибида кекса кишилар сонининг ортиб бораётгани умумжаҳон тенденциясига айланганига қарамасдан, унинг даражаси ривожланган мамлакатларда анча юқори. Масалан, умумжаҳон хусусиятига айланганига қарамасдан, унинг даражаси ривожланган мамлакатларда анча юқори. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда истиқомат қилаётган 60 дан ошган кишилар сони ривожланмаган мамлакатлардагига қараганда 3 баробар кўп. Оқибатда ривожланган мамлакатларда бир меҳнатга лаёқатли киши 2 пенсионерни таъминлаши керак бўлса, ривожланмаган мамлакатларда бир фуқарога 2 вояга етмаган бола тўғри келмоқда. Натижада ривожланган мамлакатларнинг ҳукуматлари фуқароларнинг пенсияга чиқиш ёшини кечиктириш, пенсия жамғармаларига ажратмаларни ошириш, кексаларни ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа масалалар устида бош қотирмоқдалар. Ривожланаётган ва ривожланмаган мамлакатларда эса бундай вазият таълим системасини ривожлантириш, болалар нафақасини ошириш каби муаммоларга алоҳида эътибор беришга мажбур қилмоқда. Масалалар кўлами ва характери, табиийки, давлат сиёсати ва бюджетини ҳам мутаносиб тарзда шакллантиришни тақозо қилади.

Бешинчи демографик хусусият XX аср сўнггида миграциянинг мисли кўрилмаган оқими вужудга келгани билан боғлиқ. Ривожланган мамлакатлардаги туғилиш миқдорининг камлиги, аҳоли қариши суръатларининг юқорилиги, жамият ҳисобига яшаш кайфиятининг кучайиб бораётгани туфайли иқтисодий соҳаларида бевосита банд кишилар сони камайиб кетди. Оқибатда ривожланган мамлакатларда ишчи кучига эҳтиёж оша бошлади. Ишчи кучига эҳтиёж қолмаган ривожланмаган мамлакатларнинг фуқаролари ёшлар кам ва кексалар кўп бўлган, шу боис ишчи кучига эҳтиёж ошиб бораётган ривожланган мамлакатларга оқиб кела бошладилар. Миграция бўйича Халқаро Ташкилотнинг маълумотларига қараганда, 2021 йилда ўз мамлакатидан ташқарида яшаётган ва ишлаётган халқаро мигрантлар сони 220 миллиондан ошиб кетди².

5. Хулоса ва таклифлар.

Дунёдаги демографик вазият ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳақидаги тадқиқотлардан келиб чиқиб 20, 30, 40 йилдан кейин дунёдаги демографик вазият қандай бўлишини илмий асослаш муҳим. Энг муҳим 10 та факт буни тушунишга ёрдам беради.

1. 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 10 миллиард кишига етиши мумкин.

2021 йилда дунё аҳолиси 7,8 миллиарддан зиёд кишини ташкил этди. 2022-йилда сайёрамиз аҳолиси сони прогнозларга кўра яна 86 миллион кишига ошади ва 2030-йилга бориб бу кўрсаткич 8,5 миллиардга етиши мумкин. 2050-йилга бориб дунё аҳолиси 9,4 миллиарддан 10 миллиардгача бўлиши эҳтимоли юқори.

2. Ўртача умр кўриш глобал миқёсда ўсиб бормоқда

2010 йилдан 2015 йилгача дунёда ўртача умр кўриш 67 ёшдан 70 ёшгача ошди. Африкада одамлар тахминан 60 ёшгача, Осиёда - 72, Лотин Америкасида - 75, Европада - 77, Шимолий Америкада - 79. 2100 йилга келиб, ўртача умр кўриш сайёра 83 ёшга етади.

3. Дунё аҳолисининг қариш суръати ўсиб бормоқда

2015 йилда дунё аҳолисининг 12 фоизини 60 ёшдан ошганлар ташкил этган. Бу кўрсаткич ҳар йили 3,26 фоизга ўсиб бормоқда. Европада ҳар тўртинчи одам 60 ёшдан ошган. Прогнозга кўра, 2050 йилга бориб дунёда 60 ёшдан ошган 2,1 миллиард киши бўлади, бу кутилаётган аҳолининг қарийб 20 фоизини ташкил қилади.

² [https://labormigration.uz/Damodar Gujarati. Econometrics by Example.](https://labormigration.uz/Damodar%20Gujarati.%20Econometrics%20by%20Example)

4. Дунёда туғилишнинг умумий даражаси пасайиб бормоқда. Бу фақат Европада ошади

Осиё ва Африкада туғилиш даражаси пасайиб бораётганига қарамай, бу аҳолининг табиий ўсиши учун етарли. Бу кўрсаткич паст бўлган мамлакатлар - ҳар бир аёлга 2,1 ёки ундан кам бола тўғри келадиган мамлакатлар. Бу ҳолат Шимолий Америка ва Европада кузатилади.

2100 йилгача дунёда аёллар ўртача 2 нафардан кўп бўлмаган бола туғадилар.

5. Сайёра аҳолисининг ўртача ёши ортиб бормоқда

Ушбу кўрсаткичнинг ўсиши бутун инсониятнинг қаришидан далолат беради. 2015 йилда сайёрамиздаги одамнинг ўртача ёши 30 ёшни ташкил қилган. Аммо узоқ муддатли прогнозларга кўра, 2050-йилга келиб у 36 ёшга, 2100-йилга келиб 42 ёшга кўтарилади. Масалан, 2015-йилда европаликларнинг ўртача ёши 42 ёшни ташкил этган бўлса, 2050-йилга келиб европаликларни ўртача ёши 46 ёшгача "ўсади".

6. Европада аҳоли сони камайиб боради

Европа аҳолиси 2050 йилга келиб 15 фоиздан кўпроққа қисқариши кутилмоқда. Украина, Болгария, Венгрия, Хорватия, Литва, Латвия ва Сербия каби мамлакатларда аҳоли сонининг камайиши кутилмоқда. Европада 2050 йилга бориб туғилишнинг умумий коэффициенти ҳар бир аёлга 1,6 дан 1,8 болагача ошади, бироқ бу аҳоли сонининг пасайиш тенденциясини ўзгартирмайди. Украинада 2015 йилда туғилишнинг умумий даражаси ҳар бир аёлга 1,5 болани ташкил этди, бу узоқ муддатли табиий ҳаракат учун зарур бўлган даражадан паст (ҳар бир аёлга тахминан 2,1 бола).

7. Африка аҳолиси сони бўйича дунёдаги энг тез ўсаётган минтақадир.

2015-2021 йилларда Африка дунёдаги энг юқори аҳоли ўсиш суръатини қайд этди - йилига 2,55%. Бундай кўрсаткичлар билан 2022 йилдан 2050 йилгача унинг аҳолиси 1,3 миллиард кишига кўпаяди. Агар 2050 йилга бориб сайёрамиз аҳолисининг умумий сони 2,1-2,7 миллиард кишига кўпайишини ҳисобга олсак, бу муҳим кўрсаткичдир.

8. Ҳиндистон аҳолиси сони бўйича Хитойдан ўзиб кетади

2021 йил ҳолатига кўра, Хитой сайёрадаги энг зич жойлашган мамлакат ҳисобланади ва унинг аҳолиси дунё аҳолисининг 19 фоизини ташкил қилади. Бугунги кунда Хитойда 1,38 миллиард киши истиқомат қилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик бўлими прогнозларига кўра, уларнинг сони 2030 йилга бориб сезиларли даражада ўзгармайди, ҳатто кейинги 20 йил ичида бироз қисқаради. Ҳиндистонда 2021-йилда 1,31 миллиард киши рўйхатга олинган, бу эса дунё аҳолисининг 18 фоизидан сал камроқдир. Унинг аҳолиси сонининг ўсиш суръати шуни кўрсатадики, 2030 йилда уларнинг сони 1,5 миллиардга, 2050 йилда эса 1,7 миллиардга яқин бўлади.

9. Келгуси 35 йил ичида аҳолининг энг катта ўсиши камбағал мамлакатларда кутилмоқда.

2021-2050 йилларда дунё аҳолисининг табиий ўсишининг ярми 9 та давлатга тўғри келади: Ҳиндистон, Нигерия, Покистон, Конго Демократик Республикаси, Эфиопия, Танзания Бирлашган Республикаси, Индонезия, Афғонистон, Уганда. Булар туғилиш даражаси энг юқори бўлган мамлакатлардир. Мисол учун, Нигериядаги аҳоли сони 2050 йилга бориб АҚШ аҳолисидан кўп бўлади.

10. Дунёдаги эркаклар ва аёллар сони тахминан бир хил.

2021 йилда дунёда ҳар 100 аёлга 102 эркак тўғри келган. Ушбу тадқиқот барча ёш гуруҳларини қамраб олади. Эркакларнинг ҳар 100 аёлга нисбати энг юқори бўлган давлатлар: БАА – 274, Қатар – 265, Баҳрайн – 163. Литва ва Латвияда ҳар 100 аёлга энг кам эркаклар тўғри келади – 85. Масалан, Украинада 100 аёлга 86 эркак тўғри келади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Abdurakhmanov K., Zokirova N. (2013) Labour Economics and Sociology: Edited by: Prof. Dr. E.S.Margianti, SE., MM. Tutorial.- Jakarta.: Gunadarma Publisher, 430-p.

Abduraxmonov Q.X., Shoyusupova N.T. (2011) Aholini ish bilan bandligi. O'quv qo'llanma. - T.: 4-5 b. / Abdurakhmanov Q.Kh., Shoyusupova N.T. (2011) Population employment. Study guide. - T.: 4-5 p.

Xolmo'minov Sh.R., Xolmurodov S.E. (2013) Mehnat bozori iqtisodiyoti. O'quv qo'llanma. T.: / Xolmo'minov Sh.R., Xolmurodov S.E. (2013) Labor Market Economics. Study guide. T.:

- Абдурахмонов. Қ.Х., Абдурамонов Х.Х. (2011) Демография. Ношир. / Abdurakhmanov. Q.Kh., Abduramonov Kh.Kh. (2011) Demography. Publisher.
- Абдурахмонов Қ.Х. (2019) "Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт" Т.: "Фан" Нашриёти. / Abdurakhmanov K.Kh. (2019) "Labor economics theory and practice" T.: "Fan" Publishing House.
- Валентея Д.И. (1997) Демография. Современное состояние и перспективы развития: Учеб. пособие/ Под ред. -М.: Высшая школа, С.259. / Valenteya D.I. (1997) Demography. Current state and development prospects: Proc. allowance / Ed. -M.: Higher school, p. 259.
- Сови А. (1979) Мифология нашего времени - М: Прогресс, С.103 / Sauvi A. (1979) Mythology of our time - M: Progress, p. 103
- Тожиева З.Н., Дўсмонов Ф.А. (2020) Демография. Тошкент. 12 б. / Tojievа Z.N., Dosmanov F.A. (2020) Demography. Tashkent. 12 p.
- Кваши А.Я., Ионцева В.А. (1995) Современная демография /Под ред. М.: / Kvashi A.Ya., Iontseva V.A. (1995) Modern demography / Ed. M.:
- Многоязычный демографический словарь (1973) Нью-Йорк, С.4 / Multilingual Demographic Dictionary (1973) New York p. 4
- Қаюмов А.А., Утепова Г. (2000) Меҳнат ресурсларини такрор барпо қилишнинг демографик асослари. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 21- жилд. Т., 171-177 б. / Kayumov A.A., Utepova G. (2000) The Demographic Basis of Labor Regeneration. Information of the Geographical Society of Uzbekistan. Volume 21. T., pp. 171-177.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

PhD, доцент Бердиева У.А.

Тошкент молия институти

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёти шароитида солиқ маъмуриятчилигининг назарий асослари ва хорижий ривожланган мамлакатлар ҳамда Ўзбекистондаги замонавий тенденциялари ўрганилган. Олиб борилган тадқиқот натижасида рақамли технологияларнинг солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар шакллантирилган. Жумладан: рақамли иқтисодиёти шароитида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришнинг илк босқичи интернет билан таъминлаш, ходимларни ўқитиш ва янги қурилмаларни сотиб олиш каби харажатларни талаб этса, солиқ маъмуриятчилиги рақамлашининг кейинги босқичи харажатларни камайтиришга, солиқ жиноятчилигининг олдини олишга олиб келади; АТ технологияларини солиқларни Солиқ кодекси ва Президент қарорларига мувофиқ қайтариш (фарзандлари тўлов контракт асосида ўқийётганлар ва ҳ.к.) тизимида ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу бюрократиянинг қисқаришига имконият яратади ва бошқалар.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ маъмуриятчилиги, рақамли иқтисодиёт, блокчейн, ҚҚС, ахборот технологиялари (АТ), бизнес жараён, инфратузилма, Буюк Британия, Финландия, Эстония.

IMPROVING TAX ADMINISTRATION IN THE DIGITAL ECONOMY

PhD, associate professor Berdieva U.A.

Tashkent Moliya Institute

Abstract. This article examines the theoretical foundations of tax administration in the context of the digital economy and current trends in developed countries and Uzbekistan. As a result of the research, conclusions and recommendations for improving the tax administration of digital technologies have been formed. In particular, in the digital economy, the first stage of improving tax administration requires costs such as Internet access, staff training and the purchase of new devices, while the next stage of digitalization of tax administration leads to cost reduction and prevention of tax crime; It is advisable to use IT technologies in the system of tax refunds in accordance with the Tax Code and Presidential decrees (children whose children are studying on a paid contract, etc.). This will allow for the reduction of bureaucracy and so on.

Keywords: tax, tax administration, digital economy, blockchain, VAT, information technology (IT), business process, infrastructure, UK, Finland, Estonia.

1. Кириш.

Ҳозирги вақтда коммуникация технологиялари ижтимоий соҳага таъсир кўрсатадиган муҳим омил бўлиб, бу ўз навбатида иқтисодий ривожланиш жараёнида ҳам сезилади. Иқтисодий ривожланишнинг замонавий тенденцияларига қуйидагилар киради: интернетда тез ривожланаётган бизнес жараёнлар, глобал ахборот-молия марказлари ва жаҳон мобил алоқа тармоқларининг шаклланиши. Буларнинг барчаси иқтисодий жараёнларга таъсир қилади ва бугунги кунда рақамли халқаро иқтисодиёт шаклланаётганидан далолат беради.

Янги АТ технологияларидан фойдаланишга асосланган "рақамли иқтисодиёт" атамаси биринчи марта 1995 йилда Массачусетс университети олими Николас

Негропонтё томонидан ишлатилган бўлиб, замонавий даврда рақамли иқтисодиёт Интернет-платформалар ва мобил тармоқлар орқали амалга ошириладиган ижтимоий ва иқтисодий чораларнинг глобал тармоғи ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт одамларнинг эҳтиёжларини янада малакали ва самарали қондирилишини тахмин қилади.

Рақамли иқтисодиёт муваффақиятли ишлаши учун учта компонент зарур:

1) инфратузилма ёки Интернетга, дастурий таъминот ва телекоммуникацияга киришни таъминлаш;

2) электрон бизнес, компьютер тармоқлари орқали иш юритиш;

3) электрон тижорат, Интернет орқали товарларни (хизматларни) сотиш (Chelysheva, 2016).

Янги турдаги номоддий товарларга асосланган рақамли иқтисодиёт қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- бизнес жараёнларга катта ҳажмдаги маълумотларни киритиш (Big data);

- янги форматдаги кўп сонли бизнес моделлардан фойдаланиш;

- даромад манбаи юрисдикциясини аниқлашдаги мураккабликларни бартараф этиш.

Янги турдаги иқтисодиётнинг афзалликлари иштирокчилар ўртасида оддий ва тезкор ўзаро таъсирни ўз ичига олади, улар орқали иқтисодий жараёнлар содда ва ошқора назорат қилинади. Бундай иқтисодиёт халқаро миқёсда осонлик билан ривожланиши мумкин ва ҳукумат доирасидаги ислохотларга тез ҳамда осон интеграцияланади. Шу билан бирга, иқтисодиётни рақамлаштиришнинг давом этаётган жараёнлари сифат жиҳатдан янги форматдаги бизнес моделларининг пайдо бўлиши муносабати билан солиқ маъмуриятчилигининг янги ёндашувларини талаб қилади.

Ушбу мақолада рақамли технологиялар ёрдамида солиқ маъмурияти контекстида рақамли иқтисодиётга таъриф берилган. Иқтисодий ривожланишни рақамлаштириш янги имкониятларни ҳам очади, шу билан бирга солиқ ва солиқ маъмуриятчилиги соҳасида янги муаммоларни келтириб чиқаради. Тадқиқотнинг мақсади - солиқ маъмуриятчилиги жараёнида қўлланиладиган замонавий рақамли технологияларни жорий этишнинг афзалликларини ва муаммоларни аниқлаш, иқтисодиётни рақамлаштиришнинг янги шароитида унинг самарадорлигини ошириш йўналишларини аниқлаш.

2. Адабиётлар шарҳи.

Хорижий ва МДҲ олимлари орасида рақамли иқтисодиёти шароитида солиқ маъмуриятчилигини ўрганган олимлар ушбу мавзу доирасида қуйидаги фикрларни келтиради:

Паскачев А.Б., Кашин В.А., Бобоев М.Р. ишларида солиқ маъмуриятчилигининг мазмунини кенг ва тор маънода очиб беришди. Биринчи навбатда, солиқ маъмурияти дейилганда солиқ жараёнини бошқариш тизими эканлиги, ёритилган (Bataev, 2020).

Буздалина (2004) "солиқ маъмурияти" тушунчаси, солиқ тўловчига юкни ўз ичига олган харажатларни минималлаштириш билан бирга, мумкин бўлган максимал солиқ йиғишга қаратилган бир қатор чора -тадбирларни ўз ичига олади, деган фикрни билдиради.

Петухова, Григорьева (2019) фикрига кўра, рақамлаштириш ва барча ахборот манбалари ва маълумотлар оқимларини ягона ахборот маконига интеграциялашуви, кейинчалик маълумотларни катта массивларини қайта ишлаш учун замонавий технологияларни жорий этиш асосида таҳлилини автоматлаштириш, Биг Датадан фойдаланиш солиқ маъмуриятининг имкониятларини оширади.

Янченко (2021) фикрига кўра, рақамли технологиялар бизнес амалиётини ўзгартиради ва солиқ тизимига сезиларли таъсир кўрсатади. Рақамлаштириш солиқ бошқарувини такомиллаштиришга ҳисса қўшиб, маъмурий юкни камайтириш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш имконини беради, солиқ органлари ўртасидаги ҳамкорликни осонлаштиради ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қарши курашади. Компаниялар учун рақамлаштириш харажатларни камайтириш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Томас Мезенбургнинг тадқиқотида кўра, рақамли иқтисод концепциясининг учта асосий компоненти мавжуд:

1) инфратузилмани қўллаб-қувватлаш (дастурий таъминот, телекоммуникация,

тармоқлар ва бошқалар) (шу ўринда солиқ тизимини ҳам назарда тутиш мумкин);

2) электрон бизнес (бизнесни ва компьютер тармоқлари орқали бошқа бизнес жараёнларини юритиш);

3) электрон тижорат. Рақамли трансформация инсон фаолиятининг барча жиҳатларини ўз ичига олади (Panpshin, 2016).

Угальде ва бошқалар (2020) тадқиқотларида Лотин Америкасида солиқ тўловчиларнинг солиқларни ўз вақтида тўламаслик хавфини таҳлил қилувчи ва солиқ текшируви тизимини роботлаштириш бўйича сунъий интеллект тадқиқ этилган. Тадқиқот натижасида солиқ тизимида алгоритмларни қўллаш орқали солиқ жиноятчилигининг олдини олиш масалалари бўйича таклифлар келтирилган.

Сяо & Шао (2020) "Information system and corporate income tax enforcement: Evidence from China" номли илмий мақоласида СТАИС-3 ахборот тизимининг солиқ маъмуриятчилигида қўлланилиши солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик ҳолатларининг камайишига сабаб бўлган. Шунингдек, СТАИС-3 дастурининг қўлланилиши натижасида фирмаларда бухгалтерия ҳисоби ҳам такомиллашган.

Фиорентино ва Бартолуччи (2021) тадқиқотларига мувофиқ, блокчейнларнинг иқтисодийнинг барча тармоқ ва соҳаларида қўллаш имконияти келтирилган. Жумладан, бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳам блокчейнларнинг қўлланилиши натижасида солиқ тизими ҳам такомиллашиши келтириб ўтилган.

Аммо ўзбек олимлари орасида ушбу мавзунини ўрганганлар мавжуд эмас. Шу жиҳатдан ушбу мавзудаги тадқиқотни олиб бориш долзарб ҳисобланади.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида назарий-методологик усуллар орқали мавзунинг илмий-назарий асослари тадқиқ этилган бўлса, анализ ва синтез усули орқали хорижий мамлакатларда ва Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилигида қўлланилган АТ технологияларининг жорий ҳолати ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Солиқ маъмуриятчилиги орқали солиқ муносабатлари тартибга солинади, солиқ тўловчилар ва солиқ маъмурияти органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида юзага келадиган долзарб масалалар ҳал қилинади. Институционал назария солиқ маъмуриятини солиқ муносабатлари, давлат сиёсати, тегишли органларнинг ваколатлари ва солиқ тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларидан ташкил топган кўп қиррали мураккаб институт сифатида қарайди.

Рақамли иқтисодийта солиқ маъмурияти жараёнига янги ахборот технологияларини жорий этиш мумкин бўлади, бу унинг сифати ва самарадорлигини оширади. Рақамли муҳит шароитида солиқ органлари томонидан замонавий ахборот технологияларини жорий этиш солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик хавфини минималлаштиришга, солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини оширишга ва солиққа риоя қилиш кўрсаткичини 100% га яқинлаштиришга олиб келиши мумкин (Petukhova, 2017).

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш жуда кенг муаммоларни ҳал қилади ва солиқ маъмурияти парадигмасини концептуал тарзда ўзгартириш имконини беради. Солиқ маъмуриятчилигини автоматлаштиришнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- солиқ маъмурияти харажатларини камайтириш;
- солиқ тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлашни тезлаштириш ва солиқ мажбуриятларини минималлаштириш;
- солиқ тўловчилар ва маъмурий тўсиқларнинг маъмурий юкини камайтириш камайтириш;
- солиқ текширувларининг мувофиқлиги хавфини камайтириш;
- бизнес юритиш географиясини кенгайтириш мақсадида солиқ маъмуриятчилигини мувофиқлаштириш.

Рақамли иқтисодийнинг фаол ривожланишига қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларида солиқ жараёнига янги ахборот технологияларини жорий этиш ниҳоятда секин амалга ошмоқда, бу уларнинг солиқ маъмуриятчилигидаги афзалликларидан тўлиқ фойдаланишига тўсқинлик қилади. 2019 йилдаги Рақамли иқтисодий индекс

тадқиқотиға кўра, дунёнинг рақамли иқтисодиётлари рейтингида биринчи ўнликка кирган мамлакатлар сифатида Дания, Швеция, Финляндия, Нидерландия, Люксембург, Ирландия, Буюк Британия, Белгия, Эстонияни кўрсатиш мумкин¹. Ушбу рўйхатдан жой олган Буюк Британияда ҳаттоки блокчейн технологиясини солиқ тизимида қўллаш режалаштирилган. Жумладан, 2019 йил 6 декабрда Белгиянинг Брюссел шаҳрида Европа комиссиясининг солиқ ва божхона ишлари бўйича департаменти томонидан ташкил этилган “Рақамли даврда ҚҚС” конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу конференцияда ҚҚС маъмурчилигига янги технологияларни жорий этиш, жумладан, блокчейн технологиясининг ҚҚС механизмидаги имкониятлари ҳақида фикрлар алмашилди. Бунда Европа Иттифоқи блокчейн технологиясини ҚҚСда жорий этиш самарали ечим эканлигини таъкидланди².

IMD WORLD DIGITAL COMPETITIVENESS RANKING 2020 рейтингининг “Банк ва молия соҳасида қўлланилган рақамли технологиялар” бўйича ҳам Финляндия етакчи бўлиб, жаҳонда Топ-10 мамлакатлар қаторига киради (1-жадвал). Ушбу рейтинг 63 мамлакатда билим, технология ва келажақда ривожланиш истиқболларини ўз ичига олади.

1-жадвал.

IMD WORLD DIGITAL COMPETITIVENESS RANKING 2020 рейтингининг “Банк ва молия соҳасида қўлланилган рақамли технологиялар” бўйича позицияси (Европа мамлакатлари бўйича)³

№	Мамлакат	Ўрни
1.	Австрия	18
2.	Белгия	22
3.	Чехия	35
4.	Дания	11
5.	Эстония	38
6.	Финляндия	1
7.	Франция	36
8.	Германия	23
9.	Исландия	33
10.	Ирландия	25

Шунингдек, Финляндия ва Эстония солиқ тизимида ҳам блокчейн технологиясидан фойдаланилмоқда. Жумладан, Эстония ҳукумати бир неча йиллардан бери солиқ тизимида блокчейн технологиясини қўллаш бўйича тажрибалар ўтказиб келмоқда. Хусусан, Эстониянинг “Guardtime” компанияси томонидан ишлаб чиқилган “Keyless Signature Infrastructure” (Калитсиз имзо инфратузилмаси) деб номланувчи маълумотлар базаси ўзига блокчейн технологиясини интеграциялаштирган технология ҳисобланади. Бу технология солиқ тўловчиларга ўз шахсий кабинетларига кириш, солиққа оид тафсилотларни билиш, уларни ўзгартириш, интернет орқали онлайн тарзда солиқларни тўлаш, ортиқча тўланган ҚҚС суммаларини қисқа вақт ичида қайтариб олиш имкониятини беради. Солиқ органларига эса солиқларнинг ўз вақтида тўланишини онлайн назорат қилиш, солиқ тизими шаффофлигини таъминлаш ва солиқ операцияларини реал вақт режимида кузатиш имкониятини беради. Бугунги кунга келиб, Эстонияликларнинг 98 фоизи ўз даромадларини солиқ органларига онлайн тарзда декларация қилишмоқда. Бу солиқ тўловчиларга қулай имконият бўлиб, унда солиқ тўловчилар декларация тақдим этиш учун беш дақиқадан кам вақт сарфлашади⁴.

Афсуски, ушбу индексда Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари киритилмаган. Аммо бу Ўзбекистонда солиқ тизими рақамлашмаяпти, дегани эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116 сонли фармони соҳа ривожига янги даврни бошлаб берди. Фармонга биноан солиқ маъмурчилиги тизимида энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш устувор вазифа этиб

¹ <https://www.franklinherrera.com/2019/01/digital-economy-and-society-index.html>

² <https://review.uz/oz/post/blokcheyn-texnologiyasini-qqs-mexanizmiga-joriy-etish-qanday-imkoniyatlar-yaratadi>


³ IMD WORLD DIGITAL COMPETITIVENESS RANKING 2020. <https://www.imd.org>wcc>docs>release-2020>

⁴ <https://review.uz/oz/post/blokcheyn-texnologiyasini-qqs-mexanizmiga-joriy-etish-qanday-imkoniyatlar-yaratadi>

белгиланган. Хусусан, мамлакатимизда ҚҚС механизмини рақамлаштириш борасида ишлар олиб борилиб, бугунги кунда ушбу солиқнинг ягона автоматлаштирилган тизими (ҚҚС тўловчилари реестри) ишлаб чиқилган. Ҳозирда ҚҚС манфий тафовут суммаларини қоплаш "my.soliq.uz" портали орқали амалга оширилмоқда. Бугунги кунга келиб жами 106195 та ҚҚС тўловчилардан 98191 таси (93%) электрон ҳужжат айланиш тизимидан фойдаланишга ўтган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 июндаги "Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 359-сон қарори билан Давлат дастури қабул қилинди⁵. Унинг натижасида маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш тезлиги 10 баробаргача ошириш, маълумотлар базасидаги ахборотларни конфиденциаллигини таъминлаш даражаси 100 % ошириш, ташқи хавфлардан ҳимоя қилиш ҳамда маълумотларни хавфсиз ва ишончли сақлаш имкониятлари кенгайтириш, маълумотлар базаси ҳажми 1 Петабайтгача етказиш кўзда тутилган.

Ушбу давлат дастури доирасида қабул қилинган Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Стратегияси орқали Case Management System, Case Assesment System тизимлари - солиқ аудити жараёнини автоматик тарзда қайд этиш, мониторинг қилиш, маълумот ва таҳлиллардан фойдаланиш ёрдамида солиқ тизимини такомиллаштириш режалаштирилган. Шунингдек, мазкур стратегияни амалга оширилиш натижасида давлат бюджетига қўшимча тушумлар ҳажми 20 трлн сўмгача ортиши кутилмоқда.



1-расм. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Стратегиясидан кутилаётган натижалар⁶

Ўзбекистон нафақат МДҲда, балки бутун дунёда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш доирасида "блокчейн" технологиясидан фойдаланишни ва крипто-активлар айланмасини тартибга солишни бошлаган илк давлатларнинг бири бўлди. "Uzbekistan Blockchain Valley" Регулятив қумдонни ташкил қилиш режалаштирилган бўлиб, ушбу регулятив қумдон қуйидаги имкониятларни тақдим этмоқда: "блокчейн" технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш; крипто-активлар билан боғлиқ битимлар бўйича биржадан ташқари хизматларни тақдим этиш; хусусий ва саноат майнингини амалга ошириш; крипто-активларни конвертация қилиш, крипто-ҳамён хизматларини тақдим этиш; крипто-активларни дастлабки жойлаштириш (Security Token Offering); крипто-активлар айланмаси ва "блокчейн" технологияси соҳасидаги бошқа фаолият⁷.

Ушбу лойиҳанинг ишга тушиши "блокчейн" технологиясини солиқ тизимида ҳам қўллаш имконини беради.

⁵ <https://strategy.uz/index.php?news=983>

⁶ <https://soliq.uz/press-services/infographics#lg=1&slide=0> маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

⁷ https://napm.uz/oz/press_center/news/zbekistonda-blokcheyn-tekhnologiyasi-va-kripto-aktivlar-aylanmasi-so-asini-rivozhlantirish-b-yicha-m/

3) Сурхондарё вилояти саноатининг асосий кўрсаткичлари таркибий ўзгаришларнинг прогнози йўналиши:

3)

$$\begin{cases} N_t = at + b \\ O_t = at + b \\ P_t = at + b \\ R_t = a_1t^3 - a_2t^2 + a_3t + b' \\ S_t = at + b \\ U_t = at + b \end{cases} \quad (6)$$

Бу ерда:

N_t – t – даврда Сурхондарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

a, b – функциянинг келтирилган параметрлари;

t – вақт даврлари (2021-2023 йиллар);

O_t – t – даврда Сурхондарё вилоятида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми;

P_t – t – даврда Сурхондарё вилоятида ЯҲМ ҳажми;

R_t – t – даврда Сурхондарё вилоятида асосий капиталга инвестициялар ҳажми;

a_1, a_2, a_3, b – функциянинг келтирилган параметрлари;

t^3, t^2, t – вақт даврлари (2021-2023 йиллар);

S_t – t – даврда Сурхондарё вилоятида чакана савдо товар айланмаси ҳажми;

U_t – t – даврда Сурхондарё вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи даромадлар ҳажми.

Сурхондарё вилояти саноатидаги таркибий ўзгаришларни прогнозлаш модели чекланишларини аниқлаш босқичини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Мавжуд прогнозлаш моделларининг ҳар бир йўналишдаги чекловларига келсак, улар максимал қийматга йўналтирилиши ва қуйидаги кўринишга эга бўлиши керак:

$$\begin{cases} C_t \rightarrow \max \\ H_t \rightarrow \max \\ K_t \rightarrow \max' \\ N_t \rightarrow \max \end{cases} \quad (7)$$

Бу ерда:

C_t – t – даврда Сурхондарё вилоятида иқтисодий фаолиятнинг барча турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми;

H_t – t – даврда Сурхондарё вилоятининг барча туманлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми;

K_t – t – даврда Сурхондарё вилоятининг барча туманлари кесимида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми;

N_t – t – даврда Сурхондарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми.

2021-2023 йилларда прогноз натижалари бўйича ижобий динамикага эга бўлиш ўрганилаётган соҳа саноатидаги таркибий ўзгаришлардан ижобий натижалар олинганлигини кўрсатади.

Бизнинг ҳолатимизда натижавий омилга минтақада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (млрд. сўм) ҳажми ва таъсир этувчи омилларга эса унга мос келувчи бошқа кўрсаткичлар киради. Регрессия статистикасига келсак, корреляция коэффицентининг (R - кўплик) 1 га яқинлашиши исталган натижавий ва таъсир этувчи омиллар ўртасидаги муносабат яқинлигини кўрсатади. Дисперсияни таҳлил қилиш Fisher мезонини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш имконини беради (Манба: https://tsput.ru/res/informat/mop/lections/lection_6.htm):

$$F_{\text{Эмп}} = \frac{\sigma_x^2}{\sigma_y^2}, \quad (8)$$

Бу ерда:

$F_{\text{Эмп}}$ – F-мезон (Фишер мезони);

σ_x^2, σ_y^2 – биринчи ва иккинчи тартибли дисперсия.

Агар $F_{\text{Эмп}} > F_{\text{крит}}$ қийматга эга бўлса, кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик аҳамиятли бўлиб, ўрганилаётган модел статистик аҳамиятга эга. Шуни таъкидлаш керакки, $F_{\text{Эмп}}$ ҳисобланган қиймат ва $F_{\text{крит}}$ жадвалдан олинади.

Шунингдек, регрессия таҳлилинини ўтказишда t- мезон, яъни Стьюдент мезони қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади (Манба: https://tsput.ru/res/informat/mop/lections/lection_6.htm):

$$t_{d\text{Эмп}} = \frac{\bar{d}}{sd}, \quad (9)$$

Бу ерда:

$t_{d\text{Эмп}}$ -t-мезон (Стьюдент мезони);

\bar{d} – йўналишлар бўйича модел параметрларини баҳолаш;

sd – йўналишлар бўйича модел параметрларининг стандарт четланиши;

Агар $t_{d\text{Эмп}} < t_{d\text{крит}}$ га тенг бўлганда ноль гипотеза қўлланилади, агар га тенг бўлса, муқобил гипотеза қўлланилади ва моделнинг ишончлилиқ даражаси юқори бўлади. Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, $t_{d\text{Эмп}}$ ҳисобот қиймати ҳисобланади ва $t_{d\text{крит}}$ жадвал билан солиштирилади.

Сурхондарё вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноатдаги таркибий ўзгаришлар; Сурхондарё вилояти туманлари бўйича саноатдаги таркибий ўзгаришлар самарадорлиги; Сурхондарё вилояти саноати асосий кўрсаткичларидаги таркибий ўзгаришлар тўғрисида ҳам хулосалар чиқарилмоқда. Сурхондарё вилояти саноатидаги таркибий ўзгаришларни прогноз даврларида йўналишлар бўйича ҳисоблаш босқичига ўтишимиз мумкин. Ушбу босқични амалга ошириш ҳозирги даврдаги таркибий ўзгаришларни келгуси даврлардаги ўзгаришлар билан таққослаш имконини беради.

Ҳисоб-китоблар натижаларига кўра, Рябцев, Чудилин (2001) томонидан таркибий фарқлар даражаси ҳар бир кўрсаткич учун таркибий ўзгаришлар коэффицентини Рябцев индекси формуласи билан аниқланади:

$$K_R = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (d_1 - d_0)^2}{\sum_{i=1}^n (d_1 + d_0)^2}}, \quad (10)$$

Бу ерда:

K_R – тузилмавий ўзгаришлар коэффицентини;

d_1, d_0 – базис ва ҳисобот тузилмаси;

$i=1, 2, 3 \dots$;

n – даврлар сони.

Рябцев индексидан батафсилроқ фойдаланиш иккинчи бўлимда тасвирланган.

Олдинги босқич - бу таркибий ўзгаришлар беқарорлиги сабабларини аниқлаш бўйича тавсияларни шакллантириш, қисқа муддатда таркибий ўзгаришлар салбий оқибатларидан олдини олиб, ижобий натижаларга эришиш чораларини ишлаб чиқиш зарур. Таркибий ўзгаришлар беқарорлиги сабабларини аниқлаш натижалари асосида қисқа муддатда таркибий ўзгаришлардан салбий оқибатларга йўл қўймаслик, ижобий натижаларга эришиш чоралари шакллантирилади. Буни шакллантириш, юқори сифатли бошқарув ҳаракатларини амалга ошириш, келажакда кўрсаткичлар ўсишини таъминлаш, муқобил чораларни шакллантириш, ўзгаришларнинг ижобий ёки салбий оқибатларини олдиндан кўриш ва уларга жавоб беришга имкон беради.

5. Хулоса ва таклифлар.

Сурхондарё вилояти саноатидаги таркибий ўзгаришларни моделлаштиришга илмий-услубий ёндашув маълум соҳаларда прогноз ҳисобини юритиш, бундай ўзгаришлардан самарадорликнинг мумкин бўлган даражасини аниқлаш имконини

беради. Шунингдек, ёндашув апробацияси таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш, уларнинг саноатдаги салбий оқибатларини бартараф этиш ва ижобий таъсирни кучайтириш бўйича тавсиялар шакллантиришга имкон беради. Умуман олганда, таркибий ўзгаришларни моделлаштириш бизга кўпроқ истиқболли тармоқларни, инвестицион кўмакни жалб қилишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашга имкон беради.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Chang (1994), Chang et al. (2013). For an overview of the broad literature on the objectives of industrial policy see.

Jones S., C. Tee. (2017). Experiences of structural change. Econ. Round-up, p. 1.

Ma B., Yu Y. (2017). Industrial structure, energy-saving regulations and energy intensity: evidence from Chinese cities. J. Clean. Prod., 141, pp. 1539-1547.

Балаш В.А., Балаш О.С., Землянухин А.И. (2007). Экономет-рика: учеб. пособие. Саратов: Науч. кн., 108 с. / Balash V.A., Balash O.S., Zemlyanukhin A.I. (2007). Econometrics: textbook. allowance. Saratov: Nauch. book, 108 p.

Рябцев В. М., Чудилин Г. И. (2001). Региональная статистика: учебник. - М.: МИД, 380 с. / Ryabtsev V. M., Chudilin G. I. (2001). Regional statistics: textbook. - M.: MID, 380 p.

Мамарахимов Б.Э. (2016) "Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва саноатини ривожлантириш". // Илмий мақола. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, Тошкент 2016. 4-6 бетлар. / Mamaraximov B.E. (2016) "Ensuring food security and industrial development in Uzbekistan". // Scientific article. Scientific electronic journal "Economy and Innovative Technologies". № 5, September-October, Tashkent 2016. Pages 4-6.

Ортиқов А. (2009) "Саноат иқтисодёти" // Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. Тошкент 2009, ТДАУ. 24-26 бетлар. / Ortiqov A. (2009) "Industrial Economics" // Publishing House of the Literary Fund of the Writers' Union of Uzbekistan. Tashkent 2009, TDAU.- Pages 24-26.



МИКРОМОЛИЯЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАБ ЖИҲАТЛАРИ

Дусбоев Ў.Х.

Тошкент молия институти

Аннотация: Ушбу мақолада микромолиявий ташкилотлар ва улар фаолиятининг иқтисодий-ҳуқуқий асослари, улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, мамлакатимизда микромолиявий ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш бўйича амалга ошириляётган ислохотлар ёритиб ўтилган. Шунингдек, мамлакатимизда микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: микроқарз, микрокредит ва микролизинг, молиявий хизмат, микромолиялаш.

SOME IMPORTANT ASPECTS OF THE ECONOMIC AND LEGAL BASIS OF THE ACTIVITIES OF MICROFINANCE ORGANIZATIONS

Dusboev O'.Kh.

Tashkent Financial Institute

Annotation. This article describes the economic and legal framework of microfinance organizations and their activities, the specifics of their activities, the ongoing reforms in the development of microfinance organizations in our country. Also, practical recommendations have been developed to address the problems in the development of the market of microfinance services in our country.

Key words: microloan, microcredit and microlease, financial service, microfinancing.

1. Кириш.

Бугунги кунга келиб дунёнинг кўплаб мамлакатларида молиявий хизматлар бозорини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида микромолиявий хизматлар соҳасига юқори даражада эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ҳам мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиляётганлигини сўнгги йилларда мазкур соҳани ривожлантириш имконини янада оширишга хизмат қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинаётганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш ва аҳолининг асосий молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги "Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4400-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, нобанк кредит ташкилотлари кўрсатадиган хизматлар доираси кенгайтирилди ва микромолиявий хизматлар ҳажми оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-5992-сонли Фармони ижроси доирасида Жаҳон банки кўмагида энг яхши хорижий тажриба, умумэтироф этилган меъёр ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрлаш вазифаси қўйилган эди. Мазкур қонун 2022 йил

20 апрелда Президентимиз томонидан имзоланди ва кучга кирди. Ушбу қонунинг қабул қилиниши микромолиявий хизматларни тақдим этувчи ташкилотларга жуда ҳам кенг имкониятларни яратиб берди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Одатда микроқарз, микрокредит ва микролизинг бериш амалиёти билан асосан "микромолиявий ташкилотлар" шуғулланишади. Микромолиявий хизматлар тушунчаси ва унинг мазмуни, унинг асосий белгилари ва ўзига хос хусусиятлари алоҳида тадқиқот мавзуси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида"ги қонунида Микромолиялаш ташкилотига қуйидагича таъриф берилган.

микромолия ташкилоти — микромолиялаштириш фаолиятини амалга оширувчи, шунингдек Қонунчиликда назарда тутилган бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахс деб эътироф этилган (Қонун, 2022).

Микромолиявий хизматлар кўпинча молиявий хизматлар бозорида ижтимоий йўналтирилган фаолият билан белгиланади. Бангладешлик олим ва Нобель мукофоти лауреати Юнус (2009) кичик бизнеснинг ривожланиши қашшоқлик ва ижтимоий тенгсизлик муаммосини ҳал қилади, деб ҳисоблаган. Унинг концепциясига кўра, кичик бизнесни ривожлантириш учун кредит тўлашнинг асосий омили кредит гарови эмас, балки тадбиркорнинг ўз бизнесини ривожлантириш ва агрессив ташқи муҳитда омон қолиш рағбатидир. Айнан микрокредитлар қашшоқлик ва аҳолининг ижтимоий табақаланишига қарши курашнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилди.

Цхададзе (2017) микромолиялаштиришни ривожлантириш бўйича халқаро тажрибани ўрганар экан, иқтисодий паст даражада ривожланган ва аҳолининг кам таъминланган қатламнинг салмоқли қисмига эга бўлган мамлакатларда микромолиялаш биринчи навбатда ўз-ўзини иш билан таъминловчи фуқаролар сонини коўпайтиришга ва шу тариқа ушбу мамлакатларда қашшоқликка қарши курашишга қаратилганлигини таъкидлайди. Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар гуруҳида микромолиялашнинг асосий вазифаси кичик ва ўрта бизнес соҳасини ривожлантириш ҳисобланади. Микромолиялаштириш асосан даромад келтирадиган фаолият тури бўлса-да, кўпгина мамлакатларда у ижтимоий йўналтирилган бизнес сифатида ишлайди.

Раҳманов (2011) ўз тадқиқотларида "ўтиш иқтисодий мамлакатларида микромолиялаш кенг қамровли вазифаларни бажармоқда, бунда кам таъминланган аҳолини ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш асосий ўрин тутди. Ушбу мамлакатларда микромолиялаш нафақат ижтимоий, балки сиёсий характерга эга бўлган мулкдорлар синфини яратишдек муҳим вазифаларни бажаради" дея таъкидлайди.

Микромолиявий хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, микромолиялаш бир қанча муҳим функцияларни бажаради:

кредит ресурслари ҳажмини оширади ва аҳолининг кенг қатламларига ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради, бу эса пировард натижада бандлик даражасининг, бюджетга солиқ тушумларининг ошишига ва умуман жамиятнинг қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш имкониятини беради;

истеъмол кредитлари бериш географияси ва ҳажмининг кенгайиши ҳисобига аҳолининг харид қобилияти ва турмуш даражаси ошади, бироқ рискларнинг кучайиши, гаров ва кредит ресурсларининг етишмаслиги туфайли банклар томонидан аҳолининг паст даражада ижтимоий ҳимояланган қатламларига кредит ажратишдан манфаатдорлик пасаяди. Бундай ҳолларда одатда микромолиявий ташкилотлар айнан шу қатламларнинг кредит маблағларига бўлган талабларини қондиришга ёрдам беради;

микромолиялаштиришнинг оммалашган шакллари ривожлантириш, уни тартибга солишни такомиллаштириш иқтисодиётнинг "яширин" таркибий қисми даражасини пасайтиришга имкон беради, чунки ҳозирги вақтда микромолия фаолияти мамлакатлар Марказий банклари томонидан назорат қилинади ва такомиллаштириб борилади.

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикасининг "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида"ги қонунига мувофиқ мамлакатимизда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тартиби бирмунча содаллаштирилди. Ушбу қонун қабул

килингунга қадар микрокредит ташкилотлари фаолияти Марказий банк томонидан берилган лицензия асосида амалга оширилди эди.

Ушбу Қонуннинг (2022) 19-моддасига мувофиқ микромолия ташкилотининг ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг фаолияти у ҳақидаги маълумотларни тегишинча микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестрига киритиш воситасида ҳисоб рўйхатидан ўтказилганидан кейин амалга оширилади. Ушбу имтиёзларнинг берилиши мамлакатимизда микромолиявий хизматлар бозорини янада ривожлантиришга, ортиқча қоғозбозлик ва сарсонгарчиликни олдини олишга хизмат қилади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан микромолиявий ташкилотлар фаолият кўрсатиш учун имкониятлар янада кенгайди. Микромолия ташкилотларга қуйидаги ваколатлар берилди:

- ✓ микромолиялаштириш фаолиятини амалга ошириш;
- ✓ тўлов агенти (субагенти) ёки банкларнинг, суғурта ва бошқа молия ташкилотларининг агенти вазифаларини амалга ошириш;
- ✓ ўзи амалга ошираётган фаолият билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатиш;
- ✓ тадбиркорлик субъектларига микрокредит суммасидан ошадиган миқдорда кредитлар, лизинг, кафолатлар беришга, факторинг хизматлари ва исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш.

Нобанк кредит ташкилотининг устав фонди (устав капитали) Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ва фақат нобанк кредит ташкилотининг муассислари (иштирокчилари, акциядорлари) томонидан киритилган пул маблағларидан ташкил топади.

Нобанк кредит ташкилотининг устав фондиди (устав капиталини) шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва мажбуриятлар юклатилган бошқа маблағлардан, шунингдек жинсий фаолиятдан олинган маблағлардан фойдаланиш тақиқланади.

Устав фондидининг (устав капиталининг) энг кам миқдори:

- ✓ ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти учун — йигирма беш миллиард сўмни;
- ✓ микромолия ташкилоти учун — икки миллиард сўмни;
- ✓ ломбард учун — беш юз миллион сўмни ташкил этиши керак.

Бу ўз навбатида микромолиявий ташкилотлар фаолиятини молиявий барқарорлигини таъминлашга, уларнинг ресурс салоҳиятини оширишга замин яратди. "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ қуйидаги хизматларни кўрсатишга доир фаолияти микромолиялаштириш фаолияти деб эътироф этилади:

- жисмоний шахс бўлган қарз олувчига тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида эллик миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда пул маблағларини — микроқарз бериш;
- тадбиркорлик субъекти ёки ўзини ўзи банд қилган шахс бўлган қарз олувчига тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш, шунингдек шартномада назарда тутилган ҳолларда муайян мақсадлар учун фойдаланиш шартларида уч юз миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда пул маблағларини — микрокредит бериш;
- жисмоний шахсларга микроқарз суммасидан ошмайдиган миқдорда кредитлар ва кафолатлар бериш, исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш;
- тадбиркорлик субъектларига микрокредит суммасидан ошмайдиган миқдорда лизинг ва кафолатлар бериш, факторинг хизматлари ҳамда исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш.

Мамлакатимизда микромолиявий ташкилотлар қонунчиликда назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилади. Микромолиявий ташкилотлар фаолияти юқори рискка асосланган фаолият эканлигидан келиб чиқиб, Марказий банк ушбу ташкилотлар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради.

Марказий банк микромолиявий ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш мақсадида қуйидагиларни белгилайди:

- микромолия ташкилотлари томонидан тўлов агенти (субагенти) ёки банклар, суғурта ва бошқа молия ташкилотлари агенти вазифаларини амалга ошириш тартибини;

- микроолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш тартибини;

- микроолия ташкилотлари ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг активлари сифатини таснифлаш ва баҳолашга, уларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни шакллантиришга доир талабларни;

- микроолия ташкилотлари ва ломбардлар хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга ошириши чоғида ушбу ташкилотлар фаолиятига доир минимал талабларни;

- бу орқали микроолиялаш ташкилотлари фаолиятининг барқарор ишлаши ҳамда уларнинг барқарорлигини таъминлаш имкони яратилади. Шунингдек, Марказий банк микроолиявий ташкилотлар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида қуйидагиларни белгилайди:

- микроолия ташкилотлари ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари учун пруденциал нормативларни ҳисоблаб чиқариш тартибини ҳамда ушбу нормативларнинг йўл қўйиладиган қийматларини

- микроолия ташкилотлари томонидан бериладиган истеъмол кредитлари ва микроқарзлар, шунингдек ломбардлар томонидан бериладиган микроқарзлар бўйича фоиз ставкаларининг ва тўловларнинг энг юқори қийматларини белгилашга

- микроолия ташкилотларининг ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг ички аудитига доир талабларни белгилашга ҳақли.

Мамлакатимизда микроолиявий ташкилотлар фаолиятининг меъерий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаётган бўлсада, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда бир қатор муаммоли ҳолатларни ҳам кўришимиз мумкин.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, микроолиявий хизматлар бозорининг ривожланганлиги ушбу мамлакатларда тижорат банкларига рақобатчи молиявий муассалар фаолиятининг кўламини нақадар юқори эканлигини кўрсатиб беради.

Бугунги кунда Осиё-Тинч океани минтақаси микроолиялаш бўйича энг йирик минтақавий бозор бўлиб, жаҳон микроолиявий хизматлар бозоридаги жами улушнинг 42,5% ни ташкил қилади. Жорий йил охирига келиб ушбу бозорнинг умумий қиймати 159,6 миллиард долларга етиши кутилмоқда [5].

Мамлакатимизда аҳолининг микроолиявий хизматлар билан қамраб олиш даражаси анчагина паст ҳолатда эканлигини қуйидаги рақамларда ҳам кўришимиз мумкин:

Микрокредит ташкилотларининг сони 2022 йил 1 май ҳолатига-71 тани ташкил қилмоқда;

Микрокредит ташкилотларининг жами активлари-1 519,9 млрд.сўмга тенг (бу банк тизими активларининг (396710 млрд.сўм) 0,4 фоизини ташкил қилади).

1-жадвал

Микрокредит ташкилотларининг ҳудудлар кесимида тақсимооти

(2022 йил 1 май ҳолатига)¹

т/р	Ҳудуд номи	Микрокредит ташкилотлари сони	Жамига нисбатан улуши, %да
1.	Тошкент шаҳри	26	36,6
2.	Фарғона вилояти	17	23,9
3.	Бухоро вилояти	7	9,9
4.	Хоразм вилояти	5	7,0
5.	Наманган вилояти	4	5,6
6.	Тошкент вилояти	4	5,6
7.	Анджон вилояти	2	2,8
8.	Жиззах вилояти	1	1,4
9.	Қашқадарё вилояти	1	1,4
10.	Навий вилояти	1	1,4
11.	Самарқанд вилояти	1	1,4
12.	Сурхондарё вилояти	1	1,4
13.	Сирдарё вилояти	1	1,4
	Жами	71	100

¹ <https://cbu.uz/>-Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимизда 2022 йилнинг 1 май ҳолатига жами 71 та микрокредит ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда. Худудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, микрокредит ташкилотларининг 26 таси ёки 36,6 фоизи Тошкент шаҳрида, 23,9 фоизи Фарғона вилоятида, 9,9 фоизи Бухоро вилоятида, 7 фоизи Хоразм вилоятида, Наманган ва Тошкент вилоятларида мос равишда 5,6 фоизи жойлашган. Қолган вилоятларда эса фақатгина биттадан микрокредит ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда. Ушбу рақамлар мамлакатимизнинг аксарият худудларида микромолиявий хизматлар бозорининг тўлиқ шаклланмаганлигини, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу турдаги молиявий хизматлардан фойдаланишда кўпроқ тижорат банклари билан муносабатга киришаётганилигидан далолат беради.

2-жадвал

Мамлакатимиз тижорат банклари микрокредит ташкилотларининг активлари миқдори ва динамикаси²

Кўрсаткичлар номи	01.01.2021		01.01.2022		Ўзгариши, фоизда
	млн. сўм	улуши, фоизда	млн. сўм	улуши, фоизда	
Активлар					
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	5 827	0,7%	12 164	1,0%	108,7%
Банклардаги маблағлар	20 474	2,4%	29 275	2,3%	43,0%
Кредитлар ва микролизинг, (соф)	745 413	86,3%	1 123 898	88,3%	50,8%
Асосий воситалар, (соф)	25 293	2,9%	37 530	2,9%	48,4%
Ҳисобланган фоизлар	49 557	5,7%	41 479	3,3%	-16,3%
Бошқа активлар	17 135	2,0%	28 044	2,2%	63,7%
Жами активлар	863 700	100,0%	1 272 391	100,0%	47,3%

Ўзбекистонда микрокредит ташкилотларининг жами активлари 2022-йил 1-январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига (863,7 миллиард сўм ёки 79,5 миллион доллар) нисбатан 47,3 фоизга ошиб, 1,2 триллион сўмга (117,2 миллион доллар) етди.

Бу даврда Ўзбекистонда микрокредит ташкилотларининг жами мажбуриятлари 2021-йилнинг шу даврига (331,9 миллиард сўм ёки 30,5 миллион доллар) нисбатан 76,5 фоизга ошиб, 586 миллиард сўмни (53,9 миллион доллар) ташкил этди. 2022-йил 1-январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда микрокредит ташкилотларининг ўз капитали ўтган йилнинг шу даврига (531,7 миллиард сўм ёки 48,9 миллион доллар) нисбатан 29 фоизга ошиб, 686,3 миллиард сўмга (63,2 миллион доллар) етди (Global Microfinance Market Report, 2022).

Мамлакатимизда микромолиявий хизматлар бозори ҳозирги кунда ривожланиш босқичида бўлиб, ушбу хизматларнинг кўлами ва сифатини ошириш мамлакатда тижорат банкларидан ташқари молиявий хизматлар тақдим этувчи субъектларнинг тараққий этишига, уларнинг рақобатбардошлигини ошиб боришига ҳар томонлама кўмак беради.

4. Хулоса ва таклифлар.

Дунё микромолиявий хизматлар бозорининг умумий қиймати 2020-йилда 156,7 миллиард долларга баҳоланган бўлиб, 2026 йилда ушбу бозорнинг умумий қиймати 304,3 миллиард АҚШ долларга етиши кутилмоқда. Бунда ўртача йиллик ўсиш суръати 11,9 фоизни ташкил этиши кутилмоқда (Global Microfinance Market Report, 2022).

Одатда микромолиявий хизматлар аҳолининг кам таъминланган ва банк хизматларидан фойдаланиш имконияти чекланган қатламга кўрсатилишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу хизматларнинг ривожланиши дунёда қашшоқликка қарши курашиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини ошириш каби глобал муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

² <https://cbu.uz/>-Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

Мамлакатимизда микроолиявий хизматлар кўрсатиш амалиётини янада ривожлантириш, ушбу хизматлар кўламини кенгайтириш орқали аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларни кўшимча маблағлар билан таъминлаш имконини ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

- мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида микроолиявий ташкилотлар фаолиятини кенгайтириш лозим. Ушбу ҳудудларда очиладиган микроолиявий ташкилотларга солиқ имтиёзлари тақдим этиш орқали микрокредит ва микролизинг хизматларини салмоғини ошириш;

- Микроолиявий хизматлар бўйича микроқарз (50 млн.сўм), микрокредит(300 млн.сўм), микролизинг(600 млн.сўм) хизматлари учун белгиланган чегараларни бекор қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

- микроолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларни рақамли трансформациясини ривожлантириш орқали, уларнинг масофавий хизматлари кўламини кенгайтириш лозим.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Global Microfinance Market Report (2022).

Юнус Мухаммад, Жоли Алан. (2009) Создавая мир без бедности. Социальный бизнес в будущее капитализма, -М.: Альпина Паблишер, С. 213 / Yunus Muhammad, Joly Alan. (2009) Creating a world without poverty. Social business in the future of capitalism, - M. : Alpina Publisher, p. 213

Цхаддадзе Н.В. (2017) Микрофинансирование за рубежом: опыт решения социальных задач // Экономика. Налоги. Право. Т. 10. № 1. С. 101–109. / Tskhadadze N.V. (2017) Microfinance abroad: experience in solving social problems // Economics. Taxes. Right. Т. 10. No. 1. p. 101–109.

Рахманов И.Х. (2011) Ўзбекистон Республикасида микроолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари.Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 127 б. / Rakhmanov I.Kh. (2011) Ways to improve microfinance services in the Republic of Uzbekistan. Dissertation written for the degree of candidate of economic sciences. Т.: 127 p.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-5992-сон. / Decree (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 12, 2020 "On the strategy of reforming the banking system of the Republic of Uzbekistan for 2020-2025" No. DP-5992.

Қонун (2022) Ўзбекистон Республикасининг "Нобанк кредит ташкилотлари ва микроолиялаш фаолияти тўғрисида"ги, 3-модда. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. / Law (2022) of the Republic of Uzbekistan "On non-bank credit organizations and microfinancing activities", Article 3. (National Legislative Data Base.

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги "Микроолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4400-сон. / Resolution (2019) of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 23, 2019 "On measures to increase the popularity of microfinance services" No. PQ-4400.



ИСЛОМИЙ ВА АНЪАНАВИЙ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Зиё Ш.А.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. *Мазкур илмий мақолада ислом банк маҳсулотлари ва хизмат турларининг анаънавий банк хизмат турларидан фарқлари, шунингдек, афзалликлари ва тобора унган бўлган қизиқишларнинг асосий сабаблари тўғрисида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ислом банк хизматлари бозорини ривожлантириш борасидаги илк қадамлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *ислом банки, ислом молияси, мудораба, мушорака, анаънавий кредитлаш, ислом ойнаси, сокук, ижара, салам.*

COMPARATIVE ANALYSIS OF ISLAMIC AND TRADITIONAL FINANCIAL SERVICES

Ziyo Sh.A.

Basic doctoral student of Tashkent State University of Economics

Abstract. *This scientific article examines the differences between Islamic banking products and services from traditional banking services, as well as their advantages and the main reasons for the growing interest. It also provides information on the first steps in the development of the Islamic banking market in Uzbekistan.*

Keywords: *Islamic banking, Islamic finance, mudaraba, musharakah, traditional lending, Islamic windows, sukuk, rent, salam.*

1. Кириш.

Ислом динига эътиқод қилувчилар кўпчиликини ташкил қилишига қарамай, Ўзбекистонда шу вақтгача Исломий молия соҳаси Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатларга қараганда деярли ривожланмаган, ваҳоланки ушбу соҳанинг ривожланишида мамлакат жуда катта салоҳиятга эга. Буни йирик халқаро молиявий ташкилотлар (Ислом Тараққиёт Банки Гуруҳи, Халқаро Молия Корпорацияси, Осиё Тараққиёт Банки ва б.) экспертлари томонидан эътироф этган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳам 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади" деб, таъкидлаган эдилар.

Банк-молия тизимидаги халқаро таназзул оқибатида ва молия бозори нфратузилмасининг тубдан такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж самараси ўлароқ, инвеститсиявий молиялаш ҳамжамиятининг молиялаштиришнинг исломий шаклига бўлган эътибори сезиларли даражада ортди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Ушбу мавзу доирасида олиб борилган тадқиқот натижасида олимларнинг ислом молияси ва банкчилиги тўғрисида қуйида келтирилган фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиб, мазкур соҳанинг аҳамияти, келгусидаги истиқболи, кутилаётган имкониятлари ҳамда хатарлар тўғрисида керакли билимлар олиш мумкин.

Хусусан, олимлар Аль Аззави ўз тадқиқотларида ислом банки тўғрисида "Ислом шариати асосида банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга пул маблағларини жалб этиш, жисмоний ва юридик шахсларни

молиялаштириш ҳамда бошқа банк хизматларини амалга оширувчи тижорат ташкилотидир” деб, таъриф берганлар (Исхаков, 2014).

Россиялик ислом молияси соҳаси бўйича тадқиқочиси Беккин (2009) ислом банкларининг асосий мақсадларидан бири қарзи ҳасана бериш йўли билан маблағларни фойдали ривожланиш йўллариغا сарфлашдан иборатлигини таъкидлайди.

Ислом молия институтларининг барчасида ижроия бошқаруви ҳамда ислом уламоларидан иборат шариат кузатув кенгашлари мавжуд бўлиб, уларнинг роли банк фаолияти шариатга мувофиқ амалга оширилишини таъминлашдан иборат (Rejman, 2015).

Ислом банкларининг муваффақияти уларнинг доимий такомиллашиб борадиган инновацион фаолиятига боғлиқ. Инновацион маҳсулотнинг энг асосий жиҳати унинг шариат қонунларига зид бўлмаслигидир. Ислом банкларининг инновацион такомиллашиб бориши уларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди (Rahim & Buang, 2021).

Юқоридаги олимларнинг фикрларини ўрганиб, хулоса қиладиган бўлсак, исломий банки шариат тамойиллари асосида мижозларга хизмат кўрсатадиган тижорат ташкилотидир. Исломий банк маҳсулотлари эса тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ислом шариати асосида кўрсатиладиган банк маҳсулотлари ҳамда хизматлари саналади.

3. Тадқиқот методологияси.

Илмий ишни амалга оширишда Ўзбекистон тижорат банкларида исломий банк маҳсулотларини жорий этиш истиқболларини таҳлил этишда олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ислом молиясининг анъанавий молиядан фарқи фақатгина ундаги ахлоқий тамойиллар ва исломда судхўрлик (рибо)нинг таъқиқланганлигида бўлмасдан, балки ислом молиясининг иқтисодий фаолият билан узвий боғлиқлигида ҳамдир. Ушбу фарқ иқтисодий ўсиш шароитида унчалик кўзга ташланмасида, иқтисодий – молиявий инқироз шароитида ўзини яққол намоён этади.

2008 йил Бутунжаҳон молиявий инқирози каби 2020 йилги коронавирус пандемияси билан боғлиқ инқироз ҳам кўп мамлакатлар иқтисодиётини тушкун (депрессия) ҳолатга келтириб қўйди. Шундан келиб чиққан ҳолда тақиқотчилар анъанавий ва ислом молияси тизимига иқтисодий-молиявий инқироз қандай таъсир қилиши ҳақида ўйлашлари, бунинг сабаблари ва натижаларини таҳлил қилишлари табиий (Хохлов, 2016).

Турсунов (2021) анъанавий ва исломий банк вазифа ва функцияларини таққослаб ўтади.

1-жадвал

Анъанавий банк ва Исломий банк фаолияти ўртасидаги тафовутлар (Турсунов, 2021)

Анъанавий банк	Исломий банк
1. Пулни қиймати вақтга боғланади ва пулни риск билан қарзга беришдан фоиз ундирилади.	1. Пул товар ёки хизмат сифатида баҳоланмайди ундан фойдаланганлик учун қўшимча қиймат олиш мумкин эмас
2. Битимлар молиявий асосга эга активлар асосида тузилади.	2. Битимлар реал активлар асосида тузилади.
3. Омонатга қўйилган пулларни маълум муддатда фоизи билан олишни кафолатлайди	3. Омонатга қўйилган пулларни маълум муддатда фоизи билан олишни кафолатламайди. Бу банк даромадига боғлиқ
4. Кредитни тўлаш белгиланган муддатдан ўтса, тадбиркор банкка кредитни қўшилган фоизи билан	4. Ислом банки кредитни белгиланган муддатдан кечиктириб тўлаши унга қўшимча пеня ундирилишига сабаб

Анъанвий банк	Исломий банк
қайтариши баробарида ҳар бир ўтган куни учун пеня ҳам тўлаш керак бўлади.	бўлмайди.
5.Тижорат банкини мижозлари билан алоқаси дебитор ва кредитор сифатида намоён бўлади	5. Ислом банкнинг статуси эса мижозлар билан шерик, инвестор, лизинг берувчи ва лизинг олувчи сифатида кўрилади
6. Омонатчилар банкнинг инвестициялар ва ликвидликни бошқариш фаолияти тўғрисида маълумотга эга бўлмайди.	6. Омонатчиларга банкнинг инвестиция ва бошқариш фаолияти тўғрисида маълумот бериб борилади
7.Жисмоний ва юридик шахслар банкдан олинган кредит эвазига қонунчиликда тақиқланмаган фаолият билан шуғулланиши мумкин.	7. Банк кредитдан қонунчиликда тақиқланмаган фаолиятдан ташқари шариатда ҳам тақиқланмаган фаолият тури билан шуғулланиши мумкин. Масалан, спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш, улар реализацияси билан шуғулланиш тақиқланади.
8. Пулни қарзга бериш ва фоизи билан белгиланган муддатда қайтариб олиш тижорат банкнинг асосий функцияларидан биридир	8. Бизнесга пул тикиб шерик бўлиш ва фойдадан улуш олиш ислом банкнинг асосий функцияларидан биридир
9. Молиялаштирилган лойиҳадан келадиган улуш олдиндан аниқ бўлганлиги сабабли, унинг ривожланиши ва амалга ошишига кам аҳамият берилади	9. Молиялаштирилган лойиҳадан келадиган улуш фойда ва зарарга боғлиқ бўлганлиги сабабли, унинг ривожланиши ва амалга ошиши банкнинг диққат марказида бўлади.

Ушбу жадвалдан кўришиб турибдики, ислом банкида таваккалчилик қилмасдан хавф-хатарни зиммасига олмасдан ва бирор меҳнат сарфламасдан пул топиш, умуман ҳаётнинг барча асосий жабҳаларида бошқа шахс ва жамиятга таҳдид соладиган ёки зарар келтирадиган нарсалар ортидан пул топиш тақиқланади.

Кўпчилик ҳали ислом ва анъанавий банклар томонидан таклиф қилинадиган маҳсулот ҳамда хизматлар ўртасидаги фарқни тушунмайди. Баъзилар ислом банклари анъанавий банк маҳсулот ва хизматларининг номи ўзгартирилган кўриниши деб ҳисобласа, бошқалари ислом банклари анъанавий “фоиз”ни “даромад” деб номлашади ва одамларни чалғитиш учун арабча атамалардан фойдаланишади деб иддао қилишади. Ислом банки қай тариқа ишлашини билмай туриб бу каби хулосаларга келиш ярамайди. Чунки бундай хулоса ва иддаолар ислом банкчилиги ривожланишига тўсқинлик қилади. Албатта биз ислом банкчилиги ва унинг айрим маҳсулотлари ривожига жараёнида турли муаммоларга дуч келаётганлигимизни тан оламиз. Чунки бу соҳа ҳали тўлиқ ўрганиб бўлингани йўқ. Ушбу жараён давомида хатолар юз беришини инкор этиб бўлмайди. Аммо бундай хато ва камчиликлар ислом банкчилигининг яроқсизлигини англатамайди. “Мусулмончилик астачилик” деганларидек ислом банкчилиги ҳам ўрганиш / ривожланиш жараёнида ва бундай хато-камчиликлар бўлиши табиий. Асосийси, жараён орқага эмас, олдинга қараб ҳаракатланаётганлигида.

Шариатга мос келувчи банк маҳсулот ва хизматларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш жуда мураккаб жараён, чунки бунда кўпчилик, баъзида тамомила қарама-қарши мақсадларни кўзловчи томонлар, жумладан банк олий бошқаруви, маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўлими, шариат бўлими, шариат маслаҳатчилари ва бошқа бир қанча бўлимлар (чакана ва корпоратив банклар бўлими, сармоя (капитал) бозори, хатарларни бошқариш, молиявий режалаштириш ва ҳ.к.з.), шунингдек инвестиция масалалари бўйича мутахассис-маслаҳатчилар, рейтинг агентликлари вакиллари, ҳуқуқшунослар ва бошқалар иштирок этади.

Шунга қарамай, ислом банки осон йўлдан бориб, маҳсулотларнинг ҳуқуқий шаклинигина ўзгартириб, анъанавий банк тизими маҳсулотларидан нусха олмаслиги жуда муҳим. Аксинча, ислом молия маҳсулотларининг ҳуқуқий шакли исломдаги ҳамкорлик ва тадбиркорликнинг ҳақиқий руҳиятини акс эттириши лозим (Кузнецова, 2015).

Жамият, анъанавий банк тизимида амал қилувчи мижоз/омонатчи – банк, қарз олувчи – банк каби, асосан банк манфаатини кўзловчи молиявий муносабатлар, ҳамда ислом банкчилигидаги икки томоннинг (яъни мижоз ва банкнинг) биргаликдаги манфаатини инобатга олувчи “мушорака” (лойиҳаларни сармоявий шерикчилик асосида молиялаштириш), “муробаҳа” (олди-сотди шартномаси орқали молиялаштириш), “мудораба” (лойиҳаларни ишонч асосидаги ҳамкорлик доирасида молиялаштириш) “ижара” (ижара/лизинг шартномаси асосида молиялаштириш), “истисна” (ишлаб чиқариш соҳаси лойиҳаларини молиялаштиришга асосланган шартнома), “салам” (асосан қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган, олдиндан молиялаштиришни кўзда тутувчи шартнома), “сукук” (қимматли қоғозлар ёрдамида молиялаштириш) каби иқтисодий-молиявий ҳамкорлик муносабатлари ўртасидаги фарқни англаши ва икки томон учун ҳам бирдек манфаатли бўлган бундай тизим, замонавий банк-молия соҳасини ривожланишига ҳам ёрдам бериши мукинлигига ишонч ҳосил қилиши керак (Байдаулет, Хасанов, 2019).

Ислом банклари ўз мижозлари билан ҳамкорлик қилиш орқали улар билан тадбиркорликнинг ҳар қандай турига хос бўлган хатарларни бўлишишини, хатарларни бўлишиш даражаси эса лойиҳалаштириладиган тадбиркорлик лойиҳаси, ҳамда молиялаштириш учун қўлланиладиган маҳсулот турига боғлиқ бўлишини тушуниб етиш, жамият аъзоларига бу тизим имкониятларидан тўла равишда баҳраманд бўлиш имконини беради, ҳамда ислом банкчилигининг янада ривожланишини таъминлайди.

5. Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, исломий молиявий хизматлар соҳаси Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун муҳим омил, пойдевор ва ривожланиш истиқболи бўлади, натижада ўз маданиятида Исломнинг чуқур илдизларини акс эттирган мамлакатга хорижий инвесторларнинг қизиқиши ортади ва ҳукумат ушбу имкониятдан халқ фаровонлиги ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланишида тўлақонли фойдаланишга эришиши мумкин бўлади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, Ўзбекистонда ислом молия хизматлари саноатининг кенг қамровли жорий этилиши мамлакат учун қуйидаги имкониятларни очишига ишонамиз:

- хориждан келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш ва диверсификациялаш;
- банк тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат муҳитини яратиш ҳамда банк тизими активларини диверсификациялаш имкониятини яратиш;
- аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш пул маблағларининг иқтисодиёт ривожланишида максимал иштирокини таъминлаш;
- мамлакатда капитал бозорини ривожлантириш ва диверсификациялаш;
- кўплаб янги иш ўринлари яратиш;
- аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали, молия бозоридаги фаоллигини кўтариш;
- Ислом молия хизматлари индустриясини ривожлантириш орқали мамлакатда инфратузилмани мувофиқлаштириш ва янгилаш;
- янги молиявий муассасалар ташкил қилиш;
- камбағалликка қарши курашиш давлат дастурини амалга оширишга ҳисса қўшиш;
- янги йўналишда кадрлар тайёрлаш дастурини яратиш.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Abedifar, Pejman & Ebrahim, Shahid & Molyneux, Philip & Tarazi, Amine (2015) Islamic Banking and Finance: Recent Empirical Literature and Directions for Future Research. *Journal of Economic Surveys*. 29. 10.1111/joes.12113.

Mohamad Syafiqe Abdul Rahim, & Ahmad Hidayat Buang (2021) The Theory of Product Innovation and Its Application in Islamic Banking. *Journal of Islamic Finance*, 10(2), 112–123. Retrieved from <https://journals.iium.edu.my/iibf-journal/index.php/jif/article/view/601>

Байдаулет Е.А., Хасанов Х. (2019) “Исломий молия асослари” Ўзбекистон, 37-б. / Baydaulet E.A., Khasanov Kh. (2019) "Fundamentals of Islamic Finance" Uzbekistan, p. 37

Беккин Р.И. (2009) Исламские финансовые институты и инструменты в мусульманских и немусульманских странах: особенности и перспективы развития. /

Автореф. дисс. докт. экон. наук., 48 с. / Bekkin R.I. (2009) Islamic Financial Institutions and Instruments in Muslim and Non-Muslim Countries: Peculiarities and Perspectives of Development. / Abstract. diss. doc. economy nauk., 48 p.

Исхаков И.Р. (2014) Операционная структура исламского финансового института, ориентированная на реализацию долевого метода // Актуальные проблемы экономики и права. № 2(30). с. 12-16. / Iskhakov I.R. (2014) Operational structure of an Islamic financial institution focused on the implementation of equity methods // Actual problems of economics and law. No. 2(30). p. 12-16.

Кузнецова Т. (2015) Исламский банкинг: особенности кредитования инвестиционных проектов // Финансовая жизнь. № 2. с. 22-25. / Kuznetsova T. (2015) Islamic banking: features of lending to investment projects // Financial life. No. 2. p. 22-25.

Мурожаатнома (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / Address (2020) Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis, official website of the President of the Republic of Uzbekistan, www.president.uz

Турсунов А.С. (2021) Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, Тошкент. / Tursunov A.S. (2021) Directions for the development of Islamic banking services in commercial banks. Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation in Economics, Tashkent.

Хохлов А.А. (2016) Исламские финансы в России: подспорье для экономики или угроза национальной безопасности? // Проблемы национальной стратегии. № 4(37). с. 238-248. / Khokhlov A.A. (2016) Islamic finance in Russia: a help to the economy or a threat to national security? // Problems of national strategy. No. 4(37). pp. 238-248.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА РЕСТОРАН ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИНГ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ибодов К.М.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация: Самарқанд вилояти ресторан хизматлари соҳаси ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган, ресторан хизматларининг ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар ёритилган ҳамда ривожланиш тенденциялари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: ресторан хизматлари, фаст-фуд, event-management, casual dining, тармоқли рестороанлар.

THE STATE AND DEVELOPMENT TRENDS OF THE RESTAURANT SERVICES SECTOR: CASE-STUDY OF SAMARKAND REGION

Ibodov K.M.

Samarkand Institute of Economics and Service

Annotation. The article analyzes the state and development trends of the restaurant services sector in the Samarkand region, reveals the main factors influencing the growth rate of restaurant services and development trends.

Keywords: restaurant services, fast food, event management, casual dining, chain restaurants.

1. Кириш.

Мамлакатимиз ҳудудларда турли тезкор чора-тадбирлар ёрдамида кўплаб хизматларни йўлга йўйиш, жумладан ресторан хизматлари соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон "Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2020 йил 16 июндаги ПҚ-4752-сон "Хизматлар соҳасини қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сонли "2015-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида" қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ўз навбатида ресторан хизматлари соҳасини жадал ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса пандемиянинг салбий оқибатлари туфайли сушлашиб қолган сушлашиб қолган ўсиш суръатларини жадаллаштириш бу борада илмий изланишларнинг долзарблигини ҳамда амалий аҳамияти жуда юқорилигидан далолат беради.

2. Адабиётлар шарҳи.

Червяковнинг (2019) фикрича, ресторан хизматлари инсонларнинг лаззатли, хилма-хил ва соғом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган

умумий овқатланишни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти бўлиб, бир вақтнинг ўзида фойда олишга ҳам йўналтирилган.

Сафоевнинг (2009) илмий изланишларида ресторан хизматлари сифатини бошқариш масалаларига тизимли ёндашилган ҳолда сифатни баҳолаш ва даражасини ошириш асосида самарадорликни ошириш мумкинлиги асослаб берилган.

Курбановнинг (2020) илмий изланишларида умумий овқатланиш корхоналарининг техник-иқтисодий даражасидан келиб чиққан ҳолда янги жиҳозларни танлаш, алмаштириш орқали самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган бўлиб, Самарқанд вилоятидаги умумий овқатланиш корхоналарининг техник-иқтисодий даражаси унинг иқтисодий самарадорлиги билан ўзаро боғлиқлиги асослаб берилган.

Шариповнинг (2010) илмий изланишларида умумий овқатланиш соҳаси субъектларида самарадорликни оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш миллий хусусиятларимизга ҳам боғлиқ бўлиб, мазкур белги асосида таснифлаш муҳим ҳисобланади.

Шуниндек, Ибодовнинг (2022) илмий-услубий ишларида ҳам мижозлар билан муносабатларни бошқариш ва қониққанлик даражасини тадқиқ этиш масалалари ўз аксини топган.

Замонавий бозор муносабатлари шароитида овқатланиш ва яшаш билан боғлиқ хизматларнинг жадал суръатлар билан ўсиши, аҳоли турмуш даражасининг ортиши билан уйдан ташқарида овқатланиш ва хордиқ чиқариш билан боғлиқ хизмат турларига бўлган талабнинг ортиб бориши Самарқанд вилоятида ҳам ресторан хизматлари бозор конъюнктурасига тадқиқотчилар эътиборининг кучайиб бораётганлиги ҳам ҳудудга хос бўлган тенденцияларини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот давомида индукция ва дедукция, ўртача миқдорлар, гуруҳлаш, ижтимоий сўров, анкета, мантиқий таҳлил, жуфт корреляция усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларини умумий яхлит тарзда ифодалаш мақсадида жадвал ва расмлардан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Республикамиз бўйлаб, шу жумладан Самарқанд вилоятида овқатланиш ва яшаш билан боғлиқ хизматларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши, ресторан хизматлари соҳасининг бозор инфратузилмасини шакллантириш янада долзарб масалага айланаётганлигидан далолат беради.


Статистик маълумотларга кўра ҳозирги кунда озиқ-овқат индустрияси (озиқ-овқат саноати, савдо ва истеъмол бозори (умумий овқатланиш)) Самарқанд вилояти ҳудудий иқтисодиётининг 3,2-2,6 фоизини ташкил қилади (Ибодов, 2021). Пандемия туфайли вужудга келган макроиқтисодий чекланиш шароитида унинг улуши 2,8 фоизгача тушган.

Самарқанд вилояти учун ресторан хизматлари соҳаси ривожланишининг ўзига хос жиҳати – ҳудудий жиҳатдан нотекис тақсимланганлигидир. Ресторан хизматлари соҳаси йирик аҳоли манзилларида, айниқса маъмурий ва саноат марказларида, шунингдек, вилоят маркази Самарқанд шаҳрида жадал суръатлар билан ривожланмоқда (1-расм).

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, ресторан хизматлари кўрсатувчи субъектлар сони бўйича Самарқанд шаҳри етакчилик қилади. Айнан вилоят марказида ресторан хизматларининг барқарор ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. Каттақўрғон тумани, Каттақўрғон шаҳар, Иштихон ва Самарқанд туманларида ўсиш суръати 2010 йилга нисбатан 10,0 маротабадан ортиқроқни ташкил этган.

Миллий иқтисодиётда барқарор ривожланиш суръатларининг сақланиб қолиши биз томонимиздан тадқиқ қилинаётган соҳанинг ҳам барқарор ривожланишини рағбатлантиради. Шу билан бирга глобал пандемиянинг салбий омиллари таъсирида соҳанинг заиф нуқталарига ўз таъсирини кўрсатади. Ресторан хизматлари соҳасида самарадорлик даражасининг ўртача даражадан юқори эмаслиги сабабли пандемиянинг салбий омилларининг таъсири ҳамда турмуш даражасида кутилаётган ўзгаришлар натижасида истеъмол таомилларининг ўзгариши кузатилади. Шу сабабли ҳам ресторан хизматлари соҳаси мавқеи ва барқарор ривожланиш суръатини, мавжуд молиявий салоҳиятни сақлаб қолишга эътибор кучли. Мижозларнинг аксарияти қуйи нарх сегментини афзал кўриши, фастфудлар, кафе, кофейня, қандолат дўконларининг кенг

ривожланиши аҳоли жон бошига реал даромадлар даражасининг ўртача даражадан юқори эмаслиги билан изоҳланади.



1-расм. 2010-2021 йилларда Самарқанд вилоятида овқатланиш билан боғлиқ хизматлар соҳасидаги корхоналар сонининг ўсиши ҳақида маълумот (фоизда)


Бугунги кунда қарор топган макроиқтисодий вазият мамлакат ва унинг ҳудудларида аҳолининг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини оқилона қондиришга, унинг турмуш даражаси ва сифатини барқарор ошириб боришга йўналтирилганлиги ҳам ресторан хизматлари соҳасини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири эканлигини тасдиқлайди.

Бозор муносабатларни тўлақонли қарор топиши билан боғлиқ ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ортиб бориши Самарқанд вилоятида овқатланиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар сонининг кўпайишига олиб келди. Умумий ҳолатда овқатланиш корхоналари сонининг кўпайиши билан боғлиқ ўзгаришлар ўз навбатида ресторан хизматларининг ривожланишига тўртки берди.

Овқатланиш ва хордиқ чиқариш билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи субъектлар сонининг кўпайиши, айниқса қишлоқ жойларда кўп сонли истеъмолчиларга оммавий тадбирларлар ўтказиш ва хордиқ чиқариш билан боғлиқ бўлган қўшимча хизматлар кўрсатишнинг ҳам ривожланишига келди. Самарқанд вилояти бўйича 2010-2020 йилларда умумий овқатланиш корхоналари сони 2,5 мартага ошди ва 3192 тани ташкил этди. Ушбу йиллар мобайнида қишлоқ жойларда овқатланиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи субъектлар сони 3,0 мартага, шаҳар жойларда 2,1 мартага ўсди.

Айниқса бу тенденция иш жойлари ва таълим муассасаларида жойлашган овқатланиш корхоналари сонининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келди.

Самарқанд вилоятида ресторан хизматлари соҳаси ҳудудий иқтисодиётнинг 3,2-3,6 фоизини ташкил қилган. Ресторан хизматлари соҳаси ривожланишининг ўзига хос жиҳати – ҳудудий жиҳатдан нотекис тақсимланганлиги бўлиб, йирик аҳоли манзилларида, айниқса маъмурий ва sanoat марказларида, шунингдек, вилоят маркази Самарқанд шаҳрида жадал суръатлар билан ривожланмоқда (2-расм).




2-расм. Самарқанд вилоятида овқатланиш билан боғлиқ хизматларнинг ўзгариш динамикаси¹

Таҳлил қилинаётган даврда Самарқанд вилоятида ресторанлар сони ва шунга мос тарзда улар орқали аҳолига ва туристларга кўрсатилган хизматлар ҳажми узлуксиз ошиб борган. Айниқса ресторанлар сони ва уларда истеъмолчиларга кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўсиш суръатлари аҳоли сони ўсиш суръатларига нисбатан юқори эканлиги диққатга сазовор. Масалан, шу йиллар мобайнида вилоят аҳолиси сони 1,21 мартага ошган бўлса, ресторанлар сони 4,6 мартага, ресторан хизматларининг ҳажми эса 7,7 марта ортган. Бунинг натижасида аҳолининг ресторан ва ресторан хизматлари билан таъминланганлик даражаси сезиларли даражада ортган. Масалан, ресторанлар билан таъминланганлик даражаси 3,6 маротаба, хизматлар ҳажми эса 6,4 маротаба ортганлигини кузатиш мумкин. Туманлар кесимида ҳам ресторан хизматлари соҳаси юқори суратлар билан ўсиб бормоқда. 2010-2021 йиллар мобайнида Самарқанд шаҳрида (60,3%), Ургут туманида (54,6%), Каттақўрғон туманида (54,9%) ва Жомбой туманида (44,9%), энг юқори ўсиш суръатларига эга бўлган.

Ресторан хизматлари кўрсатувчи корхоналарнинг турлари бўйича таркибий тузилиши йилдан йилга ўзгариб бормоқда. Биргина 2021 йилга келиб юқори сифатли ресторан хизматлари кўрсатувчи субъектлар (ресторан, бар, кафе, фаст-фуд) улуши 11,5 фоизга ошди, кафетерия, чойхоналар улуши эса шунга мутаносиб равишда камайди. Сўнгги 3 йил мобайнида ресторан тармоқлари сони 1,4 марта ортиб, 2021 йилда 215 тани ташкил қилди (2010 йилда 107 та); айниқса «кафе» типдаги субъектлар сони 1,5 мартага ортиб 389 тага етди (2010 йилда 210 та). Самарқанд вилояти бўйича ресторан хизматлари бозорининг корхона турлари бўйича таркибий тузилиши асосан ресторанлар, миллий ошхоналар, чойхона, буфет, кафетерия, қандолат дўконлари, кофейнияларлардан иборат эканлиги аниқланди.

¹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.




3-расм. Самарқанд вилояти бўйича ресторан хизматлари бозорининг таркибий тузилиши² (фоизда)

3-расмдан кўриниб турибдики, Самарқанд вилояти ресторан хизматлари бозори тузилмаси кенг тармоқланган ресторан, бар, кафе, ва фаст-фудлар тармоғидан иборат бўлиб, кўнгилочар ва турли маданий тадбирларни кўрсатувчи кенг тармоқли корхоналарни ҳам ўз ичига олади.

Самарқанд вилояти республиканинг аҳоли сони жиҳатидан энг катта вилояти, Самарқанд шаҳри эса иккинчи йирик шаҳар ҳисобланади. Шу билан бирга вилоятнинг демографик хусусияти, табиий иқлимий, транспорт-муҳандислик коммуникация инфратузилмаси, кадрлар салоҳияти ва аҳолининг турмуш даражаси ҳамда ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлик ҳолати бўйича ҳам етакчи вилоят ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Самарқанд вилоятида ресторан хизматлари соҳасида яратилган истеъмол қиймати аҳолининг турмуш даражасини баҳолашда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Ресторан хизматлари соҳасининг савдо айланмаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2021 йилда ушбу кўрсаткич 21,2 фоиздан 33,2 фоизгача ортди. Бундан ресторан хизматлари хизматлар соҳасининг истеъмолчилар талаби юқори бўлган ҳамда узлуксиз янгиланиб бораётган соҳаси эканлигини яққол кўришимиз мумкин. (4-расм).



4-расм. Ресторан хизматлари соҳасида савдо айланмасининг ўсиш суръатлари (фоизларда)³

² Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

³ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ресторанлар сони ва хизматлар ҳажмининг сезиларли ўсиши турли банкет ва кейтеринг хизматлари улушининг тез суръатлар билан ортиб бораётганлиги ҳисобидан амалга ошган. Таҳлил жараёнида турли байрам ва кўнгилочар тадбирларни ташкил қилиш билан боғлиқ банкет, *event-management* хизматларига бўлган талабнинг ортиб бориши 50-150 ўринли ресторан залларига бўлган талабнинг ортишини таъминлаганлиги аниқланди.

Ўртача нарх сегментидаги фаст-фуд ва кафелар хусусий инвесторлар учун айниқса жозибатор ҳисобланади. Бундан ташқари, кичик капитал сиғимига эга фаст-фуд тармоқларининг ташкил қилиниши тармоқли бизнеснинг ривожланишига катта туртки берган. Таҳлил натижалари 2010-2021 йилларда Самарқанд вилоятида фаст-фудлар тармоғи 4,4 маротаба кенгайиб, уларнинг умумий сони 238 тага етганлигини кўрсатди.

Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ресторан хизматларининг ўсиш суръатларига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатди. *Биринчидан*, бозорнинг ялпи эркинлашуви ва оммабоплашуви юз берди. Натижада ресторан хизматларининг *casual dining* услубига ўтиш жараёнлари жадаллашиб, ўртача нарх сегментининг кенгайиши содир бўлди. Хизматларнинг фастфуд тармоғи ўзининг инқироз оқибатларига мослашувчанлигини ва ўсиш суръатини сақлаб қолганлигини намоён қилди. Биргина 2021 йилнинг ўзида ушбу тармоқ 5,5% ўсишга эришди.

Иккинчидан, ресторан хизматлари соҳасида тармоқли корхоналар сонининг ортиши юз берди. Ўтказилган тадқиқотлар ва ижтимоий тармоқлар орқали ўтказилган сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, биргина 2021 йилдан 2022 йилнинг ярмигача бўлган давр мобайнида соҳада тармоқли корхоналар сони 2,8% га ўсган.

Учинчидан, глобал пандемия сабабли ресторан хизматлари соҳасида таом ва хизматларни етказиб бериш, вендинг орқали сотвулар яъни кейтеринг хизматлари сезиларли даражада кенгайди. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазият истеъмол таомиллари ва истеъмол моделининг ўзгаришига сабаб бўлди. Амалга оширилган тадқиқотлар пандемия шароитида мижозлар ресторан хизматларидан фойдаланишдан ёки ўз талабларини кескин қисқартиришга мажбур бўлишсада, сифатли таом ва қўшимча хизматлардан воз кечишгани йўқ. Бугунги кунда ресторан хизматлари соҳасида таомларнинг 18 фоизи кейтеринг ёки етказиб бериш хизматлари орқали сотилиши йўлга қўйилганлиги фикримизнинг исботидир (Ибодов, 2021)

Тўртинчидан, бугунги иқтисодий вазиятда ресторан хизматлари соҳасида янги корхоналарни очиш катта инвестицияларни ва мавжуд технологик жараёнларни тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Шу боисдан ҳам соҳада кооперация жараёни жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

5. Хулоса ва таклифлар.

Юқорида келтирилган таҳлил натижаларига таяниб Самарқанд вилоятида ресторан хизматлари соҳасининг ривожланишида қуйидаги тенденциялар мавжудлигини аниқладик:

- ресторан хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг вилоят ҳудудлари кесимида нотекис ривожланаётганлиги;
- кафе, ресторанлар ва фаст-фуд тармоғига талаб ортиб бормоқда. Ушбу тоифадаги овқатланиш корхоналарида хизматлар ҳажми аҳоли сонининг ўсиш суръатларидан сезиларли даражада юқори эканлиги иш жойига яқин жойлашган ресторан, кафе, қандолат магазинлари, тайёр таомларни харид қилиш, кейтеринг хизматлари мавжудлигидан далолат беради;
- ўрта тоифадаги туристларга ва кам таъминланган аҳоли қатламларига хизмат кўрсатишга ихтисослашган тармоқли тузилмалар улушининг камлиги,
- сифат ва нарх мувофиқлигининг ортиб бориши. Ресторан хизматлари соҳасининг кенгайиб бориши билан нархлаштириш амалиёти такомиллашиб, хизматларнинг сифат кўрсаткичига бўлган эътибор мунтазам равишда ортиб боради;
- Самарқанд вилоятининг барча ҳудудларида тез овқатланиш тармоқлари, ихтисослашган кичик ресторанлар очилиш тенденциясининг ортиб бориши.

Adabiyotlar /Литература/Reference:

Kurbanova Raxima Jamshedovna (2020) Increasing efficiency of catering enterprises through modernization. Journal of innovations in economy. Vol.7. Issue 3. pp:59-67.

Ибодов К. (2022). Ресторан хизматлари соҳаси рақобатбардошлигини баҳолаш услубиятини кенгайтирилган маркетинг комплекси (7p's) ва мижозларнинг қониққанлик индекси (csi) асосида такомиллаштириш. Экономика и образование, 23(1), 173–180. / Ibodov K. (2022). Improving the methodology for assessing the competitiveness of the restaurant services industry on the basis of an expanded marketing mix (7p's) and a customer satisfaction index (csi). Economics and Education, 23 (1), 173–180.

Ибодов К.М. (2021). Самарқанд вилояти ресторан хизматлари соҳаси рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегияси // «Иқтисодиёт ва таълим» журналы, №2, 67-76 б. / Ibodov K.M. (2021). Marketing strategy to increase the competitiveness of restaurant services in Samarkand region // Journal "Economy and Education", №2, pp. 67-76.

Сафоева С.Р. (2009) Иқтисодни модернизациялаш шароитида ресторан хизматлари сифатини бошқариш. (Тошкент шаҳар ресторанлари мисолида) и.ф.н дисс.автореферат: 08.00.13 / Т.: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 26 б. / Safoeva S.R. (2009) Quality management of restaurant services in the context of modernization of the economy. (On the example of Tashkent city restaurants) i.f.n diss.avtoreferat: 08.00.13 / Т.: Tashkent State University of Economics, 26 p.

Фармон (2021) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-6155-сон. / Decree (2021) No. DP-6155 of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 3, 2021 "On the state program for the implementation of the Action Strategy on the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in the Year of Youth Support and Public Health."

Қарор (2015) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги "2015-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида" 251-сон. / Resolution (2015) of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated August 29, 2015 No 251 "On approval of the Concept and a set of measures to ensure healthy nutrition of the population of the Republic of Uzbekistan in 2015-2020."

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги "Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4887-сон. / Resolution (2020) No. RP-4887 of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 10, 2020 "On additional measures to ensure healthy nutrition of the population."

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги "Хизматлар соҳасини қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4752-сон. / Resolution (2020) No. RP-4752 of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 16, 2020 "On measures to support the services sector."

Шарипов Т.С. (2010) Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида) и.ф.н дисс.автореферат: 08.00.05 / -С.: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 25 б. / Sharipov T.S. (2010) Improving organizational and economic mechanisms to increase the efficiency of public catering (on the example of Samarkand region) i.f.n diss.author: 08.00.05 / -S.: Samarkand Institute of Economics and Service, 25 p.

Червяков Н.Ю. (2019) Микрологистическая система управления производственными процессами на предприятиях быстрого питания// Старт в науке. № 6. – С. 6-6; / Chervyakov N.Yu. (2019) Micrologistic process control system at fast food enterprises // Start in science. No. 6. - P. 6-6; URL: <http://science-start.ru/ru/article/view?id=1810>.



ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ДИНАМИКАСИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Каландаров Р.А.

Тошкент молия институти

Аннотация: Ушбу мақолада институтлар ва институционал ўзгаришларга ҳамда уларнинг динамикасига турли хил қарашлар ўрганилган. Институционал ўзгаришларнинг динамикасига таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган. Институционал ўзгаришларнинг иқтисодий реал сектордаги ривожланиш жараёнидаги ролини очиб берилган. Институционал ўзгаришларга баҳо беришда иқтисодий эркинлик индекси кўрсаткичлари асос қилиб олинган.

Калит сўзлар: институт, институционал ўзгаришлар, институционал ўзгаришлар динамикаси, экзоген омиллар, эндоген омиллар, комплекс характердаги омиллар, иқтисодий эркинлик индекси кўрсаткичлари.

FACTORS AFFECTING THE DYNAMICS OF INSTITUTIONAL CHANGE

Kalandarov R.A.

Tashkent institute of finance

Annotation: This article examines different perspectives on institutions and institutional changes and their dynamics. Factors influencing the dynamics of institutional change are analyzed. The role of institutional change in the development of the economy in the real sector is revealed. The Economic Freedom Index is used to assess institutional change.

Keywords: institution, institutional changes, dynamics of institutional changes, exogenous factors, endogenous factors, factors of complex nature, indicators of economic freedom index.

1. Кириш.

Институционал ўзгаришлар ижтимоий ҳаёт ҳозирги шароитда тобора чуқур сингиб бормоқда ҳамда инсон фаолиятининг барча соҳаларига кириб борди. Бунга сабаб иқтисодийнинг ҳар бир соҳасида аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмининг кўпчилиги иш олиб бормоқда ва шу билан бирга мулк ҳуқуқининг ўзгариши кечмоқда ва занжир реакцияси сингари бутун ижтимоий-иқтисодий тизимга тарқалмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони республикада бир қатор институционал ўзгаришларни амалга оширилишига сабабчи бўлди.

Жаҳон ҳамжамияти тарихида институционал жараёнлар динамикасига таъсир қилувчи учта асосий омиллар гуруҳи мавжудлигини исботлайди, улар: эндоген ва экзоген омиллар ҳамда уларнинг комплекс таъсири.

Институционал ўзгаришларга таъсир қилувчи экзоген омилларга асосан жаҳон миқёсида нархларни кўтарилиши, товар ва пул бозори ўртасидаги номуносивликлар, экспорт ва импортдаги фарқларни киритиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунё иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви экзоген омилларнинг ўрнини янада оширмоқда. Экзоген омиллар иқтисодийга, хусусан, реал секторга таъсир этиб, циклик тебранишларни ҳосил этади. Экзоген омилларни салбий таъсири реал сектор кўрсаткичларининг пасайишига сабабчи бўлиб, товар ва хизматлар бозорида мувозанатликни издан чиқаради.

Охириги йилларда жаҳон иқтисодиётдаги турғунлик ҳам айнан экзоген омиллар сабабиди вужудга келди ва институционал ўзгаришларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқарди. Жумладан, Covid-19 юзага келтирган пандемия сабаб, мамлакатлар ўртасидаги логистика тизимининг ишдан чиқиши, чегараларнинг ёпилиши, хом ашё ва тайёр маҳсулотлар нархининг кескин кўтарилишига, баъзи импортга асосланган ишлаб чиқаришларнинг тўхтаб қолишига олиб келди.

Институционал ўзгаришларнинг эндоген омиллари - бу мавжуд институционал вазиятнинг ўзгаришига ҳисса қўшадиган ички рағбатлантириш омилларидир. Уларга асосан иқтисодий характердаги ижтимоий йўналтирилган омиллар киради. Бу тадбиркорлар ва аҳолининг вазиятни ўзгартиришга бўлган иштиёқи бўлиб, фаровонлик даражасини оширишга интилиш, шунингдек, маълум ахлоқий ва маданий қадриятлар доирасида маънавий ривожланишга интилишларидан иборат. Ҳар қандай мамлакат тарихидаги одамларнинг ихтирочилик ва новаторлик фаолиятига асосланиб ҳар қандай шаклда инновацияларга интилиши ҳам институционал ўзгаришларнинг эндоген омиллари бўлиб хизмат қилади.

Комплекс характердаги омиллар - бу институционал ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқ бўлган эндоген ва экзоген омилларнинг турли комбинациясидир. Уларнинг комплекс таъсири натижасида умумий иқтисодиётдаги ўзгаришларнинг кучайиши ва институционал вазиятнинг сезиларли даражада силжишига олиб келади. Бундай синергетик таъсирнинг намоён бўлиши, масалан, Кондратьев тўлқинининг қуйи нуқтасида ёки табиатнинг ҳалокатли таъсирга эга исталмаган иқлим ҳодисалари билан табиий офат ҳудудлари учун хос бўлган ишлаб чиқаришнинг турғунлигига тўғри келиши мумкин.

2. Адабиётлар шарҳи.

Институционал ўзгаришлар иқтисодиётда ЯИМ ўсишга таъсири сифатида кечса, у билан баробар реал секторга бўлган ёндашувлар ҳам бутунлай ўз шаклини кенгайтирди. Жумладан, "Халқаро иқтисодиёт луғати"да иқтисодий ўсишга "узоқ вақт давомида иқтисодиётнинг товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш қобилиятининг ошиши" деб таъриф берилган. Мазкур таъриф, иқтисодий ўсишга даврий тебранишлар жараёнида рўй берадиган асосий турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг узоқ муддатли ўсиш тенденцияси сифатида қаралади. Ушбу ёндашув Кудланд ва Прескоттларнинг (1982) илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Уларнинг фикрича, технологик зарбалар, яъни узоқ муддатли истиқболда иқтисодий ўсишни белгилаб берувчи технологик ривожланишнинг ижобий тенденцияларидан қисқа муддатли оғишлар ЯИМ ҳажмининг ўзгаришига олиб келади. Натижада узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва қисқа муддатли циклик тебранишларни бирлаштирган ҳолда таҳлил қилиш орқали ялпи ишлаб чиқаришда тебранишларнинг асосий омили сифатида технологик ўзгаришларни кўрсатиб беришди.

Кляйнер (2003) замонавий иқтисодий ўсишни марказли, қисмларга ажратилган, тармоқлараро тарқалиш билан таъминланмаган ҳамда бунда ўсиш натижалари табиатан тизимли эмас, ташкилий ва технологик янгиликларда ўз аксини топмаган ва жамиятнинг ижтимоий ривожланишига олиб келмайди, деб ҳисоблайди.

Институционал иқтисодиётнинг категорияларидаги жиддий тафовутлар, бизнинг фикримизча, реал секторни ва умуман мамлакат ЯИМни ўсишини таъминловчи институционал ўзгаришларни кенгроқ таҳлил қилиш учун Норт (1997) томонидан институтларнинг берилган таърифидаги "имкониятлар-чеклашлар" тизимини тадқиқ қилишни талаб этилади. У институтларни "расмий қоидалар, норасмий чеклашлар ва чеклашлар самарадорлигини таъминлаш усуллари" ёки "уларни амалга оширишни таъминлайдиган қоидалар, механизмлар ва одамлар ўртасидаги такрорланувчи ўзаро муносабатларни шакллантирадиган қоидалар ва механизмлар" деб таърифлайди. Шунингдек, Нортнинг (1997) айтишича: "Институтлар - бу ўйин қоидалари, ташкилотлар - бу умумий мақсадларга билан боғланган шахслар гуруҳларидир". Демак, улар мамлакатдаги реал секторни белгилаб берадиган йўналишларни амалга оширади ва тадбиғи жараёнида қоидалар ва чекловларнинг тўпламларини ўзгартиради.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишнинг анализ, синтез, статистик, жадвал, дедукция усуллари билан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Биз институционал ўзгаришларга юқорида қайд этилган омиллар таъсир даражасини жаҳон бўйича ҳисоб-китобни амалга оширадиган индекслар орқали таҳлил қилишимиз мумкин. Улар қаторига:

- жаҳон глобал рақобатлашув индекси. У Institute of Management Development (Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган) томонидан таҳлил қилиниб, мамлакат реал секторини рақобатбардошлик даражасини аниқлаш билан шуғулланади. Унда 333 та кўрсаткични ўзида жамлаган иқтисодиёт ҳолати, давлат самарадорлиги, ишбилармонлик соҳасини ҳолати ва инфратузилмани таҳлил қилади. Ўзбекистон бу рейтингга кирмаганлиги сабабли биз уни таҳлил қила олмадик;

- глобал инновацион индекс. У INSEAD халқаро бизнес-мактаб, Cornell University - Корнел университети, World Intellectual Property Organization – Интеллектуал мулк бўйича халқаро ташкилот томонидан таҳлил қилинади. Бизга уни таркибий субъиндекси бўлган “Бошқарув институтлари сифати”ни таҳлил қилиш муҳимдир;

- иқтисодий эркинлик индекси. Бу индекс Heritage Foundation ва The Wall Street Journal ҳамкорлигида 1995 йилдан буён юритилади. Мамлакатда реал секторни институционал ўзгаришда мулкчилик муносабатларини таҳлил қилишимизда айнан мазкур индексни кўриб ўтишимиз муҳимдир.

Реал секторни институционал ўзгаришларда омилларни таҳлил қилишда “Глобал инновацион индекс” таркибига кирувчи “Бошқарув институтлар сифати” субъиндексини таҳлил қилиб ўтишимиз муҳимдир. “Бошқарув институтлар сифати” субъиндекси ўз ичига 3 кўрсаткични:

- мамлакатдаги сиёсий муҳит. У 2015 йилгача ўз ичига сиёсий ва операцион барқарорлик, ҳукуматнинг самарадорлиги ва матбуот эркинлигини олган. 2015 йилдан сўнг сиёсий муҳитни аниқлашда охириги кўрсаткич таҳлили олиб ташланган;

- меъёрий муҳит. У ўз ичига норматив сифат, ҳуқуқ устуворлиги, ишдан бўшаш харажатларни олади;

- ишбилармонлик муҳити. У 2020 йилгача ўз ичига бизнесни йўлга қўйишнинг соддалиги, банкротликни ҳал этишнинг соддалиги, солиқларни тўлаш қулайлигини олган. 2020 йилдан бошлаб солиқларни тўлаш қулайлиги кўрсаткичи чиқиб кетган (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўзбекистоннинг “Глобал инновацион индекс” таркибига кирган “Бошқарув институтлар сифати” субъиндекси (WIPO, 2011)

№	Индикатор	Йиллар												Рейтинг ўзгариши
		2012		2013		2014		2015		2020		2021		
		1	2	1	2	1	2	1	2	1	2	1	2	
1	Бошқарув институтлар сифати	34,4	128	45,4	126	46,1	124	49	106	55,1	95	55,8	94	+34
1.1	Сиёсий муҳит	34,6	128	36,1	131	36,1	134	33,3	115	46,7	98	47,6	95	+33
1.1.1	Сиёсий ва операцион барқарорлик (Political and operational stability)	46,6	106	51,2	101	52,9	97	50,6	100	64,3	83	64,3	80	+26
1.1.2	Ҳукуматнинг самарадорлиги (Government effectiveness)	20,0	119	17,3	120	15,8	129	16,1	126	37,9	100	39,2	99	+20
1.1.3	Матбуот эркинлиги (Press freedom)	37,2	126	39,6	133	39,6	136	м/э	м/э	м/э	м/э	м/э	м/э	
1.2	Меъёрий муҳит	42,2	129	45,0	123	45,2	123	45,7	121	48,6	107	49,9	107	+22
1.2.1	Норматив сифат (Regulatory quality)	11,4	139	8,0	140	6,7	141	4,4	139	12,7	127	17,5	126	+13
1.2.2	Ҳуқуқ устуворлиги (Rule of law)	11,4	139	9,7	139	11,5	138	15,6	133	18,7	124	19,1	123	+16
1.2.3	Ишдан бўшаш харажатлари (Cost of redundancy dismissal)	21,7	95	17,3	82	17,3	81	17,4	81	17,3	69	17,3	69	+26
1.3	Ишбилармонлик муҳити	26,6	117	55,0	99	56,9	93	67,9	76	69,8	72	69,8	72	+45
1.3.1	Бизнесни йўлга қўйишнинг соддалиги (Ease of starting a business)	37,4	88	87,0	54	92,5	22	89,0	55	96,2	8	96,2	8	+80

1.3.2	Банкротликни ҳал этишнинг соддалиги (Ease of resolving insolvency)	25,8	104	41,4	64	42,2	55	46,5	72	43,5	90	43,5	90	+14
1.3.3	Солиқларни тўлаш қулайлиги (Ease of paying taxes)	16,5	117	36,7	135	36,1	134	68,3	92	м/э	м/э	м/э	м/э	

Эслатма: 2016-2019 йилларда эълон қилинган ҳисоботда Ўзбекистон рейтингга киритилмаган. (1)-балл, (2)-рейтинг, (м/э)-мавжуд эмас.

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган институционал юқори баҳоланиб, бошқарув институтлари субъиндекси 2012 йилги 34,4 баллдан 2021 йилда 55,8 баллга кўтарилди. Бу мамлакатимизни рейтингда 34 поғона 128 ўрндан 94 ўринга кўтарилиб олишга имконият яратиб, қуйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мамлакатда бизнес юритиш муҳитининг яхшиланишига олиб келди;
- хорижий инвесторларнинг инвестицион қарорларни қабул қилишда кафолатларни оширди;
- мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсининг ошиши ҳамда турли "қора рўйхат"лардан олинишини кузатишда;
- мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлик даражаси ортмоқда.

"Бошқарув институтлари сифати" таркибига кирувчи сиёсий муҳит кўрсаткичи 2012-2021 йиллар мобайнида субъиндекс билан пропорционал ўзгарди. Рейтингда 33 поғона 34,6 балл 128 ўрндан 47,6 балл 95 ўринга кўтарилиш қайд этилди. Меъёрий муҳит кўрсаткичи нисбатан паст суръатлар билан ўсиб, 42,2 балл 129 ўрндан 49,9 балл 107 ўринга кўтарилди. Бу рейтингда 22 поғона кўтарилиш кузатилади. Ишбилармонлик муҳити кўрсаткичининг ўзгариши юқори баҳоланиб, рейтингда 45 поғона ўсиш рўй берди. Кўрсаткич 26,6 балл 117 ўрндан 69,8 балл 72 ўринга кўтарилди. Шу жумладан, бизнесни йўлга қўйишнинг соддалиги кўрсаткичи 80 поғона кўтарилиб, ўсиш суръати ва мутлоқ даражада энг юқори 37,4 балл 88 ўрндан 96,2 балл 8 ўринга эришди. Юқоридаги кўрсаткичларнинг ўсиши миллий иқтисодиётнинг либераллаштирилиши; валюта, солиқ ва мажбурий тўловлар тизимидаги ислохотлар; давлатнинг иқтисодиётдаги ўрнининг камайиши ва тадбиркорлик фаолиятига берилаётган эркинликлар ҳисобига эришилди.

2021 йилдаги ҳисоботда "Бошқарув институтлари сифати" субъиндексида Эстония 81,1 балл 22 ўрин, Латвия 78,9 балл 29 ўрин, Қозоғистон 69,8 балл 45 ўрин, Озарбайжон 65,5 балл 58 ўрин, Россия 63,1 балл 67 ўрин, Молдова 59,8 балл 81 ўрин, Беларусия 57,8 балл 85 ўрин, Украина 56,2 балл 91 ўрин эгаллади (Global Innovation Index, 2021). Ўзбекистон бошқа давлатлар кўрсаткичи билан солиштирилганда нисбатан паст ўрин эгалламоқда. Бу эса мамлакатамизда институционал ўзгаришларнинг муҳим йўналишларини белгилаб олиш ва ислохотларни давом эттиришни зарур қилиб қўяди.


Мамлакатимизда мулкчилик муносабатларини амалга оширишга қаратилган қўлай муҳит ишбилармонлик даражасини янада институционал яхшиланишга қаратилмоқда. Бу ўринда ҳукуматнинг хусусий секторни ривожлантиришга имкон берувчи ва рағбатлантирувчи асосли сиёсати ва ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш қобилиятини ўз ичига олади. Унинг ёрдами билан бозор иқтисодиёти тамойилларига зид бўлмаган чора-тадбирлар, масалан, нархлар даражаси ва банк секторини назорат қилмаслик, тадбиркорлик, савдо муносабатларини ривожлантиришни ҳаддан ташқари тартибга солишлардан ҳоли бўлиш амалга оширилади.

Иқтисодий эркинлик индексини ташкил этувчи кўрсаткичларни мамлакатимизда олиб борилаётган институционал ўзгаришларни намоён этувчи кўрсаткич деб олиш мумкин. Индекс 12 та кўрсаткични (мулкчилик ҳуқуқлари, суд хизмати самарадорлиги, ҳукумат яхлитлиги, солиқ юки, давлат харажатлари, фискал саломатлик, тадбиркорлик эркинлиги, меҳнат эркинлиги, пул эркинлиги, савдо эркинлиги, инвестиция эркинлиги, молиявий эркинлик) 4 гуруҳга қонун устуворлиги, давлат аралашуви даражаси, тартибга солувчи самарадорлик, бозор очиклиги бирлаштирган. Индексда 186 мамлакат кўрсаткичлари акс этади ва улар 100 баллик тизимда баҳоланади. Индекс қиймати қанча юқори бўлса, давлатда иқтисодий жиҳатдан шунчалик эркинлик бўлади. Олинган баллар бўйича қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

- 0-49,9 балл иқтисодиёт мутлақо эркин эмас;
- 50-59,9 балл иқтисодиёт асосан эркин эмас;
- 60-69,9 балл иқтисодиёт ўртача даражада эркин;
- 70-79,9 балл иқтисодиёт асосан эркин;
- 80-100 балл иқтисодиёт бутунлай эркин.

Мазкур кўрсаткичлар давлат органлари томонидан эълон қилинган расмий маълумотлар ва халқаро ташкилотларнинг (Жаҳон Банки, Халқаро валюта Фонди ва бошқа) рейтингларига асосланади. Ўзбекистон Иқтисодий эркинлик рейтингига 2021 йилги натижаси бўйича 6 ғона кўтарилиб, 58,3 балл билан 108 ўринни эгаллади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон рейтингига сезиларли кўтарилишга, 2017 йил 148 ўридан 2021 йил 108 ўринга, эришган бўлишига қарамай, нисбатан паст даражани эгаллаб келмоқда. Бу мамлакатимизни халқаро рейтингларда ўрнини ошириш, Ўзбекистонни нафақат дунё даражасида тан олинishi, балки амалга оширилаётган институционал ўзгаришлар тўғри йўналишда олиб борилаётганлиги англатмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда ўрнини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПФ-5687-сон "Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида"ги ва 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида"ги Фармонлари билан белгиланган. Мазкур кўрсаткичларнинг ошиши реал секторда ҳам иқтисодий ўсишга ижобий таъсир қилади.

Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистоннинг ўрни ошиб бораётган бўлсада, барча кўрсаткичларда бундай ўзгариш кузатилмаган. Баъзи кўрсаткичлар 80-100 балл "иқтисодиёт бутунлай эркин", баъзилари эса 0-49,9 балл "мутлақо эркин эмас" даражасини кўрсатмоқда. Қуйида Иқтисодий эркинлик индексининг Ўзбекистон ва бутун дунёдаги баъзи кўрсаткичларини таҳлил қилиб ўтамыз.




1-расм. Ўзбекистон ва дунёда мулкчилик ҳуқуқлари кўрсаткичи¹

1-расмда Ўзбекистонда мулкчилик ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимоя қилиниш даражасини ифода этадиган кўрсаткич 2000-2008 йиллар 30 балл, 2009-2010 йиллар 20 балл, 2011-2016 йиллар 15 баллни ташкил этиб, ўртача дунё даражасидан 15,6-28,6 балл паст. Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар нафақат бу, балки бошқа кўрсаткичларга ҳам таъсир қилиб, уларнинг даражаси ўртача жаҳон даражасига кўтарилди, баъзилари эса ундан ҳам юқори натижага эришди. Жумладан, мулкчилик ҳуқуқлари кўрсаткичи 2017-2021 йиллар 48-56,6 баллни ташкил этиб, 2020-2021 йиллар ўртача дунёдан 2-4 балл юқорилади. Лекин бу кўрсаткич ҳам салбий талқин этилади, чунки 60 баллдан кам бўлиши "иқтисодиёт асосан эркин эмас"лигини кўрсатади.


¹ Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>

Муайян вақтдаги шаклланган мулк ҳуқуқи иқтисодий муносабатлар динамикасига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Мулк бўйича қонуний белгиланган имтиёзлар ва устувор йўналишлар кучли дастаклар сифатида чиқиб, иқтисодий алоқаларни амалга оширишга, жамоат манфаатлари тизимини шакллантиришга таъсир қилади. Мулк ҳуқуқи бўйича шаклланган ушбу таъсир мамлакат аҳолисининг асосий қисмига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки марказлашган режали иқтисодиётга эга мамлакатларда товарлар дефицитини келтирганлигини тарихда кўрганмиз.



2-расм. Ўзбекистон ва дунёда ҳукумат яхлитлиги кўрсаткичи²

2-расмда Ҳукумат яхлитлиги кўрсаткичи 2000-2021 йиллар мобайнида тўлқинсимон ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 10-30,5 баллни ташкил этди. Лекин бу кўрсаткич дунё даражасидан бирмунча пастлигича (11-29 балл) қолмоқда. Сўнгги йилларда тафовут камайганлигига қарамай (15 балл), ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган институционал ўзгаришлар бўйича ишларни давом эттиришлигини аниқлатмоқда.




3-расм. Ўзбекистон ва дунёда солиқ юки кўрсаткичи³

3-расмда Солиқ юки кўрсаткичи дунё бўйича бир қанча юқори (59-78) баллни ташкил этмоқда. Ўзбекистонда бу кўрсаткич фақат 2000-2003 йилларда дунё даражасидан паст бўлиб, 50,9-71,9 баллни ташкил этди. Кейинги 2004-2021 йиллар солиқ юки кўрсаткичи дунё даражасидан (14 балгача) ва мутлоқ даражада (94,4

² Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>


³ Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>

баллча) бирмунча юқори бўлганлиги кузатилди. Бу солиқ институтида амалга оширилган ислохотларнинг натижасидир. Солиқ юки кўрсаткичи билан бирга 2017 йилдан бошлаб юритилаётган Фискал саломатлик кўрсаткичи ҳам юқори натижаларга эга.



4-расм. Ўзбекистон ва дунёда тадбиркорлик эркинлиги кўрсаткичи⁴

4-расмдан кўришимиз мумкинки, тадбиркорлик эркинлиги кўрсаткичи 2000-2005 йиллар мобайнида нисбатан паст бўлиб, 40 баллни ташкил этган. 2006-2021 йилларда дунё ўртача даражасидан юқори бўлиб, 64,8-75,7 баллга баҳоланган. Шу билан таъкидлаш зарурки, келгусида бу кўрсаткични 80 баллда юқори, яъни “мутлоқ эркин” даражага кўтариш долзарб аҳамият касб этади.




5-расм. Ўзбекистон ва дунёда меҳнат эркинлиги кўрсаткичи⁵

Меҳнат эркинлиги кўрсаткичи 2005 йилдан юритила бошланди. 5-расмдан кўришимиз мумкинки, 2005-2021 йиллар мобайнида Ўзбекистонда ва бутун дунёда бу кўрсаткич унча фарқ қилмасдан 60-65 балл атрофида ташкил этди. Бу меҳнат эркинлигининг ўртача даражада эркинлигидан далолат беради ва бу йўналишдаги институционал ўзгаришларни давом эттириш лозимлиги кўрсатади.


⁴ Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>

⁵ Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>



6-расм. Ўзбекистон ва дунёда пул эркинлиги кўрсаткичи⁶

Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистоннинг кам сонли кўрсаткичлари бутун дунё кўрсаткичларидан паст натижа кўрсатмоқда. Шулардан биттаси Пул эркинлиги кўрсаткичидир. 6-расмда кўриниб турганидек 2000-2021 йилларда бу кўрсаткичнинг Ўзбекистондаги натижаси яхшиланган бўлсада, ўртача дунё даражасидан 15 балл паст бўлиб, иқтисодиётнинг “ўртача даражада эркинлиги”ни кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонида (2020) белгиланган асосий йўналишдаги вазифаларнинг бажарилиши ушбу кўрсаткичнинг кўтарилишига олиб келади.




7-расм. Ўзбекистон ва дунёда савдо эркинлиги кўрсаткичи⁷

7-расм маълумотларига асосан Ўзбекистонда савдо эркинлиги кўрсаткичи бутун дунё кўрсаткичидан ўртача 10-12 балл ортда қолиш билан бирга, 2021 йилда 55,4 балл билан “иқтисодиёт асосан эркин эмас” гуруҳига кирди. Бу салбий ҳолатдир. Бунга асосий сабабларда бири сифатида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо эмаслигини кўрсатишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (2020) Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига киришида муҳим аҳамият касб этади.


⁶ Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>

⁷ Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>



8-расм. Ўзбекистон ва дунёда инвестиция эркинлиги кўрсаткичи⁸

Иқтисодий эркинлик индексининг Ўзбекистондаги энг паст кўрсаткичини инвестиция эркинлиги ташкил этади. Бу кўрсаткич 2000-2009 йилларда 30 балл, 2010 йили 10 балл, 2011-2018 йилларда аниқланмаган, 2019 йилда 10 балл, 2020-2021 йилларда 20 баллни ташкил этди. Бу ўртача дунё даражасидан (48,8-59,7 балл) анча паст бўлиб, “мутлақо эркин эмас” деб баҳоланди. Реал секторга инвестицияларнинг киритилиши кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади. Демак реал сектордаги иқтисодий ўсиш бевосита инвестициялаш жараёни билан боғлиқ. Ўзбекистонда инвестиция эркинлиги кўрсаткичининг пастлиги бу соҳадаги ислохотларни изчил давом эттиришни зарур қилиб қўймоқда.



9-расм. Ўзбекистон ва дунёда молиявий эркинлиги кўрсаткичи⁹

Иқтисодий эркинлик индексидаги молиявий эркинлик кўрсаткичида ҳам Ўзбекистон паст баллга эга. Жумладан, 2000-2006 ва 2010-2019 йилларда 10 балл, 2007-2009 ва 2020-2021 йилларда 20 балл. Бу жуда салбий натижа бўлиб, ўртача дунё даражасидан 30-40 балл паст ва мамлакатимизда молиявий эркинлик кўрсаткичи “мутлақо эркин эмас” даражадалигини англатади. Ўзбекистонда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазибалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш белгилаб қўйилган (Фармон, 2020).

⁸ Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>

⁹ Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>

5. Хулоса ва таклифлар.

Юқорида индекслар бўйича таҳлилимиз бизга институционал ўзгаришлар динамикасига таъсир этишда эндоген ва экзоген омилларни биргаликдаги ҳаракати зарурлигини кўрдик. Чунки экзоген ва эндоген омиллар, бир-бирини қоплаш жараёнида у ёки бу институтнинг шаклланиши ёки ривожланишида сезиларли ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек бизнингча қулай иқлим шароити, инновацион ривожланиш ва мамлакатда асосий институционал шаклларни барқарорлаштиришга имкон беради.

Кўпинча ижтимоий институтларга омилларни таъсир даражаси яширин шаклда, бир институтнинг иккинчисига нисбатан кичик имтиёзлари бериш, ҳуқуқларнинг бир қисмини ўтказиш ёки маълум бир шаклга аралаш муносабатларнинг пайдо бўлиши орқали содир бўлади. Амалдаги ижтимоий-иқтисодий тизим доирасида янги ташкилий шаклларнинг пайдо бўлишидаги асосий ўрин, бизнинг фикримизча, институционал ўзгаришларнинг ижобий динамикаси учун шароит яратишга йўналтирилади.

Институционал шаклларнинг ижобий динамикаси учун экзоген ва эндоген омилларни таъсир даражасини аниқлаш учун анъанавий ва инновацион шаклларнинг маълум бир ўзаро комбинациясини амалга ошириш лозим. Шунингдек, институтларни замонавий шаклга келтириш жараёнини тезлаштириш, аҳолининг фаровонлик даражаси ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган субъектив омилларни топиш лозим. Бунда ижобий институционал динамиканинг субъектив омиллари ижтимоий зарурий меҳнат сарфларни тежаш, инсонлар фаровонлигини ошириш ва уларнинг эҳтиёжларини оқилона қондириш ҳамда шахсий, гуруҳий ёки жамоавий, миллий ва глобал манфаатларга асосланади.

Субъектив омилларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ҳар доим ҳам институционал ўзгаришларнинг динамик жараёнларига бевосита таъсир қилмайди, аксарият ҳолларда бу жараёнга билвосита таъсир кўрсатадилар. Масалан, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш субъектив омили бўлиб, хусусий ва жамоа мулк шакллари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам бериш, янги институционал шаклларнинг шаклланишига таъсир қилишдир. Субъектив ва объектив омиллар жамиятнинг айрим гуруҳлари учун хаёлий нафлар мулкчилик муносабатлари ҳуқуқий асосларининг ўзгариши, илмий-техник тараққиётига бошлаган янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши билан ҳам боғлиқ.

Агар маълум бир вақт оралиғида институционал ўзгаришлар учун барча шарт-шароитларни баҳоласак, у ҳолда объектив ва субъектив шароитларнинг ажралмас бўлаги сифатида қараш, институционал ўзгаришларнинг динамикаси учун қулай ёки ноқулай шароитлар ташкил этади. Объектив шароитларга атроф-муҳит, иқтисодий ва демографик омил, мавжуд илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ўрта муддатли ва қисқа муддатли циклли жараёнлар билан ўзаро боғланиш, шунингдек жаҳон минтақавий тажрибалари ҳам зарур. Институционал ўзгаришларнинг ижобий динамикаси учун шарт-шароитлар ушбу жараённинг ташқи зарурий шarti бўлиб, унинг моҳиятига сезиларли таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ўсиш назарияларида келтирилган юқоридаги омиллар билан бирга, эквивалент ривожланиш омили - жамият иқтисодий институтларининг самарадорлик даражаси ҳам мавжуд. Юқори самарали институтлар, мулк ҳуқуқи ва шартномавий муносабатларнинг замонавий тизими барқарор ва юқори суръатли иқтисодий ўсишнинг асосидир.

Таҳлилга асосланиб юқори самарали замонавий институционал иқтисодий тузилманинг белгилари ажратиб олишимиз мумкин. Булар:

- ишчи кучининг юқори касб малакаси ва маълумот даражаси;
- асосий воситалар, бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа капиталлаштирилган ресурсларда моддийлаштирилган самарали капитал;
- замонавий техник ва иқтисодий тизимга мос келадиган илмий-техник тараққиёт даражаси;
- бир томондан мавжуд мулкий муносабатларни ҳимоя қилишни ва бошқа томондан уларни барқарор демократик тамойиллар асосида такомиллаштиришни таъминлайдиган ҳуқуқий меъёрларнинг ривожланиши;
- интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқини такомиллаштириш, лицензиялар, саноат намуналари, патентлар, савдо белгиларини ҳимоя қилиш.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Global Innovation Index (2021) Tracking Innovation through the COVID-19 Crisis. P.P. 30-31. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf

Kydland F., Prescott E. (1982) Time to Build and Aggregate Fluctuations *Econometrica*. Vol. 50. No 6. <https://www.jstor.org/stable/1913386>

WIPO (2011) Всемирная организация интеллектуальной собственности. Глобальный инновационный индекс / WIPO (2011) World Intellectual Property Organization. Global Innovation Index <https://www.wipo.int/publications/ru/series/index.jsp?id=129>.

Фармон (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги "Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида"ги ПФ-5687-сон. / Decree (2019) of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 7, 2019 "On systematization of measures to improve the position of the Republic of Uzbekistan in international rankings and indexes" No. DP-5687.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-5992-сон. / Decree (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 15, 2020 "On the strategy of reforming the banking system of the Republic of Uzbekistan for 2020-2025" No. DP -5992.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги "Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 339-сон. / Resolution (2020) of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated May 28, 2020 "On approval of the regulation on the interdepartmental commission on working with the World Trade Organization" No. 339.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида"ги ПФ-6003-сон. / Decree (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 2, 2020 No. DP-6003 "On improving the position of the Republic of Uzbekistan in international ratings and indexes and introducing a new mechanism of systematic work with them in state bodies and organizations."

Клейнер Г. (2003) Особенности формирования экономических институтов в России. Экономика и математические методы. т. 39. №3. / Kleiner G. (2003) Features of the formation of economic institutions in Russia. Economics and mathematical methods. v. 39. No. 3. https://kleiner.ru/wp-content/uploads/2014/11/osoben_2003.pdf

Норт Д. (1997) Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. М.: Фонд экономической книги "Начала". / North D. (1997) Institutions, institutional change and economic performance. M.: Foundation of the economic book "Beginnings".



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР МИСОЛИДА

PhD, доцент Камилова И.Х.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Мақолада ривожланган давлатлар тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлашни ривожлантириш механизмлари кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлашни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: инвестицион лойиҳа, кредитлаш амалиёти, ялпи ички маҳсулот, хорижий амалиёт, кредит портфели.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF INVESTMENT LENDING IN COMMERCIAL BANKS: EXAMPLE OF FOREIGN COUNTRIES

PhD, Associate Professor Kamilova I.H.

Tashkent State University of Economics

Annotation: The article discusses the mechanisms for the development of investment lending by commercial banks in developed countries. Practical proposals for improving investment lending by commercial banks of the Republic of Uzbekistan are presented.

Key words: investment project, lending practice, gross domestic product, foreign operations, loan portfolio

1. Кириш.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари иқтисодиёти ривожини ва халқаро интеграциясида инвестицион кредитлар муҳим ўрин эгалламоқда. Зеро, инвестицион кредитлар тижорат банкларининг миллий ва жаҳон молия бозоридаги узоқ муддатли стратегиясини амалга оширишда ва унинг воситасида халқаро муносабат ва тажрибаларни ривожлантиришда энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар инвестицион кредитлар бир қанча анъанавий ва замонавий кредитлаш шакллари ўзида мужассам этган ҳолда улардан фойдаланишда миллий, хорижий ва халқаро молия-кредит институтлари билан ҳамкорликларнинг ўрнатилиши ва ривожланишига эришилаётганлиги буни яққол тасдиқламоқда. Ўз навбатида, жаҳон амалиётида ривожланган давлатларда инвестицион кредитлаш борасида юксак ривожланиш ва бой тажрибаларга эришилиб, хусусан, "Германия давлатида жами асосий капиталга инвестициялар таркибида инвестицион кредитларнинг улуши 49,5 фоизни, АҚШда 62 фоизни, Буюк Британияда 76,5 фоизни ташкил этмоқда" (Силантьев, 2019). Инвестицион кредитларга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бораётган бугунги кунда тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда инвестицион кредитлаш амалиёти сезиларли тарзда юксалиб бормоқда. Жумладан, "асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида тижорат банкларининг инвестицион кредитларини улуши сўнгги беш йилда (2017-2021 йй.) икки баробардан ошиб, 46,7 фоизни" ташкил этди¹. Бу эса, асосан, республикамиз тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошаётганлиги ва жалб қилинаётган халқаро кредитлар миқдорининг ошаётганлиги билан изоҳланади. Бироқ, аксарият тижорат банкларида инвестицион кредит ва унинг замонавий шакллари қўллаш тажрибалари етарлича шакланмаган.

¹ <http://www.worldbank.org/> - сайт маълумотлари

Шунингдек, тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги кузатилмоқда. Банкларнинг инвестицион кредитлаш тизимидаги муаммоларни илғор хориж тажрибаси асосида ҳал қилишнинг зарурлиги инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонуни (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон "Инфляцион таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида"ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармонлари, 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳамда юқоридаги келтирилган муаммоларни ҳал қилиш йўллари ва тижорат банкларида инвестицион кредитлаш тизимини илмий-назарий ва услубий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

2 Адабиётлар шарҳи.

Тижорат банкларида инвестицион кредитлашнинг самарадорлиги ва уларни ривожлантириш ҳамда баҳолаш масалалари билан кўплаб хорижий ҳамда маҳаллий иқтисодчи олимлари шуғулланишган. Мазкур масала бўйича илмий тадқиқот олиб борган хорижлик иқтисодчи олимлардан:

Аликаева, Асланова (2018) фикрларига кўра, "Инвестицион банк кредити, одатда, лойиҳанинг қоплаш муддатидан ошиб кетмайдиган муддатга, қоидага кўра, бир йилдан кам бўлмаган муддатга берилади, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари доирасида тузилган шартномалар бўйича тўловлар билан ҳужжатли тасдиқланиши лозим бўлган мақсадли характерга эга бўлади" деган хулосага келишган.

Майк ва Ронг (2006) Инвестицион лойиҳалардан самарали фойдаланишда ташқи молиявий чекловларни ўрнатиш кераклигини ва шу асосда ички инвестицион лойиҳаларни рағбатлантиришни таклиф қилишган. Бунда олимлар ташқи молиялаштириш ҳаражатлари ошган сари, нақд пул қиймати сезиларли даражада ошади деган хулосага келади.

Уанг ва бошқалар (2016) эса технологияли ишланмаларига йўналтирилдиган инвестицион лойиҳалар ва уларнинг молиялаштириш манбаларини, шунингдек илмий ишланмаларни молиялаштириш манбалари, илмий-тадқиқот, инвестиция rischi ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишган.

Мазурина (2013) инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан кредитлашни ривожлантириш учун қуйидаги шароитларнинг мавжуд бўлишини асослаб берган:

– давлатнинг самарали инвестиция ва саноат сиёсатининг мавжудлиги (молиявий ресурсларни аниқ жойлаштириш йўналишлари кўрсатилган ҳолда);

– инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рискларни қисқартириш асосий йўналиши бўлган инвестициялар инфратузилмасини ривожлантириш;

– корхоналарнинг инвестицион жозибаторлигини ошириш.

Юдинанинг (2013) илмий тадқиқотлари натижаларига кўра, ривожланаётган мамлакатларда тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш амалиётини ривожлантиришнинг зарурий шarti – бу рискларни диверсификация қилиш деб ҳисоблайди.


Каримовнинг (2007) илмий ишида инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари орқали молиялаштириш механизмининг такомиллаштиришдаги асосий муаммолар сифатида тижорат банкларининг инвестицион кредит бериш салоҳиятини ошириш

муаммоси, тижорат банкларида инвестицион фаолиятни молиялаштириш рискларини бошқариш самарадорлигининг пастлиги, тижорат банкларига инвестицион лойиҳалар бўйича мижозлар томонидан тақдим этилаётган бизнес режаларнинг техник-иқтисодий жиҳатдан етарли даражада асосланмаганлиги ва уларнинг банклар томонидан талаб даражасида таҳлил этилмаётганлиги ҳамда кредит шартномалари тузишдаги камчиликларнинг мавжудлиги, ҳукуматнинг кафолати асосида олинган инвестицион кредитлардан фойдаланиш самарадорлигининг паст эканлиги каби омилларни келтириб ўтган.

Бугунги кунда мамлакат тижорат банкларида инвестицион кредитлаш жараёнларида бир қанча камчиликлар мавжуд. Шу сабабли, тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш амалиётидаги мавжуд муаммоларини аниқлаш, хорижий банклар кредитлаш амалиётининг устувор томонларини амалий таҳлиллар асосида ўрганиш, уларнинг бу соҳадаги илғор тажрибаларини, Ўзбекистондаги тижорат банклари кредитлаш амалиётида жорий қилиш юзасидан аниқ асосланаган илмий таклифлар тақдим этиш, ушбу илмий мақоланинг асосий мақсади ҳисоблади.

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Барчага маълумки, иқтисодиётда инвестиция фаолиятини ташкил этишда жамғармалар муҳим ўрин эгаллайди. Бу, айниқса, бўш пул маблағларини жалб этиш асосида ўзининг инвестицион-кредит фаолиятини амалга оширувчи тижорат банклари учун ғоятда аҳамиятлидир. Шунга кўра, биз иқтисодиёти ривожланган ва юқори ривожланиш даражасида бўлган, шунингдек, ўтиш иқтисодиётидаги давлатлар мисолида иқтисодиётдаги жамғармалар ҳолатига назар ташлашни олдимизга мақсад қилиб олдик.



1-расм. Алоҳида дунё мамлакатларида жамғариш меъёри, 2000-2024 йиллар².


ХВЖ хулосасига кўра, жаҳон ЯИМнинг ўсишида жамғармалар муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса, пировардида, инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан ҳиссасини оширишга ва иқтисодий ривожланишга ўз самарали таъсирини кўрсатади. ХВЖ ҳисоботи маълумотларига кўра, 2008-2009 йилдаги “буюк рецессия” даврида жаҳон ЯИМга нисбатан инвестицияларнинг улуши 23-24 фоизга тушиб кетди, бу эса ялпи жамғаришга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Фақат 2011 йилдан бошлаб дунё бўйича жамғарма меъёри ЯИМнинг 24-25 фоизига тўғри келди ва 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 26 фоизга етди. Бунда, албатта, иқтисодий ривожланишда етакчи бўлган давлатларда интенсив индустриал ривожланишга юқори инвестиция қўйилмалари амалга ошираётганлиги муҳим ўрин тутмоқда. Бу эса мамлакат жамғариш меъёрининг юқорилиги билан бевосита боғлиқдир (Хитойда 2020 йилда 45,2 %, 2012 йилда 48%га тенг бўлган) (1-расм).

ХВЖ маълумотларига кўра, 2020 йил бошига ривожланаётган мамлакатлардаги

² Халқаро валюта жамғармасининг йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. // www.imf.org.

жамғариш меъёри 33,0 фоизни ташкил этган ва ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткич (22,0%)дан юқорилигини сақлаб қолган. Бу ҳолат Хитой мамлакати мисолида яққол намён бўлади. Бу таҳлил қилинаётган АҚШ, Германия ва Россия мамлакатларига нисбатан 2020 йил ҳолатига 2 баробардан зиёдни ташкил этганлиги билан ажралиб туради. Бироқ, бугунги пандемия шароитида барча етакчи халқаро ташкилотлар 2020-2021 йилларда дунё иқтисодиётида сезиларли пасайиш юз беришини қайд этмоқда.

Бунинг натижасида иқтисодиётни инқироздан олиб чиқиш ва тиклаш мақсадида лойиҳаларни молиялаштириш кўламини ошириш, унда тижорат банкларининг фаол иштирокини таъминлашга эҳтиёж янада ортади. Бу эса инвестицион кредитлаш амалиётини янада ривожлантиришга олиб келади.



2-расм. Алоҳида давлатларда қайта молиялаштириш ставкаси динамикаси, %да³.

2-расм маълумотлари кўра, ривожланган давлатларда қайта молиялаш ставкаси жуда паст эканлиги, бу кўрсаткич Германияда 2016–2020 йилларда 0,0% қилиб белгиланганлиги боис кредит ресурсларининг арзонлиги ва қулайлигини янада ошириш имконияти яратилган. Россияда бу кўрсаткич 2014 йилда энг юқори – 17%га тенг бўлиб, инвестицион кредит қанчалик қиммат эканлигини, кейинги йилларда эса унинг пасайиб бораётганлиги кузатилади.

COVID-2019 пандемияси шароитида унинг 2020 йил июл ойидан бошлаб 2019 йилдаги 6,25 %дан 4,25 %га туширилиши таъминланган. Ўзбекистон ҳам 2020 йилда мазкур ставкани 16 %дан 14 %га туширди, бироқ, бу ҳамон юқори эканлигини, бу эса, кредит ресурсларининг мобиллиги ва даромадлигига, мамлакатда инвестицион фаолликни оширишда тўсиқ бўлиб қолаётганлигини кўрсатади.

Европа давлатлари, жумладан, Германияда, Япония каби давлатларда инвестицион кредитлашни ривожлантириш мақсадида банклар негатив фоиз ставкада банк сиёсатини олиб боришга ҳам амал қилмоқдалар. Бу эса, авваломбор, мамлакатда инфляциянинг 0,0% даражада (2020 йил август ойи ҳолатида ҳам) эканлиги билан бевосита боғлиқдир. Бу кўрсаткич Испания, Италия (-0,5%), Ирландия (-1,2%), Греция (-1,9%) каби давлатларда, Ерозонада (-0,8%) “0”дан кичик эканлигини ҳам қайд этиб ўтиш мумкин.

Бундай шароитда Европа мамлакатлари банклари депозитга маблағ қўювчиларга фоиз тўловларини амалга оширишга мажбур бўлмоқдалар. Хусусан, Германияда бугунги кунда корпоратив мижозлар учун қўйилмалар бўйича банкларнинг 58 %и, чакана мижозлар учун эса банкларнинг 23 %и негатив фоиз ставкаларини ўрнатишган. Хусусан, Европа Марказий банки депозитлар учун фоиз ставкасини -0,4 %дан -0,5 %гача туширди. Депозит бўйича бундай ҳолат Германияда 2014 йил июн ойидан бери давом этиб келмоқда. Натижада, бундай амалиёт кўпгина тортишувларга ҳам сабаб бўлмоқда⁴.


³<http://mfd.ru/calendar/rates/history/?id=3;>

<http://mfd.ru/calendar/rates/history/?id=2;>

<http://mfd.ru/calendar/rates/history/?id=7;> <http://mfd.ru/calendar/rates/history/?id=1>

⁴ <https://propertinterest.com/procentnaya-stavka-v-germanii/>

АҚШда эса инвестицион кредитлар бўйича муддати ўтган кредитларнинг жами банк кредитларидаги улушининг пастлиги Германиядаги сингари паст рисклиликни намоён этади (3-расм).



3-расм. АҚШда инвестицион кредитлашга таъсир этувчи омиллар ва муддати ўтган кредитларнинг жами кредитларга нисбатан улуши, %да⁵.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, АҚШда инфляция ва қайта молиялаш ставкасидаги кичик нотекис динамик ўзгаришлар кредит ставкасига жиддий таъсир кўрсатмаган. Хусусан, 2010-2015 йилларда кредит фоиз ставкаси ўзгаришсиз 3,25 %да сақланиб қолган. Бу эса 2.3 ва 2.4-расмларда акс этганидек инвестицион кредитлашнинг ЯИМ ва асосий капиталга инвестициялар таркибидаги улушининг ортишига олиб келган. Бироқ, 2016-2019 йилларда кредит фоиз ставкаси нисбатан ўсиб борган бўлса-да, бироқ, жами АҚШ банк кредитларига нисбатан муддати ўтган кредитлар салмоғининг давомли пасайиши ҳолати сақланиб қолган ва айти 2020 йилда бу кўрсаткич атиги 0,9 %га тенглиги билан бошқа йиллардан алоҳида ажралиб туради.

Буни иқтисодийнинг юқори рақобатбардошлик ва очиқлик даражаси, эркин тадбиркорлик ва қулай бизнес муҳитининг юқорилиги, хусусий бизнес давлат таҳдидидан ҳоли эканлиги, бу иқтисодийга хориждан оқиб келувчи капитал ва қарзларнинг арзонлиги ҳамда энг барқарор валютага эгаллиги кабилар билан изоҳлаш мумкин. Бунинг оқибатида АҚШда истеъмол, ипотека, тижорат кредитлари, автокредит, инвестицион кредитлар Ўзбекистон, Россия каби давлатларга нисбатан бир неча маротабага арзон бўлиб келмоқда.

АҚШда муддати ўтган кредитларнинг йиллар бўйича динамикасидаги ўзгаришларнинг ижобий ҳолати мамлакатда улар бўйича махсус заҳиралар ташкил этишга бўлган заруриятни ҳам камайтирган (19-20-иловалар). Унга кўра, 2010-2019 йилларда мамлакатда муддати ўтган кредитлар миқдорининг камайиб бориши ва 2020 йилга келиб 100 млрд. АҚШ долларида зиёдни ташкил этиши улар бўйича махсус заҳиралар ташкил этишнинг мақсадсиз эканлигини келтириб чиқарди, натижада, 2010 йилдан мамлакатда ушбу мақсаддаги заҳираларга эҳтиёж сезиларсиз даражага тушиб қолди.

4. Хулоса ва таклифлар.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг тижорат банкларида инвестицион кредитлашнинг амалий ҳолатини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон тижорат банкларида инвестицион кредитлашни такомиллаштириш бўйича умумлаштирилган қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- тижорат банкларининг хорижий ва халқаро молиявий институтлардан жалб этган кредит линиялари бўйича мажбуриятларига доир муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида банкнинг инвестицион кредит мониторингини кучайтириш ҳамда унинг муаммоли кредитга айланишининг олдини олиш чораларини ўз вақтида кўрмоғи лозим;

⁵ <http://www.worldbank.org/> - сайт маълумотлари

- иқтисодиётдаги бугунги юқори инфляция шароитида тижорат банкларининг паст фоиз ставкадаги депозит сиёсатини қўллаётганлиги банкка депозитга маблағларини жалб этиш ҳажмини оширишга жиддий тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли тижорат банклари ўз депозит сиёсатини ишлаб чиқишда унинг мижозга йўналтирилганлик даражасини ошириш ва унда депозит ставкаларининг иқтисодиётдаги қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган меъёрда белгиланиш тамойилини жорий этиш лозим;

- тижорат банкларида инвестицион ресурсларни бошқариш ва муаммоли кредитлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатаётган коррупцион иллатларнинг сақланиб қолаётганлиги сабабли ушбу муаммони бартараф этиш, яъни банкда коррупцияга қарши курашиш, унинг омилларини аниқлаш, уни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш, инвестицион-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш ҳамда муаммоли кредитлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида Банк Кенгашига бевосита бўйсунувчи мустақил антикоррупцион тузилмани жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Тузилма фаолиятида банк тизимида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш юзасидан 2021-2025 йилларга мўжалланган "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиб, унинг амалга ошириш унинг асосий вазифаси этиб белгиланмоғи лозим деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Faulkender, Michael W. W. and WANG, Rong. (2006) Corporate Financial Policy and the Value of Cash.. Journal of Finance. 61;

Wang H., Liang P., Li H., Yang R. (2016) "Financing Sources, R&D Investment and Enterprise Risk" // Procedia Computer Science 91 122 - 130 p. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877050916312303>;

Аликаева М.В., Асланова Л.О. (2018) Стратегическое развитие малого бизнеса и формы поддержки индивидуального предпринимательства. Монография. – Нижний Новгород: Издательство НОО Профессиональная наука, С. 68. // Alikaeva M.V., Aslanova L.O. (2018) Strategic development of small business and forms of support for individual entrepreneurship. Monograph. - Nizhny Novgorod: Publishing house NOO Professional science, p. 68. www.scipro.ru.

Каримов Н. (2007) «Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари» мавзусидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент. 7-10 б. / Karimov N. (2007) Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Economics on "Problems of introduction of market mechanisms of investment financing in the context of economic integration." Tashkent. 7-10 p .

Мазурина Т.Ю. (2013) Банковское инвестиционное кредитование: современное состояние, проблемы и перспективы развития// Деньги и кредит. Москва, №4. с. 33; / Mazurina T.Yu. (2013) Banking investment lending: current state, problems and development prospects// Money and credit. Moscow, No. 4. p. 33;

Силантьев А. Э. (2019) Роль инвестиционного кредитования в РФ, США и ЕС // StudArctic forum. Выпуск 1 (13) / Silantiev A. E. (2019) The role of investment lending in the Russian Federation, the USA and the EU // StudArctic forum. Issue 1 (13), DOI: 10.15393/j102.art.2019.3761.

Қонун (2019) Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги. / Law (2019) of the Republic of Uzbekistan "On Banks and Banking".

Юдина И.Н. (2013) Банковская система в развивающихся экономиках: опыт становления, развития и кризисов. Монография. М.: ИНФРА-М. / Yudina I.N. (2013) The banking system in developing economies: the experience of formation, development and crises. Monograph. Moscow: INFRA-M.



ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ ҲОЛАТИНИНГ ҲУДУД ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Т.Ф.Н., доцент Кузиев А.У.

Термиз давлат университети

Аннотация: Мақолада автомобил йўллари тармоғини жойлаштириш ва ривожлантиришга таъсир этувчи мавжуд мезон ва кўрсаткичлар таҳлили асосида ҳудуд автомобил йўлларида фойдаланиш талабларини ҳисобга олувчи ижтимоий кўрсаткичлар тизими шакллантирилган. Ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ўсиш самарадорлигига автомобил йўл тармоғини ривожлантиришнинг таъсирини асослаш учун тадқиқ этилаётган кўрсаткичлар ўртасида корреляция-регрессия модели келтирилган.

Калит сўзлар: автомобил йўллари, ривожлантириш, лойиҳалаш, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, корреляция-регрессия, модел, боғлиқлик, йўл тармоғи зичлиги.

INFLUENCE OF THE STATE OF THE TRANSPORT NETWORK ON THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE REGION

Associate professor, Kuziev A.U.

Termez State University

Abstract: The article formulates a system of social indicators that takes into account the requirements for the use of regional roads, based on the analysis of existing criteria and indicators affecting the location and development of the road network. To substantiate the impact of the development of the road network on the effectiveness of socio-economic growth in the region, a correlation-regression model is presented among the indicators under study. Based on the analysis performed, the presence of a strong correlation on the Chedok scale between the social indicators adopted and the density of the paved road network is shown on the graph.

Keywords: roads, development, design, socio-economic indicators, correlation-regression model, connectivity, road network density.

1. Кириш.

Йўл шароити ҳолатини яхшилаш ҳар хил соҳа ва тармоқларда қандайдир самарадорликни акс эттиради. Исталган йўл тармоғини ривожлантириш эса маълум бир харажатларда намоён бўлади ва у билан боғлиқ харажатлар, одатда, йўл қурилиши корхоналарига фойда келтиради. Йўл қурилиши корхоналарига келтирадиган фойдасидан ташқари бевосита-ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ҳам мавжуд.

Транспорт тармоғи ҳолатини яхшилашдан олинadиган ижтимоий-иқтисодий самарадорлик асосан ҳудуднинг чекка қишлоқ туман аҳолисига тибий хизмат кўрсатиш, халқ таълими ишлари, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатишларни ҳамда минтақа аҳолисининг ижтимоий-демографик структурасини яхшиланиши шунингдек йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш натижасида маънавий йўқотишларни камайтириш, йўловчиларнинг ҳаракат вақтини камайтириш, моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланишини тезлатиш; табиий ресурсларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш; иқтисодиётнинг айланма маблағларини қисқартириш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодиёт харажатларини камайтириш; йўл-транспорт ҳодисаларидан пайдо бўладиган

харажатларни камайтириш; ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш; савдо алоқаларини кенгайтириш ва шу кабиларда намоён бўлади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Транспорт тармоғи ҳолатини яхшилашдан олиндиган ижтимоий-иқтисодий самарадорликнинг ижтимоий ва иқтисодий мазмунлари борасида фикрлар баён этилган (Копылов, Жуков, 2014).

Автомобиль йўли етказиб бериш хизматини бажаради ва бевосита истеъмол талабини таъминлаш учун инструмент ҳисобланади. Бинобарин, йўл шароити ҳолатини яхшилашга ажратилаётган харажатлар тармоқ ва ижтимоий-иқтисодий самара бериши таъкидланган (Kazemi, Shahabi and Sharifzadeh, 2009).

Ҳудудни ривожлантириш режасига асосан унинг транспорт тармоқлари ўзгаришини баҳолаш имкониятлари таҳлил этилган (Kabashkin, 2015; Жуков, Копылов, 2015; Mnif, Bouamama, 2017).

Сурхондарё вилоятининг ер усти-автомобил ва темир йўл транспорти мультитармоғини шакллантиришнинг умумий схемаси ишлаб чиқилган, мазкур тармоқда юк оқимини оптимал тақсимлаш масаласига эътибор қаратилган (Бўтаев ва б. 2012).

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада транспортли таъминланганлик даражасининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга таъсири таҳлил этилган ва умумлаштирилган. Корреляция –регрессия тенгламалари тузилган. Ҳаракат жадаллиги паст бўлган транспорт тармоғини ривожлантириш методикаси кўрсатилган. Мақолада математик усуллар, умумлаштириш, статистик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимиз ва хорижий олимлар ва амалиётчилари томонидан автомобил йўли тармоғини қулай ривожлантириш борасида лойиҳаларни амалга оширишни характерловчи қуйидаги мезонлар ўрганилган ва тавсиялар берилган (Жуков, Копылов, 2015): истиқболдаги ҳаракат жадвали; юк ва пассажирларни ташиш харажатлари; йўлни таъмирлаш ва сақлаш харажатлари; йўлларни қуриш харажатлари; пунктлар ўртасидаги оралиқ масофа; пунктлар ўртасидаги ҳаракат вақти; автомобилнинг ҳаракатланиш хавфсизлиги; транспорт воситалари ҳаракат тезлиги; автомобил йўлининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари.

Мавжуд усулларнинг амалиётда кенг қўлланилишига қарамасдан ҳудуд доирасида мазкур усуллардан рационал фойдаланиш етарли даражада эмас. Масалан, ҳудуд шароитида автомобил йўл тармоғи транспорт-эксплуатацион ҳолатини яхшилашнинг ягона методи ишлаб чиқилмаган. Бу ҳудуднинг географик, табиий-иқлим, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва маданий-маиший негизлари билан асосланади.

Транспортли ўтиш йўлларининг етарли эмаслиги юкларни етказиш нархининг ошишига, ҳудудда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини камайтиради. Ҳудуднинг энг чекка жойларидаги аҳолига ижтимоий таъминот ва давлат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни мураккаблаштиради.

Автомобил йўллари тармоғини лойиҳалаш ва ривожлантиришнинг мавжуд усулларида ўрганилаётган ҳудуд учун истиқболдаги ҳаракат жадаллиги ҳамда йўл-транспорт харажатлари асосий кўрсаткич сифатида қабул қилинган. Бундай ёндошув иқтисодиёти ривожланган ҳудудларнинг асосий йўл тармоқларини лойиҳалаш ва уларни ривожлантириш масалаларини ҳал этишга қаратилган. Ҳудуднинг чекка туманлари автомобил йўл тармоқларини асосланган ҳолда ривожлантириш учун бошқа мезон ва кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Автомобил йўл тармоғини ривожлантиришдаги оптимал ечим йил давомида етарли тезлик ва қулайликда хавфсиз ҳаракатни таъминлаши керак. Шунинг учун ҳудуд автомобил йўл тармоғини ривожлантиришда ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш самарадорлиги пунктлар ўртасидаги участкаларда автомобил транспортининг ҳаракат тезлигини ошиши билан боғлиқ. Умумфойдаланувдаги автомобил йўл тармоғини ривожлантириш натижасидаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар қуйидагилар ҳисобланади:

- аҳолининг ижтимоий ҳолати ва турмуш даражасини ошириш;

- умумтаълим ва ижтимоий хизматларга қулайлик;
- транспорт харажатларини камайтириш;
- демографик кўрсаткичларнинг яхшиланиши;
- атроф-муҳитга зарарли таъсирларнинг камайиши;
- маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш унуми ва реализациясининг ошиши;
- аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни

ошиши;

- янги иш ўринларини пайдо бўлиши ва аҳоли бандлигининг ошиши;
- ҳудуднинг иқтисодий фаоллигининг ошиши.

Тадқиқот доирасида мавжуд ижтимоий-иқтисодий факторлардан автомобил йўл тармоғи ҳолатининг сифатига сезиларли боғлиқ бўлган ва бир вақтда автомобил йўл тармоғини ривожлантириш жараёнига таъсир этувчи кўрсаткичларни қабул қилиш тавсия этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги кўрсаткичлар тизими таклиф этилган:

1. Саноат маҳсулотлари ҳажми;
2. Сурхондарё вилоятининг ЯИМ;
3. Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар;
4. Аҳолининг бандлиги.

Келтирилган кўрсаткичларни асослаш ва мазкур кўрсаткичлар ва автомобил йўл тармоғи ҳолатининг сифати ўртасидаги мумкин бўлган боғлиқликни аниқлаш керак бўлади.

Бугунги кунда транспорт харажатларини камайтириш автотранспорт воситалари саройи қувватини (юк кўтариш қобилиятини) ошириш орқали амалга оширилмоқда. Бунда автотранспорт воситаларининг техник ҳолатига, ҳамда транспорт логистикасини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган. Бироқ транспорт харажатларини камайтириш такомиллашган автомобил йўл тармоқларига ҳам боғлиқ бўлади (Kuziev, Urokov, 2021).

Келтирилган таҳлилларга кўра, тадқиқот учун олинган кўрсаткичлар тизими самарадорлиги автомобил йўл тармоғи ҳолатининг сифатига тўғри пропорционал боғлиқлиги аниқланди.

Автомобил йўл тармоғи ҳолатининг сифати ва ижтимоий-иқтисодий самарадорликнинг ўсиши ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш учун корреляция-регрессия моделлаштириш келтирилган. Тадқиқот учун корреляция-регрессия моделлаштиришда автомобил йўл тармоғининг ҳолати омили сифатида умумфойдаланувдаги қаттиқ қопламали автомобил йўл тармоғи зичлиги $P_{зич}$ қабул қилинган. Автомобил йўл тармоғини ривожлантирилишидан олинган ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлар тизими таркиби қуйидагилар олинди:

K_1 – саноат маҳсулоти ҳажми, млрд сўм;

K_2 – Сурхондарё вилоятининг ЯИМ, млрд сўм;

K_3 – аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, минг сўм;

K_4 – аҳолининг бандлиги қабул қилинган.

Бунинг учун корреляция-регрессия тенгламасидан фойдаланилди. Тенгламанинг умумий кўриниши қуйидагича (Чернова, 1999).;

$$y = a_0 + a_1 \cdot x$$

бу ерда y -изланаётган кўрсаткич (K_1, K_2, K_3, K_4, K_5);

x -қаттиқ қопламали автомобил йўл тармоғи зичлиги омили, км/1000 кв.км;

a_0, a_1 -регрессия коэффициентлари.

a_0 ва a_1 коэффициентларини кичик квадратлар методидан фойдаланиб баҳолаймиз (Т.В.Чернова, 1999).

$$a_0 = \frac{n \sum_{i=1}^n x_i^2 \sum_{i=1}^n y_i - \sum_{i=1}^n x_i \sum_{i=1}^n x_i y_i}{n \sum_{i=1}^n x_i^2 - (\sum_{i=1}^n x_i)^2}, \quad a_1 = \frac{n \sum_{i=1}^n x_i y_i - \sum_{i=1}^n x_i \sum_{i=1}^n y_i}{n \sum_{i=1}^n x_i^2 - (\sum_{i=1}^n x_i)^2}$$

Тадқиқ этилаётган кўрсаткичлар ўртасида мавжуд алоқани сонли баҳолаш учун корреляция коэффиценти ҳисобланади (Т.В.Чернова, 1999).

$$r = \frac{1}{n-1} \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{S_x S_y}$$

бу ерда S_x, S_y - ҳар бир қаралаётган сонларнинг ўртача квадрат оғиши; \bar{x} ва \bar{y} - ўртача миқдор; n - ўзгарувчи.

Аниқланган корреляция коэффиценти асосида тадқиқ этилаётган кўрсаткичлар ўртасида мавжуд алоқани сифат ва сонли баҳолаш мумкин. Бунинг учун Чеддок шкаласидан фойдаланилади (1-жадвал) (Чернова, 1999).

1-жадвал.

Жуфтлик корреляция коэффиценти миқдори	Боғлиқлик тавсифи
0,3 гача	Амалда мавжуд эмас
0,3-0,5	Кучсиз
0,5-0,7	Сезиларли
0,7-0,9	Кучли
0,9-0,99	Жуда кучли

Берилган (K_1, K_2, K_3, K_4) кўрсаткичлар маълумотлари ҳудуд статистика бошқармаси ҳисоботларидан олинди (2-жадвал).

2-жадвал.

Ҳудуднинг йиллар бўйича статик маълумотлари кўрсаткичлари

Йиллар	Ҳудуднинг қаттиқ қопламали автомобил йўл тармоғи зичлиги, км/1000 кв.км	Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд сўм	Сурхондарё вилоятининг ЯИМ, млрд сўм	Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, минг сўм	Аҳолининг бандлиги
2010	109,9	756,4	3394,7	312,7	1296,8
2011	111,1	925,8	5217,1	365,4	1352,9
2012	113,0	1101,8	6436,4	437,7	1382,3
2013	114,8	1321,4	7436,4	600,1	1417,3
2014	115,3	1615,3	9213,2	646,8	1463,4
2015	115,6	1910,7	11114,4	773,0	1516,3
2016	119,9	3234,7	12179,6	879,1	1577,1
2017	122,1	4231,3	14404,4	1427,1	1639,8
2018	126,3	5322,7	18674,9	2848,3	1639,2
2019	134,0	4722,0	22393,5	4552,8	1721,8
2020	139,0	6785,9	24912,0	3792,2	1679,9

Танланган омил ва натижавий сифат (K_1, K_2, K_3, K_4) ўртасида боғлиқликни моделлаштиришни қарашда шунга мос турдаги тенгламани танлашни амалга ошириш керак. Бунда ўрганилаётган боғлиқлик тўлиқ ва ишончли ифодаланади. Боғлиқлик шаклини ифодалаш учун чизиқли ва ночизиқ кўринишдаги функция танланади (Мальцев, 2010).

Корреляция коэффиценти Стьюдент, Фишер ва детерминацияни аниқлаш Excel дастурий таъминотида амалга оширилди.

Қаттиқ қопламали умум фойдаланиш автомобил йўл тармоғи зичлиги $P_{зич}$ корреляция фактори натижавий кўрсаткичлари K_1 да $r_{хисоб} = 0,91$, K_2 да $r_{хисоб} = 0,93$, K_3 да $r_{хисоб} = 0,90$, K_4 да $r_{хисоб} = 0,82$, ташкил этади, бу Чеддок шкаласи бўйича ўрганилаётган омиллар ўртасида кучли боғлиқликни характерлайди (Чернова, 1999).

Чизиқли шакли боғлиқлик учун, энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилди ва ҳар бир кўрсаткич учун қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$y_1 = 208,7x - 22160, \quad (1)$$

$$y_2 = 738,63x - 76396, \quad (2)$$

$$y_3 = 151,26x - 16653, \quad (3)$$

$$y_4 = 13,765x - 136,09, \quad (4)$$

Юқорида олинган чизикли регрессия тенгламаларнинг адекватлиги ҳақидаги гипотезанинг миқдорий текшируви шуни кўрсатадики, F мезони (Фишер мезони)нинг ҳақиқий қийматлари $F_{амал(1)} = 91,996$, $F_{амал(2)} = 324,86$, $F_{амал(3)} = 88,08$, $F_{амал(4)} = 40,37$, $F_{амал(5)} = 1,02$, жадвал қиймати эса мос равишда $F_{жадв(0,05;1;9)}^1 = 5,12$, $F_{жадв(0,05;1;9)}^2 = 5,12$, $F_{жадв(0,05;1;9)}^3 = 5,12$, $F_{жадв(0,05;1;9)}^4 = 5,12$, $F_{жадв(0,05;1;9)}^5 = 5,12$ тенг. Детерминация коэффицентлари (1-4) расмларда келтирилган, сонли қийматлари эса қуйидагича: $R_{амал(1)}^2 = 0,9109$, $R_{амал(2)}^2 = 0,973$, $R_{амал(3)}^2 = 0,908$, $R_{амал(4)}^2 = 0,8177$. Фишер критерияси учун $F_{амал} > F_{жадв}$ ва детерминация коэффиценти учун нисбат $R_{амал}^2 > R_{жадв}^2$ нисбат бажарилди. Демак, 95% эҳтимоллик билан ўрганилаётган кўрсаткич $P_{зич}$ фактори билан етарли даражада ижобий ифодаланади.

Ночизик шаклли боғлиқлик учун, энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилди ва ҳар бир кўрсаткич учун қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$y_1 = 4,0773x^2 + 1220,7x - 84552, \quad (5)$$


$$y_2 = -11,191x^2 + 3516,3x + 247651, \quad (6)$$

$$y_3 = 0,5695x^2 + 9,9079x - 7937,9, \quad (7)$$

$$y_4 = -0,756x^2 + 201,41x - 11705, \quad (8)$$

Келтирилган ночизик регрессия тенгламаларнинг адекватлиги ҳақидаги гипотезанинг миқдорий текшируви таҳлилидан маълумки, F мезони (Фишер мезони)нинг ҳақиқий қийматлари $F_{амал(1)} = 92,01$, $F_{амал(2)} = 694,12$, $F_{амал(3)} = 89,68$, $F_{амал(4)} = 337,15$, $F_{амал(5)} = 1,02$, жадвал қиймати эса мос равишда $F_{жадв(0,05;1;9)}^1 = 5,12$, $F_{жадв(0,05;1;9)}^2 = 5,12$, $F_{жадв(0,05;1;9)}^3 = 5,12$, $F_{жадв(0,05;1;9)}^4 = 5,12$, $F_{жадв(0,05;1;9)}^5 = 5,12$ тенг. Детерминация коэффицентлари (1-4) расмларда келтирилган, сонли қийматлари эса қуйидагича: $R_{амал(1)}^2 = 0,9329$, $R_{амал(2)}^2 = 0,9872$, $R_{амал(3)}^2 = 0,9088$, $R_{амал(4)}^2 = 0,974$. Фишер критерияси учун $F_{амал} > F_{жадв}$ ва детерминация коэффиценти учун $R_{амал}^2 > R_{жадв}^2$ нисбат бажарилди. Демак, ўрганилаётган кўрсаткичлар автомобил йўл тармоғи зичлиги ($P_{зич}$) фактори билан етарли даражада ижобий ифодаланади.

Шундай қилиб, ҳар турдаги тренд чизиклари ва уларнинг детерминация коэффиценти қийматларини таққослаб, модели тақдим этилган графикларни аниқ ифода этадиган вариантни аниқлаш мумкин. Детерминация коэффиценти кўрсаткичи энг юқори бўлган вариант ишончлироқ ҳисобланади. Унинг асосида аниқ прогноз қилиш мумкин бўлади. Бизнинг мисолимизда ночизик шаклдаги иккинчи даражали тренд чизиги юқори ишончликга эгаллиги аниқланди ва бу ҳолда детерминация коэффиценти 1 га яқин бўлди. Бу ўз навбатида танланган модел абсолют ишончилигини тасдиқлайди.



1-расм. Йўл тармоғи зичлигининг кўрсаткичларга боғлиқлик графиги.

Корреляция-регрессия моделига асосланиб, статик маълумотлар ва ўрганилинаётган тумanning қаттиқ қопламали автомобил йўл тармоғининг амалдаги зичлиги (2-жадвал) ёрдамида ҳар бир кўрсаткич учун регрессия тенгламаси тузилган.

Юқорида бажарилган корреляция-регрессия моделига асосан ҳар бир кўрсаткич учун регрессия тенгламалари келтирилган. Масалани ечиш учун ҳудуднинг йиллар бўйича статик маълумотлар кўрсаткичлари (2-жадвал)дан фойдаланилди.

$$y_1 = 4,0773x^2 + 1220,7x - 84552, \quad (9)$$

$$y_2 = -11,191x^2 + 3516,3x + 247651, \quad (10)$$

$$y_3 = 0,5695x^2 + 9,9079x - 7937,9, \quad (11)$$

$$y_4 = -0,756x^2 + 201,41x - 11705, \quad (12)$$

Белгиланган йўл участкалари (транспортли алоқа) такомиллаштирилгандан кейин олинган қаттиқ қопламали автомобил йўл тармоғи зичлиги қийматларини юқоридаги тенгламалар (9-12)га қўйилади. Ҳар бир транспорт алоқаси бўйича ижтимоий-иқтисодий самарадорлик натижалари келтирилган кўрсаткичлар учун аниқланади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Таҳлил натижалари тадқиқ этилаётган кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги юқори даражада адекватлигини кўрсатди, бу ҳудуд шароитида автомобил йўл тармоғи зичлигининг ошиши билан истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун формула сифатида фойдаланишга имкон беради.

Автомобил йўл тармоғи ҳолатининг яхшиланиши ҳудуднинг транспортли таъминланганлик даражасини ва мавжуд йўл тармоғи сифатини оширади ҳамда қатор салбий ижтимоий оқибатлар келиб чиқишининг олди олинади.

Шундай қилиб, автомобил йўл тармоғининг яхшиланиши ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий кескинлигини камайтиради, кундалик эҳтиёжни таъминловчи маҳсулотларни ташиш ва хизматлар кўрсатиш таннархини камайтириш ҳисобига аҳоли турмуш даражасини оширишга ёрдам беради.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Kabashkin I., (2015) Modelling of Regional Transit Multimodal Transport Accessibility with Petri Net Simulation// Procedia Computer Science. pp.151–157.

Kazemi. L., Shahabi. C. and Sharifzadeh. M. (2009) Optimal Traversal Planning in Road Networks with Navigational Constraints / The Development of Road.

Kuziev A.U., Urokov A.A. (2021) Development of Multimodal Transport Network in the Region /International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology, <http://openaccessjournals.eu> | Volume: 1 Issue: 7.-42-46 pg.

Mouna Mnif, Sadok Bouamama. (2017) Firework Algorithm For Multi-Objective Optimization Of A Multimodal Transportation Network Problem//Procedia Computer Science. Pp. 1670–1682.

Бўтаев Ш.А., Сидикназаров Қ.М., Муродов А.С., Қўзиёв А.Ў. (2012) Логистика.- Тошкент: Extremum-Press.-577 б. / Butaev Sh.A., Sidiknazarov K.M., Murodov A.S., Kuziev A.U. (2012) Logistics. Tashkent: Extremum-Press. 577 p.

Жуков В.И., Копылов С.В. (2015) Обоснование математической модели проектирования местной сети автомобильных дорог в условиях Республики Саха (Якутия) // Фундаментальные исследования. ст. 63-67. / Jukov V.I., Kopylov S.V. (2015) Substantiation of a mathematical model for designing a local road network in the Republic of Sakha (Yakutia) // Fundamental research. pp. 63-67.

Копылов С.В., Жуков В.И. (2014) Обоснование развития местной сети дорог на основе социального, экономического и промышленного критериев на примере Республики Саха (Якутия) / Молодые ученые в решении актуальных проблем науки: сб.статей-Красноярск: СибГТУ.-203-206 с. / Kopylov S.V., Zhukov V.I. (2014) Justification of the development of a local road network based on social, economic and industrial criteria on the example of the Republic of Sakha (Yakutia) / Young scientists in solving actual problems of science: collection of articles-Krasnoyarsk: SibGTU.-203-206 p.

Мальцев Ю.А. (2010) Экономико-математические методы проектирования транспортных сооружений / Ю.А.Мальцев. – М.: Академия, 320 с. / Maltsev Yu.A. (2010) Economic and mathematical methods of designing transport facilities / Yu.A.Maltsev. M.: Academy, 320 p.

Чернова Т.В. (1999) Экономическая статистика/ учеб.пособие. Таганрог: ТРТУ.- 367 с. / Chernova T.V. (1999) Economic statistics / study guide. Taganrog: TRTU, 367 p.



МАРКАЗИЙ БАНК МОНЕТАР СИЁСАТИ МАЖБУРИЙ ЗАХИРА ИНСТРУМЕНТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Курбонбекова М.Т.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: *Илмий мақолада Марказий банк монетар сиёсати инструментларидан мажбурий захира инструменти таҳлил қилинган. Хусусан, Марказий банк томонидан мажбурий захирани белгилашдан асосий мақсад ва бу мақсадга эришиш қай даражада амалга ошаётганлиги Ўзбекистон мисолида таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларидан кўринадики, Марказий банк томонидан 2018 йилга қадар тижорат банкларининг депозитлари муддатлари кўра мажбурий захира нормативи қўлланган. Аммо ушбу норматив ўз натижасини бермаган. Шунингдек, тижорат банкларининг мажбурият турларига ўртачалаш коэффициентининг қўлланилиши ва бу орқали мажбурий захиранинг сақланиш муддатида банклар томонидан фойдаланиш имконининг берилиши банк тизими ликвидлигига ижобий таъсир кўрсатган.*

Калит сўзлар: *монетар сиёсат, пул массаси, мажбурий захира сиёсати, депозит, ўртачалаш коэффициент.*

THE IMPORTANCE OF THE CENTRAL BANK MONETARY POLICY REQUIRED RESERVE INSTRUMENT

Kurbonbekova M.T.

Tashkent State University of Economics

Abstract: *The scientific article analyzes the required reserves instrument from the monetary policy instruments of the Central Bank. In particular, the main goal of the Central Bank in determining the required reserves and the extent to which this goal is achieved is analyzed on the example of Uzbekistan. The results of the analysis show that the Central Bank has applied a required reserves ratio for the maturity of deposits of commercial banks until 2018. But this norm did not work. Also, the application of the averaging coefficient of commercial banks to the types of liabilities, thereby allowing banks to use the required reserves during the retention period, had a positive impact on the liquidity of the banking system.*

Keywords: *monetary policy, money supply, required reserve policy, deposit, averaging coefficient.*

1. Кириш.

Марказий банклар пул-кредит сиёсат орқали иқтисодий барқарорликка таъсири ХХ асрлар бошларидан бошлаб кенг ўрганила бошланди. Хусусан, ХХ асрнинг бошларида бутун дунёда 18 та давлатда марказий банклар бўлган бўлса, ХХІ асрнинг бошларига келиб аксарият давлатларда марказий банклар фаолият юрита бошлаган. Шу билан бир вақтда ўтган асрда марказий банклар пул-кредит сиёсати инструментлари пайдо бўла бошлади ва кенг ривожланди. Хусусан, марказий банкларнинг мажбурий захира сиёсати айрим манбаларга кўра 1913 йилда АҚШда Федерал Захира Тизими фаолияти йўлга қўйилгандан бошлаб пайдо бўлган деган фикрлар бор. Аммо мажбурий захира сиёсати бундан анча илгари пайдо бўлган. Хусусан, АҚШда 1863 йилда миллий банклар эраси даврида пайдо бўлган. Бу даврда АҚШда банк тизимининг асосий бўғини Нью-Йорк шаҳрида жойлашаган бўлиб, банк тизими қонунчилигига биноан бу ерда жойлашган банклар учун мажбурий захира нормаси жалб қилган депозитларга нисбатан 25 фоиз қилиб белгиланган. Бу резерв

миқдори ўз банкларига депонентланган. Бошқа ўн олтита йирик шаҳарларда жойлашган банклар учун ҳам мажбурий захира нормаси 25 фоиз бўлган ва улар ушбу захира миқдорининг ярмини Нью-Йорк шаҳридаги банкларда жойлаштириш шарт бўлган. Қолган банклар учун мажбурий захира нормаси 15 фоиз бўлган ва улар ушбу захиранинг 2/3 қисмини ўн олтита йирик шаҳарлардаги банкларда жойлаштириш мажбур бўлган (Моисеев, 2002).

Марказий банклар монетар сиёсатининг мажбурий захира инструменти дастлаб пайдо бўлган инструментлардан ҳисобланади. Мажбурий захира инструменти дастлаб тижорат банкларидаги депозиторлар манфаатини ҳимоя қилиш бўлган. Кейинчалик бу монетар сиёсат инструментиغا айланган ва пул массасига таъсир қилишда фойдаланилган.

Марказий банклар пул-кредит сиёсатидаги мажбурий захира нормаси тижорат банклар депозитларига нисбатан олиниб, бунда банклар юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилган депозитларнинг маълум фоизини марказий банкларда депонентлаш орқали ишлайди. Ушбу мажбурий захира нормаси тижорат банклар томонидан Марказий банкдан олган кредитларига ҳамда пул бозоридан жалб қилган ресурсларига ёйилмайди.

Мажбурий захира сиёсати бир қанча функцияларни бажаради ва улардан асосийлари қуйидагилар:

1. *Химоя буфери.* Молия бозорида ликвидлилик танқислиги вужудга келган қисқа муддатли фоиз ставкалар кўтарилади ва тижорат банклари пул бозоридан ресурс жалб қилиши қийинлашади. Бу вазиятда марказий банк мажбурий захира нормасини пасайтириш орқали тижорат банкларга қўшимча ресурс тақдим этади. Марказий банклар мажбурий захира нормасини ўзгартириш орқали пул бозоридаги номақбул конъютуравий ўзгаришларга оқибатини юмшатадиган ликвидлилик "буфери"ни пайдо қилади. Мажбурий захиранинг ушбу функцияси ривожланган давлатлар марказий банклари томонидан фойдаланилади.

2. *Банклар ликвидлигини бошқариш.* Мажбурий захира сиёсати тижорат банкларининг ресурс позициясини ҳамда марказий банк кредитларига талабни белгилашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Мажбурий захира нормасини ўзгариши қисқа муддатда банк тизими ликвидлигини тартибга солишда кўмак беради. Ривожланаётган давлатларнинг аксариятида марказий банклар мажбурий захирадан тижорат банклари ликвидлигини бошқаришда фойдаланади.

3. *Пул массасини тартибга солиш.* Марказий банклар томонидан мажбурий захира нормасининг ўзгартирилиши тижорат банкларининг кредит эмиссиясининг ўзгаришига олиб келади. Хусусан, мажбурий захира нормасининг пасайиши тижорат банклари кредит эмиссиясини оширади, ва аксинча. Бу орқали марказий банклар иқтисодиётдаги пул массасини назорат қилади. Аммо аксарият ривожланган давлатлар мажбурий захирадан пул массасини тартибга солишда фойдаланмайди. Ривожланаётган давлатлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк 90 йилларда мажбурий захирадан пул массани тартибга солишда фойдаланган бўлса, бугунги кунда ушбу функциядан фойдаланмайди.

4. *Солиқ солиш.* Мажбурий захира сиёсати тижорат банкларга қўшимча солиқ солишга ўхшайди. Чунки тижорат банклари жалб қилган депозитлари учун фоиз тўласа, ушбу депозитларнинг бир қисмини марказий банкка ўтказиши ва бу ресурс учун тижорат банклар фоиз олмайди. Шунингдек, Марказий банклар томонидан тижорат банкларидан мажбурий тарзда арзон ресурсларни жалб қилиши орқали марказий банклар монопол характердаги даромад олади. Бошқача қилиб айтгандан мажбурий захира давлатнинг сеньораж манбаи ҳисобланади.

5. *Иккиламчи мувофиқлаштирувчи функция.* Айрим вақтларда мажбурий захира сиёсати марказий банклар учун ноодатий функцияларни ҳам бажаради. Хусусан, мажбурий захира орқали марказий банклар банк тизимидаги депозитларни химоя қилса, шу билан бирга халқаро капитал ҳаракатини ҳам тартибга солиб туради.

Бугунги кунда саноати тараққий этган давлатларда мажбурий захира сиёсатидан молия бозоридаги қисқа муддатли ликвидлилик муаммосини бартараф этишда фойдаланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Марказий банк монетар сиёсат инструментлари борасида олимлар ҳамда илмий марказлар томонидан кўплаб тортишувлар кузатилади. Улар инструментлар таркиби ҳамда улардан қайси бири оптимал инструмент эканлиги чуқур ўрганилган. Хусусан, монетар сиёсат инструментларидан бири мажбурий захира сиёсати ҳам кенг таҳлил қилинган.

Франция Марказий банки томонидан мажбурий захира сиёсатининг молия бозори ва нарх барқарорлигига таъсири таҳлил қилинган. Улар нарх даражаси қаттиқ назоратга олинган, молия бозори нобарқарор бўлган кичик очиқ иқтисодиёт моделида мажбурий захира нормасининг самарадорлиги ҳамда амалдаги мажбурий захира нормасига мос оптимал фоиз ставка текширилган. Таҳлил натижаларина кўра Марказий банк мажбурий захира сиёсати мамлакатдаги нарх барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти, ўша давлатда молия бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва нобарқарорлиги кузатилса, юқори бўлади. Уларнинг фикрича Марказий банклар томонидан мажбурий захира нобарқарор капитал оқимига қарши молиявий барқарорлик инструменти сифатида ишлатилади. Шунингдек, мажбурий захира сиёсатидан асосий фоиз ставка нолга яқин бўлганда ёки валюта курси таргетланганда нарх барқарорлигини таъминлаш йўлида ноанъанавий инструмент сифатида фойдаланиш мумкин (Glocker, & Towbin, 2012).

Glocker (2021) таҳлилларида мажбурий захира сиёсатининг банкларнинг банкрот бўлиш эҳтимолига таъсирини ҳамда банк капиталига қўйилган талаблари билан таққослаган. Гарчи бу икки талаб банклар балансига ва кредит фоизига бир хил таъсир қилсада, аммо бу талаблар банкнинг молиявий барқарорлигига турлича таъсир кўрсатади. Банклар депозитларига фоизни белгилашнинг частотаси қисқа бўлган вақтда, мажбурий захиранинг юқорилиги уларнинг билвосита харажатларини оширади. Ушбу вазиятда банклар харажатларини қоплаш мақсадида риси юқори бўлган лойиҳаларни кредитлашга ҳаракат қилади ва бу ўз-ўзидан банкларнинг молиявий ҳолатининг ёмонлашишига олиб келади. Банк олдида қарздорларнинг маънавий хавф-хатари (*moral hazard*) муаммоси бу салбий таъсирларни янада кучайтиради. Бизнинг фикримизча, юқори фоизда кредитларнинг ажратилиши бир томондан банкларнинг молиявий барқарорлигига путур етказса, иккинчи томондан юқори фоизда кредит олган мижозларнинг бир қисми фоизларни ўз вақтида тўлаб бориши, фоизларни тўлайолмаган мижозлардан кўриладиган зарарларни қоплашга ёрдам беради ва бу банкларнинг банкротлик эҳтимолини пасайтиради.

Becker, Busch, ва Tonzer (2021) тадқиқотларида пруденциал назоратга таъсир қилувчи омиллар ўрганилган. Хусусан, банклар ликвидлик даражаси қанчалик Марказий банк томонидан олиб борилаётган пруденциал назоратнинг транмиссиясига таъсири кўрилган. Марказий банкнинг инструмент сиёсатларига таъсирчан бўлган тижорат банкларида мажбурий захиранинг кредитлаш канали вужудга келганлигини аниқлашган. Тадқиқот натижалари 2008-2009 йиллардаги иқтисодий инқироз даврида ҳамда ликвидлиги ва рентабеллиги паст бўлган давлат банклари мисолида ушбу гипотеза тасдиғини топган. Ушбу таҳлиллар ички капитал бозорлари орқали амалга ошириладиган пруденциал сиёсатнинг тижорат банкларига тақсимлаш таъсири мавжудлигини кўрсатади.

Хитой иқтисодиёти бошқа иқтисодиётлардан катта фарқ қилади. Хитой иқтисодиётида давлатнинг ўрни юқорилигича сақланиб қолмоқда. Хитой Халқ Банки макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун мажбурий захира нормасини тез-тез ўзгартириб туради. Хитойда мажбурий захира номаси тез-тез ўзгаришининг макроиқтисодий барқарорликка таъсирини Chang ва бошқа олимлар (2019) томонидан иккисекторли DSGE модели орқали таҳлил қилган. Давлат корхоналари деб аталадиган оғир саноат сектори давлат томонидан кафолатланган ҳамда мажбурий захираларни инобатга олган ҳолда банк кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади. Рентабеллик жиҳатдан юқори турувчи хусусий сектор эса тартиблаштирилмаган балансдан ташқари молиялаштиришга таянадилар. Юқори захира талаблари молиявий ресурсларни хусусий фирмаларга қайта тақсимлашга, ва бу эса уларнинг унумдорлигини оширишга ва аксинча давлат корхоналарининг банкротлик эҳтимолини вужудга келишига олиб келади. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун оптимал мажбурий захира талабларини мослаштириш бошқа инструментлар билан бир қаторда пул массасини мослаштиришни тўлдиради. Бизнинг фикримизча, мажбурий захира талабларини тез-

тез ўзгартириб туриш, молиявий ресурсларни қайта тақсимлашни талаб қиладиган алоҳида олинган секторларга хос бўлган “шок”ларнинг таъсирини юмшатиш учун самарали инструмент ҳисобланади. Аммо захира талабларини тез-тез ўзгартириш орқали бутун иқтисодиётга ёйилган “шок”ларнинг олдини олиш учун фойдаланиш керак эмас деб ўйлаймиз.

Моисеев (2002) марказий банкларнинг иқтисодиётга таъсири борасида кўплаб илмий ишлар олиб бормоқда. Хусусан, мажбурий захира сиёсатининг аҳамияти борасида фикр бирдириб, марказий банкнинг қолган инструментларидан кўра мажбурий захира инструментининг иқтисодиётга таъсири кучли эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга мажбурий захира инструменти тижорат банкларининг функционал вазифасини бажаришни чеклашига қарши марказий банклар қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозимлигини таъкидлайди:

- Марказий банк самарали пул-кредит сиёсатини олиб бориш учун мажбурий захира номаси минимал даражада бўлиши керак;

- Банклараро пул бозори фаолиятига салбий таъсир қилмаслик ҳамда иккиламси солиққа тортилишдан сақланиш учун тижорат банкларининг бошқа банклардан жалб қилган депозитларидан мажбурий захира олмаслик лозим;

- Тижорат банкларни арбитраж операцияларга мажбур қилмаслик учун мажбурий захира барча кредит ташкилотлари мажбуриятларига бир маромда тарқалиши керак;

- Очиқ бозор сиёсати самарадорлигини пасайтирмаслик мақсадида банклар томонидан ажратилаётган мажбурий захира давлат қимматли қоғозлари билан қопланиши мақсадга мувофиқ эмас (Моисеев, 2002).

Фиркимизча, марказий банклар иқтисодиётга таъсирини кучайтириш, хусусан, ички иқтисодиётда нарх барқарорлигини таъминлаш мақсадида пул-кредит сиёсатини инструментларидан самарали фойдаланиш лозим. бу йўлда мажбурий захира сиёсати барча тижорат банкларига бир маромда ёйилиши ва пул массасига қисқа вақтда катта таъсир қилиши билан қолган инструментлардан фарқ қилиб туради.

3. Тадқиқот методологияси.

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Ўзбекистон Марказий банки пул-кредит сиёсати мажбурий захира инструметини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1994-2021 йиллардаги мажбурий захира нормативлари ўзгаришининг қиёсий таҳлили, ҳамда 2016-2021 йиллардаги тижорат банклари депозитлари муддатларига кўра турлари таҳлил қилинди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мажбурий захира талаблари турли давлатларда турличадир. Аксарият давлатларда мажбурий захира талаблари фақат юридик шахслар депозитларига нисбатан олинади. Хусусан, Ўзбекистон банк тизимида ҳам 2003 йилда банклар депозитларни кафолатлаш фонди очилиши билан банклардаги жисмоний шахслар депозитлари мажбурий захира талабларидан озод қилинди ва фақат юридик шахслар депозитлари мажбурий захирага олинади. Аммо 2018 йилдан бошлаб Марказий банк томонидан тижорат банкларининг жисмоний шахслардан мажбуриятлари ҳам мажбурий захирага олинadиган бўлди.

Марказий банк пул-кредит сиёсати инструментларидан бири мажбурий захира сифатида белгиланган экан ушбу инструмент миллий валбтага бўлган талабга ва бу орқали миллий валюта барқарорлигига қай даражада таъсир қилишини таҳлил қилиб кўрамиз.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида”ги ЎРҚ-582-сон янги таҳрирдаги қонуннинг 30-моддасида пул-кредит сиёсатини амалга ошириш доирасида Марказий банк банклар жалб қилган мажбуриятлар остида банклар томонидан Марказий банкда депонентга ўтказиладиган мажбурий захираларнинг нормативларини белгилайди деб киритилган. Шунингдек, Марказий банк мажбурий захира талабларининг миқдорини, банкларнинг захиралар депонентга ўтказиладиган мажбуриятлари таркибини, ҳисоб-китоб қилиш ва захиралаш тартибини, ҳамда мажбурий захираларни ўртачалаш коэффициентини тасдиқлайди. Мажбурий захираларнинг нормативлари барча банклар учун бир хилдир. Мажбурий захиралар банкларнинг Марказий банкдаги махсус ҳисобварақлардаги маблағларини депонентга

Ўтказиш йўли билан ёки Марказий банкда очилган вакиллик ҳисобварағида мажбурий захираларни ўртачалаш коэффициентини миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган мажбурий захираларнинг ўртачалаштирилган миқдорини сақлаб туриш йўли билан ушлаб турилади. Мажбурий захираларни ўртачалаш коэффициентини қиймати 0 дан 1 гача оралиқда бўлган сон билан ифодаланган кўпайтирувчидан иборатдир.

1-жадвал.

Мажбурий захира нормативлари (2018 йил 31 майгача)¹

Амал қилиш муддати	Юридик шахсларнинг миллий валютадаги талаб қилиб олингунча ва муддати 1 йилгача бўлган депозитлари бўйича	Юридик шахсларнинг муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган миллий валютадаги депозитлари бўйича	Юридик шахсларнинг муддати 3 йилдан ортиқ бўлган миллий валютадаги депозитлари бўйича	Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари бўйича
1994 йил 1 майдан	30		10	30
1995 йил 1 январдан	25		10	25
1996 йил 1 июлдан	25		10	
1997 йил 1 декабрдан	20		10	
2000 йил 1 майдан		20		
2005 йил 1 февралдан		15		5
2005 йил 1 августдан		15		8
2007 йил 1 сентябрдан		13		
2008 йил 1 ноябрдан		15		
2009 йил 1 сентябрдан	15	12	10,5	чет эл валютасидаги депозитлар учун ҳам шу нормативлар ўрнатилган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк 1994 йил 1 майдан бошлаб тижорат банкларидаги юридик шахслар депозитларига нисбатан мажбурий захира нормативларини қўллаш бошлади, ҳамда 1990 йиллардаги гипер инфляциянинг олдини олишда ушбу инструментдан кенг фойдаланди. Хусусан, 1997 йил 1 декабрдан юридик шахсларнинг 3 йилгача бўлган депозитларига нисбатан мажбурий захира нормативи 30-25 фоиз атрофида бўлиб, бу кўрсаткич дунё иқтисодиётидаги юқори кўрсаткичлардан ҳисобланган. Шунинг таъкидлаши-миз керакки, гарчи юридик шахсларнинг 3 йилдан ортиқ депозитларига нисбатан мажбурий захира нормативи 10 фоиз қилиб белгиланган билан, ушбу депозитларнинг катта қисми юқори мажбурий захира нормативига тўғри келган.

Шунинг таъкидлашимиз жоизки, тижорат банкларимизга аҳолининг бўш турган хорижий валютасини жалб қилишни осонлаштириш, керак бўлса бу операцияларини қўллаб қувватлаш мақсадида хорижий валютадаги депозитлар учун мажбурий захира нормативи миллий валютага белгиланган нормативдан анча паст бўлган. Хатто 1996

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банк расмий сайти <https://cbu.uz/oz/monetary-policy/standards-required-reserves/current/> маълумотлари.

йилдан 2005 йилгача юридик шахсларнинг хорижий валютадаги депозитларидан мажбурий захира олинмаган. Бунинг салбий жиҳати сифатида тижорат банкларимиз томонидан миллий валютага талабни пасайиши ва аксинча хорижий валютага нисбатан талабнинг ошишига олиб келган. Фақатгина 2007 йилдан бошлаб хорижий валютадаги депозитлар билан миллий валютадаги депозитлар учун мажбурий захира номативлари бир хиллаштирилган.

Ривожланаётган давлатларга хос бўлган хусусиятлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам мажбурий захира нормативи 2018 йилгача юқори даражада сақланган. Гарчи, 2009 йил 1 сентябрдан табақалаштирилган мажбурий захира нормативи қолланган билан юридик шахсларнинг банк тизимидаги депозитларининг асосий қисми қисқа муддатли бўлганлиги учун 15 фоизли мажбурий захира категориясига тўғри келган.

2-жадвал.

**Мажбурий захира нормативлари
(2018 йил 1 июндан - 2019 йил 30 июнгача)²**

Мажбурият тури	Муддати	Мажбурий резерв нормативлари (2018 йил 1 июндан - 30 сентябргача)	Мажбурий резерв нормативлари (2018 йил 1 октябрдан - 2019 йил 30 июнгача)
Юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари*	2 йилдан ортиқ	0	0
	1 йилдан 2 йилгача	7	2
	бошқа мажбуриятлар	14	4
Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари	2 йилдан ортиқ	0	0
	1 йилдан 2 йилгача	8	7
	бошқа мажбуриятлар	16	14
Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари*	2 йилдан ортиқ	0	0
	1 йилдан 2 йилгача	2	2
	бошқа мажбуриятлар	4	4
Жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари	2 йилдан ортиқ	0	0
	1 йилдан 2 йилгача	3	7
	бошқа мажбуриятлар	6	14

* Ушбу мажбурият турларига ўртачалаш коэффициентини (0,1) қўлланилган

2018 йил 1 июндан - 2019 йил 30 июнгача бўлган даврда ҳам депозитлар-нинг муддатига кўра табақалаштириш методи сақданиб қолган. Аммо олдинги даврларга нисбатан мажбурий захира нормативи биров бўлсада пасайган. Шунингдек, олдинги даврларга нисбатан учта асосий ўзгариш кузатилган. Биринчидан, олдинги даврларда хорий валютадаги депозитларга нисбатан устунлик берилган бўлса, кўрилаётган даврда аксинча, яъни хорижий валюталардаги депозитларга нисбатан мажбурий захира номативи миллий валюталардаги депозитларга нисбатан ошган ва бу билан Марказий банк миллий валютага талабни оширишни мақсад қилган. Иккинчидан, 2018 йил 1 июндан бошлаб жисмоний шахсларнинг депозитларига нисбатан ҳам мажбурий захира номативини қўллай бошлади. Учунчидан, тижорат банкларига мажбурий захирадаги ресурсни ўртачалаш коэффициентини қўллаган ҳолда Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб рақамида сақлашга рухсат берган. Олдинги даврда эса мажбурий захира ажратмаси Марказий банкдаги алоҳида ҳисоб рақамда сақланган бўлиб, сақлаш муддати давомида тижорат банклари ушбу ресурсдан фойдаланишнинг имкони

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банк расмий сайти <https://cbu.uz/oz/monetary-policy/standards-required-reserves/current/> маълумотлари.

бўлмаган. Шунинг таъкидлашимиз лозимки, кўплаб иқтисодчиларимиз ва олимларимиз томонидан мажбурий захира нормативи юқори эканлиги ва бу ҳолатда мажбурий захирадаги русурсни тижорат банклари томонидан ишлатиш имконини бериш кераклиги борасида талайгина таклифлар берилган.

3-жадвал.

**Мажбурий захира нормативлари
(2019 йил 1 июлдан – ҳозирги кунга қадар)³**

Мажбурият тури	Мажбурий резерв нормативлари (2019 йил 1 июлдан – 2021 йил 4 августгача)	Мажбурий резерв нормативлари (2021 йил 5 августдан)
Юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари*	4	4
Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари	14	18
Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари*	4	4
Жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари	14	18
Банк мажбуриятларига нисбатан ўртачалаш коэффициенти қўлланилиши	*миллий валютадаги депозитлар учун 01.07.2019 - 31.03.2020 давр учун (0,25) 01.04.2020 - 14.06.2020 давр учун (0,35) 15.06.2020 - 04.08.2021 давр учун (0,75) ўртачалаш коэффициенти қўлланилган	* миллий валютадаги депозитлар учун (0,8) ўртачалаш коэффициенти қўлланилади

Марказий банк томонидан мажбурий захира сиёсати 2019 йил 1 июлдан бошлаб мантиқий асосини топди деб ўйлаймиз. Хусусан, шу даврдан бошлаб мажбурий захира нормативини белгилашда муддатига кўра табақалаштириш методидан воз кечилди. Бунга асосий сабаблардан бири сифатида тижорат банклардаги юридик шахсларнинг депозитларининг катта қисми трансакцион депозитлар, ҳамда жисмоний шахсларнинг депозитлари 1 йилгача бўлган депозитлар бўлганлиги учун мажбурий захира нормативининг юқори фоизига тўғри келмоқда эди. Шу билан бирга юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги депозитлари учун мажбурий захира нормативи миллий валютадаги депозитлар учун нормативдан анча юқори қилиб белгиланган. Бу миллий валютага талабнинг ошишига ва миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан девалвациясини секинлаштиришга олиб келади. 2021 йил 5 августдан бошлаб Марказий банк чет эл валютасидаги депозитлар учун мажбурий захира нормативини 14 фоиздан 18 фоизга ошириши юқоридаги фаразимизнинг тўғри қўрилганлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банк расмий сайти <https://cbu.uz/oz/monetary-policy/standards-required-reserves/current/> маълумотлари.

Банк тизимидаги депозитларнинг муддатларига кўра таҳлили⁴

№	Депозит турлари	2016 й.	2017 й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й
I	1 йилгача бўлган депозитлар Шу жумладан:	32 484	54 174	50 830	61 499	83 190	111 026
1.1	Трансакцион депозитлар	20 456	31 368	29 912	35 189	49 153	66 129
1.2	1-30 кунлик депозитлар	1 997	3 231	3 711	3 133	6 081	5 291
1.3	30-180 кунлик депозитлар	6 252	10 292	8 785	11 654	14 207	18 780
1.4	180-365 кунлик депозитлар	3 776	9 283	8 422	11 523	13 749	20 826
II	1 йилдан ортиқ депозитлар	4 699	5 404	19 171	29 511	31 556	45 164
III	1 йилдан ортиқ муддатдаги депозитларнинг жами депозит-лардаги салмоғи	14,47%	9,98%	37,72%	47,99%	37,93%	40,68%

2018 йилга қадар тижорат банклардаги 1 йилдан ортиқ муддатдаги депозитлар учун мажбурий захира нормативи 1 йилгача бўлган депозитларга нисбатан белгиланган нормативдан паст бўлсада аммо тижорат банкларда узоқ муддатли депозитларнинг салмоғи жуда паст бўлган. Хусусан, 2016 йилда бу кўрсаткич 14,47 фоизни ва 2017 йилда 9,98 фоизни ташкил этган. Яъни тижорат банкларини мажбурий захира сиёсати билан узоқ муддатли депозитларни жалб қилишга ундаш ўз самарасини бермаган. Аксинча, 2018 йилдан бошлаб тижорат банклари учун мажбурий захира сиёсатини оптималлаштиришга қарамасдан, улардаги узоқ муддатли депозитларнинг умумий депозитлардаги салмоғи сезиларли ошган.

5. Хулоса ва таклифлар.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки бугунги кунда Марказий банк мажбурий захира сиёсати тижорат банклари учун химоя буфери, уларнинг ликвидлилигини бошқариш, пул массасини тартибга солиш, ҳамда иккиламчи мувофиқлаштирувчи функцияларни бажариши керак. Хусусан, 1990 йилларда мамлакатимиздаги юқори даражадаги инфляциянинг олдини олиш мақсадида мажбурий захира нормативи катта бўлган ва бу билан Марказий банк пул массасини тартибга солиш функциясидан фойдаланган. 2018 йилдан тижорат банкларининг мажбуриятлари учун ўртачалаш коэффициентини қўллаш орқали мажбурий захиранинг тижорат банклари ликвидлилигини бошқариш функциясидан фойдаланмоқда.

Шунингдек, 2018 йилга қадар тижорат банклардаги узоқ муддатли депозитлар учун мажбурий захира нормативи қисқа муддатли депозитларга нисбатан белгиланган нормативдан паст бўлсада аммо тижорат банкларда узоқ муддатли депозитларнинг салмоғи жуда паст бўлган. Яъни 1994 йилдан бошлаб Марказий банк томонидан қўллаб келинаётган табақалаштирилган мажбурий захира нормативи ўзининг самарасини бермаган.

2018 йилга қадар тижорат банклари Марказий банкка мажбурий захира суммасини депонентлаган бўлса, аммо ушбу депонентланган маблағдан сақлаш муддати давомида фойдаланиш имкони бўлмаган. 2018 йил 1 июндан бошлаб ушбу ресурслардан фойдаланиш имкони мавжуд. Аммо тижорат банклари фақатгина миллий валютадаги депонентланган маблағлардан фойдаланиш мумкин. Бизнинг фикримизча, хорижий валютадаги мажбуриятлар учун ажратилган мажбурий захира суммасидан ҳам сақлаш муддатида фойдаланиш имкониятини яратиш орқали тижорат банкларининг хорижий валютадаги ликвидлилигини бошқариш ва уни таъминлаш мумкин бўлади.

Шу билан бирган Марказий банк томонидан ўртачалаш коэффициентининг ошириши тижорат банкларининг мажбурий захира суммасидан сақлаш муддати давомида

⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банк расмий сайти <https://cbu.uz> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

фойдаланиш имкониятини чекламоқда. Хусусан, 2018 йилда ўртачалаш коэффициенти 0,1 бўлган бўлса, 2021 йилдан 0,8 бўлмоқда. Ҳайратангиз, мажбурий захира учун ўртачалаш коэффициенти 0,5 фоиздан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Becker, C., Busch, M. O., & Tonzer, L. (2021). Macroprudential policy and intra-group dynamics: The effects of reserve requirements in Brazil. *Journal of Corporate Finance*, 71, 102096.

Chang, C., Liu, Z., Spiegel, M. M., & Zhang, J. (2019). Reserve requirements and optimal Chinese stabilization policy. *Journal of Monetary Economics*, 103, 33-51.

Glocker, C., & Towbin, P. (2012). Reserve requirements for price and financial stability-when are they effective?

Glocker, C. (2021). Reserve requirements and financial stability. *Journal of International Financial Markets, Institutions and Money*, 71, 101286.

Моисеев, С. Р. (2002). Структура, функции и международная практика резервных требований. *Финансы и кредит*, (17 (107)), 56-67. / Moiseev, S. R. (2002). Structure, functions and international practice of reserve requirements. *Finance and Credit*, (17 (107)), 56-67.

Қонун (2019) "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида"ги ЎРҚ-582-сон. / Law (2019) No. LRU-582 "On the Central Bank of the Republic of Uzbekistan".



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА КРЕДИТ МИҚДОРINI МАКСИМАЛ ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

PhD, доцент Мавланов Н.

Тошкент молия институти

Аннотация. Мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш орқали кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш методи ва унинг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган. Кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш икки босқичда амалга оширилиб, 1-Босқичда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий кўрсаткичлари асосида кредит миқдорини максимал ҳажми аниқланади. 2-Босқичда аниқланган кредит ҳажми билан сўралаётган кредит ҳажми мувофиқлиги ўрганиб чиқилиб номолиявий кўрсаткичларни ўрганиш асосида тасдиқланади.

Калит сўзлар. Кредит, кредитга лаёқатлилиқ, кредит миқдори, кредит миқдорининг максимал ҳажми, молиявий кўрсаткичлар, номолиявий кўрсаткичлар.

ELABORATION OF METHODOLOGY FOR DETERMINING THE MAXIMUM AMOUNT OF CREDIT IN BUSINESS ENTITIES

PhD, Associate Professor Mavlanov N.

Tashkent Financial Institute

Abstract: The article describes the method of determining the maximum credit amount and its specifics by analyzing the creditworthiness of business entities. Determining the maximum credit amount is carried out in two stages. In first stage the maximum credit amount is determined on the basis of financial indicators of business entities. In second stage the compliance of the requested credit amount with the maximum loan amount is examined and confirmed based on non-financial indicators.

Keywords: Credit, creditworthiness, credit amount, maximum amount of credit, financial indicators, non-financial indicators.

1. Кириш.

Республикамиз иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектларни кўпайтириш ва янада ривожлантириш мақсадида кредит муносабатлари бўйича самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида "...истиқболли инвестициявий лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш"га алоҳида эътибор қаратилган. Миллий иқтисодиётимизда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар қўйилмалари 2011 йилга нисбатан 2021 йилда 2168,4 фоизга ошган. Бу эса, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, юқори қўшимча қийматли рақобатдош маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ҳамда янги иш ўринларини яратишда муҳим манба бўлмоқда.

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш" вазифаси юклатилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор юқори ўсиш суръатини таъминлаш молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни ўз вақтида ва тўлиқ қопланишига боғлиқдир. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж асосан банк кредитлари ҳисобига қопланиб келинмоқда.

Банк кредитлари жалб қилишда хўжалик юритувчи субъектлар олдида турган муҳим вазифалардан бири кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект молиявий имкониятидан юқори миқдорда кредит жалб қилиши кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтараолмасликка ҳамда молиявий аҳволи нобарқарорлашишига олиб келади. Бундан кўринадики, хўжалик юритувчи субъект молиявий имкониятидан келиб чиқиб кредит жалб қилиши иқтисодий самара олиш ҳисобига молиявий барқарорлиги яхшиланишига олиб келади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилининг назарий методологик жиҳатлари хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан кенг тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Фролов (2017) тадқиқотида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг концептуал аппаратини тизимлаштириш ва қарз олувчиларни таснифлаш, ахборот ва ташкилиш таъминотига, қарз олувчи корхоналарнинг ишончлилигини баҳолаш методикасини такомиллаштиришнинг амалий жиҳатларига тўхталиб ўтган.

Ендовицкий ва бошқ., (2016) корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилининг назарий асослари, ташқи ва ички ахборот таъминотларинг сифати ва мавжудлигини баҳолаш методикаси, банк нуқтаи назаридан корхонанинг кредитга лаёқатлилигига баҳо бериш каби жиҳатларига тўхталиб ўтган.

Наумченкова (2016) корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда коэффицентлар орқали аниқлаш методикасига тўхталиб ўтилган. Бунда корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш бир тмонлама фақат корхонанинг молиявий кўрсаткичларига таянилган.

Рахимов (2019) илмий изланишларида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг назарий жиҳатларига атрофлича тўхталиб ўтилган, аммо кредитга лаёқатлиликини баҳолашнинг хориж тажрибасини ўзида акс эттирган методикаси ишлаб чиқилмаган.

Абдуллаева (2017) тадқиқотларида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда молиявий жиҳатлари кўпроқ эътибор қаратган бунда номолиявий кўрсаткичлар хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда очиб берилмаган.

Банк иши (Азизов ва бошқ., 2016) илмий тадқиқотларида кредитга лаёқатлилики таҳлилининг долзарблиги, назарий жиҳатлари, хориж тажрибаси, амалдаги тартиби атрофлича ёритиб берилган бўлсада, кредит миқдорининг максимал ҳажмини аниқлаш методикасига тўхталиб ўтилмаган.

Юқоридаги дарслик ва илмий ишларда кредитга лаёқатлилики таҳлили хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий кўрсаткичлари(миқдор кўрсаткичлари) асосида кредит ва фоизини ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтаришни баҳолашга тўхталиб ўтилган. Кредитга лаёқатлиликини баҳолашдан олдин хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволдан келиб чиқиб, кредит миқдорининг максимал ҳажмини аниқлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Кредит миқдорининг максимал ҳажмини аниқлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий кўрсаткичлари асосида кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш;

- номолиявий кўрсаткичлар асосида кредит миқдорини максимал ҳажмини тасдиқлаш.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотимиз хўжалик юритувчи субъектларда кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш методикасини такомиллаштириш мақсадида олиб борилган бўлиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш, статистика ва жадваллар ёрдамида таҳлил ишлари олиб борилган, ундаги натижалар асосида аниқ хулоса ва таклифлар баён қилинган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш орқали кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш имконини беради. Кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш икки босқичда амалга оширилади. 1-Босқич "Кредит ҳажмини аниқлашнинг молиявий кўрсаткичлари" хўжалик юритувчи

субъектнинг молиявий кўрсаткичлари асосида кредит миқдорини максимал ҳажми аниқланади. Аниқланган кредит ҳажми билан сўралаётган кредит ҳажми мувофиқлиги ўрганиб чиқилади. 2-Босқич “Кредит ҳажмини тасдиқлашда номолиявий кўрсаткичлар” аниқланган кредит ҳажми номолиявий кўрсаткичларни ўрганиш асосида тасдиқланади. Тасдиқлаш қуйидагича амалга оширилади:

1-жадвал.

Кредит миқдорини максимал ҳажмини номолиявий кўрсаткичлар орқали тасдиқлаш¹

№	Ўрганиш натижаси	Тасдиқланган кредит ҳажми
1.	Ижобий	Аниқланган кредит ҳажми 100% миқдорда
2.	Ўрта	Аниқланган кредит ҳажми 50-100% гача миқдорда
3.	Салбий	Аниқланган кредит ҳажми 50% гача миқдорда

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, кредит миқдорининг максимал ҳажмини аниқлашда молиявий кўрсаткичларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Молиявий кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмол қила оладиган кредит ҳажмини аниқлаш имконини беради.

1-Босқич. Кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлашнинг молиявий кўрсаткичлари (КММҲАМК):

- Ўз айланма маблағларининг мавжуд суммаси (ЎАММС)

$$\text{ЎОММС} = \text{ЎММ}(480\text{-сатр}) + \text{УММ}(490\text{-сатр}) - \text{УМА}(130\text{-сатр})$$
- Қимматли қоғозлар (ҚҚ) – 040 сатр (1-шакл)
- Соф фойданинг ўзгариши (СФЎ)

$$\text{СФЎ} = \text{СФ}^1 / \text{СФ}^0$$

$$\text{КММҲАМК} = (\text{ЎОММС} * \text{СФЎ}) + \text{ҚҚ}$$

Кредит миқдорининг максимал ҳажмини аниқлашда Ўз айланма маблағларининг мавжуд суммаси (ЎАММС) муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига тегишли айланма маблағлари суммасини ифодалаб, жалб қилинган кредитни қоплашага йўналтириш имконини беради. Қимматли қоғозлар (ҚҚ) узоқ муддатли ликвид маблағлар ҳисобланиб, жалб қилинган кредитни қоплашда манба сифатида фойдаланиш мумкин. Ўз айланма маблағларининг мавжуд суммаси корхонанинг ўзига тегишли товар-моддий захира, пул маблағлари бўлиб, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат яратишини ҳисобга олиб соф фойданинг ўсиш даражасига кўпайтирилди.

2-жадвал.

“UZGERMED PHARM” қўшма корхонаси кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш²

№	Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби	Суммаси
1.	Ўз айланма маблағларининг мавжуд суммаси (ЎАММС)	$\text{ЎММ}(480\text{-сатр})^{1\text{-ш}} + \text{УММ}(490\text{-сатр})^{1\text{-ш}} - \text{УМА}(130\text{-сатр})^{1\text{-ш}}$	16 759 660,9
2.	Қимматли қоғозлар (ҚҚ)	040 сатр ^{1-ш}	-
3.	Соф фойданинг ўзгариши (СФЎ)	$\text{СФ}^1 / \text{СФ}^0 (270\text{-сатр})^{2\text{-ш}}$	0,54
Кредит миқдорини максимал ҳажми (КММҲАМК):			9 050 216,89

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “UZGERMED PHARM” қўшма корхонаси 2021 йил маълумотлари асосида молиявий кўрсаткичлар орқали таҳлил қилганимизда кредит миқдорини максимал ҳажми 9 050 216,89 минг сўмни ташкил этмоқда. Кейинги босқичда мавжуд кредит миқдорини номолиявий кўрсаткичлар асосида тасдиқлаймиз.

II-Босқич. Кредит ҳажмини тасдиқлашда номолиявий кўрсаткичлар:

- Кредит тарихи
- Бизнес обрўси
- Лойиҳанинг реаллиги
- Маҳсулот рақобатбардошлик даражаси

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

² “UZGERMED PHARM” ҚҚ 2021 йил молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Кредит ҳажмини тасдиқлашда номолиявий кўрсаткичлар³

№	Кўрсаткичлар	Ижобий	Ўрта	Салбий
1	Кредит тарихи	Кредит тарихида ўз вақтида ва тўлиқ тўлаган	Муддатидан кечикиб, лекин тўлиқ тўлаган	Ўз вақтида ва тўлиқ тўлай олмаган
2	Бизнес обрўси	Корхонанинг соҳа ва тармоқдаги ўрни юқори, бозордаги обрўси юқори, бренд таниқли	Корхонанинг соҳа ва тармоқдаги ўрни сезиларли аҳамиятга эга эмас, бренди харидорларга таниш эмас.	Корхонанинг соҳа ва тармоқдаги ўрни аҳамиятга эга эмас, бозорда ўз обрўсига эга эмас, бренди мавжуд эмас.
3	Лойиҳанинг реаллиги	Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади ва лойиҳа амалиётда реал аҳамиятга эга	Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади, аммо лойиҳани амалга оширишда таваккалчилик мавжуд	Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келмайди ва лойиҳани амалга оширишда юқори жиддий таваккалчилик мавжуд
4	Маҳсулот рақобатбардошлик даражаси	Товарларнинг хилма-хиллиги, сифати юқори, юқори қўшимча қиймат ва оптимал баҳога эга, оптимал харажат, сотиш сервиси яхши йўлга қўйилган, талаб юқори	Товарларнинг тури камлиги, сифати ўртача, ўртача баҳо, ўртача харажат, сотиш сервиси йўлга қўйилган	Товарларнинг тури камлиги, сифати паст, ўртача баҳо, харажат юқори, сотиш сервиси мавжуд эмас, талаб ўта кам

Номолиявий кўрсаткичлар молиявий кўрсаткичлар орқали аниқлаб бўлмайдиган, аммо корхона фаолиятини баҳолашда муҳим бўлган жиҳатларни ўрганиш имконини беради.

Кредит миқдорини максимал ҳажмини номолиявий кўрсаткичлар орқали тасдиқлашда ўрганиш натижасида қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Ижобий – молиявий кўрсаткичлар асосида аниқланган кредит ҳажми 100% тасдиқланади;

2. Ўрта – аниқланган кредит ҳажми 50-100% гача тасдиқланади;

3. Салбий – аниқланган кредит ҳажми 50% гача тасдиқланади.

“UZGERMED PHARM” қўшма корхонаси 2021 йил маълумотлари асосида молиявий кўрсаткичлар орқали аниқланган 9 050 216,89 минг сўм кредит ҳажмини номолиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали тасдиқлаймиз.

³ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

**“UZGERMED PHARM” қўшма корхонаси аниқланган кредит ҳажмини
номолиявий кўрсаткичлар орқали тасдиқлаш⁴**

№	Кўрсаткичлар	Корхонанинг ҳолати	Тасдиқлаш ҳолати
1	Кредит тарихи	Охириги уч йиллик маълумотлар асосида ўрганганда олинган кредитлар ўз вақтида ва тўлиқ тўлаган	Ижобий
2	Бизнес обрўси	Корхона узоқ муддатдан бери фаолият юритаётганлиги учун соҳа ва тармоқдаги ўрни юқори, бозордаги обрўси мавжуд, харидорларга бренди таниқли	Ижобий
3	Лойиҳанинг реаллиги	Корхонанинг бизнес режаси банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади, аммо лойиҳани амалга оширишда таваккалчилик мавжуд	Ўрта
4	Маҳсулот рақобатбардошлик даражаси	Корхона 50 дан ортиқ турда маҳсулот ишлаб чиқаради, сифати ўрта ва юқори, юқори қўшимча қиймат ва оптимал баҳога эга, оптимал харажат, сотиш сервиси яхши йўлга қўйилган, талаб мавжуд.	Ижобий

Жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилганимизда, “UZGERMED PHARM” қўшма корхонаси 2021 йил маълумотлари асосида номолиявий кўрсаткичлар орқали ўрганганимиз тасдиқлаш ҳолати ижобий ҳолатда эканлиги аниқланди. Молиявий кўрсаткичлар орқали аниқланган 9 050 216,89 минг сўм кредит ҳажми 1-жадвал маълумотлари асосида 100% тасдиқланади. Бундан кўринадики, “UZGERMED PHARM” қўшма корхонасининг кредит миқдорининг максимал ҳажми 9 050 216,89 минг сўмни ташкил этмоқда.

5. Хулоса ва таклифлар.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж асосан банк кредитлари ҳисобига қолдирилиб келинмоқда. Бунда банк кредитларидан фойдаланишда ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб кредит миқдорининг максимал ҳажмини аниқлаш олинган кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишига олиб келади. Ўз истеъмолидан кўпроқ кредит жалб қилиш корхонанинг молиявий аҳволи нобарқарорлашишига олиб келади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан эътибор қаратилмаётган, лекин эътибор қаратилиши зарур яна бир муҳим жиҳат кредит миқдорининг максимал ҳажмини аниқлашдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, хориж тажрибасини мужассамлаштирган ҳолда миллий иқтисодиёт талабларига мос кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш методикасини ишлаб чиқдик. Ушбу методика хўжалик юритувчи субъектларда кредит миқдорининг максимал ҳажмини молиявий кўрсаткичлар орқали аниқлаш ҳамда номолиявий кўрсаткичлар орқали тасдиқлаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектларда кредит жалб қилишдан олдин молиявий имкониятидан келиб чиқиб кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш ва шу асосида кредит жалб қилиш олинган кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришга ҳамда натижада молиявий барқарор ҳолатга эришишга олиб келади.

Абабиётлар/ Литература/Reference:

Абдуллаева Ш.З. (2017) Кредит ва кредитлаш амалиёти: Монография. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 368 б. / Abdullaeva Sh.Z. (2017) Credit and Credit Practice: A Monograph. –Т.: “Economy-Finance”, 368 p.

⁴ “UZGERMED PHARM” ҚК 2021 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Азизов У.Ў (2016) Банк иши. -Т.: "Фан ва технология", 360, 361 бетлар. / Azizov U.O. (2016) Banking. -Т.: "Science and technology", 360, 361 pages.

Ендовицкий Д.А., Бахтин К.В., Ковтун Д.В. (2016) Анализ кредитоспособности организации и группы компаний : учебное пособие.- М. : КНОРУС, - 376 с. / Endovitsky D.A., Bakhtin K.V., Kovtun D.V. (2016) Analysis of the creditworthiness of an organization and a group of companies: textbook.- М. : KNORUS, - 376 p.

Наумченкова Ю.В. (2016) Оценка кредитоспособности заемщика. "Теория и практика современной науки". М.: №5(11) 4 с. / Naumchenkova Yu.V. (2016) Assessment of the borrower's creditworthiness. "Theory and practice of modern science". М.: No. 5(11) 4 p.

Рахимов М.Ю., Каландарова Н.Н. (2019) Молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.: "Иқтисод-Молия", 736 б. / Raximov M.Yu., Kalandarova N.N. (2019) Financial Analysis. Textbook. - Т.: "Economy and Finance", 736 p.

Фролов И.В. (2017) Разработка организационно-методического обеспечения предрейтингового экономического анализа кредитоспособности заемщика. / Дис. доктор. экон. наук., 171 с. / Frolov I.V. (2017) Development of organizational and methodological support for pre-rating economic analysis of the borrower's creditworthiness. / Dis. doctor. economy nauk., 171 p.

Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон. / Decree (2017) of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 "On the Strategy of Actions for the Further Development of the Republic of Uzbekistan" DP-4947-con.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон. / Decree (2022) No. DP-60 of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 "On the development strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026".



ЭКОЛОГИК ХАВФЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мадреймов К.Т.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати

Аннотация: Ушбу илмий мақолада экологик хавфлар, уларнинг иқтисодий оқибатлари ҳамда экологик хавфларнинг олдини олишнинг иқтисодий механизмлари тадқиқ этилган. Муаллиф томонидан экологик хавфларнинг олдини олишнинг иқтисодий механизмлари орасида солиқ дастаклари танлаб олиниб, ушбу дастаклар орқали Ўзбекистонда экологик хавфларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ўрганилган ва солиқ нормаларининг жорий ҳолати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: экологик хавф, экологик хавфсизлик, иқтисодий механизм, эҳтиёж, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, экологик йиғим.

ECONOMIC MECHANISMS FOR PREVENTING ENVIRONMENTAL RISKS

Madreymov K.T.

State Security Service of the Republic of Uzbekistan

Annotation. This scientific article examines environmental risks, their economic consequences and economic mechanisms for preventing environmental risks. Among the economic mechanisms for the prevention of environmental risks, the author selects tax incentives, through which the reforms in the prevention of environmental risks in Uzbekistan are studied and the current state of tax norms is analyzed.

Keywords: environmental risk, environmental security, economic mechanism, need, land tax for agricultural land, tax on the use of water resources, tax on subsoil use, environmental levy.

1. Кириш.

Эҳтиёжларни қондириш цивилизациялашган жамият хўжалик фаолиятининг яқуний мақсади ва шу билан бирга доимий равишда янгиланиб турадиган тарихий жараён бўлиб, унда ривожланиш эҳтиёжларнинг ўсиши билан бирга амалга ошади. Иқтисодиётни тизим деб ҳисобласак, унинг кириши табиий ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқарилиши эса ижтимоий эҳтиёжларни қондирадиган маҳсулотлардир.

Бу эҳтиёжлар тобора ривожланиб бораётганлигини уларни қондиришда қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий траекторияси зарурий, мажбурий шахсий эҳтиёжлардан юқори даражадаги эҳтиёжларга ўтиш имконини беради. Шу боис, бугунги кунда жамият ва табиатнинг ўзаро таъсирини экологик ва иқтисодий эҳтиёжларнинг шаклланиши ва ривожланиши призмаси орқали услубий таҳлил қилиш зарурияти ҳар қачонгидан кўра долзарбдир.

Инсон биоижтимоий мавжудотдир, шунинг учун экологик ва иқтисодий эҳтиёжларни ҳам биосоциал деб ҳисоблаш мумкин, чунки улар тегишли биологик талаблар, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва берилган ижтимоий муносабатлар билан белгиланади. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда ва касалланиш ва ўлимнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, атроф-муҳит хавфсизлиги инсон саломатлигини сақлаш нуқтаи назаридан энг муҳим эҳтиёжлардан биридир.

Мамлакатларда ҳам экологик муаммолар ва улар урқали аҳоли саломатлигининг ёмонлашиши натижасида ушбу муаммоларга қарши курашнинг иқтисодий

механизмлари қўлланилмоқда. Жорий даврда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бирдек экологик хавфларнинг олдини олишнинг иқтисодий механизмлари орқасида ер ва сув солиқларининг қўлланилиши янгилик эмас. Бундай дастакларнинг қўлланилишидан мақсад сув ресурсларидан унумли фойдаланишни жорий этиш, ер ресурслари сифатини бузилишининг олдини олишдир.

Мамлакатимизда ҳам ушбу иқтисодий дастаклардан самарали фойдаланилади. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон стратегиясида ҳам "Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш" асосий мақсадлардан бири сифатида келтирилганлиги ҳам сув ресурсларидан унумли фойдаланишнинг қанчалик аҳамиятли эканини билдиради (Фармон, 2022). Мақсадга мувофиқ, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш солиқ дастакларини самарали қўллаш орқали ҳам амалга ошади. Ушбу илмий тадқиқотда экологик хавфларнинг олдини олишга қаратилган сув ва ер солиқлари, уларнинг зарурияти, мақсади ва ставкалари ҳақида сўз бориб, тадқиқот вазифаси сифатида экологик хавфларнинг олдини олишнинг иқтисодий механизмларнинг, хусусан, солиқ дастакларининг заруриятини таҳлил қилиш орқали, ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

2. Адабиётлар шарҳи.

Мавзунинг долзарблиги ва тадқиқот масштабининг катталиги сабабли уни турли йўналишда тадқиқ этиш мумкин.

Жумладан, Никулинанинг (2007) тадқиқотларига кўра, экологик хавфсизлик иқтисодий хавфсизликнинг бир йўналиши бўлиб, экологик хавфлар натижасида иқтисодий-молиявий рисклар ортиши ва харажатлар кўпайиши мумкин.

Гурбанованинг (2020) тадқиқотларига кўра, экологик хавфсизлик масалалари барча даражадаги экологик ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдан иборат бўлган иқтисодий ва миллий муносабатларнинг бошқа турлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган иқтисодий тартибга солиш ва давлат бошқаруви соҳасидаги алоҳида турдир.

Новикова (2020) экологик хавфларни бартараф этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий дастакларни қўллаш зарурлигини келтиради.

Масалан, ЕИ ва АҚШда экологик хавфларнинг иқтисодий таъсирини камайтириш мақсадида "Экологик хавфсизлик тўҳрисида"ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ, табиатга зарар етказган фуқароларга нисбатан маъмурий ва жиноий жазолар қўлланилади. Аксарият ҳолларда эса жарималар билан кифояланади (Kodolova, 2014).

Экологик хавфсизлик давлатнинг иқтисодий хавфсизлигининг бир қисмидир. Бу ҳулоса шундан келиб чиқадики, атроф-муҳитга етказилган зарар бутун инсоният ва алоҳида давлатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тўхтатувчи омил ҳисобланади.

Иқтисодий фаолият соҳасида экологик хавфсизликнинг асосий кўрсаткичлари бўйича статистик маълумотларни ўрганиш жараёнида шундай ҳулосага келиш мумкинки, ҳаракатлар туфайли экология соҳасидаги кўрсаткичларнинг салбий тенденцияларини зарарсизлантириш муҳим аҳамиятга эга (Гаджиев, 2021).

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда мавзунинг илмий-назарий асосларини ёритиб бериш мақсадида назарий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Ўзбекистонда экологик хавфларнинг олдини олишда қўлланиладиган иқтисодий механизмларни ўрганишда таҳлил ва синтез, гуруҳлаш усулларидан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугун мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, ер, сув ва табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, чиқиндиларнинг атмосферага чиқишини камайтириш мақсадида қуйидаги солиқ ҳамда йиғимлар қўлланилади:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- Экологик йиғим.

Ер солиғи бевосита солиқ тури бўлиб, ушбу солиқ миқдори уни бошқа бирон бир миқдорга қўшмасдан тўғридан-тўғри тўлананишини англатади. Ушбу солиқни тўлаш бирон бир операция билан боғлиқ эмас, фақат ерга эгалик ҳуқуқининг мавжудлиги ёки йўқлиги фактига боғлиқ.

Ер солиғи ер ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлов сифатида ишлайди. Бундай тўловни жорий этишдан мақсад ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ҳар хил сифатли ерларни бошқариш учун ижтимоий-иқтисодий шароитларни тенглаштириш ва минтақалар ва аҳоли пунктларида инфратузилмани ривожлантиришни таъминлашдан иборат (Tulakov, 2021).

Шунингдек, «Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкаси республика ҳудудлари кесимида 1 гектар учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади (1-жадвал):

1-жадвал

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкаси

Республика ҳудудлари	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси (млн сўмда)
Тошкент шаҳри	208,2
1 зона	166,5
2 зона	124,9
3 зона	83,3
4 зона	41,6
5 зона	
Қорақалпоғистон Республикаси	26,2
Андижон вилояти	33,0
Бухоро вилояти	26,7
Жиззах вилояти	26,7
Қашқадарё вилояти	26,7
Навоий вилояти	26,7
Наманган вилояти	33,0
Самарқанд вилояти	33,0
Сурхондарё вилояти	23,5
Сирдарё вилояти	20,8
Тошкент вилояти	27,6
Фарғона вилояти	26,7
Хоразм вилояти	26,7

«Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкаларининг аниқ миқдори қуйидаги тартибда аниқланади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари 0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларини белгилайди;

туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари, ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида белгиланган солиқ ставкаларига, Тошкент шаҳри учун эса — ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритади.

«Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари 1 кв.м учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно) (2-жадвал):

Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари 1 кв.м учун

Республика ҳудудлари	1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда)
Тошкент шаҳри	1193,6
1 зона	1013,2
2 зона	832,6
3 зона	652,3
4 зона	471,8
5 зона	
Қорақалпоғистон Республикаси	245,0
Андижон вилояти	297,6
Бухоро вилояти	245,0
Жиззах вилояти	245,0
Қашқадарё вилояти	245,0
Навоий вилояти	245,0
Наманган вилояти	297,6
Самарқанд вилояти	297,6
Сурхондарё вилояти	221,6
Сирдарё вилояти	191,8
Тошкент вилояти	252,2
Фарғона вилояти	245,0
Хоразм вилояти	245,0

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ставкаси солиқ тўловчиларнинг тоифалари кесимида, шунингдек белгиланган мақсадларда ишлатиладиган сув ҳажми қисмида белгиланмоқда. Бу солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида ҳар хил мақсадлар учун ишлатиладиган сув ресурслари ҳажмининг ҳисобини алоҳида юритишни тақозо этади.

Солиқ ставкалари 15%га, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари учун 30%га индексация қилинмоқда. Индексация қилиш мақсади - ставкаларни саноат корхоналари учун белгиланган ягона солиқ ставкасига босқичма-босқич етказиш.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунининг 11-иловасига мувофиқ, сув солиғи

- 1 м³ учун ер усти манбаларидан фойдаланганда 140 сўм,
- ер ости манбаларидан фойдаланганда 170 сўм қилиб белгиланган.

Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йил даражасида сақлаб қолинмоқда.

Қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун ишлатиладиган сув ҳажми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), шу жумладан деҳқон хўжаликлари учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича 1 куб метри учун 40 сўм ягона солиқ ставкаси белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармонида асосан, коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида, қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга қисқартирилиши кўрсатилган.

Солиқ кодексининг 447-моддасида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан жорий солиқ даврининг 15 декабригача сув солиғи учун солиқ ҳисоботлари тақдим этиш белгиланган.

Солиқ суммаси солиқ базасидан ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган ҳар йили жорий солиқ даврининг 10 декабридан кечиктирмай қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжалигида, сув ресурсларидан фойдаланувчи юридик шахсларга, деҳқон хўжаликлари бўйича эса — ҳисобот даври учун келгуси йилнинг 20 январидан кечиктирмай сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш жойи бўйича солиқ органларига тақдим этади [6].

Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунига мувофиқ, «сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) суғориш технологиялари жорий этилган ерлар — сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнанинг бошидан эътиборан беш йил муддатга. Ушбу имтиёз сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органнинг хулосаси асосида берилади. Агарда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнанинг бошидан бошлаб беш йил давомида фойдаланишга яроқсиз бўлган ёки демонтаж қилинган бўлса, солиқ имтиёзи бутун солиқ даври учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилинади».

«Белгиланган лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари бир куб метр учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади (3-жадвал):

3-жадвал

Белгиланган лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари, м³ учун

Т/р	Солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объекти	1 куб. м учун солиқ ставкаси (сўмда)	
		ер усти сув ресурслари манбалари	ер ости сув ресурслари манбалари
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (бундан 2 — 6-бандларда кўрсатилганлари мустасно), шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар	182	221
2.	Саноат корхоналари	472	564
3.	Электр станциялари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	70	90
4.	Қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув ҳажми қисми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари	40	40
5.	Автотранспорт воситаларини ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	1990	1990
6.	Алкоголсиз ичимликлар ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	25 185	25185

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича алоҳида қурилиш фойдали қазилмалари бўйича ставкалар унификация қилинмоқда. Бу норуда фойдали қазилма конларини ўзлаштириш ва уларни, айниқса дарё ўзанларидан, самарали қазиб олишини таъминлашга қўшимча шарт-шароитлар яратади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар тақиқланади:

¹ https://www.norma.uz/uz/nhh_loyihalari/2021_yilda_soliq_solishda_nimalar_uzgaradi

полимер плёнкали пакетларни бепул бериш, уларнинг нархيني Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товарлар нархига қўшиш, шунингдек, уларни ўз таннархидан паст нархларда сотиш (тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган пакетлар бундан мустасно);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қалинлиги 40 микрондан кам бўлган полимер плёнкали пакетларни ишлаб чиқариш (экспорт учун ишлаб чиқариладиган, тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган, хўжаликда фойдаланиш учун рулонларда сотиладиган полимер плёнкали пакетлар, шунингдек, биологик чирийдиган полимер материаллардан тайёрланган пакетлар бундан мустасно);

полимер плёнкадан тайёрланган тутқичли (кесиксимон, ҳалқали) пакетларни (ТИФ ТН бўйича 3923 21 000 0, 3923 29 100 0, 3923 29 900 0 кодли) "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимига жойлаштириш, ушбу полимер плёнкаларни жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун товарлар ва шахсий буюмларини ташиш ва қадоклашда, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шунингдек, гуманитар ёрдам сифатида, реклама ва синов ўтказиш учун олиб келинадиган ҳоллар бундан мустасно.

Шунингдек, ушбу қарорга мувофиқ, позициялар бўйича экологик йиғим белгилаш масаласи ҳам қонун чиқарувчи органлар, Экологик партия вакиллари томонидан ўрганилмоқда.

5. Хулоса ва таклифлар.

Ер юзидаги ресурслар чекланган, уларнинг айримлари эса тикланмайди. Лекин тикланиши мумкин бўлган ер ва сув ресурслари ҳам инсон ва унинг чексиз эҳтиёжлари натижасида таркибан ўзгариб, камайиб бормоқда. Бундай шароитда ушбу ресурсларнинг камайиб кетишининг олдини олиш ва сув ресурсларининг камайиши ҳамда ер ресурслари таркибининг ўзгариши натижасида келиб чиқаётган экологик муаммоларни қисқартишининг ва уларнинг таъсирида келиб чиқадиган муаммоларни олдини олишнинг асосий йўналиши бу-давлат томонидан иқтисодий, хусусан, солиқ дастакларини қўллаш.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, экологик йиғимларни қўллашдан мақсад ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, уларнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик ва экологик муаммоларнинг олдини олишдир.

Келгуси даврда ҳам экологик хавфларнинг олдини олишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни таклиф этамиз:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, экологик йиғимларни белгилашда ва уларнинг ҳуқуқий асосларида тушунмовчиликлар ва истесноли ҳолатлар кўп. Энг аввало, ушбу тушунмовчиликларни бартараф этиш керак. Масалан, белгиланган лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари мос равишда 1 м³ учун 472 ва 564 сўмни ташкил этадм. Аммо бу ерда шифохоналар ва мактаблар учун имтиёзли жиҳатлар мавжуд. Аммо ушбу шифохона ва мактаблар тижорий фаолият билан шуғулланса, унда солиқ базаси ва объектида ўзгариш бўлади. Бу ҳолат солиқ ҳисобини юритишда муаммоларни келтириб чиқаради;

- полимер плёнкали пакетларни бепул бериш, уларнинг нархيني Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товарлар нархига қўшиш, шунингдек, уларни ўз таннархидан паст нархларда сотиш 2019 йил 1 январдан бошлаб таъқиқланган. Супермаркетлардан пакет сотиб олганингизда акцизга тортиш амалиёти жорий этилган. Аммо айрим дўконлар борки, уларнинг логотипи туширилган пакетлар PR воситаси сифатида хизмат қилади ва у бепул берилади. Солиққа тортиш амалиётида ушбу ҳолат назарда тутилмаган ва тартибга солинмаган. Дўконларнинг логотипи туширилган пакетларни қоғоз ёки эко пластик пакетларга алмаштиришни ҳуқуқий белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Kodolova, Alena V. (2014) Problems of Legal Regulation of Environmental Liabilities Elimination. *Sovremennoe pravo* 7: 27–31. (In Russian)

Гурбанова Айнур (2020) Видади гызы Влияние экологической системы на экономическую и национальную безопасность. Экономика та держава. № 3. С. 144–148. / Gurbanova Ainur (2020) Vidadi gizi The impact of the ecological system on economic and national security. The economy is that power. No. 3, pp. 144–148. DOI: 10.32702/2306-6806.2020.3.144

Гаджиев Н.Г., Коноваленко С.А., Трофимов М.Н., Гаджиев А.Н. (2021) Роль и значение экологической безопасности в системе обеспечения экономической безопасности государства. Юг России: экология, развитие. 16(3):200-214. / Gadzhiev N.G., Konovalenko S.A., Trofimov M.N., Gadzhiev A.N. (2021) The role and importance of environmental security in the system of ensuring the economic security of the state. South of Russia: ecology, development. 16(3):200-214. <https://doi.org/10.18470/1992-1098-2021-3-200-214>

Никулина Наталья Леонидовна (2007) Экологические аспекты экономической безопасности региона // Экономика региона. №2. / Nikulina Natalya Leonidovna (2007) Ecological aspects of the economic security of the region // Economics of the region. No. 2.

Новикова, Е.В. (2020) Современные экономические и правовые инструменты предотвращения и минимизации экологического ущерба. Правоведение, 62 (4), 625-639. / Novikova, E.V. (2020) Modern economic and legal instruments for preventing and minimizing environmental damage. Jurisprudence, 62(4), 625-639. <https://doi.org/10.21638/spbu25.2018.403>

Тулаков, Улугбек. (2021) Ўзбекистонда ер солиғи ривожланиши истиқболлари. 10. 355-366. / Tulakov, Ulugbek. (2021) Prospects for the development of land tax in Uzbekistan. 10. 355-366.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон. / Decree (2022) of the President of the Republic of Uzbekistan "On the new strategy of Uzbekistan for 2022-2026" No. DP-60. <https://lex.uz/docs/5841063>

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3730-сон. / Resolution (2018) of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve the system of implementation of work related to household waste" No. RP-3730.



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИ

PhD, доцент, Мансуров М.А.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация: Мақолада давлат бюджети харажатларини тақсимлашнинг назарий асослари, бюджетнинг харажатлар қисмининг режасини тузиш, харажатлар бўйича бюджетнинг ғазна ижросини амалга ошириш механизмлари ҳақида сўз боради. Давлат бюджети харажатларининг мамлакат иқтисодий фаолиятидаги ўрни ва тартибга солишнинг муҳим воситаси эканлиги ўрганилган. Ўзбекистонда бюджет харажатларини амалга ошириш йўналишлари келтирилган.

Шунингдек, йиллар кесимида бюджет харажатларининг ижроси бўйича ўзгариш тенденциялари таҳлил қилиниб, бюджетнинг харажатлар бўйича ижросини самарали ташкил қилишда таклифлар берилган.

Калит сўзлар: бюджет, бюджет харажатлари, бюджетлараро трансфертлар, маҳаллий бюджет барқарорлиги, нақд пул, ғазна ижроси, тўловлар.

TREASURY EXPENDITURE OF THE STATE BUDGET

PhD, Associate Professor, Mansurov M.A.

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Abstract: The article deals with the theoretical foundations of the distribution of state budget expenditures, planning of the expenditure part of the budget, mechanisms for implementing the budget treasury in terms of expenditures. The role of state budget expenditures in the country's economic activity and as a regulatory tool has been studied. The directions of expenditures of the budget of Uzbekistan are given.

It also analyzes trends in the execution of budget expenditures over the years and provides recommendations for the effective organization of budget execution by expenditures.

Key words: budget, budget expenditures, interbudgetary transfers, local budget stability, cash desk, treasury execution, payments.

1. Кириш.

Давлат бюджети харажатларини ижроси даромадларни шакллантириш ва уларнинг ижросидан кўра мураккаб жараён ҳисобланади. Агар бюджетнинг даромад қисми режалаштирилган миқдор бўлса, харажатлар ҳисоб-китоблар билан шаклланади ва бажарилганда даромадга тўлиқ боғлиқ саналади.

Бюджет Кодексига асосан бюджет тизими бюджетлари харажатлар қисмининг ижроси, юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишни; касса харажатларини амалга оширишни, шу жумладан бюджетлараро трансфертларни ўтказишни; ҳисоб ва ҳисоботни; ижро устидан назоратни назарда тутди.

Бюджет ижросининг ғазна тизими доирасида харажат операциялари таркибий жиҳатдан иккита элементдан ташкил топган:

- Тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида харажатларга рухсат бериш;
- Тўловларни амалга ошириш (тўлаб бериш).

Бюджет тизими бюджетлари харажатлар қисмининг ғазна ижросида, юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш муҳим ўрин тутди.

Давлат бюджети харажатлар қисмининг ғазна ижроси, бу бир томондан аҳолининг кам таъминлаган қатламини ҳимоялаш уни қўллаб-қувватлаш, инвестицияларга давлатдан маблағ ажратиш орқали аҳолини ишсиз қатламини иш билан таъминлаш бўлса, иккинчидан, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, давлат бошқаруви, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда давлат бюджетининг аҳамиятлилигини кўрсатмоқда.

Давлат бюджети маблағларини оқилона бошқариш нафақат ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг самарадорлиги орттиради, балки ўз навбатида мамлакат иқтисодий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашнинг самарали имкониятларини беради.

Бюджет харажатларининг салмоғини ЯИМда ўсиш тенденцияси бу бир томондан янги Ўзбекистон ислохотларида ижтимоий ривожланишни барқарорлигини сақлаш, ижтимоий қатламни қўллаб-қувватлаш харажатларини ошириш билан иккинчи томондан иқтисодий қўллаб-қувватлаш, шу билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият органларига берилган молиявий мустақиллик, мамлакат давлат молияси тизимида амалга оширилаётган ислохотлар билан изохлашимиз мумкин.

2. Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодчи олимлар томонидан давлат бюджети харажатларининг ғазна ижроси турли нуқтаи назардан ўрганилган ва таҳлил этилган.

Давлат бюджетини ижро этишнинг самарали ва амалий механизми, ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, Давлат бюджетини ғазна ижроси бўлиб, унда давлат бюджети даромадлари ва харажатлари бўйича барча операциялар Молия вазирлигининг Ғазначилиги томонидан (айрим мамлакатларда алоҳида идора), Давлат бюджети маблағлари (шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари) ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритиладиган ва харажатлари тўланадиган, бошқариладиган махсус банк ҳисобварағида (кейинги ўринларда - Ягона ғазна ҳисобварағи) жамланади. Бу эса ўз навбатида миллий иқтисодий ривожланишига туртки бўлади.

Давлат бюджети харажатлари бу давлатнинг пул маблағларини тақсимлаш ва мақсадли харажатланишида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардир. Шунингдек, давлат бюджетининг харажатлари умумий молиявий категория бўлган бюджетнинг кўринишларидан бири бўлиб, унга тегишли бўлган умумий хусусиятларга эгадир (Маликов, Хайдаров, 2007).

Давлат бюджети харажатлари бюджетдан маблағ олувчиларнинг мақсадли пул фондларини шакллантиришда намоён бўлади ва ўзида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг молиявий мазмунини акс эттиради. Давлат бюджетининг асосий вазифаси – давлатнинг фискал сиёсати моҳияти ва йўналишларини ўзида ифода этади (Қурбонов, Бижанова, 2015).

Давлат бюджети харажатлари капитал ва жорий харажатлар шаклида шакллантирилади. Капитал харажатлар бу инновация ва инвестиция учун йўналтирилган харажатлар бўлса, жорий харажатлар давлатнинг фаолият кўрсатиши учун сарфланадиган харажатлардир. Шунингдек, Давлат бюджети харажатлари миллий иқтисодий қилинадиган харажатлар ва ижтимоий соҳа ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларига бўлинади (Эшназаров, Мансуров, 2015).

Давлат бюджетининг харажатлари давлат фаолиятининг функция ва вазифалардан келиб чиқиб белгиланади. Давлатнинг жорий харажатлари бошқарув органлари аппаратини сақлаб туриш, муҳофаа қобилятини кўчатириш ва ижтимоий соҳани молиялаштириш каби харажатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари давлат бюджетидан талабалар ва ногиронларга бериладиган нафақалар, ишсизлик нафақалари ва хўжалик ташкилотларига бериладиган дотация ва субсидиялар ҳам молиялаштирилади.

Давлатнинг капитал харажатлари - бу асосан давлат инвестиция дастури бўйича қилинадиган харажатлар ҳисобланади. Давлатда хусусий тармоқ даромадларининг паст бўлган бир даврда иқтисодий ривожлантиришда давлат инвестициялари муҳим рол ўйнайди. Аммо, М.Фридман Давлат инвестициясининг ортиши иқтисодий тармоқнинг оёғини тойдирувчи хусусиятга эга деб таъкидлайди. Чунки давлат инвестицияларининг салмоғини ошиши хусусий сармоя самарадорлигини камайтиради.

Давлат бюджетининг ғазна ижросини моҳиятини белгиловчи асосий тушунчаларни изохлашда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, мақолалар ва баъзи илмий ишларда турли

таърифлар мавжуд. Жумладан, рус олимлари Солонина (2008), Давлат бюджетининг ғазна ижроси бу “бюджетдан маблағ олувчиларнинг ғазначиликда улар учун очилган ҳисобварақларда бюджет молиявий оқимларининг ўтиши” деб ҳисоблайди.

Романенковнинг (2000) фикрига кўра, “ғазначилик тизимида бюджет маблағини олувчиларнинг етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ижро учун қабул қилиш ва кейинчалик уларга хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларини бюджет маблағини олувчиларнинг номидан ва уларнинг топшириғига кўра ғазначилик ўз зиммасига олади ва амалга оширади ва бунда у бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни таъминлайди”.

Бироқ, юқорида келтирилган таърифлар ғазначилик органлари фаолиятининг бир томони – харажатлар бўйича бюджет ижроси ҳақида фикр юритиш имконини беради. Бюджет ғазна ижросининг қуйидаги келтирилган таърифлари, бизнинг назаримизда, ғазначилик органларининг бюджетни ижро этишдаги ролини акс эттиради. Масалан, Рудовалнинг (2003) фикрига кўра, бюджет ижросининг ғазна тизими “давлат ҳокимияти ихтисослашган органи ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи томонидан бюджет маблағларининг сафарбар этилиши ва сарфланишининг таъминланиши” сифатида тушунилади, “бунда мазкур орган тушумларни рўйхатга олиш, бюджет мажбуриятларининг ҳажмини ва уларни қабул қилиш муддатларини тартибга солиш ҳамда ягона бюджет ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш каби мутлақ ваколатларига эга бўлади”. Худди шундай фикрни Вахрин (2004) ҳам билдиради: “Федерал бюджетнинг ғазна ижросида тушумларни рўйхатга олиш, бюджет мажбуриятларининг ҳажмини ва уларни қабул қилиш муддатларини тартибга солиш, бюджет мажбуриятларининг ажратилган лимитлари доирасида харажатлар ҳуқуқини берувчи руҳсат этувчи ёзувни қўйиш, федерал бюджет маблағлари олувчиларининг номидан тўловларни амалга ошириш вазифаси федерал ғазначилик органининг зиммасига юклатилади”.

Гусев (2005) эса бюджет ғазна ижросини “бюджетдан маблағ олувчиларнинг олган мажбуриятларини ижрога қабул қилиш ва улар номидан тўловларни мақсадли амалга ошириш” деб ҳисоблайди. Бундан ташқари Акперов (2002) бюджетнинг ғазна ижроси деганда “тушумларни ҳисобга олиш, бюджет мажбуриятларини ҳажм ва муддатларини тартибга солиш, бюджет мажбуриятлари бўйича ажратилган лимитлар доирасида харажатларни амалга оширишга руҳсат ва улар номидан тўловларни амалга ошириш” деб тушунтиради.

Ўзбекистонда биринчи бўлиб, Эшназаров (2009) Давлат бюджетининг ғазна ижросига қўйидагича таъриф беради. Давлат бюджетининг ғазна ижроси бу - давлат бюджети харажатларига молиявий ресурсларни етарли бўлишини таъминлаш ва давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари ҳисобини олиб борилиши борасидаги иқтисодий муносабатлардир.

Шунинг билан бир қаторда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Бюджет кодексига бюджет тизими бюджетларининг ижроси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ғазна ижроси йўли билан амалга оширилади деб белгиланишига қарамадан, бюджетнинг харажатлар бўйича ғазна ижросига таъриф берилмаган (Кодекс, 2014).

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспекция ва истиқболли, эмперик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан юридик мажбуриятлар¹ иқтисодий тасниф кодлари бўйича бюджетдан ва бюджетдан ташқари жамғармаларидан ажратиладиган маблағлар доирасида қабул қилинади ҳамда ғазначилик томонидан рўйхатдан ўтказилади ва ундан кейин кучга киради.

Шу билан бир қаторда импорт шартномалари, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ушбу шартномалар қонунчилиқда назарда тутилган тартибда ваколатли органларда тегишли экспертизадан ўтганидан ва ҳисобга қўйилганидан сўнг ғазначилик томонидан рўйхатдан ўтказилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 3- модда <https://lex.uz/docs/2304138#2311916>

Ўзбекистон Республикаси бюджет харажатларини динамикаси², млрд.сўм

Кўрсаткичлар		Йиллар					Олдинги йилларга нисбатан %			
		2013	2015	2017	2019	2020	2015\2013	2017\2015	2019\2017	2020\2019
	ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ (ЯИМ)	118986,9	171369,0	249136,4	511800,0	580200,0	144,02	145,4	205,4	113,4
	ХАРАЖАТЛАР (мақсадли жамғармаларсиз) - жами	25833,7	36257,3	49344,9	118008,7	144142,7	140,35	136,1	239,2	122,2
1.	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шундан:	15167,8	21316,9	26922,7	63542,4	74231,8	140,54	126,3	236,0	117,0
1.1	Маориф	8803,3	12162,2	15977,7	33536,1	29961,0	138,16	131,4	210,0	89,3
1.2	Соғлиқни сақлаш	3709,9	5218,5	7030,30	14977,4	19397,20	140,66	134,7	213,0	129,51
1.3	Маданият ва спорт	287,4	387,5	750,2	2417,3	2340,7	134,83	193,6	322,2	97,0
1.4	Фан	164,7	216,7	275,6	662,4	823,8	131,57	127,2	240,4	124,4
1.5	Ижтимоий таъминот	106,4	147,5	435,3	5486,2	3014,7	138,63	295,1	1260,3	55,0
1.6	Болали оилаларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий нафақалар	1611,3	2102,6	2 239,6	2337,1	3247,9	130,49	106,5	104,4	139,0
1.7	Қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастури	374,7	869,8	214,0	4125,7	1938,2	232,13	24,6	1 928,0	47,0
2.	ННТ, НСТ ва фуқаролик жамиятлари институтларини ривожлантириш	7	10,0	12,0	37,8	47,5	142,86	120,0	315,0	126,0
3.	Иқтисодиёт харажатлари	2756,7	3821,3	5280,7	18485,2	16692,8	138,62	138,2	350,1	90,3
4.	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	1439,5	1838,7	3234,8	7048,5	18843,7	127,73	175,9	218,0	267,3
5.	Давлат ҳокимияти, бошқарув, суд ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш	1150,7	1605,9	2431,5	5315,0	7826,4	139,6	151,4	218,6	147,3
6.	Бошқа харажатлар	5312,1	7664,5	11463,2	22878,7	22360,3	144,28	149,6	199,6	98,0
7.	Давлат бюджети тақчиллиги (-), профицити (+)	389,5	236	339,8	4490,8	11204,6	60,59	144,0	1321,6	250,0

² Жадвал муаллиф томонидан Молия вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети харажатларининг сўнги 2013-2020 йиллардаги мутлоқ кўрсаткичларда ўсиб борганлиги айниқса, 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 2 баробардан ортиқ ўсганлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга, ЯИМнинг ўсиши ҳам 2 баробарни ташкил этган.

Жумладан, 2015 йилда давлат бюджети харажатлари 2013 йилга нисбатан 140,3 фоизга ўсган бўлса, 2020 йил 2019 йилга нисбатан 122,2 фоизга ўсган. ЯИМнинг ўсиши 2015 йилда 144,0 фоизга ва 2020 йилда эса 2019 йилга нисбатан 113,4 фоизга ўсган. Бу ерда давлат бюджети харажатларини ЯИМга нисбатан ўсиш тенденциясини кўриш мумкин.

Давлат бюджети харажатларини сўнги уч йилда тез ўсиши мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар билан боғлиқдир. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, ижтимоий соҳага, ННТ, НСТ ва фуқаролик жамиятлари институтларини ривожлантириш, марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш, шунингдек, Давлат ҳокимияти, бошқарув, суд ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш харажатлари кескин даражада ўсган. Албатта бу харажатларнинг салмоқли қисмини уй-жойлар қуриш дастури харажатлари, марказлашган инвестиция харажатлари ва иш ҳақи харажатлари ташкил этади. Жадвалдан кўриниб турибдики, 2019 йилда қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастури харажатлари 2013 йилга нисбатан 2015 йилда 2,3 баробарга ўсган, шунингдек, 2019 йилда 2017 йилга нисбатан эса қарийб 20 баробарга ўсган. Ёки марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатларини оладиган бўлсак, ушбу харажатлар 2015 йилда 2013 йилга нисбатан 127,7 фоиз ўсган бўлса, 2017 йил 175,9 фоиз, 2019 йил 218,0 фоиз ва 2020 йилда 267,3 фоизга ўсган.

Шу билан бир қаторда, 2-жадвалдан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатларини ЯИМдаги улуши эса унчалик даражада ўсмаган. Жумладан, 2015 йилда харажатларнинг улуши 21,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда эса 19,8 фоиз бўлиб, бир фоиздан ортиқ камайган. 2019 йилда 23 фоиз ва 2020 йилда эса қариеб 25 фоизни ташкил этган. Соҳалар кесимида кўрадиган бўлсак, соғлиқни сақлаш харажатлари 2013 йилда 3,12 фоизни ва 2020 йилда эса 3,34 фоизни ташкил этган. Маданият ва спорт харажатлари 2013 йилда 0,24 фоизни ва 2020 йилда эса 0,40 фоизни ташкил этган.

Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатларининг ЯИМдаги улуши 2013 йилда 1,21 фоизни ва 2020 йилда эса 3,25 фоизни ташкил қилиб 2,6 баробарга ошган. Давлат ҳокимияти, бошқарув, суд ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш харажатлари 2013 йилда 0,98 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб уларни улуши 1,35 фоизни ташкил қилган ва 38 фоизга ошган.

Шу билан бир қаторда 2-жадвалдан кўриниб турибдики, айрим соҳа харажатларининг ЯИМдаги улуши камайган. Жумладан, маориф харажатлари 2013 йилда 7,4 фоиз бўлган бўлса 2015 йилда 7,09, 2017 йилда 6,41, 2019 йилда 6,55 ва 2020 йилда эса 5,16 фоизни ташкил этган ва 2020 йилда 2013 йилга нисбатан 30,2 фоизга камайган. Ваҳоланки 2013-2020 йилларда йилда маориф соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш, таълим стандарти ҳамда дастурларининг такомиллаштирилиши, умумтаълим мактабларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилиши ва маориф соҳаси харажатларини молиялаштириш 2013 йилда 8803,3 млрд.сўм, 2017 йилда 15 977,7 сўм, 2019 йилда 33 536,1 млрд.сўм ва 2020 йилда 29 961,0 млрд.сўмни ташкил этиб, ўртача 2 баробардан ошган.

Жами бюджет харажатларини 2013-2020 йилларда ЯИМда салмоғи³, млрд.сўм

Кўрсаткичлар		Йиллар					ЯИМга нисбатан (%)				
		2013	2015	2017	2019	2020	2013	2015	2017	2019	2020
	ЯЛПИ ИЧКИ МАХСУЛОТ (ЯИМ)	118986,9	171369	249136,4	511800	580200,0	100,0	100	100	100	100
	ХАРАЖАТЛАР (мақсадли жамғармаларсиз) - жами	25833,70	36257,30	49344,9	118008,7	144142,7	21,7	21,16	19,8	23,06	24,84
1.	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шундан:	15167,80	21316,90	26922,7	63542,4	74231,8	12,7	12,40	10,80	12,42	12,79
1.1	Маориф	8803,30	12162,20	15977,7	33536,1	29961,0	7,4	7,09	6,41	6,55	5,16
1.2	Соғлиқни сақлаш	3709,90	5218,50	7030,3	14977,4	19397,2	3,12	3,05	2,82	2,93	3,34
1.3	Маданият ва спорт	287,4	387,5	750,2	2417,3	2340,7	0,24	0,23	0,30	0,47	0,40
1.4	Фан	164,7	216,70	275,6	662,4	823,8	0,14	0,12	0,11	0,13	0,14
1.5	Ижтимоий таъминот	106,4	147,5	435,3	5486,2	3014,7	0,09	0,86	0,17	1,07	0,52
1.6	Болали оилаларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий нафақалар	1611,30	2102,60	2239,6	2337,1	3247,9	1,35	1,23	0,89	0,46	0,56
1.7	Қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастури	374,7	869,80	214,0	4125,7	1938,2	0,31	0,51	0,86	0,81	0,33
2.	ННТ, НСТ ва фуқаролик жамиятлари институтларини ривожлантириш	7	10,00	12,0	37,8	47,5	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01
3.	Иқтисодиёт харажатлари	2756,70	3821,30	5280,7	18485,2	16692,80	2,32	2,23	2,12	3,61	2,88
4.	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	1439,500	1838,70	3234,8	7048,5	18843,70	1,21		1,05	1,38	3,25
5.	Давлат ҳокимияти, бошқарув, суд ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш	1150,72	1605,90	2431,5	5315,0	7826,4	0,97	0,94	0,98	1,04	1,35
6.	Бошқа харажатлар	5312,10	7664,50	11463,2	22878,7	22360,3	4,46	4,47	4,47	4,47	3,9
7.	Давлат бюджети тақчиллиги (-), профицити (+)	389,5	236	339,8	-4 490,8	-11204,6	0,33	0,14	0,14	0,88	1,93

³ Жадвал муаллиф томонидан Молия вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Соҳада бюджет маблағларининг улуши ЯИМда камайишига қарамасдан 2013-2020 йилларда иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг изчил равишда ошириб борилиши давом эттирилди. Жумладан, бюджет ташкилотлари ҳодимларининг иш ҳақи 2014 йилда 23,2 фоизга оширилди. Маорифда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сонли қарори қабул қилинди ва унга мувофиқ: а) 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб базавий тариф ставкалари: бошланғич синф ўқитувчилари учун 1,1 бараварга; юқори синф ўқитувчилари учун ўртача 1,24 бараваргача; директор, унинг ўринбосарлари, ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга оширилди. б) 2019 йил 1 январдан бошлаб базавий тариф ставкалари: умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг малака тоифасидан келиб чиққан ҳолда олий тоифали ўқитувчилар учун 1,25 бараварга, биринчи тоифали ўқитувчилар учун 1,2 бараварга, иккинчи тоифали ўқитувчилар учун 1,15 бараварга, мутахассис ўқитувчилар учун 1,1 бараварга; давлат умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида олий маълумотли психологлар учун 1,1 бараварга оширилди; директор, унинг ўринбосарлари, мутахассис ўқитувчилар ва ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга оширилди.

Соғлиқни сақлаш тизими соҳасида давлат бюджети харажатларини молиялаштириш ўрганилганда 2013 йилда соҳага 3709,9 млрд.сўм ажратилган бўлса, 2017 йилда бу 7030,3 млрд. сўм, 2019 йил 14977,4 млрд. сўм ва 2020 йилда эса 19397,2 млрд. сўмни ташкил этган. 2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўсиш 89,5 фоиз бўлган бўлса, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 29,50 фоизни ташкил этган. ЯИМдаги салмоғи эса 2013 йилда 3,12 фоизни ҳамда 2020 йилда 3,34 фоизни ташкил этган ва 7,0 фоизга ўсган.

Юқорида бюджет харажатлари бўйича келтирилган таҳлиллардан кўришиб турибдики, бюджет харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт ва марказлаштирилган инвестициялар устувор эканлиги кузатилмоқда.

5. Хулоса ва таклифлар.

Давлат бюджети маблағларини оқилона бошқариш ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлашнинг самарали имкониятларини беради.

Юқоридаги таҳлилларда бюджет харажатларининг салмоғи ЯИМда ўсиш тенденциясини мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Бюджет харажатларининг салмоғини ЯИМда ўсиш тенденцияси бу бир томондан янги Ўзбекистон ислохотларида ижтимоий ривожланишни барқарорлигини сақлаш, ижтимоий қатламни қўллаб-қувватлаш харажатларини ошириш билан иккинчи томондан иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, шу билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият органларига берилган молиявий мустақиллик, мамлакат давлат молияси тизимида амалга ошириладиган ислохотлар билан изоҳлашимиз мумкин.

Шу билан бир қаторда, узоқ ва яқин истиқболга мўлжалланган бюджет сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш, бюджетни ўрта муддатли режалаштириш ва дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда мамлакатни ривожлантиришнинг истиқболли ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган фискал стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, бюджет харажатларининг натижадорлигини аниқлаш ва баҳолаш мезонлари ва механизминини ишлаб чиқиш лозим.

Учинчидан, Бюджет жараёнида бош мақсад қилиб жараёни бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, маҳаллий бюджетларнинг барқарор даромад манбаини шакллантириш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштириш ва маҳаллий бюджетларга ажратиладиган трансфертларни салмоғини пасайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни янада ривожлантиришдир.

Ушбу чора-тадбирлар бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш пировардида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш имкониятларини юзага келтиради.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Акперов И.Г., Коноплева И.А., Головач С.П. (2002) «Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации», учеб.пособие. М.: Финансы и статистика, 196 стр. / Akperov I.G., Konopleva I.A., Golovach S.P. (2002) "Treasury system of budget execution in the Russian Federation", textbook. M.: Finance and statistics, 196 pages.

Вахрин П.И. (2004) Бюджетная система Российской Федерации. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», с. 311. / Vakhrin P.I. (2004) Budget system of the Russian Federation. - M.: Publishing and trading corporation "Dashkov and K", p. 311.

Гусев С.И. (2005) Развитие федерального казначейства в системе управления государственными финансами. Автореферат на соискание д.э.н. / Gusev S.I. (2005) Development of the federal treasury in the system of public finance management. Abstract for the competition of Doctor of Economics.

Кодекс (2014) Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 109-модда. / Code (2014) Budget Code of the Republic of Uzbekistan Article 109. <https://lex.uz/docs/2304138>.

Маликов Т., Хайдаров Н. (2007) Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. Тошкент. / Malikov T., Khaydarov N. (2007) State Budget. Study guide. Tashkent.

Раманенков А.И. (2000) Федеральное казначейство и бюджетная реформа. - Псков, с.58-59. / Ramanenkov A.I. (2000) Federal Treasury and Budget Reform. - Pskov, pp.58-59.

Рудовал И.П. (2003) Правовое регулирование казначейского исполнения бюджета. - Финансы, №8, с.25. / Rudoval I.P. (2003) Legal regulation of treasury budget execution. - Finance, No. 8, p.25.

Солонина С.В. (2008) Место казначейства в системе государственного регулирования экономики России. Автореферат на соискание к.э.н. / Solonin S.V. (2008) The place of the treasury in the system of state regulation of the Russian economy. Abstract for the submission of Ph.D.

Қурбонов Ҳ., Бижанова М. (2015) Давлат бюджети харажатларининг амалдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти. *Biznes-daily.uz/ru*. 27 окт. Номер: №9 (93). / Qurbonov H., Bijanova M. (2015) The role of state budget expenditures in current socio-economic reforms. *Biznes-daily.uz/ru*. Oct 27 2015 Number: №9 (93).

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон. / Resolution (2018) No. PP-3907 of August 14, 2018 of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to bring up young people spiritually, morally and physically harmoniously, to raise the system of education to a qualitatively new level."

Эшназаров Т.Ш. (2009) Институциональные преобразования в системе регулирования национальной экономики Узбекистана (на примере института казначейства). Автореферат на соискание д.э.н. / Eshnazarov T.Sh. (2009) Institutional transformations in the system of regulation of the national economy of Uzbekistan (on the example of the institution of the treasury). Abstract for the competition of Doctor of Economics

Эшназаров Т., Мансуров М. (2015) Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Ўқув қўлланма. Тошкент. / Eshnazarov T., Mansurov M. (2015) Budget system of the Republic of Uzbekistan. Study guide. Tashkent.



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИНИ УНДИРИШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ САМАРАДОРЛИГИ

Махмадустов Ж.М.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Мақолада маҳаллий бюджетлар даромад базасини шаклланиши, унда ер солиғи ва мулк солиғининг аҳамияти ва илмий-амалий асослари ёритиб берилган. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш имкониятлари асосланган. Ер ҳамда мулк солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятини ошириш юзасидан тартиб ва амалий тавсиялар таклиф этилди. Бундан ташқари, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш йўллари бўйича тадқиқот олиб борилган бўлиб, мавзу доирасида иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ўрганилиб, хулоса ва таклифлар шакллантирилди.

Калит сўзлар: ер, ер солиғи, кўчмас мулк, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджет даромадлари, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий солиқлар, ресурс солиқлари, солиқ, бюджет, солиқ ставкаси, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари.

EFFECTIVENESS OF THE PROCEDURE FOR COLLECTION OF PROPERTY AND LAND TAXES FROM INDIVIDUALS

Makhmadustov J.M.

Tashkent State University of Economics

Abstract: The article describes the formation of the revenue base of local budgets, the importance and scientific and practical basis of land tax and property tax. The possibilities of ensuring the stability of local budgets' incomes are based. Procedural and practical recommendations were offered to increase the importance of land and property tax in the formation of local budget revenues. In addition, research was conducted on ways to increase local budget revenues, researches of economists were studied within the topic, and conclusions and suggestions were formed.

Key words: land, land tax, real estate, local budget, local budget revenues, local authorities, local taxes, resource taxes, tax, budget, tax rate, tax reporting, tax revenues, tax credits.

1. Кириш.

Мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши натижасида, бозор иқтисодиётининг асосий қоидалари бўлган хусусий мулкчиликнинг устуворлигини таъминлаш ва иқтисодий жараёнларни бозор механизми орқали тартибга солишга эришишни таъминлашга эътибор кучайтирилди.

Жумладан, ресурслардан фойдаланишда иқтисодий механизмларга устуворлик берилиши орқали улардан фойдаланишни тартибга солиш механизми яратилди ва бу жараён даврга мос равишда такомиллашиб бормоқда. Ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган иқтисодий механизм элементларининг энг муҳими – бу албатта солиққа тортишдир.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бюджет масаласи жуда муҳим ва мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ҳудуднинг ривожини, аҳолисининг турмуш шароити, ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оила ва шахсларни етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда аҳолини рози қилиш, ҳар бир ҳудуддаги давлат ҳокимияти органларининг молиявий масалаларини тўғри ҳал қила билишга боғлиқдир. Бунда маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ ва йиғимларнинг тури, миқдорини

белгилаш алоҳида аҳамият касб этади. Республикамиз солиқ тизимини такомиллаштиришда турли ҳокимият органларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича ваколатларини янада аниқлаштириш ва бунда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг бу борадаги ваколатларини ошириш муҳим йўналиш қилиб белгиланиши лозим.

2. Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий нуқтаи назардан, солиқ ва солиқдан ташқари тушумларнинг ўсиши учун қўшимча заҳираларни топиш ва жалб қилиш нафақат маҳаллий бюджетларни тўлдириш, балки замонавий ҳуқуқий маконни шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар, турли ижтимоий йўналтирилган шаҳар дастурлари ва уларни амалга ошириш масаласидир.

Мулк ҳуқуқи хусусий мулк бўлган мамлакатларда хусусий мулк ҳуқуқи ва ер қийматининг комбинацияси иккита ижтимоий харажатларни келтириб чиқаради: ернинг (ёки бойликнинг) қиймати ва бу бойликнинг тенг тақсимланмаганлиги, фойдаланилмаган ернинг қийматини ўндириш воситаларидан бири солиқдир (Wyatt, 2019).

Ер солиғи - бу ободонлаштирилмаган ерларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда ер эгаларидан олинadиган даврий солиқдир. Ер солиғи бойликларга солиқ солиш ва ерлардан самарали фойдаланишни рағбатлантиришнинг тежамкор воситасидир. Кўпгина адабиётларда назарий жиҳатларга асосий эътибор қаратилган, ammo уларнинг аксарияти бундай солиқни қандай мукамал жорий қилиш мумкинлиги ҳақида батафсил маълумотга эга эмас (Hughes ва бошқа. 2020).

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Тошқулов (2021) фикрича қишлоқ хўжалигини солиққа тортиш доимий равишда ислоҳ қилинмоқда, лекин бу унинг мукамаллигини кафолатламайди. Солиқ қонунчилигининг беқарорлиги, мураккаблиги ва ноаниқлиги, инвестиция, инновация ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун солиқ механизмларидан кам фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш солиқ тизимининг қишлоқ хўжалигида ўз вазифаларини тўлиқ бажаришга имкон бермайди.

Власованинг (2015) фикрига кўра "Маҳаллий бюджетларнинг даромадли салоҳияти давлат-хусусий шерикликни янада фаолроқ амалга оширишни, солиқ имтиёзларини жорий этиш ва бюрократик жараёнларни тезлаштириш ва соддалаштириш орқали бизнес юритишни иложи борича осонлаштиришни, ноишлаб чиқариш харажатлари улушини камайтиришни ва ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтиришни талаб қилади. Натижада минтақадаги бюджет сиёсати самарадорлигининг ошишига олиб келади. Маҳаллий бюджетларнинг даромад салоҳиятини ошириш бўйича комплекс қарор узоқ муддатли истиқболда бутун минтақа иқтисодиёти учун кучли ижобий таъсир кўрсатади". Селезнев, Доценколарнинг (2016) фикрига кўра "маҳаллий бюджетларнинг реал молиялаштириш тақчиллиги муаммоси билан боғлиқ ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш тизими - муҳим макроиқтисодий вазифа", деб ҳисоблайдилар.

Серебрякова (2017) таъкидлаганидек, "Ҳудудларни молиявий таъминлаш маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг энг қийин ва долзарб масалаларидан бири", деб таъкидлайди.

Сухарев (2020) барча даражадаги бюджет даромадлари манбаларини тубдан ўзгартириш, бюджет механизмининг рағбатлантиришга йўналтирилган харажатларни самарали фаолият натижаларни жорий этиш тизимини илгари суради.

Худойқулов (2019) ўз тадқиқотларида эконометрик усуллар орқали давлат бюджети жами даромадларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланган, Агзамов (2019) жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини 2019-2023 йиллар учун прогноз кўрсаткичларини аниқлаган,

Пардаев (2018) давлат бюджети даромадларини прогнозлаш масалаларини тадқиқ этган, Урмонов (2019) 2018-2020 йилларга мўлжалланган ягона солиқ тўловининг солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларини аниқлаган.

Хайдаров (2020) фикрича маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини кўпайтириш ва вилоятларда янги иш ўринларини яратиш учун хоржий инвесторларни жалб этишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун мамлакат бўйича хорижий инвесторлар қандай турдаги тадбиркорлик ва тижорат фаолияти билан шуғуллана

олмайдиган соҳа ва тармоқлар рўйхати ишлаб чиқилиб, қолган барча соҳа ва тармоқларга яшил йўл борлиги кўрсатилиш лозим.

3. Тадқиқот методологияси.

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг долзарб масалаларидан бири сифатида маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Сўнги йилларда маҳаллий бюджетлар даромадлари маҳаллий бюджетлар харажатларига нисбатан доимий равишда камни ташкил этмоқда. Айниқса сўнги йилларда уларнинг орасидаги тафовут сезиларли равишда фарқланганлигини, яъни харажатларнинг кескин ошиб кетганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ЎРҚ-350-сон Қонуни 13-моддаси, Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги Қонунларига мувофиқ тартиб ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида қайд этилганидек ишлаб чиқиладиган тартиб жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларига мол-мулк ва ер солиқларини ҳисобланиши ва ундирилишида давлат солиқ хизмати ва ўзини ўзи бошқариш органларининг (*кейинги ўринларда – маҳалла фуқаролар йиғини*) ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган вазифаларини ҳамда ундирилган маблағларнинг бир қисмини маҳаллалар ихтиёрида қолдириш тартибини белгилайди.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқлари бўйича ойлик ундириш режасини белгилаш тартиби эса қўйдагиларни ўз ичига олдади. Мол-мулк ва ер солиқлари бўйича ойлик режа ҳар ойда мазкур Тартибнинг 1-иловасига мувофиқ маҳаллалар кесимида тегишли равишда туман(шаҳар) ҳокими, молия бўлими ва давлат солиқ инспекцияси раҳбари томонидан қўйдагиларни инобатга олган ҳолда белгиланади, жумладан:

а) ҳисоб-китоб қилинадиган ойда жорий йилга ҳисобланган солиқларнинг ундирилмасдан қолган қисмини қолган ойларга мутаносиб тақсимлаш орқали (*бунда солиқларни тўлаш муддатларини инобатга олиш лозим*);

б) ўтган йиллардан келаётган қарздорликлар ҳисобидан ундирилиши лозим бўлган маблағлар.

Хусусан, ундирилиши лозим бўлган мол-мулк ва ер солиқлари режаси ҳисоб-китоб ойининг 10-санасига қадар туман(шаҳар) ҳокими, молия бўлими ва давлат солиқ инспекцияси раҳбари томонидан тасдиқланади. Мазкур тасдиқланган режа белгиланган тартибда маҳалла фуқаролар йиғинларига етказилиши керак. Тасдиқладиган режа бўйича солиқ тўловларини йиғиш маҳалла фуқаролар йиғини органлари томонидан ортиқча тўловга йўл қўймаган ҳолда амалга оширилади. Бундан ташқари мол-мулк ва ер солиқларини ундиришда маҳаллий ҳокимликлар, давлат солиқ хизмати органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиши керак бўлади.

Ҳар бир маҳалладаги солиқ йиғимлари бўйича масъул ходимга (*кейинги ўринларда – масъул ходим*) тегишли компьютерларга интернет тармоқларининг мавжудлигидан келиб чиқиб, солиқ органларининг маълумотлар базасидаги жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари ҳамда уларга ҳисобланган, тўланган ва солиқ қарздорликлари тўғрисидаги маълумотларни кўриш имкониятларини яратилиши керак бўлади;

Ҳар йили 15 февралга қадар ҳар бир солиқ тўловчи жисмоний шахслар бўйича тўлашни лозим бўлган мол-мулк ва ер солиқлари тўғрисидаги тўлов хабарномаларини чоп этиб, рўйхат асосида маҳалла фуқаролар йиғини раиси (*масъул ходими*) га етказилади. Бунда маҳалла фуқаролар йиғини раиси (*масъул ходим*) тарқатилиши лозим бўлган тўлов хабарномаларни рўйхатга имзо қўйган ҳолда қабул қилиб олиши керак бўлади. Солиқ тўловчиларга 1 мартга қадар етказилганлигини тасдиқловчи тўлов хабарномалар корешогини маҳалла фуқаролар йиғини раиси (*масъул ходими*) дан 10 мартга қадар қабул қилиб олади. Бундан ташқари, ҳар ойнинг 5 санасига қадар мазкур тартибнинг 2-бандида кўрсатилган тартибда маҳаллалар

кесимида ойлик тушадиган мол-мулк ва ер солиқлари бўйича тўлов режаси тўғрисидаги ҳисоб-китобларни тасдиқлаш учун туман(шаҳар) ҳокимлиги ва молия бўлимига тақдим этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари сўровига мувофиқ, ҳудудида жойлашган ҳар бир жисмоний шахсга тегишли кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари учун ҳисобланган, тўланган ва солиқ қарздорликлари тўғрисидаги маълумотларни электрон кўринишида тақдим этиши мумкин. Жисмоний шахсга тегишли бўлган кўчмас мулк объекти ва ер участкаси жойлашган жойи бўйича тушумлар ҳисобини юритади ҳамда тушумлар миқдоридан келиб чиқиб ҳар бир маҳаллага ажратилиши лозим бўлган маблағлар тўғрисида туман(шаҳар) ҳокимлиги ва молия бўлимига ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 10-санасига қадар ўтган ой учун ахборот тақдим этиб боради. Ҳар чорақда эса маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ундирилган ва ундирилиши лозим бўлган мол-мулк ва ер солиқлари тўғрисида таққослама маълумотномани расмийлаштиради.

Кейинги ўринда маҳаллий ҳокимият органларининг мажбуриятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жумладан ҳар бир маҳаллада жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини ундиришда маҳалла фуқаролар йиғинини:

- идоравий ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг узлуксиз ишлашини;

- аҳолидан фақат нақдсиз кўринишда маблағларни ундириш учун Солиқларни автоматик йиғиш тизимига уланган қурилмалар билан таъминлаши керак. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари учун тушадиган тўловлар режаси ҳисоб-китоб ойининг 10-куни қадар туман(шаҳар) ҳокими томонидан тасдиқланади ҳамда тасдиқланган режа ижросини маҳаллалар томонидан бажарилиши, ҳудудларда солиқ тўловларини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тарғибот ташвиқот ишларини назорат қилиб борадилар.

Туман(шаҳар) ҳокимлари тасдиқланган режа бўйича тушадиган тўловлар маҳалла фуқаролар йиғини органлари томонидан ортиқча тўловга йўл қўймаган ҳолда тўлиқ бажарилганда, маҳаллий бюджет даромадларининг ортиқча бажарилган қисмлари ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тўлов муддатларидаги натижаларга кўра қўшимча равишда рағбатлантиришни амалга оширадилар. Солиқ органларининг тушумлар миқдоридан келиб чиқиб ҳар бир маҳаллага ажратилиши лозим бўлган маблағлар тўғрисидаги маълумотлари асосида, кейинги ойнинг 15 санасига қадар туман (шаҳар) молия бўлими билан келишган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғинларининг тегишли ҳисоб рақамларига маблағларни ўтказилишини таъминлайди. Бу эса маҳалла фуқаролар йиғинларининг мажбуриятларини келтириб чиқаради.

Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинида жисмоний шахсларга тўлов хабарномаларни етказиш, мол-мулк ва ер солиқларини ундириш бўйича бир нафар маъсул ходим бириктирилади. Ҳудудидаги солиқ тўловчи жисмоний шахсларга мол-мулк ва ер солиқларини белгиланган муддатларда тўлаш ва муддатида тўланмаган солиқларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган мажбурий ундирув чоралари тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириб боради. Солиқ органлари томонидан тақдим этилган тўлов хабарномаларини жисмоний шахсларга имзо қўйдириб ёки тўлов хабарномаси олинганлиги фактини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усуллар орқали 1 мартдан кечиктирмай тақдим этиш ҳамда 1 мартгача тақдим этилган тўлов хабарномалар корешогини 10 мартдан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органига тақдим этадилар. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини фақат солиқларни автоматик йиғиш тизимига уланган махсус қурилмалар орқали ундиради ҳамда солиқ тўловчига ундирилган маблағ тўғрисида махсус қурилма чекини тақдим этишлари керак бўлади.

Кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни кадастр идораларида рўйхатдан ўтказмаган ҳамда ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёки ҳужжатида кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланаётган жисмоний шахслар тўғрисида маълумотларни кадастр идораларига ҳамда давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиб борадилар. Бу эса жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари учун тасдиқланган режа бўйича тушадиган тўловларни ортиқча тўловга йўл қўймаган ҳолда ҳар ойнинг 25 санасига қадар бажарилишини таъминлаш чораларини кўради.

Яна шуни унутмаслигимиз керак яъни бошқа манфаатдор ташкилотларнинг мажбуриятларини белгилаш долзарб ҳисобланади.

Кадастр агентлиги-маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида кадастр идораларида рўйхатга олинмаган кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларини ҳамда ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёки ҳужжатида кўрсатилганидан каттароқ хажмда фойдаланаётган фуқароларни белгиланган тартибда ҳисобга олиншини таъминлайди. Бунда, солиқ органларига тақдим этилаётган янгидан ҳисобга олинган кўчмас мулк объекти ва ер участкаси тўғрисидаги маълумотда "Маҳалла фуқаролар йиғини маълумотлари асосида рўйхатга олинганлиги тўғрисида" алоҳида белги қўйган ҳолда тақдим этади.

Марказий банк-барча банкоматлар орқали маҳалла фуқаролар йиғини раиси (*маъсул ходими*) томонидан жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари учун йиғилган нақд пул маблағларини қабул қилиб олиш ва тегишли ҳисоб рақамларга йўналтириш имконини яратади. Бунда, жисмоний шахслардан мол-мулк ва ер солиқларини ундиришда ҳар қандай ўтказмалар ва тўлов операциялари учун кўрсатилган банк хизматларига ҳақ ундирилмайди.

Молия бўлимлари давлат солиқ хизмати органларининг маълумотларига асосан маҳалла фуқаролар йиғинларининг махсус ҳисоб рақамларига ажратмаларни қўйидаги тартибда амалга оширадilar:

Масалан: жорий йилга ҳисобланган солиқлар ҳисобидан ундирилган тўловлар суммасидан:

- Тошкент шаҳрида жойлашган МФЙлар учун 2 фоизи;

- Нукус шаҳри ва вилоятлар маркази бўлган шаҳарларда жойлашган МФЙлар учун 3 фоизи;

- Бошқа шаҳарларда жойлашган МФЙлар учун 4 фоизи;

- Бошқа туманларда жойлашган МФЙлар учун 5 фоизи;

муддати ўтган солиқ қарзининг ундирилган суммасидан 5 фоизи;

СОРЖ-199 га ундирилган сумманинг – 50 фоизи;

маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ҳисобга олинмаган солиқ солиш объекти рўйхатга киритилиб, солиқ ундирилганда – тушган тўловлар суммасидан 20 фоизи қилиб белгилаш керак. Бунда маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ундирилган маблағлар учун маҳалла жамғармасига ажратилган маблағларнинг ишлатиш тартиби маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан белгиланади. Бу эса маҳалла фуқаролар йиғинлари ва солиқ органлари ундирилган пул маблағлари ва маҳалла жамғармасига ажратмалар бўйича солиштирма далолатмалар тузишига асос бўлиши мумкин.

Бунда, солиштирма далолатнома натижаларига кўра маҳалла фуқаролар йиғинига ажратмалар ундирилган маблағга нисбатан кўп ўтказиб юборилган бўлса, ортиқча ўтказилган маблағ кейинги ойда ўтказилиши лозим бўлган маблағ ҳисобидан камайтирилади, кам ўтказилган ҳолларда кейинга ойда тўланилиши лозим бўлган маблағга қўшган олда ўтказиб берилади. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг жисмоний шахслардан мол-мулк ва ер солиқларини ундирганликлари учун олган даромадлари (ажратмалари) бўйича барча солиқларни тўлашдан озод этилиб, имтиёз берилиши керак.

5. Хулоса ва таклифлар.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини барқарорлаштириш жараёнида солиқларнинг аҳамиятини ошириш ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари таркибини таҳлил қилиш натижасида қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетга бириктирилган даромадлар турлари шунингдек қонунчилик асосида маҳаллий солиқлар рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ;

Маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида умумдавлат солиқларидан ажратмалар миқдорларини ҳар йили қайта кўриб ўзгартириш киритмасдан, ҳеч бўлмаганда 3 йилда бир марта ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу эса ўз навбатида маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Cathy Hughes, Sarah Sayce, Pete Wyatt (2020) Implementing a land value tax: Considerations on moving from theory to practice. *Land Use Policy* 8 February. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0264837719315704>.

Peter Wyatt (2019) From a property tax to a land tax – who wins, who loses?. *Land Use Policy* 31 August. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0264837719307975>.

Агзамов А.Т. (2019) Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Б.17-22. / Agzamov A.T. (2019) Improving the practice of taxation of individuals. Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Economics. Pp. 17-22.

Власова Ю.А., Абрамова А.И. (2015) Проблемы укрепления доходного потенциала региональных бюджетов в России на примере калужской области // *Креативная экономика*. Т. 9. № 10. С. 1255-1276. / Vlasova Yu.A., Abramova A.I. (2015) Problems of strengthening the revenue potential of regional budgets in Russia on the example of the Kaluga region // *Creative Economy*. Т. 9. No. 10. Pg. 1255-1276.

Пардаев У.Ў. (2018) Давлат бюджетини прогноллаштириш услубиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Б.11-20. / Pardaev U.O. (2018) Improving the methodology of forecasting the state budget. Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Economics. Pp. 11-20.

Селезнев А., Доценко Н. (2016) Доходный потенциал местных бюджетов и его общегосударственное значение // *Экономист*. № 9. - С. 12-22. / Seleznev A., Dotsenko N. (2016) Income potential of local budgets and its national significance // *The Economist*. No. 9. - p. 12-22.

Серебрякова О.В. (2017) Финансовая стабильность муниципальных образований как приоритет в развитии бюджетной и налоговой политики на местном уровне // *Региональная экономика: теория и практика*. № 11. - С. 126-131. / Serebryakova O.V. (2017) Financial stability of municipalities as a priority in the development of budgetary and tax policy at the local level // *Regional Economics: Theory and Practice*. No. 11. - p. 126-131.

Сухарев О.С. (2020) Инвестиции в транзакционный сектор и в финансовые активы: влияние на экономический рост. *Финансы: теория и практика*; 24(3):60–80. / Sukharev O.S. (2020) Investments in the transaction sector and in financial assets: impact on economic growth. *Finance: theory and practice*; 24(3):60–80.

Урмонов Ж.Ж. (2019) Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. Б. 27, 218-220, 225-230. / Urmonov J.J. (2019) Issues of improving the regulation of business entities through the tax mechanism. Dissertation for the degree of Doctor of Economics (DcS). <http://diss.natlib.uz>. B. B. 27, 218-220, 225-230.

Худойкулов С.К. (2019) Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. Б. 14-16; 20-21; 28-29. / Khudoykulov S.K. (2019) Improving the methodology for forecasting tax revenues. Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Economics (DcS). B. B. 14-16; 20-21; 28-29.

Хайдаров Н.Х. (2020) “Маҳаллий бюджетлар: муаммо ва инновацион ечимлар”. “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2-сон. / Khaydarov N.X. (2020) “Local budgets: problems and innovative solutions”. Scientific electronic journal “Statistical Bulletin of Uzbekistan”. Number 2.



ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА САМАРАДОРЛИК АУДИТИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Мирзоев Б.Ш.

Тошкент молия институти

Аннотация: Мазкур мақолада самарадорлик аудити тушунчаси, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ҳамда амалиётга жорий этилишининг муҳимлиги ва зарурияти келтирилган. Мақолани ёзишдан қўйилган мақсадга эришиш учун бир қатор ҳуқуқий ва илмий-назарий манбаалар ўрганиб чиқилди. Хусусан, кўпгина хорижий мамлакатларнинг тажрибалари таққосланиб, таҳлил қилинди, натижада самарадорлик аудитининг асосий принципларига таянган ҳолда унинг афзалликлари аниқланди. Шунингдек, самарадорлик аудитининг одатий молиявий аудитдан фарқлари ҳамда уларнинг иқтисодий жиҳатдан маънолари ёритилган, шу билан биргаликда самарадорлик аудитини амалиётда қўллаш йўналишлари ва истиқболларининг муаллифлик баёни келтирилган.

Калит сўзлар: бюджет ташкилоти, давлат молиявий назорати, ички аудит, молиявий аудит, мувофиқлик аудити, самарадорлик аудити, ташқи аудит.

FOREIGN EXPERIENCE OF EFFICIENCY AUDIT IN THE SYSTEM OF PUBLIC FINANCIAL CONTROL AND THE NEED FOR ITS INTRODUCTION

Mirzoyev B.Sh.

researcher of Tashkent Institute of Finance

Abstract: This article describes the concept, essence, specifics of performance audit and the importance and necessity of its implementation in practice. A number of legal and scientific sources have been explored to achieve the goal of writing the article. In particular, the experience of many foreign countries was compared and analyzed, as a result of which its advantages were identified based on the basic principles of performance audit. It also describes the differences between performance audits and conventional financial audits and their economic significance, as well as the author's description of the directions and prospects for the practical application of performance audits.

Keywords: budget organization, public financial control, internal audit, financial audit, compliance audit, efficiency audit, external audit.

1. Кириш.

Давлатнинг бюджет-молия сиёсатида янгича ёндашувларнинг шаклланиши пировард натижада давлат маблағлари сарфланишини назорат қилиш воситаларини ҳам ўзгартиришни тақозо этади. Натижада амалиётда самарадорлик аудитини жорий этиш ва ривожлантириш масаласи юзага келади.

Самарадорлик аудити хорижий Олий аудит органлари (Supreme Audit Institutions-SAI) иш фаолиятида тез ривожланиди ва кенг қўлланила бошланди. Бугунги кунда самарадорлик аудити Олий аудит органлари иш фаолиятида тобора муҳим ўринни эгаллаб, давлат бошқарувидаги барча ўзгаришларни ўзида акс эттириб бормоқда. Натижада амалиётда молиявий аудитдан самарадорлик аудитига ўтиш жараёни кузатилмоқда.

Самарадорлик аудити тўғрисидаги дастлабки маълумотлар 1977 йилда Лим шаҳрида бўлиб ўтган Олий аудит органлари халқаро ташкилотининг (International Organization of Supreme Audit Institutions-INTOSAI) IX Конгрессида қабул қилинган

“Аудит бошқаруви тамойилларининг Лим декларацияси” номли ҳужжатида (кейинги матнларда-Лим декларацияси) (Лим декларацияси) ўз аксини топган.

Лим декларациясида давлат маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишда давлат молиясини бошқариш ва масъул органлар томонидан қабул қилинган қарорлар самарадорлигини оширишга қаратилган. Ушбу мақсадга эришиш учун эса ҳар бир давлат мустақиллиги қонун билан кафолатланган Олий нозорат органига эга бўлиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Давлат ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги фаолиятини кенгайтириб, анъанавий молиявий доирадан ташқарида фаолият юритиши сабабли бундай органларга талаб тобора ортиб бориши кўрсатилган.

Жаҳон иқтисодиётининг тез суръатларда ижтимоий-иқтисодий тараққий этиши ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзага келаётган даврда ҳамда табиий ресурслар чекланган бир пайда Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида олиб борилаётган ислохотлар мавжуд ресурслардан оқилона, тежамкорлик ва самарадорлик тамойиларига асосан фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу эса, самарадорлик аудити мамлакатимиз молиявий нозорати тизимида янги фаолият тури ҳисобланиб, бу мавзуга оид илмий асосланган тадқиқотлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

Давлат молиявий нозорати тизимида самарадорлик аудитини режалаштириш ва ўтказиш услубиётининг назарий ҳамда услубий асосларини яратиш ва уни такомиллаштириш бўйича асосан хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотларни олиб боришган.

Хорижий иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда “Давлат харажатларининг самарадорлик аудити” тушунчасига берилган таърифларнинг энг асосийлари Смирнов (2013) Самарадорлик аудити – турли хил бюджет харажатларининг натижадорлигини ҳамда уларнинг мамлакат ва алоҳида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига бўлган таъсирини аниқлашга қаратилган нозоратнинг янги тури ҳисобланади.

Саунин (2014) Давлат харажатларининг самарадорлик аудити – давлат ҳокимияти органлари, бошқа бюджет тақсимловчилар ва бюджетдан маблағ олувчилар олдида қўйилган вазифаларни ва функцияларни бажариш учун олинган давлат маблағларидан самарали фойдаланишини текширадиган молиявий нозоратнинг бир тури ҳисобланади.

Синева (2004) Самарадорлик аудити давлат молиявий нозоратининг муҳим воситаси ҳисобланиб, бошқарув фаолиятини самарадорлигини, тежамкорлигини ва рентабеллигини баҳолашга, шунингдек қонунбузарликларни бартараф этиш ва бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Юқорида келтирилган хорижий олимларнинг самарадорлик аудитига берган таърифларини ўрганиб чиқиб, қайд этиш жоизки барча олимлар ўз макони ва замонидаги хусусиятлардан, миллий қонунчилигидан ва кадриятларидан келиб чиқиб нозоратнинг ушбу турига ўз таърифларини беришган.

Смирнов (2013) томонидан келтирилган таърифда самарадорлик аудитининг асосий вазифалари билан бир қаторда унинг, нозоратнинг янги тури эканлигига урғу берилганлигини кўришимиз мумкин. Лекин, самарадорлик аудитининг тежамкорлик тамойилига асосланиб юқори натижадорликка эришишликни баҳолаш ва самарали бошқарувни амалга ошириш учун тавсиялар бериш вазифаси ёритилмаган.

Сауниннинг (2014) таърифида самарадорлик аудитининг текшириш объектлари кимлар эканлигига ва улар олдида қўйилган вазифаларни ва функцияларни бажариш учун олинган давлат маблағларидан самарали фойдаланишини текширишга эътибор қаратилган. Ушбу таърифда самарадорлик аудитининг асосий вазифасига эътибор қаратилган.

Синеванинг (2004) таърифидан кўриниб турибдики, самарадорлик аудитининг деярли барча хусусиятларини ўзида қамраб олганлиги унинг мукамаллигидан далолат беради. Энг эътиборли жиҳати, таъриф қисқача бўлишига қарамай, мазмунан кенг ёритилган ва барча асосий жиҳатларни ўзида жамлаган.

Бугунги кунда самарадорлик аудити Ўзбекистон давлат молиявий нозорати назариясида ва амалиётида нозоратнинг янги тури ҳисобланиб, ривожланишнинг дастлабки босқичларида бўлганлиги сабабли, мамлакатимиз иқтисодий илм-фанида

самарадорлик аудитининг назарий ва услубий асосларини очиб берадиган яхлит ва умумий қабул қилинган тушунчаси мавжуд эмас.

Табиийки, мамлакатимизда миллий қонунчилигимиз ва қадриятларимизни ҳисобга олган ҳолда самарадорлик аудитини қўллашнинг назарий ва услубий асосларини яратиш учун бизга вақт ва етарли амалий тажриба тўплаш зарур, унинг асосида эса самарадорлик аудитини ҳар томонлама ўрганиб ва илмий тушуниш мумкин.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича муаллифлик таърифини келтирамиз: "Самарадорлик аудити – давлат секторидаги муассасалар, лойиҳалар ва дастурлар фаолиятининг тежамкорлик, самарадорлик ва натижадорлик тамойиллари асосида амалга оширилишини мустақил, холис ва ишончли баҳолайдиган назорат тури ҳисобланиб, юқори самарадорликка эришиш мумкин бўлган ва йўқотилган барча имкониятларни аниқлаб, тавсиялар ва кўрсатмалар бериш орқали самарали бошқарув фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашишдир."

Таърифда давлат секторидаги муассасалар, лойиҳалар ва дастурлар фаолияти деганда давлат молиявий ресурсларидан фойдаланаётган вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар, тизимлар фаолияти, функциялари, консолидациялашган бюджет ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар, давлат ва ҳудудий дастурлари назарда тутилди.

Республикаимиз иқтисодчи олимлари томонидан эса, бу масалалар яратилаётган дарслик, монография ва ўқув қўлланмаларда, шунингдек, эълон қилинаётган илмий мақола ва тезисларда фақат аудиторлик текширувини режалаштириш, ўтказиш ва яқунлашнинг назарий жиҳатлари ўрганилган. Аммо, мамлакатимизда самарали давлат бошқарувини олиб бориш мақсадида давлат молиявий назорати тизимида самарадорлик аудитини, миллий қонунчилик ва қадриятларимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб аудитнинг ушбу турини ривожлантириш билан боғлиқ изланишлар олиб борилмаган.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида хорижий ва республикаимиз иқтисодчи олимларининг илмий изланишларида давлат аудити ва турларининг бугунги кунда замонавий ҳолатлари чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинди. Мақолани тайёрлаш жараёнида абстракт мантиқий фикрлаш, индукция, дедукция, кузатиш, таҳлил, гуруҳлаш, таққослаш усулларида кенг фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Маълумки, молиявий назорат давлат тузилмасининг ажралмас функцияларидан биридир. Давлат аудити ҳақида биринчи маълумотлар, тўғрироғи, унинг прототиплари Франциянинг Ҳисоблар судининг 1318 йилдаги, Буюк Британиянинг Миллий аудит идорасининг 1314 йилдаги ҳамда Нидерландия Қироллигининг Ҳисоблар судининг 1386 йилдаги архивларида учрайди (Черняева, 2005).

Ривожланишнинг дастлабки босқичларида давлат молиявий назорати органларининг асосий функциялари, қоида тариқасида, давлат органларига бюджет маблағларини ажратиш бўйича буюртмаларга рухсат бериш, давлат харажатларининг қонунийлигини ҳамда бюджет харажатларининг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботларнинг тайёрланишини назорат қилишдан иборат бўлган.

Оплата труда сотрудников органов внутренних дел производится в виде денежного довольствия, являющегося основным средством его материального обеспечения и стимулирования служебной деятельности по замещаемой должности. Обеспечение сотрудника органов внутренних дел денежным довольствием осуществляется на условиях и в порядке, которые установлены законодательством Республики Узбекистана. Это и является еще одной отличительной чертой, которую нужно будет учитывать при применении систем ключевых показателей эффективности.

Как показывает практика, многие успешные организации устанавливают два уровня показателей эффективности – базовый (минимально необходимый) и опережающий (желаемый). Такой способ постановки задач в сочетании с соответствующим образом выстроенной системой оплаты труда (относительно небольшие выплаты за достижение базового уровня и существенные бонусы за достижение опережающих значений) эффективно стимулирует сотрудников и организацию в целом на достижение максимального результата (Одегов, 2011).

Для сотрудников обязательный срок прохождения службы являются помехой в назначении на должность и повышение в звании. Такие полномочия даны только высшему руководству министерства внутренних дел. Но, несмотря на выше перечисленные недостатки ключевые показатели эффективности в целом как инструмент управления позволяют:

- грамотно распределять цели, выражать их количественно;
- транслировать цели на все уровни управления («дерево показателей и нормативов» становится инструментом согласования стратегического и операционного планов);
- вести мониторинг результатов (оценивать степень и вклад сотрудников в достижения целей);
- заблаговременно диагностировать сложные ситуации, требующие управленческого вмешательства (показатели как индикаторы проблем);
- вовремя корректировать цели, оптимизируя тем самым планы (большой разрыв между нормативными и фактическими значениями свидетельствуют об ошибках в планировании);
- делегировать полномочия (уровень детализации показателей) выявляет степень передачи функций и ответственности);
- сопоставлять однородные процессы, протекающие в различных условиях, которая дает возможность сравнивать между собой схожие подразделения;
- оценивать уровень менеджмента, эффективность каждого отдела и развивать наиболее успешные методы управления;
- мотивировать сотрудников на достижение результатов;
- объективно оценивать эффективность деятельности сотрудников.

4. Заключение.

Универсальность системы KPI позволяет с одинаковым успехом использовать его в правоохранительных органах вне зависимости от численности сотрудников. На пути ее внедрения могут возникнуть некоторые сложности: трудоёмкость и сравнительная длительность разработки и внедрения системы KPI; необходимость перестройки системы управленческого учета для получения валидной информации; наличие в структуре других систем оценки персонала наравне с KPI; слишком большое количество KPI усложняет процесс контроля за результатами работы и т.д.

Во многом структура правоохранительных органов связана с защитой прав и интересов граждан, контроль за соблюдением соответствующего закона и осуществления выполнения функции исполнительной власти. В соответствии с этими системами KPI нужны, чтобы иметь возможность управлять процессами и вносить в него изменения. Дополнительно система KPI – инструмент для организации и оценки работы сотрудников, они помогают сфокусировать их внимание на достижение организационных целей, стоящих перед организацией.

Литература / Reference:

Андреев В.И. (2014) Саморазвитие менеджера / В.И. Андреев. - М.: Дело, 275 с. / Andreev V.I. (2014) Self-development of a manager / V.I. Andreev. - M.: Delo, 275 p.

Басовский, Л.Е. (2008) Менеджмент: учеб. пособие для студ. вузов, обуч. по экон. и упр. спец. / Л.Е.Басовский. - М.: ИНФРА-М, 214 с / Basovsky, L.E. (2008) Management: textbook. allowance for students. universities, education by economy and ex. specialist. / L.E. Basovsky. - M.: INFRA-M, 214 p.

Выступление (2021) Президента Ш.М.Мирзиёев во внеочередной сессии кенгаша народных депутатов, прошедшего 5 февраля 2021 года в Фергане / Speech (2021) of President Sh.M.Mirziyoyev at an extraordinary session of the Kengash of People's Deputies, held on February 5, 2021 in Ferghana <https://kun.uz>.

Дао Май Хань. (2006) Внешнеторговая деятельность стран в контексте процессов глобализации (методология и результаты эконометрического анализа) / Экон. наука соврем. России. N 4. - С.126-143. / Dao Mai Han. (2006) Foreign trade activities of countries in the context of globalization processes (methodology and results of econometric analysis) / Ekon. modern science. Russia. N 4. - p.126-143.

Марр Б.Л. (2014) Ключевые показатели эффективности. 75 показателей, которые должен знать каждый менеджер / Б. Л. Марр. - М.: Бинوم. Лаборатория знаний, 344 с. / Marr B.L. (2014) Key Performance Indicators. 75 indicators that every manager should know / B. L. Marr. - M.: Binom. Knowledge Lab, 344 p.

Одегов Ю.Г., Абдурахманов К.Х., Котова Л.Р. (2011) «Оценка эффективности работы с персоналом» методологический подход. Учебно-практическое пособие. - М. Издательство «Альфа-Пресс», стр 349. / Odegov Yu.G., Abdurakhmanov K.Kh., Kotova L.R. (2011) "Evaluation of the effectiveness of work with personnel" methodological approach. Educational and practical guide. - M. Publishing house "Alfa-Press", page 349.

Указ (2018) Президента Республики Узбекистана № 5544 от 21 сентября 2018 года «Об утверждении Инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы». / Decree (2018) of the President of the Republic of Uzbekistan No. 5544 dated September 21, 2018 "On approval of the Innovative Development of the Republic of Uzbekistan for 2019-2021".



ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ТАРМОҒИДА ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Муминова Э.А.

Фарғона политехника институти

Аннотация: Мазкур мақолада хорижий мамлакатларда кластерларни шакллантириш бўйича йўналишлар, тўқимачилик саноати кластерларини ташкил этиш, уларда бошқарув жараёнларини такомиллаштириш, ҳудудларда инновацион кластерни ташкил этиш механизми, кластерларнинг асосий тавсифлари ёритилган. Шунингдек, тўқимачилик тармоғида ҳудудий кластерларни шакллантириш механизмини ҳамда уларни бошқариш тизими келтирилган.

Калит сўзлар: инновацион кластер, ҳудуд, ривожлантириш дастурлари, тўқимачилик саноати, кластер иштирокчилари, бошқарув механизми, маҳсулот ишлаб чиқариш, рақобатбардошлик.

IMPROVING THE MANAGEMENT OF INNOVATIVE CLUSTERS IN THE DEVELOPMENT OF REGIONS IN THE TEXTILE INDUSTRY

Muminova E.A.

Fergana Polytechnic Institute

Abstract: This article describes the directions for the formation of clusters in foreign countries, the organization of clusters in the textile industry, improving their management processes, the mechanism of organizing innovative clusters in the regions, the main characteristics of clusters. The mechanism of formation of regional clusters in the textile industry and their management system are also presented.

Keywords: innovation cluster, region, development programs, textile industry, cluster participants, management mechanism, product manufacturing, competitiveness.

1. Кириш.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноати иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланиб, унинг бозорида ўзига хос бошқарув муҳити шаклланиб келди. Республикада тўқимачилик, ип йиғириш, тикувчилик, трикотаж, пойабзал ва ипакчилик соҳаларида 10 мингга яқин йирик ва кичик корхоналар, шунингдек, 400 дан ортиқ қўшма корхоналар самарали фаолият юритмоқда. Республикада 2020 йилда жами 96 та пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари фаолият юритади. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари томонидан 2020 йилда 906 313 гектар ер майдонига пахта хом ашёси етирилади. Бу Республикадаги пахта хом ашёси етиштирадиган умумий ер майдонинг 87,7 %, ташкил этади¹. Тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг барқарор устунлик қилиши, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорларида муносиб тарзда эркин рақобатлаша оладиган миллий брендларни шакллантириш салоҳияти етарли даражада эмаслиги корхоналар рақобатбардошлигини ошириш имконини бермаяпти.

Мамлакатимизда агросаноат, жумладан, тўқимачилик саноати кластерларини ташкил этиш, уларда бошқарув жараёнларини такомиллаштириш, тармоқ корхоналарини таркибан ўзгартириш ва уларда ишлаб чиқариш жараёнларини диверсификация қилиш, тармоқда қўшилган қиймат занжирини тўлақонли шакллантириш орқали корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, шу орқали

¹ <https://uzts.uz/uz/pahta-toqimachilik-klasterlari/>

бандликни таъминлаш, аҳолининг даромадлари ҳамда турмуш сифатини оширишга катта эътибор берилмоқда.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ривожланаётган тармоқлардаги кластерлар кўп сонли кетма-кет зиналардан - асбоб-ускуналар ва бошқа ихтисослашган ресурслар билан таъминлайдиган тармоқлардан таркиб топган вертикал занжир кўринишида намоён бўлмоқда. Кластерларнинг шаклланиши алоҳида олинган тармоқларда жараёни тезлаштиради, бу эса инновацияларни ривожлантиради ва жаҳон бозорида рақобат қилиш қобилиятини кучайтиради.

2. Адабиётлар шарҳи.

Тўқимачилик саноати кластерларини ривожлантириш, тармоқда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, тармоқ кластерларида бошқарув жараёнларини такомиллаштиришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари республикамиз иқтисодчи олимлари тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мазкур тадқиқотларда енгил саноат, хусусан, саноат ишлаб чиқаришида кластерли ёндашувнинг мазмуни, тўқимачилик саноати тармоғида ҳудудий кластерларни шаклланиш хусусиятлари, уларни бошқариш жараёнларини ташкил этиш, кластерлар ривожланишида ташкилий-иқтисодий ва бошқарув механизмларининг амал қилиш хусусиятлари ҳамда, тўқимачилик тармоғида ҳудудий кластерларни шакллантириш механизмининг бошқаришни такомиллаштириш масалалари ўрганилган. Ҳудудларда инновация фаолиятини ривожланишига модернизациялашув жараёнининг катта таъсирини эътиборга олган ҳолда тўқимачилик тармоғида ҳудудий кластерлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ундаги бошқарув механизмларини ўрганиш, ўзгаришларнинг соҳани ривожлантиришдаги аҳамиятини белгилаш муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш заруриятини юзага келтиради. Тўқимачилик саноати кластерларида мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва уларда бошқарув модель ва механизмларини такомиллаштириш борасида кўрсатиб ўтилган йўналишлар диссертация ишининг мақсад ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлади.

Портер (1990) фикрича, саноат кластерларнинг муваффақиятли ривожланиши барқарор ривожланиш стратегиясини қўллашни талаб қилади, яъни гуруҳлар – турли хил манфаатдор томонларнинг бирлаштирилиши, иқтисодиётнинг рақобатбардош устунлигига эришишга йўналтирилган соғломлаштиришнинг янги ташкилий шаклидир.

Elsner (2000) ўз тадқиқотларида кластер функционал жаҳатдан бир бири билан вертикал ва горизонтал равишда боғлиқ бўлган корхоналар гуруҳидир. Улар ўртасидаги функционал ёндашув бозор муносабатлари орқали кластер таркибидаги корхона ва илмий тадқиқот институтилари ўртасидаги сифатли боғлиқликни ифода этишини таъкидлаган.

Visser and Boshma (2002) тадқиқотларида эса кластерлар ҳудудий концентрациялар ҳамда шунга ўхшаш ва тегишли фаолият билан шуғулланадагина фирмалар сифатида аниқланади деб таъкидланган.

Корхоналарнинг тармоқ ёки географик концентрацияси етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик ва юқори ихтисослашган фирмалар гуруҳини яратиш орқали “ташқи иқтисодиёт” самарасига эришиш имконини бериши Третьяк (2004) тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Мустафақулов (2020) ўз тадқиқотларида кластерлаш сиёсатининг моҳияти ва уни ҳудудларда ташкил этишнинг устувор йўналишлари ҳақида тушунчалар берилган. Ҳудудий кластерларни ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар ўрганилган. Бундан ташқари, кластерлаш сиёсатининг асосий моделлари ва уларнинг фарқлари билан боғлиқ услубий ёндашувларни ўрганган.

Бугунги кунда ҳудудий кластерларни қўллаб-қувватлашда давлатнинг сиёсати миллий иқтисодиётни ривожлантириш хусусиятларидан келиб чиқади, натижада у турли шаклларда бўлиши мумкин: – бюджети ва ривожланиш стратегияси белгиланган, бир нечта саноат тармоқларини ўзида мужассамлаштирган аниқ шакллантирилган сиёсат; – кластерларнинг маълум жиҳатларини ривожлантиришга йўналтирилган сиёсат: тармоқдаги алоқадорликлар ёки бизнес ва илмий-тадқиқот муассасалари билан алоқадорликни шакллантиришга йўналтирилганлиги Абдувалиев (2017) тадқиқотларида ўз аксини топган.

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Хорижий мамлакатларда кластерларни шакллантириш бўйича тўпланган тажрибалар ва уларнинг амалиёти қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

Биринчи йўналиш Италия модели (саноат округлари) ҳисобланиб, кичик корхоналарнинг экспортни кенгайтириш борасида кучли концентрациясига асосланган, бозорга чиқиш ва уни эгаллашда ўзаро расмий ёки норасмий ҳамжамият асосида фаолият юритувчи ички кластерлардир.

Иккинчи йўналиш саноат кластерлари ҳисобланиб, улар концентрик доиралар ҳосил қилувчи (марказлашган ташкилотлар) марказий бошқарув тизимига эга кластер шакли ҳисобланади. Бундай саноат кластерлари таркибида илмий лабораториялар, илмий тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртлари фаолият юритади. Кластерларни бундай шакллантириш Япония, Жанубий Корея, Германия ва Франция тажрибаларида акс этган. Улар халқаро бозорлар учун ўта кучли ҳамкорлик ва юқори даражада шакллантирилган ички расмий алоқалар мавжуд.

Инновацион фаолиятнинг сочилиб кетиши ва чизиқли боғланишнинг мавжуд эмаслиги кластерлар шаклланишининг бундай усулига хос бўлган жиҳат ҳисобланади. Ҳар бир кластер иштирокчиси тизимнинг бошқарув аппаратида занжирли алоқаси таъминланади ва бу ўзаро интеграцияни таъминлашга асосий калит ҳисобланади. Бундай кластерни ташкил этиш жараёнида кўпроқ молиявий манбаларга таяниш эса унга давлатнинг аралашувини шарт қилиб қўйиши билан бирга асосий молиявий таъминотчи сифатида қатнашишини рағбатлантиради.

Кластерни шакллантиришнинг бундай усули давлатнинг қўмаги ва молиявий маблағнинг катталиги уни ташкил этишнинг кучсиз томони бўлса-да, халқаро бозорда мамлакат рақобатбардошлигини оширишнинг асосий воситаси ёки стратегияси сифатида қаралади.

Учинчи йўналиш саноатлаштириш даврига хос ҳисобланиб, бундай кластерлаш стратегияларидан Скандинавия, Швейцария ва АҚШда кенг қўлланилган. Кўпроқ учлик спирал ҳосил қилувчи кластерлаш моделининг асосий йўналиши инновацияларни яратишга урғу беради, бунда яратилган инновацияларни кластер иштирокчиларига сочиб юбориш орқали рақобатбардошликни таъминлаш асосий мақсад ҳисобланади.

Кластерларни шакллантириш бўйича юқорида баён этилган йўналишлар Ўзбекистон шароитида тўқимачилик саноати корхоналарининг мавжуд аҳволи ва бозорда шаклланган рақобат муҳити ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўзбекистонда кластерларни шакллантириш энгил саноат салоҳиятини ошириш борасидаги қуйидаги асосий стратегик мақсадларга мувофиқ келади:

1. Замонавий технологиялар асосида пахта толасини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 мартага оширишнинг белгиланиши.

2. Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда кийимлар намуналарининг намоиш залини ташкил этиб, дизайн модалар маркази таркибига кирувчи тажриба ишлаб чиқариш цехини очиш ҳамда Франция, Германия, Италия дизайн ва мода марказлари тажрибасини ўрганиш зарурлиги.

3. Ички ва жаҳон бозорларида муносиб ўрин топиш учун мунтазам изланиш, инновацион маҳсулот турларини ўзлаштириш зарурлиги, бозор конъюнктурасини ўрганган ҳолда маҳсулот тайёрлашда дизайн масалаларига эътибор қаратиш, энг асосийси, жаҳон бозорида миллий бренд нуфузини ошириш масалалари.

Мазкур вазифаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва амалиётда бажарилишини таъминлашнинг асосий йўналиши тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш орқали рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади.

Бир вақтнинг ўзида бир неча тур маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омиллари мавжуд бўлган шароитда пайдо бўлувчи қамраб олиш самараси ҳам кластерларнинг устунлик томони ҳисобланади. Ушбу омил кўп функцияли хусусият билан тавсифланади. Фирмаларни кластерларга гуруҳлаштиришда қамраб олиш самараси сезиларли даражада кучаяди, чунки узатиш билан боғлиқ транзакция харажатларини камайтиришда турли корхоналар томонидан кўп функцияли омилдан фойдаланиш зарурати вужудга келади.

Кластерли ишлаб чиқариш тузилмаси маҳсулотни умумий стандартлаштириш асосида вужудга келадиган синергия самарасини келтиради. Шундай қилиб, кластернинг барча иштирокчилари миқёс, қамраб олиш ва синергия самараларининг умумий таъсири остида қўшимча рақобатли устунликларга эга бўлади. Уларнинг таъсир кўрсатиш механизми қуйидагича: кластер таркибига кирган фойда бермайдиган корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтиришни таъминловчи ихтисослашув ёрдамида қуйи рентабеллик чегарасидан ўтиши мумкин. Кластернинг инновацион йўналганлиги ишлаб чиқариш тузилмасининг самарасини ошириш ҳисобига тадқиқотларга умумий ҳаражатларни пасайтириш ва янги маҳсулот турларини ишлаб чиқишга жорий этишга кўмаклашади, бу эса кластер иштирокчиларига узоқ пайт давомида инновацион фаолиятни турғун равишда амалга ошириш имконини беради.

Инновацион кластерда фойда барча алоқа йўналишлари бўйича тақсимланади:

- бошқа тармоқлардан келувчи янги ишлаб чиқарувчилар илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириб ва янги стратегияларни жорий этиш учун зарур воситалар билан таъминлаб, ўз ривожланишини тезлаштиради;

- кўп сонли рақобатчилар билан алоқаларга эга бўлган етказиб берувчи ёки истеъмолчилар канали бўйича ахборотлар эркин алмашинади ва янгиликлар тез тарқалади;

- кластер ичидаги ўзаро алоқалар, одатда юқори даражада кутилмаган алоқалар рақобат учун янги йўлларнинг пайдо бўлишига олиб келади ва тубдан янги имкониятларни келтиради;

- инсон ресурслари ва ғоялари янги комбинацияларни шакллантиради.

Шундай қилиб, инновацион ривожланиш муаммоларини тадқиқ этишда дастлабки босқичда фойдаланиладиган кластерли ёндашув вақт ўтган сайин янги кенг миқёсдаги масалаларни ечишда ҳам қўлланила бошлаган, хусусан:

- ✓ давлат, ҳудуд, тармоқнинг инновацион ривожланишини таҳлил қилишда;

- ✓ умумдавлат саноат сиёсатининг асоси сифатида;

- ✓ ҳудудни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда;

- ✓ инновацион фаолиятни рағбатлантириш асоси сифатида;

- ✓ йирик ва кичик бизнеснинг ўзаро муносабатлари асоси сифатида.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида замонавий илмий тасаввурларда асосий ташкилий бошқарув дастаги ҳудуднинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича мақсадли мажмуа дастурлари ҳисобланади. Тадқиқотлар шундан далолат бериб турибдики, ушбу дастурларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида давлатдаги ҳудудларнинг инновацион ривожланишини ошириш бўйича дастлабки илмий-услубий масалалар ва омилларни аниқлаш мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кўплаб фундаментал тадқиқотлар ва технологик ишлар, илмий-ишлаб чиқариш базаси ва интеллектуал кадрлар мавжуд. Аммо, олиб борилган таҳлиллар шунини кўрсатиб турибдики, етарли инновацион салоҳият бўлса ҳам янги тараққий этган технологиялар амалиётда нисбатан суст татбиқ этилмоқда.

Республиканинг илмий-инновацион соҳадаги ҳозирги ҳолати хўжалик айланмасига илмий-техник фаолиятнинг натижаларини жалб қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари талабларига мос келмайди. Амалдаги ҳолат фан ва технологияларни ривожлантиришда янги устуворликларни ишлаб чиқишни талаб этади (1-расм).

Умуман олганда, тўқимачилик тармоғида инновация фаолиятини рағбатлантириш асосида инновацион кластерларни асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ҳамда улар томонидан лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш;

- пахта-тўқимачилик кластерларини ҳудудларнинг салоҳияти янада ривожланиши истиқболларидан, хом ашё базаси, мавжуд инфратузилма, меҳнат ресурслари ва бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда жойлаштиришга кўмаклашиш;

- пахта хомашёсини етиштириш жараёнига илғор агротехнологиялар ҳамда ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг шаффоф механизминини яратиш;



1-расм. Ҳудудларда инновация фаолиятини рағбатлантириш механизми²

- юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини кенгайтириш ҳамда мазкур жараёнларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ривожлантириш учун унификацияланган имтиёз ва преференциялар қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ички ва ташқи бозорда маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, шунингдек, тармоққа бозор механизмларини кенг жорий қилиш;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, юқори унумли инновацион технологияларни жорий этишда инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда пахта-тўқимачилик кластерларига кўмаклашиш;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш ва барқарор фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

соҳада рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш, пахта хом ашёсини етиштиришда қўл кучини камайтириш, агротехник тадбирларни механизациялаштириш

²Муаллиф ишланмаси

даражасини ошириш, маҳаллий ва хорижий давлатларнинг олий таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, давлат илмий-техник дастурлари доирасида эълон қилинган грант лойиҳалари танловларида иштирок этиш.

Мазкур тадқиқотлар доирасида ишлаб чиқилган инновацион кластер ҳудудларда шаклланаётган илмий-инновацион тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ҳудуд хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодийнинг барча субъектларининг фаол инновацион фаолиятини ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва молиявий шароитларни яратишга қаратилган.


Шундай қилиб, кўриб чиқилган чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш инновацион фаол корхоналар сонининг ўсиши; инновацион соҳага инвестицияларнинг кўпайиши; қайта ишловчи илмга оид тармоқларга қараб таркибий ўзгаришларнинг содир этилиши; инновацион фаолиятни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий-меъёрий муҳитни шакллантириш, янги иш ўринларини яратиш ва пировардида илмий-техник фаолиятнинг ижтимоий жозибадорлигининг ошишини таъминлаб бериши лозим.

Тўқимачилик саноатининг ҳудудий кластерини шакллантириш ва ривожлантириш умумий тизим тамойилларига асосланиб, ички ва ташқи тизимли омилларни ҳисобга олади. Умумий тизим тамойиллари ўзаро боғлиқ ва бир-бирига боғланган иштирокчилардан ташкил топган кластерлаш объектининг тизимли кўринишини назарда тутаяди, улар ўртасидаги алоқалар кластер самарадорлигини шакллантиради. Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан кластер ўзаро боғлиқ бўлган ва бир вақтнинг ўзида бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ташкилотлар (корхоналар, хомашё етказиб берувчилар, ускуналар етказиб берувчилар, бутловчи қисмлар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлар, консалтинг ва маркетинг хизматлари) дан иборат. маҳаллий (ҳар бир иштирокчининг мақсади) ва глобал (кластер мақсади, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг шакли) мақсадлар. Тўқимачилик саноати ҳудудий кластерининг самарали ишлаши ташқи (давлат томонидан тартибга солиш омиллари, ресурслар, бозор, иқлимий, сиёсий, ижтимоий) ва ички (мақсад, вазифалар, тузилма, кадрлар, технология) кластерига ижобий ва салбий таъсирини ҳисобга олиш асосида таъминланади. Кластер иштирокчилари ўртасидаги алоқалар - инвестиция, ишлаб чиқариш, кадрлар ва рақобатбардош) тизимни шакллантирувчи омиллар ҳисобланади. Ушбу омилларни баҳолаш, бошқариш ва ташкил этиш тўқимачилик саноати соҳасида самарали фаолият кўрсатадиган кластерни шакллантириш учун зарур шартларни яратаяди.

Таъкидлаш жоизки, кластернинг хусусияти ҳудуднинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш қобилияти ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда кластернинг етита асосий тавсифлари мавжуд, улар асосида у ёки бу кластерли стратегия ётади:

- географик: фақат маҳаллий (масалан, боғдорчилик) кластердан фақат глобал (аэрокоинот кластери) кластергача иқтисодий фаол бўлган макондаги кластерларни тузиш;
- горизонтал: бир нечта тармоқ/секторлар янада йирик кластерга кириши мумкин (масалан мегакластерлар тизими);
- вертикал: кластерларда ишлаб чиқариш жараёнларининг ўхшаш босқичлари бўлиши мумкин. Бу ерда тармоқ иштирокчиларидан қайси бири кластерлар доирасида ташаббускор ва инновацияларни якуний ижро этувчиси ҳисобланганлиги муҳим ҳисобланади;
- латерал: кластерга миқёси самараси ҳисобига тежамкорликни таъминлаши мумкин бўлган турли секторлар бирлашади, бу эса янги комбинацияларга олиб келади (масалан, мультимедияли кластер);
- технологик: битта технологиядан фойдаланадиган тармоқларнинг йиғиндиси (масалан, биотехнологияли кластер);
- фокусли: битта марказ – корхона, илмий-тадқиқот институти ёки таълим муассасаси доирасида жамланган фирмалар кластери;
- сифатли: бу ерда фирмалар ҳақиқатдан ҳам ҳамкорлик қилаётганлиги, балки улар буни қай тарзда бажараётганлиги тўғрисида масала муҳим ҳисобланади. Бунда ҳар доим ҳам инновацияларни ривожлантиришни автоматик тарзда рағбатлантирмайди.



2-расм. Тўқимачилик тармоғида ҳудудий кластерларни шакллантириш механизмини бошқариш³

³ Муаллиф ишланмаси

- Шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, тармоқларда аксинча инновацион жараёнларни тўхтатиб, ҳимоя қилиш ҳаракатлари рағбатлантирилади. Етказиб берувчилар билан ўзаро алоқалари инновацион жараёнларни рағбатлантириши мумкин, ammo улар ҳаражатларни шерикларга ўтказиш ва молия соҳасида уларни сиқиш учун қўлланилиши мумкин. Охирги ҳолатда тармоқлар на турғун, на рағбатлантирувчи бўла олмайди.

Шундай қилиб, инновацион ривожланиш муаммоларини тадқиқ этишда дастлабки босқичда фойдаланиладиган кластерли ёндашув вақт ўтган сайин янги кенг миқёсдаги масалаларни ечишда ҳам қўлланила бошлаган, хусусан:

- ✓ давлат, ҳудуд, тармоқнинг инновацион ривожланишини таҳлил қилишда;
- ✓ умум давлат саноат сиёсатининг асоси сифатида;
- ✓ ҳудудни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда;
- ✓ инновацион фаолиятни рағбатлантириш асоси сифатида;
- ✓ йирик ва кичик бизнеснинг ўзаро муносабатлари асоси сифатида.

Бизнинг фикримизча, тўқимачилик тармоғида ҳудудий кластерлар минтақавий даражадаги кластерли ёндашув ривожланишнинг маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олишга, маҳаллий бозорларни монополлашувидан чиқариш, ҳудуднинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва корхоналарининг рақобатдошлигини оширишга қаратилган самарали мақсадли дастурларни ишлаб чиқишга имкон беради.

2-расмда тўқимачилик тармоғида ҳудудий кластерларни шакллантириш чизмаси ва илмий-услубий масалалар таснифи келтирилган бўлиб, ҳудуднинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ҳудуд тўқимачилик саноатида тизимли амал қилувчи барқарор кластер механизмининг бошқаришни ташкил этиш ва самарали жорий этишни белгилайди.

Расмдан яққол кўриниб турибдики, кластернинг асосий иштирокчилари бўлиб, давлат ва ҳудудий бошқарув органлари, бирламчи қайта ишлаш корхоналари, ҳамкор ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Кластер таркибида инфраструктура ва хизматлар ҳудуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

4. Хулоса ва таклифлар.

Бизнинг фикримизча, ҳудудий кластерлар сиёсатини амалга оширишда давлатнинг роли қулай ишбилармонлик муҳити учун асосий шароитларини яратиш, тадбиркорликни, айниқса кичик бизнесни рағбатлантириш, ҳудудни барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат.

Тўқимачилик тармоғидаги ҳудудий кластерни асосий таркибий қисмларини кўриб чиқамиз.

Кластер ядроси таркибига кирувчи корхоналар - кластерни пировард маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари ҳисобланиб, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари билан банд бўладилар.

Хизмат кўрсатувчи корхоналар – саноат характеридаги ёрдамчи маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқарадиган корхоналар, шу жумладан: махсус асбоб ускуналарни ишлаб чиқариш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар.

Ҳамкор ташкилотлар кластернинг алоҳида иштирокчиси ҳисобланиб, улар нотижорат ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, тадбиркорлар ассоциацияси бўлиши мумкин. Шунингдек, турли соҳа мутахассисларининг ижтимоий тармоқлари ҳам кириши мумкин.

Камдан кам ҳолларда кластерлар таркибида оммавий ахборот воситаларини кўриш мумкин. Ваҳоланки уларнинг роли кластернинг ҳудудий брендини шакллантириш ва тарғиб қилиш, кластер корхонасининг муваффақиятлар тарихини яратиш ва ривожланиш лойиҳалари тажрибасини тарқатишдан иборатдир.

Кластерлаш жараёнида фан ва таълимнинг роли бир ҳил даражада муҳимдир. Етакчи хорижий давлатларда кластер иштирокчиларининг умумий сонидан ўртача 10% ни олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтлари ташкил этади.

Ҳудудий кластерларни шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантиришда олий таълим муассасалари, илмий – тадқиқот институтлари, хусусий тадбиркорлар иштирокини таъминлаш зурур. Улар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш замон талабларига мос келадиган илғор таълимга йўналтирилган таълим дастурларини такомиллаштириш,

кластер корхоналарининг талабларига қатъий мувофиқ равишда мутахассисларни тайёрлаш, инновацион ривожланиш учун билим ва янги технологияларни тезлик билан ўзлаштириш, тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари доирасини кенгайтириш, стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш, олий таълим муассалари томонидан яратилган инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этишга хизмат қилади.

Республика амалий тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, ҳозирги шароитларда ҳудуднинг инновацион ривожланиш ва рақобатбардошлик муаммоларини ишлаб чиқиш, тегишли услубий базаларнинг йўқлиги бир пайтда ушбу муаммоларнинг аксариятини асосланмаган ҳатоларга йўл қўйиб, фақат эмпирик ҳолда, интуитив прогнозлаштириш даражасида ҳал этишга тўғри келади. Омилларни, авваломбор илмий-инновацион салоҳиятнинг минтақа рақобатбардошлигига таъсирини билвосита баҳолаш бўйича интеграл кўрсаткични илмий жиҳатдан ишлаб чиқишнинг объектив зарурати юзага келади.

Шундай қилиб, уни ҳал этиш бўйича биринчи қадам инновацион кластернинг ҳудуд рақобатбардошлигига таъсирини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Сўнг, келгусида ҳудуд иқтисодиёти ривожланишининг инновацион даражасини баҳолашга нисбатан амалдаги услубий ёндашувларни кўриб чиқиш ва ҳудуднинг инновацион салоҳияти таҳлилин ва инновацион кластернинг ҳудуд рақобатбардошлигига таъсирини баҳолашни олиб бориш лозим.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Andersson, T., Schwaag-Serger, S., Sorvik, J., & Hansson, E. W. (2004). The cluster policies whitebook (Vol. 49, pp. 371-402).

Becattini, G. (2002). From Marshall's to the Italian "Industrial districts". A brief critical reconstruction. In Complexity and industrial clusters (pp. 83-106). Physica-Verlag HD.

Elsner, W. (2000). An industrial policy agenda 2000 and beyond—experience, theory and policy. In Industrial policies after 2000 (pp. 411-486). Springer, Dordrecht.

Porter, M. E. (1990). The competitive advantage of nations The Free Press. New York, 564.

Visser, E. J., & Boshma, R. (2002). Clusters and networks as learning devices for individual firms. Utrecht: Euram, 9-11.

Zu Köcker, G.M. (2009) Clusters in Germany. Institute for Innovation and Technology, Berlin.

Абдувалиев, А.А. (2017). Миллий иқтисодиётда кластерларни ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили. Экономика и финансы (Ўзбекистан), (7), 27-33. / Abduvaliev, A.A. (2017). Analysis of the experience of foreign countries in the development of clusters in the national economy. Economics and finance (Uzbekistan), (7), 27-33.

Бойко, И.В. (2002). Регион: первичный уровень формирования национальной инновационной системы. Инновации, (10), 12-15. / Boyko, I. V. (2002). Region: the primary level of formation of the national innovation system. Innovations, (10), 12-15.

Мустафакулов, С. (2020) Худудий инфратузилмани кластерли ёндашув асосида шакллантириш. Архив научных исследований, 1(4). / Mustafakulov, S. (2020). Formation of regional infrastructure based on cluster approach. Archive of Scientific Research, 1(4).

Пахомова, И. Ю. (2012). Модель «тройной спирали» как механизм инновационного развития региона. Экономика. Информатика, 22(7-1 (126)), 50-55. / Pakhomova, I. Yu. (2012). Model of "triple helix" as a mechanism for innovative development of the region. Economy. Informatics, 22(7-1 (126)), 50-55.



МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

PhD Нормурзаев У.Х.

*Давлат солиқ қўмитаси Йирик солиқ тўловчилар бўйича
худудлараро давлат солиқ инспексияси бош инспектори*

Аннотация: Ўзбекистон Республикасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, имтиёзлар бериш борасида аниқ мезон ва механизмларни ишлаб чиқиш, берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021-йил 20-августдаги Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқида "Ҳалол тадбиркор, интизомли солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш долзарб вазифа бўлиб, бу – яширин иқтисодиётга қарши курашнинг энг мақбул йўлидир. Маълумки, сўнгги уч йилда солиқлар тури 16 тадан 9 тага қисқарди. Бюджетдан ташқари жамғармаларга мазкур йиғимларни бекор қилиш ҳисобидан 7 мингга яқин корхоналар ҳар йили ўртача 6 триллион сўм солиқ тўлашдан озод бўлди.

Калит сўзлар: бюджет сиёсати, инқироз, бюджет, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, преференциялар.

WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF TAX BENEFITS IN OUR COUNTRY

PhD Normurzaev U.Kh.

*State Tax Committee Chief Inspector of the
Interregional State Tax Inspectorate for Large Taxpayers*

Annotation: Particular attention is paid to ensuring the required level of collection of taxes and other mandatory payments in the Republic of Uzbekistan, the development of clear criteria and mechanisms for granting benefits, assessing the effectiveness of benefits and preferences. In his speech at the meeting with entrepreneurs of Uzbekistan on August 20, 2021, President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev said: "Expanding the ranks of honest entrepreneurs, disciplined taxpayers is an urgent task, which is the best way to combat the shadow economy. It is known that in the last three years the type of taxes has been reduced from 16 to 9. Due to the abolition of these fees to extra-budgetary funds, about 7,000 enterprises are exempt from paying an average of 6 trillion soums a year in taxes.

Keywords: budget policy, crisis, budget, tax benefits, tax administration, business entities, tax reporting, tax revenues, tax benefits, taxes, tax rates, preferences.

1. Кириш.

Жаҳон амалиётида солиқ имтиёзларига бандликни ошириш, капитал ўтказмалари сонининг кўпайиши, илмий тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш, шунингдек, кам ривожланган худудларни яхшилаш учун таъсири этувчи афзаллик сифатида қаралади. "Covid-19 пандемиясидан келиб чиқадиган мисли кўрилмаган талаб ва таклиф зарбаларига қарамасдан, дунёнинг кўплаб ҳукуматлари курашаётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва хусусий сектор ўсишини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари пакетларини тақдим этмоқда". Бугунги кунда солиқ имтиёзларининг самарадорлиги аниқлаш, унинг давлат бюджетига ва фискал сиёсатига таъсирини баҳолаш каби масалаларнинг мавжудлиги уни ўрганишни талаб этмоқда.

Жаҳонда инвесторларнинг жойлашув қарорларига таъсир қилиш учун солиқ имтиёзларини таклиф қилишган. Дунёнинг барча минтақаларидаги 45 дан ортиқ мамлакатларда солиқ имтиёзлари режимларини ўрганишни ўз ичига олган тадқиқот олиб борилиб, фискал рағбатлантириш турлари бўйича, аниқ фаолият турлари учун тўлиқ ёки қисман солиқ таътиллари ёки солиқ ставкаларини пасайтириш тенденцияси ўсиб бораётганлигини аниқлашган. Бугунги кунда солиқ имтиёзлари концепциясини аниқлаш ва имтиёзлар самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ масалалар, солиқ сиёсатининг аниқ фискал йўналиши ва давлатнинг ижтимоий юкини камайтириш учун дастак сифатида солиқларнинг тартибга солиш функцияси, солиқ имтиёзларини таҳлил қилиш, уларни тизимлаштириш, самарадорликни баҳолаш ва оптималлаштириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар мавзунинг долзарблигини кўрсатмоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

Берилаётган солиқ имтиёзларининг ижтимоий самарадорлигини баҳолаш ижтимоий соҳанинг ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикаси билан боғлиқ. Минтақалар тажрибасига кўра, уларнинг кўплари турли хил комбинацияларда бўлиши мумкин. Ушбу кўрсаткичлар орасида ходимларнинг ўртача сонининг кўпайиши, ўртача ойлик иш ҳақининг ошиши, иш ҳақи бўйича муддати ўтган қарзлар миқдори ва бошқалар энг кенг тарқалган (Пансков, 2013).

“Самарали иқтисодий тартибга солувчи бўлган солиқ имтиёзлари тизими маълум талабларга жавоб бериши керак, агар улар бажарилмаса, унинг ишлаши мақсадга мувофиқ эмас” (Яроцкая, 2011).

Кўпгина ҳудудларда солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш усуллари кўпинча айрим кўрсаткичлар бўйича такрорланади ва амалда солиқ имтиёзлари ва даромадлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга имкон бермайди, яъни қайси омилни (фойдалар, қонунчиликдаги ўзгаришлар, бозорни яхшилаш) аниқлаш мумкин эмас. шароитлар) солиқ тушумларига таъсир кўрсатди (Кружкова, 2010).

Солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш мезонларига индивидуал ёндашувларни умумлаштирганда шуни таъкидлаш керакки, ёндашувлар асосан бюджет, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш билан боғлиқ (Сакович, 1986).

Қоидага кўра, бюджет самарадорлиги солиқ имтиёзларини тақдим этиш натижасида даромадлар камомади ва имтиёзлар бериш натижасида олинган қўшимча даромадларни солиштириш йўли билан баҳоланади. Бироқ, амалда имтиёзлар бериш натижасида қўшимча даромад ажратиш муаммоли, чунки фойда омил сифатида харажатларни камайтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга ва ҳоказоларга билвосита таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, қўшимча даромадни нафақат солиқ имтиёзларини тақдим этиш натижаси сифатида баҳолаш мумкин (Удальцова, 2012).

3. Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, солиқ имтиёзларига доир маълумотлар ва уларни таҳлиллар амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Республикамизда инвестицион жозибадорликни янада яхшилаш мақсадида солиқ ислохотлари давом эттирилди ҳамда янги Солиқ кодекси амалиётга жорий этилди.

Солиқ имтиёзлари самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимни жорий этиш орқали имтиёзларнинг солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ҳамда самарасиз ва мақсадсиз берилган солиқ ҳамда божхона имтиёзларини бекор қилиш бўйича бир қанча меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланиши, шу жумладан Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар кирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосан, солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқ имтиёзлари деб эътироф этилиши белгиланган.

Солиқ имтиёзлари иқтисодиётнинг айрим тармоқларини ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулот ва хизматлар нархларининг ошишига йўл қўймаслик,

шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда аҳолининг барча қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида берилиши мумкин.

Солиқ тўловчилар томонидан қўлланилган имтиёз суммаларига мос миқдорда давлат бюджети даромадларни йўқотиши билан бир қаторда, имтиёзлар бериш орқали улардан у ёки бу самарага эришишни назарда тутаяди, жумладан:

Бюджетга таъсири – келгусидаги солиқ тушумларининг жорий солиқ йўқотишларига нисбатан ўсишини ифодалайди;

Иқтисодий самара - солиқ тўловларининг камайиши натижасида солиқ тўловчининг ихтиёрида қоладиган молиявий ресурсларнинг кўпайиши орқали намоён бўлади;

Ижтимоий самара - аҳоли турмуш даражасини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва бошқа кўрсаткичларни яхшилашда намоён бўлади.

Солиқ тўловчилар солиқлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар юзага келган пайтдан эътиборан улардан фойдаланишга ёки солиқ имтиёздан фойдаланишдан воз кечишга ҳақли, бундан қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш мустасно (чунки, бу орқали, давлат айрим турдаги товарлар нархининг ошишига йўл қўймаслик мақсадини кўзлайди).

Солиқ органлари томонидан, солиқ ислохотлари доирасида барча тадбиркорлик субъектларига тенг рақобат шароитини яратиш мақсадида солиқ имтиёзларини бекор қилиш, уларни ҳисобини юритиш ҳамда фойдаланиш жараёнини тартибга солиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳар бир солиқ имтиёзи ҳисобини юритиш ва муддатларини назорат қилиш имкониятини берувчи “Е-имтиёз” автоматлаштирилган ахборот тизими ишга туширилди, ҚҚС имтиёзлари электрон ҳисобварақ-фактураларини шакллантириш жараёнида автоматик равишда акс этиши учун 50,0 минг МХИК ва онлайн-назорат касса машиналаридан фойдаланиш жараёнида акс этиши учун СТИРга солиқ имтиёзлари бириктирилди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан 84 та ва кейинги йилларда яна 66 та турли солиқ имтиёзлари бекор қилинди.

ПФ-5185-сон Фармон билан алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш ва солиқ имтиёзлари Солиқ кодекси билан берилиши ҳамда улар индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони билан 5 та соҳага берилган индивидуал хусусиятга эга солиқ имтиёзлари барча тадбиркорлик субъектлари учун татбиқ этилиши белгиланди.

Шунингдек, 35 та солиқ имтиёзи босқичма-босқич бекор қилиниши белгиланди (21 таси 2022 йил 1 июлдан, 14 таси 2023 йил 1 январдан).

Ушбу солиқ имтиёзлари бўйича 2021 йилда 547 та тадбиркорлик субъектига 221,4 млрд.сўмлик ва 2022 йил 1 чорақда 214 тасига 13,1 млрд.сўмлик солиқ имтиёзлари берилган.


Бундан ташқари, 34 та ҳужжат билан берилган имтиёзларнинг муддати 2023 йил 1 январдан ўз кучини йўқотади.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида Республика бюджетига солиқлар бўйича 46 686 млрд.сўмлик тушумлар таъминланиб, шу билан бирга 34 788 та корхона томонидан 15 980,9 млрд.сўмлик имтиёзлардан (солиқ тушумларига нисбати – 34,2%) фойдаланган.



1-расм. Солиқ тушумларида имтиёзларнинг улуши

Имтиёзлардан фойдаланган корхоналарнинг қарийб **73,4 фоизи** (26 346 та корхона) кичик бизнес субъектларига ва **26,6 фоизи** (8 442 та корхона) йирик корхоналарга мансуб ҳисобланади.




2-расм. Имтиёздан фойдаланган субъектлар

Шу билан бирга, тўрт ой давомида мазкур йирик корхоналар томонидан фойдаланилган имтиёз суммаларига (13,1 трлн.сўм) нисбатан давлат бюджетига 2,8 баробар кўп (37 трлн.сўм) ёки давлат бюджети даромадларини 74,5 фоизи улушида солиқ тўлаган.

Шунингдек, имтиёздан фойдаланган кичик бизнес субъектлари томонидан бюджетга 2,8 трлн.сўм солиқ тўланиб (солиқ тушумларининг 6%), 2,9 трлн.сўмлик (тўланган солиқларга нисбатан 103 фоиз кўп) имтиёзлардан фойдаланилган.

Имтиёзлардан, 91 фоиз (14 480,2 млрд.сўм) Солиқ кодексига асосан, ва 9 фоиз (1 507,7 млрд.сўм) бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фойдаланилган.



3-расм. Солиқ имтиёзларининг нормативлар бўйича тақсимланиши

Фойдаланилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг асосий қисми қўшилган қиймат солиғига тўғри келади (97 %).

Қўшилган қиймат солиғи билвосита солиқдир, шунинг учун солиқ юки аслида охирига истеъмолчига тушади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, имтиёзлар компанияларга эмас, балки уларнинг маҳсулоти истеъмолчиларига тақдим этилади.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларнинг жорий қилиниши, айрим турдаги яқуний маҳсулот ва хизматлар нархи ошиб кетишини олди олади.

Шу муносабат билан, юқорида айтиб ўтилганидек, ҚҚС бўйича имтиёзлар мажбурийдир.

ҚҚС бўйича солиқ имтиёзлари ноль даражали ставка ёки корхона айланмасини солиқдан тўлиқ озод қилиш шаклида тақдим этилади.

ҚҚСнинг ноль даражали ставкаси товарлар ҚҚС билан сотилишини англатади, лекин ноль ставка бўйича ҳисобланади. Шу билан бирга, солиқ тўловчи аввал тўлаган ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Бинобарин, солиқ даври охирида Давлат бюджети солиқ тўловчига аввал етказиб берувчиларга тўланган ҚҚС суммасини қайтаради.

Шунингдек, имтиёзларнинг асосий қисми ҳам давлат, ҳам бутун жамият учун стратегик аҳамиятга эга бўлган саноат тармоқлари: тоғ-кон саноати, фармацевтика, банк соҳаси, транспорт, тиббиёт, энергетика ва коммунал хизматларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Мисол учун, дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ҳамда реализация қилувчи корхоналар томонидан фойдаланилган 1,9 трлн.сўмлик имтиёз суммаларидан фойдаланиши натижасида, аҳолига дори воситалари шу миқдорда арзонроқ сотилди.

Ёки, корхоналар томоидан тўрт ой давомида аҳолига истеъмол учун етказилган ўсимлик ёғи ва гўшт маҳсулотларига 1 трлн.сўм имтиёз қўлланилган.

Худди шундай, банк ва бошқа молиявий ташкилотлар томонидан ўз мижозларига кўрсатилган хизматлари учун 4,7 трлн.сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисобламади.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича:

Фойда солиғи бўйича имтиёзлар туризм, тиббиёт, таълим хизматлари кўрсатишнинг нодавлат секторини ривожлантириш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий даражасини ошириш, шунингдек, корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инновацияларни қўллаб қувватлаш, экспортга йўналтирилган ва (ёки) импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишга доир инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида белгиланиши мумкин.

2022 йил январь-апрель ойларида 1 547та субъект фойда солиғи бўйича 770 млрд.сўмлик имтиёздан фойдаландилар.

Жумладан, 2022 йил I чорагида фаолиятини фойда билан яқунлаган 165 та нодавлат таълим ташкилотлари, 323 та соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда 157 та аҳолига ахборот ва алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектлар фойдасига имтиёз қўлланган.

Бу имтиёзлар тақдим этилишидан ижтимоий самара кўзланган бўлиб, унинг натижасида аҳолига тиббиёт, таълим, алоқа ва шу каби ижтимоий хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти қўллаб-қувватланмоқда.

Ер солиғи бўйича:

Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари, шунингдек ижтимоий инфратузилма объектлари, спорт иншоотлари, меҳмонхоналар эгаллаган ер участкалари ер солиғини тўлашдан озод этилади.

Йил бошидан 3 053 та субъект ер солиғи бўйича 491,7 млрд.сўм имтиёзлардан фойдаланган. Ушбу солиқ бўйича имтиёзлардан энг кўп фойдаланган соҳалар: коммунал инфраструктура (*сув, электр энергияси, газ ва буғ етказиб бериш, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш*) объектларини сақловчилар – 121,7 млрд.сўм; стратегик аҳамиятга эга бўлган қайта ишлаш соҳаси – 104 млрд.сўм; маданият, дам олиш ва туризм субъектлари – 87,7 млрд.сўм ҳамда тиббиёт ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳалари – 29,5 млрд.сўм бўлди.

Мол-мулк солиғи бўйича:

Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари, шунингдек ижтимоий инфратузилма объектлари, спорт иншоотлари, меҳмонхоналар мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилади.

Йил бошидан 3 806 та субъект мол-мулк солиғи бўйича 591,4 млрд.сўм имтиёзлардан фойдаланган. Ушбу солиқ бўйича имтиёзлардан энг кўп фойдаланган соҳалар: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (*чучук сув аквакултураси, сабзаводлар етиштириш, паррандачилик, балиқчилик*) объектларини сақловчилар – 317,9 млрд.сўм; ишлаб чиқариш, саноат қайта ишлаш соҳаси – 78,9 млрд.сўм; маданият, тиббиёт, таълим ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳалари – 44,9 млрд.сўм, кўчмас мулк операцияси соҳаси – 27,8 млрд.сўм бўлди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича:

Корхона ва ташкилотлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солиқ агенти сифатида тўлаши назарда тутилганлиги боис, ушбу имтиёзлар ҳам фуқароларнинг даромадларига нисбатан қўлланилади.

Мисол учун, жорий йилда фуқаролар ўзларининг ёки фарздларини олий ўқув юртларида таълим олиш учун тўловга йўналтирилган даромадларидан 36,1 млрд.сўм, шунингдек ишчи ҳодимларга ҳисобланган моддий ёрдам суммаларига 17,1 млрд.сўм даромад солиғи ҳисобланмади.

Ижтимоий солиқ бўйича:

Ижтимоий солиқни тўламаслик ёки камроқ тўлаш имконияти корхоналар учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг кўпайишига ва иш ўринлари яратилишига олиб келади. Яъни, меҳнат ресурсларини қонунийлаштириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2022 йилнинг январь-февраль ойларида 6 044 та корхона томонидан ижтимоий солиқ бўйича 121,6 млрд.сўмлик имтиёздан фойдаланган бўлса, мазкур корхоналар томонидан 71 516 та қўшимча иш ўрни яратилиб, уларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ўтган йилга нисбатан 1,2 трлн.сўмга ошган.

5. Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқ имтиёзлари самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимни жорий этиш ҳамда улар орқали имтиёзларнинг солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ҳамда самарасиз ва мақсадсиз берилган солиқ имтиёзларини бекор қилиш юзасида қуйдаги таклифларни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тиббиёт учун мўлжалланган буюмлар реализатсия қилиш бўйича айланма солиқ солишдан озод қилинган. Дори (ветеринария) воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар реализатсияси бўйича айланмаларни қўшилган қиймат солиғидан имтиёзини бекор қилиш.

2. Ўзбекистон Республикасида айрим солиқ имтиёзлари долзарблигини йўқотганлиги сабабли Рақобат муҳитига тўсқинлик қилувчи индивидуал хусусиятга эга бўлган ва самарасиз солиқ имтиёзларини Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва қарорларида белгиланган солиқ имтиёзларини бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар/Литература/ References:

Кружкова И.И. (2010) Учет и восстановление амортизационной премии // Налоговая политика и практика. № 3. С. 40–45. / Kruzhkova I.I. (2010) Accounting and recovery of depreciation premium // Tax policy and practice. No. 3, pp. 40–45.

Пансков В.Г. (2013) Стимулирование модернизации российской экономики посредством налоговых механизмов // Экономика. Налоги. Право. № 1. С. 64–72. / Panskov V.G. (2013) Stimulating the modernization of the Russian economy through tax mechanisms // Economics. Taxes. Right. No. 1, pp. 64–72.

Сакович В.А. (1986) Модели управления запасами. Минск: Наука и техника, 319 с. / Sakovich V.A. (1986) Inventory management models. Minsk: Science and technology, 319 p.

Удальцова Н.Л. (2012) Организационно-экономический механизм функционирования отрасли национальной экономики // Экономические науки. № 6. С. 94. с. / Udaltsova N.L. (2012) Organizational and economic mechanism of functioning of the branch of the national economy // Economic Sciences. No. 6. p. 94. p.

Яроцкая Е.В. (2011) Управление имущественными рисками предприятия: монография. Томск: изд-во Томского политехн. ун-та, 131 / Yarotskaya E.V. (2011) Management of property risks of an enterprise: monograph. Tomsk: publishing house of the Tomsk Polytechnic. university, 131.



ДАВЛАТНИНГ ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Олимжонов З.З.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мазкур мақолада ташқи қарз маблағларини жалб қилиш орқали иқтисодиётни ривожлантиришнинг илмий асослари баён этилган. Хорижий мамлакатлар мисолида ташқи қарз динамикаси таҳлил қилинган. Жаҳон банки томонидан ташқи қарз маблағларини жалб қилишга доир асосий меъёрлари баён этилган. Шунингдек, ташқи қарзларни жалб қилиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг долзарблиги асосланган ва такомиллаштиришга доир илмий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: давлат қарзи, халқаро меъёрлар, ЯИМ, иқтисодий ривожланиш, стратегия, давлат қарзини бошқариш, давлат бюджети.

THE IMPORTANCE OF INTRODUCING INTERNATIONAL STANDARDS IN THE DEVELOPMENT OF PUBLIC DEBT MANAGEMENT STRATEGY

Olimjonov Z.Z.

Tashkent State University of Economics

Annotation: This article describes the scientific basis for the development of the economy through the attraction of external debt. The dynamics of external debt is analyzed on the example of foreign countries. The World Bank has set out key guidelines for raising foreign debt. It is also based on the relevance of developing a strategy to attract external debt and provides scientific recommendations for improvement.

Key words: public debt, international standards, GDP, economic development, strategy, public debt management, public budget.

1. Кириш.

Халқаро молия-иқтисодий муносабатларни амалга ошириш, интерация жараёнларини ташкил этиш шароитида давлат қарзи иқтисодиётни ривожлантиришдаги муҳим инструментлардан бири саналади. Аксарият хорижий мамлакатлар иқтисодиётни ривожланганлик даражасидан қатъий назар, давлатнинг ички ва ташқи қарзига эга. Давлат қарзи динамик кўрсаткич бўлиб, йиллар мобайнида ўсиши ёки камайиши мумкин. Давлат қарзининг камайиши билан қарз юки камайди, давлат қарзига хизмат кўрсатишга сарфланган маблағлар тежаллади. Аксарият ҳолатларда, давлат қарзининг маълум қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланишини ҳисобга олган ҳолда, давлат қарзининг ўсиши иқтисодиётда солиқ ставкаларининг ўсишига таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ташқи қарз маблағларидан самарали фойдаланиш, мақсадли сарфланиши таъминлаш ва даромадлилик миқдорини ошириш жараёнларини ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ:

- 2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 млрд АҚШ доллари миқдорига;

- 2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 6,0 трлн сўм миқдорига белгиланди.

2021 йилдан ички мажбуриятлар бўйича давлат кафолатларини бериш амалиёти тўхтатилди ҳамда давлат корхоналари ва банклари ўз лойиҳаларини молиялаштириш учун, трансформация жараёнларига мувофиқ, жаҳон молия бозорларида давлат кафолатисиз маблағ жалб қилишга ўтказилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, қабул қилинаётган қарорларнинг амалиётга тадбиқ этилиши давлатнинг ташқи қарзи миқдорига доир мутахассислар ва аҳолининг ҳақли муносабатлари бўйича юзага келаётган ёндашувларини ижобий ўзгаришини таъминлаш имконини беради. Ташқи қарз маблағларидан самарали фойдаланишдаги муҳим жиҳатлардан бири ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро меъёрларга асосланиб миллий иқтисодиёт учун оптимал миқдорни белгилашнинг илмий жиҳатларини асослаш ҳисобланади. Шунинг учун мазкур мавзуда илмий тадқиқотларни ривожлантириш, қолаверса ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсияларни амалиётга самарали тадбиқ этилиши долзарб ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг ташқи ва ички қарзи ва масаланинг илмий-методологик муаммоларига доир кўплаб иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Рикардонинг (2013) давлат қарзи бўйича амалга оширган таҳлиллари, янада қатъийроқ ва мурасасиздир. Унинг фикрича, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бизнес давлат аралашувисиз янада яхши ривожланади. Давлат маблағларининг манбаи - халқнинг фаолият самарадорлиги нажасидаги (ишлаб чиқариш) капиталидир. Олим фикрларини давом эттирар экан, "қарзлар бўйича айнан мана шундай шартнинг мавжудлиги, йиллар мобайнида қарзлар бўйича фоизларни тўлаш эмас балки бу шаклдаги жалб қилинган капитални камайтиришга олиб келади.

Давлат қарзларини самарали бошқаришга доир тадқиқотлар олиб борган олим Жан Батист Сэй (2011) ҳам классик мактаб вакиллариининг ёндашувларига қўшилган ҳолда ўз фикрларини баён этган. Унинг фикрича, давлат хусусий бизнесни эмас, балки самарасиз истеъмолни қўллаб-қувватлаш учун қарз олади: "Хусусий қарз олиш билан давлат қарзи ўртасида сезиларли фарқ бор, умуман олганда, биринчиси капиталдан самарали фойдаланиш учун жалб қилинса, иккинчиси эса самарасиз истеъмол ва исрофгарчилик учун олинади".

Макуннинг (2021) таъкидлашича, чет эл капитали ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланиши жараёнида муҳим рол ўйнайди. Кўпинча бу мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур маблағлар етишмайди. Қолаверса, ривожланаётган давлатлар паст даромад базасига ва юқори давлат операцион харажатларига дуч келмоқда, бу эса пул ўтказмалари, молиявий ёрдам ва ташқи қарзлар каби хорижий капиталга қарамликнинг кучайишига олиб келади. Бироқ, ривожланиш учун фақат чет эл капиталининг оқими етарли бўлмаслиги мумкин, чунки иқтисодий ўсиш жараёнини рағбатлантириш учун зарур бўлган ушбу капиталлар учун устувор аҳамият берадиган соғлом макроиқтисодий муҳит ва сиёсат зарур.

Курэши ва Лиакат (2020) ўзларининг тадқиқотларида келтиришича, ташқи қарзнинг юқори ва барқарор бўлмаган даражаси ривожланаётган мамлакатлар учун хавфли бўлиб, валюта курсининг ўзгариши, капитал оқимининг тўсатдан тўхтаб қолиши ва капиталнинг кескин чиқиб кетишига олиб келади, бу эса банк тизими ёки валюта инқирозига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, Нэке (2020) бошчилигидаги олимларни фикрига кўра, ўсиб бораётган ташқи қарз ички ва ташқи омиллар билан боғлиқ. Ана шундай ички омиллардан бири сиёсатчиларнинг ички маблағлар кам ва етарли бўлмаган шароитда иқтисодий ривожланиш жараёнини тезлаштиришга интилишидир. Бу ҳолат ташқи қарз олишни рағбатлантиришга олиб келади. Ташқи омилларга ташқи кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пастлиги ва ташқи кредиторларнинг кредит беришга тайёрлиги каби жиҳатларни келтириш мумкин.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида ташқи ва ички қарзларни шаклланишининг илмий-назарий жиҳатлари, ташқи қарзлар динамикасига нисбатан белгиланган халқаро меъёрлар, ташқи ва ички қарзларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш билан бирга, мавзуга

боғлиқ кўплаб назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотларга таянган ҳолда мантикий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Европа Иттифоқи давлатларининг 1992 йилдаги Маастрихт келишувига кўра давлат қарзининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбати 60 фоиздан ошмаслиги мезон сифатида қабул қилинган. Халқаро валюта жамғармаси эса давлат қарзига хизмат кўрсатиш салоҳияти кучли давлатларга нисбатан, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам номинал қийматда давлат ташқи қарзини ЯИМга нисбатан 55 фоиз, давлат ялпи қарзини эса ЯИМга нисбатан 75 фоиздан оширмасликни тавсия қилган. Бироқ, Европа - Иттифоқининг кўпгина давлатлари, АҚШ, Япония каби мамлакатлар сингари белгиланган халқаро меъёрлардан ортиқ кетганлигини таъкидлаш мумкин. Биргина, - Япониянинг давлат қарзи ЯИМга нисбатан 250 фоиздан ошганлигини айтиб ўтиш лозим (1-жадвал). Халқаро экспертларнинг фикрича, 2022 йилнинг бошларига келиб АҚШнинг давлат қарзи рекорд даражага етганлиги ва тарихда биринчи марта 30 триллион доллардан ошган.

1-жадвал

Хорижий давлатларнинг ташқи ва умумий қарзлари ҳақида маълумот¹

(2021 йил 1 январь ҳолатига)

№	Мамлакатлар номи	Давлат қарзининг ЯИМ га нисбати (% да)	Давлат ташқи қарзининг ЯИМ га нисбати (% да)	Аҳоли жон бошига давлат қарзи (долл.)	Аҳоли жон бошига давлат ташқи қарзи (долл.)
Ривожланган ва тез суръатларда ривожланаётган давлатлар					
1	АҚШ	133,9	33,4	84849,6	21190,0
2	Япония	254,1	32,3	101876,9	12959,0
3	Хитой	66,3	1,5	6969,0	155,0
4	Германия	69,1	0,04	31935,0	17,5
5	Франция	115,1	0,1	46383,9	27,4
6	Туркия	39,8	14,8	3426,8	1274,5
Иқтисодиёти ўтиш давридаги давлатлар					
1	Қирғизистон	68	49,5	808,3	588,8
2	Арманистон	63,5	42,6	2710,0	1818,0
3	Украина	60,8	24,8	2274,6	927
4	Грузия	60	43,9	2565,1	1877,3
5	Тожикистон	51,3	39	3070,8	1973,8
6	Беларусь	48	30,9	3070,8	1973,8
7	Ўзбекистон	38,9	35,2	675,1	610,3
8	Молдова	34,8	14,7	1573,8	662,9
9	Туркманистон	32,2	4	2470,7	306,4
10	Қозоғистон	26,3	9,1	2385,8	829,9
11	Озарбайжон	21,4	17,8	905,7	751,8
12	Россия	19,3	5,7	1952,3	575,8

Экспертлар фикрича, қарз миқдорининг ўсиб бориши федерал ҳукумат томонидан коронавирус пандемиясига қарши кураш, ишсизлик нафақалари, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ва рағбатлантирувчи тўловлар билан боғлиқ. Ўз навбатида, иқтисодчилар пандемияга қарамай, АҚШ иқтисодиёти ривожланиб бораётганлиги ҳолатида ташвишланишга ўрин йўқлиги бўйича хулосаларини баён этган.

Айни пайтда Россиянинг давлат қарзи ЯИМга нисбатан 19 фоизни, давлат ташқи қарзи эса 5,7 фоизни ташкил қилмоқда. Россия Федерациясининг умумий ташқи қарзи 2014 йилгача тез суръатларда ўсиб бориб, 700 млрд. АҚШ долларига етган эди ва худди шундай суръатларда сўндирила бошланди ҳамда айни пайтда 478 млрд. АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Экспертлар фикрича, ушбу жараён иқтисодий ўсишга эришишдаги муаммолар ва рубль курсининг пасайиши билан бирга кечди. Бир қатор

¹ International Debt Statistics (IDS) <https://www.worldbank.org/en/programs/debt-statistics/ids/products-Жаҳон> банкининг маълумотлари асосида тайёрланди

иқтисодчи-экспертлар ташқи қарз билан боғлиқ ушбу жараёндаги бундай кескин бурилишни Россия миллий компанияларининг мамлакатга қўйилган иқтисодий санкциялар туфайли ўрбнинг арзон кредит манбаларидан маҳрум этилганлиги билан боғлашади. Агар бундай кескин чекловлар ўрнатилмаганда эди Россия банклари ва фирмаларининг корпоратив қарзлари ошишда давом этган бўларди. Бу эса катта эҳтимол билан иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатган бўлар эди, деб тахмин қилишимиз мумкин.

Қозоғистоннинг давлат қарзи ЯИМга нисбатан 26,3 фоизни, ташқи қарзи эса 9,1 фоизни ташкил этаётганлиги мамлакат иқтисодиётининг бу борада барқарор ҳолатда эканлигини англатади. Лекин кейинги беш йилда давлат қарзи икки баробар ортанлигини ҳисобга олиб ва бу жараён тез суръатларда давом этиши мумкинлигига оид тахминлар ҳам йўқ эмас.

Россиядаги сингари Қозоғистонда ҳам хавотирлар кўпроқ умумий ташқи қарз - билан боғлиқ. Унинг ҳажми айна пайтда 167 млрд. АҚШ доллари миқдорида ёки мамлакат ЯИМ ҳажмига деярли тенглашиб қолган. Бу қарзларнинг катта қисми корпоратив ва хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади ва давлат бу қарзлар учун мажбурият олмаган. Бироқ бу қарзлар таркибида мамлакатнинг шартли мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

Умуман айтганда, Россия ва Қозоғистоннинг давлат қарзи ва давлат ташқи қарзи билан боғлиқ ҳозирги ҳолатини ЯИМга нисбатан баҳолаганда етарли даражада барқарор дейишга асос бор. Лекин масалага бошқа томондан қараганда айрим таҳликали ҳолатлар ҳам юзага чиқиши мумкин. Масала Россия ва Қозоғистондаги умумий ташқи қарзнинг 90 фоиздан ортиғи иқтисодиётнинг корпоратив ва хусусий секторларига тўғри келишида. Агар макроиқтисодий барқарорлик нуқтаи назаридан дунё иқтисодиётидаги ҳолат ёмонлашса, бу албатта, Россия ва Қозоғистон иқтисодиётини ҳам четлаб ўтмаслиги аниқ. Бундай ҳолатда корпоратив сектор ва банклар учун олинган қарзларга хизмат кўрсатишни қийинлаштиради. Бундай ҳолат миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги нуқтаи назаридан хавф-хатарлар келтириб чиқариши мумкин.

Жаҳон банки томонидан давлат қарзини бошқаришда ташқи қарз, ташқи қарзга хизмат кўрсатиш ва бошқа шу каби кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия этади (2-жадвал). Халқаро валюта фонди ташқи қарзни бошқаришда макроиқтисодий кўрсаткичларга нисбатан жами ташқи қарз, асосий қарзни қайтариш ва фоизларни тўлаш билан боғлиқ суммаларни ҳисоблашни тавсия этади. Уларга нисбатан меъёрий кўрсаткичлар тизимини таклиф этиб, давлатлар томонидан уларга риоя этилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Халқаро ташкилотлар томонидан давлат қарзининг барқарор даражаси ишлаб чиқилган бўлсада, уларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда мавжуд эмас.

2-жадвал

Жаҳон банки томонидан ташқи қарз даражасини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизими²

Кўрсаткич	Нисбат олинандиган кўрсаткич	Ўлчов бирлиги
Ташқи қарз	Товар ва хизматлар экспорти	фоизда
Ташқи қарз	Ялпи ички маҳсулот	фоизда
Ташқи қарзга хизмат кўрсатиш	Товар ва хизматлар экспорти	фоизда
Ташқи қарз бўйича фоиз тўловлари	Товар ва хизматлар экспорти	фоизда
Ташқи қарз бўйича фоиз тўловлари	Ялпи ички маҳсулот	фоизда
Валюта захиралари	Ташқи қарз	фоизда
Валюта захиралари	Товар ва хизматлар импорти	Ой бўйича (муддат)
Қисқа муддатли ташқи қарз	Ташқи қарз	фоизда
Ташқи қарз имтиёзли компоненти	Ташқи қарз	фоизда
Ташқи қарзнинг кўп қиррали компоненти	Ташқи қарз	фоизда

² World debt tables 1996 vol 9. P. XVI.

Халқаро валюта фонди ва қарзларни халқаро ҳисобдан чиқариш томонидан қарзнинг турли макроиқтисодий кўрсаткичларга нисбатан даражалари ишлаб чиқилган ва тавсия этилган (3-жадвал).

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD)нинг 79 маърузасида О.Бланшар (1990) томонидан ишлаб чиқилган молиявий кўрсаткичларнинг янги мезонлари бўйича тавсиялари давлат қарзини жалб этиш ва уни бошқаришга нисбатан ёндашувларни шакллантиришга ёрдам берди. Одатда давлат қарзини миллий иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қийматига нисбатан аниқланиши ва баҳоланиши амалга оширилсада, бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳам инobatга олиш заруратини келтириб чиқарди. Шу нуқтаи назардан, маърузада давлат қарзини турли кўрсаткичларга нисбатан моҳиятлари очиб берилган. Бошқача айтганда, қарзнинг ЯИМга нисбати турли натижаларни акс эттириб, ҳукумат томонидан қарз юкига нисбатан йиғимларни ишлаб чиқиш имкониятини кўрсатиб беради. Жумладан, қуйида уларнинг айримлари билан танишиб чиқамиз.

1. Қарздорлик қолдиғи/давлат бюджети даромалари – ушбу мезон давлатнинг тўловга қобиллигини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу мезон йилларда баҳоланиб қарз қолдиғини тўлаш учун талаб этиладиган муддатни акс эттириб беради.

2. Қарзга хизмат кўрсатиш/давлат бюджети даромадлари – мазкур кўрсаткич давлат ички захираларини ишлатган ҳолда қарзни тўлаш имкониятини баҳолашга шароит яратиб беради.

3-жадвал

Қарзнинг минимал даражасига тавсиялар³

Кўрсаткич нисбати	Халқаро валюта фонди	Қарзларни халқаро ҳисобдан чиқариш
Қарзнинг жорий қиймати/даромад	25-35 фоиз	28-63 фоиз
Фоиз/даромад	7-10 фоиз	4,6-6,8 фоиз
Қарз/ЯИМ	25-30 фоиз	20-25 фоиз
Қарз/даромад	90-150 фоиз	92-167 фоиз

3. Жорий қиймат/давлат бюджети даромадлари – ушбу индикатор қарзга хизмат кўрсатишнинг жорий қийматини мамлакат тўлов қобилиятига нисбатан баҳолашга имкон беради.

4. Фоизлар/ЯИМ – ушбу мезон орқали қарз фоизларининг давлатга қанчалик юк жканлигини акс эттиради. Шунингдек, мазкур индикатор ноишлаб чиқариш харажатларини мувофиқлаштириш имконини беради.

5. Фоизлар/давлат бюджети даромадлари – ушбу индикатор қарзнинг молиявий қийматини солиқ тушумларига нисбатини кўрсатиб беради. Ушбу мезон билан ноишлаб чиқариш харажатлари ўсишига нисбатан бюджет даромадларининг оғиши мумкин бўлган даражасини кўрсатиб беради.

6. Ташқи қарз/экспорт – ушбу индикатор ташқи қарзнинг экспортдаги улушини кўрсатади. Ушбу нисбат мамлакатга валюта оқимининг қанчалик қарз юкини қоплай олиш даражасини аниқлашга хизмат қилади.

7. Соф хорижий захиралар/ташқи қарз – ушбу индикатор ташқи қарзга нисбатан ташқи захираларнинг улушини ифодалаб беради. Ушбу ҳолатда ташқи қарздорлик захираларни даврий жамғарилишига нисбатан улушини акс эттириш назарда тутилади. Мазкур мезонни муддат билан ўлчаганда, ташқи қарзни қоплаш учун захира жамғаришнинг неча йил (ой) бўлишини кўрсатиб беради.

8. Амортизация/ташқи қарзни сўндириш – давлат қарзи амортизация даражаси ташқи қарзни тўлашнинг ўзаро нисбатини аниқлашга хизмат қилади. Ушбу коэффициент ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, мамлакат ўз қарзини қайта молиялаштириш йўли қоплашни назарда тутди. Агар ушбу нисбат 1 дан катта бўлса, қарзни қайта молиялаштириш тавсия этилмайди.

Умуман олганда, қарзни бошқариш амалиёти қарз ҳажмига нисбатан таъсир этувчи кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро мутаносибликни аниқ меъёрлар билан белгилашга эришиш ҳисобланади.

³ <https://www.worldbank.org/en/programs/debt-statistics/methodology#qeds>

Ўзбекистонга ички ва ташқи манбалардан қарз маблағларини жалб қилиш ва давлат кафолатини бериш борасидаги ҳолат ушбу жараённи қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиш эҳтиёжини юзага чиқармоқда. Чунки тез суръатларда ўсиб бораётган давлат қарзи самарали бошқарувни талаб этади. Ваҳоланки, давлат қарзи бўйича зарур маблағларни ўз вақтида тўлаш ҳамда келгусида давлат қарзи ва шартли мажбуриятлар ҳажмининг макроиқтисодий барқарорликка нисбатан туғдириши мумкин бўлган хатарларнинг олдини олиш борган сари долзарб вазифа сифатида намоён бўлмоқда. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ҳукумат ташаббуси билан “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди ва депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди. Айтиш мумкин, айни пайтда ушбу лойиҳа Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан ишчи гуруҳ билан биргаликда иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши — қонун даражасида давлат қарзи ва унга хизмат кўрсатиш харажатларининг устуворлигини таъминлаш, давлат қарзининг чекланган ҳажмлари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг давлат қарзини бошқаришдаги ваколатларини белгилаш имконини беради. Шунингдек, давлат қарзини бошқаришда парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича самарали ва яхлит тизимнинг қонуний асослари яратилади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Давлат қарзини стратегик бошқариш орқали давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан молиялаштиришга бўлган эҳтиёж ва уни ўз вақтида энг мақбул харажат ва хатар даражаси эвазига таъминлаш режаси амалга оширилади ва назорат қилинади. Бу эса, ўз навбатида, бу билан боғлиқ хатарларни бошқариш имконини беради. Давлат қарзини бошқариш стратегияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уч йил муддатга фискал стратегия билан биргаликда тасдиқланиши ҳамда кўриб чиқиш учун Олий Мажлис палаталарига тақдим этилиши кўзда тутилмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг 2020 ва 2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикасига бағишланган Қарз барқарорлиги ҳисоботида (IV модда) Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзига хизмат кўрсатиш (институционал) салоҳияти “кучли” дея қайд этилган. Шунга қарамасдан, юзага келиши мумкин бўлган айрим ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда пруденциал ёндашувдан келиб чиқиб, қонунда давлат қарзининг максимал ҳажмини номинал қийматда ЯИМга нисбатан 60 фоиз этиб белгилаш кўзда тутилмоқда. Ушбу кўрсаткич давлат қарзига хизмат кўрсатиш салоҳияти “ўртача” бўлган давлатлар учун Халқаро валюта жамғармаси томонидан белгиланган мезонга мос келади.

Давлат қарзи суммаси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 50 фоизга етганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бу меъёрдан ўтиб кетмасликни таъминловчи чораларни ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади. Бундай мезонни белгилашдан мақсад иқтисодий инқироз (шок)лар юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларда давлат қарзи ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга нисбати кескин ошиб кетиши эҳтимолини ҳисобга олади. Шу сабабдан ҳам қонунда ҳукумат давлат қарзи ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 50 фоиздан ошмаслигига қаратилган чоралар кўриши лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги кунда дунё мамлакатлари иқтисодиётининг бири-бирига боғлиқлиги ортиб бораётган бир шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг очиклигини таъминлаш, хоҳлаймизми, йўқми, барибир давлат қарзи масаласини келтириб чиқаради. Чунки миллий иқтисодиётимизни тез суръатларда ўстириш эвазига аҳоли жон бошига ЯИМни 2026 йил якуни билан 2,8 минг АҚШ доллари, 2030 йилга бориб эса 4 минг АҚШ доллари миқдорига етказиш жуда катта, масъулиятли ва оғир вазифа ҳисобланади. Бунинг учун иқтисодиётимиз ички ва ташқи қарз манбаларига муҳтож. Чунки ижтимоий ривожлантириш, инфраструктурани замон талаблари даражасида шакллантириш ҳамда атроф-муҳитни сақлаш, экологик вазият билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш замонавий лойиҳаларни амалга оширишни, технологиялар, қўшимча инвестициялар жалб қилишни талаб этади.

Мана шундай шароитда Ўзбекистон учун ташқи қарз манбалари билан биргаликда ички манбаларни кўпроқ йўналтиришнинг замонавий механизмларини кўзда тутувчи ички қарз бозорини ривожлантириш, бизга қарз берувчи мамлакатлар бўйича қарз таркибини миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда диверсификациялаштириш,

давлат қарзини бошқариш бўйича ишлаб чиқиладиган стратегиянинг асосий масалалари сифатида қаралиши лозим.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Boudreau K.J., N.Lacetera and K.R.Lakhani (2016) Incentives and Problem Uncertainty in Innovation Contests: An Empirical Analysis. *Management Science*, vol. 57, №5, pp. 843–863.

Irfan Qureshi, Zara Liaqat (2020) The long-term consequences of external debt: Revisiting the evidence and inspecting the mechanism using panel VARs. // *Journal of Macroeconomics*, Volume 63, March.

Keshmeer Makun (2021) External debt and economic growth in Pacific Island countries: A linear and nonlinear analysis of Fiji Islands. // *The Journal of Economic Asymmetries*, Volume 23, June.

Samson Edo Nneka, Esther Osadolor Isuwa, Festus Dading (2020) Growing external debt and declining export: The concurrent impediments in economic growth of Sub-Saharan African countries. // *International Economics*, Volume 161, May, Pages 173-187;

Остроумов В.В. (2011) Закон рынков Сэя. В экономической науке XIX-начала XX веков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва. / Ostroumov V.V. (2011) Say's Law of Markets. In economic science of the 19th-early 20th centuries. Abstract of the dissertation for the degree of candidate of economic sciences. Moscow.

Оливье Бланшар (1990) «Предложения по новому установлению финансовых показателей», Рабочий доклад ОЭСР № 79. / Olivier Blanchard (1990) "Proposals for a new setting of financial indicators", OECD Working Paper No. 79.

Урумов Т.Р. (2013) Практика управления государственным долгом в условиях глобализации//*Финансовый журнал/Financial journal* № 4. / Urumov T.R. (2013) The practice of public debt management in the context of globalization//*Financial journal/Financial journal* No. 4.

Қонун (2021) Ўзбекистон Республикасининг "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги. / Law (2021) of the Republic of Uzbekistan "On the State Budget of the Republic of Uzbekistan for 2022".

Ҳамдамов О.Н. ва бошқалар (2020) Халқаро капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилиш амалиётининг таҳлили//*Экономика и финансы (Узбекистан)* - 4 (136). / Hamdamov O.N. and others (2020) Analysis of the practice of attracting financial resources from the international capital market//*Ekonomika i finansy (Uzbekistan)* - 4 (136).



МЕТОДОЛОГИЯ РАСШИРЕНИЯ ДИВЕРСИФИКАЦИИ БАНКОВСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ

к.э.н., доцент Рахимова Х.У., Сайиткулов Ж.И.
Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан

Аннотация: Мазкур мақолада рақамлаштириш ва интеграция шароитида банклар фаолиятини диверсификациялашнинг назарий-методологик асослари таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон банклари фаолиятида рақамлаштиришнинг зарурати, афзалликлари ва камчиликлари муҳокама қилинган ҳамда интеграция шароитида банклар фаолиятини диверсификациялаш йўналишлари таклиф қилинган.

Калит сўзлар: иқтисодиётда рақамлаштириш, фаолиятни диверсификациялаш, ахборот технологиялари, электрон пуллар, электрон тижорат, банклар фаолияти, рақамлаштириш, интеграция.

METHODOLOGY FOR EXPANDING THE DIVERSIFICATION OF BANKING ACTIVITIES IN THE CONTEXT OF DIGITALIZATION

c.e.s, associate professor Rakhimova Kh.U., Sayitkulov Zh.I.
Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract: The presented article analyzes the theoretical and methodological bases of diversification of banks in the context of digitalization and integration. The need, advantages and disadvantages of digitalization in the activities of Uzbek banks were also discussed, and directions for diversification of banking activities in the context of integration were proposed.

Keywords: digitization in the economy, diversification of activities, information technology, electronic money, e-commerce, banking, digitization, integration.

1. Введение.

На этапе информатизации общества, количественные и качественные параметры спроса и предложения современного рынка существенно меняются, и при этом, значение и роль диверсификации значительно возрастает. Эта тенденция хорошо наблюдается на рынке банковских услуг, где участники подвергнуты с одной стороны конкурентному нажиму, которая заставляет их качественно и количественно менять объём и структуру предложения, а с другой стороны, банковская деятельность постоянно сопряжена с высоким риском, всё это, диктует высокую необходимость диверсифицировать банковскую деятельность.

Сегодня в банковском бизнесе диверсификацию отводится существенная роль, т.к. диверсификация - это один из методов управления банковским риском, через неё обеспечивается рассеивания, и кроме того, диверсификация служит одним из методов расширения источников дохода банка.

Диверсификацию следует понимать, как важнейшее направление активной деятельности банков. Проведение диверсификационных мероприятий идет по двум направлениям: проникновение в виды бизнеса, выходящие за пределы банковского сектора, и расширение спектра предлагаемых банковских продуктов и услуг. Современные банки как сложные финансовые институты действуют в различных отраслях финансового рынка и экономики в целом.

Причин, побуждающих банки к диверсификации, несколько. Основная - снижение процентной маржи в результате ужесточения конкуренции в традиционной банковской сфере. Предполагается, что в дальнейшем обычная депозитная и

кредитная деятельность банков будет сжиматься в связи с расширением практики привлечения ресурсов через рынок ценных бумаг. Другая важнейшая причина - необходимость снижения рисков. Действительно, крупные диверсифицированные финансовые структуры могут снизить риск за счет распределения вложений в различные (нефинансовые) сектора и применять более совершенные системы управления рисками.

В настоящее время наиболее функциональными являются розничные и кредитные банки. Наличие диверсифицированной структуры активов и пассивов у розничных банков содействует их оперативному приспособлению к изменениям конъюнктуры финансового рынка, обеспечивает устойчивость доходов. Большой спектр финансовых услуг для партнеров и клиентов рождает устойчивый спрос и доверие к банку.

Диверсификация направлений финансовой деятельности предусматривает использование альтернативных возможностей получения дохода от различных финансовых операций – краткосрочных финансовых вложений, формирования кредитного портфеля, осуществления реального инвестирования, формирования портфеля долгосрочных финансовых вложений. Тем самым степень риска получения убытка снижается и распределяется между всеми видами деятельности и портфелями активов. В частности, диверсификация валютного портфеля предусматривает выбор для проведения внешнеэкономических операций по нескольким видам валют, что снижает потери по валютному риску, как у банка, так и у клиента банка.

Если рассмотреть диверсификацию кредитного портфеля, то она предусматривает разнообразие отраслей и объектов вложения и направлена на уменьшение степени кредитного риска. Обычно диверсификация кредитного портфеля осуществляется совместно с лимитированием кредитных операций путём установления дифференцированных кредитных лимитов. Диверсификация портфеля ценных бумаг используется по аналогии с диверсификацией кредитного портфеля и позволяет снижать риск портфеля, не уменьшая при этом уровень его доходности.

Также целенаправленно рассмотреть диверсификацию реального инвестирования банков, что предусматривает включение в банковскую практику программу инвестирования различных инвестиционных проектов с альтернативной отраслевой и региональной направленностью, что позволяет снизить общий инвестиционный банковский риск программы.

Анализ отечественного опыта позволяет наблюдать, что практика использования метода диверсификации в банковском деле существенно продвинулась вперед, что объясняется нарастающей конкуренцией в банковском секторе и использованием новых технологий в банковском бизнесе.

2. Обзор литературы.

Анализ литературы по диверсификации банковской деятельности показала, что многие учёные – экономисты, диверсификацию банковской деятельности видят, как эффективный инструмент снижения банковского риска и в то же время, как рычаг удерживающий конкурентоспособную позицию банка на рынке.

Трифонов (2011) в научной статье «Основные направления диверсификации банковской деятельности в условиях кризиса» отмечает, что «...причин, побуждающих банки к диверсификации, несколько. Основная – необходимость снижения рисков. Другая важнейшая причина – снижение процентной маржи в результате ужесточения конкуренции в традиционной банковской сфере».

Коллектив авторов, в составе Жилкиной, Бондаровича, Ревзона (2021) в совместной своей научной работе «Финансовая диверсификация банковской деятельности» раскрыли сущность тенденции трансформации банковской деятельности на базе проведения финансовой диверсификации. Авторы отмечают, что диверсификационным эффектом должно сыграть важную роль клиентоориентированный подход в организации банковского сервиса. На базе зарубежного опыта обоснованы значимость персонификации клиентов в условиях банковских экосистем.

Овчинникова, Овчинникова (2017) в своей работе «Диверсификация деятельности коммерческого банка как фактор обеспечения устойчивости» рассматривают диверсификацию, в качестве важного механизма удерживающий

конкурентоспособность банка «на плаву». Авторами рекомендуется совершенствовать диверсификацию за счёт инновационных технологий и продуктов.

Вопросы методологии диверсификации деятельности банков с точки зрения эффективного инструмента риск-менеджмента рассмотрены в работе таких узбекских учёных, как Азларова (2021), Бердияров (2011), Рахматов (2012).

Резюмируя анализ исследований вышеотмеченных авторов, диверсификация банковской деятельности, как основной объект исследования рассмотрены многими российскими авторами, и естественно больше затрагивается российская практика, а что касается узбекских авторов, то в рамках своих исследований затрагивали тему диверсификации в той или иной степени. Отличительной особенностью данного исследования является то, что обоснуется необходимость формирования нормативно-методологических баз банками в условиях Узбекистана, касательно диверсификации банковской деятельности.

3. Методология исследования.

В ходе исследования данной научной работы в области развития цифровой экономики целом, и в частности, в банковском секторе в условиях интеграции, были проведены беседы с учеными и представителями данной отрасли, проанализирован их письменные и устные отзывы, дана экспертная оценка, осуществлен системный подход к экономическим событиям и процессам, с опытом автора был проведен сравнительный анализ, даны предложения и рекомендации.

4. Анализ и результаты.

Начиная с 2010 года быстрое проникновение цифровой экономики и ее возможностей привели к ускорению сервисов и платежей, требуя реорганизацию бизнес платформ коммерческих банков.

Организационные подходы к проведению диверсификации могут быть разными. К примеру, банк может создать новое звено в целях функционирования в другой отрасли или приобрести долю в капитале действующей хозяйственной единицы. Корпоративные сделки проводятся либо с приобретением части акций, либо с помощью слияния-поглощения. В первом случае банк приобретает неконтрольный пакет акций для создания стратегического альянса или производит перекрестный обмен долей в уставном капитале банка и компании. В перспективе эта сделка ведет к слиянию-поглощению и установлению полного контроля над бизнес-единицей. В современных экономических условиях этот подход является доминирующим в ходе проведения диверсификации банковской деятельности. Банк постепенно осваивает новую сферу бизнеса, но может выйти из нее при неблагоприятных событиях.

Диверсификацию банковской деятельности в инвестиционном и страховом бизнесе, служит проникновения в относительно близкие виды финансового бизнеса и обосновывается возможностью получения дополнительных доходов. Это достигается за счет совместного использования каналов сбыта банковских, инвестиционных и страховых продуктов, а также с помощью перекрестных продаж, когда клиентам банка, например, предлагаются услуги по ценным бумагам и страхованию. Кроме того, банков привлекает более высокая прибыльность инвестиционного и страхового бизнеса по сравнению с прибылью банков. В отечественных условиях этот фактор пока нельзя признать определяющим. Однако, возможно, такая ситуация сложится в перспективе при развитии рынка ценных бумаг и расширении операций страхования. Другая привлекательная сторона - получение доступа к временно свободным денежным средствам. Так, в экономически развитых странах доля депозитных вложений сократилась в отличие от инвестиционных вложений и активов страховых и пенсионных фондов.

Продвижение зарубежных банков на страховой рынок обосновано и тем, что этот финансовый сектор развивается более высокими темпами, чем банковская сфера. Банк имеет определенные преимущества при вхождении в этот близкий бизнес в виде широкой сети филиалов и отделений, каналов реализации услуг и больших активов. Проведение диверсификационных мероприятий осуществляется с помощью создания банком собственной страховой компании, партнерского обмена акциями, формирования совместного бизнес-звена, приобретения действующей страховой компании.

Вхождение коммерческого банка в инвестиционный бизнес предполагает получение им конкурентного преимущества. Оно будет более значительным, если банк сотрудничает с крупными корпоративными клиентами и имеет положительную деловую репутацию. Однако инвестиционный бизнес отличает ряд особенностей, которые банку следует учитывать в его диверсификационной стратегии. Так, банк действует в своей сфере с определенной степенью осторожности, инвестиционный бизнес, наоборот, функционирует в сфере высокорисковых технологий. Клиентура банка относительно постоянна, а в инвестиционном секторе идет динамичное обновление клиентской базы. Ведение банковского бизнеса настроено на процесс, а инвестиционного - на конечный результат. Вознаграждение сотрудников банка основано на консервативной системе в противовес комиссионному подходу к этому вопросу в инвестиционных структурах.

Теоретическое обоснование преимуществ, получаемых банком при проникновении в инвестиционный и страховой бизнес, понятно. Но на практике при проведении диверсификационных мероприятий возникает ряд проблем. Так, организация перекрестной продажи банковских, инвестиционных и страховых продуктов вроде бы должна приносить значительный эффект за счет масштаба. По мнению же специалистов, потенциальные преимущества масштаба диверсификации нивелируются значительными организационными и управленческими осложнениями. Существенную роль играет и различие в корпоративной культуре этих финансовых институтов.

Решение об осуществлении диверсификационной стратегии требует от банка тщательной подготовки и подробной аналитической работы. Необходима оценка будущего эффекта масштаба от вступления в другие сферы финансового бизнеса и технологии проведения операций.

Финансовая наука и теория банковского дела рассматривают несколько видов диверсификационного движения банка. К примеру, диверсификация активов оценивается как изменение их структуры за счет размещения средств в новых, нетрадиционных для банка видах активов. В свою очередь диверсификация валютных резервов - это расширение валютных активов крупных предприятий, транснациональных корпораций и транснациональных банков путем включения в их состав разных валют, что в конечном итоге обеспечивает эффективность международных расчетов и защищает внешнеэкономическую деятельность корпораций от валютных рисков. И то и другое является способом снижения банковских рисков.

Отечественный опыт диверсификации банковской деятельности специфичен и определяется рядом факторов. Во-первых, в отличие от других государств банковский бизнес Узбекистана универсален по характеру. Отсутствуют законодательные ограничения на проникновение банков в другие сектора финансового бизнеса.

До недавнего времени банки Республики Узбекистан не рассматривали инвестиционный и страховой бизнес в качестве цели диверсификации. Банки стремились взаимодействовать с крупными корпоративными клиентами. Это объяснялось стабильностью и объемом их денежных потоков и необходимостью пополнения финансовых ресурсов банка. Основные операции по слиянию и поглощению проводились с действующими предприятиями реального сектора экономики. При участии коммерческих банков создавались крупные финансово-промышленные комплексы.

В банковской сфере значимое место занимает внутренняя диверсификация. Коммерческие банки в рамках классификации по типам бизнеса и рыночной ориентации дифференцируются на кредитные, расчетные, рыночные, банки для банков и розничные банки. Последние имеют диверсифицированную структуру активов и являются универсальными банковскими институтами. Они способны предоставить своей клиентуре широкий спектр услуг.

В банковской сфере приоритетными считаются вопросы применения новых эффективных методов контроля финансовых данных, усиление прозрачности платежей и расчетов между субъектами, защиты данных, дальнейшее совершенствование методики расширения интеграции информационного обмена с другими информационными системами.

На сегодня в области диверсификации банковской деятельности в республике важное место занимает цифровая трансформация, которая создаёт благоприятные условия для увеличения банковских продуктов и сервиса. Сущность цифровой трансформации сводится к тому, что происходит преобразования структур банка,

основанная на применении цифровых технологий, изменение целевой направленности деятельности, обеспечивающее создание новых услуг и получение новых рыночных возможностей.

Во всем мире цифровизация приходит на смену существующим бизнес-моделям в банках, быстро растут объемы рынка мобильных и бесконтактных платежей, P2P-сервисов, цифровых валют и т.д.

В современном Узбекистане ИТ-инфраструктура банков отличается малой гибкостью и сложностью интеграции с новыми решениями из-за жестких регламентов и высокой доли государства. Это было отмечено и в Указе (2020) Президента Республики Узбекистан «О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020 — 2025 годы». В частности, было отмечено: «Вместе с тем анализ текущей ситуации в банковской сфере показывает наличие ряда системных проблем, препятствующих развитию банковского сектора в соответствии с экономическими преобразованиями и потребностями общества, таких как высокая доля присутствия государства в банковском секторе, недостаточное качество менеджмента и управления рисками в банках с участием государства, низкий уровень финансового посредничества в экономике.»

В последние годы банки создают в своей структуре подразделения цифрового бизнеса и стремятся быть в тренде. Они предлагают безопасное хранение вкладов, проведение транзакций, прием в отделениях банка, использование сети инфокиосков и банкоматов, выдачу кредитов, обменные услуги и т. д. Эти услуги предоставляются преимущественно в отделениях, частично через интернет-банкинг и мобильные приложения.

Следует выделить требования к работе банка в рамках обеспечения диверсификации деятельности:

- ориентированная на требования рынка и индивидуализированная структуризация для различных областей деятельности с разными требованиями;
- операционное превосходство, контакт с клиентом, лидерство в работе с продуктом, размер капитала, преимущество величины;
- «прозрачность» затрат и прибыли по сегментам рынка, продуктам и клиентам;
- быстрые и самостоятельные решения, не подверженные давлению конкурентов;
- способность к инновациям, развитие продуктового ряда;
- умелое принятие риска благодаря «предпринимательской культуре свободного пространства» для идей, инноваций и действий при своевременном и контролируемом ограничении риска;
- экономически оправданная, разумная и удовлетворяющая требованиям клиента стандартизация услуг;
- индивидуализация при высоком качестве обслуживания;
- высокий уровень квалификации персонала и менеджмента;
- рациональное размещение капитала;
- содержательная и эффективная информация и коммуникации в рамках и вне организации.

5. Заключение и рекомендации.

По мнению мировых ученых, широкое использование диверсификации банковской деятельности в условиях цифровизации и интеграции в различных областях приведет к увеличению производительности труда, расширению удобств и возможностей, повышению качества продукции и услуг, экономическому росту.

Исходя из анализа теоретико-методологических основ диверсификации банковской деятельности есть основание сделать следующие выводы и рекомендации:

- на современном этапе, бизнес в коммерческих банках следует рассматривать более шире, нежели просто банковский бизнес, куда следует включать бизнес в сфере инвестирования и страхования;
- конкуренция становится движущей силой для усиления диверсификации в банковском секторе;
- трансформация банков сказывается благоприятно на развитие процесса диверсификации банковской деятельности, в условиях цифровизации у банков

создаются новые технико-информационные возможности для увеличения банковских продуктов и сервиса;

- рекомендуется коммерческим банкам, разработать политику диверсификации банковской деятельности, как с точки зрения снижения банковских рисков, так и с точки зрения увеличения дохода на базе расширения банковских продуктов и сервиса.

Литература / Reference:

Азларова А.А. (2021) Основы банковского дело и финансов: Учебник/ А.А.Азларова – Т.: « Иқтисодиёт», 257 с / Azlarova A.A. (2021) Fundamentals of banking and finance: Textbook / A.A. Azlarova - T.: "Iktisodiyot", 257 p.

Бердияров Б.Т. (2011) Оптимизация управления активными операциями коммерческих банков // Рынок, деньги и кредит, № 11, стр 3-4. / Berdiyarov B.T. (2011) Optimizing the management of active operations of commercial banks // Market, money and credit, No. 11, pp. 3-4.

Жилкина А.Н., Бондарович Е.П., Ревзон О.А. (2021) Финансовая диверсификация банковской деятельности // Экономика и предпринимательство. №11 (136) 1138-1142 стр. / Zhilkina A.N., Bondarovich E.P., Revzon O.A. (2021) Financial diversification of banking // Economics and Entrepreneurship. No. 11 (136) 1138-1142 pp.

Овчинникова О.П., Овчинникова Н.Э. (2017) Диверсификация деятельности коммерческого банка как фактор обеспечения устойчивости // Финансы и кредит, т. 23, вып. 4, стр. 188–200 / Ovchinnikova O.P., Ovchinnikova N.E. (2017) Diversification of the activities of a commercial bank as a factor in ensuring sustainability // Finance and credit, vol. 23, no. 4, pp. 188–200

Рахматов Х.У. (2012) Тижорат банклари менежментида активларни бошқариш: муаммо ва ечимлар. Т.: "Yangi nashr, 178 б. / Rakhmatov H.U. (2012) Asset Management in Commercial Bank Management: Challenges and Solutions. T.: "New edition, 178 p.

Трифонов Д.А. (2011) Основные направления диверсификации банковской деятельности в условиях кризиса // Деньги и кредит №4, Стр 76. / Trifonov D.A. (2011) The main directions of diversification of banking activities in a crisis // Money and Credit No. 4, Page 76.

Указ (2020) Президента Республики Узбекистан «О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020 — 2025 годы». / Decree (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy for Reforming the Banking System of the Republic of Uzbekistan for 2020-2025".



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Сабинова З.Қ.

Тошкент молия институти

Аннотация: Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга ўтказишнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга ўтказишга оид илмий жиҳатдан асосланган муаллифлик таклифлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, хўжалик юритувчи субъектлар, халқаро стандарт, акциядорлик жамияти.

ORGANIZATION OF ACCOUNTING IN ECONOMIC ENTITIES BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS

Sabirova Z.Q.

Tashkent Financial Institute

Abstract: In this article, the theoretical, methodological and practical aspects of the transfer of accounting of economic entities to international standards are studied. Scientifically based author's proposals on the transfer of financial reports to international standards have been developed.

Key words: accounting, financial reporting, economic entities, international standard, joint-stock company.

1. Кириш.

Республикаимизда хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини кўп йиллардан буён бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига (БҲМС) асосан юритиб келишмоқда эдилар. Эндиликда эса БҲМС дан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари(МҲХС)га ўтмоқдамиз. Бунинг сабаби шундаки Республикаимиз корхона ва ташкилотлари учун халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш заруратга айланди, бунга сабаб давлатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб қилиниши, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар асосида ташкил этилишини тақозо этмоқда.

Бундан ташқари акциядорлик жамиятлари ўз акцияларини фонд биржаларида листингга қўйиш учун молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузиши керак ҳамда инвестицияларни жалб қилиш мақсадида потенциал инвесторлар учун молиявий ҳисоботни ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг алоҳида белгилари ва ҳисоб моделларининг моҳиятини кўриб чиқиш зарур бўлади (Штурмина, 2010).

Бугунги кунда фойдаланувчиларни ахборотларга бўлган талабларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби ташкилий жиҳатдан бошқарув, молиявий ва солиқ ҳисобига ажратилмоқда. Бошқарув ҳисоби корхона ичида фойдаланиладиган ички ҳисоботини шакллантириш имконини беради. Бошқарув ҳисоботи маълумотларидан фойдаланиш корхона бошқарувчилари томонидан тезкор ва ташқи муҳитга мос келувчи қарорларни қабул қилишни осонлаштиради ва қўйидагиларни аниқлаш имконини беради: бизнеснинг қайси йуналишини ривожлантириш, қандай баҳолар қабул қилиш керак, харидорлари кимлар ва бошқалар (Штурмина, 2010).

2. Адабиётлар таҳлили.

Бухгалтерия ҳисобига оид амалда бўлган қонунчиликка кўра, корхоналар миллий ёки халқаро стандартларга асосан бухгалтерия ҳисобини ташкил этиши, юритиши ва молиявий ҳисоботларни тузишлари мумкинлиги қайд этилган. Аммо, солиқ қонунчилигига кўра, ҳар бир корхона ўз фаолиятига оид молиявий ва солиқ ҳисоботларини бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига асосан солиқ идораларига тақдим этишлари белгилаб қўйилган (Штурмина, 2010).

Курбонов ва Акромовларнинг (2015) тадқиқотларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Джумановнинг (2019) илмий тадқиқотларида молиявий ҳисобот ахборотларини компиляциялаш масалалари кўриб ўтилган. Ташназаровнинг (2017) илмий тадқиқотларида молиявий ҳисобот шакллари халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Авлокуловнинг (2019) илмий ишларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ризаев ва Ҳотамовларнинг (2020) илмий ишларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишда япон тажрибаси бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ олиб борилган тадқиқотларда молиявий ҳисобот ахборотларининг шаффофлиги ва халқаро стандартларни жорий этишдаги муаммолар етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Демак, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш ёки унинг қоидаларини миллий иқтисодий мувофиқлаштириш бугун нафақат республикамизда, балки бутун жаҳонда энг долзарб масалалардан бирига айланиб қолган.

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Маълумки, 2017 йил 6 декабрь куни Ўзбекистон банклари Ассоциациясида тижорат банклари, аудиторлик ташкилотлари ва олий таълим муассалари ходимлари иштирокида “Молиявий ҳисобот ва аудитнинг Халқаро стандартлари: қонунчилик, амалиёт ва жорий этиш муаммолари” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Мазкур конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 12 сентябрьдаги ПҚ-3270-сонли қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 12 майдаги 274-сонли қарорига асосан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботини нашр этиши ва уни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилиши белгиланган.

Зеро бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш, улардаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлайди. Маълумотларнинг шаффофлиги ва объективлиги эса инвестор ва банклар томонидан корхона фаолиятини ривожлантиришга инвестиция киритиш масаласини ҳал этишга ёрдам беради. Мамлакат миқёсида эса, хорижий инвеститсияларни тўғридан-тўғри жалб қилишга, бунинг натижасида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, модернизация қилинишига, янги иш ўринларини яратилишига давлат бюджетига солиқларнинг тушумини кўпайтиришга, иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашига катта ҳисса қўшади.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларга мослаштириш бўйича тегишли ислохотлар амалга оширилиб, бу борада тегишли қонунлар, давлат дастурлари, Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилиниб, мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишда ўзига хос ва

миллий иқтисодиётга мос йўл танланди. Бу халқаро стандартларга мувофиқ келадиган бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга йўл очди. Шу билан бир қаторда ҳозирги кунда корпоратив бошқарувга асосланган акциядорлик жамиятларида халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузишга ўтилмоқда. Бунга асосан бевосита халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузиш ёки миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга трансформация қилиш орқали эришилиши мумкин.

“Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар тўғрисида” № 8-сон БҲМС ва № 10-сон МҲХСга мувофиқ халқаро стандартлар Ўзбекистон кредитлари, суғурта ва қимматли қоғозлар биржаларида ёки қимматли қоғозлар бозорида бошқа савдо ташкилотчиларида савдога қўйишга рухсат берилган бошқа ташкилотлар учун мажбурийдир. Ушбу корхоналар, МҲХСларидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш учун тан олинган йилдан кейинги йил учун ҳисобот маълумотларидан бошлаб, МҲХСларига мувофиқ консолидацияланган молиявий ҳисоботни тайёрлайди. Ўзбекистонда МҲХСларни тан олиниши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли қарори билан ўрнатилади.

1-жадвалда молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг таркиби ва уларнинг мақсади баён қилинган.

1-жадвал

МҲХС таркиби ва мақсади¹

МҲХС таркиби	МҲХСнинг тавсифи ва қўллаш мақсади
МҲХСларига кириш (Preface to IFRS)	Халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартибини, шунингдек, МҲХСларига мувофиқ Кенгашнинг мақсадлари ва процедураларини тавсифлайди.
Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш принциплари (Framework for the Preparation and Presentation of Financial Statements)	Ҳужжатда халқаро стандартлар тизимининг концептуал асослари мавжуд бўлиб, уларнинг асосида барча МҲХСлари ва уларнинг изоҳлари ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатда молиявий ҳисоботнинг мақсади, унинг асосий элементлари, уларни аниқлаш ва ўлчаш қоидалари, шунингдек молиявий маълумотларнинг сифат хусусиятлари муҳокама қилинади.
Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари (International Accounting Standards (IAS)-2001 йилгача қабул қилинган; International Financial Reporting Standards (IFRS)-2001 йилдан кейин қабул қилинган).	Улар муайян битимлар компаниянинг молиявий ҳисоботида ошқор этилиши керак бўлган қоидаларни ўрнатадилар.
Стандартларни шархлаш (Standing Interpretations Committee interpretations (SIC)-2001 йилгача қабул қилинган; International Financial Reporting Interpretations Committee interpretations (IFRIC)-2001 йилдан кейин қабул қилинган).	Тўлиқ очилмаган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, стандартларни тўлдириш. Улар амалиёт натижалари бўйича стандартларнинг қоидаларини, уларни қўллаш ва стандартларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинган объектларни тартибга солишга қаратилган.
Кичик ва ўрта корхоналар учун МҲХСлари.	У соддалаштирилган ва автоном бухгалтерия тамойилларини ўз ичига оладиган, МҲХСлари тўлиқ версияга асосланган ва кичик, нодавлат компаниялар учун мос.

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

Шуни таъкидлаш керакки, ташкилотларнинг индивидуал баёнотларига МҲХСларини қўллаш имкониятларини кенгайтирмайди. Шунинг учун, МҲХСга мувофиқ консолидация қилинган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун, гуруҳга кирган барча ташкилотларнинг алоҳида ҳисоботларини ўзгартириш керак бўлади. Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектлар трансформация харажатларига дучор бўладилар.

Қуйидаги 2-жадвалда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи турли омиллар келтириб ўтилган.



2-расм. Бухгалтерия ҳисоби ҳисоботига таъсир этувчи омиллар²

Худудида ягона миллий валюта жорий этилган Европа давлатлари ягона иқтисодий муҳитни шакллантирадилар. Бу ва бошқа сабаблар халқаро даражадаги ҳисоб тизими-молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС-МСФО) (International Financial Reporting Standards-IFRS ёки International Accounting Standards) нинг шаклланиши учун асос бўлади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг ижтимоий манфаатларда қабул қилинган қоидалардир. Бу халқаро даражада амал қилувчи ҳисоб тизимидир. МҲХС тавсиявий тавсифга эга. Бутун дунёдаги тартибга солувчи идоралар молиявий ҳисобот юритиш қоидаларини унификациялашнинг миҳимлигини тан олганликлари ва МҲХС бўйича қўмитанинг фаолиятини қўллаб-қувватлаганликлари учун ҳам ушбу стандартлар қўлланилади.

² Муаллиф ишланмаси

4. Хулоса ва таклифлар.

Молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларини тўлақонли жорий этишда мазкур стандартларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур ўрганиш, уларнинг услубий жиҳатларини қўллаш олиш, миллий стандартларимизни имкон қадар халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, илғор хориж тажрибасини ҳисобга олганда бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида халқаро атамаларни қабул қилиш, хорижий тиллардаги махсус адабиёт ва зарур материалларни ўзбек тилига таржима қилиш, амалиётчи ходимлар ва илмий тадқиқотчиларни хорижий мамлакатларда тажриба алмашинувини ташкил этиш ҳамда амалиётчи бухгалтерларни сертификатлаш ишларини йўлга қўйишдан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги хулоса ва таклифларни бериш мумкин:

биринчи, Ҳозирги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар порталида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари лойиҳалари жойлаштирилмоқда. Мазкур стандартларда, фикримизча, молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг амалдаги талабларидан кенгроқ фойдаланиш зарур. Чунки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида ҳам кун сайин ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу эса миллий стандартларни ҳам доимий тарзда янгилаб туришни тақозо этади.

иккинчи, Мамлакатимизда молиявий ҳисобот халқаро стандартларини жорий этишда нафақат норматив-ҳуқуқий базани, балки бухгалтерия дастурлари ҳам халқаро стандартлар талабларига мослаштириш керак. Жумладан, активлар ва мажбуриятларни баҳолаш, молиявий ҳисоботларда очиб бериш жараёнини бевосита халқаро стандартлар қоидалари асосида ташкил этиш зарур. Бунинг учун хорижда кенг қўлланиладиган бухгалтерия дастурларидан кенг фойдаланиш зарур.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Авлокулов А.З. (2019) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий натижалар кўрсаткичларини акс эттириш хусусиятлари. //Халқаро молия ва ҳисоб. № 2, март-апрел. / Avlokulov A.Z. (2019) Features of reflecting financial performance indicators in international standards of financial reporting. //International finance and accounting. No. 2, March-April.

Джуманов С.А. (2019) Кичик саноат зоналари субъектларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш. //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали, №1, февраль. / Djumanov S.A. (2019) Transformation of financial statements of entities of small industrial zones based on international standards. //“International finance and accounting” scientific-electronic journal, No. 1, February.

Ризаев Н.К., Ҳотамов К.Р. (2020) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишда япон тажрибаси.// Молия ва банк иши электрон илмий журнали. 1-сон, январь-февраль. / Rizaev N.K., Hotamov K.R. (2020) Japanese experience in implementing international financial reporting standards.// Electronic scientific journal of finance and banking. Issue 1, January-February.

Ташназаров С.Н. (2017) Молиявий ҳисоботнинг МҲХС бўйича трансформацияси зарурати, моҳияти ва босқичлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь. / Tashnazarov S.N. (2017) Necessity, essence and stages of transformation of financial reporting according to MHSS // "Economics and innovative technologies" scientific electronic journal. No. 3, May-June.

Қурбанов З.Н., Акрамов Ф.А. (2015) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг долзарб масалалари. // Бизнес-эксперт, №4. / Kurbanov Z.N., Akramov F.A. (2015) Current Issues in the Transition to International Financial Reporting Standards. // Business expert, #4.

Штурмина О.С. (2010) Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебное пособие. Ульяновск. / Shturmina O.S. (2010) International Accounting and Financial Reporting Standards. Tutorial. Ulyanovsk.



БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АКТИВЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ, УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сайфуллаев М.С.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Мазкур мақолада ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларининг активлари ва уларнинг туркумланишининг аҳволи, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган. Шунингдек соф активлар тушунчаси ва уларнинг устав капиталига нисбатан улуш қиймати ва унинг аҳамияти, мазкур улуш қийматини аниқлаш усуллари тўғрисида таклифлар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: актив, соф актив, операцион активлар, корхона активлари, узоқ муддатли активлар, айланма активлар, таъсисчининг уставдаги улуши коэффиенти, соф активлар улуши кўрсаткичи.

THE ECONOMIC CONTENT OF ASSETS IN A MARKET ECONOMY, THEIR CLASSIFICATION AND IMPROVEMENT

Sayfullaev.M.S

Tashkent State University of Economics

Annotation. This article presents the assets of business entities and their classification in nowadays, and suggestions for their improvement. There are also proposals on the concept of net assets and their share value in relation to the charter capital, its importance, methods of determining the value of this share.

Keywords. assets, net assets, operating assets, enterprise assets, long-term assets, current assets, founder's share in the charter, net assets share ratio.

1. Кириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида биз активлар тушунчасига ҳаётимизнинг турли жабҳаларида ва турли соҳаларида дуч келишимиз мумкин. Актив бу иқтисодий термин бўлиб, ушбу терминнинг иқтисодий мазмун-моҳияти ва унинг турлари тўғрисида мамлакатимиз ҳамда хориж олимлар томонидан турли хил таърифлар ва таснифлар берилган. Ҳозирги кунда активлар ва уларнинг туркумланишида турли хил бахс-мунозаралар бўлмоқда. Мазкур мақолада активлар ва уларнинг туркумланиши бўйича хорижий ва маҳаллий олимлари томонидан берилган таъриф ва тавсиялар кўриб чиқилиб, муаллиф томонидан активларга таъриф ва туркумланиши бўйича тавсиялар берилган. Мақолада юк ташиш хизмати корхоналари ва уларнинг активлари ва туркумланиши мисолида кўриб ўтилган. Қуйида 1-жадвалда транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
Жўнатилган юклар, млн.т	1 132,5	1 146,2	1 243,0	1 319,8	1 366,7
темир йўл	67,6	67,9	68,4	70,1	70,6
автомобил	1 002,8	1 013,1	1 102,2	1 177,7	1 238,2
қувур йўли	62,2	65,1	72,4	72,0	57,9
ҳаво йўли, минг	26,5	26,4	13,1	10,4	5,3
Юк айланмаси, млрд. т-км	65,3	66,9	71,3	72,6	66,9
темир йўли	22,9	22,9	22,9	23,4	23,6
автомобил	13,3	13,6	14,6	15,9	16,2
қувур йўли	28,9	30,2	33,6	33,2	26,8
ҳаво йўли, млн. т-км	132,2	156,9	123,5	119,0	219,0

Хусусан, ушбу тармоқнинг энг йирик корхоналаридан бири "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳисобланади. 2020 йилда акциядорлик жамиятнинг жами активлари миқдори 37.497.698,59 минг сўми ташкил этиб, мазкур активлар қуйидагича туркумланган

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти жами активлари (минг сўмда)

№	Активлар турлари	Суммаси
1	Узоқ муддатли активлар	23.639.636,3
1.1	Асосий воситалар	17.047.138,5
1.2	Номоддий активлар	170,2
1.3	Узоқ муддатли инвестициялар	1.521.118,2
1.4	Ўрнатишдаги асбоб-ускуналар	137.442,5
1.5	Капитал қўйилмалар	4.357.353,4
1.6	Бошқа узоқ муддатли активлар	576.413,5
2	Жорий активлар	13.155.172,0
2.1	Товар-моддий бойликлар	1.779.801,4
2.2	Дебиторлик қарзлари	2.724.617,2
2.3	Пул маблағлари	553.579,7
2.4	Бошқа турдаги жорий активлар	8.097.173,7
	Жами активлар	36.794.808,3

2. Адабиётлар шарҳи.

Каримов ва бошқалар (2019) томонидан активлар терминига қуйидагича таъриф берилган яъни «Активлар - бу олдинги амалга оширилган муаммоларни ёки олдин содир бўлган воқеалар натижасида корхонага келиб тушган ва улардан фойдаланиш келажакда фойда келтирадиган иқтисодий ресурслардир.» деб таъриф берилган ва активлар уч хил хусусиятга эга бо ўлиши кераклигини:

а) келажакдаги иқтисодий нафни ўзида мужассамланиши, бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки уламинг эквивалентларини кўпайтириш имконияти;

б) бу иқтисодий нафлами назорат қилиш қобилиятини мужассамлаш;

с) олдинги битимлар ёки бошқа воқеаламинг натижаси бўлишилигини қайд этишган.

Юлдашева ва бошқалар (2007) томонидан «активлар хўжалик юритувчи субъектининг моддий пул маблағлари ҳамда дебиторлик қарзлари ва моддий бўлмаган, лекин қиймат нархига эга бўлган мулкларининг йигиндиси. Хўжалик юритувчи субъектларнинг активи аввал амалга оширилган битим ва бошқаларнинг натижаси бўлади. Хўжалик юритувчи субъектлар одатда активларни сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш йўли билан оладилар бироқ бошқа битимлар ёки воқеалар активларни юзага келишига имкон беради» деб таъриф берилган.

Богаченко (2015) «активлар икки хил кўринишдан ташкил топган узоқ муддатли активлар ва айланма активлардан» деб таъриф бериб ўтган ва узоқ муддатли активлар таркибига қуйидагилар:

- асосий воситалар яъни фойдаланиши бир йил муддатдан ошиқ бўлган хожалик фаолиятида ишлатиладиган, ўз шаклини ўзгартирмайдиган, ўз қийматини маҳсулот ва иш хизматлар таркибига эскириш ажратмаси сифатида ўтказиб борадиган буюмлар.

- номоддий активлар деб нарса буюм кўринишига эга бўлмаган, маҳсулот ишлаб чиқариш ва иш ва хизматлар кўрсатишда ишлатиладиган, фойдаланиш муддати 12 ойдан кўп бўлган, корхонага келгусида иқтисодий наф келтирувчи воситаларга айтилади.

- ўрнатишдаги ускуналар бу технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш ускуналари қайсики объектда ўрнатиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

- узоқ муддатли активларга капитал қўйилмалар кейинчалик бухгалтерия балансида асосий воситалар, ер майдонлари, номоддий активлар ва бошқа турдаги активлар сифатида тан олиш учун қилинган харажатларга айтилади деб тавсиф бериб ўтган.

Жорий активларга товарлар, тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр маҳсулотлар, ишлаб чиқариш захиралари, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва бошқа активларни киритган.

Шунингдек бир қанча чет эл олимлари ҳам активлар ва уларнинг турлари, иқтисодий мазмун моҳияти хусусида таъриф беришган. Мазкур олимлардан бири бу Кристине Жоник томонидан қуйидагича таъриф берилган яъни актив бу бизнес учун ўз қимматига эга бўлган ва ўз ичига бизнес томонидан эгалик қилинадиган ва бошқариладиган нарсалар ва ҳисоботларда ўзларнинг бизнесдаги қиймати ёки бўлмаса ушбу активни сотиб олиш учун тўланган суммаси бўйича акс эттириладиган буюмлар деб таъриф берилган.

Олим томонидан активлар икки турга ажратилган булар жорий активлар яъни пул маблағлари ва бир йил ичида пулга айлана оладиган активлар ва асосий воситалар яъни нисбатан қимматроқ бўлган бир йилдан ортиқ фойдаланишга эга бўлган активлар каби турларга ажратилган.

Мичелл Франклин томонидан активларга қуйидагича таъриф берилган яъни активлар бу-келгусида даромад келтирувчи маблағлар деб таъриф берилган ва активларни икки турга ажратган. Булар узоқ муддатли активлар ва жорий активларга турларга ажратган.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда индукция, дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, эксперимент, адаптив усуллар, интеграцион ёндашувлар, енгил саноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар ҳисоби ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш масалалари бўйича халқаро тажрибалар таҳлили ва апробациясидан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Активлар жисмоний шахсларга ёки ташкилотларга тегишли бўлган ҳар қандай қийматга эга бўлиши мумкин ва уларни ҳар хил турларга ажратиш мумкин.

Шахсий активларга одатда пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари киради; кўчмас мулк ва эр участкалари; автомобиллар, қайиқлар ва заргарлик буюмлари каби шахсий мулк; ва инвестициялар.

Корхоналар учун активлар одатда ишлаб чиқариш ва ўсишни барқарорлаштиришга ёрдам берадиган ва одатда таснифланадиган ва молиявий ҳисоботдаги нақд қиймати бўйича ифодаланадиган маблағлар.

Корхоналарнинг активлари корхоналарга ҳар қандай шаклда мавжуд бўлган иқтисодий маблағлар ҳисобланади. Улар корхонанинг бошқаруви остида ва унинг иқтисодий ҳаётининг олдинги тадбирлари натижасида олинган бўлади. Корхона активлари — бу корхона даромад олиш учун фойдаланадиган воситалардир.

Активларни активлар сифатида тан олиниши учун қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

-фойдаланиш;

-алмашилиш;

-тўлаш;

-иқтисодий жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш каби хусусиятларга эга бўлиши керак.

Активларни ҳисобга олиш бизнес юритишнинг ажралмас қисмидир, аммо жисмоний шахслар ҳам, Корхоналар ҳам уларни рўйхатга олишлари муҳимдир. Агар сиз ўзингизни ёки ўзингизнинг бизнесингизни ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, уларни суғурталаш учун қандай мол-мулкнинг борлигини ва уларнинг қийматини билишингиз керак. Бундан ташқари, қарз берувчилар кредитни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилишда сизнинг кўп мол-мулкнинг ҳисобга олишлари ва ҳатто гаров сифатида ҳам фойдаланишлари мумкин.

Активлар соф қийматни аниқлаш бу активлар калитидир. Соф маблағни ҳисоблашнинг оддий усули бу активлардан (ўзингиз эгалик қиладиган) мажбуриятларни (қарздорликни) олиб ташлашдир.

Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларидан ташқари активларнинг қийматини аниқлаш, одатда, профессионал баҳоловчи томонидан амалга оширилиши керак. Активлар қийматини аниқлашнинг иккита кенг тарқалган усули мавжуд: харажатлар усули ва бозор қиймати усули.

Харажатлар усули — бу активни баҳолашнинг оддий усули, чунки у асл сотиб олиш нархидан фойдаланади. Бироқ, бозор қиймати ёки бозор услуби белгиси активларнинг қийматини аниқлашнинг аниқ усули бўлиши мумкин, чунки у вақт ўтиши билан дастлабки сотиб олиш нархидан пасайиши ёки ошиши мумкин. Ушбу усул қийматни активнинг очиқ бозорда сотадиган нархига асосланади.

Корхоналар тўғрисида гап кетганда, активлар одатда конвертация (жорий ёки асосий воситалар), жисмоний мавжудлик (моддий ёки номоддий активлар) ва фойдаланиш (операцион ёки ишламайдиган активлар) бўйича таснифланади.

Конвертация активларни нақд пулга айлантиришнинг осонлигини англатади.

Жорий активлар - бу ҳозирги вақтда нақд пулдаги ёки бир йил ичида нақд пулга айланиши кутилаётган нарсалар. Бизнес учун улар пул маблағлари, инвентаризация ва дебиторлик қарзларини ўз ичига олиши мумкин.

Асосий воситалар - бу бир йилдан ортиқ умр кўрган корхона фаолиятини олиб бориш учун сотиб олинган моддий бойликлар. Бунга қуруқлик, бинолар, транспорт воситалари, қайиқлар, самолётлар, асбоб-ускуналар, машиналар, компьютер техникаси, мобил телефонлар ва бошқа жиҳозлар мисол бўлиши мумкин.

Активларнинг жисмоний мавжудлигини кўриб чиқишда улар одатда моддий ва моддий бўлмаган тоифаларга бўлинади.

Моддий бойликлар жисмоний шаклда мавжуд. Улар одатда нақд пул, сармоялар, эр участкалари, бинолар, инвентаризация, енгил автомобиллар, юк машиналари, қайиқлар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларни ўз ичига олади.

Номоддий активлар жисмоний шаклда мавжуд эмас. Улар товар номлари, тарқатиш тармоқлари, патентлар, мулкӣ жараёнлар ва методикалар ва муаллифлик ҳуқуқлари каби нарсаларни ўз ичига олиши мумкин.

Жорий ва асосий воситалар одатда моддий бойликлар тоифасига киради. Номоддий активлар моддий кўринишда бухгалтерия балансида кўринмайди, аммо фаолиятига қараб, улар корхона активлари қийматининг катта қисмини ташкил қилиши мумкин.

Активларни моддий ёки номоддий деб таснифлаш оддий жараён бўлиши шарт эмас. Масалан, нефть ва газ саноатида нефть захираларини ривожланиш босқичига қараб моддий ёки номоддий деб таснифлаш бўйича бухгалтерия ҳисобининг махсус қоидалари мавжуд.

Активларнинг ишлатилиши бўйича таснифланганда, улар одатда операцион ва ишламайдиган активлар деб таснифланади.

Операцион активлар — бу бизнеснинг кундалик фаолиятида зарур бўлган маблағлар, масалан, пул маблағлари, захиралар, бинолар, машиналар, ускуналар, муаллифлик ҳуқуқлари ва патентлар.

Ишламайдиган активлар даромад келтириши мумкин, аммо бизнес юритиши учун талаб қилинмайди. Улар қисқа муддатли сармоялар, бўш мулк ва эрлар ва фоизли даромадларни ўз ичига олади.

Корхонанинг молиявий аҳволини аниқлаш учун бир қатор омиллар қўлланилади. Улардан бири соф активдир. Соф активлар бу корхона фаолияти учун муҳим бўлган кўрсаткисларда бири сифатида кўришимиз мумкин чунки ушбу кўрсаткич корхонанинг эгалари ва корхонанинг кредитор қарздорлари ўртасидаги фарқни ифодалайди. Соф активлар ҳажмини билиш корхонанинг муваффақияти ва унга сармоя киритишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлай олиш воситасидир, чунки соф активлар — бу активлар, ҳар хил мажбуриятлар юкланмаган. Бу кўрсаткич одатда йилига бир марта ҳисобланади. Буни билган ҳолда, инвестор ёки корхонанинг эгаси корхонанинг фаровонлиги ва ҳақида тегишли хулосалар чиқариши мумкин. Мисол учун банкротлик хавфини аниқлаш мақсадида ҳам бу кўрсаткичдан фойдаланилади. Шунингдек ушбу кўрсаткич мутлақдир, шунинг учун бошқа ташкилотлар билан таққосласлаганимизда уни нисбийга айлантиришимиз мумкин.

Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш одатда йилига бир марта амалга оширилади, гарчи баъзи корхоналар чорак ёки ярим йилда бир марта буни афзал кўрсалар. Олинган рақам махсус вараққа мос келади ва натижаларни сарҳисоб қилганда таҳлил қилинади.

Корхонанинг мавжуд узоқ муддатли активларига яъни корхонанинг номоддий маблағлари, корхонанинг асосий воситалари, мавжуд узоқ муддатли активлар киради.

Корхонанинг жорий активларга яъни барча қимматли қоғозлар, акциялар, ҳисобдаги бўш пуллар, дебиторлик қарзлари, омбор захиралари ва бошқалар киради.

Бу икки турдаги активлар қўшилади ва улардан эгаларининг (устав жамғармаси ташкилотчиларининг) мавжуд қарзлари ўчирилади. Шунингдек, бу сумма акциядорлар олдидаги дивиденд қарзлари, узоқ муддатли мажбуриятлар ва кредитлар, кечиктирилган солиқ тўловлари ва корхонанинг бошқа мажбуриятларини ҳам ўз ичига олади.

Шундай қилиб, балансдаги соф активларни ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

СФ=Жами активлар-мажбуриятлар

Юқоридаги қайд этилганлардан кўриниб турибдики соф активлар кўрсаткичларнинг ижобий бўлиши бу корхонанинг молиявий соғлом эканлигини билдиради, аксинча бўлган тақдирда эса биз бу корхона молиявий носоғлом корхона деб топамиз.

Кўп қарзга эга бўлган, лекин кўп активларга эга бўлган корхона қарз юкини тўлиқ ёки қисман енгиллаштириш учун активларни сотиши мумкин. Аммо активларнинг камайиши бу корхонанинг фаолиятига таъсир кўрсатмасдан қолмайди, шу билан бир қаторда корхонанинг қиймати унинг гудвилининг камайишига олиб келади.

Корхонанинг соф активларнинг ҳолатини яхшилаш билан бир қаторда, корхонанинг соф активлар улуши кўрастакчиларининг ҳам ижобий кўринишда бўлиши бу корхонана учун ижобий ҳолат саналади.

Ушбу илмий ишимда соф активларнинг улуши кўрсаткичига қуйидагича таъриф бермоқчиман яъни соф активларнинг улуш кўрсаткичи бу 1 бирлик акция миқдorigа тўғри келувчи соф активлар миқдorigа айтилади ёки бўлмаса соф активларнинг эмиссия қилинган оддий акциялар сони нисбати деб таъриф беришни таклиф қиламан.

Соф активлар улуши кўрсаткичи қуйидаги формула орқали топилади яъни:

$$SFU = \frac{SF}{AU}$$

бунда: SFU-соф активларнинг улуши кўрсаткичи;

SF- соф активлар қиймати;

AU- эмиссия қилинган оддий акциялар сони.

Шунингдек мен ўз илмий ишимда мамлакатимизнинг хўжалик юритувчи субъектлари ташкилй тузулишининг хориж мамлакатларидаги корхоналар ва корхоналар

билан таркибий тузилишлари ўртасида бироз фарқ борлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ғарб давлатлари ва Европа мамлакатларда умуман олганда кўплаб хориж мамлакатларида фаолиятида хўжалик фаолият юритувчи субъектларнинг асосий улуши транс миллий корпорациялар, концернлар, акциядорлик корхоналар ташкил этади, бизнинг мамлакатимизда эса хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий қисмини маъсулияти чекланган жамиятлари, хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Шу сабабли маъсулият чекланган жамиятларида акция тушунчасининг бўлмаслиги ва акциядорларнинг ўрнига таъсисчилар бўлишлигини ҳисобга олган ҳолда соф активлар улуши кўрсаткичини қуйидагича ҳисоблашни тавсия берамиз:

$$SFU = \frac{SF}{UTU}$$

Бунда:

SF-корхонанинг соф активлари,

UTU-таъсисчиларнинг уставдаги улуши коэффициентлари.

5. Хулоса ва таклифлар.

Юқорида қайд этиб ўтилган мамлакатимиз олимлар ва хорижлик олимлар томонидан активлар, уларнинг иқтисодий моҳияти, турлари тўғрисида келтириб ўтилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда ушбу имий ишда активларга қуйидагича таъриф беришимиз.

Активлар — ўз қийматини қоплаш мақсадида зудлик билан ёки босқичма-босқич маҳсулот ва иш, хизматлар таннархига ўтказиб борувчи ёки давр харажатлари сифатида тан олинувчи, келгусида фойда келтириш мақсадида шакллантирилган, шахсга ёки бизнесга тегишли бўлган пул қиймати эга бўлган моддий ва номодий кўринишидаги маблағлар деб таъриф беришни таклиф қиламан.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни хулоса қилишимиз мумкинки соф активларнинг ижобий ҳолатда бўлиши, соф активлар улуши кўрсаткичининг юқори бўлиши бу корхонага нисбатан хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг қизиқиши ортиб боришига корхонага инвестицион пул оқимларини ўсишига умуман олганда корхонанинг инвестицион жозибадорлигини янада ошишига олиб келади, бу эса корхонанинг фаолиятини кенгайтириши, унинг молиявий аҳволини соғлом бўлишига, даромадларини кўпайтишига бир сўз билан айтганда корхонанинг ривожланишига хизмат қилади.

Шу сабабли мамлакатимизда фаолият юритувчи барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ва уларни таҳлил қилиш жараёниларида соф активлар улуши кўрсаткичини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратиш, ушбу кўрсаткични ўсиш ва камайишига сабаб бўлувчи омилларни таҳлил қилиш муҳим бир вазифалардан бири ҳисобланади.

Бутун жаҳон иқтисодиётини қамраб олувчи глобаллашув жараёнларининг кучайиши муносабати билан алоҳида давлатлар ўртасидаги муносабатларни ёмонлашуви натижасида, кўплаб хўжалик юритувчи субъектларнинг бир-бирлари билан алоқаларига таъсир кўрсатиб келмоқда. Шу муносабат билан иқтисодий муносабатларнинг ҳар бир иштирокчиси учун тушунарли бўлган ягона рақамлар тилини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Ушбу тил халқаро молиявий ҳисобот стандартлари тизимига айланди, унинг асосий мақсади манфаатдор фойдаланувчиларга корхона фаолияти тўғрисидаги ишончли маълумотларни ўз вақтида тақдим этишни таъминлашдир.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Богаченко В.М. (2015) «Бухгалтерия ҳисоби асослари» ўқув қўлланма. М.: ФЕНИКС нашриёти. / Bogachenko V.M. (2015) "Fundamentals of Accounting" textbook. M.: Phoenix Publishing.

Каримов А.А., Қурбанбоев Ж.Э., Жуманазаров С.А. (2019) «Бухгалтерия ҳисоби» дарслик. М.: Иқтисод-молия нашриёти. / Karimov A.A., Qurbanboev J.E., Jumanazarov S.A. (2019) Textbook "Accounting". M.: Economic and Financial Publishing House.

Юлдашева С., Мастеева И., Махкамов Б. (2007) «Бухгалтерия ҳисоби асослари» ўқув қўлланма. М.: Шарқ нашриёти. / Yuldasheva S., Masteeva I., Maxkamov B. (2007) Textbook "Fundamentals of Accounting". M.: Sharq Publishing House.



ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ПРОГНОЗЛАРИ

Салоҳиддинов С.А.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: мақолда глобаллашув инсоният тамаддунининг ютуқлари билан бирга, бир қатор табиий, ижтимоий ва иқтисодий ҳамда сиёсий муаммоларни келтириб чиқаргани, уларни ҳал қилиш "нормал" иқтисодиёт нуқтаи назаридан аллақачон имконсиз бўлиб қолгани экспертлар томонидан илағри сурилаётгани ва унинг оқибатларини юмшатиш, бунда ишлаб чиқариш ва жадал саноатлашув долзарб аҳамиятга эга экани илгари сурилган.

Шу жумладан, бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган инвестицион дастурлар ва уларга институционал ёндошув, ишлаб чиқаришга инновацион ғоялар билан ёндашиш ҳақида истиқболли фикрлар юритилади.

Калит сўз. Глобаллашув, интеграция, саноатлашув, цивилизация, савдо, тижорат, инвестиция, экспорт, импорт, ишлаб чиқариш, пандемия шароитида, фоиз став-каси, валюта курси, саноатлашиш модели, жаҳон иқтисодиёти, иқтисодиёт, иш билан бандлик, иш самрадорлиги.

PROSPECTIVE FORECASTS OF PRODUCTION PROCESSES IN THE CONDITIONS OF GLOBALIZATION

Salahiddinov S.A.

Tashkent State University of Economics

Annotation: The article notes that globalization, along with the achievements of human civilization, has created a number of natural, social, economic and political problems, the solution of which is already impossible from a "normal" economic point of view. It has been argued that industrialization is of paramount importance.

In particular, there are promising ideas about the investment programs being implemented in Uzbekistan today and their institutional approach, approach to production with innovative ideas.

Keyword. Globalization, integration, industrialization, civilization, trade, commerce, investment, export, import, production, in a pandemic, interest rates, exchange rates, industrialization model, world economy, economy, employment, labor efficiency.

1. Кириш.

Глобаллашув инсоният тамаддунининг ютуқлари билан бирга, бир қатор табиий, ижтимоий ва иқтисодий ҳамда сиёсий муаммоларни келтириб чиқарди, уларни ҳал қилиш "нормал" иқтисодиёт нуқтаи назаридан аллақачон имконсиз бўлиб қолгани экспертлар томонидан илағри сурилмоқда.

Замонавий шароитларда ва фан-техника тараққиёти натижасида ишлаб чиқариш анча мураккаблашди. Бугунги кунда кўплаб ишлаб чиқариш операциялари одамлар томонидан бажарилмайди. Улар автоматик равишда амалга оширилади. Амалда барча саноат тармоқларида (анъанавий ва янги пайдо бўлган) тўлиқ автоматлаш-тирилган ишлаб чиқариш пайдо бўлди. Шу билан бирга, бундай тармоқларни бошқариш махсус билимларни талаб қилмайдиган борган сари соддалашиб бормоқда. Ўта мураккаб техник тизимларнинг (автомобиллар, компьютерлар, телекоммуникация тизимлари, аудио-видео тизимлари ва бошқалар) пайдо бўлиши ва уларнинг ишлаши ҳақида

деярли ҳеч қандай маълумотни талаб қилмайдиган бошқа-рувни тўлиқ ўхшашлик билан таққослаш мумкин.

Ўтган аср охирида янги бешинчи технологик тартибнинг пайдо бўлишига ва энг ривожланган мамлакатларнинг индустриал давлатдан постиндустриал давлатга ўтишига, ахборот жамиятининг пайдо бўлишига олиб келган илмий-техникавий тараққиёт – бу глобаллашув деган янги атамани пайдо қилди (Levit, 1983).

2. Адабиётлар шарҳи.

Бугунги кунда бир нечта трансмиллий корпорациялар инсониятнинг деярли барча эҳтиёжларини таъминлай олади. Бундан ташқари, тақдим этилаётган моддий маҳсулотлар ва хизматлардаги фарқ тобора камайиб бормоқда.

Корпорациялар ўз маҳсулотларини илгари суриш ва истеъмолчи учун курашишнинг тобора агрессив усулларида фойдалана бошладилар. Бу жараён бошқа жараёнларга, биринчи навбатда, Ер аҳолисининг иқтисодий имкониятларини кескин табақалаш билан боғлиқ. Ҳамма мамлакатлар ҳам постиндустриал жамиятга ўтишни амалга оширмаган. Кўпгина мамлакатлар иқтисодиёти бугунги кунда тўртинчи, ҳатто учинчи технологик тартибга тўғри келади, бу эса ушбу мамлакатлар аҳолисига фан-техника тараққиётининг барча афзалликларидан фойдаланишга имкон бермайди.

Хусусан, экологик муаммолар, бешинчи технологик тартибга ўтмаган мамлакатларда Ер аҳолисининг ўсиши, аҳолининг бир қисми учун элементар озиқ-овқат маҳсулотларининг реал танқислиги – буларнинг барчаси, авваламбор, мавжуд вазиятни илмий тушунишни, инсон саломатлигини муҳофаза қилишни тақозо этади.

Албатта, глобаллашув борасидаги бу ва бошқа фикрлар муаллифлари ўз нуқтаи назарини муайян даражада асослаб берган. Бизнингча, глобаллашув жаҳон миқёсидаги интеграциялашув жараёни ва ҳодисалари сифатида талқин этилса, унинг янги ҳодиса эмаслиги ҳақидаги фикр асосли туюлади. Дарҳақиқат, Ўрта асрлардаги салиб юришлари оқибатида Шарқ ва Ғарб маданиятларининг муайян даражада уйғунлашуви ёки Англияда тўқув дастгоҳининг пайдо бўлиши Ҳиндистондаги миллионлаб тўқувчиларнинг хонавайрон бўлишига олиб келгани, Франция республикачилиги ғояларининг пайдо бўлиши Шарқдаги яқка ҳукмдорлар ҳокимиятини заифлаштиргани, масалан, Россияда декабристлар ҳаракатига туртки бўлганини тасдиқлайди.

Дунёни манфаат бошқаради, деган гап бор. Шу нуқтаи назардан, глобаллашув жараёнларининг асос-моҳиятини фойда ва даромад ташкил этган капиталистик муносабатларнинг такомиллашувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий-сиёсий тизим ва иқтисодиётни либераллаштиришни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, “Глобаллашув” тушунчаси илк бора америкалик олимлар томонидан киритилган. Жумладан, Левит (1983) “Бозорларнинг глобаллашуви” номли мақоласида глобаллашувни илгарилари тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада кўрсаткичларга эга бўлган истеъмол товарлари стандартлашиши учун глобал бозорлар пайдо бўлиши билан боғлиқ янги тижорат воқелиги деб атаган.

Трифт глобаллашувнинг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатади:

- молиявий марказлашувнинг кучайиши. Унинг ёрдамида кредит маблағлари шакллантирилади, кредитлар берилади ва фойдаланилади, шунингдек капиталнинг ишлаб чиқариш устидан ҳукмронлиги ўрнатилади;

- ахборотлар аҳамиятининг ошиши;

- глобал олигополиянинг тўхтовсиз кенгайиши;

- трансмиллий корпорация (ТМК)лар сонининг ортиши;

- трансмиллий иқтисодий дипломатиянинг шаклланиши ва миллий давлат ҳокимиятининг глобаллашуви (Евдокимова, 2013).

Кастельс (2000) глобаллашув жараёнини “янги капиталистик иқтисодиёт” деб атаб, унда ахборот, билим ва ахборот технологиялари ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлик ўсишининг асосий манбаи эканлигини таъкидлайди.

Владимированинг (2001) фикрича, глобаллашув жаҳон иқтисодиёти байналминаллашувининг энг юқори босқичидир.

Кривошееванинг (2015) таъкидлашича, глобаллашувдан яшириниб бўлмайди. Глобал жараёнлар тобора маҳаллий ва ҳатто тупроқ шароитларига таъсир қилмоқда. Бироқ, аниқ қаршилиққа қарамай, ҳар бир киши маълум даражада глобал тизим билан боғлиқ. Агар биз глобаллашувнинг пайдо бўлишининг ўзига хос тарихий босқичи ҳақида гапирадиган бўлсак, у анча олдин пайдо бўлган, у фақат бошқача номланган.

Шундай қилиб, агар глобаллашувнинг кенг маъносида биз халқларнинг иқтисодий яқинлашиши, интеграция, ягона жаҳон иқтисодий маконининг шаклланиш жараёнини назарда тутсак, глобаллашув инсоният тарихи давомида содир бўлган, деб таъкидлаш мумкин, гарчи бу жараён доимо барқарор бўлмаган.


Глобаллашув жараёнлари жаҳон тараққиётининг тадрижий ривожини, дунёдаги турли давлатлар ва ҳудудлар ўзаро боғлиқлигининг бениҳоя кучайиши ҳамда инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларида жиддий ўзгаришларга олиб келган янги босқич экани айтиш мумкин. Шу асосда бугунги кунда глобаллашувга миллат ва давлат чегараларини инкор этувчи "жаҳон жамияти"ни шакллантираётган инсоният ҳаётидаги объектив ҳамда табиий жараён, дея таъриф бериш мумкин. Янги Ўзбекистон тараққиёти учун эса, глобаллашувда саноатни жадаллаштириш ягона провард мақсад йўли ҳисобланади.

3. Тадқиқот методологияси.

Глобал воқеликни баҳолаш ва муаммоларни прогноз қилишда янги иқтисодий ёндашувни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан. Бу ҳодисалар замонавий ишлаб чиқаришнинг ўрни ва ролини қайта баҳолашга олиб келади. Бу, биринчи навбатда, замонавий корпорацияларнинг асосий стратегик тезиси билан боғлиқ: "Маҳсулот сотилади, бренд сотиб олинади" (Болтабоева, 2014). Умуман олганда, замонавий корпорациялар учун бу шиор мутлақо тўғри.

Дарҳақиқат, энг юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган ҳолда, компаниянинг имиджини билан шуғулланиш керак. Аммо бир қатор олимлар замонавий шароитда ишлаб чиқариш қандайдир орқада қолиб кетган, асосийси эса "бренд дизайни", коммуникация сиёсати деган хулосага келишади (Навруз-Зода, Ибрагимов, 2020). Бизнингча, бу нотўғри ва ўз сиёсатини бундай технологияларга асослайдиган компаниялар учун ҳам, бутун мамлакатлар учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ерда ишлаб чиқариш ролини аниқ нотўғри тушуниш мавжуд. Ишлаб чиқаришнинг ўзи умуман иккинчи даражали бўлмайди. Аксинча, ишлаб чиқариш асосида "брендни қўллаб-қувватлайдиган" ядро яратилади. Ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқаришда тизимли инновацияларга эътиборнинг заифлашиши, бир вақтнинг ўзида коммуникация сиёсатининг кучайиши "ишлаб чиқариш пирамидаси" (молиявий пирамидага ўхшаб) билан тенгдир, у ривожлантирилмас экан, албатта, кулаб тушади (Асатуллаев ва б., 2019).

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ишлаб чиқаришнинг аҳамиятини сақлаб қолиш ҳақида гапирганда, ишлаб чиқаришнинг ўзидаги сифат ўзгаришларига тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас.



3-расм. Жаҳон иқтисодиёти ва Ўзбекистон билан ҳамкор мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш суръатлари динамикаси

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган инқирозли ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки:

биринчидан, юзага келган мураккаб иқтисодий вазият банк ва молия секторидаги қандайдир инқирозли ҳолат натижаси эмас ҳамда фискал ёки монетар сиёсат орқали унинг тўлиқ ечимини таъминлаш имконияти чекланган. Мавжуд вазият, энг биринчи навбатда “инсоний” ёки “инсон соғлиги инқироzi” билан боғлиқдир;

иккинчидан, одатда инқирозлар талаб (банк тизимидаги инқироз ва кредитларнинг секинлашуви, ёки давлат қарзининг ошиб кетиши натижасида харажатларнинг қисқариши, даромадларнинг камайиб кетиши) ёки таклифнинг яъни, ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариши (уруш ва табиий офатлар, қарз инқирозлари ва ҳ.к.) билан боғлиқ омилларнинг бири таъсирида юзага келади. Амалдаги иқтисодий вазиятнинг мураккаблиги, бир пайтнинг ўзида талаб ва таклифнинг қисқариши билан изоҳланади;

учинчидан, коронавирус пандемиясининг тўхтатилиши ва ундан кейинги босқичда чекловларнинг олиб ташланиши ҳамда ушбу касаллик тарқалишининг иккинчи тўлқини билан боғлиқ юқори даражадаги ноаниқ-ликларнинг мавжудлиги:

- бизнес субъектлари учун ишлаб чиқариш ва инвестицион лойиҳалар бўйича;
- аҳолининг истеъмол фаоллигига;
- ҳукуматлар томонидан фискал ва монетар қўллаб қуватлаш;
- ташқи ва ички қарзларни жалб қилиш;
- ижтимоий ҳимоя ҳажми ва дастурларини белгилаш борасида аниқ қарорларни қабул қилишда қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Шу нуқтаи назардан COVID-19 пандемиясининг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш вазифаси, биринчи навбатда, ушбу касалликнинг аҳоли соғлигига таъсирини минималлаштириш, ушбу борада киритилган чекловларни эҳтёткорлик билан босқичма-босқич олиб ташлаш ва келгусидаги вазиятни имкон қадар аниқроқ баҳолай олиш орқали инқироздан кейинги иқтисодий тикланиш сиёсатини тўғри шакл-лантириш ва амалга оширишдан иборат бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Парламентига Мурожаатномаси¹ ҳамда мамлакатимизни 2017 – 2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларини амалга ошириш Ҳаракатлар стратегиясида (2017) белгиланган вазифаларни бажа-ришга қаратилган жорий йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб аталгани ва Давлат дастурининг қабул қилиниши, барқарор иқтисодий ривожланиш, халқ фаровонлигини оши-ришда муҳим дастурамал бўлиб хизмат қилди.

Коронавирус пандемиясининг глобал иқтисодиётга ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкор мамлакатларига салбий таъсири.

Глобал инқирознинг республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривож-ланишига салбий таъсирларини юмшатиш мақсадида Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолат-ларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”² ва “Корновироз панде-мияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқ-лари ва тадбиркорлик субъект-ларини қўллаб – қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”³ги фармонлари қабул қилинди ва амалиётда жорий этилди.

Фармонда кўрсатиб ўтилгандек, жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда республикамизда инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолиятини тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар кўрилди. Глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир қилди, бу эса, ўз навбатида, ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўришни талаб қилди.

¹ uza.uz>uz...parlamentga-murozhaatnomasi...25-01-2020

² e-qaror.gov.uz>oz/site/download-text...

³ lex.uz>docs/4780475

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Замонавий иқтисодий ривожланиш иккита асосий тенденция билан тавсифланади: жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва халқаро иқтисодий интеграция. Айнан ушбу тизимлар тадбиркорлик тузилмаларини шакллан-тиришга, уларни ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади, уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар ёки чекловлар яратади.

Ушбу тадқиқотимизда глобаллашув шароитида Ўзбекистон иқтисо-диётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви билан бирга инновацион ишлаб чиқариш, жадал саноатлашув кенг кўламли экспорт салоҳиятини ҳосил қилди. Бу жараёнда, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш орқали маҳаллий саноат корхоналари учун ишбилармонлик муҳити яратилди. Шунингдек, тадбиркорлик, жумладан, саноат ишлаб чиқаришни такомиллаштириб глобаллашувнинг салбий таъсирларини юмшатишга эришилмоқда.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Бундан беш йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди.

Унга мувофиқ равишда 2017–2021 йилларда мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантириш, халқнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратиш, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгал-лашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми ўлароқ, Ўзбекистоннинг келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган энг муҳим ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Бу билан келгуси 5 йилга мўлжалланган Тараққиёт страте-гияси тасдиқланди.

Бош стратегик ҳужжатнинг ҳаётга жорий этилиши туфайли давлат бошқаруви, жамият, фуқаролик институтлари, оммавий ахборот воситалари, иқтисодиёт ва бошқа барча соҳаларда уйғониш олдинга силжиш бошланди.

Буни ўтган 5 йиллик муддат давомида эришилган натижалар ва самара-дорлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бинобарин, Ўзбекистон глобал иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб бораётган шароитда, мамлакатда олиб борилаётган макроиқтисодий, шу жумладан, пул-кредит сиёсати ва банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида халқаро жамоатчиликни, хусусан, хори-жий инвесторлар, халқаро рейтинг компаниялари ҳамда молиявий ташки-лотлар яқиндан ҳамкорлик ўрната олди ва саноатлавушга катта эътибор қаратди.

Саноат ишлаб чиқаришнинг бир қисми сифатида мамлакат аграр секторлари ривожланди, интенсив технологияларни қўллаш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш, турли номларда ўзек маҳсулотлари брендини яртиш ва кластер технологияларини кенг кўламда жорий этишдек натижаларга эришилди.

5. Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик алоқаларига қўшилиш жараёни объектив тузилмавий шарт-шароитлар этилган ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг хўжалик механизми ислоҳ қилина борган сари босқичма-босқич ривожланмоқда.

1) мавзунинг категориявий аппаратини аниқлаштириш: корxonани ривожлантириш стратегиясининг моҳияти, мазмуни, унинг бошқа иқтисодий категориялар билан алоқасини аниқлаш;

2) ишлаб чиқариш саноати корхоналарини ривожлантириш страте-гияларини, шу жумладан, уларнинг мазмуни ва стратегик даражаси турла-рини аниқлашни ўрганишга услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш;

3) Ўзбекистонда ишлаб чиқариш саноати фаолияти учун рақобат муҳи-тини ривожлантириш тенденцияларини аниқлаш;

4) ишлаб чиқариш саноати корхоналарини ривожлантириш страте-гияларига ҳар томонлама баҳо бериш, уларнинг жаҳон рақобатининг замо-навий шартларига мувофиқлик даражасини баҳолаш;

5) мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш омили сифатида озиқ-овқат саноати ривожланишини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштиришга концептуал ёндашувларни асослаш;

6) ишлаб чиқариш саноатининг асосий кичик тармоқларини жаҳон бозорига интеграциялашув даражасидан келиб чиққан ҳолда ривожланти-ришнинг стратегик устувор йўналишларини белгилаш;

7) глобаллашув шароитида стратегик рақобатдош устунликларга эри-шиш учун асос сифатида ишлаб чиқариш саноати корхоналарининг инно-вацион фаолияти харажатлари ва натижаларини солиштириш ва ривожлантириш зарур.

Ўзбекистоннинг халқаро бозорга мустақил суръатда чиқиши ва дунё хўжалигига интеграциялашуви шароитларида унинг бошланғич иқтисодий салоҳияти жаҳон хўжалигига самарали қўшилиш истиқболларига умид қилиш имконини беради.

Бу эса қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Келажакда янги турдаги асбоб-ускуналар ва янги автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни яратишга қодир бўлган билимли одамларнинг жуда кичик қатлами ва билимлари жамият томонидан талаб қилинмайдиган одамларнинг асосий қисми бўлиши мумкин, улардан самарали фйдаланишда янги билимларни ўзлаштириш жуда қизиқарли ёндашув, десак хато бўлмайди.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Levit T. (1983) The Globalization of Markets, Harvard Business Review (HBR). pages 289-297

Асатуллаев Х., Турсунов Б., Маманазаров А. (2019) Корхоналарни ривожлантириш стратегияси. (Маърузалар матни). Т.: 520 бет. / Asatullaev H., Tursunov B., Mamanazarov A. (2019) Enterprise Development Strategy. (Text of lectures). Т.: 520 pages.

Болтабоева Г.Р. (2014) Маркетинг: амалий маркетинг савол ва жавобларда. Ўқув қўлланма. Т.: Тошкент Молия институти, «Иқтисод-Молия»нашриёти, 340 бет. / Boltaboeva G.R. (2014) Marketing: Practical Marketing Questions and Answers. Study guide. Т.: Tashkent Financial Institute, "Economy-Finance" publishing house, 340 pages.

Владимирова И.Г. (2001) Глобализация мировой экономики: последствия.URL:. / Vladimirova I.G. (2001) Globalization of the World Economy: Implications. <http://www.cfin.ru/press/management/2001-3/10.shtml>

Евдокимова А.И. (2013) «Международные экономические отношения» 2-е издания— Под ред. М.863 стр. / Evdokimova A.I. (2013) "International Economic Relations" 2nd edition - Ed. M.863 pp.

Кастельс М. (2000) Информационная эпоха: экономика, общество и культура: монография/ М.Кастельс— М.: ГУ ВШЭ, 608с. / Castells M. (2000) Information Age: Economics, Society and Culture: monograph / M. Castells— М.: State University Higher School of Economics, 608 p.

Кривошеева В.А. (2015) Что несет собой глобализация? Феномен или провал? / В. А. Кривошеева. Текст: непосредственный // Молодой ученый. № 17 (97). С. 452-454. / Krivosheeva V.A. (2015) What does globalization mean? Phenomenon or failure? / V. A. Krivosheeva. Text: direct // Young scientist. No. 17 (97). pp. 452-454. URL: <https://moluch.ru/archive/97/21751>

Навруз-Зода Б.Н. Ибрагимов Н.С. (2020) "Ўзбекистонни топ 10 туристик ҳудудлар қаторига киритиш истиқболлари: барқарор ривожланиш имкониятлари". Бухоро: ООО "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti, 300 б. / Navruz-Zoda B.N. Ibragimov N.S. (2020) "Prospects for inclusion of Uzbekistan among the top 10 tourist regions: opportunities for sustainable development". Bukhara: ООО "Sadriddin Salim Bukhari" Durdona publishing house, 300 p.

Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон. / Decree (2017) of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. DP-4947 "On the Strategy of Actions in Five Priority Areas of Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021".



БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИКЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН СУСПЕНЗИЯ СЕПИШ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Табаев А.З.

*"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институтини" миллий тадқиқот университети*

Суюндикова Д.М.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Аннотация: Мақолада боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларга кўрсатиладиган суспензия сепиш хизматини ривожланишининг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда суспензия сепиш хизматини самарали ташкил этиш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Суспензия сепиш хизмати, кластер, суспензия, ОВХ, омиллар, фьючерс шартномалар, инновацион технологиялар.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF SUSPENSION SERVICE SERVICES FOR HOUSEHOLD AND VITICULTURE SPECIALIZED FARMS

Табаев А.З.

*"Tashkent institute of irrigation and agricultural
mechanization engineers" national research university*

Суюндикова Д.М.

Tashkent state technical university named after Islam Karimov

Annotation. The article presents the current state of development of suspension spraying services for farms specializing in horticulture and viticulture, problems and factors influencing it, as well as recommendations for the effective organization of suspension spraying services.

Keywords. Suspension spraying service, cluster, suspension, OVX, factors, futures contracts, innovative technologies.

1. Кириш.

Республикаимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам жиддий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида боғдорчилик тармоғи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Боғдорчилик тармоғини жадал ривожлантириш, тармоқда замонавий ва инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланган.

Бу борада сўнгги йилларда давлатимиз томонидан кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сон фармон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4246-сон қарорига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон "Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

Ушбу қарорлар асосида қишлоқ хўжалигида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, илмий техникавий инновациядан самарали фойдаланиш, инновацион моддий-техника базасини яратиш ва уларни рағбатлантириш чора – тадбирлари амалга оширилмоқда.

Албатта, бу муаммоларни самарали ҳал этиш ва боғдорчиликда юқори ҳосил олишда интенсив боғ ва токзорлар учун кичик ҳажмли пуркаш агрегатларнинг ўрни алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Тулабоев, Холиқуловлар (2018) “мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларга суспензия сепиш хизматини кўрсатишда илғор ва инновацион технологиялардан кенг қўлланилгандагина маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини пасайтириш, мевасабзавот маҳсулотлари етиштириш бўйича даромадни кўпайтириш, пировардида мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини барқарор ривожлантиришга эришиш мумкин” деб ўзининг хулосасини берган.

Бекназаров ва бошқалар (2018) “интенсив боғ ва токзорлар учун OVX-28 вентиляторли пуркагичи ёрдамида дарахтларнинг 5-6 чинбарг ривожланиши даврида суспензия сепиш хизмати кўрсатилса, самарадорлиги юқори бўлади” деб ўзининг таклифини берган.

Ли, Муродовлар (2017) “мева-сабзавотчилик учун зарур бўладиган замановий суспензия сепиш пуркагичлари ва кимёвий ўғитлар етишмаслиги ҳамда мавжудларининг баҳолари юқорилиги ресурслар нархини мониторинг қилиш асосида уни тартибга солишнинг иқтисодий услубларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади” деб ўзининг таклифини берган.

Ашурметова (2017) “республикамизда мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда суспензия сепиш жараёнларида ресурс тежовчи технологиялар ва экологик хавфсиз чора-тадбирларни кенг қўлланилишидан манфаатдорлигини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш” деб ўзининг таклифини берган.

Турсунов (2018) “замонавий уйғунлашган кураш чораси инсонларнинг, агробиоценоздаги турларнинг ривожланиши, иқтисодий ва атроф муҳит нуқтаи назаридан, меъёр даражасида ёндашган ҳолда. мевали боғ дарахтлари зараркунандалари ва уларга қарши уйғунлашган кураш системасида ҳимоя қилишда айниқса кимёвий кураш чораларини қўллашда зараркунандаларнинг иқтисодий хавfli сонини ва фойдали хашаротларга уларнинг сони нисбатини ҳисобга олган ҳолда суспензия сепиш хизматини кўрсатиш мақсадга мувофиқ” деб ўзининг таклифини берган.

3. Тадқиқот методологияси.

Республикамизда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларга кўрсатиладиган суспензия сепиш хизматини янада ривожлантириш, замонавий ва инновацион пуркаш агрегатларини жорий этиш ҳамда уларнинг турларини кенгайтириш асосида суспензия сепиш хизматининг самарадорлигини ошириш бўйича барча тадбирлар, ахборотлар, материаллар таҳлилилий ўрганилиб, атрофлича таҳлил қилинди. Илмий тадқиқотлар Сирдарё вилояти доирасида ўрганилиб, бунда гуруҳлаш, таққослаш, таҳлил ва синтез, кузатиш каби усуллардан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

БМТнинг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг маълумотларига кўра ҳар йили ўсимлик касалликлари жаҳон иқтисодиётига жуда катта зарар келтираётганлиги, ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига қарши кимёвий ишлов беришда пуркаш воситаларидаги энг асосий муаммо бу – ўсимликларда зараркунандаларнинг яшаш жойларига етарлича ишлов берилмаганлиги, шу жумладан, пуркаш агрегатларидаги асосий элемент – тўзиткичлар ёрдамида шакллантирилаётган томчиларнинг медиан-массавий диаметри ва дисперслиги агротехник талабларга тўлиқ жавоб бермаётганлиги қайд этилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили зараркунандалар таъсирида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 20 фоизидан 40 фоизигача йўқотилиши маълум. Ҳар йили

Ўсимлик касалликлари жаҳон иқтисодиётига қарийб 220 миллиард АҚШ доллари, инвазив ҳашаротлар эса 70 миллиард АҚШ доллари зарар келтиради.

“Агрокимёхимоя” акциядорлик жамияти томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатилган агрокимё хизматлари таркиби таҳлил қилиб ўрганилганда, агрокимё хизматлари таркибида катта улушни суспензия сениш хизмати ташкил қилади. Мазкур хизмат тури эса 2020 йилни ҳисобга олмаганда охириги йилларда фақат ўсиш тенденцияси кузатилган. (1-жадвал)

1-жадвал.

“Агрокимёхимоя” акциядорлик жамияти томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатилган агрокимё хизматлари таркиби, млн сўм¹

№	Йиллар	Агрокимё хизматлари таркиби,		
		Кимёвий ишлов бериш	Дефолиация қилиш	Суспензия сепиш
1	2011		7399	9718
2	2012		8134	9805
3	2013		10442	13001
4	2014		11663	13612
5	2015		12271	16264
6	2016		12279	14957
7	2017		13532	24086
8	2018	13993	12486	35370
9	2019	20174	11634	39875
10	2020	16535	8386	29442

Суспензия натижасида боғдорчилик ва узумчиликнинг ҳосилдорлиги суспензия қилинмаган ҳолатга нисбатан 30-35 фоизга қўпайиши унинг нақадар зарурлигини ифодалайди. Суспензиялаш эса бевосита “Агрокимёхимоя” ХАЖнинг туман филиаллари отрядларни ташкил этган ҳолда амалга оширадilar. Бу эса бевосита муқобил сервис хизмати турларини кўрсатишининг энг яхши йўли ҳисобланади.

Боғлар ва узумларнинг касалликка чидамли бўлишида уни баргидан суспензия усулида озиклантириш ҳам ижобий самара беради. Суспензия қилишнинг яна бир аҳамиятли томони борки, эритмага бегона ўт ва зараркунандаларни йўқотувчи препаратларни аралаштириб сепиш мумкин.

Суспензия сепиш тадбирини самарали амалга ошириш учун чет давлатларининг илғор тажрибасида кенг қўлланилаётган биостимулятор ва ўсишни бошқарувчи препаратлар билан амалга оширилишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, суюқ ҳолада ҳамда кичик хажмда қадоқланганлиги сабабли ташиш, юклаш ва тушириш қулай ҳамда ишчи эритма тайёрлаш жараёнида сув билан тез аралашиб, қисқа муддатда фойдаланиш ҳолатига келтирилади. Натижада, самарадорлиги юқори бўлиб, ўсимликлар томонидан тез ўзлаштирилади.

Суспензия қилишнинг йилдан йилга ортиши натижасида Сирдарё вилоятида ОВХларга бўлган талаб ортиган, лекин ихтисослашган агрокимё корхонаси “Агрокимёхимоя” ХАЖнинг пуркагичлари сонини камайишига олиб келди ва 2017 йилда атига ОВХ лар сони 245 та бўлган бўлса, 2020 йилга келиб, умумий сони 154 тани ташкил қилиб, яъни 37,1 фоизга камайди. Бунга туманлараро агрокимё корхоналарида ОВХлар сонинг пасайиштаъсир қилган, шу билан бирга Боёвут (121,4%), Гулистон (123,1%), Сайхунобод (2,3 марта) ва Ховос (119%) туманлари агрокимё корхоналарида аксинча ОВХлар сони ошган (2-жадвал).

Суспензиядан ташқари ОВХ лар ёрдамида ғўза дефолиациясининг амалга оширилиши уларнинг самарадорлигини ошишига олиб келди. Дефолиация эса ғўзани агротехника тадбирларининг охириги бўлган йиғиб-териш босқичига тўғри келади, уни амалга ошириш Сирдарё вилоятида 2 йўл билан амалга оширилади:

1. ОВХ лар ёрдамида отрядлар оқалисепиш;
2. Самолётлар ёрдамидасепиш.

¹ “Агрокимёхимоя” акциядорлик жамияти маълумотлари

Шундан охирги йилларда самолётлар орқали сепиш камаймоқда сабаби, агрокимё корхоналаридан ташқари қишлоқ хўжалиги корхоналарига тегишли ОВХ лар сони ортиб бормоқда.

2-жадвал

Сирдарё вилоят "Агрокимёхимоя" ХАЖ нинг филиалларидаги мавжуд пуркагичларининг динамик ҳолати²

№	Туман ва туманлараро филиаллар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 й.ни 2017 й.га нисбати, %
1	Боёвут	14	11	11	17	121,4
2	Гулистон	13	11	8	16	123,1
3	Мирзаобод	16	14	6		-
4	Околтин	19	18	14	8	42,1
5	Сардоба	18	16	13	10	55,6
6	Сайхунобод	16	15	17	37	2,3 марта
7	Сирдарё	21	20	19	15	71,4
8	Ховос	21	21	16	25	119
9	Боёвут т-аро	50	53	47	19	38
10	Сайхунобод т-аро	39	36	31		-
11	Янгиер т-аро	18	28	26	7	38,9
	Вилоят бўйича	245	243	208	154	62,9

Ўтказилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ташкилий масалаларнинг ҳал этилмаслиги, махсус машина ва асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги, технологияларнинг номукаммалиги ҳисобига заводдан далагача бўлган барча босқичлардаги минерал ўғитларнинг жами йўқотилиши 15 фоизни ташкил этади. Республика қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб берилаётган минерал ўғитларни йўқотилишини қисқартириш ҳисобига салмоқли миқдорда қўшимча ҳосил олиш имконияти яратилади. Лекин, бу йўқотишлар натижасида атроф-муҳитга етказилаётган салбий оқибатлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу жуда катта зиёнدير.

5. Хулоса ва таклифлар.

Республика бўйича меъёрга нисбатан кимиёвий моддаларнинг ҳажми етарли бўлмаганлиги ва агрокимё хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника жиҳозлари етарли даражада таъминланмаганлиги сабабли бажарилмай келинмоқда. Шунинг учун хизмат кўрсатиш инфратузилмасини комплекс ривожлантириш ва сервис хизматини ташкил этиш бугунги куннинг энг долзарб муаммосидир. Бозор иқтисодиётида асосий эътиборни ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасига, ҳамда унинг моддий таъминоти тежамли сервис хизмат кўрсатишларига қаратилган. Охирги йилларда хизмат кўрсатувчилар сони бир неча бароварга ўсди ва янгилари ташкил килинмоқда. Асосий олиб борилаётган ислохотлар жойларда амалга оширилаётганлигини кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалигига агрохимсервис хизмати кўрсатишнинг ўзига хос йўналишлари бўлиб, ўғитларни ишлатишга тайёрлаш, далага сепиш, кимиёвий моддаларни сақлаш ва уни далага ишлатишга ихтисослашган махсус техникалар орқали хизмат кўрсатилади.

Бу техникалардан йиллик фойдаланиш 50-150 мото-соат бўлиши мумкин. Ундан битта фермер олиб ишлатиш самарали бўлмаганлиги учун хизмат кўрсатиш корхоналари шундай ишларни бажаришни ўз зиммасига олиши мақсадга мувофиқдир. Охирги йилларда техника билан қуролланиш даражаси бироз ортган. Бунга асосий техникаларни кредит ва лизинга олиш сабаб бўлган. Шунинг учун, агрокимё хизмати корхоналарини замонавий техника ва технологиялар билан тезкор таъминланса агрокимё хизмати сифати яхшиланади. Бундай тадбирларни қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб қувватлашсиз амалга ошириш қийин.

Агрокимё хизматлари соҳасини барқарор ривожлантириш учун соҳада рақобатни ривожлантириш орқали қулай ташкилий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий ва табиий-

² Сирдарё вилояти "Агрокимёхимоя" ХАЖ 2017-2020 йиллар маълумотлари

экологик шарт-шароитларни яхшилаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун агрокимё хизматлари соҳасини янада ривожлантиришни давлат томонидан рағбатлантириш ёки қўллаб-қувватлаш зарурий аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун агрокимё хизмати кўрсатувчи субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- агрокимё хизматлари сифатини яхшилаш, турларини кўпайтириш, кимиёвий моддаларнинг сифатини қатъий назорат қилиш, соҳада рақобатни ривожлантириш учун янги ташкил топган агрокимё хизмати корхоналарини ҳар томонлама рағбатлантириш;

- агрокимё хизмати корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, ресурс тежамкор техникалар ва инновацион технологиялардан фойдаланишга кўмаклашиш, лизинг, кредит ва ижра муносабатларининг самарадорлигини ошириш;

- қишлоқ хўжалиги агрокимё хизмати корхоналарини молиялаштириш ва кредитлашда ҳамда лизинг муносабатлари учун маблағлар манбаси сифатида хусусий тадбиркорларнинг маблағлари, банк кредитлари, жамғармалар, грандлар ҳамда ҳомийлар маблағларидан кенгроқ фойдаланиш.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Ашурметова Н.А (2017) "Республикада мева-сабзавотчилик тармоғининг рақобатдошлик позициясини баҳолаш" "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь. / Ashurmetova NA (2017) "Assessment of the competitive position of the fruit and vegetable industry in the country" Scientific electronic journal "Economy and Innovative Technologies". № 6, November-December.

Бекназаров А.Ж., Нурмихамедов Б.У., Мирзаходжаев Ш.Ш. (2018) "Суспензия ва суюлтирилган химикатларни сепиш мосламасини асослаш" "Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалиги соҳаси самарадорлигини оширишда илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларининг ролини оширишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари, 60-63 бетлар, 22-23 февраль. / Beknazarov A.J., Nurmixamedov B.U., Mirzaxodjaev Sh.Sh. (2018) Proceedings of the scientific-practical conference "Substantiation of the device for spraying suspensions and liquefied chemicals" "Current issues of increasing the role of research institutes and higher education institutions in improving the efficiency of agriculture in the Republic of Uzbekistan", pages 60-63, February 22-23.

Ли М., Муродов Ш. (2017) "Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати: муаммо ва уларнинг ечими" "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 3, май-июнь. / Li M., Murodov Sh. (2017) "Current state of efficiency of fruit and vegetable production: problems and their solutions" Scientific electronic journal "Economy and innovative technologies". № 3, May-June.

Тулабоев А.Қ., Холиқуловлар М.А. (2018) "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасидаги муаммолар ва имкониятлари" "Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалиги соҳаси самарадорлигини оширишда илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларининг ролини оширишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари, 163-165 бетлар, 22-23 февраль. / Tulaboev A.Q., Kholikulovlar M.A. (2018) Proceedings of the scientific-practical conference "Problems and opportunities in the field of fruit and vegetable growing and viticulture" "Current issues of increasing the role of research institutes and higher education institutions in improving the efficiency of agriculture in the Republic of Uzbekistan", pages 163-165, February 22-23 .

Турсунов А. (2018) "Мевали боғ дарахтлари зараркунандалари ва уларга қарши уйғунлашган кураш тизими" "Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалиги соҳаси самарадорлигини оширишда илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларининг ролини оширишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари, 298-299 бетлар, 22-23 февраль. / Tursunov A. (2018) Proceedings of the scientific-practical conference "Current issues of increasing the role of research institutes and higher education institutions in improving the efficiency of the agricultural sector of the Republic of Uzbekistan", pp. 298-299, 22-23 February.

Фармон (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030

йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон. / Decree (2019) No. DP-5853 of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 23, 2019 "On approval of the Strategy of agricultural development of the Republic of Uzbekistan for 2020-2030".

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4246-сон. / Resolution (2019) No. RP-4246 of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 20, 2019 "On measures to further develop horticulture and greenhouses in the Republic of Uzbekistan."



ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Турсунқулов И.А., Норбоева Д.Д.

Жиззах политехника институти

Аннотация. Ушбу мақолада қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш долзарблиги, жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида, унинг бошқарув механизмини ифодалайдиган кўрсаткичлар, масалан, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, сифат, экспорт ва импорт операцияларини ривожлантириш, солиқ, бюджет, молия, кредит, нарх, ижтимоий, экологик, ташқи иқтисодий алоқалар, институционал ўзгаришларни ўрганган ҳолда, қурилиш корхоналарининг бошқарув механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: корхона, бошқарув, самарадорлик, қурилиш, давлат, фонд бозори, рақамли иқтисодиёт, ҳудуд, бюджет, молия, харажат компания, ташқи ва ички омиллар, баҳолаш, меҳнат унумдорлиги, тежамкорлик.

WAYS TO IMPROVE THE MANAGEMENT MECHANISM IN CONSTRUCTION MATERIALS ENTERPRISES

Tursunkulov I.A., Norboeva D. D.

Jizzakh Polytechnic Institute

Annotation. In this article, the relevance of improving the management of enterprises producing building materials, including in enterprises producing building materials, the expression of its management mexaniz indicators, for example, the organization of production and labor, the development of quality, export and import operations, tax, budget, finance, credit, price, social, ecological, foreign economic relations, while studying institutional changes, scientific-based conclusions and proposals on improving the management.

Keywords: enterprise, management, efficiency, construction, Government, stock market, digital economy, territory, budget, finance, cost Company, external and internal factors, evaluation, labor productivity, productivity.

1. Кириш.

Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган қурилиш материаллари корхоналарини бошқариш механизмини такомиллаштириш учун ҳудудда фонд бозорини ривожлантириш, давлат буюртмаси ва давлат капиталининг бошқариш самарадорлигини ошириш, фойдали ташқи алоқаларини йўлга қўйиш ва бошқаларни амалга ошириши давлат иқтисодий-сиёсатининг ҳозирги даврдаги долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Бошқарув механизмининг асосий элементларидан бири ташкилий тузилмани яхши ташкиллаштириш нафақат ишлаб чиқариш, балки иқтисодий юксакликка эришишда ҳам ўрни каттадир.

Рақамли иқтисодиёт шароитида хўжалик фаолиятларининг бошқарув механизми кўп қиррали мураккаб тизим ҳисобланади. Ушбу маънода уни такомиллаштириш ва ривожлантириш бир қатор кўрсаткичлар, воситалар, омиллар ва шарт-шароитларга боғлиқдир. Бунда унинг ҳар бир элементини алоҳида ўрганиб, чуқур таҳлил ўтказиш зарур. Маълумки, ҳар қандай шароитда бошқарув механизмини такомиллаштириш қандайдир тўсиқ ва таваккалчиликлар бой. Шу сабабли келажакда бошқарув

механизми қандай бўлишлигини аниқлашда эҳтимоллар назарияси ва математик моделлаштириш усулларидан фойдаланиш бу масалага аниқлик киритади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Blakely, Bumphusлар (2004) “қурилиш материаллари корхоналарининг бошқарувини таъминлашда давлатнинг роли ҳақида, яъни давлат корхоналарининг бош истеъмолчиси бўлиши ва корхоналарни қўллаб-қувватлаши лозимлиги ҳақида келтириб ўтган.

Matthews (1989) ўз тадқиқотларида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг интеграцияси марказлашуви ҳақида кооперациялашув жараёнини маъқуллаб таклифлар бериб ўтган.

Cabral, Saussier (2013) қурилиш материаллари корхоналарини хусусийлаштиришни таклиф берди. Бунда давлат албатта корхоналарга имтиёзлар бериши ва аҳолини қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш зарурлиги, бунинг учун эса бошқарувнинг замонавий усулларидан фойдаланиш зарурлигини айтиб ўтган.

Родионова (2002) қурилиш материаллари корхоналарининг энг қулай ва авзал бошқарув усули бу иқтисодий-молиявий усул деб таъкидлаган. Унинг фикрича харажатлар ва даромадларнинг назоратда бўлиши корхонани бошқарувини самарали олиб боришга имкон беради.

Давлетов (2019) “қурилиш материаллари корхоналарида бошқарув механизмнинг тўғри ташкил этилгани, мамлакатнинг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини тезда самарали ва сифатли қондирилишини” таъкидлайди

Суюнов (2010) илмий қарашларида қурилиш материаллари корхоналарида инвестицион йўллар орқали бошқарувнинг самарадорлигига эришиш мумкинлиги, бошқарувни бозор эҳтиёжларига қараб ўзгартириб туриш кераклиги ҳақида мисоллар келтириб ўтган.

Бизнинг фикримизча қурилиш материаллари корхоналарини бошқарувини такомиллаштириш ва юқори самарадорликка эришиш учун юқоридаги барча йўналишлар бирдек аҳамиятлидир.

3. Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолани ёритишда таққослаш, гуруҳлаш, синтез, иқтисодий таҳлил, аналитик таҳлил, иқтисодий математик усуллардан фойдаланилди. Маълумотлар аналитик таҳлил қилиниб, корхоналарда бошқарувнинг самарадорлиги тушунчасини кенгроқ аниқроқ қилиб ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммоларни тезкорлик билан аниқлаш, ва муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди ва мушоҳада қилиш асосида илмий хулосаларга келинди. Тадқиқот объекти сифатида қурилиш материаллари корхоналари таҳлил қилинди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати бошқарув механизмни такомиллаштиришнинг аниқ йўлларини белгилаш ҳудудий умумиқтисодий сиёсат билан боғланган бўлиши керак. Ҳудудда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг хажминини ошириб бориш, рақобатбардошлигини кучайтириш, маҳсулот нархларининг нормал ҳолатини таъминлаш, бошқарув механизмни такомиллаштириш билан бевосита боғлиқдир.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида, унинг бошқарув механизмни ифодалайдиган кўрсаткичлар мавжуд. Масалан, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, экспорт ва импорт операцияларини ривожлантириш, солиқ, бюджет, молия, кредит, нарх, ижтимоий, экологик, ташқи иқтисодий алоқалар, институционал ўзгаришлар ва бошқалар ҳисобланади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг бошқарув механизмни ташкил этиш ва амалга ошириш учун қуйидагиларни билиш лозим:

- Барча элементларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг муносабатларини кучайтириш ва мустаҳкамлаш;

- Ҳар бир элементларнинг ўзига хос хусусиятларини билган ҳолда уларнинг нормал фаолиятини олиб бориш шарт-шароитлар яратиш;

- Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун модернизациялаш ва девирсификациялаш жараёнларини кенгайтириш;
- Бошқарув механизмнинг функцияларини такомиллаштириш учун мақсадий дастурлар ишлаб чиқиш;
- Бошқарув механизмини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда онлайн тизимни ривожлантириш.

Бошқарув механизм элементлари таркибидага асосийларидан бири ташкилий муносабат ҳисобланади. Уни амалга ошириш натижасида мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча турдаги корхоналарни самарали бошқариш имкониятлари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- Маҳсулот сифатини ошириш ва ихтисослаштиришни кенгайтириш;
- Инновацияларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш;
- Талаб ва таклиф Қонунларидан келиб чиқиб, маҳсулотга бўлган талабни кучайтириш;
- Ишлаб чиқариш қувватларини ва жараёнларини оптималлаштириш;
- Корхоналарда илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш.

Ўқорида кўрсатилган бошқарув механизмнинг ташкилий элементини самарали ташкил этиш борасида қурилиш материаллари саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини тенг тақсимлаш, замонавий бошқариш усулларини амалиётган жорий этишга катта эътибор қаратилиши зарур. Қурилиш материаллари саноатининг турли бўғинларидан саноат техник ҳамкорлигини ривожлантириш, ҳаражатларининг даражасини пасайтириш, кадрлар салоҳиятини кўтариш, аҳоли турмуш даражасини ўсишига олиб келади.

Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган қурилиш материаллари корхоналарини бошқариш механизмини такомиллаштириш учун ҳудудда фонд бозорини ривожлантириш, давлат буюртмаси ва давлат капиталининг бошқариш самарадорлигини ошириш, фойдали ташқи алоқаларини йўлга қўйиш ва бошқаларни амалга ошириши давлат иқтисодий-сиёсатининг ҳозирги даврдаги долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Уларнинг ечимини топиш йўллари корхоналар раҳбарларининг ишбилармонлиги ва профессионал маҳоратига боғлиқ. Шунингдек, солиқ юкининг ва товар ишлаб чиқарувчилар учун кредит ставкаларининг камайтирилиши ҳам қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги ишларнинг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади.


Жиззах вилояти ҳудудида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарини ташкил этиш ва уларнинг бошқарув механизмини ривожлантириш учун давлатнинг қўллаб қувватлаш функциясини амалга ошириш керак. Чунки қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ташкил этишда ва истиқболда ишлаб чиқариш хажмини ошириб боришда давлат бундай устивор тамойилларга ўз эътиборини қаратиши лозим.

Ўзбекистон ва унинг вилоятларида трансмиллий ва трансминтақавий компанияларнинг ривожланмаганлиги сабаби ҳам шундан деб ўйлаймиз. Ушбу чора-тадбирларни самарали амалга ошириш учун давлат ва ҳудуд даражасида мақсадли дастурлар ва ривожланиш консециялар ишлаб чиқиш яхши натижа беради.

Вилоят даражасида қурилиш материалларни оммавий равишда ишлаб чиқишни рақобатбардошлигини оширишда антимонопал тамойиллар ва меъёрий ҳужжатларни эътиборга олган ҳолда ҳуқуқий, ташкилий, молиявий, инновацион ва транспорт омиллардан кўпроқ фойдаланиш керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи омилларга катта аҳамият берилади. Умуман, ташқи омиллар таснифига эътибор қаратиладиган бўлса, улар ички омилларга нисбатан камроқ. Аммо ички омилларни мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсак, уларнинг қобилияти нуқтаий-назардан ички омилларга қараганда бир неча баровар ортиқ бўлади. Масалан, транаксиз ҳаражатлар. Шу сабабли бозор иқтисодиёти шароитида ташқи омилларни доимо эътиборга олиш лозим. Умуман, бозор назариясида белгилаб қўйилгандек, корхоналарнинг барқарор фаоллигини таъминлашда ташқи муҳитнинг ўрни жуда каттадир.

Ташқи омилларни таъкидлаши 1 -расмда кўрсатилган.



1-расм. Бошқарув механизмини ташқи омиллар таснифи

Корхоналарда бошқарув механизмининг ички омиллари ўзига хос хусусиятларга эга. Чунки улардан самарали фойдаланиш бевосита корхоналар ва унинг персоналига боғлиқ. Бундан ташқари айтиб ўтиш лозимки, ички омиллардан фойдаланиш маълум даражада ҳаражатлар билан ифодаланади. Ички омилларни фойдаланиш таъсир бир вақтда бўлмаслиги мумкин. Буни таъсири кенгроқ ҳам бўлиши мумкин. Масалан, модернизация, янги маҳсулот чиқариш ва ҳаказолар.

Ички омиллардан энг асосийси маҳсулот сифати ҳисобланади. Чунки корхоналардаги барча ижобий ўзгаришлар провард натижада сифатга бориб тақалади. Бошқарув механизми омиллари билан сифатни ошириш омиллари ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Чунки бошқарув омиллари ва сифат омиллардан тўғри

фойдаланиш корхона персонали ва раҳбарларига боғлиқ. Ушбу нуқтаи-назардан ички омиллар таснифини яратишда баъзи омиллар қайтарилмаслигини эътиборга олиш лозим. Корхоналарни бошқариш ва ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш, уларни корхона фаолиятига таъсири ва самарадорлигини оширишни баҳолашнинг ўзи янги усул ва услубиятларни ишлаб чиқаришни талаб қилади.

Айтиб ўтиш лозимки, иқтисодчи олимларимиз олдида турган муаммо ҳисобланади. Шундай қилиб, бошқарув механизмнинг ички омилларини таснифини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқаришни ташкилий омилларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки юқорида айтиб ўтилганидек, бошқарув механизмнинг ташкилий элементи корхона фаолиятининг барча жиҳатларини тўғри йўналтиришни таъминлайди, унинг самарасини оширади. Бунда ташкилий омилларни ўрганиш жараёнида яна бир муҳим ҳолат, яъни назарий ва амалий нуқтаи назардан жонли ва буюмлашган механизмни самарадорлигини оширишга қаратилади. Бу эса корхона фойдасини оширади ва рентабеллик даражасининг ўсишига олиб келади.

Бошқарув механизмнинг методологиясини ривожлантириш борасида олимларимиз томонидан жонли ва буюмлашган меҳнатнинг самарадорлигини оширишга бағишланган тадқиқотлар деярли олиб борилмайдими.

Меҳнат унимдорлиги назариясида жонли меҳнат бу – ишчи кучининг фаолияти, буюмлашган меҳнат эса ўз ифодасини машина, механизмлар ва жиҳозларда топади. Шундай экан ташкилий омилнинг моҳияти бошқа омилларга қараганда анча кенг доирани англатади. Яна бир нарсага эътиборимизни қаратишимиз лозимки, ташкилий элементни бажарадиган функциялари ишлаб чиқариш субъектларининг кенглиги, хажми ва доирасининг катталигига боғлиқ. Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш доираси қуйидагилар билан ажралиб туради.

- Ишлаб чиқаришда қўлланилаётган асбоб-ускуналар, инструментлар, буюмлар, аппаратлар, приборлар ва ҳакозолар;

- Хом-ашё тури, материаллар, тугалланмаган маҳсулотлар, уларнинг параметрлари, хусусиятлари, шунингдек моддий оқимларнинг таркиби ва ҳакозолар;

- Соҳадаги банд бўлганлар, малака даражаси, билими, ихтисослиги, эркак ва аёллар нисбати;

- Технологик, иқтисодий, ташкилий алоқа муносабатлари;

Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли ва усуллари.

Ишлаб чиқариш хажми ортиб бориши асосан янги иш ўринларини очиш, ускуна ва жиҳозларнинг мураккаблашиши ва ишлаб чиқариш жараёнининг интенсификация билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан бошқарув механизми бўғинлари сонини оптималлаш билан боғлиқ бўлади. Бунда ишлаб чиқариш кенгайиши ва бошқарув механизмнинг такомиллаштирилиши бир-бирига боғлиқ тенденция ҳисобланади. Аммо бошқарув тенденцияси ишлаб чиқариш тенденциясига қараганда камроқ ўзгаришларга, яъни муддат жиҳатидан асосланади. Бу бошқарув механизмнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Ҳозирдаги энг долзарб муаммоларидан бири назарий ишлаб чиқариш, балки бошқарув сифатини ошириш ҳисобланади. Маълумки сифат бозорнинг асосий талабларидан биридир. Шундай экан бошқарув механизми элементларини бошқариш элементларининг фаолиятини ташкил этиш сифатни ошириш ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан муҳим масаладир.

Сифат – бу фалсафий категорияларнинг энг муҳимларидан биридир. Сифат орқали ҳар қандай ҳолатларни талаб даражасида бажарилишини англатади. Бу эса бутун жаҳон сертификатлаш таълимотлари – ИСО 9001-2015 стандартларига мос келишини билдирадиган сифат бир қатор мураккаб хусусиятларига эга ва унинг хусусиятлари масалалари бўйича илмий ишлар олиб борилган. Масалан, буюк олимларимиз шундай дейди: “Нарсанинг сифати – унинг хусусиятларини мажмуага, таркиби ва қурилишига боғлиқдир”. Шунингдек, бошқа нарсалар билан билиш ҳамда ўзаро таъсиридаги функционал ҳолатини кўрсатади (Абдурахимов, 2002). Сифат категориясининг таҳлили муҳим бир хусусиятга эга. Замонавий ижтимоий тажриба сифатнинг амалий муаммоларини ўрганиш энг долзарб масала сифатида қаралмоқда. Бу эса бозор муносабатларининг талабларидан келиб чиқмоқда. Бунда гап нафақат ишлаб чиқариш теологиялари, сифатсиз маҳсулот сифати, балки бошқарув сифати тўғрисида гап бормоқда.



2-расм. Бошқарув механизмнинг ички омиллари

Яна бир муҳим ҳолатни айтиб ўтишимиз шарт. Чунки ҳозирги глобаллашув шароитида сифат ва унинг моҳиятига бўлган ёндошувлар ҳамда талаблар ўзгариб бормоқда. Юқорида айтишганидек, технологиялар кейинги қаторга ўтиб қолмоқда. Бунда сифатли товарлар чиқариш инсон омили билан боғланмоқда. Агарда ушбу

омилни эътиборга олинмаса, сифатсиз товарлар ортиб боради. Сифатни яхшилаш борасида ана шу масала билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун тадқиқотлар олиб борилиши лозим. Ана шундагина бошқарув фаолиятининг самарадорлиги юқори бўлади.

Ҳозирги давргача бошқарув сифатини баҳолаш борасида деярли аниқ усул ва услубиятлар яратилмаган. Аммо бошқарув самарадорлигини аниқлаш бўйича баъзи бир ҳаракатлар ва усуллар таклиф эътилмоқда. Бошқарув сифатининг реал ҳолатини аниқлаш учун формал кўрсаткичлар асосида баҳолашга ҳаракат қилинмоқда. Бузнинг фикримизча бу тўғри йўналиш эмас. Шулардан келиб чиққан ҳолда бошқарув сифатини тўғри баҳолаш, бизнинг фикримизча бошқарув ҳаражатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда сифат ва самарадорлик тушунчаларини борича яқин ва бир-бирини тўлдирадиган жараён ҳисобланади. Сифат қанчалик юқори бўлса, самарадорлик ҳам шунчалик ошади. Демак, бошқарув сифати бошқарув механизми даражасига боғлиқ бўлган ҳолда, унинг элементлари кўрсаткичи сифатида қаралади. Масалан, В мақсад векторидан фарқли ўлароқ А нинг ҳолат вектори деб оламыз, унинг элементлари олдиндан $A=(a_i)$, $B=(b_i)$ каби норматив хужжатларда изоҳланган.

$$C_i=A_i:B_i$$

Келтирилган формуладан кўриниб турибдики, бошқарув механизми сифати юқори бўлган. Агар С веторнинг барча элементлари 1дан юқори бўлса, унда ҳолат вектори мақсад векторига тенг бўлади.

$A=B$. Мабодоки $C>1$, унда бошқариш механизми ички резервларга эга бўлади. Бордию $C<1$ бўлса, унда бошқариш механизми самарасиз бўлади. Бундай ҳолатда бошқарув механизми даражаси паст бўлиб, у такомиллаштиришни талаб қилади. Бошқарув механизми даражасини тўлароқ ифодаланса, бунда бошқарув сифати ёки бошқарув самарадорлиги кўрсаткичидан фойдаланилади. У қуйидаги формулада изоҳланади:

$$A = E_{(t)}^*(0 - E_{(t)})0,$$

бунда, $E_{(t)}^*$ - оптимал бошқарув механизми алгоритмига мос келувчи бошқарув мақсади экстремум кўрсаткичи;

$E_{(t)}$ – бошқарув механизмини таъминловчи бошқарув мақсади кўрсаткичи.

Келтирилган формуланинг асл маъноси шунини исботлайдики, бунда эришилган катталиқ ўртасидаги фарқ қанчалик қисқа бўлса, бошқарув сифати шунчалик юқори бўлади.

Бошқарув механизмини такомиллаштиришнинг самарадорлигини ошириш йўналишларидан яна бири – бу ташкилий тузилмани лойиҳалаш ҳисобланади. Чунки бошқарув тизимининг самарадорлигини таъминлашда бошқарув функцияларининг ўрни жуда муҳимдир. Шундан келиб чиқиб, ташкилий тузилманинг самарадорлиги кўп жиҳатдан функцияларга боғлиқ. Масалан, кичик корхоналарнинг ташкилий тузилма функциялари билан компания ёки корпорацияларнинг ташкилий тузилмаларини тенглаштириб бўлмайди. Шу сабабдан бошқарув тизимида лойиҳалаш усулидан фойдаланиш яхши самара беради.

Ташкилий тузилмани лойиҳалаш, унинг бошқариш тизимини ташкил этиш даври билан боғлиқ. Ёки ташкиллаштириш учун фойдаланилади. вақт ўтган сари олдинги ташкилий тузилма эскириб қолади. Замонавий талабларга жавоб бермайди. Бошқарув тизимини янгилаш ёки янги усулларни жорий этишни талаб қилади. Ана шу жараёнда лойиҳалаш усулидан фойдаланилади, яъни эски ва янги ташкилий тузилмаларни таҳлил қилиниб ҳаражатлар жиҳатидан қайси бири самаралироқлиги белгиланади.

Умуман ташкилий тузилма самарадорлигини баҳолаш менежмент фанида кам ўрганилган ҳолат. Айниқса унга таъсир этувчи ўзгаришлар ва омиллар. Бунда кўпроқ ташқи омилларга эътибор қилиниши лозим. Сабаби, ташкилий тузилмада илмий-техника, инновация, ташқи алоқалар, экспортлар ва бошқа омиллар таъсир этиши мумкин.

Ташкилий тузилмани лойиҳалаш жараёни 3та асосий босқичдан иборат:

- 1) Ташкилий тузилма таҳлили;
- 2) Лойиҳалаш;
- 3) Самарадорликни баҳолаш.

Ушбу босқичларнинг асосийси учинчи босқич бўлиб, самарадорликни баҳолашдир.

Иқтисодий адабиётларда ташкилий тузилмани баҳолашнинг турли турли ёндашувлари мавжуд. Булардан бири коэффицентлардан фойдаланган ҳолда баҳолашдир. Бунда баҳолашнинг икки усулини кўриб чиқамиз [2].

Биринчи усул. 1) Бўғинлилик коэффиценти:

$$K_{x,k} = P_{b,k} : P_{o,b}$$

бунда, $P_{b,k}$ – мавжуд ташкилий тузилмадаги бўғинлар сони;

$P_{o,b}$ – ташкилий тузилма бўғинларининг оптимал сони.

2) ҳудудий консентрация коэффиценти:

$$K_{x,k} = P_{b,f} : P_{o,b}$$

бунда, $P_{b,f}$ – корхона фаолияти, унинг ҳудудий тегишли намунавий корхоналар сони

$P_{o,b}$ – тегишли намунавий корхоналарнинг ҳудуддаги майдон миқдори.

3) Бошқарув ташкилий тузилмаси самарадорлиги коэффиценти:

$$K_c = P_o : Z_n$$

бунда, P_o – бошқарув ташкилий тузилмаси фаолиятининг натижаси (самара);

Z_n – бошқарув ташкилий тузилмаси ҳаражатлари.

Иккинчи усул. Бошқарув ташкилий тузилмасининг самарадорлиги даражасини лойиҳалаётган бошқарув ташкилий тузилмасининг оптималлигини интеграл коэффицентини ҳисоблаш қуйидаги формула томонидан аниқланади:

Менежмент тизимида стратегик, тактик ва операцион қарорларни қабул қилишда моддий таъминот ва хизматлар оқимини бошқаришда инфорацион ва молиявий дастаклар зарур бўлади (Фадеева, Боргардт, 2014).

Бундай дастакларни ўз вақтида қўллаш таъминот занжирининг самарали ишлашига кўмаклашади (Дудар, 2012).

Аммо жорий даврда таъминот занжири логистика атамаси ва фаолияти билан ўзаро боғлиқликда амалга ошади. Логистика Шинкаренконинг (2018) тадқиқотига кўра маҳсулот ва хизматлар оқимини керакли вақт ва керакли жойга жойлаштириш логистика дейилиб, унинг асосий функцияси материаллар оқимини ибозқаришдир.

Замонавий халқаро хизматлар бозори транспорт харажатларини камайтириш ҳисобига хизматларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларининг ҳаракатчанлиги даражасининг ортиб бориши билан тавсифланади; сунъий йўлдош алоқасининг янги шакллари ва воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ имкониятлар туфайли масофадан туриб (хизмат ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчиси ўртасида бевосита шахсий алоқасиз) кўрсатилаётган хизматлар улушининг ошиши; илгари товар шаклига эга бўлган хизматларга талабнинг ортиши: бу молиявий хизматлар, банклар ва суғурта компаниялари хизматларига тегишли (Левкин, 2019).

Ушбу ўзгаришлар мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлашнинг ва одамлар ҳаракатининг тобора ортиб бораётган кўлами билан биргаликда замонавий жаҳон бозорида логистика хизматларининг ўсиб бораётган ролини белгилайди. Шу боис, кейинги йилларда ривожланган мамлакатларга хос бўлган логистика хизматлари ҳажмининг ўсиши жаҳон товар ва хизматлар савдосида иштирок этувчи деярли барча мамлакатларда аллақачон кузатила бошланди. Бундан ташқари, логистика давом этаётган глобаллашувнинг ўзига хос катализаторига айланди. Жаҳон бозори ривожланишининг санаб ўтилган тенденциялари логистика хизматларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва омилларини ўрганиш, шунингдек уларнинг халқаро савдо инфратузилмасини ривожлантиришга таъсирини баҳолашнинг долзарблигини белгилайди (Старкова ва б., 2013).

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот давомида инфратузилмаларини ахамиятини ўрганиш мақсадида илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боришнинг мушоҳада, иқтисодий-статистик анализ ва синтез, таққослаш усулларидадан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Логистика самарадорлигини ошириш транспорт-жўғрофий ноқулай жойлашган ва энг арзон транспорт тури бўлган денгиз портларига тўғридан-тўғри, ҳатто чегарадош давлатлар орқали ҳам чиқиш имкониятига эга бўлмаган бизнинг мамлакатда айниқса долзарбдир.

Республикамиз минтақамиздаги энг яхши транспорт инфратузилмасига эга. Давлатимиз ҳудудидан 42530 км автйўл, 4500 км темир йўли (ҳар 10000 км га 150 км) ўтади ва мамлакатимизни минтақанинг муҳим транспорт коридорларига улайди. Ўзбекистоннинг транзит давлати сифатида айниқса Афғонистон Ислон Республикасига (Транс-Афғон халқаро транспорт каридори) кириш ва Афғонистон орқали Бандар Аббос ва Чобаҳор портларига чиқиш имконияти Тожикистон Республикасига кириши муҳим ҳисобланади. Моҳияти йилдан йилга ортиб бораётган Андижон- Ўш — Саритош — Иркештом — Қашқар коридори дунё тарихидаги энг буюк лойиҳалардан бўлган ва Хитой Халқ Республикаси томонидан таклиф қилинган «Бир макон — бир йўл» (Belt and Road Initiative — BRI) да муносиб қатнашиш учун ва Хитойни мамлакатимиз ҳудудидан ўтувчи йўллар орқали бошқа минтақалар билан боғлаш хизмат қилади. Хитойнинг ТИР конвенциясига қўшилиши, Қирғизистон орқали Хитойдан Ўзбекистонга автотранспорт

орқали амалга оширилган илк транспорт транзит давлати сифатидаги потенциалимиз юқорилигидан далолатдир. Бу потенциалдан фойдаланган ҳолда Туркменистон орқали Эрон ва Туркияга, Кавказ давлатларига, Божхона Иттифоқи давлатлари орқали Европага чиқишимиз мумкин. Бу имкониятлар айниқса иқтисодимиз учун бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш, транспорт, инфратузилма, туризм соҳаларида минглаб иш ўринлари яратиши мумкин.

2021 йилда жами юк ташувлари ҳажми 1,3 млрд. Тонна (ўтган йилга нисбатан 104,6 фоиз), юк айланмаси 40,1 млрд. тонна/км.ни (101,8 фоиз) ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда транспортнинг юк айланмаси¹, млрд т-км

	Январь-март Yanvar-Mart	Январь-июнь Yanvar-Iyun	Январь-сентябрь Yanvar-Sentyabr	Январь-декабрь Yanvar-Dekabr
2000	5,7	11,8	18,1	24,0
2005	6,8	15,3	23,8	32,0
2010	8,4	21,0	34,1	31,5
2015	10,2	25,1	41,3	35,8
2016	10,4	25,8	42,6	36,4
2017	8,1	18,0	27,3	36,7
2018	8,2	18,2	28,1	37,7
2019	8,2	19,1	29,8	39,4
2020	8,4	18,8	30,1	40,1
2021	8,8	19,8	32,3	42,7

Барча транспортда йўловчи ташиш ҳажми 5,26 млрд. Йўловчи (87,2 фоиз), йўловчи айланмаси 116,96 млрд. йўловчи/км.ни (83,5 фоиз) ташкил этди. Жами халқаро юк ташувлари ҳажми (экспорт, импорт ва транзит) –46,9 млн. тоннани ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,5 фоизни ташкил этди. Бунда, экспорт юклари – 13,2 млн.тонна (2019 йилга нисбатан 117,1 фоиз), импорт – 24,5 млн.тонна (102,4 фоиз) ва транзит – 9,07 млн.тоннани (114,7 фоиз) ташкил этди. Халқаро ташувларда темир йўл 39,5 млн.тонна (112,7 фоиз), автомобиль 7,3 млн. Тонна (90,3 фоиз), авиа ташувлар 60,6 минг тоннани (138,9 фоиз) ташкил этди².

2020 йил маълумотларига мувофиқ, 66,9 млрд т-км юк айланмаси ҳисрбга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми қувур йўллари орқали ташилган. Темир йўл орқали ташилган юклар 23,6 млрд т-км ни ташкил этган. 2021 йил якуни бўйича транспорт соҳасида жами 1, 27 млрд. доллар транспорт хизматлари экспорти прогнози белгиланган бўлиб, амалда 882,7 млн. доллар (прогнозга нисбатан 70 фоиз) бажарилди.

Шу жумладан:

темир йўл транспорти хизматлари – 614,0 млн. долл., режага нисбатан 104 фоиз;
автомобиль транспорти хизматлари – 36,7 млн. долл., режага нисбатан 105 фоиз;
ҳаво транспорти хизматлари – 232,0 млн. долл., режага нисбатан 36 фоиз.

Мамлакатнинг ташқи савдо операцияларини амалга оширишда логистика хизматлари муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон сингари денгиз йўлига чиқиш имкониятлари чекланган мамлакат учун автомобил ва темир йўл транспорти катта ўринга эга. Замонавий логистика тизими фақатгина ташишни эмас, балки юкларни, тушириш, қадоқлаш хизматларини ҳам ўз ичига олади (2-жадвал).

¹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

² Транспорт вазирлиги 2021 йил якуни бўйича амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида маълумотлари. <https://mintrans.uz/uz/2021yilnatijalari>

Транспорт турлари бўйича юк айланмаси³

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
Юк айланмаси, млрд. т-км	65,3	66,9	71,3	72,6	66,9
темир йўли	22,9	22,9	22,9	23,4	23,6
автомобил *	13,3	13,6	14,6	15,9	16,2
қувур йўли	28,9	30,2	33,6	33,2	26,8
ҳаво йўли, млн. т-км	132,2	156,9	123,5	119,0	219,0

Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирда жадал ривожланиб бораётган иқтисодийнинг логистика соҳасида ҳам кўплаб ўзгаришлар қилинди. “Транспорт-логистика кластерлари” фаолиятини янада кенгайтириш, янгиларини очиш, логистик фирма корхоналар ишини янада яхшилаш, уларнинг ривожланишига кенг имкон яратиш, бу борада эса чет эл тажрибасини қўллаш, янги инновацион техника технологияларни иш фаолиятига жалб қилиш зарурлигига катта эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, Президентимиз “Транзит давлатлар, хусусан, Туркменистон, Эрон, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон ва Грузия ҳудудларидан асосий экспорт юklarини транзит шаклида ташишда преференцияларга ега бўлиш ҳақида ўйлаб кўриш кераклиги ҳам асосий масала бўлиб келмоқда. Шу сабабли хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг логистика соҳасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ҳаракатларини рағбатлантириш зарур. Зеро логистика соҳасини яхши ривожлантирмай туриб ўз миллий товарларимизни жаҳон бозорларига чиқишига кенг имкон ярата олмаймиз. Бунинг учун эса логистика соҳасига янги инновацияларни жорий қилиш, янги ташкил етилаётган эркин иқтисодий зоналарни янги техника-технологиялар билан бойитиш ҳамда малакали ёш кадрларни ишга жалб қилиш ҳам ушбу муаммони ечишдаги амалий иш бўлиб хизмат қилади десам муболаға бўлмайди. Бундан ташқари турли логистик корхона фирмаларини янада яхшилаш улардаги мавжуд муаммоларни бартараф етиш керак.”- деб ҳисоблаймиз.

5. Хулоса.

Юқоридаги илмий мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Республикада логистик фаолиятни амалга оширишни илмий услубий асосларини такомиллаштириш;
- корхона фаолиятида логистик фаолият ва логистик хизматнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш;
- корхона фаолиятида логистик хизматни жорий қилиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикасида логистик хизмат даражасини таҳлил қилиш ва ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- Республикада логистик хизмат кўрсатишни халқаро стандартлар асосида татбиқ қилиш бўйича тафсиялар ишлаб чиқиш.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Дудар Т.Г. (2012) Основи логістики: навч. посіб. / Т.Г. Дудар, Р.В. Волошин. К. : Центр навчальної літератури, 176 с. / Dudar T.G. (2012) Basics of logistics: education. manual / T.G. Dudar, R.V. Voloshin K.: Center for Educational Literature, 176 p.

Левкин, Г.Г. (2019) Логистика: теория и практика : учебник и практикум для среднего профессионального образования / 2-е изд., испр. и доп. - Москва:

³ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Издательство Юрайт, 187 с. (Профессиональное образование). / Levkin, G.G. (2019) Logistics: theory and practice: textbook and workshop for secondary vocational education / 2nd ed., corrected. and additional - Moscow: Yurayt Publishing House, 187 p. (Professional education). ISBN 978-5-534-07384-3.

Мирзиёев Ш.М. (2017) Танқидий таҳлил, қатъий тартиб- интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятнинг кундалик қондаси бўлиши керак.-Тошкент, 22-бет. / Mirziyoev Sh.M. (2017) Critical analysis, strict order-discipline and personal responsibility-every leader should be the daily rule of activity.-Tashkent, page 22.

Старкова Н.О., Саввиди С.М., Сафонова М.В. (2013) Тенденции развития логистических услуг на современном мировом рынке // Научный журнал КубГАУ. №85. / Starkova N.O., Savvidi S.M., Safonova M.V. (2013) Trends in the development of logistics services in the modern world market // Scientific journal of KubSAU. No. 85. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tendentsii-razvitiya-logisticheskikh-uslug-na-sovremennom-mirovom-rynke> (дата обращения: 14.04.2022).

Фадеева А.В., Боргардт Е.А. (2014) Современные аспекты маркетинговой логистики // Проблемы экономики и менеджмента. №12 (40). / Fadeeva A.V., Borgardt E.A. (2014) Modern aspects of marketing logistics // Problems of Economics and Management. No. 12 (40). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-aspekty-marketingovoy-logistiki> (дата обращения: 12.03.2022).

Шинкаренко В.Г. (2018) Управление логистическими процессами на предприятии // Экономика транспортного комплекса. №31. / Shinkarenko V.G. (2018) Management of logistics processes at the enterprise // Economics of the transport complex. No. 31. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/upravlenie-logisticheskimi-protsessami-na-predpriyatii> (дата обращения: 22.06.2022).



ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

PhD, Хамидова З.А.

Тошкент давлат иқтисодий университет

Аннотация: Ушбу мақолада асосий эътибор мамлакатимизда ҳунармандчилик фаолияти ҳамда ҳунармандларнинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолати, мустақиллик йилларида соҳани бугунги кунга қадар қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар таҳлил қилинади. Ушбу тадқиқотда асосан, мавжуд вазиятга даврий жиҳатдан ёндашилиб, шунингдек, таҳлил-синтез ва илмий абстракция усулларидан фойдаланилди. Ушбу тадқиқотнинг афзаллиги шундаки, ҳунармандчиликни ривожланиши солиштирма таҳлил қилиш, унинг ўзига хос хусусиятларига қизиқувчилар, шунингдек, тадқиқ қилаётган изланувчилар учун келтирилган маълумотлар муҳим аҳамиятга эга ва фойдалидир, чунки, бу мавзу доирасида етарлича изланишлар олиб борилмаган.

Калит сўзлар: ҳунармандчилик, ҳунармандчилик турлари, уста-ҳунарманд, шогирд, иш билан бандлик, имтиёз ва преференциялар, ишлаб чиқариш, савдо муносабатлари.

ANALYSIS OF THE STATUS OF ECONOMIC POLICY ON THE DEVELOPMENT OF CRAFTS IN UZBEKISTAN

PhD, Senior lecturer Z.A. Khamidova

Tashkent State Economic University

Abstract: This article examines the current state of the socio-economic activities of artisans in the country, the reforms carried out to support the industry during the years of independence. This study mainly used a periodic approach to the current situation, as well as methods of analysis-synthesis and scientific abstraction. The advantage of this study is that a comparative analysis of the regulatory framework for the development of crafts, the information provided for those interested and researchers of its features is important and useful, since there is not enough research on this topic.

Keywords: crafts, types of crafts, master craftsman, apprentice artisan, employment, privileges and preferences, production, trade relations.

1. Кириш.

Ҳунармандчилик фаолияти ва унинг турли давлатларда ривожланиш хусусиятлари ва унга таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар бир-биридан фарқ қилади. Олиб борилган тадқиқотлар шунингдек, ҳунармандчилик, қўл меҳнати ва унинг иқтисодий моҳияти турли давлатларда турлича тушунилиб, иқтисодчилар бу соҳага етарлича эътибор қаратмаганлиги маълум бўлган. Шундай бўлсада дунё мамлакатларида ҳунармандчилик ўтган асрга нисбатан жонланганлиги кузатилган.

Марказий Осиёда ҳунармандчиликнинг барча турлари XX асрнинг 20- йилларигача сақланиб келган. Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Хива, Тошкент каби шаҳарларнинг ишлаб чиқариш муносабатларида ҳунармандчилик катта роль ўйнаган. Масалан, Хивада XIX асрнинг 60 йилларида ҳунармандчиликнинг 27 тури ривожланган, 26 та дурадгорлик, 38 та мисгарлик, 12 та заргарлик, 18 та кўнчилик, 60 та буёқчилик, 40 та этикдўзлик, 28 та ипак ўраш, 20 та ипакдўзлик устахоналари ишлаб турган. Шаҳардаги бозорларда ҳунармандларнинг 556 дўкони бўлган, 80 йилларда шаҳарда 2528 та хўжалик ҳунармандчилик билан шуғулланган (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2005).

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларда хусусий мулкчиликдан кооператив мулкка айлантирилган. артелларга бирлаштирилган бўлса, 1956 йили ҳунармандчилик кооперацияси тугатилиб, артеллар давлат корхонасига айлантирилди. 50-йиллардаги ислохотлар туфайли ҳунармандчиликнинг асосий қисми йўқ қилинди. Давлат мулкига айлантирилган корхоналарда буюмлар сифати кескин пасайиб, кўплаб ҳунармандчилик соҳалари XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб йўқ бўлиб кетди. Фақатгина халқ бадиий ҳунармандчилиги маҳаллий саноатнинг махсус тармоғи сифатида қайта ташкил қилинди (Абдуллаева, 2019).

2. Адабиётлар шарҳи.

Ҳунармандчиликнинг вужудга келиши ва ривожланишида иккита асосий даврни ажратиш мумкин. Улардан биринчиси, бошланғич йирик ижтимоий меҳнат тақсимооти билан, иккинчиси - ҳунармандчиликни қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши билан боғлиқ. Ушбу тарихий жараёнда муҳим қадам неолит (милоддан аввалги VIII - III минг йилликларда) даврида амалга оширилди. Бу давр тарихда «неолит инқилоби» деб аталади (Андреас, 2000).

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳунармандчиликка маданий мероснинг бир йўналиши сифатида қаралган давлатларда, одатда, маданият вазирлиги томонидан сиёсат олиб борилади ва асосан ҳунармандчилик турлари бўйича рўйхатга олиш ва уни кенгайтиришга эътибор қаратилади (Япония, Франция). Бундан фарқли ўлароқ, ҳунармандчилик саноатнинг ижодий аҳамиятга эга соҳаси сифатида қаралганда, иқтисодий ёки ривожланиш учун масъул вазирликлар жавобгар бўлади, шунингдек, ҳунармандчилик фаолиятини рўйхатга олиш ва уни кенгайтириш билан бирга ушбу соҳа кесимида қўшимча ишчи ўринларини кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқариш ва тижоратлаштириш жараёнини енгиллаштирадиган усул ва воситаларни амалда қўллади (Япония, Ҳиндистон, Италия) (Mignosa, 2019).

Турли даврларда ҳунармандчилик фаолияти сиёсатчилар, музейлар, дизайнерлар ҳамда айрим соҳа вакиллари (шахсий сектор) эътиборини тортиб келган. Бу эса унинг вақти вақти билан жонланишига туртки бўлган (Luckman, 2015):

Биринчи жонланиш саноатлаштириш ва Уилям Морриснинг "Санъат ва ҳунармандчилик (Arts and Crafts movement)¹" ҳаракати билан боғлиқ равишда содир бўлди.

Иккинчи жонланиш тўлқини 1960-1970 йилларда Хиппи (hippy²) ҳаракати билан содир бўлди.

Ва ниҳоят, яқин ўтмишда юз берган иқтисодий инқироз даврида даромад манбаи сифатида ҳунармандчиликка эътибор кучайишини "Буни ўзинг қил (Do it yourself – DIY³)" ҳаракатининг оммалашуви билан тавсифланган учинчи жонланишга гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда кичик доирада ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш имкониятига эга шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарорлаштиришда ҳунармандчилик алоҳида аҳамиятли соҳа сифатида қаралиб, шунингдек, ривожланаётган мамлакатлар миллий иқтисодийнинг мустақамланишига ҳисса қўшувчи маҳаллий маҳсулотлар экспортини кўпайтириш манбаи сифатида қаралмоқда. Қизиғи шундаки, ривожланаётган мамлакатларда кўплаб ҳунармандлар давлат томонидан етарлича эътибор берилмаганлиги сабабли ўз фаолиятларини тўхтатаётган бир пайтда ривожланган мамлакатларда кўплаб ёшлар ҳунармандчиликка инқироздан кейинги даромад олишнинг ноёб манбаи сифатида қарамоқда (Mignosa, Kotipalli, 2019).

Турли мамлакатларда ҳунармандчилик сиёсатини ишлаб чиқишда кўпинча сиёсатнинг асосий фазилатлари ва мақсадларига йўналтирилган ўзгаришларни кўриш мумкин. Ҳунармандчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш турли шаклларда амалга оширилади. Жаҳон тажрибасида энг кўп тарқалаган жиҳатларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- расмий таълимни ташкил этиш (Германия, Франция, Буюк Британия);
- шогирдлик амалиётдан фойдаланиш (Германия, Голландия);

¹ https://en.wikipedia.org/wiki/Arts_and_Crafts_movement

² https://en.wikipedia.org/wiki/History_of_the_hippy_movement

³ https://en.wikipedia.org/wiki/Do_it_yourself

- катта ёшдаги авлод вакилларида ёш авлодга ўз билим ва кўникмаларини етказиш бўйича чора-тадбирларнинг киритилиши (Япония, Франция) (Klamer ва бошқалар, 2013). Лекин, қизиғи шундаки, халқаро тадқиқотларга кўра ҳунармандларнинг аксарияти расмий маълумотга эга бўлмай, оила аъзолари, уста-ҳунармандлар ва тенгдошларидан ўрганишади. Фратернинг таъкидлашича, ҳунармандчилик усуллари тўғрисида одамларга маълумот бериш усули сифатида таълим ҳунармандчилигини қадрлаш ва унга бўлган талабни ривожлантириш воситаси бўлиши мумкин (Frater, 2015).

Бугунги кунда етакчи ҳунармандчилик маданиятининг намуналари шуни кўрсатмоқдаки, у ёки бу ҳудудда ҳунармандчиликни ривожлантириш учун кўпроқ ресурсларни жалб этиш ёки ҳунармандчилик мактабларини очиш йўлидаги ислохотларнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун қўлда ишлаш кўникмаларини қайта баҳолаш ва сифат учун тўлашга тайёрлик каби қийматларни ўзгартириш керак (Mignosa, Kotipalli, 2019).

3. Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақолада мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий ҳунармандчиликнинг ҳолати ва ривожланиш даражаси ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ислохотларни атрофлича таҳлил қилишда илмий абстракциялаш, қиёслаш, статистик ва график ҳамда таҳлил ва синтез каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳунармандчиликни ривожлантириш давлат сиёсати даражасида кўтарилиб, уни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилди. Босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакатимизда 2000 йилдан 2015 йилгача «Ҳунарманд» Уюшмаси аъзолари сони мунтазам ўсиб борди. (1-расм)



1-расм. Ўзбекистон Республикасида ҳунармандлар сонининг 2000-2020 йиллардаги динамикаси⁴

1-расмдан кўриниб турибдики, 2015 йилдан унинг кўрсаткичида пасайиш кузатилиб, 22141 кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилда аъзолар сони кескин 12318 кишига камайиб, 9823 кишини, 2017 йилда эса 11493 кишини ташкил этган.

Бунга бир қатор шарт-шаротларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

- бу вақт оралиғида бошқа соҳаларда кузатилгани каби уюшма ва вилоят бошқармалари томонидан, ноқонуний хатти-ҳаракатлар, норасмий равишда

⁴ Республика «Ҳунарманд» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

хунармандларни уюшмага аъзо қилиш, натижада сунъий равишда хунармандларнинг сонини ошишига сабаб бўлган.

- бир неча йиллик юқоридаги вазият билан боғлиқ жараёнда уюшманинг кўплаб аъзолари икки ва ундан ортиқ йиллар давомида умуман хунармандчилик фаолияти билан шуғулланмаганлар, шунинг учун кейинчалик кенгаш қарори билан уюшма аъзолигидан чиқарилган.

- «Хунарманд» уюшмаси аъзоси бўлиб бошқа фаолият олиб бораётганлар ҳам уюшма аъзолигидан чиқарилган;

- аҳоли даромадларининг асосий қисмини нақдсиз пул маблағлари ташкил этиши ва нақд пул маблағларининг етишмаслиги, хунармандчилик маҳсулотларининг истеъмолини камайишига таъсир кўрсатган;

- яна бир асосий сабаб, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 27 декабрь 2016 йилдаги ПК-2699-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2017 йил 1 январидан хунармандлар учун белгиланган даромад солиғидан озод бўлиш имтиёзи бекор қилинди ва хунармандлар энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқни тўлашлари белгилаб қўйилди.

Шунингдек, расмдан кўришиб турибдики, 2018 йилдан уюшмага аъзо хунармандлар сонининг 12642 тага кескин ортиши кузатилиб, барқарорлаша бошлади. (1-жадвал) Бунга асосий сабаб, бу соҳанинг қайта ислоҳ қилинганлигидадир, яъни, «Хунарманд» уюшмаси ва хунармандлар фаолияти танқидий жиҳатдан қайта баҳоланиб, кузатилган камчилик ва тўсиқ бўлаётган барча муаммолар эътиборга олиниб, 2017 йил 17 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5242-сонли фармони қабул қилинганлиги ушбу соҳада ижобий ўзгаришларга туртки бўлди.


Шу билан бирга, хунамандчилик фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ««Хунарманд» уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3393-сонли қарорининг қабул қилиниши бу соҳада ижобий ўзгаришларга туртки бўлди.

«Хунарманд» уюшмасига аъзолар сонининг вилоятлар кесимида ўсиш тенденцияси⁵

№	Худудлар номи	Жами аъзо хунарманлар сони (нафар)				Аъзолар сонининг ўсиши (%)		
		01.01.2017й. ҳолатига	01.01.2018й. ҳолатига	01.01.2019 й. ҳолатига	01.01.2020 й. ҳолатига	01.01.2018й. ҳолатига	01.01.2019й. ҳолатига	01.01.2020й. ҳолатига
1	Қорақалпоғистон	272	330	892	1261	21%	170%	41%
2	Андижон	882	1132	2123	2631	28%	88%	24%
3	Бухоро	660	816	1953	2258	24%	139%	16%
4	Жиззах	128	200	696	838	56%	248%	20%
5	Қашқадарё	440	623	1380	1607	42%	122%	16%
6	Навоий	430	488	1207	1568	13%	147%	30%
7	Наманган	600	805	2009	2414	34%	150%	20%
8	Самарқанд	977	1127	1964	2090	15%	74%	6%
9	Сурхондарё	311	311	1071	1277	0%	244%	19%
10	Сирдарё	179	273	580	604	53%	112%	4%
11	Тошкент в	984	1018	1835	2061	3%	80%	12%
12	Фарғона	724	973	3033	3457	34%	212%	14%
13	Хоразм	489	513	1343	1963	5%	162%	46%
14	Тошкент ш	2 747	2884	4049	3589	5%	40%	-11%
	Жами	9 823	11 493	24 135	27 618	17%	110%	14%

⁵ Республика «Хунарманд» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу Қарорга (2017) биноан «Хунарманд» уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинди. (2-расм)



2-расм. «Хунарманд» уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишлари.

Таъкидлаб ўтиш керак, бугунги кунда «Хунарманд» уюшмасига аъзолик бир қатор имтиёзларга эга бўлиш демакдир, яъни уюшма хунармандларга бир қатор хизматларни кўрсатишни кафолатлайди (3-расм).

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида, 2018 йил, иккинчи ярим йилликдан бошлаб, хунармандларни рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳаражатлардан тортиб улар фаолиятини статистик жиҳатдан таҳлил қилиш электрон тартибда юритила бошлади. Лекин, шунга қарамай, бир қатор камчиликлар кузатилмоқда:

- ўтган йиллар давомида ҳамда 2017 йилдан «Хунарманд» уюшмасининг фаолияти қонун ҳужжатлари асосида амалда қайта ислоҳ қилинишига қарамай, Республика «Хунарманд» уюшмаси томонидан хунармандчиликка оид статистик кўрсаткичларни халқаро стандартларга мос равишда юритиш метадологияси ишлаб чиқилмаган;

- уюшма томонидан миллий хунармандчилик фаолияти ҳолатини Республика ва халқаро доирада тўлиқ очиб берувчи макроиктисодий индикаторлар мавжуд эмас;

- 2018 йил, иккинчи ярим йилликдан бошлаб, хунармандчиликка оид статистик маълумотлар электрон тартибда юритилиши назарда тутилсада, хунармандлар сонидан ташқари, бир-бирига боғлиқ кўрсаткичлар таҳлилинини 2019 йил 1-ярим йилликдан кейин юритилиши кузатилган;

Солиқ имтиёзлари

Уюшма аъзолари ўзи ишлаб чиқарган халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушуми бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзларга эга бўлади

Кўргазмалар

Уюшма аъзолари Ўзбекистон ва чет давлатларида ўтказиб келинётган кўргазмалар, фестивал ва манавий-маърифий тадбирларда ўз маҳсулотлари билан қатнашиш имкониятига эга бўладилар

Ижтимоий ҳимоя

Ўзбекистон «Ҳунарманд» уюшмаси «Ишонч» банклараро суғурта компанияси билан шартнома асосида уюшма аъзоларини ижтимоий ҳимоя ишларини амалга оширади


3-расм. «Ҳунарманд» уюшмаси томонидан кўрсатиладиган хизматлар⁶

- ҳунармандчилик ҳолатини очиб берувчи кўрсаткичлар таркиби мунтазам равишда расмиётчилик нуқтаи назаридан ўзгариб келган бўлиб, бу соҳани йиллар давомида солиштирма таҳлил қилишга тўсиқ бўлиб келмоқда;

- гарчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4539-сонли қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Республикада ҳунармандчилик соҳасининг ривожланишини баҳолаш учун тегишли индикаторларни Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва «Ҳунарманд» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда ишлаб чиқиб, уларнинг 2020 йилдан бошлаб ҳар чоракда оммавий ахборот воситаларида чоп этиб борилишини таъминланиши назарда тутилган бўлсада, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигидан сўнггина Республика «Ҳунарманд» уюшмаси расмий сайтида эълон қилиниши йўлга қўйилди.


Кузатилган бир қатор камчиликларга қарамай, ҳунармандлар ва «Ҳунарманд» уюшмаси фаолияти қайта ислоҳ қилингандан сўнг, соҳа билан боғлиқ кўрсаткичлар мунтазам ўсиб борди. «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо ҳунармандлар фаолиятини таҳлил қилишда уларнинг жинси, ёши ва ижтимоий ҳолати алоҳида аҳамият касб этади. Уюшма томонидан қайд этилган статистик маълумотларнинг йиллар бўйича чекланганлигини ҳисобга олиб, 2016 йилдан жорий давргача ва кварталлар бўйича сарҳисоб қилишга ҳаракат қилдик. Ҳунармандлар таркибига эътибор берсак, асосий улушини эркаклар ташкил этаётганлигини кўришимиз мумкин ва уларнинг салмоғи мунтазам равишда ортиб борган. (4-расм) Лекин, ёш таркиби бўйича улушига эътибор берсак, 30 ёшгача бўлганлар умумий ҳунармандлар сонининг 30% ни ташкил этсада, асосан қўнимсизлик, ёшларда кузатилмоқда. Бунга сабаб бўлган омилларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

⁶ <https://hunar.uz/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



4-расм. Хунарманд уюшмаси аъзоларининг таркиби бўйича маълумот⁷

«Хунарманд» уюшмаси маълумотларига кўра, таҳлил жараёнида, ўз фаолиятини тўхтатган ёш хунармандларда бир қатор асосий сабаблар келтириб кўрсатилган. (5-расм).



5-расм. 30 ёшгача бўлган хунармандларнинг ўз фаолиятини тўхтатишига туртки бўлган омиллар⁸

Расмда қайд этилган сабабларга тўхталиб ўтсак, бугунги кунда мамлакатимизда хунармандчилик фаолиятига яқка тартибдаги тадбиркорликнинг бир тури сифатида, шунингдек, асосан аҳолининг қўйи ва ўрта қатламини иш билан таъминлашнинг миллий-анъанавий йўли сифатида қараш ҳамда бу фаолият тўғрисида етарлича тасаввурга эга бўлмаслигимиздадир. Ҳар бир келтирилган сабаб хунармандчилик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига бориб тақалади, шунинг учун бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ нафақат ёш хунармандлар балки, барча бу соҳа

⁷ Республика «Хунарманд» уюшмаси маълумоти асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁸ Республика «Хунарманд» уюшмаси маълумоти асосида муаллиф томонидан тузилган

йўналишида фаолият олиб бораётган хунармандлар фаолияти бундай муаммоларга дуч келмоқда.

Шунингдек, ёш хунармандлар билан бирга уюшмага аъзо барча хунармандларнинг сўнгги йиллар оралиғида кўнимсизлик сабабларига тахлилий ёндашадиган бўлсак, батафсил қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин. (2-жадвал)

Қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, ўз фаолиятини тўхтатган хунармандларнинг асосий улуши бошқа бу фаолият билан шуғullanмаслигини сабаб қилиб кўрсатган, шунингдек, фаолият доирасининг кенгайиши ва хунарманд-тадбиркор сифатида (солиқ тўловчи сифатида) иш олиб бориши хунармандларнинг уюшма аъзолигидан чиқишига сабаб бўлган.

Қуйида қайд этилган кўнимсизлик билан боғлиқ ҳолатлар ПФ-5242-сонли Фармонда (2017) эътиборга олинган бўлиб, унга кўра, республикамизда миллий хунармандчиликни янада ривожлантиришнинг бир қатор асосий йўналишлари белгилаб қўйилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўтган йиллар давомида усто-шогирд аънанага кўра кўплаб ёшлар бундай мактаблар таълимини олиб, хунарманд бўлиб етишдилар, ёшларни бу соҳада фаолиятини рағбатлантириш мақсадида, уста-хунармандларга шогирд тушса, стипендиялар ташкил этилган бўлиб, кейинчалик хунарманд сифатида уюшмага аъзо бўлиш учун тўланадиган бошланғич бадалдан 50 % чегирмага эга бўладилар.


2-жадвал.

«Хунарманд» уюшмаси аъзолигидан чиққан ва ёки фаолиятини тугатган хунармандлар тўғрисида маълумот⁹

№	Аъзоликдан чиқиш ёки фаолиятини тугатиш сабаблари	01.07.2019	01.01.2020	01.03.2020	01.07.2020
1	Хунармандчилик фаолияти билан бошқа шуғullanмаслиги	1271	1615	590	654
2	Фаолиятини кенгайтирганлиги ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғullаниши (солиқ тўловчи сифатида)	438	639	67	97
3	Ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишдаги муаммолар	15	111	13	25
4	Солиқ идоралари билан юзага келган муаммолар	69	102	6	21
5	Ишлаб чиқариш жараёнида хом-ашё топишда юзага келган муаммолар	22	45	2	2
6	Соғлиги ёмонлашган	246	942	95	134
7	Фаолиятини олиб боришга иш жойи (устахона) бўлмаган	21	76	32	35
8	Молиявий имконияти хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, иш жойи учун ижара тўлашга етмаслиги сабабли	367	659	17	26
9	Бошқа доимий ишга кирган	164	444	42	45
10	Олий таълим муассасасига ўқишга кирган	28	68	4	4
11	Нафақага чиққан	23	42	9	9
12	Оила қурган	92	129	7	8
13	Хизмат сафари (ҳарбий хизмат, чет давлатга)	85	151	12	13
14	Фарзандли бўлган	54	94	13	13
15	Вафот этган	9	15	2	2
	Жами	2904	5132	911	1088

⁹ Республика «Хунарманд» уюшмаси маълумоти.

Шунингдек шогирдлик даври ҳам уюшма томонидан яратилган ишчи ўрни сифатида қайд этиб борилади. 2017 йилдаги қабул қилинган қарор доирасида олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари натижасида, ўтган давр мобайнида «Хунарманд» уюшмаси томонидан рўйхатдан ўтган хунармандлар ва шогирдлар сони ортиб борди. 6-расмдан кўриниб турибдики, бу соҳада ишчи ўринларини яратишда Фарғона, Андижон, Бухоро, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри етакчи ҳисобланади. Бунга асосий сабаблардан бири, бу ҳудудда аҳолининг хунармандчиликка ихтисослашуви ҳамда зичлиги ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан юқорилигидадир. 2019 йил ноябрь ойида қабул қилинган қарорга кўра, ушбу соҳада яратилиши режа қилинган иш ўринларига солиштирсак, амалда кўпроқ иш ўринлари яратилди, хусусан, 2018 йилда режа бўйича бу соҳада жами 26883 та иш ўринлари яратиш назарда тутилган бўлса, амалда 51% га кўп бажарилиб, жами 40634 та иш ўринлари яратилган.



6-расм. Хунармандчилик соҳасида яратилган иш ўринлари тўғрисида маълумот¹⁰

2019 йилда режа бўйича 37262 та иш ўринлари яратиш назарда тутилган бўлса, амалда 9% га кўп, яъни 40643 та янги иш ўринлари яратилган. 2020 йил биринчи ярим йилликда эса жами яратилиши режа қилинган иш ўрни амалда 62% га бажарилди. Яратилган иш ўринларини таркиби бўйича фарқласак, асосий яратилган иш ўринлари шогирдлар ҳисобидан яратилган. (3-жадвал)

Шу билан бирга, ҳозирги пандемия шароитида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож ва вақтинчалик ишсиз юрган қатламини хунармандчилик фаолияти доирасида иш билан таъминлаш мумкин.


¹⁰ Республика «Хунарманд» уюшмаси маълумоти.

Хунармандчилик соҳасида яратилган иш ўринлари тўғрисида маълумот¹¹

№	Худудлар номи	01.12.2018 йил				01.12.2019 йил				01.07.2020 йил			
		Режа	Ҳақи қатда	Хунарма нд (уста)	Шогирд	Режа	Ҳақи қатда	Хунарма нд (уста)	Шогирд	Режа (2020 йил)	Ҳақи қатда	Хунарма нд (уста)	Шогирд
1	Қорақалпоғистон	1221	1754	652	1102	1221	2442	609	1833	1453	829	613	216
2	Андижон	2604	3566	1424	2142	3829	5287	1799	3488	8500	5277	3100	2177
3	Бухоро	1623	3476	1907	1569	2394	3621	1076	2545	2849	2664	763	1901
4	Жиззах	855	1292	606	686	1181	1176	379	797	1395	1359	625	734
5	Қашқадарё	2178	2012	1057	955	1964	2307	752	1555	2448	1444	789	655
6	Навоий	909	3559	1049	2510	2675	2342	958	1384	3256	2160	684	1476
7	Наманган	2310	3494	1385	2109	2645	2680	1036	1644	3256	3134	1996	1138
8	Самарқанд	3267	2750	1104	1646	3003	2066	864	1202	3605	2016	1058	958
9	Сурхондарё	2142	2010	860	1150	2287	2255	801	1454	2732	1839	1114	725
10	Сирдарё	663	1350	390	960	1039	1573	410	1163	1279	907	558	349
11	Тошкент	3018	2260	817	1443	2190	2191	849	1342	2674	1397	818	579
12	Фарғона	3084	8310	3964	4346	7079	7491	1742	5749	9197	4830	2610	2220
13	Хоразм	1494	1406	833	573	2469	2589	936	1653	3023	1687	810	877
14	Тошкент ш.	1515	3395	1365	2030	3286	2623	852	1771	3896	1421	397	1024
Жами		26883	40634	17413	23221	37262	40643	13063	27580	49563	30964	15935	15029

¹¹ Республика «Хунарманд» уюшмаси маълумоти.

Бунда уларни соҳадан хабардорлигига қараб бирламчи ва ёрдамчи ишларни бажаришга жалб қилиш мумкин. Агар аҳолининг қайси қатламлари асосан ҳунармандчилик фаолиятининг меҳнат салоҳиятини ташкил этиши мумкинлигига таҳлилий ёндашадиган бўлсак, уни (7-расмда) кўриш мумкин.



7-расм. Хунармандчилик фаолияти салоҳиятини ташкил этувчи аҳоли гуруҳлари ва уларни соҳага жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тизими¹²

5. Хулоса ва таклифлар.

Ҳозирги кунда ёшлар ва ижтимоий-демографик гуруҳ вакиллари бу соҳада даромад ва меҳнат шароитлари даражасига нисбатан юқори талабларни қўймоқда. Хунармандчилик фаолияти минтақада бандликни кўпайтиришнинг муҳим омилига айланиши учун, биринчидан, унинг аҳоли орасида нуфузини ошириш, иккинчидан, хунармандчилик билан шуғулланадиган одамларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

¹² Муаллиф томонидан тузилган.

керак. Шундагина уларнинг реал даромадлари кўпайиб, қўнимсизлигига барҳам берилади.

Ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ва оилалар, айниқса янгитдан ўз фаолиятини бошлаган ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, «Уста-шогирд» мактаблари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ва шу асосда янги иш ўринлари ташкил этишда:

1. Ҳунармандчилик субъектларига давлат рўйхатидан ўтишда кўмаклашиш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик коммуникация тармоқларига уланиш, уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хомашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Халқ ҳунармандчилиги ва ижодий анъаналари кенг ривожланган шаҳар ва туманларда ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташкил этиш, ҳунармандчиликнинг ноёб турларини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш, истеъмолчиларга ҳунармандчилик маҳсулотлари етказиб бериш учун бозор инфратузилмасини шакллантириш.

3. Ҳунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини тақдимот қилишга кўмаклашиш алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиётлар/Literatura/Reference:

Абдуллаева Р.Г. (2019) Ҳунармандчилик фаолиятини тадбиркорликни кенгайтириш орқали ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ. 65-66 бетлар. / Abdullaeva R.G. (2019) Improving the theoretical foundations for the development of craft activities through the expansion of entrepreneurship. i.f.n. Abstract of the dissertation for the degree. - Т.: TDIU. Pages 65-66.

Андреас М. (2000) Ремесленное производство и его особенности в рыночной экономике. Автореферат к.э.н.- Кострома. 19 с. / Andreas M. (2000) Handicraft production and its features in a market economy. Abstract of Ph.D. in Economics - Kostroma. 19 p.

Энциклопедия (2005) Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Т.: Давлат миллий нашриёти. 394-б. / Encyclopedia (2005) National Encyclopedia of Uzbekistan Т.: State National Publishing House. 394 P.

Frater, J. (2015) Valuing the Unique: Craft Traditions in the Contemporary Market. Keynote address for the International Textile and Apparel Association Annual Conference, November. Klamer A., Kotipalli P., Jiang L., Fjeldsted T., and Mignosa A. (2013) Herwaardering Ambachtscultuur Hoofdzaak. Sticing Economie en Cultuur, Erasmus University Rotterdam. <https://adoc.tips/herwaardering-ambachtscultuur-hoofdzaak.html>

Luckman, S. (2015) Craft and the Creative Economy. Switzerland. Palgrave Macmillan.

Mignosa A. (2019) Policies for Crafts: Rationale and Tools. A Cultural Economic Analysis of Craft. Switzerland. Springer Nature Switzerland AG. 52-p.; Micelli S., Futuro artigiano. L'innovazione nelle mani degli italiani, Venezia, Marsilio, 2011, Sintesi di Economia 51-p.

Mignosa A., Kotipalli P. (2019) A Cultural Economic Analysis of Craft. Switzerland. Springer Nature Switzerland AG.

Фармон (1997) Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-1741-сон. / Decree (1997) No. DP-1741 of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 31, 1997 "On measures to support the further development of folk arts and crafts."

Фармон (2002) Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2002 йил 29 январдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида" 31 март 1997 йилги ПФ-1741-сон Фармонининг 2-бандида кўзда тутилган имтиёزلарнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида ПФ-2030-сон. / Decree (2002) Prolongation of the privileges provided by Item 2 of the Presidential decree of the Republic of Uzbekistan from January 29, 2002 of No. DP-1741 from March 31, 1997 "About measures for the state support of further development of folk arts and crafts" about PF-2030.

Фармон (2010) Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида" ги ПФ-4210-сон. / Decree (2010) No. DP-4210 of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 30, 2010 "On further support for the development of folk arts and crafts."

Фармон (2012) Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2012 йил 6 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2010 йил 30 мартдаги ПФ-4210-сонли фармониغا қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ПФ-4469-сон. / Decree (2012) No. DP-4469 of March 6, 2012 on amendments to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. DP-4210 of March 30, 2010 "On further support for the development of folk arts and crafts."

Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йилнинг 17 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида. / Decree (2017) of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 17, 2017 "On measures for further development of handicrafts and comprehensive support for artisans.

Қарор (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 17 ноябрдаги ""Ҳунарманд" уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3393-сон. / Resolution (2017) No. RP-3393 of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 17, 2017 "On measures to further improve the activities of the Association of Craftsmen".

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4539-сон. / Resolution (2019) No. RP-4539 of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 28, 2019 "On additional measures for further development of crafts and support of craftsmen."



ЎРИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Хожиев Э.Ё.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мақолада ўрик маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг афзалликлари очиб берилган. Муаллиф томонидан экспорт фаолиятида маркетинг тадқиқотларини ўрни ва аҳамияти ёритилган. Назарий тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан «маркетинг тадқиқотлари жараёни», «маркетинг тадқиқотлари асосида қарор қабул қилиш», «якуний тадқиқот натижаси» тушунчаларининг мазмуни-моҳияти очиб берилган.

Калит сўзлар: маркетинг тадқиқоти, экспорт, маркетинг тадқиқотлари жараёни, маркетинг тадқиқотлари асосида қарор қабул қилиш, товар айланмаси.

PLACE AND SIGNIFICANCE OF COMPETITIVE INVESTIGATION IN BUSINESS MANAGEMENT

Khojiev E.Y.

Tashkent State University of Economics

Annotation. The article explains the advantages of using marketing research to increase the export potential of apricot products. The author highlights the role and importance of marketing research in export activities. On the basis of theoretical research, the author reveals the essence of the concepts of "marketing research process", "marketing decision-making", "final research result".

Keywords: marketing research, export, marketing research process, marketing research decision making, turnover.

1. Кириш.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг X съездидаги Янги Ўзбекистон стратегиясининг асосий йўналишлари бўйича маърузасида "Мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти 1,7 баробар оширилиб, 2026 йилда 30 миллиард долларга етказилиши, экспорт таркибида хомашёнинг улуши ҳозирги 46 фоиздан 23 фоизга камайиб, тайёр маҳсулотлар ҳажми 2,5 баробар кўпайиши, бунга эришиш учун эса, аввало, иқтисодиётда илм ва инновацияларга асосланган ривожланиш ҳисобидан янги технологиялар ва қўшилган қиймат занжирларини кўпайтириш орқали меҳнат самарадорлигида туб ўзгаришлар қилишимиз шарт" деб таъкидлаган эди.

Маҳсулотни экспорт салоҳиятини кенгайтиришда мева-сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларини ўрганиш бўйича чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, вазибалар ижросини самарали амалга оширишда ҳар бир маҳсулот турлари бўйича халқаро бозор ҳолати ва бозорги кириш имкониятларини аниқлаш бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва унинг илмий-усубий асосларини такомиллаштириш асосий вазифадир. Шунга кўра, ўрик маҳсулотлари экспортини ривожлантириш ва рақобатбардошликни оширишга йўналтирилган маркетинг тадқиқотларини олиб бориш долзарб вазибалардан ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Маркетинг соҳасидаги энг машҳур олим Филип Котлер "Маркетинг тадқиқотлари муаммоларни тизимли таҳлил қилиш, модел қуриш ва такомиллаштирилган қарор

мақсади яратиш ва товарлар ва хизматлар маркетинги назорат қилишда далилларни топиш”, деб таъриф беради.

Аакер (2018) “Маркетинг тадқиқотлари” китобида “маркетинг тадқиқотлари тизимли, объектив ва маркетинг бўйича соҳадаги ҳар қандай муаммога тегишли далилларни ҳар томонлама излаш ва ўрганиш”, деб таъриф беради.

Тюрин (2016) “Ташкилот маркетинг тадқиқотлари ва уни ўтказиш” китобида “маркетинг тадқиқотлари – бу ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг узлуксиз жараёни тайёрлаш мақсадида корхонанинг ташқи ва ички муҳити ҳақида ноаниқлик шароитида самарали стратегик ва тактик бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича тавсиялар”, деб таъриф берган.

Голубкова (2) Маркетинг тадқиқотлари - маркетинглогларни маълумотлар орқали бозор, истеъмолчилар, рақобатчилар ва маркетинг муҳитининг бошқа ташқи элементлари билан боғлаш функциясидир.

Шукла (2008) “Маркетинг тадқиқотлари” китобида “дунё бўйлаб ташкилотлар ҳар беш йилда ўз мижозларининг ярмини йўқотадилар. Аммо кўпчилик маркетинглоглар бу дефекторлар нима учун кетганини ўрганишга интилиб, бу фактни тўғридан-тўғри ҳал қила олмайдилар”, деб таъкидади. Ташкилотларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи мижозларнинг юқори эҳтиёжларини қондира олмайди, чунки уларнинг мижозлари ҳақиқатдан ҳам нимани хоҳлашлари ҳақидаги тасаввурлари ҳақиқатдан узоқдир. Бу ўринда компаниялар мижознинг эҳтиёжлари ҳақида қайғурмасликлари учун эмас, балки нотўғри маъно билан нотўғри мақсадга эришишга ҳаракат қилишади. Кўпинча компаниялар нима нотўғри бўлганлигини аниқлаш учун тадқиқот ўтказадилар.

Малхотра (2004) “Маркетинг тадқиқотлари” китобида “фактдан кейинги тадқиқот дунёда энг кенг тарқалган тадқиқот тури ҳисобланади”, деган фикрни илгани суради.

Юқоридаги муҳокамадан шуни кўриш мумкинки, маркетинг тадқиқотлари ташкилотларга турли ҳил қарорлар қабул қилиш жараёнларида ёрдам бериши билан бир қаторда, уларни иккита алоҳида йўналишга бўлиш мумкин; (а) муаммоларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ва (б) муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадқиқотлар. Муаммони аниқлаш бўйича тадқиқот сиртда кўринмаслиги шарт бўлган (эҳтимол), аммо мавжуд ёки келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлашга ёрдам бериш учун амалга оширилади. Бошқа томондан, муаммони ҳал қилиш бўйича тадқиқотлар муайян тадқиқот муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бериш учун олиб борилади. Муаммони ҳал қилиш бўйича тадқиқот бозор салоҳияти, бозор улуши, бренд ёки компания имиджи, сотиш таҳлили, қисқа муддатли прогнозлаш, узоқ муддатли прогнозлаш, бизнес тенденцияларини ўз ичига олади.

Кўпчилик муаллифлар ҳавола берадиган «маркетинг тадқиқоти» тушунчасининг Америка маркетинг ассоциациясининг таърифи қуйидагича: Маркетинг тадқиқотлари – бу истеъмолчи, мижоз ва жамоатчиликни ахборот орқали сотувчи билан боғлайдиган функциядир. Маркетинг тадқиқотлари корхонадаги муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни белгилайди, маълумот тўплаш усулини ишлаб чиқади, маълумотларни йиғиш жараёнини бошқаради ва амалга оширади; таҳлил ва натижалар топилмалар ва уларнинг оқибатларини билдиради.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда қаралаётган масалаларга татбиқан, экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган маркетинг тадқиқотларини олиб боришда субъект сифатида экспорт қилувчи ташкилот олинади, унинг амалга оширилиши эса корхона экспорт ҳажмини оширишда ҳамда янги мақсадли бозорларни ўзлаштириш, шунингдек маҳсулотни ташқи бозорларга етказиб беришда корхона ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш учун зарур маълумотларни таҳлил қилш ёки ушбу мақсад учун ташкил этилган бўлим, ёхуд ушбу корхона манфаатларига хизмат қилувчи маркетинг тадқиқотлари ҳисобидан бўлади.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда мева-сабзавот ва полиз экинларини етиштириш ҳар доим қишлоқ хўжалигидаги анъанавий соҳалардан бири бўлиб келган. Ўзбекистоннинг тупроқ ва иқлим шароитлари ҳар хил бўлиб, ҳар бир ҳудудда ўзининг маҳаллий шароитларига мослашган мева, сабзавот ва полиз экинлари ва навларини етиштириш мажмуасига эга.

Халқаро савдо ҳажми бўйича рейтингларга кўра, Ўзбекистон сўнгги йигирма йилликда ўрик етиштириш бўйича жаҳон етакчисига айланган ва ҳозирги кунга қадар Туркия билан бу борада рақобатлашиб келмоқда.

Халқаро савдо маркази баёнотига кўра, глобал ўрик бозори 2020 йилда 814,26 миллион долларга тенг бўлган ва 2026 йилга қадар 1 миллиард доллардан ошиши прогноз қилинмоқда. Соғлом турмуш тарзини таъминлашга бўлган истеъмолчиларнинг талаби ошиши жаҳон ўрик маҳсулотлари бозорининг ўсишига асосий омиллардан бири бўлмоқда. Республикада озиқ-овқат саноатини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни кенг жалб этиш, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатдош бўлган халқаро талабларга жавоб берадиган сифатли маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорда замонавий савдо ва логистика марказларини ташкил этиш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларида илгари суриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда импорт ҳажмини камайтириш чораларини кўриш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни диверсификация қилиш, ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг стратегия ва моделларини ишлаб чиқиш устивор вазифа сифатида белгилиб берилган.

Маҳсулотни экспорт салоҳиятини кенгайтиришда мева-сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларини ўрганиш бўйича чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, вазифалар ижросини самарали амалга оширишда ҳар бир маҳсулот турлари бўйича халқаро бозор ҳолати ва бозорги кириш имкониятларини аниқлаш бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва унинг илмий-усубий асосларини такомиллаштириш асосий вазифадир. Шунга кўра, ўрик маҳсулотлари экспортини ривожлантириш ва рақобатбардошликни оширишга йўналтирилган маркетинг тадқиқотларини олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳудудларни ривожлантириш, маҳаллий маҳсулотлар экспорт ҳажмини оширишга қаратилган чуқур маркетинг тадқиқотларини олиб боришни янада такомиллаштириш масаласини ҳал этиш бугунги кунга қадар долзарб масала сифатида қаралмоқда. Мазкур муаммоларнинг самарали ижросини таъминлаш республика ҳудудларида маҳсулотлар экспорт ҳажмини оширишнинг асосий йўналишлари ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Маҳсулотлар экспортини ошириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва хорижий бозорларда ўз бозор улушига ва брендига эга бўлиш бутун дунё мамлакатлари ишлаб чиқарувчиларининг олдида турган энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, хизмат кўрсатиш ва сотиш (экспорт қилиш) жараёнларини ўзаро интеграция қилиш, кластерлар (кооперация) фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида стратегик жиҳатдан мақсадли чора-тадбирлар белгиланиб, улар амалга оширилиб келинмоқда.


Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини ишлаб чиқаришнинг самарали тизими яратилишини таъминлаш, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари экспортини кенгайтириш, республика ҳудудларида тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга йирик агросаноат кластерларини барпо этиш, рақобатбардош мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий интенсив боғлар ва иссиқхона хўжалиklarини ташкил этиш асосий омиллардан бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда 2019 йилнинг 23 октябр санасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларига мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат

назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратишнинг аниқ механизмлари кўрсатиб берилди.

Маркетинг тадқиқотларини олиб боришда тадқиқотнинг босқичлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Аксарият маркетинг тадқиқотлари бозордан тўғридан-тўғри ёки билвосита маълумот олишни ўз ичига олади ва бунда умумий ёндашиш нуқтаси бўлиб усул ва техника ҳисобланади. Шунинг учун маркетинг тадқиқоти жараёнини беш босқичга бўлиш мумкин.

1. Муаммони аниқлаш;
2. Муаммога ёндашиш услубини ишлаб чиқиш;
3. Тадқиқот олиб бориш комплексини шакллантириш;
4. Дала ишлари ва маълумотларни тўплаш;
5. Маълумотларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш;
6. Якуний тадқиқот натижаси баёнотини тайёрлаш ва тақдим қилиш.

Маркетинг тадқиқотлари доимий жараён бўлиб, кўпинча натижалар янги истиқболни тақдим этади, лекин айни пайтда динамик бозорни тушунишни яхшилаш учун зарур бўлган кейинги тадқиқотларга ишора қилади. Маркетинг тадқиқотлари жараёни қуйидаги расмда мажозий тарзда тушунтирилган



1-расм. Маркетинг тадқиқотлари жараёни

Ҳар қандай маркетинг тадқиқоти лойиҳасининг биринчи босқичи муаммони аниқлашдир. Муаммони аниқлашда, тадқиқотчи тадқиқот мақсадини, тегишли маълумотлардан керакли маълумотларни ажратиб олган ҳолда улардан қарор қабул қилишда қандай фойдаланилишини ҳисобга олиши керак. Муаммони аниқлаш жараёни қарор қабул қилувчилар билан муҳокама қилиш, соҳа мутахассислари билан суҳбатлар, иккиламчи маълумотлар таҳлиллари, фокус-гурӯҳлар каби баъзи сифатли тадқиқотларни ўз ичига олади. Бу ерда энг муҳим жиҳат тўғри муаммони аниқлаш ҳисобланади. Кўпинча, аниқ белгиланмаган муаммолар якуний қарор қабул қилишда ёрдам бермайдиган натижаларга олиб келади. Мисол учун, сотувнинг пасайиши ортида юзлаб сабаблар бўлиши мумкин. Агар корхона раҳбари муаммони “сотишнинг пасайиши” деб белгиласа, тадқиқот муаммо/имкониятни тўғри аниқлашга олиб келмайди. Бунда раҳбар қўшимча эътиборни муаммоли баёнотга қаратиши лозим бўлади. Масалан: сотишнинг пасайишига олиб келадиган омиллар нима? Дастлабки

босқичда муаммо аниқ белгиланган бўлса, тадқиқот тўғри ишлаб чиқилиши ва ўтказилиши мумкин.

Муаммога ёндашувни ишлаб чиқиш объектив ёки назарий асосни шакллантириш, аналитик моделлар, тадқиқот саволлари ва гипотезалари ҳамда керакли маълумотларни аниқлашни ўз ичига олади. Бу жараён раҳбарият ва соҳа мутахассислари билан муҳокамалар, таҳлиллар, иккиламчи маълумотлар ва прагматик мулоҳазалар асосида олиб борилади.

Тадқиқот олиб бориш лойиҳаси маркетинг тадқиқоти лойиҳасини амалга ошириш учун асос ёки лойиҳа ҳисобланади. Бу талаб этилган маълумотларни олиш учун зарур бўлган тартиб-қоидаларни батафсил баён қилади. Унинг мақсади қизиқтирувчи гипотезаларини синовдан ўтказувчи тадқиқотларни ишлаб чиқиш, тадқиқот қилинаётган саволларга мумкин бўлган жавобларни аниқлаш ва қарорлар қабул қилиш учун керакли маълумотларни тақдим этишдан иборат. Қидирув- тадқиқот ишларини олиб бориш, ўзгарувчиларни аниқ белгилаш ва уларни ўлчаш учун тегишли ўлчовларни лойиҳалаш тадқиқот лойиҳаси (дизайни) нинг бир қисми бўлиб хизмат қилади. Респондентлардан маълумотларни қандай олиш кераклиги (масалан, сўров ёки эксперимент ўтказиш йўли билан) масаласи ҳал қилиниши керак. Респондентларни танлаш учун сўровнома ва намуна олиш режасини ишлаб чиқиш ҳам тадқиқот учун зарур.

Маълумотларни тўплаш босқичида дала кучлари ёки дала тадқиқоти учун жалб этилган ҳамда ушбу йўналиш бўйича фаолият олиб борадиган корхона ходимлари иштирок этади. Бунда шахсий интервью (уйда, савдо марказида ёки компьютер ёрдамида шахсий интервью), офисда турган ҳолда телефон орқали (телефон ёки бошқа алоқа воситалари орқали суҳбат), почта орқали (олдиндан танланган уй хўжаликлари билан анъанавий почта ва почта панели сўровлари) ва электрон (электрон почта ёки Интернет) тарзда маълумотлар йиғилиши мумкин. Дала кучларини тўғри танлаш, ўқитиш, назорат қилиш ва баҳолаш маълумотларни йиғишдаги хатоларни минималлаштиришда ёрдам беради.

Маълумотларни тайёрлаш босқичи маълумотларни таҳрирлаш, кодлаш, транскрипция қилиш ва тасдиқлашни ўз ичига олади. Ҳар бир сўровнома, анкета ёки кузатиш шакли текширилади, таҳрир қилинади ва керак бўлганда тузатилади. Сўровномадаги (анкета) ҳар бир саволга ҳар бир жавобни ифодалаш учун рақам ёки ҳарфли кодлар қўйилади. Сўровномалардан олинган маълумотлар дискларга ёзиб қўйилади ёки тўғридан-тўғри компьютерга киритилади. Маркетинг тадқиқоти муаммосининг компонентлари билан боғлиқ бўлган маълумотларни ажратиб олиш учун тадқиқот давомида йиғилган маълумотлар таҳлил қилинади.

Яқунига етган тадқиқот лойиҳаси ёзма ҳисоботда ҳужжатлаштирилиши билан бир қаторда тадқиқот натижасида аниқланган асосий муаммоларни ўз ичига олиши зарур. Тадқиқот натижасида аниқланган муаммолар раҳбариятга жадваллар, расмлар ва графиклардан фойдаланган ҳолда, аниқ ва осон форматда тақдим этилиши керак. Корхона раҳбарияти томонидан тўғри қарор қабул қилиниши, тадқиқот натижаси таъсирини ошириш ва аниқликлар киритиш мақсадида тадқиқот гуруҳи оғзаки тақдимот қилиб бериши мақсадга мувофиқ бўлади.

Маркетингда асосий эътибор мижозлар эҳтиёжларини аниқлаш ва қондиришга қаратилган. Харидорларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва ушбу эҳтиёжларни қондиришга қаратилган маркетинг стратегиялари ва дастурларини амалга ошириш учун корхона маркетингологлари маълумотларга эҳтиёж сезади. Улар мижозлар, рақобатчилар ва бозордаги бошқа кучлар тўғрисидаги маълумотлар зарур бўлади. Сўнгги йилларда кўплаб омиллар сифатли, аниқ ва ишончли маълумотга бўлган эҳтиёжни оширмакда. Фирмалар миллий ва халқаро миқёсда фаолият олиб бораётганлиги сабабли, каттароқ ва узокроқ бозорлар ҳақида кенг маълумотга бўлган эҳтиёж ортди. Истеъмолчилар дидлари нозик ва мураккаб бўлиб, маркетингологлар фирма томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар ва бошқа маркетинг хизматларига қандай муносабат билдиришлари тўғрисида яхшироқ маълумотга муҳтожлик сезади. Маҳсулот (хизмат) ни таклиф этаётган корхоналар ўртасида рақобат кучайиб борар экан, корхона менежерлари ўзларининг маркетинг воситалари самарадорлиги ҳақида маълумотга муҳтож бўлади. Рақобатчилар ўртасидаги муҳит доимий ва тезкорлик билан ўзгаришини инобатга олсак, маркетингологлар ўз вақтида маълумотга эга бўлиши зарур ҳисобланади.

Маркетинг тадқиқотининг вазифаси ахборотга бўлган эҳтиёжни баҳолаш ва маркетинглогни тегишли, аниқ, ишончли, тўғри, жорий ҳамда амалда бўладиган маълумотлар билан таъминлашдан иборат. Бугунги шиддатли рақобат маркетинг муҳити ва нотўғри қарор қабул қилиш билан боғлиқ доимий ортиб бораётган харажатлар ишончли маълумотларни тақдим этиш учун маркетинг тадқиқотларини олиб боришни талаб қилади. Тўғри ва ишончли маълумотнинг мавжуд эмаслиги, маркетинг фаолиятини бошқаришда нотўғри қарор қабул қилинишига олиб келади.

Бундан ташқари, маркетинг тадқиқотлари корхона раҳбарига қарор қабул қилишда қандай ёрдам бериши мумкинлигини ҳам кузатишимиз мумкин. Маркетинг қарорлари бизнесни жойлаштиришдаги туб ўзгаришлардан ёки янги бозорга чиқиш қароридан тортиб, озиқ-овқат жавонини қандай сақлаш кераклиги ҳақидаги тор тактик саволларгача бўлган масалаларни ўз ичига олади. Ушбу қарорлар учун контекст бозорни режалаштириш жараёни бўлиб, кетма-кет тўрт босқичдан ўтади; вазиятни таҳлил қилиш, стратегияни ишлаб чиқиш, маркетинг дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Ҳар бир босқичда маркетинг тадқиқотлари муаммоларни аниқлаштириш ва ҳал қилишда катта ҳисса қўшади.



2-расм. Маркетинг фаолияти бўйича қарор қабул қилишда маркетинг тадқиқотларини аҳамияти

Маркетинг тадқиқотлари корхона раҳбарига маркетинг ўзгарувчиларини бозор муҳити ва мижозлар гуруҳлари билан боғлашда ёрдам беради. Тадқиқот натижасида тегишли маълумотларни тақдим этиш орқали маркетинг ўзгарувчилари, бозор муҳити ва истеъмолчилар ҳақидаги баъзи ноаниқликларни бартараф этишга эришиш мумкин. Тегишли маълумотларнинг мавжуд эмаслиги сабабли, истеъмолчиларнинг маркетинг

дастурларига муносабатини ишончли ёки аниқ башорат қилиб бўлмайди. Давом этаётган маркетинг тадқиқотлари дастурлари назорат қилинадиган ва бошқарилмайдиган омиллар ва истеъмолчилар ҳақида маълумот беради ҳамда ушбу маълумотлар маркетинг менежерлари томонидан қабул қилинган қарорлар самарадорлигини оширади.

Анъанага кўра, маркетинг бўйича тадқиқотчилар маълумотларга бўлган эҳтиёжни баҳолаш ва тегишли маълумотларни тақдим этиш учун жавобгар бўлиб, маркетинг қарорлари эса менежерлар томонидан қабул қилинган. Бироқ, ҳозирги кунда бу жараён ўзгармоқда. Маркетинг тадқиқотчилари қарор қабул қилишда кўпроқ иштирок этмоқдалар, ҳолбуки, маркетинг менежерлари тадқиқотлар билан кўпроқ шуғулланмоқдалар. Бу тенденцияни маркетинг бўйича менежерларни янада сифатли тайёрлаш билан тушунтириш мумкин, яъни маълум бир маркетинг муаммоси ёки имкониятига жавоб тариқасида эмас, балки технологиялар соҳасидаги бошқа ютуқлар, интернет, шунингдек, маркетинг тадқиқотлари соҳасидаги қарашларни ўзгартириш ва янада каттадан катта маркетинг тадқиқотларни доимий ўтказиш орқали эришиш мумкин бўлади.

Аслини олганда, маркетинг тадқиқотлари маркетинг қарорларини қабул қилиш ва бутун ташкилот фаолиятига қиймат қўшиши керак. Шунини таъкидлаш керакки, маркетинг менежерлари ташкилотдаги бошқа функциялардан ажралган ҳолда алоҳида ишламайди. Аксинча, маркетинг йўналиши истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш ва узоқ муддатли рентабелликка эришиш учун ўзаро фаолият истиқболини ўзида мужассам этади. Шунинг учун, маркетинг тадқиқотлари ташкилотдаги ишлаб чиқариш, тадқиқот ва ишланмалар, молия, бухгалтерия ҳисоби ва маълум бир лойиҳага тегишли бошқа функциялар билан ҳам боғланиши зарур ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, ҳудудларда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларни хорижий бозорларга экспортини ошириш масаласи Президентимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётгани ва бу соҳада қулай имкониятлар ва преференциялар берилганига қарамасдан, қуйидаги масалалар тармоқнинг ташқи бозорлардаги интеграциясини чегаралаб келмоқда:

республикамизда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган технологияларни чуқур модернизация қилиш, инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари бугунги кунга қадар ўз долзарблигини йўқотмаган;

мева-сабзавот, полиз ва ўрик маҳсулотларини узоқ муддат сақлаш ва узоқ масофаларга ташиш имкониятлари юқори бўлган навлари, уруғликлар етишмайди;

мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини харидорбоп ҳолда қадоқлаш ва дизайнини янада такомиллаштириш бўйича имкониятлардан самарали фойдаланилмапти;

хорижий ҳамкорларлар томонидан мева-сабзавотларга бўлган талабни доимий қондириш мақсадида доимий равишда маҳсулотни бир хил ҳароратда сақлаб туривчи махсус совуткичли омборлар сиғими етарли эмас;

мева-сабзавот маҳсулотларини рефрижераторлар ёрдамида узоқ масофаларга етказиб бериш занжири халқаро стандарт талабларига мувофиқ йўлга қўйилмаган;

маҳсулот етиштирувчи кўпчилик фермер, деҳқон ва боғдорчилик хўжаликлари жаҳон бозорларидаги нарх-наволар, бозор конъюнктураси ва рақобат муҳити, экспорт операцияларини амалга ошириш тартиблари, экспорт қилиниши режалаштирилаётган давлатда амал қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида керакли билим ва тажрибаларга ҳамда аниқ, ишончли ахборотлар билан таъминлаш каналларига эга эмас;

халқаро бозорларда мавжуд шиддатли рақобат муҳити шароитида ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаш тадбирларисиз, маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчи экспортёр ва экспорт салоҳиятига эга бўлган корхоналар жаҳон бозорларидаги рақобатга бардош бера олмаслик эҳтимоли юқори.

5. Хулоса ва таклифлар.

Ўрик маҳсулотини экспортини оширишда, бизнинг фикримизча, экспортёр корхоналар томонидан муаммони аниқлашга қаратилган тадқиқот ва муаммони ҳал этишга қаратилган маркетинг тадқиқотларини олиб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Муаммони аниқлашга қаратилган тадқиқотда бозор улуши тадқиқоти, бозор

потенциали тадқиқоти, савдо таҳлили тадқиқоти, прогноз ва тенденция тадқиқоти ҳамда бренд ва имидж тадқиқотлари олиб борилади. Муаммони ҳал этишга қаратилган тадқиқотда эса бозор сегментацияси тадқиқоти, маҳсулот тадқиқоти, нарх тадқиқоти, маҳсулотни силжитиш тадқиқоти, дистрибуция ва логистикага қаратилган тадқиқотлар ўтказилади.

Юқоридаги тадқиқот турларидан келиб чиққан ҳолда, экспорт фаолияти билан шуғилланувчи тадбиркорлик субъектлари ташқи бозорларга маҳсулотларини силжитиш мақсадида муаммони ҳал этишга қаратилган тадқиқотнинг бозор сегментацияси ва маҳсулот тадқиқоти йўналишида маркетинг тадқиқотини ўтказишлари тавсия этилади.

Шундай қилиб, ўрик маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, доимий равишда ахборот ёки маълумот тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш орқали қарор қабул қилиш ҳамда ушбу натижавий, аниқ ва тўғри қарорларнинг корхона экспорт салоҳиятини ошириши, унинг экспорт географиясини кенгайтириши, бир сўз билан айтганда корхонанинг истиқболига катта таъсир ўтказади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Kotler P.C., Armstrong G., Saunders J.A., Wong V. (1996) Principles of Marketing: The European Edition, Hemel Hempstead: Prentice Hall. 1996.

Malhotra N. (2004) Marketing research: An Applied Orientation. New Jersey, Pearson Education.

Paurav Shukla. (2008) Marketing research. Ventus Publishing ApS.

Азоев Г.Л. и др. (1999) Словарь // - М; Экономика / Azoev G.L. et al. (1999) Dictionary // - М; Economy

Икрамов М.А., Пардаев М.К., Абдухалилова Л.Т. (2019) Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил. – Т.: Iqtisodiyot. / Ikramov M.A., Pardaev M.K., Abduxalilova L.T. (2019) Statistical analysis in marketing research. - T.: Economics.

Нутқ (2021) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 9 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг X съезидаги Янги Ўзбекистон стратегиясининг асосий йўналишлари бўйича маърузаси. / Speech (2021) Report of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev on September 9, 2021 in Tashkent on the main directions of the strategy of New Uzbekistan at the X Congress of the Movement of Entrepreneurs and Businessmen - Liberal Democratic Party of Uzbekistan.

Фармон (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларига мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сон. / Decree (2019) No. DP-5853 of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 23, 2019 "On approval of the Strategy of agricultural development of the Republic of Uzbekistan for 2020-2030".

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги "2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4949-сон. / Resolution (2021) No. RP-4949 of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 14, 2021 "On measures to realize the export potential of the Republic of Uzbekistan in 2021".

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 сентябрдаги "Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4821-сон. / Resolution (2020) No. RP-4821 of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 10, 2020 "On measures for the accelerated development of the food industry of the Republic and the full provision of the population with quality food products."



ЎЗБЕКИСТОНДА КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ

Ҳамдамов О.Н., Сайфиева З.Х.

Тошкент молия институти

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантиришнинг аҳамияти ва илмий асослари ўрганилган. Шунингдек, хорижий давлатлар амалиётида капитал бозорини ташкил этиш ва фаолият механизми баён этилган. Ўзбекистонда капитал бозорини ривожланишининг амалдаги ҳолати таҳлил этилган ҳамда истиқболли кўрсаткичлар ёритиб берилган. Шунингдек, капитал бозорини ривожлантиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: капитал бозори, мегарегулятор, молия сиёсати, қимматли қоғозлар, облигация, халқаро меъёрлар, ЯИМ, иқтисодий ривожланиш, стратегия.

TENDENCIES AND OPPORTUNITIES OF CAPITAL MARKET DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

Hamdamov O.N., Sayfiyeva Z.H.

Tashkent institute of finance

Annotation: This article examines the importance and scientific basis of the development of the capital market in Uzbekistan. It also describes the mechanism of organization and operation of the capital market in the practice of foreign countries. The current state of capital market development in Uzbekistan is analyzed and promising indicators are highlighted. There are also scientific proposals and practical recommendations for the development of the capital market.

Key words: capital market mega-regulator, fiscal policy, securities, bonds, international standards, GDP, economic development, strategy.

1. Кириш.

Халқаро капитал бозорининг такомиллашуви алоҳида мамлакатлар молия бозори ва унинг асосий сегментларини мос равишда ривожлантириб боришни тақозо этмоқда. Капитал бозори бу молиявий ресурсларни оптимал равишда тақсимланиши ва миллий жамғармаларни инвестицияларга самарали йўналтириш учун яратилган механизм ҳисобланади. Ўз навбатида, инвестициялар давлатнинг иқтисодий ўсиши, инфратузилмани ривожлантириш, бизнесни халқаро бозорларга чиқиши ва аҳолини иш билан таъминлаш, инновацион технологияларни кириб келиши ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, "капитал бозорининг рақобатбардошлигини ошириш ва унинг капиталлашувини 2023 йил якунига қадар 45 трлн сўмга етказиш, банк томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш механизмини яратиш ҳамда капитал бозорининг уйғун фаолияти ва унинг барча сегментлари ривожланишини таъминлаш орқали 2023 йил якунига қадар республика ва ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида лойиҳаларнинг қимматли қоғозлар чиқариш орқали молиялаштирилган қисмини 5 фоизга етказиш" (2021) кабиларни келтиришимиз мумин.

Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш, мамлакатимиз корпоратив сектори акциядорлик жамиятларида бизнесни замонавий тенденцияларга мос равишда

янада ривожлантириш, молиявий ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ иқтисодий-молиявий “тўсиқларни” бартараф этиш, Ўзбекистон капитал бозорини ривожлантириш учун ўрта ва узоқ муддатли даврга мўлжалланган стратегия ва йўл хариталари ишлаб чиқиш каби муаммоларни ижобий ҳал этиш капитал бозори ва корпоратив сектор ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Капитал бозорининг иқтисодий моҳияти унинг ўзига хос функциялари (қайта тақсимлаш, мулкни ҳисобга олиш, капитал концентрацияси, репродуктив жараёни таъминлаш) ва умумий бозор функциялари (нарх белгилаш, бозор воситачилиги, транзакция харажатларини оптималлаштириш, ахборот) да намоён бўлади. Шунинг учун биз капитал бозорини аниқлашнинг асосий мезони бозор иштирокчилари ўртасида капитални қайта тақсимлаш ва капитални жамғармалардан инвестицияларга трансформация қилиш билан боғлиқ функцияларнинг ўзаро боғлиқлиги деб ҳисоблаймиз.

Касимова (2016) томонидан таклиф этилган капитал бозорининг таърифига қўшилган ҳолда, “капитал бозори – иқтисодий фаолият субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар бўлиб, бу бир томондан, талабни ва бошқа томондан – инвестиция маҳсулотларига бўлган таклифни юзага келтиради” дейиш мумкин. Шу муносабат билан, Касимова (2016) қонуний тарзда капитал бозорларини инвестицион товарларга, яъни пул маблағларига, қимматли қоғозлар ва бошқа қиймат шаклларига “боғлайди”, буларнинг мақсади эса фойда олишдан иборат ҳисобланади.

Капитал бозорида узоқ муддатли ҳамда қисқа муддатли капитал ва мажбуриятлар ҳам кенг муомалада бўлади. Иқтисодий адабиётларда пул (қисқа муддатли) бозори ажратиб кўрсатилади ва бу фақат молиявий ресурсларни жалб қилиш муддати билан изоҳланади. Моҳиятига кўра, иқтисодий категория сифатида “капитал” қиймат сифатида, капитал бозорига хос бўлиб, унда қўшимча қиймат яратилади ва бунда узоқ муддатли ва қисқа муддатли воситалардан фойдаланилади.

Рубцовнинг (2011) фикрига кўра, “Молия бозори - пул капиталининг ҳаракатланиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ва институтлар мажмуидир”. Молия бозорининг замонавий кўринишлари ва унинг таркибий сегментларига доир илмий монография муаллифи Иванова (2014) нинг фикрига кўра, “молия бозори - молиявий воситалардан фойдаланган ҳолда молиявий битимларни амалга ошириш соҳаси”. Халқаро молия бозори ва институтлар, уларнинг ташкилий-иқтисодий асосларига доир кўплаб илмий адабиётлар муаллифи Мишкиннинг (2012) фикрига кўра, “молия бозори - ортиқча маблағларга эга одамлардаги пул маблағларини пул маблағлари етишмаётганларга ўтказиб беришга хизмат қилувчи бозор”.

Хасанов (2020) тадқиқотларига кўра «Капитал бозори» тушунчасининг моҳиятини аниқлаштиришнинг мураккаблиги шунда кўринадики, унинг инфратузилмаси молиявий бозорнинг қисми ҳисобланган пул бозори билан чамбарчас боғлиқ ва молиявий инструментлар капитал бозори ва пул бозори учун бир хилдир. Капитал бозорига жалб қилинаётган молиявий ресурслар ҳажми, жалб қилиш усуллари ва жалб қилувчи молиявий инструментлар, капитал бозорининг аниқ сегментлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро боғлиқ.

Капитал бозори тўғрисидаги тушунчалар мамлакатимиз ва хорижий муаллифларнинг асарларида турлича таснифланган бўлсада, унинг пировард моҳияти бир хил ҳисобланади. Шунинг учун, биз капитал бозорини институционал нуқтаи назардан кредит бозори ва қимматли қоғозлар бозори мажмуаси сифатида кўриб чиқишга қаратилган ёндашувни танладик. Капитал бозорининг ҳар бир тури ва унинг алоҳида сегментлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлсада, корпоратив сектор учун молиявий ресурсларни ушбу сектор эҳтиёжларига кўра таъминлайди

3. Тадқиқот методологияси.


Тадқиқот жараёнида капитал бозорини ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатлари, капитал бозорини ривожланганлик даражасини баҳоловчи халқаро меъёрлар, капитал бозори ривожланишининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш билан бирга, мавзуга боғлиқ кўплаб назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотларга таянган

холда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларидан кенг фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Капитал бозорини ривожланиши ва амал қилиш механизмига доир халқаро тажрибаларни таҳлил қилишда мазкур бозор ривожланганлик даражаси бўйича кўп йиллик тажрибага эга давлатларнинг капитал бозорини тартибга солишнинг асосий жиҳатларини алоҳида қайд этиш лозим. Корпоратив секторни молиявий ресурслар билан таъминлашда капитал бозорининг барқарорлигига уни тартибга солиш механизми ва модели билвосита таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. АҚШ да йирик фонд биржалари нодавлат ташкилотларга тегишли бўлиб, уларнинг фаолиятини тартибга солишда ягона мегарегулятордан фойдаланилади (1-расм).

Япония ва Россияда капитал бозори фаолиятини тартибга солишда ягона мегарегулятордан фойдаланилса, фонд биржалар фаолиятини назорат қилишда эса давлатнинг билвосита улуши мавжуд. Осиё ва Тинч океани минтақаси доирасида ҳар бир мамлакат капитал бозорини тартибга солиш бўйича ўзига хос тизимга эга. Мисол учун, Япония капитал бозори ўзининг "Twin Peaks" тартибга солиш модели билан ажралиб туради.



1-расм. Хорижий давлатларда капитал бозори фаолиятин тартибга солиш турлари бўйича таснифи

Ушбу модел доирасида ягона мегарегулятор асосида (JFSA) қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш функциясини амалга оширади, эмитентлар ва уларнинг қимматли қоғозлари тўғрисидаги жорий маълумотлар ва савдо қоидаларини эълон қилиб бориш вазифалари эса миллий фонд биржасига (TSE) ўтказилган.

Гонгконг капитал бозорини тартибга солиш фонд биржаси (HKEX) механизмлари орқали амалга оширилади, унинг иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва брокерлик фаолиятини амалга ошириш бўйича назорат қилиш вазифалари тартибга солувчи орган (Securitirsand Futures Comission) зиммасига юклатилган. Шанхай ва

Шинжон (Хитой) биржалари хорижий капитал учун қисман ёпиқ бўлиб, улар фаолияти Хитой қимматли қоғозлар комиссияси (CSRC) ва Хитой миллий банки (PBC) томонидан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида 2021 йилнинг май ойидан бошлаб 2019 йил январда мустақил ташкил этилган Капитал бозорини ривожлантириш агентлик фаолияти тугатилиб Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг қимматли қоғозлар бозорини, шу жумладан қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини тартибга солиш, шунингдек, корпоратив бошқарувни ривожлантириш ҳамда лотереяларни ташкил этиш фаолияти бўйича вазифа, функция ва ваколатлари Молия вазирлигига ўтказилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг сони ва улар томонидан эмиссия қилинган жамия акцияларнинг номинал қийматини кўрадиган бўлсак, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимизда жами 607 та акциядорлик жамиятлари фаолият юритиб келаётган бўлса улар томонидан муомалага киритилган акцияларнинг умумий ҳажми деярли 155 трлн.сўмга яқинлашиб қолганлигини таъкидлаш мумкин (2-расм).



2-расм. Акциядорлик жамиятлари сони ва эмиссия қилинган акцияларнинг умумий ҳажми динамикаси

2022 йилнинг 1 январь ҳолатга кўра, Марказий депозитарийда 607 акциядорлик жамиятининг 153 047,94 млрд.сўм умумий номинал қийматга эга 12 211,14 млрд.дона қимматли қоғозлар чиқарилишлари ҳисоби юритилмоқда. 2021 йил давомида қимматли қоғозлар чиқарилишлар ҳажми 3 545,68 млрд. сўмга кўпайди, акцияларнинг сони эса 2 163,01 млрд. донага ортди. Марказий депозитарийда шунингдек, 10 эмитент томонидан чиқарилган 783,30 млрд.сўм умумий миқдорга эга 365,6 минг дона корпоратив облигациялар ҳисоби юритилмоқда. Уларнинг 374,13 млрд.сўм умумий миқдорга эга 41,4 минг донаси 5 МЧЖ томонидан чиқарилган. Давлат активларини сақлаш ва ҳисобини юритиш 01.01.2022 йилдаги ҳолатга кўра, 234 та акциядорлик жамиятидаги давлат улуши 125 322,1 млрд.сўмни ташкил этди (шу жумладан, Марказий депозитарийда 222 акциядорлик жамиятининг 125 310,6 млрд.сўм миқдордаги акция кўринишида давлат улуши ҳисоби юритилмоқда).

Шунингдек, 2021-2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида эришиладиган мақсадли кўрсаткичларга мувофиқ, эркин муомаладаги қимматли қоғозларнинг умумий қиймати ЯИМ га нисбатан 2021 йилдаги 0,7 фоиздан 5 фоизгача, корпоратив облигацияларнинг ЯИМ га нисбатан 2021 йилдаги 0,1 фоиздан 0,5 фоизгача фоизгача ўсиши алоҳида қайд этиб ўтилган (1-жадвал).

2021 - 2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида эришиладиган мақсадли кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
1.	Эркин муомаладаги қимматли қоғозларга асосланган бозор капиталлашуви	трлн сўм	1,9	4,9	14,5	45
2.	Эркин муомаладаги қимматли қоғозларнинг умумий қиймати	Фоизда (ЯИМга нисбатан)	0,3	0,7	1,9	5
3.	Корпоратив облигацияларнинг умумий қиймати	трлн сўм	0,16	0,75	1,88	3,94
		Фоизда (ЯИМга нисбатан)	0,03	0,1	0,3	0,5
4.	«Молия ва инвестиция саводхонлиги» дастури асосида қамраб олинadиган аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари сони	нафар	-	5 000	20 000	40 000
5.	Инвестиция ҳисоб рақамлари сони	йил давомида фаол бўлган депо ҳисобварақлар	4 000	6 000	10 000	20 000
6.	Ҳудудий инвестиция дастурлари доирасидаги лойиҳаларнинг қимматли қоғозлар чиқариш орқали молиялаштирилган қисми	фоизда (ҳудудий инвестиция дастури қийматига нисбатан)	-	1	3	5

Шунингдек, соҳани билимли мутахассислар билан таъминлаш, уларни қайта ўқитиш ва малакасини мунтазам равишда ошириб бориш мақсадида:

- капитал бозорини тартибга солиш соҳасида билим ва кўникмаларга ўргатишга қаратилган кадрлар тайёрлашнинг комплекс тизимини яратиш;

- нуфузли хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

- кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича институционал база яратиш, жумладан Банк-молия академияси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида капитал бозори мутахассислиги бўйича алоҳида йўналишларни жорий этиш;

Молия вазирлиги ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва капитал бозори ривожланган хорижий мамлакатларда уларнинг малакасини ошириш чораларини кўриш;

Молия вазирлигига юқори малакали, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи органларида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни жалб этиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

5. Хулоса ва таклифлар.

Бугунги кунда мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари томонидан халқаро капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилиш амалиётини ривожланиб бораётганлиги шароитида, мазкур жараёнларга нафақат тижорат банклари балки иқтисодиёт реал сектори корхоналарини кенгроқ жалб қилиш лозим. Ушбу амалиётни такомиллаштириш орқали мазкур акциядорлик жамиятларининг устав капиталида давлатнинг улушини босқичма-босқич камайтириш, халқаро молия бозорига интеграциялашувни кучайтириш, мустақил халқаро рейтинг индексларига эга бўлиш ва замонавий корпоратив бошқарув механизминини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

2019 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа қатор халқаро экспертлар кўмагида 2020-2025 йилларда Ўзбекистон капитал бозорини

ривожлантириш стратегиясининг лойихаси ишлаб чиқилди ва кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамага қўйилди. Мазкур стратегиянинг асосий вазифаларидан бири - эркин муомаладаги жами қимматли қоғозларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 2025 йил охиригача камида 10-15 фоизга етказиш ҳисобланади. Белгиланган вазифаларга эришиш учун инвесторлар базасини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, молиявий саводхонликни яхшилаш орқали қимматли қоғозларга бўлган талабни ошириш, эмитентлар сонини кўпайтириш ва янги молиявий инструментлар орқали қимматли қоғозлар таклифини кенгайтириш, қонунчилик ва назорат тизимини такомиллаштириш, капитал бозори инфратузилмасини яхшилаш ва капитал бозорини мувофиқлаштирувчи органнинг институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш стратегиянинг асосий йўналишлари этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Мавжуд облигациялар турларини диверсификация қилиш - опцион ва фьючерслар чиқариш бўйича тегишли чораларни амалга ошириш, шунингдек янги турдаги қимматли қоғозларни (жумладан, секьюритизация ва ипотека облигациялар) жойлаштириш ва уларнинг муомаласи амалга оширилишини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Hamdamov, O. N. (2021). Prospects for increasing the importance of financial management in ensuring the financial stability of stock companies. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 08 (100), 215-219. SoI: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-08-100-40> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2021.08.100.40>

Frederics S. Mishkin, Kent Matthews and Massimo Giuliiodori. (2012) *Financial markets and institutions*. USA. Prentice Hall, P. 2.

Иванова В.В. (2014) *Современные финансовые рынки: Монография* - М.: Проспект - 572 с./ Ivanova V.V. (2014) *Modern financial markets: Monograph* - M.: Prospekt - 572 p.

Касимова М.И. (2016) *Рынок капиталов: сущность, содержание и его место в системе рыночных отношений//Фундаментальные исследования* - с. 152-156./ Kasimova M.I. (2016) *Market capital: dryness, content and location of the ego in the system of market relations // Fundamental studies* - p. 152-156

Рубцов Б.Б. (2011) *Глобальные финансовые рынки: масштабы, структура, регулирование//Век глобализации.- №2 (8) - С.73-98./ Rubtsov B.B. (2011) Global financial markets: scale, structure, regulation // Vek globalizatsii.- №2 (8) - P.73-98.*

Фармон (2021) *Ўзбекистон Республикасининг Президентининг "Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6207-сон./Decree (2021) No. PD-6207 of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for more development of the capital market"*.

Хасанов Х.Н. (2020) *Иқтисодиётнинг корпоратив секторига капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш. 08.00.07 – "Молия, пул муомаласи ва кредит" ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати/Khasanov X.N. (2020) Improving the practice of attracting financial resources from the capital market to the corporate sector of the economy. Author's abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in Economics, specialty 08.00.07 - "Finance, Money Circulation and Credit"*.



АВТОСАНОАТ КОРХОНАЛАРИДА БЕНЧМАРКИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

профессор Шарипов К.А.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

доцент Зайниддинова У.Дж.

Тошкент молия институти

Аннотация: Мақолада автосаноат корхоналарида бенчмаркинг стратегияларини такомиллаштиришнинг ташкилий асослари ёритилган. Автосаноат корхонаси ёки унинг бўлинмаси бенчмаркинг самарадорлиги фаолият йўналишининг 5 та асосий ташкилий қисмлари изоҳланган. Автосаноат корхоналарида бозор шароитини ўрганишнинг математик моделларидан фойдаланишнинг аҳамиятига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Корхона, автосаноат, рақобат, потенциал, имконият, фойда олиш, эҳтиёж, натижа, аҳоли, стратегия, маҳсулот, ишбилармонлик, ташкилий асос, шерик, қўшма фаолият.

WAYS TO IMPROVE BENCHMARKING STRATEGY IN THE AUTOMOTIVE INDUSTRY

Professor, Sharipov K.A.

Tashkent State University of Economics

Associate Professor Zayniddinova U.Dj.

Tashkent Financial Institute

Annotation: The article describes the organizational framework for improving marketing strategies in the automotive industry. The 5 main organizational parts of the marketing efficiency of the automotive industry or its division are explained. Emphasis is placed on the importance of using mathematical models to study market conditions in the automotive industry.

Key words: Enterprise, auto industry, competition, potential, opportunity, profit, need, result, population, strategy, product, business, organizational basis, partner, joint activity.

1. Кириш.

Мамлакатимиз автосаноатида бенчмаркинг тизимларидан қайси бирини қўллаш, бунда автосаноат корхонасининг хусусиятларини қандай тартибда эътиборга олиш лозимлиги автосаноат корхоналари бенчмаркинг стратегиясида ўз ифодасини топади. Бенчмаркинг стратегиясини шакллантириш жараёнида мавжуд муаммога тўлиқ жавоб топиш мураккаб ва у бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, ушбу алоқадорлик; корхоналарнинг иқтисодий-молиявий ҳолати, шаклланаётган бозор конъюнктураси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури, рақобат ва корхонанинг бозор талаблари ўзгаришига мос равишда маҳсулотни такомиллаштириш жараёнига боғлиқ бўлади.

Бенчмаркинг стратегиясини амалга оширишнинг мураккаб шакллари турли сабабларга кўра корхоналарнинг мавжуд бозор шароитларига мослаша олмаслиги ёки бозордаги ўрнини йўқотиши билан боғлиқ жараёнларда қўлланилади.

Бенчмаркинг тизимида кўп стратегиялар мавжуд бўлиб, автосаноат корхоналарида бенчмаркинг мақсадларига эришиш умумий талабларга жавоб берувчи бозор ва маҳсулот турини танлаш имкониятини беради. Бу стратегиянинг ташкилий асослари қуйидагилардан иборат:

- ташкилий тузилмани такомиллаштириш;

– ишбилармонликни ошириш (янги бозорга кириш, эски бозорга янги маҳсулотларни киритиш, бозор янгиликларига асосан бозорнинг янги сегментларини шакллантириш);

– зарар келтирувчи товарлар ишлаб чиқаришни қисқартириш (айрим бозорлардан чиқиб кетиш ва кучларни истиқболли бозорлар учун жамлаш);

– хорижий шерик билан қўшма фаолият йўналишларини шакллантириш.

Автосаноат корхоналари бенчмаркинг стратегиясининг ташкилий асослари бозор шароитларига қараб узоқ ёки қисқа муддатли йўналишлар доирасида такомиллаштириб борилади. Автосаноат корхоналарида бозор шароитини ўрганишнинг математик моделларидан фойдаланган ҳолда ёки стратегияни ўйин назарияси нуқтаи назаридан ўрганиб, уларни “мини-мах” (рисклардан қатъи назар максимал мақсадга мувофиқлик), “мах-мин” (мақсадга мувофиқлигидан қатъи назар минимал хавф) ёки уларнинг комбинацияси танланади. Бундай жараёнда қуйидаги ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга:

– автосаноат корхонаси фаолият юритувчи (ёки фаолият юритишни кутаётган) бозорларни сегментациялаш турли бозорларда сегментлар одатда реклама, маҳсулотни илгари суриш ва бошқа бенчмаркинг фаолиятига бир хил муносабат билан ажралиб туриши учун;

– оптимал сегментни танлаш тизими автосаноат корхонасининг энг тўлиқ етакчилик билан таъминлаш асосида амалга оширилиши керак (етарли қувват, қулай истиқболлар, минимал ёки ҳатто ноль даражадаги рақобат муҳити, қондирилмаган эҳтиёжлар даражаси);

– янги маҳсулот билан бозорга кириш усули, маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларига эга сиғимга тўлиқ мос келиши, корхонанинг истеъмол бозоридаги обрўси, шунингдек маҳсулотга талаб кўлами;

– янги маҳсулотнинг бозорга чиқиш давомийлиги таъминлашда ноқулай бозор шароитларини ҳисобга олиш.

Автосаноат корхонаси ёки унинг бўлинмаси бенчмаркинг самарадорлиги фаолият йўналишининг қуйидаги 5 та асосий ташкилий қисмларига боғлиқ:

– харидорларга эътибор қаратиш;

– бенчмаркинг интеграцияси;

– маълумотларнинг қайта ишланганлик ва ўзлаштирилганлик даражаси;

– стратегик йўналтирганлик;

– тезкор самарадорлик.

Автосаноат корхоналари бенчмаркинг стратегиясини такомиллаштиришда Япония автосаноат корхоналари мустаҳкам мавқега эга бўлиб, ушбу давлат автосаноати корхоналарининг бенчмаркинг платформаси янги бозорларда ўзига хос муҳим ўрин тутди. Мазкур мамлакат автосаноати корхоналари миллий ишлаб чиқариши бўлмаган мамлакатларнинг бозорларида мустаҳкам ўринга эга бўлиш ва кейинчалик тўпланган тажрибадан фойдаланиб, ўзларини бошқа мамлакатлар бозорларида синаб кўриш («лазер нурлари») стратегиясидан фойдаланадилар. Масалан, Япония биргина Ғарбий Европа мамлакатлари бозорларига ўз автомобиллари билан кириб бориш учун, дастлаб бир неча йиллар давомида фақат Финляндия, Норвегия, Дания ва Ирландияда иш олиб борган. Корхоналар ушбу давлатларда юқори обрўга эга бўлганидан сўнг, улар Белгия, Голландия, Швейцария, Швеция ва Австрияда янада мураккаб бозорларга кириб борган.

Япония автосаноати фаолиятига хос жуда узоқ муддатга мўлжалланган изчиллик диққатга сазовор бўлиб, энг оммавий, арзон автомобилларни шунга мос равишда, унча катта бўлмаган харидорлар эҳтиёжларини қондиришга эгалик орқали муҳим ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Бенчмаркинг тизими самарадорлигини ошириш, унинг фаолият йўналишларини такомиллаштириш, саноат корхоналарининг бозор фаолиятини қўллаб-қувватлаш доирасидаги кенг кўламли илмий тадқиқотлар хорижлик иқтисодчи олимларидан Банкин (2017), Беквит (2017), Бердышев (2018), Божук (2017), Горштейн (2017), Карасев (2017) томонидан амалга оширилган.

Мамлакатимизда саноат корхоналарининг бозор фаолиятини тадқиқ этиш, саноат корхоналарининг бенчмаркинг стратегиясини шакллантириш ва тизимлаштиришга оид илмий тадқиқот ишлари иқтисодчи олимлардан Эргашходжаева, Шарифхўжаев (2019), Салимов (2010), Муминова ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Юқоридаги тадқиқот ишларининг асосий мақсади саноат корхоналари бенчмаркингнинг стратегиясини шакллантириш орқали корхоналарнинг фаолият самарадорлигини оширишга бағишланган бўлиб, бенчмаркинг стратегиясининг корхона рақобат устунлиги, истеъмолчи ва рақобатчилар йўналишига боғлиқлиги тизимли тартибда тадқиқ этилган. Аммо саноат корхоналари, хусусан, автосаноат фаолиятида халқаро рақобат ва миллий ишлаб чиқаришнинг ўрнини ҳисобга олган ҳолда корхоналар бенчмаркинг стратегиясини такомиллаш-тириш жараёни мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4397-сонли қарори ва унинг амалий ижроси, автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминлаш, илғор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва бошқарув усулларини жорий қилиш орқали автосаноат корхоналарининг бозор фаоллигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида таққослама таҳлил, мантиқий ва абстракт фикрлаш, монографик кузатиш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

4. Таҳлили ва натижалар муҳокамаси.

Замонавий бенчмаркинг тизимида катта ютуқларга эга автосаноат корхоналари бенчмаркинг стратегияси асосини илмий-техник соҳадаги янгиликлар ва рақобатчилардан устун бўлиш жараёнидаги изчилликлар ташкил этади.

Аммо автосаноат корхонаси структурасининг тўлиқ стандартлашиши ва унификациялашиши бенчмаркинг стратегиясининг доимий мақсадига мувофиқ бўлавермайди. Стратегияни ишлаб чиқиш учун қўлланилувчи намунавий кўрсаткичлар тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кўзда тутилаётган автомобиль бозори улуши;
- енгил автомобиллар дифференциацияси, бозор улуши ва мақсадли бозор тавсифномаси ва прогнозини ҳисобга олган ҳолда уни чиқариш ҳажми;
- прогноз қилинаётган фойда ва унинг ошиш суръати;
- молиявий харажатларнинг тузилиши (енгил автомобилларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, моддий-техника таъминоти, сотиш ва уни рағбатлантириш, реклама, сервис хизматлари);
- битта автомобиль учун ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш;
- фойдани аниқлаш (ялпи, соф, ҳар бир маҳсулот сотувидан тушган фойда);
- автомобилларни сотиш самарадорлигини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш рентабеллиги ва бошқа кўрсаткичларни баҳолаш.

Бенчмаркинг комплекси маҳсулот ёки ишлаб чиқариш бўлими бўйича бенчмаркинг дастурининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши мумкин, шунингдек компаниянинг бозор сиёсатини асосий йўналиши бўйича асосланган қарор ишлаб чиқиш мақсади ҳисобланган бенчмаркинг дастурининг алоҳида тури сифатида ўрганилиши мумкин. Худди шундай дастурининг намунавий тузилиши қуйидаги бўлимлардан иборат:

- мақсадли бозор (сегмент)нинг ривожланишини прогнозлаш;
- мақсадли бозорга нисбатан фирманинг умумий стратегияси;
- товар сиёсати;
- коммуникация сиёсати;
- сотиш сиёсати;
- нарх сиёсати;

- бенчмаркинг комплексини амалга ошириш учун харажатларни молиялаштириш манбалари ва бюджет;

- дастурнинг амалга оширилишини назорат қилиш.

“GM Uzbekistan” ЁАЖ бенчмаркинг стратегиясини ишлаб чиқишда келтирилаётган қўйидаги тавсияларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

1. Стратегияни, “Бозор ривожланишини прогнозлаш” бўлимида шундай тавсияномалар берилади, яъни:

- ўхшаш товарни маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажми;
- бозор улушининг ҳисоби;
- сотиш ҳажми;
- сотишнинг инфраструктура тузилиши;
- тўловга қодир талаб даражаси ва динамикаси;
- кўзда тутилаётган нарх даражаси;
- автомобиль сифати ва техник даражасига талаблар;
- хариднинг мотиви ва ҳулқ-атвор хусусиятлари;
- сервисни талаб этилиш даражаси.
- битта хариднинг ўртача ҳажми.

2. “Корхонанинг бозор стратегияси” бўлимида транспорт корхонанинг асосий рақобатли афзалликларини аниқлаш билан танланган бозорда сотишни амалга ошириш имкониятлари баҳоланади. Бунинг учун қўйидаги тавсифлар муҳим ҳисобланади:

- танланган мақсадли бозорда фаолиятнинг кутилаётган рентабеллиги;
- корхонанинг режалаштирилаётган автомобиль сотуви ҳажми;
- корхонанинг бозор улуши динамикаси;
- талаб динамикаси ва потенциал талаб ўлчами.

Компаниянинг рақобатчилик афзалликларини товар бўйича, нарх даражаси, кўрсатилаётган хизмат ассортименти, сотиш каналининг самарадорлиги, коммуникация сиёсатининг ҳозирги шароитга мос келиши ва унинг маркасини потенциал харидорлар ўртасида машҳурлиги бўйича тавсифлаш мумкин.

Стратегиянинг мазкур бўлимида корхона фаолиятини танланган бозорда ресурслар (молиявий, ишлаб чиқариш, бенчмаркинг, инсон) билан таъминланганлигига баҳо бериш зарур. Товар сиёсатини ишлаб чиқишда қўйидаги маълумотлар ҳисобга олинади:

- товарнинг янгилик даражаси;
- чиқарилаётган маҳсулот ассортименти;
- бозор сегментидаги ўхшаш товарлар ёки ўринбосар товарлар сони;
- бозор сегментининг аниқ харидорлар эҳтиёжига мос келиш даражаси;
- автомобиль сифати;
- технологик мураккаблиги;
- сотишгача ва сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш бўйича талаблар даражаси;
- стандартлаштириш ёки товар мослашувчанликнинг мақсадга мувофиқлиги;
- янги автомобиль учун патентни ҳимоя қилиш ва патент софлиги;
- компаниянинг мавжуд ташкилий тузилиши янги ишлаб чиқаришга мос келиши;
- янги автомобилни яратиш харажатлари ҳажми;
- мақсадли бозорда автомобилни сертификатлаш мажбурийлиги;
- мақсадли бозорда янги автомобилларни ишлаб чиқариш ва сотиш рентабеллиги;
- инвестицияни қоплаш муддати;
- янги ассортиментни ўзлаштириш муддати ва уни оптималлаштириш;
- битта автомобиль учун харажатлар ва бошқалар.

Сотиш сиёсатини ишлаб чиқишда қўйидагилар ҳисобга олинади:

- бозор сегментининг сотув тармоғига талабномаси;
- корхона сотувининг ташкилий тузилиши ва малакали савдо ходимлари сони;

- бозор сегментида корхонанинг иш тажрибасини баҳолаш;
 - воситачилар хизматларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини баҳолаш;
 - воситачилар ёрдамида сотиш ҳажмининг ортиш имкониятлари;
 - воситачиларнинг корхонага нисбатан сиёсати;
 - сотиш тизимини яратиш учун молиявий маблағлар мавжудлиги;
 - шахсий сотув тизими ва муқобил таклифлар рентабеллигини солиштирма баҳолаш;
 - бозорга автомобилларни етказиб беришни амалга ошириш;
 - потенциал буюртмачилар сони;
 - буюртмани тақсимлаш характери;
 - сотишнинг географик концентрацияси;
 - пировард истеъмолчилар одатлари ва афзалликлари;
 - автомобилнинг бўлинувчанлиги;
 - автомобилнинг ўзгарувчанлиги ва барқарор эмаслиги;
 - фирма раҳбариятининг кураш ҳаракатлари;
 - сотиш каналини назорат қилиш ва ҳоказо.
- Нарх сиёсатини ишлаб чиқиб, шундай параметрларни ҳисобга олиш фойдали:
- рақобатчилар амалиётини ҳисобга олган ҳолда корхонанинг имконияти ва мақсадларига мос келувчи нархни ташкил этиш усулини танлаш;
 - битта автомобиль учун нарх даражаси;
 - автомобилни яшаш даври босқичига мос нарх динамикаси;
 - автомобилнинг янгилик даражаси, сифат фарқлари ва техник даражаси бўйича ассортиментда (номенклатура) нарх нисбати;
 - мақсадли бозорда рақобатлашаётган аналог билан нарх даражаси муносабати;
 - талабнинг эластиклик даражаси;
 - функционал ва соф рақобат даражаси;
 - мақсадли бозорга янги автомобилни чиқариш учун нарх стратегиясини танлаш;
 - сервис сиёсати, савдо маркасининг машҳурлик даражаси, сотиш каналининг узунлиги ва савдо воситачилари тури, етказиб бериш шарт-шароити, чегирма тизими ва бошқаларнинг нархга мос келиши.
3. "Коммуникация сиёсати" бўлимида автомобилни бозорга силжитиш сиёсатини алоҳида ташкил этувчилари билан бюджетни тақсимлаш ва уларни танлашни асослаш, коммуникация воситалари ҳақидаги масалани ҳал этиш тавсия этилади.
- Реклама компанияси ҳақида қарор қабул қилиш учун қуйидагиларни таҳлил қилиш зарур:
- реклама сиёсати хусусиятлари;
 - реклама аргументлари;
 - реклама компанияси режаси;
 - бозор сегментида кўзда тутилган ва самарали реклама воситалари;
 - реклама харажатлари ҳажми;
 - реклама самарадорлигини баҳолаш усуллари;
 - товар характерига рекламанинг мос келиши;
 - реклама чора-тадбирларини товарнинг яшаш даври билан алоқаси;
 - ярмарка ва кўрғазмаларнинг асосий турлари ва уларда қатнашишнинг имконий самарадорлигини баҳолаш;
 - пировард истеъмолчилар ва сотиш бўйича воситачиларни рағбатлантириш воситаларини танлаш;
 - сотишни рағбатлантиришга молиявий маблағлар ажратиш услублари, қайд қилинган фоизлар услуби, фойда суммасидан фоиз белгилаш услуби, келгусида кўзда тутилаётган ёки ўтган давр сотиш ҳажми ва ҳоказолар.

Бенчмаркинг стратегиясини амалга ошириб бориш жараёнида бюджетни аниқлаш орқали қўйидагиларни кўриб ўтиш зарур:

- стратегияда кўрилатган барча бенчмаркинг чора-тадбирларини амалга ошириш учун умумий харажатлар ҳажмини;
- бенчмаркинг тадқиқотлари харажатлари;
- бозорни ривожлантириш прогнозини тузиш харажатлари;
- корхонанинг шахсий ишлаб чиқариш-сотиш имкониятларини ўрганиш учун харажатлар;
- бенчмаркинг дастурини тузиш учун харажатлар;
- корхонанинг бенчмаркинг бўлими ходимлари иш ҳақи учун харажатлар;
- махсус бенчмаркинг ва реклама ташкилотлари хизматлари учун ҳақ тўлаш харажатлари;
- савдо воситачилари хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари;
- бенчмаркинг дастурини аввалдан ва якуний самарадорлигини баҳолаш учун харажатлар;
- бенчмаркинг дастурини олиб боришда назоратни амалга ошириш учун харажатлар ва мониторинг.

“GM Uzbekistan” ЁАЖ асосий мақсади фойда олиш бўлса, унга эришиш учун фойда келтирадиган товарларни сотишни кўпайтириш, улар ҳиссасини ошириш лозим. Булардан, ўз навбатида, қатор вазифалар келиб чиқади. Бу вазифалар бенчмаркинг вазифалари бўлиб, бенчмаркинг стратегиясини ишлаб чиқишни талаб этади.

Бенчмаркинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича автомобиль саноати корхоналарининг салоҳиятини аниқлаш бўйича асосий муаммоларни ҳал этиш ва тегишли стратегияларини белгилаб олиш, корхонанинг истиқболли мақсадларини аниқлаш учун танланган ва тизимлаштирилган омилларнинг Ўзбекистон автомобиль саноатида қай даражада шаклланишини аниқлашни тақозо этади.

Автомобиль саноати корхоналарида бенчмаркинг стратегияларини ишлаб чиқиш салоҳиятини аниқлашнинг таклиф этилган моделига мувофиқ, барча танланган омиллар ўзаро ўзвий боғлиқ бўлиб, уларни кўп ўзгарувчи функция кўришида ифодалаш мумкин:

$$ИНН(F) = f(F_n) \rightarrow \max, \quad (1)$$

Бунда:

ИНН – бенчмаркинг стратегиясини ишлаб чиқиш салоҳияти;

F_n – бенчмаркинг стратегиясини ишлаб чиқишга асос бўлувчи n та омиллар гуруҳи.

Стандарт модель натижаларига кўра (F_1), автомобиль саноати корхоналари учун самарали бенчмаркинг муҳити шаклланимаганлиги корхоналарда бенчмаркинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича асосий йўналишларни белгилаш имконини бермаяпти. Ўзбекистон автомобиль бозорида истеъмолга йўналтирилганлик, рақобат муҳити корхоналар бенчмаркинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари чекланишига сабаб бўлмоқда, яъни $W_{(F_1)} = -0,03$ коэффицентни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон автомобиль бозорида рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган барча зарур чоралар корхоналарнинг самарали бенчмаркинг стратегияларини ишлаб чиқиш борасидаги фаолияти чекланишига сабаб бўлмоқда.

Автомобиль саноати корхоналарида бенчмаркингдан фойдаланиш ҳолати (F_2) уларда ишлаб чиқариш ва бозор имкониятлари ривожланишига ижобий таъсир этади. Яъни корхоналар амалиётида фойдаланилаётган бенчмаркинг маълумотлар базаси мавжудлиги, мақсадли режаларнинг узоқ муддатлиги, корхоналар замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан етарлича жиҳозланганлиги, бенчмаркинг стратегияларини ишлаб чиқиш салоҳиятини оширади ва унинг қиймати $W_{(F_2)} = 0,02$ коэффицентни ташкил этган.

Ўзбекистон шароитида бенчмаркинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга кучли таъсир этувчи омиллар автомобиль саноати корхоналарида қўшилган қиймат занжирида иштирок этиш ҳисобланади ($W_{(F_2)} = 0,97$). Олинган

натижаларга кўра, корхоналарнинг ички ва ташки бенчмаркинг доираси, бенчмаркинг хизматларидан фойдаланиш кўламини корхоналарда бенчмаркинг стратегияларини ишлаб чиқиш салоҳиятини оширишда энг муҳим омиллар сифатида белгилаш мумкин.

Автомобиль бозори сиғимини ўрганиш асосида ишлаб чиқариш қувватларини шакллантириш учун ва товар сотиш бўйича тақсимлаш тармоғи тузилиши учун асос ҳисобланувчи унинг ўсиш динамикаси баҳоланади. Бозор фаолияти натижаларни қўллаш, бозорда ишлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаб, режалаштирилган фойдани олишга кафолат бериши кераклигини ҳисобга олиш керак.

Автомобиль сегментининг жалб этувчанлик тузилишини тадқиқ этиш рақобат даражасини ўрганиш, мавжуд маҳсулотлар рақобатбардошлиги, харидорларга муносабати, таклиф этилаётган ва мавжуд товарларга сегмент эҳтиёжи барқарорлигини, мавжуд харидор эҳтиёжларини қондирувчи мутлақо янги маҳсулотни бозорга киритиш зарурлиги ва имкониятини ўз ичига олади. Даромад харидорларнинг муносабатини табақалаштирувчи асосий омил ҳисобланади.

Ўзбекистон энгил автомобиллар ички бозорида даромад бўйича истеъмолчиларни 3 гуруҳга сегментлаш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳ, энг юкори даромадга эга харидорлар, амалда улар жами харидорларнинг 10 % ини ташкил этади. Улар энг олий навли товарларни харид қиладилар, автомобилсозликда бу премиум классдаги энгил автомобиллар, харид қуввати ҳамда ўз гуруҳи иззат нафси бунга имкон беради. Бундай гуруҳлар ҳар бир мамлакатда мавжуд, уларнинг даромад миқдори мамлакатнинг умумий бойлигига боғлиқ.

1-жадвал.

“Автомобиль бозори” матрицаси

Товарлар	Бозорлар	
	Жорий	Янги
Жорий	Бозорга чуқурроқ кириб бориш стратегияси: -сотишни жадаллаштириш; -янги харидорларни қидириш; -рақобатчиларни синдириш; -автомобилни истеъмол соҳасини кенгайтириш	Бозорни ривожлантириш стратегияси: -янги бозорлар; -янги сотиш ҳудудлари; -халқаро бозорлар; -автомобилларни ишлатилишини янги соҳаларини тузиш.
Янги	Автомобилларни ривожлантириш: -янги автомобилни ишлаб чиқариш; -битимларни ривожлантириш; -лицензия; -маҳорат билан сотиш.	Диверсификация: -горизонтал; -вертикал; -концентрик.

Ўзбекистонда бу гуруҳ истеъмолчилари йиллик оилавий даромади 50 млн. сўмдан ортиқ ва булар “Captive” ва “Malibu” русумли энгил автомобилларни харид қиладилар.

Иккинчи гуруҳга ҳар бир мамлакатдаги ўртача даромад эгалари кириб, уларнинг сони жуда кўп, гарчи бу гуруҳда яна ўзига хос табақаланиш бўлса-да, умуман, бу мамлакатда бозорнинг умумий стандартини белгилувчи, ялпи товарларнинг асосий харидорлари шулар ҳисобланади. Ўзбекистонда бу гуруҳ истеъмолчиларининг йиллик оилавий даромади 40-50 млн. сўмдан ортиқ ва булар “Lacetti”, “Cobalt” ва “Spark” русумли энгил автомобилларни харид қиладилар.

Учинчи гуруҳ бир шахс ҳисобига энг кам даромад оладиган харидорлардан иборат. Улар аксарият ҳолатларда ижтимоий таъминотнинг турли кўринишларидан фойдаланадилар, ўз даромадларининг 80 %ига яқинини асосий эҳтиёжларни қондиришга сарфлайдилар.

Инқирозли вазиятлар шароитида истеъмолчилар эҳтиёжига таянган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, корхонанинг бозордаги рақобатбардошлигини оширади ва ўз фаолиятини самарали амалга ошириш имкониятини беради. Тадқиқотларга кўра,

технологик инновациялар учун молиявий ресурслар билан боғлиқ муаммолар юзага келганда, инновацион бенчмаркинг корхонанинг рақобат курашида асосий дастак сифатида хизмат қилади. Корхонанинг бозор муҳитидаги фаолияти унинг миждозлари томонидан белгиланади. Агар, миждозлар корхона маҳсулот ва хизматларини уларни яратиш учун кетган харажатларга нисбатан кўпроқ баҳоласалар, бизнес ривожланади, акс ҳолда унга ташқи ёрдам зарур бўлади ёки бундай корхона инқирозга юз тутди.

Корхоналар фаолияти таҳлилига асосан, бенчмаркингда инновациялардан фойдаланиш, истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ҳамда янги бозорларни эгаллаш имкониятини беради.


Илмий изланишлар натижасида инновация ўз аҳамиятига кўра қуйидаги икки гуруҳга ажратилиши маълум бўлди:

1. Шаклига кўра инновация: маҳсулот инновацияси (инновацион фаолиятнинг моддий натижаси), инновацион хизматлар (номоддий натижа), жараён ва технологик инновация (технологиянинг ўзгариши), кадрлар инновацияси ҳамда янги ёки такомиллаштирилган ишлаб чиқариш тизимлари.

2. Янгилик даражасига кўра инновация: инкреметал (қуйи, ўсувчи), модулли, архитектурали ва радикал (юқори).

Биобарин, инновациялар янгиликни тавсифловчи ҳамда самара келтирувчи маҳсулот, хизмат ва жараёнларда турли даражадаги ўзгаришларни назарда тутди. Ўрганишлар кўрсатадики, технология ривожланиши инновацион бошқарув ҳамда инновацион бенчмаркинг билан биргаликда бориши лозим. Уларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Технологик инновацияларни юритиш шакллари ва янги бозорларни эгаллаш.
2. Истеъмолчилар фаоллигини рағбатлантиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш.
3. Комбинациялашган инновацион бенчмаркинг.



1-расм. Инновацион бенчмаркинг комплекси

Макроиктисодий нуқтаи назардан ўрганилганда бир қатор муаммоларни инновациялар ёрдамида ҳал этиш мумкин. Яқин йилларгача фирмалар ўз даромадларини экстенсив ривожланиш, бошқача айтганда, ишлаб чиқарилаётган

товарлар сонини кўпайтириш ҳисобига ошириб келган. Ривожланган мамлакатларда аҳоли сони ошишидаги тўхташ мазкур мамлакатлар иқтисодиётида инновациялардан кенг ва самарали фойдаланишни тақозо этган бўлса, яна бир омил сифатида ишлаб чиқариш хомашёси баҳоларининг ортиши, инновацион жараёнларни тезлаштиришда муҳим туртки бўлганлигини кузатиш мумкин.

Инновацион маҳсулот, ўз навбатида, жисмоний ҳамда ахборот омиллари билан тавсифланади. Замонавий истеъмолчи томонидан маълум бир жисмоний хусусиятлари йиғиндиси сифатида ўрганилувчи инновацион товар истеъмолчилар учун жозибали эмас, шу сабабли, уларга талаб ҳам юқори эмас.



2-расм. Инновацион бенчмаркинг жараёнининг тизимли хусусиятлари

Истеъмолчи, биринчи навбатда, унинг маҳсулотнинг жисмоний, ахборот, етказиб бериш шартлари сингари бир қатор хусусиятлари бўйича истагини ифодаловчи маҳсулотнинг умумий концепциясини қабул қилиши лозим. Истеъмолчи умидининг устунлигини енгил учун қўшимча фойда келтирувчи кенгайтирилган маҳсулот концепцияси ишлаб чиқилади.

Илмий изланишлар кўрсатадики, инновацион бенчмаркинг концепцияси, бозорни тадқиқ қилиш асоси ҳамда корхона рақобатбардош стратегиясини излаш ҳисобланади. Инновацияларни бошқаришга бенчмаркинг орқали ёндашув комплекс ўрганилади ва у асосан, ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчи нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Инновацион бенчмаркинг, ўз навбатида, инновацион стратегияни ишлаб чиқишни, бозорни таҳлил қилиш ва оператив бенчмаркингни ўз ичига олувчи етти асосий босқичдан иборат.

Инновацион бенчмаркингнинг муҳим шаклларида бири – стратегик ҳамда оператив бенчмаркинг ҳисобланади.

Стратегик инновацион бенчмаркингнинг асосий йўналишларидан бири бозорга янгиликларни киритиш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат:

- инновацион бенчмаркинг фаолияти дастури ва режаларини ишлаб чиқиш;
- бенчмаркинг инновацияларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш жараёни устидан кузатувни амалга ошириш;
- маҳсулотни ишлаб чиқишдан истеъмолчиларга хизмат кўрсатишгача ягона инновацион сиёсатни амалга ошириш;
- корхонада ва ундан ташқарида инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш;
- малакали ходимлар ёрдамида бенчмаркинг инновацияларини ишлаб чиқиш амалиётини мунтазам такомиллаштиришни таъминлаш;

- инновацион бенчмаркинг муаммоларини комплекс ҳал этиш учун мақсадли гуруҳларни шакллантириш.

Корхона инновацион фаолиятининг асосий вазифаларидан бири – юқори менежмент билан асосий инновацион бенчмаркинг стратегиясини шакллантириш, унинг бозор сегменти бўйича жойлашиш чегарасини аниқлаш, амалга оширувчи ижрочиларни тайинлаш, бозор муносабатларининг ҳар бир иштирокчиси учун маълум амалий директивни амалга ошириш муддатини белгилашдан иборат. Шу сабабли, стратегик бенчмаркинг тадқиқотлари таркибига корхона инновацион сиёсатининг бир қисми бўлган, инновацион бенчмаркинг жараёнларининг асосий тизимли хусусиятлари киради.

Тадқиқотларга кўра, бозорга янгиликнинг кириш стратегияси ва тактикаси бенчмаркинг тадбирларининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. У ўзида янги маҳсулотларни бозорларда жойлаштириш ва сотиш йўлларини шакллантиришга асосланган янгиликнинг рақобатбардош стратегиясини ўз ичига олади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, инновацион бенчмаркинг корхонанинг ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва бозор шароитига таъсир кўрсатишга асосланган фаолиятidir. Изланишлар натижасига кўра, инновация ҳаётий даврининг ҳар бир босқичи турли бенчмаркинг усул ва ёндашувлари, турли стратегия ва тактикани талаб этади.

Инновацион бенчмаркинг тадбирлари тизими фақатгина ишлаб чиқаришни янгилаш билан эмас, балки капиталнинг жамланиши ва оқими динамикаси билан узвий боғланган.

Инновацион бенчмаркинг рақобатчиларига нисбатан кўпроқ фойда олишни истаган корхоналар учун муҳим бўлиб, инновация ва янгиликларга асосланган устун рақобат стратегиясини шакллантиради. Шунингдек, инновацион бенчмаркинг фақатгина бозордаги янги маҳсулотни ёки мавжуд маҳсулотни сотиш эмас, балки янги технологиялардан: янги маҳсулот ёки технологик жараён бўйича ихтиро ва ноу-хаулар учун лицензияларни сотиш ҳамда уни тайёрлаш учун ускуналарни такомиллаштиришни назарда тутаяди.

Мамлакатимизда автомобиль саноати фаолиятини тубдан такомиллаштириш билан боғлиқ ислохотлар самарадорлиги соҳанинг иш ва бозор фаоллигини оширишни талаб этади. Соҳанинг иш ва бозор фаоллиги бевосита инвестицион жараён, унинг самарадорлиги ва сиғимига боғлиқ ҳисобланиб, автосаноат корхоналари таркибига кирувчи акциядорлик жамияти акцияларини маҳаллий ва халқаро фонд бозорларида оммавий жойлаштириш орқали намоеён бўлади.

Автомобиль саноатининг бозор фаоллиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва сифат жиҳатидан такомиллаштириш, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, бозорга йўналтирилган бенчмаркинг стратегиясидан фойдаланиш орқали халқаро ва миллий бозорлардаги рақобатбардошлигини оширишни талаб этади.

Ўзбекистонда автомобилсозлик ташкил этилганидан буён ушбу тармоққа муҳим имтиёзлар берилди ва тармоқни қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Ўтган йиллар мобайнида қатор ислохотлар натижасида тармоқнинг экспорт ҳажми ортиб борди. Аммо автомобиль саноати корхоналарида бенчмаркинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари, уларнинг шаклланиш жараёнлари, бозорда ҳукмрон кучга эга истеъмолчилар хулқ-атвори, нафлилик даражасини баҳолаш билан боғлиқ бенчмаркинг изланишлари ижобий самара бермаганлиги сабабли ўтган 2017-2018 йиллар давомида енгил машиналар экспорт ҳажми 130,2 млн. АҚШ долларидан 29,3 млн. АҚШ долларига пасайди, юк машиналари ва автобуслар экспорти ҳажмининг ўртача 20 фоиз нисбий ортиш суръати билан ижобий кўрсаткичини сақлаб қолди.

Истиқболда автомобиллар янги моделларини ягона унификациялашган платформа негизида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, инвестиция жалб этишни назарда тутувчи манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқарилган автомобилларни маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий банклар ва экспорт-кредит агентликларининг имтиёзли кредит линияларини жалб этиш билан бирга соҳанинг бенчмаркинг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини тизимли тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда автосаноат корхоналари бенчмаркинг тизимини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Мамлакатимиз автосаноати корхоналари томонидан бенчмаркинг стратегияларини ишлаб чиқишда бенчмаркинг-микс элементларидан фойдаланиш етарли даражада эмаслиги сабабли, фаолият юритаётган автомобиль саноати корхоналарининг самарали бенчмаркинг стратегиялари сифатида «глобал қиймат занжири (GVCs)»да фаол ҳаракатини таъминлаш талаб этилади.

2. Автосаноат корхоналарида бенчмаркинг стратегиясини ишлаб чиқишда корхонанинг имкониятлари, унинг бозордаги мавжуд ҳолати, риск шароитида ички ва ташқи муҳитга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олувчи ривожланиш йўналишларини аниқлашни акс эттириши сабабли, бенчмаркинг стратегиясини танлаш бўйича қарорни ҳар бир корхона учун алоҳида бўлиб, фақатгина умумий талаблар асосида эмас, балки аниқ корхона фаолиятининг ички ўзига хос параметрлари ёрдамида аниқлаш, ўзига хос аниқ бенчмаркинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

3. Автосаноат корхона рақобатбардошлиги, биринчидан, корхона маҳсулотларининг бошқа рақобатчиларникидан кўп хусусиятлари бўйича устунлиги; иккинчидан, корхона ўз маҳсулотини бозорда ўзи учун максимал фойдали шартларда сотиш имконини берувчи аниқ рақобат устунликларини амалга оширишга асосланганлиги сабабли маҳсулот рақобатбардошлиги орқали корхона рақобатбардошлигини таъминлаш зарур.

4. Автосаноат корхоналарида бенчмаркинг изланишларини олиб бориш учун бенчмаркинг стратегияларни ишлаб чиқиш услубияти ҳамда янги маҳсулотларни бозорга олиб чиқишнинг бенчмаркинг стратегияларидан фойдаланиш натижасида корхона бенчмаркинг тизимининг такомиллашуви ҳамда бозорга олиб чиқилган маҳсулотлар ҳажмини ошириш мақсадга мувофиқ.

5. Автомобиль саноати корхоналарида ҳудудлар, маҳсулотлар ва уларни ташишни диверсификациялаш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш асосида бенчмаркинг стратегияларини амалга ошириш ҳудудларда ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш, бунда диверсификация, фокуслаш ва харажатлар бўйича устунлик стратегияларини таъминлаш таклиф этилади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Банкин А. (2017) Контент-маркетинг для роста продаж. СПб: Питер. 272 с. / Bankin A. (2017) Content marketing for real sales. SPb: Peter. 272 s.

Беквит Г. (2017) Четыре ключа к бенчмаркингу услуг. – М.: Альпина Паблишер, 252 с. / Bekvit G. (2017) Four keys to benchmarking services. - М.: Alpina Publisher, 252 p.

Бердышев С.Н. (2018) Секреты эффективной интернет-рекламы. Практическое пособие. М.: Дашков и К, 120 с. / Berdyshev S.N. (2018) The secret of effective internet advertising. Prakticheskoe posobie. М.: Dashkov and K, 120 p.

Божук С. (2017) Бенчмаркинговые исследования. Учебник. М.: Юрайт. 280 с. / Bojuk S. (2017) Benchmarking research. Textbook. М.: Yurayt. 280 s.

Горштейн М. (2017) Современный бенчмаркинг. М.: Дашков и Ко, 404 с. / Gorshteyn M. (2017) Modern benchmarking. М.: Dashkov and Ko, 404 p.

Карасев А. (2017) Бенчмаркинговые исследования и ситуационный анализ. Учебник и практикум для прикладного бакалавриата. М.: Юрайт, 315 с. / Karasev A. (2017) Benchmarking research and situational analysis. Uchebnik i praktikum dlya prikladnogo bachelor. М.: Yurayt, 315 p.

Муминова (2019) Ахборот коммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда инновацион бенчмаркинг стратегияларидан фойдаланиш. 08.00.11 – Бенчмаркинг (иқтисодиёт фанлари). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: Академия ноширлик маркази, 54 б. / Muminova (2019) The use of innovative benchmarking strategies in the development of the market of information and communication services. 08.00.11 - Benchmarking (economics). Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Economics. - Т.: Academy Publishing Center, 54 p.

Салимов С.А. (2010) Маркетингни бошқариш. Дарслик. – Т.: Алоқачи” 252 б. / Salimov S.A. (2010) Marketing Management. Textbook. - Т.: Aloqachi ”252 p.

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4397-сон. / Resolution (2019) No. RP-4397 of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 18, 2019 "On additional measures for the accelerated development of the automotive industry of the Republic of Uzbekistan."

Эргашходжаева Ш., Шарифхўжаев У. (2019) Бенчмаркингни бошқариш. Дарслик. Т.: ТДИУ, "Iqtisodiyot" нашриёти, 324 бет. / Ergashkhodjaeva Sh., Sharifxo'jaev U. (2019) Benchmarking Management. Textbook. T.: TSU, "Economy" Publishing House, 324 pages.



КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАР УЧУН МҲХСНИНГ МАЗМУНИ, АҲАМИЯТИ ҲАМДА МАХАЛЛИЙ КОРХОНАЛАРДА ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шодиев А.А.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Мақолада МҲХС га ўтиш жараёнига бевосита боғлиқ бўлган қабул қилинган қарорлар, молиявий ҳисоботларни тузишда юзага келадиган муаммолар келтириб ўтилган. Дунё мамлакатларида молиявий ҳисоботларни МҲХС ўтказиш босқичлари, молиявий ҳисобот тизимининг таркибий қисмлари, Иқтисодиётимизда фаолият олиб бораётган йирик бизнес субъектларининг МҲХСга ўтишларига қаратилган "Йўл харитаси" ва унинг мазмун-моҳияти, уларда анъанавий тарзда амалга ошириб келинган ҳисоб тизими тубдан қайта кўриб чиқилиши зарурлиги таъкидланган. Шунингдек, кичик корхоналар ўз ҳисоботларини МҲХСда эълон қилишлари бир қанча ижобий натижаларга олиб келиши ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: трансформация, ҳаққоний қиймат, активларнинг қадрсизланиши, йўл харитаси, халқаро профессиональ бухгалтер.

THE CONTENT, IMPORTANCE OF ISFA FOR SMALL BUSINESS ENTERPRISES AND PROSPECTS OF APPLICATION IN LOCAL ENTERPRISES

Shodiev A.A.

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article discusses the decisions that are directly related to the transition to IFRS, the problems that arise in the preparation of financial statements. It was noted that the stages of financial reporting in the IFRS, the components of the financial reporting system, the "Road Map" for the transition of large businesses in our economy to the IFRS and its content, the need to radically reconsider the traditional accounting system. It has also been studied that the publication of their reports in IFRS by small businesses has a number of positive results.

Keywords: Key words: transformation, fair value, impairment of assets, roadmap, international professional accountant.

1. Кириш.

Молиявий Ҳисоботларнинг Халқаро Стандарт(МҲХС)лари ғояси Европа Иттифоқида бутун қитъа бўйлаб бухгалтерия ҳисобини уйғунлаштириш мақсадида яратилган. Бироқ, бу концепция тезда умумий тил сифатида глобал миқёсда тарқалди, натижада халқаро чегаралар бўйлаб бизнес маълумотларини бутун дунё бўйлаб мулоқот қилиш ва талқин қилишда ёрдам берди.

МҲХСдан аввал Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган "Бухгалтерия ҳисобининг халқаро Стандарт(БҲХС)лари устунлик қилган. Кейинчалик бугунги кунда ҳам амал қилиб келаётган МҲХС жамғармаси ташкил этилди. МҲХС жамғармаси мустақил, нотижорат ташкилот бўлиб, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Кичик бизнес соҳасида кўплаб тахсир этувчи омиллар, элементлар ва салоҳиятнинг макроиқтисодиёт таъсирини ўрганишган. Улар орасида МҲХСни илмий жиҳатларини ўрганган олимлар бор. Масалан Биринчилардан бўлиб МҲХСни Ўзбекистонда Тошназаров (2018) илмий ёндашувлар асосида ўрганган.

Тошназаров (2018) МҲХС ва БҲМС ўртасида ўхшаш ва фарқли жиҳатларини фарқлаб берган. Меҳмонов (2018) "Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш" монографиясида бюджет ташкилотлари учун МҲХСни ўрганган, аммо шуни айтиб ўтиш ўринли ки бюджет ташкилотлар учун МҲХСни ўзбекистонда қабул қилинмаган.

Раҳимова (2021) МҲХС асосида асосий воситалар ҳисоби юритишни, фарқли жиҳатларини ёритган. Маткаримов (2019) МҲХС ва БҲХС асосида ҳисоботларни такомиллаштиришни ўрганган.

Дадабаев (2019) МҲХС трансформацияси жараёнида объект сифатида номоддий активларни тадбиқ этган, МҲХС ва БҲМСдаги фарқини очиб берган.

Динуджа Перера ва Пармод Чанд (2015) стандартнинг яратилиш, КЎБ (кичик ва ўрта корхоналар) учун стандартларнинг муҳимлигини асослаб беришади. Кайли ва бошқалар (2019) бир гуруҳ олимлар КЎБ учун МҲХСни халқаро ҳисоб тизимида янги модель деб аташади.

Шуни айтиш жоизки кичик ва ўрта бизнес учун МҲХСни мамлакатимизда жорий қилинмаган. Кичик ва ўрта бизнес деган тушунча ҳам расман мавжуд эмасю Шу сабабли кичик ва ўрта бизнес учун МҲХСни жорий қилиш масалаларини ўрганиш долзарб деб билдик ва илмий изланишларимизнинг мақсадида қўйдик.

3. Тадқиқод методологияси.

Ушбу тадқиқот ишидагуруҳлаш, таққослаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, статистик, иқтисодий таҳлил, иқтисодий-математик таҳлил, дисконтлаш каби усуллардан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

МҲХСни яратишнинг асосий сабабларидан бири корхоналар ва уларнинг молиявий ҳисоботларини компаниядан компанияга ва мамлакатдан мамлакатга изчил ва ишончли эълон қилиниши учун умумий бухгалтерия тилини яратиш эди. МҲХС баъзан Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари(БҲХС) билан чалкашиб кетади, улар МҲХС ўрнини босган эски стандартлардир.

2022 йил январь ойи ҳолатига кўра, МҲХС 160 дан ортиқ мамлакатларда кенг тарқалган . Бунга Европа Иттифоқи, Осиё ва Жанубий Американинг кўплаб давлатлари киради. АҚШда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар мамлакатда умумий қабул қилинган бухгалтерия тамойиллари(ГААП)дан фойдаланадилар. Бироқ, бу дегани АҚШ корхоналари МҲХСларидан умуман фойдаланмайди дегани эмас. Масалан, кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун МҲХСдан фойдаланиш тақиқланмаган ва кўпчилик кичик ва ўрта корхона субъектлари учун маълум молиявий ҳисобот тизими қабул қилинмаган. Бугунки кунга келиб ушбу стандартлардан банк, суғурта, акционерлик ташкилотлари ва турли мулкчилик шаклидаги корхоналар фойдаланиб келишмоқда. Халқаро стандартларни айрим мамлакатлар аллақачон қабул қилган бўлса, иккинчи бир мамлакатлар қабул қилиш билан боғлиқ жараёни бошидан ўтказмоқда. Кўплаб мамлакатлар стандартларни ўрганиб, қабул қилиш бўсағасида турганлигини кўришимиз мумкин.

Дунё мамлакатларида етакчи мавқеига эга бўлган, айрим мамлакатлар иқтисодиётидаги корхоналарнинг қарийиб 97%ини ташкил қилаётган, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хавф-хатарга чап бериб, тезда ўзини ўнглай оладиган кичик ва ўрта корхоналар МҲХС Иттифоқининг назаридан четда қолгани йўқ. 2001 йилга келиб Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун МҲХС ишлаб чиқилди. Ушбу стандарт амалда бўлган тўлиқ МҲХСлар асосида юзага келди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун МҲХСларининг яратилиши билан боғлиқ жараёнлар қуйидаги жадвал маълумотларида ўз аксини топган.

МҲХС Жамғармаси Кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун МҲХСни қўллаётганларга енгиллик яратиш мақсадида 35 та қўллаб-қувватловчи модуллар тўпламини ишлаб чиқди. Стандарт, айниқса, жамоатчилик олдида жавобгар бўлмаган корхоналарга қаратилган бўлиб, уларнинг фонд бозорларида сотиладиган акциялари бўлмаган, фойдаланувчиларнинг кенг гуруҳи учун ишончли мақомдаги активларга эга бўлмаган корхоналар учун мослаштирилган. Тез орада кичик корхоналар учун ишлаб чиқилган халқаро стандарт молиявий ҳисоботлардан ички ва ташқи фойдаланувчилар

учун ишончли, шаффоф, ахамиятли ва хаққоний маълумотлар билан таъминловчи хужжатга айланди.

1-жадвал.

Кичик корхоналар учун МҲХСнинг яратилиши

№	Йиллар	Ривожланиш босқичлари	Изоҳлар
1	2001	Лойиҳа амалдаги МҲХС лари асосида яратилган	
2	24.06.2004	Кичик ва ўрта корхоналар учун бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича дастлабки фикрларни муҳокама қилиш учун мақола чоп этилди	Шарҳ беришнинг охириги мuddати 2004 йил 24-сентябр
3	15.02.2007	Кичик ва ўрта корхоналар учун таклиф этилаётган МҲХС лойиҳаси эълон қилинди (Кейинчалик турли хил таржималар ҳам нашр этилди)	Шарҳ бериш мuddати 2007 йил 1- 30 ноябр
4	09.02. 2009	Кичик ва ўрта корхоналар учун МҲХС ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилди.	Турли мамлакатлар томонидан қабул қилиниши мумкин эди
5	26.06.2012	Ахборот сўрови ўтказилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун МҲХСнинг тўлиқ кўриб чиқилиши эълони берилди	Шарҳнинг охириги мuddати 2012 йил 30-ноябр белгиланди
6	03.10.2013	Кичик ва ўрта корхоналар учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига таклиф қилинган тузатишлар чоп этилди	Шарҳнинг охириги мuddати 2014 йил 3- март
7	21.05.2015	Кичик ва ўрта корхоналар учун МҲХСга ўзгартиришлар киритилди	2017 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун кучга кирди

МҲХС Жамғармаси нотижорат ташкилоти бўлиб, молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчиларнинг манфаатларига хизмат қилади. Жамғарма юқори сифатли, тушунарли бажарилиши мумкин бўлган ва халқаро миқёсда қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби стандартларининг ягона тўплами, яъни МҲХСни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни рағбатлантириш ҳамда осонлаштириш мақсадида ташкил этилган. Жамғарма бухгалтерия ҳисоби стандартларини белгилаш, молиявий ҳисоботларни тузиш, текшириш ёки улардан фойдаланиш ҳамда бухгалтерия ҳисобини ўқитиш бўйича тегишли амалий тажрибага эга бўлган мустақил экспертлар гуруҳидан иборат. МҲХС Жамғармаси Конституцияси Кенгашни шакллантиришнинг тўлиқ меъёрларини белгилайди ва географик жойлашувни алоҳида ҳисобга олади. Кенгаш аъзолари МҲХСни, шу жумладан кичик корхоналар учун стандартни ишлаб чиқиш ва нашр этиш учун шунингдек, ишлаб чиқилган МҲХС шарҳларини тасдиқлаш учун жавобгардир. Жамғарманинг Васийлари Кенгаши ўз аъзоларини бўш иш ўринларини ошкор қилиш ва тегишли ташкилотларга маслаҳат беришни ўз ичига олган очиқ ва қатъий босқич орқали тайинлайди.

Стандартнинг ҳар бир бўлимида битта қўллаб-қувватловчи модул мавжуд. Ҳар бир модул стандартнинг тегишли бўлимидаги талабларни тушунтиради, ушбу бўлимга тегишли бўлган муҳим баҳолар ва бошқа мулоҳазалар муҳокама қилинади ва тўлиқ МҲХС билан таққосланади. Бундан ташқари, модуллар тўплами мингдан ортиқ мисоллар ва 350 дан ортиқ кўп танловли саволларни ўз ичига олади, бу эса мутахассисларга Стандарт бўйича ўз-ўзини синаб кўриш имконини беради.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун мўлжалланган МҲХС тўлиқ МҲХСдан бешта соддалаштиришни ўзида акс эттиради:

1. Тўлиқ МҲХС стандартларидаги баъзи мавзулар ўтказиб юборилган, чунки улар кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун тегишли эмас;
2. Тўлиқ МҲХСда бухгалтерия сиёсатининг баъзи вариантларига рухсат берилмайди, чунки кичик корхоналар учун соддалаштирилган усул мавжуд;
3. Тўлиқ МҲХСда бўлган тан олиш ва ўлчашнинг кўплаб тамойиллари соддалаштирилган;
4. Сезиларли даражада камроқ ошкор қилиш талаб этилади;

5. Тўлиқ МҲХСларининг матни тушунарли ва турли тилларга таржима қилиш учун қулай ҳолатга келтирилган.

Дунё мамлакатлари МҲХС ҳамда кичик корхоналар учун мўлжалланган МҲХСларидан турлича фойдаланиб келмоқда. Айрим давлатлар стандартларни банк, суғурта, акционерлик жамиятлари фаолияти молиявий ҳисоботлари учун қабул қилган бўлса, қайсидир давлатлар ҳам йирик ҳам кичик корхоналар учун стандарт мезонларини қабул қилган. Яна қайсидир давлатлар стандартларни қўшма корхоналар фаолиятида қўллашг мақсадида қабул қилган. МҲХС мажбурий стандарт бўлмасда, ундан фойдаланувчи давлатлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Дунё мамлакатларида МҲХСларидан, ҳамда кичик корхоналар учун мўлжалланган МҲХСдан нечоғлик фойдаланилаётганлигини кўриб чиқиш учун қуйидаги 2-жадвал маълумотларига эътибор қаратайлик. Жадвалда МҲХСларни қабул қилган мамлакатлар ва фаолият олиб бораётган корхоналар учта тоифага ажратилиб, ўрганиб чиқилган.

2-жадвал

Дунё мамлакатларининг МҲХСларидан фойдаланиш кўрсаткичлари¹

№	Давлатлар	Корхоналар турлари		
		<i>Жамоат олдида жавобгар бўлган корхона</i>	<i>Кичик ва ўрта бизнес корхоналари</i>	<i>Хорижий компаниялар</i>
1	Қозғистон	МҲХСлари барча рўйхатга олинган компаниялар, молия институтлари ва йирик рўйхатга олинмаган компаниялар учун талаб қилинади	Тўлиқ МҲХС ёки КЎБ учун мўлжалланган МҲХС, шунингдек, Кичик корхоналар учун мавжуд миллий стандартларни қўшимча танлаши мумкин	МҲХСга Рухсат берилган. АҚШнинг GAAP стандартидан фойдаланишлари мумкин
2	Туркменистон	“Туркменистонни 2011-2030 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш миллий дастури”ни амалга ошириш давомида босқичма-босқич қабул қилинмоқда		
3	Қирғизистон	Тўлиқ МҲХС талаб қилинади	Кичик корхоналар учун МҲХС талаб қилинади	Тўлиқ МҲХСлари талаб қилинади
4	Ўзбекистон	Акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар МҲХСни қўллаган ҳолда ҳисоботини эълон қилишлари шарт. Бошқа компаниялар ихтиёрий равишда МҲХСни қўллаган ҳолда молиявий ҳисоботларни тайёрлашлари мумкин.	Ўрганиб чиқилмоқда	Чет эл компаниялари маҳаллий компаниялар билан бир хил қоидаларга бўйсунди.
5	Россия	МҲХСлари листинг компаниялари, молия институтлари ва баъзи давлат компаниялари учун талаб қилинади.	Кўриб чиқилмоқда	Баъзилар учун талаб қилинади, бошқалар учун рухсат этилади.
6	Афғонистон	МҲХСлари барча компаниялар ва барча банклар учун талаб қилинади	Қабул қилинмаган	Қабул қилинмаган

¹ Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

7	Украина	МХХСлари барча рўйхатга олинган компаниялар ва молиявий институтлар учун талаб қилинади.	Мажбурий	Мажбурий
8	БАА	МХХС қимматли қоғозлар биржасида рўйхатга олинган компаниялар учун талаб қилинади.	Рухсат берилган	Рухсат берилган
9	АҚШ	Маҳаллий давлат компаниялари АҚШ GAAP стандартларидан фойдаланиши керак	Талаб қилинмайди. Бироқ, бу ҳам тақиқланмаган ва кўпчилик КЎБ субъектлари учун маълум молиявий ҳисобот тизими қабул қилинмаган.	“Биржа ва қимматли қоғозлар Комиссияси” рўйхатидаги капитали 7 триллион АҚШ доллари бўлган компаниялар

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, ўрганиб чиқилган 9 давлатларнинг деярли барчасида жамоат олдида жавобгар бўлган, барча йирик корхоналар ва акционерлик жамиятлари ўз молиявий ҳисоботларини МХХС асосида тайёрлаши ҳамда эълон қилишлари шарт (АҚШдан ташқари). Украинада Кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун МХХСларидан фойдаланиш мажбурий қилиб белгиланган. Шунингдек, Россияда кичик корхоналар учун стандартни қабул қилиш ёки йўқлиги ўрганиб чиқилмоқда.

Бу борада мамлакатимизда ҳам талайгина ишлар амалга оширилди ва изчиллик билан давом эттирилмоқда

Президентимизнинг 2016 йил 5-октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Фармонга мувофиқ тадбиркорлар мулкни ҳимоялаш, иқтисодий фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратиш бериш пиравордида янги иш ўринлари яратиш ҳамда иқтисодиётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириб бориш белгиланди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарорига асосан, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар, суғурта ташкилотлари, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, ва 2021 йил 1-январдан бошлаб, бухгалтерия ҳисоби юритилишини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этишлари кўрсатиб ўтилган. Қабул қилинган ҳужжат тадбиркорлик субъектларининг МХХСга ўтиш жараёнини тубдан қайта кўриб чиқишни назарда тутди. Бунинг учун тадбиркорлик субъектларига ҳам маънавий ҳам молиявий кўмак бериш жиҳатлари кўрсатиб ўтилди. Масалан: 2021-йил якунларидан бошлаб мажбурий тартибда МХХС асосида молиявий ҳисобот тузадиган шахслар рўйхати белгиланди. Унинг таркибига акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар қаторига киритилган юридик шахслар киритилди. Ушбу хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги мажбуриятларни амалга оширишлари талаб қилинади:

1. 2021 йил 1-январдан бошлаб МХХС асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш;

2. Бухгалтерия хизмати ходимларидан халқаро стандартларни юқори салоҳиятда қўллаш оладиганларни белгиланган сонидан таъминлаш.

Бундан ташқари давлат активларини бошқариш агентлиги ҳар йили 1 июнга қадар тадбиркорлик субъектларининг давлат улуши ва давлат улушидаги корхоналардан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни МХХС асосида юритишга ўтиш жадвалини тасдиқлайди ва эълон қилади. Молия вазирлиги МХХСни жорий этиш бўйича ваколатли давлат органи эканлиги, Вазирлик тузилмасида Халқаро молиявий ҳисобот

стандартларини жорий этишни мувофиқлаштириш ва ташқи сифат назорати бошқармаси ташкил этилиши таъкидлаб ўтилган. Бугунги кун мамлакатимизда ўз молиявий ҳисоботларини МҲХС асосида тузаётган йирик солиқ тўловчи корхоналар сони ортиб бормоқда. Молиявий ҳисоботларнинг очиқлиги ва шаффофлигига молиявий ҳисоботларни МҲХСларига кўра тузиш орқали эришиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, МҲХСни қабул қилиш, стандарт талаблари асосида молиявий ҳисоботларни тузиш ҳамда эълон қилишда қандай муаммоларга дуч келишимизни таҳлил қилиш учун 3-жадвал маълумотларига эътибор қаратайлик.

3-жадвал.

Корхоналарнинг МҲХСга ўтишида юзага келадиган муаммолар²

№	Муаммолар	
1	САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ	Муайян масалаларда ҳуқуқий тизимнинг мос келмаслиги
2		Дастлабки босқичда МҲХСни жорий этишнинг ижобий иқтисодий оқибатларини баҳолашда қийинчилик
3		Меҳнат, молиявий ва вақтинчалик ресурсларини тақсимлашнинг муҳимлилик
4		Стандартларнинг умумлаштирилган жихатлари, бухгалтерия ҳисоби усулларининг жуда катта хилма-хиллигини таъминлайди
5		Стандартларни қўллашнинг батафсил мисоллари ва аниқ вазиятларнинг йўқлиги
6		Турли мамлакатлар ҳисоб тизимидаги фарқларнинг мавжудлиги ва ривожланиш даражалари
7		Муайян ҳолатга оид батафсил маълумотларнинг йўқлиги
8		Иқтисодиётнинг анъаналари ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тартиб ва коидаларнинг йўқлиги
9		МҲХСни миллий бухгалтерия ҳисоби тизимига мослаштириш зарурияти машаққатли иш, мутахассисларнинг етарли даражада билим ва кўникмаларга эга эмаслиги, шунингдек, кадрлар тайёрлашга тизимли эҳтиёжнинг юзага келиши
10		Нотўғри таржима туфайли баъзи атамаларни тушунишда қийинчилик

Жадвал маълумотларида келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ ишларни босқичма-босқич амалга оширилиши, корхоналар ўз ходимлари малакаси ва маҳоратини ошириб боришлари, халқаро талабларни ўз миллий қонунчилигимизни асос қилган ҳолда ўзимизга мослаштирилиши бугунги куннинг асосий масалаларидандир. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун МҲХС мезонларини миллий қонунчилигимизга мос ҳолда қайта ишлаб чиқиш жудла муҳимдир. Яқин ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, Кичик бизнес корхоналари учун МҲХСни қабул қилган қарийиб барча мамлакатлар, стандарт талабларига озми-кўпми ўзгартиришлар киритиб, миллий қонунчиликка мослаштирадилар.

МҲХСга ўтишнинг ташкилий кетма-кетликлари турли юрисдикцияларда турлича талқин қилинган. Бироқ, буларнинг барчаси пировард натижада бир мақсадни кўзлайди, яъни - молиявий ҳисоботларни барча учун бирдек тушунарли, шаффоф, ҳаққоний бўлишига эришиш. Молиявий ҳисоботлар тўлиқ, тушунарли, шаффоф бўлиши учун унда ҳисобот тизимининг барча таркибий қисмлари ўз ифодасини топиши лозим. Ҳисобот тизимининг таркибий қисмларини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун қуйидаги 4-жадвал маълумотларини кўриб чиқамиз.

4-жадвал маълумотларида ўз аксини топган молиявий ҳисобот тизимининг таркибий қисмлари бир яхлитликда намоён бўлишигина халқаро стандарт асосидаги молиявий ҳисоботлар юзага келишини тақоза этади. Бундай кетма-кетликнинг бузилиши ёки бирининг тўлиқ намоён бўлмалиги ҳисоботларни обрўсизлантиради. Шу сабабли ҳам бу таркибий қисмларнинг муҳими ёки унчалик аҳамиятга эга бўлмагани мавжуд эмас. Улар биргаликда мавжуд бўлиб, бир тизимнинг таркибий қисмлари бўлиб қолади.

² Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

МҲХС асосидаги Молиявий ҳисобот тизимининг таркибий қисмлари³

№	Таркибий қисмлар	Изоҳ
1	Ҳисоб методологияси	МҲХС бўйича ҳисобот бериш меъёрлари, ҳисобварақлар режаси ва ҳисоб сиёсати, даврни ёпиш қоидалари, назорат ва таҳлил қоидалари
2	Жараёнлар	Стандартлаштириш, оптималлаштириш, марказлаштириш мослаштириш жараёнларини самарали ташкил этиш ҳисобот бериш муддати ва сифатини белгилайди
3	Маълумотлар	Маълумотларнинг сифати МҲХС асосида ҳисобот яратиш жараёнини тезлаштиради имконият яратади
4	Ходимлар	МҲХС бўйича сертификатга эга бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги
5	Информацион технологиялар	Информацион технологиялар тизимида таҳлилчиларнинг етарлилиги тезкор маълумотлар тўплаш қобилияти
6	Бошқарув	Самарали бошқариш тизими ҳисобот бериш жараёнини мониторинг қилиш ва назорат қилишни, шунингдек, юқоридаги барча жараёнларни мувофиқлаштиришни таъминлайди

Молиявий ҳисоботларни МҲХСга ўтказишда ҳисобот тизимининг таркибий қисмлари жами бешта босқичда намоён бўлади. Агар шу беш босқичдаги натижалар ижобий баҳоланса, демак молиявий ҳисоботларни тўғридан-тўғри МҲХСга ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Буни қуйидаги 5-жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин.

АҚШ GAAP тизимидан МҲХСга ўтишнинг босқичлари⁴

МҲХСга ўтиш босқичлари	Амалга оширилиши лозим бўлган жараёнлар
Биринчи босқич	Тайёрлов босқичи-ўтиш режасини тузиш, лойиҳа бўйича ишчи гуруҳларни белгилаш, ҳисобот кўрсаткичларининг дастлабки ҳисоби
Иккинчи босқич	Бухгалтерия ҳисобининг муаммоли жиҳатларини аниқлаш, ўтиш методологиясини, ички хужжатларни, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш
Учинчи босқич	Компания фаолияти ҳажмига қараб дастурий маҳсулот ёки Excel дастуридан фойдаланган ҳолда МҲХС(синов ҳисоботи)га муаммоли ўтиш
Тўртинчи босқич	АҚШ GAAP тизимидан МҲХСга ўтиш натижалари ва самарадорлигини баҳолаш
Бешинчи босқич	Ижобий баҳоланган тақдирда тўғридан-тўғри МҲХСга ўтиш

Ушбу жадвалдаги маълумотлар АҚШнинг GAAP тизимидан МҲХСга ўтиш босқичларини ифодалайди. Эътибор қаратадиган бўлсак, дастлаб халқаро стандартга ўтишнинг лойиҳаси ишлаб чиқилади. Лойиҳа асосида миллий ҳисобдаги ва халқаро стандартлар ўртасидаги фарқ муаммоли ўрганилиши кўрсатиб ўтилган. Бу эса халқаро стандартларга ўтишда маълумотларни аниқлаш, мавжуд маълумотларни мослаштириш, мувофиқлаштириш орқали бартараф этилади. Албатта, информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда зарурий натижаларга эришилади. Тайёрланган дастлабки ҳисобот материаллари ижобий баҳолангач, ҳисоботлар МҲХС талаб ва меъёрлари асосида эълон қилинади.

Мамлакатимизда ҳам Кичик бизнес корхоналари учун МҲХСни қабул қилиш, янгича мезонлар асосида молиявий ҳисоботларни эълон қилиш масалалари кенг муҳокамалар доирасида ўрганиб чиқилмоқда. Халқаро молиявий стандартлар учун

³https://gaap.ru/articles/Optimizatsiya_resurov_pri_perekhode_na_MSFO_s_sistemy_US_GAAP/

⁴ https://gaap.ru/articles/Optimizatsiya_resurov_pri_perekhode_na_MSFO_s_sistemy_US_GAAP/

замин яратиб берувчи зарурий Фармон ва Қарорлар чиқарилмоқда. Бизнинг фикримизча, миллий қонунчилик асосида яратилган молиявий ҳисоботларни қуйидаги кетма-кетлик асосида МҲХС талабларига мослаштириш лозим:

6-жадвал.

Молиявий ҳисоботларни МҲХСга мослаштириш кетма-кетлиги⁵

№	Амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар	Изоҳлар
1	МҲХСга ўтиш лойиҳаси яратилиши лозим	Лойиҳа қонунчилик меъёрларига хос бўлган, чет эл тажрибаларини ўрганган, махсус тайёргарликка эга бўлган малакали мутахассислар томонидан кўриб чиқилиши лозим. Дастлаб, бундай мутахассислар корхонанинг ўзида тайёрланиши керак.
2	МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш усулини танлаш	Маълумотларга ишлов беришда индукция ва дедукция, анализ ва синтез, иқтисодий таҳлил, моделлаштириш, маълум белгилар асосида классификациялаш, мантиқий фикрлашлардан фойдаланиш мумкин
3	МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ички ва ташқи мутахассисларни жалб қилиш	Халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботлар тузишда амалий тажрибаси мавжуд бўлган экспертлар ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди
4	Биринчи ҳисобот учун зарур маълумотларни тўплаш ва тайёрлаш	Молиявий ҳисоботларда акс эттирилиши лозим бўлган кўрсаткичларни ҳисоблаш ва аниқлаштириш
5	МҲХС бўйича ҳисобот учун маълумотларни тўплаш ва тайёрлаш	Миллий стандарт асосида тайёрланган маълумотларни халқаро стандарт талаблари асосида акс эттириш(масалан активни ҳаққоний қийматини топиш ва бошқалар)
6	МҲХС мувофиқ биринчи молиявий ҳисоботларни тузишнинг услубий базасини яратиш	Ҳисобварақлар режаси, бухгалтерия сиёсати, индивидуал тузатишларни ҳисоблаш ёки муайян активлар ва мажбуриятларни ҳисобга олиш бўйича кўрсатмалар
7	МҲХС асосида биринчи ҳисоботни тайёрлаш	Ҳисобот шакллари, эслатмалар, МҲХСга ўтишнинг таъсири(ўзгаришларни пайдо қилиши)ни тушуниш
8	МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботнинг тўлиқлиги ва тўғри тузилиши устидан ички назорат	Молиявий ҳисоботлар бўйича корхона экспертлари, бошқарув ходимлари томонидан ўрганиб чиқилиши лозим
9	МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботнинг ташқи аудит текшируви ҳулосасини олиш	Ташқи аудит ҳулосаси эркин танланган ҳамда халқаро стандартлар бўйича етарли малака ва тажрибага эга бўлган аудитор томонидан берилиши мақсадга мувофиқ

Молиявий ҳисоботларни миллий стандартлардан халқаро стандартларга ўтказиш ҳисоб тизими билан биргаликда, солиқ ҳамда қонунчилик тизимини ҳам ислоҳ қилинишини тақоза этади. Солиқ ва қонунчилик тизимидаги айрим чекловлар, енгилликлар, имтиёзлар айрим меъёрий ҳужжатларга қўшимча ёки ўзгартиришлар киритилишини ёки тубдан янгилашни талаб этади. Зеро, халқаро стандартлар бугунги кунда корхоналар молиявий кўрсаткичларини тушунарли, шаффоф, ҳаққоний очиб берувчи амалдаги стандартлардир.

Мамлакатимизда МҲХСларига ўтиш ва улар талаблари асосида молиявий ҳисоботларни эълон қилиш бизга нима беради?, Ушбу ҳаракатлар пиратордида қандай мақсад ва манфаатлар ётибди?, бу каби саволлар барча корхона ва ташкилот раҳбарлари ва манфаатдор шахсларни қизиқтириши табиий. Хўжалик юритувчи

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

субъектлар Молиявий ҳисоботларини МҲХС стандартлари асносида эълон қилишга ўтилиши, бу субъектлар фаолиятида қуйидаги ижобий натижаларга эришишига олиб келади:

7-жадвал.

Корхоналарнинг МҲХСга ўтишининг ижобий томонлари⁶

№	Молиявий ҳисоботларни тузиш ва эълон қилишда халқаро стандартлардан фойдаланиш қуйидаги ижобий натижаларга олиб келади	
1	ИЖОБИЙ ОҚИБАТЛАРИ	Корхоналар капитали таркибида хорижий ва маҳаллий инвестициялар ҳажми ортиб боради
2		Ҳамкорлар ўртасида адолатли муносабатларни ривожлантиради
3		Бошқарув ахбороти сифатини оширади
4		Ташкилотнинг рақобатбардошлигини ошириш, шу жумладан халқаро миқёсда
5		Корпоратив бошқарув сифатини ошириш
6		Ҳисоботдаги маълумотлар мазмунининг шаффофлигини оширади
7		Ҳисобот кўрсаткичларининг таққосланувчанлиги ортади
8		Молия бозорини янада ривожлантиради
9		Компания фаолиятини таҳлил қилиш имкониятларини ошириш ва бунинг натижасида халқаро капитал бозорларига чиқишни осонлаштириш
10		Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми ортади
11		Янги иш ўринлари яратилиши орқали аҳоли бандлиги, ҳамда даромадларининг ортиши кузатилади
12		Туристлик корхоналарда замонавий хизмат турларининг кўпайишига, таклиф этилаётган хизматларнинг сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилади
13		Корхона бошқаруви нуқтаи-назаридан самарали назорат тизими ишлай бошлайди
14		Юқори малакали ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ошади, хар хил иғво ва коррупцион ҳолатларга барҳам берилади
15		Корхона молиявий кўрсаткичларининг шаффофлиги, аниқлиги ва ишончлилигига эришилади
16		Хорижий сармоядорларнинг корхоналаримиз капиталидаги улуши кўпайиб, маҳаллий субъектларимиз фаолиятига бўлган ишончи ортади
17		Корхоналарни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда маҳаллий кредит маблағлари юкига нисбатан енгилроқ шартлар асосида маблағлар жалб қилиш имкониятлари яратилади

Бироқ, хўжалик юритувчи субъектлар ўз молиявий ҳисоботларини халқаро стандарт талаблари асосида тайёрлаш ва эълон қилишлари осон кечмайди. Бунинг учун махсус тайёргарлик босқичларини босиб ўтган малакали мутахассислар, кўп йиллик тажрибага эга бўлган аудитор ва ҳисобчиларнинг машаққатли меҳнати орқали эришилади. Чунки стандартларнинг талаблари ва ўзига хос жиҳатлари биз учун қоронғу. Шу сабабли ҳам Президентимиз қарор(4611-сонли)ида мутахассисларни халқаро стандартлар талаблари доирасида ўқитиш масалалари таъкидлаб ўтилган.

Адабиётлар/Литература/Reference:

International Accounting Standards (1989) The ICA in England and Wales. London.

Inuja Perera, Parmod Chand, Issues in the adoption of international financial reporting standards (IFRS) for small and medium-sized enterprises (SMES), *Advances in Accounting*, Volume 31, Issue 1, 2015, Pages 165-178, ISSN 0882-6110, <https://doi.org/10.1016/j.adiac.2015.03.012>.

Дадабоев Ш.К. «Товар-моддий захиралар ҳисоби ва таҳлилини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш». Монография.:Тошкент.2019 й. 162 бет. /

⁶ Муаллиф томонидан яратилди

Dadaboev Sh.K. "Improving inventory accounting and analysis based on international standards." Monograph.: Tashkent. 2019. 162 pages.

Каримов А., Қўзиёв И., Рахимов М. (2020) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Мавжуд ҳолат ва истиқбол нималарда намоён бўлади? / Karimov A., Koziev I., Rakhimov M. (2020) International Financial Reporting Standards. What is the current state and outlook?

Меҳмононов С.У. (2018) Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати. 24 бет. / Mehmanov S.U. (2018) Improving accounting and internal audit methodology in budget organizations. Doctor of Economics (DSc) Dissertation Abstract. 24 pages.

МСФО (2015) Бухгалтерский учет по международным стандартам финансовой отчетности. Учеб. пос. I, II том/ - Т.: "ИЛМ ФАН РИВОЖ", 278 с. / IFRS (2015) Accounting under International Financial Reporting Standards. Proc. settlement I, II volume / - Т. : "ILM FAN RIVOGUE", 278 p.

Рахимова Г.М. (2021) Асосий воситалар ҳисоби ва аудитини МҲХС асосида такомиллаштириш. Монография. 120 бет / Rakhimova G.M. (2021) Improvement of accounting and auditing of fixed assets based on MHXS. Monograph. 120 pages ISSN 9786200626875

Тошназаров С.Н. (2018) Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография.:Тошкент. «Турон-Иқбол» нашриёти. 228 б. / Toshnazarov S.N. (2018) Improving the theoretical and methodological foundations of financial reporting in the context of economic modernization. Monograph.: Tashkent. "Turon-Iqbal" publishing house. 228 p.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон. / Resolution (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan "On additional measures for the transition to international standards of financial reporting" No. RP-4611 of February 24, 2020.



ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Эргашев Қ.Э.

Давлат Божхона қўмитасининг Божхона институти

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда рақамли божхона хизматларини ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалар ўрганилган. Шу билан бирга, рақамли божхона хизматларини жорий этиш ҳамда ривожлантиришнинг долзарб масалалари чуқур таҳлил қилинган. Шунингдек, автомобиль, темир йўл, аэропорт чегара божхона постларида ҳамда халқаро жўнатмалар устидан назорат жараёнида аниқланган муаммолар бир тизимга солиниб тадқиқ қилинган. Шу жумладан, Ўзбекистонда рақамли божхона хизматларини ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллар ўрганилган. Бундан ташқари, юқоридаги масалалар юзасидан илмий асосланган таклифлар тақдим этилган.

Калит сўзлар: рақамли божхона хизматлари; концептуал аппарат; сунъий интеллект; электрон хизмат; **рақамли платформа;** ягона дарча; минтақавий интеграция; рақамли инструмент; рақамли технология.

CURRENT ISSUES RELATED TO THE DEVELOPMENT OF DIGITAL CUSTOMS SERVICES IN UZBEKISTAN

Ergashev Q.E.

Customs Institute of the State Customs Committee

Abstract: In this article, organizational and information-communication technology issues related to the development of digital customs services in Uzbekistan are studied. At the same time, the actual issues of introduction and development of digital customs services were analyzed in depth. Also, the problems identified in the process of control over international shipments at road, railway, airport border customs posts were put into a single system and researched. Among them, the main factors influencing the development of digital customs services in Uzbekistan were studied. In addition, scientifically based proposals are presented regarding the above issues.

Keywords: digital customs services; conceptual apparatus; artificial intelligence; electronic service; digital platform; single window; regional integration; digital instrument; digital technology.

1. Кириш.

Жаҳонда юз бераётган иқтисодий тенденциялар билан ҳамоҳанг тарзда Ўзбекистонда ҳам "рақамли божхона" хизматларини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар амалга оширилмоқда. Хусусан иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқилиши юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Шу асосда "Рақамли Ўзбекистон – 2030" дастури ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шу ўринда мақоланинг долзарблиги қуйидаги жиҳатларда намоён бўлишини таъкидлаш лозим:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон фармонида:

➤ чегара ўтиш пунктларида сайёҳлар учун қисқа муддатда ўтиш тизимини жорий қилиш;

- 2022 йилда қисқа муддатда ўтиш тизими жорий этиладиган чегара пунктларини аниқлаш ва босқичма-босқич ўтиш пунктларини жорий этиш;
- тизим жорий этиладиган пунктларни жиҳозлаш, сайёҳлар учун шароит яратиш вазифали белгиланди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон—2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармони ва у билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тасдиқланди;

Учинчидан, 2020 йил 5 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005 фармони асосан “2020 — 2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш” Концепцияси қабул қилинди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Илмий давраларда керакли тушунтиришлар йўқлиги сабабли, “рақамли божхона хизматлари” тушунчасига таъриф нима учун фақат АКТга боғлиқ қолганлиги ноаниқлигича қолмоқда.

Хусусан, Серихнинг (2017) фикрича, рақамлаштириш – бу илғор технологиялардан фойдаланишдир.

Боровков (2018) “рақамли божхона хизматлари”нинг мазмунини таҳлил қилишда урта асосий атамани ажратиб кўрсатади: автоматлаштириш; рақамлаштириш; бизнеснинг рақамли трансформацияси.

Тарасовнинг (2018) илмий изланишлари натижасига кўра, божхона хизматларининг рақамли трансформацияси энг аввало, янги бизнес жараёнлари, ташкилий тузилмалар учун янги қодалар, масъулият, намуналар демакдир.

Загускин (2014) рақамли божхона хизматларининг Етуклик Моделини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотларини олиб борган.

Милославская ва Сагиров (2015) белгиланган шкала бўйича ушбу кўрсаткичларни баҳолаш етуклик даражасини тавсифловчи жараёнларнинг ҳолатини кўрсатишини исботлади.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда Ўзбекистонда рақамли божхона хизматларини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларнинг омилли таҳлили олиб борилди. Ушбу муаммолар қиёсий таҳлил қилинди ҳамда улар таснифлаш ва моделлаштириш каби усуллар асосида бир тизимга келтирилди. Бундан ташқари, тизимли, сценарийли ва индикатив ёндашувлардан фойдаланилади.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда рақамли божхона хизматларини ривожлантириш борасида қуйидаги масалаларга эътибор қаратишимиз зарурлиги аниқланди:

биринчидан, рақамли божхона хизматларини ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар;

иккинчидан, божхона органларининг ахборот-коммуникация технологиялари доирасида рақамли божхона хизматларининг долзарб масалалари;

учинчидан, рақамли божхона хизматларини жорий этишнинг муаммоли масалалари;

тўртинчидан, рақамлаштириш ҳамда божхона ва бошқа давлат органлари учун тегишли имкониятлар учун асосий омиллар;

бешинчидан, ахборотни бошқариш йўналишида рақамли божхона хизматларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари;

олтинчидан, автомобиль, темир йўл, аэропорт чегара божхона постларида ҳамда халқаро жўнатмалар ўстидан назорат жараёнида аниқланган муаммоларни кўриб чиқамиз.

Рақамли божхона хизматларини ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар: концептуал аппарат; божхонани рақамлаштириш; божхона (божхона маъмурияти) ва рақамли божхона; бошқарув механизми, божхона тартибга солиш; рақамли божхона доирасидаги божхона операциялари (бизнес жараёнлари); хавфларни бошқариш тизими ва рақамли божхона; рақамли божхона доирасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг субъект таркиби; рақамли божхонани қўллаб-қувватлаш учун ишлатиладиган инструментлар; рақамли божхонани ривожлантиришга ёрдам берадиган технологиялар; ягона дарча ва рақамли божхона, уларнинг алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги; хавфсизлик таъминоти занжири ва вио; минтақавий интеграция ва рақамли божхона; ҳуқуқий масалалар, потенциални ошириш ва кадрлар масалалари.

Тадқиқотимиз давомида божхона органларининг ахборот-коммуникация технологиялари доирасида рақамли божхона хизматларининг долзарб масалаларини аниқладик:

- (1) таҳлилий ва сунъий интеллектдан фойдаланилмайди;
- (2) "ягона дарча" механизми мукамал ишлаб чиқилмаган;
- (3) божхона операцияларини автоматлаштириш даражаси жуда паст;
- (4) чегарада масофавий маълумотларни қайта ишлаш имконияти мавжуд эмас;
- (5) масофадан бошқариш тизими жорий этилмаган;
- (6) технологиянинг ўзаро мувофиқлиги мавжуд эмас;
- (7) мобил телефонлар орқали божхона маъмуриятчилиги масалалари бўйича божхона бўлимларини улаш учун мобил АКТ иловаларидан фойдаланиш даражаси паст;
- (8) чегара органлари томонидан ноутбуклардан фойдаланилмайди;
- (9) божхона назоратидаги товарларни аниқлаш ва кузатиш учун муҳрлар, кузатув мосламаларидан фойдаланилмайди;
- (10) сканерлар ахборот тизимлари билан боғланмаган;
- (11) учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланилмайди;
- (12) биометрика ва юзни таниш технологияси жорий этилмаган;
- (13) хавфсизлик билан боғлиқ божхона маъмурияти соҳасида янги технологиялар мавжуд эмас

Рақамли божхона хизматларини жорий этишнинг муаммоли масалалари: рақамли божхона хизматларини қўллаб-қувватлаш учун тегишли ҳуқуқий базанинг йўқлиги; АКТ ускуналарни сотиб олиш ва техник хизмат кўрсатиш нуқтаи назаридан қимматга тушади; юқори харажатлар ва автоматлаштирилган жараёнларнинг мавжуд эмаслиги (божхона операциялари, бизнес жараёнлари учун); "рақамли бўлиниш"нинг мавжудлиги ва шунинг учун ахборот тизимларининг номувофиқлик муаммолари; киберхавфсизлик (маълумотлар хавфсизлиги, конфиденциаллик), маълумотлар яхлитлиги муаммоси, маълумотлар сўрови ва уларни ҳақиқий қабул қилиш ўртасидаги вақтни (даврни) қисқартириш; маълумотлар таҳлили, пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш имконияти мавжуд эмас; Cloud хотирасидан келиб чиқадиган потенциал хавфсизлик таҳдиди; ЖБТга аъзо давлатларнинг божхона маъмуриятлари янги ахборот технологияларини жорий этиш, қўллаш ва эгалик қилишнинг турли даражаларига эга эканлиги; минтақавий даражада, айниқса, "ягона дарча" контекстида маълумотларни уйғунлаштириш масаласи кўриб чиқилмаган. Шу билан бирга, юқори сифатли маълумотларни, уларнинг ўз вақтида олинишини таъминлаш заруриятининг ортиб бораётганлиги.

Рақамлаштириш ҳамда божхона ва бошқа давлат органлари учун тегишли имкониятлар учун таклиф қилинган асосий омилларни санаб ўтамиз:

1. кенгайтирилган мослаштирилган электрон хизматлар; 2. умумий рақамли платформалар; 3. яхши маълумотга эга қарорлар; 4. ишчи кучини кучайтириш; 5. ўзаро ҳамкорлик.

Бундан ташқари, ахборотни бошқариш йўналишида рақамли божхона хизматларини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқамиз:

✓ илғор технологияларни қўллаш орқали тизимлар, жараёнлар ва институционал имкониятларни яхшилаш учун асосий имкониятлар ва улар билан боғлиқ талаблар қандай аниқланади;

✓ янги ва ривожланаётган технологиялар қўлда ишлов бериш ва қоғозга асосланган жараёнларини "қоғозсиз" ва тегишли ечимларни аниқлаш тизимидаги ҳаракатини аниқлаш керак;

✓ АКТ маълумотларнинг махфийлигини, шунингдек маълумотлар хавфсизлигини ва узлуксиз маълумотлар оқимини ва савдо жараёнларини осонлаштириш учун рақамлаштиришни таъминлаш қандай амалга оширилади;

✓ божхона маълумотлари ва бошқарувини, жумладан, Бали келишувини амалга оширишни ва савдо харажатларини камайтиришни қўллаб-қувватловчи асосий технологик ишланмалар қандай тушилиши керак;

✓ АКТнинг божхона бизнес жараёнларини қўллаб-қувватлаш бўйича ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришига тўсқинлик қилувчи қонунчилик базаси, сиёсати, одамлари ва жараёнлари (операциялари) нуқтаи назаридан қандай умумий тўсиқлар бор ва уларни қандай самарали ҳал қилиш мумкин.

5. Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқотимиз натижасида қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1-босқич: Рақамли божхона хизматлари концепциясини божхона органлари учун ИТ қўлланмасини яратиш.

2-босқич: Божхона хизматларини рақамлаштириш бўйича мувофақиятга эришган давлатлар (масалан: Марокаш томонидан билдирилган таклифлар) тажрибасини жорий этиш.

3-босқич: ЖБТнинг барча воситалари призмаси орқали рақамли божхона хизматини ривожлантириш билан боғлиқ лойиҳалари барча аъзо давлатлар томонидан кўриб чиқилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, Божхона маъмуриятчилигининг долзарб масаласи рақамли божхона хизмати самарадорлиги ва кўрсаткичларини баҳолаш методологиясини яратиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, рақамли божхона хизмати тадқиқотига ДБҚ билан фаол ҳамкорлик қилаётган олий таълим муассасаларини (академик жамият) жалб этиш зарур.

Бундан ташқари, ушбу масалаларни ҳал қилиш учун ДБҚнинг Божхона институти илмий-тадқиқот бўлими фаолиятини фаоллаштириш зарур.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Alexander Tarasov. (2018) What is digitalization? December 21, 2018. URL: <http://platform.online/poleznoe/articles/chto-takoe-cifrovizacziya/> (date of the request: 19.03.2018).

Miloslavskaya N.G. and Sagirov R.A. (2015) Overview of maturity models of information security management processes // Information technology security. № 2. – Vol. 2. – P. 77. URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=25284623> (date of the request: 09.04.2019).

Pavel Borovkov (2018) What is digitalization? December 21. URL: <http://platform.online/poleznoe/articles/chto-takoe-cifrovizacziya/> (date of the request: 19.03.2018).

Tatyana Serykh (2017) Accenture. Digitization. III Conference «Technologies in the field of oil exploration and production», Slide 11. URL: http://techneft.ru/images/doc/sekcii/06_informatizaciya/8_accenture.pdf (date of the request: 19.03.2018).

Zaguskin N.N. (2014) Comparative characteristics of the maturity models of managing processes, projects, knowledge of the organization by the stages of their transformational development // Advances in modern natural science. № 1. – P.78. URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=21052030> (date of the request: 08.04.2019).

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон. // Decree (2022) of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 "On the development strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026" No. DP-60. / Decree (2022) of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 "On the development strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026" No. PF-60. // Decree (2022) of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 "On the development strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026" No. DP-60.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон—2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон. / Decree (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan of October 5, 2020 on the approval of the "Digital Uzbekistan-2030" strategy and measures for its effective implementation" No. DP -6079.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сон. / Decree (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 5, 2020 No. DP-6005 "On Reforming the Customs Administration and Improving the Activities of the State Customs Service of the Republic of Uzbekistan".



КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ МОДЕЛЛАШТИРИШ ЗАРУРЛИГИ

Юлдошева Г.А.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини тартибга солиш ва корхона фаолиятининг самарадорлигини янада ривожлантириш учун олиб борилаётган кўплаб замонавий ўзгаришлар давлат, минтақа ва корхоналар иқтисодиётининг кўплаб соҳаларидаги, шунингдек замонавий саноат корхонасининг фаолиятида ва бошқариш жараёнидаги муаммолар ҳамда вазифаларнинг таҳлил қилишда корхоналарнинг молиявий ҳолатини моделлаштириш лозим. Корхоналарда муҳим молиявий вазиятларни моделлаштириш орқали унинг молиявий сиёсати билан боғлиқ стратегик йўналишларини шакллантириш ва такомиллаштиришга эришиш мумкин. Мақолада корхоналар фаолиятларини молиявий моделлаштириш, молиявий таҳлил этиш, молиявий ҳолатини баҳолаш, молиявий моделлаштириш усулларида фойдаланиш, молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш жиҳатлари кўрилган.

Калит сўзлар: молия, моделлаштириш, молиявий моделлаштириш, корхона, иқтисодий жараён, корхона фаолияти, молиявий таҳлил, молиявий ҳолатини баҳолаш.

THE NECESSITY OF FINANCIAL MODELING OF ENTERPRISES' ACTIVITIES

Yuldosheva G.A.

Tashkent State University of Economics

Annotation. In order to regulate the financial situation of enterprises and further improve the efficiency of the enterprise, it is necessary to model the financial situation of enterprises in many areas of the economy of the state, region, and enterprises, as well as in the activities and management when analyzing the problems and tasks of modern industrial enterprises. By modeling important financial situations at enterprises, it is possible to achieve the formation and improvement of strategic directions related to financial policy. The article discusses aspects of financial modeling of enterprises, financial analysis, assessment of financial condition, use of financial modeling methods, and analysis of financial stability.

Keywords: finance, modeling, financial modeling, enterprise, economic process, enterprise activity, financial analysis, financial position assessment.

1. Кириш.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш тизимларини янада ривожлантириш, уларни ташкил этиш самарадорлигини ошириш учун корхоналарнинг ташқи ва ички муҳитининг юқори ўзгарувчанлиги туфайли корхоналарни ривожлантиришнинг барча босқичлари ва процедураларини қамраб оладиган юқори самарали бошқарувга эга молиявий моделларни яратишга эътибор қаратиш лозим. Молиявий моделлаштириш орқали жамият эҳтиёжларини қондиришга ва техник жиҳатдан мураккаб тайёр маҳсулотни яратишга йўналтирилган стратегик рақобатдош корхоналарни фаолиятини ривожлантиришнинг вариантли вазиятларини ишлаб чиқишдир.

Замонавий жамиятнинг ривожланиш даражаси ва иқтисодий муносабатлар мавжуд тажрибани умумлаштирадиган, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишга ёрдам берадиган корхонанинг корпоратив ахборот тизимига мослаштирилган молиявий универсал моделни яратишни талаб қилади. Молиявий моделни яратишда Ўзбекистон республикаси молиявий

муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини ва жаҳон иқтисодий ҳамжамиятлари билан интеграция қилиш имкониятларини, шунингдек умумий қабул қилинган шартларни ҳисобга олиш керак. Бу шу соҳада изланишлар олиб бориш ва илмий тадқиқотларни кўпайтириш заруратини келтириб чиқаради.

2. Адабиётлар шарҳи.

Молия (арабча *مال* - пул маблағлари) ўзбек илмий ва ўқув манбаларида иқтисодиётда мақсадли пул фондларини ҳосил этиш, жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ва пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, уларни сарф қилиш, ишлатиш тизими сифатида, рус илмий ва ўқув адабиётларида эса (французча *finances* - пул маблағлари) марказлаштирилган ва марказлашмаган маблағларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи сифатида таърифланади (Ensiklopediya, 2013; Энциклопедия, 2019; Райзберг, 2006). Ғарб илмий ва ўқув адабиётларида молиянинг умумий таърифлари одатда берилмайди, молия жуда кенг талқин қилинади. Одатда, қандай молия ҳақида гап кетаётгани кўрсатилади: давлат, корпоратив ёки шахсий молия. Давлат молияси деганда давлат ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёни ва механизми, даромадлар ва харажатлар баланси ҳамда тегишли назорат усуллари тушунилади (Вахобов, Улмасов, 2014). Корпоратив молия деганда "пулни тўғри бошқариш" (Шеметев, 2016) ёки "пулни бошқариш санъати ва илми" (Bastable, 1903) тушунилади. Шундай қилиб, "молиявий менежмент", "молияни бошқариш", "корпоратив молия" ва "бизнес молияси" атамалари эквивалент ҳисобланади (Gomez, 2008; Khan, Jain, 2004).

Тарихий манбалардан маълумки, жаҳондаги 27 мамлакатни босқичма-босқич ўз давлати таркибига киритиб, ягона давлат сифатида бирлаштирган Амир Темур давлатнинг бошида бош ҳукмдор сифатида ўзи турган бўлса, ундан кейинги иккинчи молия девони бўлиб (бу девонни битта девонбеги ва унинг котибияти бошқарган), ҳар йили қанча ялпи даромад вужудга келиши, у қандай усуллар билан тақсимланиши, давлат ихтиёрига ўтказиладиган тўловлар ва бошқа масалаларни ўзидан аввал ўтган подшоҳлар тажрибаси билан солиштирган ҳолда хулоса қилган ҳолда молиявий моделлаштирган ва молия тизимини такомиллаштирган (Темур тузуклари, 2014; Тўхтиев, 2006).

Иқтисодиётда абадий вазифалар йўқ, фақат маълум бир иқтисодий вазиятда вазифани амалда тўғри шакллантиришнинг абадий муаммоси мавжуд бўлиб, бу ерда вазиятлар жуда хилма-хил ва жуда ўзгарувчан бўлади. Шунинг учун молиявий-математик моделлар 5 йилдан 20 йилгача фойдаланишга яроқли бўлиб, кейинчалик менежер олдида турган вазифаларни бошқача усуллар орқали ҳал этиш лозим (Власов, Шимко, 2005).

Ведмедь (2021) таърифлашича, молиявий модел- бу MS Excel ёки унинг аналоглари ёрдамида корхона ҳақидаги барча маълумотларни, жумладан вақт, ишлаб чиқариш, маркетинг, молия, иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлайдиган ҳисоб-китоблар ва маълумотлар жадваллари тўплами, молиявий моделлаштириш эса компаниянинг долзарб муаммоларини ҳал қилувчи ечимни тақдим этишни таъминлайдиган қидирув воситасидир.

Мельников (2013) молиявий модел молиявий ресурсларни жалб қилиш жараёнида энг муҳим элемент ҳисобланиб, молиявий моделлаштиришда лойиҳа ташаббускори ва инвесторнинг эҳтиёжлари ҳисобга олиниши кераклигини таъкидлаб, молиявий моделлаштириш компаниянинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг муҳим усули деб ҳисоблайди. Ҳар қандай тадбиркорлик субъектининг молиявий моделлаштириш корхонанинг молиявий ресурсларини шакллантириш ва тақсимлашни прогноз қилиш, корхонанинг пул оқимларидан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш моделларини ўз ичига олган шахсий молиявий прогнозлаш моделларига асосланади (Шевченко, Фадеева, 2022). Wallstreetmojo.com асосчиси Дхеераж Ваидя фикрига кўра, молиявий моделлаштириш-бу барча тегишли омилларни, ўсиш ва хавф ҳақидаги тахминларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг таъсирини талқин қилиб, корхона ёки бизнеснинг молиявий кўрсаткичларини баҳолаш жараёни бўлиб, молиявий прогнозлаш билан боғлиқ барча ўзгарувчилар тўғрисида қисқача маълумот олиш имконини беради¹.

¹ Dheeraj Vaidya, CFA, FRM, Dheeraj Vaidya, CFA, FRM, Author at WallStreetMojo


3. Тадқиқот методологияси.

Корхоналар фаолиятини молиявий моделлаштириш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, бошқаришни автоматлаштириш ва иқтисодий тизим хусусиятларини такомиллаштириш (оптималлаштириш) мақсадида қурилган моделларни солиштириш, статистик маълумотларни йиғиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш, аналогия, индукция, илмий абстракция, чуқур таҳлил методи ва миқдор жиҳатдан тадқиқ этиш методлари орқали натижаларни баҳолаш, позитивистик (неопозитивистик, постпозитивистик) методлар билан мантиқий фикрлаш, иқтисодий назариянинг билиш, ўзгартириш, башоратлаш функцияларидан, синтез, тизимли таҳлил усуллари билан кенг фойдаланилган.

4. Таҳлили ва натижалар муҳокамаси.


Бугунги кунда турли ҳисоб-китобларга кўра, бир неча миллион доллар аҳоли қўлида ҳаракатсиз ушланиб қолмоқда. Шу сабабли ушбу маблағларни самарали инвестиция қилиш масаласи давлат учун ҳам, корхоналар учун ҳам долзарб ҳисобланади. Динамик ривожланаётган дунёда ушбу муаммони ечиш сиёсатини оқилона олиб бориш, тегишли молиявий операцияларни, корхоналарда бизнес жараёнларини молиявий моделлаштириш орқали режалаштириш мақсадга мувофиқдир. Корхоналарда бизнес жараёнларини моделлаштириш нафақат назарий, балки амалий қизиқиш уйғотадиган жараён ҳисобланади. Мамлакатимизда турли хил мулкчилик шаклидаги корхоналар 1990 йилларда юзага келди. Уларнинг фаолиятига турли хил омиллар таъсир кўрсатиб, пул оқими прогнози қисқа ва узоқ истиқболда корхонанинг молиявий имкониятлари ҳолати, жорий ва мажбурий харажатларни қоплаш учун ўз маблағлари етарлими ёки қарз маблағларини жалб этиш зарурлиги мавжудлиги, корхона фаолиятини салбий ташқи омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг юқори натижасига эришиш жиҳатларини моделлаштириш орқали кўрсатиб берилади. Молиявий моделлаштириш рақобат ривожланган, солиқ қонунчилиги бир меъёрларда амал қиладиган, бозор муносабатлари жадаллашган шароитда корхонани ҳимоя қилишга ва молиявий аҳолининг нобарқарорлигидан сақлашга, ҳатто банкротликдан ҳимоя қилишга имкон беради, корхона операцияларини ҳужжатлаштирилиши билан боғлиқ муаммолар, юқори инфляция, сўм курсининг доимий пасайиши, аниқ режасиз амалга оширилган тадбирлар, қўшни давлатлардаги нобарқарор сиёсий ва иқтисодий вазият, халқаро бозорларнинг ҳолати тўғрисида маълумотларга очиқ кириш имкониятлари мавжуд эмаслиги, корхона капиталининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Жумладан, корхоналарда бизнес жараёнларини моделлаштириш уларнинг хорижий инвесторлар учун жозибadorлигини оширади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай корхонада бизнес жараёнларини моделлаштириш ривожланаётган бозорнинг оптималлашуви, унинг инвесторлар ва кредиторлар учун истиқболли бўлиши ва капиталларини мақсадли йўналтиришлари ижобий таъсир қиладди. Молиявий моделлаштириш бозор шароитларини таҳлил қилиш, корхона ривожланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган баъзи ҳодисаларнинг бошланишини олдиндан кўра билиш ва максимал фойда олиш, самарали иқтисодий самарадорликка эришиш учун маҳсулотлар бўйича буюртмани бажариш боғлиқ бўлган молиявий ресурсларнинг етарлилигини акс эттириш учун мўлжалланган. Молиявий моделлаштириш ишлаб чиқаришнинг фаолияти учун етарли пул сарфлаш, маҳсулот ва хизматларни сотишдан олинадиган пул оқимларини режалаштириш имконини беради ва келажакда корхонада камомад ёки ортиқча маблағ мавжудлигини тахмин қиладди. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналар тўғрисида 2022 йил 25 январь ҳолатига кўра 528,929 ни ташкил этади. (1-

расм).



1-расм. Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона сони(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз, 1 январь ҳолатига кўра)²

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фаолият кўрсатаётган корхоналар сонининг ўсиши 10 % ни ташкил этган. Корхоналар сонининг энг юқори ўсиши Қашқадарё ва Самарқанд (17 %), энг паст кўрсаткич Сирдарё (3%) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (9%) кузатилди (2-расм).




2-расм. Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сонининг ўзгариши (% да, деҳқон ва фермер хўжаликларисиз, 1 январь ҳолатига кўра)³

3-расмдан кўриниб турганидек, иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сонинг энг юқори ўсиши савдо соҳасида 19% , қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 13%, энг паст кўрсаткич ташиш ва сақлаш 5% тармоқларига тўғри келади.

² stat.uz. маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.



3-расм. Иқтисодий тармоқлари кесимида фаолият юритаётган корхона ташкилотлар сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз, 1 январь ҳолатига кўра)⁴

2022 йил январь-июнь ойларида республикада 56,1 мингта корхоналар янги ташкил этилди, шундан кичик корхона ва микрофирмалар сони 54,0 мингтани ташкил этди. 2022 йил 1 июль ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 9014 ташкил этди. Ўтган йилга нисбатан корхоналар сонининг ўсиши 43,2% ни ёки 2720 тани ташкил этди. Улардан 4618 таси қўшма корхоналар, 4396 таси хорижий корхоналар. 2022 йилнинг февраль ҳолатига республикамизда рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 13,8 мингтани ташкил этиб, улардан 13,4 мингтаси фаолият юритмоқда. Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1474 тага ошган. Хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони давлатлар кесимида кўриб ўтилса, Россия билан 2 313 та, Хитой биргаликда 1 948 та, Туркия корхоналари билан ҳамкорликда 1 912 та, Қозоғистон ва Корея 1000 тага яқин хорижий капитал иштирокида янги корхоналар ташкил этилган.

Корхоналарда бизнес жараёнларини моделлаштириш - корхоналарда бизнес жараёнларни ўрганиш, ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш; молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар учун турли хил маълумот манбаларини таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш; мавжуд молиявий-иқтисодий рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш; микро, макро ва мезо даражадаги асосий молиявий кўрсаткичлар динамикасини прогноз қилиш ва асослаш; кенг қамровли таҳлил асосида корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва самарадорлигини баҳолаш; корхонанинг жорий, қисқа ва узоқ муддатли молиявий барқарорлигини баҳолаш; корхона фаолиятига қўллаш учун ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни таклиф қилиш; ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини молиявий-иқтисодий рискларни ва ноаниқлик омилни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш; рискларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш учун корхоналар фаолиятида молиявий-иқтисодий рискларни аниқлаш ва ўрганиш; корхонанинг молиявий барқарорлиги муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва ноаниқлик омилни ҳисобга олган ҳолда уни таъминлашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш учун энг кучли ва самарали восита ҳисобланади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Корхона фаолиятини молиявий моделлаштириш қўйидаги муаммоларнинг ягона ечимини таъминлайди:

- корхонанинг режалаштирилган тадбирларнинг пул оқимларини симуляция қилиш ва корхонанинг келажакдаги молиявий ҳолатини баҳолашга имкон беради;
- корхонанинг молиявий ресурслари шаклланиши ва мақсадли сарфланишини таъминлайди;

⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

- корхона хатарларни таҳлил қилиш ва уларни бошқариш тизимини яратиш учун асос бўлади;
- доимий таҳлилий ишларни ёки лойиҳа вариантларини ҳисоблаш имконини беради;
- сезиларли даражада номақбул вариантларнинг олдини олиш ва истиқболсиз инвестиция лойиҳаларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради.

Молиявий ҳолатни моделлаштиришнинг мақсади унинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш маълумотлари асосида корхона фаолиятини ривожлантириш вазиятларини ишлаб чиқишдир. Бинобарин, молиявий ҳолатни моделлаштириш жараёнида ишлаб чиқилган моделларнинг сифат кўрсаткичлари тўлиқ корхонанинг бухгалтерия молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида амалга оширилади.

Молиявий модел ёрдамида корхонани бошқариш учун катта аҳамиятга эга бўлган иқтисодий хусусиятлар, молиявий муносабатлар, таркибий ва функционал параметрларни ўрганиш учун бошқарув предметиға аниқлик киритилади.

Бундан ташқари, молиявий моделлаштириш воситаси ёрдамида потенциал хавф майдонларини таҳлил қилиш, сабабларини аниқлаш учун зарур. Молиявий моделлаштиришда аналитик ишлар доимий равишда олиб бориш асосида корхонанинг ривожланиш дастурини осон ва тез ўзгартириш киритиш имконини беради.

Адабиётлар/Литература/Reference:

- Bastable Ch.F. (1903) Public Finance. 3-th ed. N. Y.: Macmillan&Co.
- Bhala V. K. Financial Management and Policy. 5-th ed. New Delhi: Anmol Publications, 2006.
- Ensiklopediya (2013) O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi, Давлат илмий нашриёти, 702 бет / Encyclopedia (2013) National Encyclopedia of Uzbekistan, State Scientific Publishing House, 702 pages
- Gomez C. (2008) Financial Markets, Institutions and Financial Services. — New Delhi: Prentice-Hal.
- Fabozzi F. J.ruen, Drake P. P. Finance: capital markets, financial management, and investment management. — New Jersey: John Wiley&Sons, 2009.
- Khan M.Y., Jain P.K. (2004) Financial Management: Text, Problems And Cases. New Delhi: McGraw-Hill.
- Вахобов А., Улмасов А. (2014) Иқтисодиёт назарияси, Тошкент "Иқтисод-молия"; / Vakhobov A., Ulmasov A. (2014) Economic Theory, Tashkent "Economics and Finance";
- Ведмедь И.Ю. (2021) Понятие и сущность финансового моделирования // Современные научные исследования и инновации. № 10 [Электронный ресурс]. / Vedmed I.Yu. (2021) The concept and essence of financial modeling // Modern scientific research and innovation. No. 10 [Electronic resource].
- Власов М.П., Шимко П.Д. (2005) Моделирование экономических процессов., Ростов-на-Дону. «Феникс». стр.59 / Vlasov M.P., Shimko P.D. (2005) Modeling of economic processes., Rostov-on-Don. "Phoenix". page 59
- Мельников Г.И. (2013) Финансовое моделирование как способ оценки финансового состояния компании., «Экономика и бизнес», стр. 33 / Melnikov G.I. (2013) Financial modeling as a way to assess the financial condition of a company., Economics and Business, p. 33
- Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е. Б. (2006) Современный экономический словарь. М.: ИНФРА-М, 495 с. / Raizberg B.A., Lozovsky L.Sh., Starodubtseva E.B. (2006) Modern Economic Dictionary. M.: INFRA-M, 495 p.
- Темур тузуклари (2014) Т.: "Ўзбекистон", Б. 109. / Temur's Statutes (2014) T. : "Uzbekistan", 109 pages.
- Тўхтиев И. (2006) Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати.- Т.: "Ўзбекистон", Б.32. / To'xtiev I. (2006) Financial and monetary policy of Amir Temur and Temurids.- T. : "Uzbekistan", P.32.
- Энциклопедия (2019) Научное издательство «Большая Российская энциклопедия», стр. 729 / Encyclopedia (2019) Scientific publishing house "Great Russian Encyclopedia", p. 729
- Шеметев А.А. (2016) Лекции по теории финансов, ФинСофт.РФ, Санкт-Петербург. / Shemetev A.A. (2016) Lectures on the theory of finance, FinSoft.RF, St. Petersburg.

Шевченко М.В., Фадеева Н.В. (2022) Моделирование финансового состояния на основе методов прогнозирования // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. № 1 (140). С.67-71 / Shevchenko M.V., Fadeeva N.V. (2022) Modeling the financial condition based on forecasting methods // Science and education: economy and economics; entrepreneurship; law and management. No. 1 (140). pp.67-71.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

т.ф.н., доцент Юсупов А.Р.

Тошкент давлат транспорт университети

т.ф.н., доцент Юнусов И.И.

Тошкент кимё-технология институти

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг асослари, йўлсозлик соҳасидаги қонунчиликнинг жорий ҳолати, йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, йўллар сифатини яхшилаш, транспорт воситалари ва йўловчиларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш йўналишида илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: йўл, ҳаракат хавфсизлиги, транспорт, пиёдалар, автомобил.

PROBLEMS AND SOLUTIONS TO ENSURE TRAFFIC SAFETY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

candidate of technical sciences, associate professor Yusupov A.R.

Tashkent State Transport University

candidate of technical sciences, associate professor Yunusov I.I.

Tashkent Institute of Chemical Technology

Annotation. This article provides scientific proposals and practical recommendations on the basics of traffic safety in the country, the current state of legislation in the field of road construction, improving road infrastructure, improving road quality, creating reliable conditions for safe movement of vehicles and passengers.

Keywords: road, traffic safety, traffic, pedestrians, cars.

1. Кириш.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда йўлсозлик соҳасини ривожлантириш, йўлларни халқаро талаблар даражасига келтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йўлсозлар томонидан замонавий йўл, йўл ўтказгич, кўприк, пиёдалар учун ер ости ва ер усти йўллари бунёд этилаётгани аҳолининг узоғини яқин қилиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси агентлиги, темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2021 йил 19 апрелдаги 337-сон қарори билан ташкил этилган Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси ўз ваколати доирасида комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудудий секторлар билан ҳамкорлик қилиш, юридик ва жисмоний шахслар томонидан автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш, шунингдек, йўл-қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга оид шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш, қурилиши тугалланган йўл объектларини фойдаланишга қабул қилиш комиссияларининг ишида иштирок этиш, автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг мурожаатларига асосан йўл объектларининг сифат кўрсаткичларини белгилаш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқда (Фармон, 2022).

Шу билан биргаликда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси ҳудудий бўлимлари томонидан йўл-қурилишида сифат назоратини олиб бориш жараёнида йўл-транспорт ҳодисаларининг ўчоқлари, у ердаги қатнов қисмининг носозликлари, пиёдалар йўлакчалари, сунъий ёритиш воситалари, йўл белгилари ва йўл чизикларининг мавжудлигига алоҳида эътибор берилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

Кенг, текис ва равон йўллар, замонавий ер ости ўтиш йўллари йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш, ортиқча вақт йўқотишининг олдини олиш баробарида, йўл ҳаракати билан боғлиқ нохуш ҳодисалар камайишига хизмат қилмоқда.

Йўл-транспорт ҳодисалари жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даври билан таққосланганда 28,4 фоизга камайди. Пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари 21,1 фоизга, хусусан, болалар иштирокидаги эса 34,8 фоизга камайди. Албатта, бу мамлакатимизда йўлларни халқаро меъёрлар даражасига келтириш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир (Abdunazarov ва б., 2020).

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз йўлсозлик соҳасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳайдовчиларнинг йўл билан боғлиқ сарф-харажатларини кескин қисқартириш, йўловчилар узоғини яқин қилиш, айниқса, хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш баробарида, атмосферага заҳарли газлар чиқишининг олдини олиш, бинобарин, табиат мусавфолигини асрашга хизмат қилмоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларига жуда кўплаб илмий тадқиқотлар бағишланган. Транспортда аварияларнинг олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларига бағишланган қатор ишларда транспорт воситасини бошқараётган инсоннинг ҳайдовчилик маданияти юқори даражада бўлиши асосий сабаблардан бири деб кўрсатилган. Шу билан бирга мамлакатдаги инфраструктура ҳолати ҳам ҳаракат хавфсизлигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиши маҳаллий олимларимиз томонидан илмий-тадқиқот ишларида ёритилган. Хусусан, Абдуназаров ва бошқалар (2020), Микусова ва бошқалар (2020), Содиков (2018) ва бошқалар йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида кўплаб изланишларини олиб борганлар.

Абдуназаров (2020): "Шаҳарларнинг автомобиллар, айниқса енгил автомобиллар билан тўйинганлиги шаҳар кўчалари тармоғининг ҳаддан ташқари тегилиб қолишига, транспорт тезлигининг пасайишига ва йўл ҳаракати хавфсизлиги шароитларининг ёмонлашишига олиб келади. Тарихий ривожланган йирик шаҳарларнинг транспорт қийинчиликлари уларнинг катта транспорт оқимларидан ўта олмасликлари билан мураккаблашади. Ўзбекистон Республикасининг йирик шаҳарлари бундай қийинчиликларни бошдан кечирмоқда, улар яқин келажакда маҳаллий ишлаб чиқарилган жуда кўп сонли автомобиллар билан учрашишга тайёр бўлиши керак," деб таъкидлаган.

Азизов (2012) бундан 10-15 йил муқаддам ўз тадқиқотларида "Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётининг ҳозирги босқичида "модел" ни танлаши йирик шаҳарларнинг ривожланиши" ўз вилоят марказларини ривожлантиришнинг асосий усули сифатида республиканинг бир қатор шаҳарлари - Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Андижоннинг жадал ривожланиши натижасида яқин келажакда Тошкент шаҳрига хос бўлган транспорт муаммолари мажмуасига дуч келади," деб фикр билдирган.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда йўл ҳаракатини тартибга солиш бўйича мавжуд бўлган илмий изланишларни ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни таҳрирлаш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Биринчи автомобиль пайдо бўлганидан буён (1768 й.) фан ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан ҳаракатланадиган транспорт воситасини оммавий ишлаб чиқариш

йўлга қўйилди. Бугунги кунга келиб дунё бўйича ҳар йили **етмиш миллионга** яқин энгил автомобиллар сотилмоқда ва умумий автомобиллар сони **бир миллиардан** ошиб кетган.

Сўзсиз, автомобилнинг борлиги ҳаётимизда ва ҳаракатланишимизда қулайлик яратади. Лекин, транспорт воситалари паркиннинг ўсиши жиддий салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. 1896 йилда биринчи йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганидан буён шу нарса маълум бўлдики, автомобилдан фойдаланишда асосий муаммолардан бири бу йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТХ)дир (Sodikov, 2018).

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (2015) маълумотарига кўра, ҳар йили дунёда **1,35 миллион** киши йўл транспорт ҳодисаси оқибатида ҳалок бўлади ва **50 миллиондан** ортиқ киши тан жароҳати олади. Охириги **ўн йилларда** рўй берган ЙТХларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Республикамизда бир йилда **10 минга** яқин ЙТХлар рўй бериб, уларда **2 мингдан** зиёд киши ҳалок бўлмоқда ва **11 мингга яқин** киши тан жароҳати олмақда.

Ўзбекистон аҳолиси 2022 йил 1 январь ҳолатига **36 миллион** кишини, транспорт воситаларининг сони эса **3,6 миллионни** ташкил этиб, ҳар **10 нафар кишига 1 тадан автомобиль** тўғри келмоқда. Бу эса аксарият фуқаролар йўл ҳаракати жараёнида бевосита ҳайдовчи, йўловчи ва пиёда кўринишида иштирок этишини кўрсатади.

Республикамиздаги мавжуд ички хўжалик йўллари транспорт қатнови хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолига қулай шароит яратиш мақсадида қишлоқларда яроқсиз ҳолга келган йўллар босқичма-босқич реконструкция қилиниб, тош-шағал, асфальт-бетон, цемент-бетон ва қора қопламали замонавий йўлларга айлантирилмоқда. Президентимизнинг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 2 апрелда ПҚ5048-сон қарори бу борада муҳим дастурий амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қарор билан автомобиль йўлларининг йўл қопламалари ҳолатини зарур даражага келтириш, уларни эксплуатация қилиш хусусиятларини ошириш орқали йўл-транспорт инфратузилмаси янада такомиллаштирилиши назарда тутилган. Бу билан, айниқса, қишлоқ жойларда қулай шароитлар яратиш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини истиқболли ривожлантириш мақсад қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги 2010 йил 5 августдаги 169-сон қарори асосида умумфойдаланиш автомобиль йўлларида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 2 апрелда ПҚ5048-сон қарори асосида ички хўжалик йўлларида ўтказилган хатловларга асосан бугунги кунда республикамиздаги автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 209496 километрни ташкил этмоқда. Шундан 42869 километри умумфойдаланиш автомобиль йўллари ва 141882 километри ички хўжалик автомобиль йўллари ва 24745 километри идоравий йўллардан иборат. Автомобиль йўлларининг ҳудудлар бўйича узунлиги 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал.

Автомобиль йўлларининг ҳудудлар бўйича узунлиги

Ҳудуд номи	Жами (км.)	Умумфойдаланиш автомобиль йўллари (км.)	Шу жумладан (км.)			Ички хўжалик йўллари (км.)	Идоравий йўллари (км.)
			Халқаро аҳам. (км.)	Давлат аҳам. (км.)	Маҳаллий аҳам. (км.)		
Республика бўйича	209496	42869	3993	14203	24673	141882	24745
ҚР	12388	4260	664	992	2604	8128	
Андижон вил.	13346	2463	103	800	1560	10883	
Бухоро вил.	15344	4012	540	1155	2317	11332	
Жиззах вил.	9354	2601	168	1431	1002	6753	
Қашқадарё вил.	21677	3427	425	890	2172	18190	
Навоий вил.	9456	4017	302	2490	1225	5439	
Наманган	14011	3377	111	1048	2218	10634	

	вил.							
	Самарқанд вил.	21903	4097	385	979	2733	17806	
0	Сирдарё вил.	5214	1450	259	505	686	3764	
1	Сурхондарё вил.	16170	2843	351	990	1502	13327	
6	Тошкент вил.	14219	4016	367	1241	2408	10203	
3	Фарғона вил.	19950	4031	193	873	2965	15919	
4	Хоразм вил.	8939	2141	125	735	1281	6798	
5	Тошкент шаҳ.	2780	74	-	74	-	2706	
	Идоравий йўллар	24745						

Бу йил мазкур дастурлар доирасидаги ишларга жами 21 триллион сўм йўналтирилиши белгиланган. Шунингдек, 2 минг 721 та маҳалладаги 10 минг километрдан ортиқ ички йўлларни таъмирлашга 2 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган.

5. Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларимизни йўл ҳаракати жараёнида нохуш ҳодисаларга тушиб қолмаслик чораларини кўриб, қўйидаги тадбирларни амалга ошириш лозимдир:

I. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш йўналишида:

- Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун йўл ҳаракати иштирокчиларининг жавобгарлигини кучайтириш;

- Илғор хориж тажрибасини (ХХР, Грузия, ГФР, Буюк Британия, Франция, Австрия ва бошқа давлатлар) ҳисобга олиб, ҳайдовчиларни жавобгарликка тортадиган ва рағбатлантирадиган замонавий балли тизимни жорий этиш (WHO, 2013);

- Пиёдаларни Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш ва амалга тадбиқ этиш;

- Автомобиль йўлларида транспорт воситаларини тўхтатиш ва махсус тадбирлар ўтказиш учун тартиб ва асосларни такомиллаштириш;

- «Хавфсиз шаҳар» лойиҳасини ҳисобга олган ҳолда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг норматив механизмини жорий этиш;

- Йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш ва унда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни назарда тутиш;

- Транспорт воситаларини мажбурий тарзда техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш;

II. Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, йўллар сифатини яхшилаш, транспорт воситалари ва йўловчиларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш йўналишида:

- Жамоат транспортдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш асосида барчага хавфсиз, арзон, қулай ва экологик барқарор транспорт воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

- Транзит ва давлат ичкарасида ташиш учун мақбул шарт-шароитлар яратилишини назарда тутган ҳолда халқаро автомобиль йўлларининг инфратузилмасини такомиллаштириш;

- Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг йўл-кўча тармоғи тизимини такомиллаштириш ва бунда йўл ҳаракати хавфсизлиги даражасини оширилишини назарда тутиш. (барча кўчаларга сунъий ёриткичлар ўрнатиш, йўл ўтказкичлар ва ер усти пиёдалар ўтиш жойларини, пиёда ва велосипед йўлакларини куриш, етарли даражада йўл белгилари,

йўл чизиқлари ва йўл тўсиқлари ва светофорлар билан билан жихозлаш чорларини кўриш);

- Йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши хавфи юқори бўлган автомобиль йўллари участкаларини аниқлаш ва у ерларда йўл инфратузилмасини ривожлантириш;

- Йўл-транспорт ҳодисалари кўп рўй берадиган автомобиль йўллари участкаларида йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳат олганларга зудлик билан қисқа муддатларда тез тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

- Белгиланган тезликни камайтириш орқали содир этиладиган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга доир чора-тадбирларни такомиллаштириш;

- Автомобилларни ишлаб чиқариш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали замонавий хавфсизлик тизимлари (ишлаб чиқилаётган барча автомобилларни хавфсизлик ёстикчалари, видеорегистраторлар, тезлик оширилганда овоз чиқарувчи, ЙТХ рўй берганда тез тиббий ёрдамга хабар берувчи мосламалари) билан жихозлаш чораларини кўриш;

- Носоз транспорт воситаси томонидан йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш (эскириб, хизмат вақтини ўтаб бўлган автомобиллардан фойдаланишни тақиқлаш чораларини кўриш ва ҳақозо);

- Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг интеллектуал тизимлари (йўл ҳаракатини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари, транспорт воситаларининг оқимига қараб автоматик равишда бошқарувчи "ақлли" светофорлар тизими)ни жорий этиш;

- Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантиришда Давлат-хусусий шерик механизмларини жорий этиш;

III. Йўл ҳаракатининг барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини ва зарур малакасини ошириш, уларнинг интизомини мустаҳкамлаш йўналишида:

- Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ўқитиш тизимини ислоҳ қилиш;

- Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтихон жараёнида одам омилини камайтириш чораларини кўриш;

- Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш;

- Жамоатчилик ва фуқаролик жамияти вакилларини йўл ҳаракати хавфсизлигига доир ташвиқот-тарғибот чора-тадбирларига кенг жалб қилиш;

- Илғор хориж тажрибасини таҳлил қилиш асосида суғурта компанияларини йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилишга жалб қилишнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш, шунингдек, мобил алоқа ва реклама компаниялари операторларини йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тадбирларни тарғиб қилишга жалб қилиш;

- Йўл-транспорт ҳодисалари энг кўп юз берадиган умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг ташвиқот воситалари (реклама-ахборот плакатлари, шитлар)ни ўрнатиш;

- Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини оширишга қаратилган ижтимоий роликлар тайёрлаш ҳамда республика ва маҳаллий телеканаллар эфирларида намойиш этиш;

- Мактаб ўқувчиларида хавфсиз ва қонунга итоаткор хулқ-атвор бўйича билим, маҳорат ва кўникмаларни шакллантириш.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Abdunazarov J., Azizov K., and Shukurov I. (2020) "Method of Analysis of the Reasons and Consequences of Traffic Accidents in Uzbekistan Cities," vol. 10, no. 4, pp. 483–490.

Abdunazarov J. (2019) "Modelling of the Movement of Designed Vehicles on Parking Space for Designing Parking," Dev. Transp. by Telemat.

Brasilia Declaration Second Global High-level Conference on Road Safety: Time for Results Brasilia (2015) November 18–19. Google Scholar

Mikusova M., Abdunazarov J., Zukowska J., Usmankulov A. (2020) Transport, "Designing of parking spaces taking into account," vol. 4205, pp. 31–41.

Sodikov Jamshid (2018) "Road Traffic Accident Data Analysis and Visualization in R," *Int. J. Civil, Struct. Environ. Infrastruct. Eng. Res. Dev.*, vol. 8, no. 3, pp. 25–32, doi:10.24247/ijcseierdjun2018

WHO (2013) *Behavioural Adaptation and Road Safety, Theory, Evidence and Action* CRC Press, Boca Raton Google Scholar

Азизов К. (2012) *Основы организации дорожного движения*, 2nd ed. Ташкент: Фан ва технология. / Azizov K. (2012) *Fundamentals of traffic management*, 2nd ed. Tashkent: Fan Wa Technology.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 28.01.2022 ПФ-60-сон / Decree (2022) of the President of the Republic of Uzbekistan "on the development strategy of the new uzbekistan for 2022-2026" dated 28.01.2022 DP-60.



АҲОЛИНИНГ ФАРОВОНЛИГИ ОШИРИШДА БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Юсуфалиев О.А.

Гулистон давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада аҳоли фаровонлигини таъминлашда бандлик масалалари, аҳолининг бандлигини таъминлашда тадбиркорликнинг ўрни, бандликни таъминлаш борасидаги муаммолар, аҳоли турмуш даражаси ва аҳолини иш билан таъминлашга оид муаммоларни илмий асосланган тарзда таҳлил қилинган. Ва муаммоларни ҳал этиш бўйича хулоса ва таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Аҳоли, фаровонлик, тадбиркорлик, кредит, ишсизлик, аҳоли турмуш даражаси, аҳоли даромадлари, меҳнат ресурслари, хизмат кўрсатиш, малака, таълим, кабга ўқитиш, кадрлар тайёрлаш, салоҳият.

TOPICAL ISSUES OF EMPLOYMENT IN IMPROVING THE WELFARE OF THE POPULATION

Yusufaliev O.A.

Gulistan state university

Annotation. In this paper, the problems of employment in ensuring the welfare of the population, the role of entrepreneurship in ensuring the employment of the population, the problems of employment, the level of life of the population and the problems related to the employment of the population are analyzed in a scientifically based way. And the conclusions and suggestions on the solution of the problems mentioned.

Keywords. Population, prosperity, entrepreneurship, credit, unemployment, standard of living of the population, income of the population, labor resources, service, qualification, education, training in the job, training of personnel, capacity.

1. Кириш.

Аҳоли бандлигини таъминлаш аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилидир. Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев (2022) таъкидлаганидек: "...Биз амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади".

Ушбу ўзгаришлар дастлаб меҳнат муносабатлари орқали намоён бўлиб, меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантириш заруратини келтириб чиқарди. Ушбу бозор фаолиятини ривожланиши аҳолининг иш билан бандлик муаммоларини ечишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимизда меҳнат бозорини шакллантириш жараёнида "Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1996) ҳамда "Аҳоли бандлиги тўғрисидаги" қонунлар (2021) муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади. Келтириб ўтилган меъёрий ҳужжатлар аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда уларнинг бандлигини таъминлашнинг муҳим асосини ташкил этади.

Ўзбекистонда меҳнат бозорини янада ривожлантириш, мавжуд инсоний ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлаш долзарб вазифалардан эканлиги шубҳасиздир.

Меҳнат бозорини самарали амал қилиши жараёнида фуқароларнинг фаол меҳнат билан банд бўлиши энг муҳим омиллардан биридир. Зеро, жамиятнинг иқтисодий

жиҳатдан ривожланиши фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқарилиши билан белгиланади.

Ўзбекистон меҳнат бозорига тегишли муаммолардан – ишсизлик муаммоси ва унинг оқибатида вужудга келадиган турли ижтимоий, иқтисодий ва социал муаммолардир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудий ва иқтисодий муаммолари билан бевосита боғлиқ ишсизлик муаммоси турли даврларда ҳар хил ечимни топган. Иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлик йўли билан идора қилиш даврида аҳолининг тўла иш билан бандлиги, ҳар бир шахснинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлиши зарурлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, меҳнат қилмасликнинг ўзи ҳуқуқбузарлик саналган, яъни мажбурий меҳнат жорий этилган эди ва бу ҳол инсон ҳуқуқларининг қўпол тарзда бузилиши кўринишларидан бири эди. Ўша пайтда иқтисодиётда ҳукмрон бўлган давлат секторига тааллуқли корхоналарда, асосан шаҳарларда меҳнат ресурсларига бўлган талаб, меҳнат ресурсларига таклиф ҳисобга олинмаган ҳолда иш жойлари сунъий равишда барпо этилар, бунинг натижасида ғайритабиий вазият юзага келарди. Жумладан, шаҳарда малакали ишчи кучи мунтазам етишмагани ҳолда қишлоқларда меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми жамланган бўлиб, иш билан таъминлаш соҳасида ўткир муаммоларни юзага келтирар, меҳнат ресурсларидан ноқилона ва исрофгарчилик билан фойдаланишга, меҳнат унумдорлигининг жуда паст бўлишига олиб келар эди. Шунинг учун ҳам аҳолининг бандлик муаммосини ҳал этиш долзарбдир.

2 Адабиётлар шарҳи.

Мавзу доирасида меҳнат ресурсларини миграцияси, уларга яратилиши лозим бўлган шарт шароитлар (яшаш ва ишлаш ҳуқуқлари) ва қисқа, ўрта ҳамда узоқ муддатли шартномаларнинг, иш стажи, кадрлар айланмаси даражасининг ишлаб чиқаришга таъсири бўйича Altorjai томонидан олиб борилган тадқиқотда кўриш мумкин. Меҳнат бозори сифат хусусиятининг энг муҳим мезони уни инфратузилмасининг ривожланиш даражаси эканлигини ва бу инфратузилга аҳоли бандлигини таъминлашда ричаг вазифасини бажариб аҳолининг бандлигини таъминлашда кўмаклашади дея айтиб ўтган¹.

Смит (1977) томонидан халқларнинг бойлиги моҳияти ва сабабларини ўрганиш аҳолининг бандлигини таъминлашнинг асоси, Хизрич ва Питерс (1991) томонидан тадбиркорликни ривожлантириш омиллари, тадбиркорлик фазилатларини баҳолаш усуллари ёрдамида аҳолини бандлигига кўмаклашиш атрофлича ўрганилган ва керакли таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Самсонов (1994) фикрича, Тадбиркорлик - миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини, аҳолининг бандлигини таъминлашнинг энг йирик бўғини, доимий янгилашга ва такомиллашга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуидир деб таърифлаган.

Кирьяков, Максимов (2002) тадқиқотларида замонавий илм-фан ютуқлари инновацион тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришнинг янги усуллари ва касбларни яратиш бандлик масаласини ҳал қилишда янги имкониятларни очади дея муҳокама қилинади.

Кошелева (2009) илмий изланишларида бизнес соҳасида инновацион жараёнларнинг ўрни иқтисодий жиҳатдан баҳолайди. Макроиқтисодий даражада инновацион муҳитни шакллантиришда кичик инновацион корхоналар, инновацияларни ташкил этиш ва инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишни аҳолининг бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида эътироф этилади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Абдуллаев ва бошқалар (2003) аҳоли бандлигини таъминлашда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланишининг бошқарув тамойилларига эътибор қаратадилар. Бошқарув тамойилларида асосий устуворлик инновацион жараёнларга асосланган маҳсулотлар ассортименти, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг стратегик имкониятлари ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш режасига боғлиқлиги қайд этилади.

Жўраев, Каландаров (2019) тадқиқотларида меҳнат фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантиришни стратегик жараёнларига устуворлик берилади.

¹ <https://memoryproject.online/baroness-eva-balintitt-nee-baroness-eva-apor-de-altorjai/>

Бизнинг фикримизча аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг расмий ёки норасмий секторда бўлса ҳам бандлигини таъминлаш, ўзини-ўзи бандлигини таъминлашни рағбатлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоядаги қатламини ҳам меҳнат билан бандлигини таъминлаш мамлакатнинг иқтисодий ўсишига ва ҳар бир оиланинг, аҳолининг фаровонлик даражасини оширишда кўмаклашади.

3. Тадқиқот методологияси.

Илмий тадқиқот давомида мақолада аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил, аҳоли бандлигини таъминлашда тадбиркорликни ривожлантириш унинг аҳоли фаровонлигига таъсири ўрганилган. Тадқиқотимизда, қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммонинг ечимига олиб борувчи асосий йўналишлар белгиланган. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистонда аҳолининг бандлик даражаси мисол қилиб олинган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш фаровонлигини ошириш борасида бошланган ислохотлар ўз самарасини кўрсатиб, юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ҳар бир аҳоли ўз ҳаётида бўлаётган ўзгаришларни оилалари мисолида яққол ҳис қилишмоқда. Буни биргина жойларда сайловчилар билан ўтказиладиган юзма-юз мулоқотларда кўтариладиган бандлик, ижтимоий хизмат турларининг пастлиги, электр энергияси, ичимлик суви ва ички йўллар каби айрим турдаги аҳоли муурожаатлари сони камайганлигида ҳам кузатиш мумкин.

Бунда эса, албатта аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Таҳлилларга қаралса, 2017-2020 йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш учун қариб 3 миллионга яқин доимий иш ўринлари яратилган². Шунингдек, ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги орқали субсидия ва грандлар, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида бўлганлар фуқаролар учун имтиёзли кредитлар доимий равишда ажратиб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, аҳоли бандлигини таъминлашда жойларда хизматлар соҳасининг ривожланиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан, ҳам даладимиз раҳбари бошчилигида жойларда хизматлар соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратиб келинмода. Жумладан, 2021 йилнинг 11 май куни қабул қилинган Президентимизнинг “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан хизматлар соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича ўз ечимини кутаётган муаммоли масалаларни ҳал қилиш, мазкур йўналишда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилган эди.

Ўтган қисқа вақт давомида иқтисодий ўсишни таъминлашда хизматлар соҳасини муҳим драйверга айлантириш ва 2023 йилга қадар хизматлар ҳажмини икки бараварга ошириш, аҳолига тайёр бизнес режалар ва лойиҳалар тақдим этиш, уларни касбга ўқитишдан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишгача бўлган босқичларни қамраб олувчи “комплекс хизматлар” кўрсатишни ташкил этиш борасида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ишлари бошлаб юборилди.

Эътиборлиси, ушбу турдаги ишлар самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асослари ҳам такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, 2021 йилнинг 30 сентябрь куни яна бир муҳим ҳужжат – “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилиниб, пандемия даврида умумий овқатланиш, савдо, туризм, транспорт соҳалари учун берилган имтиёзлар муддати узайтирилди.

Натижада, 2021 йилда 18 триллион сўмлик 29 мингта лойиҳа амалга оширилиб, хизматлар соҳасида 20 фоиз ўсишга эришилди. Аммо мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини

² www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси

таъминлаш борасидаги ислохотларга нисбатан эришилган натижа билан қаноатланиб бўлмайди.

Шу боисдан, хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалари сифатида, хизматлар соҳасини кенг ривожлантириш, фойдаланилмаётган имкониятларни тўлақонли ишга солиш масалаларини ҳал этиш лозим.

Хизматлар ва ҳунармандчиликда бандликни таъминлашда ҳам кўплаб туманларда ишлар қониқарсиз амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда 67 та фаолият тури ўзини ўзи банд қилиш шаклига ўтказилган. Бу ҳам аҳолига яратилган кенг имкониятлардан биридир десак хато бўлмайди.

Мамлакатимизда кенг қамровли статистик тадқиқот ўтказиш учун демографик омиллар, шунингдек, уларнинг меҳнат бозори ва аҳоли бандлигига таъсирини батафсил ўрганиш зарур. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «Янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш; меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш» бўйича муҳим йўналишлар белгилаб берилганлиги, мазкур вазифаларнинг бажарилиши республикаимизда демографик жараёнлар ва меҳнат бозори ўзаро боғлиқлигини статистик ўрганишни такомиллаштиришни талаб этади.

Ижтимоий-иқтисодий соҳанинг сифат жиҳатидан аввалгисидан тубдан фарқланувчи ҳар бир юксалиш поғонаси учун аҳолини иш билан банд қилишнинг белгиланган модели мос келади, сабаби унинг муҳим ўзига хослиги жамият фаолиятининг асосий мезонларини очиб беради. Аҳолининг иш билан таъминлаш ёки бандлик модели давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг белгиланган босқичидаги бандликни таъминланишнинг ўзига хослигини номоён қиладиган тасаввурлар, қарашлар тизимидир. Бу эса ўз навбатида, муайян вақт мобайнида ечилиши шарт бўлган мақсадларга эришишнинг реал имкониятлари билан чекланмайди. Меҳнат бозори статик эмас, динамик характерга эга бўлиб, унга сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий ва бошқа ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади. Аҳолини бандлигини ошириш ҳамда бу жараёнларни тартибга келтиришда бу омилларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф нисбатан ўзгариб туради.

1-жадвал.

Ишчи кучига меҳнат бозорида талаб ва таклифга таъсир қилувчи омиллар³

Омиллар:		
Меҳнат бозорига таъсир қилувчи омиллар	Ишчи кучига меҳнат бозорида бўлган талабга таъсир қилувчи омиллар	Ишчи кучи таклифига меҳнат бозорида таъсир қилувчи омиллар
аҳоли сони, уларнинг ёши ҳамда жинсининг салмоғидаги ўзгаришлар;	Республиканинг иқтисодий-ижтимоий ривожланганлик ҳолати;	демографик ҳолат (туғилиш ва ўлим даражаси, жинсий таркиби, аҳолининг ўсиши);
қўшимча ишчи- кучларини ишлаб чиқариш жараёнларига йўналтириш мезони;	ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашуви;	миграция (аҳоли ва меҳнат миграцияси);
иш билан бандликдаги тармоқ ва ҳудудий ўзгаришлар;	ишлаб чиқариш ҳажмига, унинг ўсиш суръатига;	Иқтисодий-ижтимоий омиллар (ишсизлик даражаси, иш ҳақи ҳолати, нафақа таъминоти);
меҳнат ресурсларини тартиб ва усулига.	иқтисодий соҳадаги умумий вазият ва шарт-шароитлар (иш берувчи (корхона, ташкилот)нинг даромад ҳолати, янги иш ўринларини ташкил этишдаги имтиёзлар).	давлат фаолияти (бандликни тартибга солиш).

³http://library.samdu.uz/files/ff6355c660b306bf363e27f8ded13313_ozbekiston_olimj_talim_muassasalarida_yuqori_malakali_mutaxassislar_miqdorini_aniqlash_zharayonini_takomillashtirish.pdf

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омили бўлган жами ишчи кучини тўлиқ сафарбар этиш ва фаоллигини ошириш муҳимдир. «Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради. Бу омилнинг кучи ва таъсири энг аввало, касбий малакаси ҳамда бошқа кўпгина шарт-шароитлар орқали шаклланади» Аҳоли бандилигининг таъминлаш объекти ва субъекти структуралари фаолиятининг ҳамоҳанглиги унга таъсир этувчи омиллар бирлигидан иборат мураккаб тизим бўлиб, унда статуслар ва роллар тақсимотига асосланган бирлик ўзининг жамоавий ўйин қоидаларига эга бўлиши. Ушбу мураккаб тизим ўзининг ўзаро ҳаракатида тартиблаштиришга ва келишилган фаолиятга мансуб бўлиб, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, самарали бошқариладиган механизмга эга бўлишни тақозо этмоқда.

Аҳоли бандлигини ошириш бўйича қилинган ишлар ўзининг ташқи омиллар асосида ривожланишдан жойларда ички инфратузилмалар орасида такомиллаштиришга, яъни Давлатнинг бандликка кўмаклашиш тузилмалари, жамоатчи ташкилотлар ва маҳаллий бошқарув органларининг ўзаро муносабатини мувофиқлашган ҳаракати ҳамда улар фаолиятини самарали ташкил қилиш ижтимоий механизмга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

5. Хулоса ва таклифлар.

Аҳолини иш билан таъминлаш, яъни бандлик масаласини илмий ўрганиш социологик, иқтисодий, психологик, ҳуқуқий каби таълимотларни такомиллаштириш учун хизмат қилиши билан бирга, миллий тараққиётни таъминлаш йўлида мавжуд ресурслардан манзилли фойдаланиш стратегиясини белгилаш имконини беради. Тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мамлакатимизда бандлик соҳасида «Ягона меҳнат» электрон ахборот тизими фаолиятини йўлга қўйишни тақозо этади, бунда миллий меҳнат бозори ва бандлик ресурслари баланси, ташкил этилаётган янги иш ўринлари, ишга жойлашишнинг шахсга доир тарихи, бўш (вакант) иш ўринлари бўйича маълумотларни бериб боришнинг холис ва янгиланган бориладиган базасини яратиш лозим.

2. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида педагог шахсини касбий компетентлигини таъминлашга нисбатан технологик ёндашувга эришиб, замонавий мутахассис-кадрлар тайёрлаш учун маънавий базани мустаҳкамлаб, таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш бирлашмалари орасида мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун, ишлаб чиқариш муассаса вакиллари таълим жараёнига жалб қилган ҳолда, амалий машғулотларни ишлаб чиқариш муассасаларида ташкил этиб, сифати даражасини баҳолашни йўлга қўйиш керак.

3. Бозор тамойилларига таянган иқтисодий ривожланиш жараёнларида бандликни ошириш учун маънавий сифатлар ва иқтисодий имкониятларга қараб ҳуқуқий меъёрларни белгилаш муқаррар тарзда давлат назорати остида олиб борилиши лозим.

4. Мамлакатимиз ёшларини қўшимча касбларни эгаллашга тайёрлаш учун ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда қўшимча чора-тадбирларни жорий этиб, ишлаб чиқариш – таълим муассасаси каби ҳамкорликни йўлга қўйишни тақозо этади. Бунинг учун, таълим социологияси йўналиши бўйича тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

5. Аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмини самарали ишлаши учун, дастлаб, амалдаги қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; статистик ҳисобот тизимни такомиллаштириш; меҳнат органлари фаолиятини ривожлантириш; иш билан бандликнинг ноанъанавий шакллари жорий этиш ва ўз-ўзини иш билан таъминлашни рағбатлантириш; иқтисодиётнинг реал тармоқларида янги стационар иш ўринлари яратиш; меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш; иш ҳақи тизимини такомиллаштириш; таълим тизимини такомиллаштириш ва уларнинг меҳнат органлари, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда иш берувчилар билан ўзаро алоқасини кучайтириш каби комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ва тегишли давлат дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

6. «Маҳалла - ишлаб чиқариш - бандлик маркази - оила - касбга тайёрлаш курслари - ишлаб чиқариш - ишчи - таълим муассасаси» каби муносабатлар концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида, иш билан бандликка кўмаклашиш марказларининг фаолиятини функционал тарзда ўрганиб,

ишсизликни индивид даражасида (етақчи мотивларнинг трансформациялашувини кузатилиши) ҳамда ижтимоий даражада (ижтимоий онг сатҳида кечаётган ўзгаришлар) кечишини социодинамик тарзда баҳолаб, ўз фаолиятларини олиб боришларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ишсизларни социал гуруҳларга ажратиб, уларни қобилият ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда, касбга қайта тайёрлаш ўқув курсларига юборишни институционал тарзда йўлга қўйиш лозим.

7. Бандлиги таъминланмаган, ишсиз қолган ёки ишидан ажралиб қолиш хавфи бор шахсларнинг иш қидиришларига қулайликлар яратиш мақсадида касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва улар учун ахборот-консалтинг марказлари хизматларини таклиф қилиш.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Абдуллаев А, Муфтайдинов Қ, Айбешов Х. (2003) Кичик бизнесни бошқариш. Дарслик. –Т., «Молия» нашриёти, 192 б. / Abdullaev A, Muftaydinov Q, Aybeshov H. (2003) Small business management. Daplik. - Т., "Finance" Publishing House, 192 p.

Жўраев Т.Т, Каландаров Р.А. (2019) Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг реал секторини инновацион тараққиётини таъминлаш. Илмий-оммабоп рисола.- Т., 52 б. / Jo'raev T.T, Kalandarov R.A. (2019) Ensuring the innovative exploration of the real sector of small business and entrepreneurship. Scientific-popular picola.- Т., 52 p.

Code (1996) Labor Code of the Republic of Uzbekistan. / Кодекс (1996) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси.

Кирьяков А.Г, Максимов В.А. (2002) «Основы инновационного предпринимательства». М.: Феникс, С. 160 / Kiryakov A.G., Maksimov V.A. (2002) "Fundamentals of innovative entrepreneurship". М.: Phoenix, p. 160

Кошелева Т.Н. (2009) Стратегическое развитие инновационных венчурных предприятий. СПб.: ГУАП, 236 с. / Kosheleva T.N. (2009) Strategic development of innovative venture enterprises. St. Petersburg: GUAP, 236 p.

Мирзиёев Шавкат (2022) "Аҳоли бандлигини таъминлаш долзарблиги". Халқ сўзи газетаси. №2 сон / Mirziyoyev Shavkat (2022) "The urgency of employment." People's newspaper. № 2.

Смит А. (1977) Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 480 с. / Smith A. (1977) Research on the nature and causes of the wealth of nations. Т.1.– М.: Os, 480 p.

Самсонов К. (1994) Элементы концепции экономической безопасности//Вопросы экономики. №12.-С.14; / Samsonov K. (1994) Elements of the concept of economic security//Problems of Economics. No. 12. p.14;

Хизрич Р., Питерс М. (1991) Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. М.: Прогресс, 223 с. / Khizrich R., Peters M. (1991) Entrepreneurship or how to start your own business and achieve success. Moscow: Progress, 223 p.

Қонун (2021) "Аҳоли бандлиги тўғрисидаги" / Law (2021) "On employment"

